




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FANLAR AKADEMIYASI



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI

**ISTIQLOL DAVRI O'ZBEK TILSHUNOSLIGI,  
ADABIYOTSHUNOSLIGI VA  
FOLKLORSHUNOSLIGINING DOLZARB  
MASALALARI**

RESPUBLIKA ILMIY-NAZARIY ANJUMANI  
MATERIALLARI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
O'ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI

Toshkent - 2021

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI**

**ISTIQLOL DAVRI O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI,  
ADABIYOTSHUNOSLIGI VA FOLKLORSHUNOSLIGINING  
DOLZARB MASALALARI**

**mavzusidagi respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari**

**Toshkent – 2021**

Ushbu to'plam O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti tomonidan 2021-yil 15-sentyabr kuni O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining o'ttiz yilligi munosabati bilan o'tkazilgan "Istiqloq davri o'zbek tilshunosligi, adabiyotshunosligi va folklorshunosligining dolzarb masalalari" mavzusidagi tilshunos, adabiyotshunos va folklorshunoslarning respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallaridan tashkil topgan.

To'plam materiallaridan filolog mutaxassislar, ona tili va adabiyoti o'qituvchilari hamda magistratura va bakalavriat talabalari foydalanishlari mumkin.

Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

#### **Tahrir hay'ati:**

<b>Mahmudov N.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti direktori, filol.f.d.
<b>Odilov Y.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti bo'lim mudiri, filol.f.d.
<b>Hamdamov U.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti bo'lim mudiri, filol.f.d.
<b>Turdimov Sh.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, filol.f.d.
<b>Ismoilov G'.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, filol.f.n.
<b>Qo'chqorova M.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, filol.f.d.
<b>Asadov M.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, filol.f.d.
<b>To'laganova S.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, filol.f.d.
<b>Imomnazarova Sh.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, falsafa doktori
<b>Musayeva F.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi, falsafa doktori
<b>Ahmedova A.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti ilmiy xodimi
<b>Allambergenov A.</b>	O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Yosh olimlar kengashi raisi

#### **To'plovchi va nashrga tayyorlovchilar:**

Ismoilov G'ulom Mirzayevich,  
Ahmedova Aziza Rustamovna,  
Imomnazarova Shahodatxon Xabibovna,  
Allambergenov Anvar Erkaboyevich.

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi O'zbek tili, adabiyoti va folklori instituti Ilmiy kengashining 2021-yil 27-sentyabrdagi 007-son qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

**UDK:** 811.512.133 (06.53)

811.111

811.521

82/821.0

## **ТИЛШУНОСЛИК**

### **ЙИЛЛАР САРҲИСОБИ: ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРАҚҚИЁТИ**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна\***

Мустақилликка эришилгач, мамлакатимизда олиб борилган оламшумул ислохотлар натижасида барча фан соҳалари каби ўзбек тилшunosлиги ҳам янги тараққиёт босқичига ўтди. Тилшunosлигимизга фаннинг замонавий йўналишлари ва тадқиқ усуллари кириб келди.

Истиқлол туфайли тилимиз “қоронғи кечадан кундузга кўчди” [Маҳмудов, 2017]. Ўзбек тилининг дунё миқёсидаги мавқеини кўтариш, уни тараққий эттириш мақсадида давлатимиз томонидан қабул қилинган қонун ва фармонлар ўзбек тилшunosлигида лингвистик таълимотнинг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, республикамыз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [Lex.uz] фармони миллий тилимиз равнақида муҳим воқеа бўлди.

Бу даврда ўзбек тили тадқиқига ёндашув тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида рус тилшunosлигининг грамматик қоидалари асосида яратилган назарий қарашлардан тамоман воз кечилиб, ўзбек тилини унинг ички қонуниятлари асосида илмий

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор.

ўрганиш йўлга қўйилди. Натижада бу тилнинг ўзигагина хос бўлган грамматик қоидалар ишлаб чиқилди. Жумладан, ўзбек тилида гапнинг грамматик қурилиши асосида эга ва кесим муносабатидан ташкил топган предикатив бутунлик эмас, балки грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган кесимнинг ўзи предикативликни ташкил қилиши илмий жиҳатдан асосланди. Тилшунослар тил ва нутқ бирликларининг фарқланиши, сўз ясалиши, морфема ва унинг турлари, грамматик категориялар таснифи, сўз туркумлари, гап бўлаклари типологияси, гапнинг қурилиш моделлари, қўшма гап ва унинг турлари, қўшма гапларда семантик-синтактик асимметрия ва бошқа масалалар бўйича мунозараларга киришиб, ўзбек тили табиатини ҳаққоний акс эттирувчи илмий-назарий қарашларни илгари суришди.

Мустақиллик туфайли устоз А.Нурмонов қайд этганларидек, “ягона фан методологиясига айланган марксистик таълимот занжиридан кутулиш ва оламни илмий билишда қўл келадиган дунёнинг энг яхши фалсафий таълимотларидан эркин фойдаланиш имконияти майдонга келди”. [Нурмонов, 2011:5-12] Натижада лингвистик тадқиқот методологияси такомиллашди, тилшунослигимизга янги тадқиқот методлари кириб келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек тили бирликларини системавий тадқиқ қилиш тамойилларига асосланган изланишларнинг сони кўпайди. Жумладан, А.Бердиалиевнинг “Ўзбек тили эргаш гапли қўшма гапларида синтаксис ва синтактик муносабатлар” (1993), Ҳ.Неъматов, Р.Расуловларнинг “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” (1995) асарлари; О.Бозоровнинг “Ўзбек тилида даражаланиш” (1995), Б.Менглиевнинг “Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар” (2002), А.Собировнинг “Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш” (2004), М.Абдиевнинг “Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари” (2004), Д.Набиевнинг “Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён

бўлиши” (2005) тадқиқотлари, А.Нурмоновнинг “Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари” (2006), “Структур тилшунослик” (2008), “Лингвистик белги назарияси” (2008) номли қатор асарлари; Ш.Раҳматуллаевнинг “Систем тилшунослик асослари” (2007) китоби ва бошқа шу каби ишларда **систем-структур йўналиш**нинг назарий асослари, таянч тушунчаларига тавсиф берилди, тил сатҳи бирликларини мазкур аспектда ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилди.

Кейинчалик “тилдай мураккаб ҳодисани фақат бир парадигма доирасидагина ўрганиш билан унинг моҳиятига етиш мушкул” [Маҳмудов, 2017:177] эканлиги англаб етилгач, ўзбек тили бирликлари **формал-семантик, формал-функционал йўналиш**ларда ҳам ўрганилди. Бунинг натижасида ўзбек тили бирликларининг семантик, функционал имкониятларини янада кенгроқ очиб берувчи А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаевларнинг “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (1992), Р.Сайфуллаеванинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма гапларнинг шакл-вазифавий (формал-функционал) талқини” (1993), Н.Турниёзов, К.Турниёзованинг “Функционал синтаксисга кириш” (2003), М.Миртожиевнинг “Ўзбек тилидаги гап бўлақларида семантик-синтактик номутаносиблик” (2008), “Ўзбек тили семасиологияси” (2010) каби формал-семантик, формал-функционал йўналишдаги йирик ишлар юзага келди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги хусусий тилшунослик муаммолари тадқиқи билан чегараланиб қолмади. Мазкур даврда **умумий тилшунослик масалалари, тил назариясига** бағишланган етук асарлар ҳам яратилди. Бу йўналишда олиб борилган самарали изланишлар натижасида Ҳ.Неъматов, Бозоровларнинг “Тил ва нутқ” (1993), Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис”) (1995), А.Нурмонов ва унинг издошлари томонидан яратилган “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология” (2001), Ш.Раҳматуллаевнинг “Тил қурилишининг

асосий бирликлари” (2002), Ж.Элтазаровнинг “Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув” (2004), Р.Расуловнинг “Умумий тилшунослик” (2005), М.Нурмонов, Ш.Искандароваларнинг “Умумий тилшунослик” (2007), И.Йўлдошев, Ў.Шариповаларнинг “Тилшунослик асослари” (2007), М.Ирискуловнинг “Тилшуносликка кириш” (2009), Ш.Сафаровнинг “Семантика” (2013) китоблари юзага келди.

Тилимиз тадқиқига янгича ёндашувлар самараси ўларок тилшунослигимизга **“семантик майдон”** тушунчаси кириб келди. Дастлаб тил бирликлари функционал-семантик майдонга бирлаштирилиб ўрганилди, унинг доирасида шахс, шарт, тўсиқсизлик, хурмат, даража, дейкис каби функционал-семантик майдонлар фарқланди (Х.Ҳожиева, 2001; Ш.Искандарова, 2007; Л.Элмуродова, 2013; А.Расулова, 2020; Р.Давлатова, 2020; А.Маткаримова, 2021), кейинчалик ассоциатив майдон (Д.Лутфуллаева, 2017; Б.Тожибоев, 2020), терминологик майдон (З.Урунова, 2021) турлари ажратилиб, майдон бирликларида кузатиловчи умумий ва хусусий белгилар аниқланди.

Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев, Н.Маҳмудов, С.Мўминовларнинг саъй-ҳаракатлари билан **ўзбек нутқ маданияти** соҳаси янада равнақ топди. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиевларнинг “Нутқ маданияти ва услубият асослари” (1992) китоби, С.Мўминовнинг “Маънавий қадриятлар: муомала сирлари” (1994), “Сўзлашув одоби” (1997), “Мулоқот мезони” (2004) асарлари ўзбек нутқ маданияти соҳасини назарий жиҳатдан бойитди. Н.Маҳмудовнинг “Ўқитувчи нутқи маданияти” (2007, 2009) китоби “ўзбек нутқининг бадиий-эстетик қуввати, кишининг энг нозик ҳис-туйғуларини ифодалай олиш қудратини бой фактик материаллар асосида намоён қилувчи ўхшаши йўқ асар” [Нурмонов, 2012:341] даражасига кўтарилди.

Мустақиллик йилларида **ўзбек тили ономастикаси** янада тараккий этди. Ёш тадқиқотчилар Э.Бегматов, Т.Нафасов,

С.Қораев, З.Дўсимовларнинг ономастика бўйича бой тажрибаларини ўзлаштириб, уларнинг ишларини давом эттиришди. Жумладан, Ш.Ёқубов (1994), Х.Саидова (1995), Н.Хусанов (1996), И.Худойназаров (1998), Р.Нуриддинова (2005) Т.Қурбонов (2006), Т.Эназаров (2006), Д.Юлдашева (2007), Р.Худойберганов (2008), Д.Анданиёзова (2017), Д.Тошева (2017), Г.Мамбетова (2018) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ономастик бирликлар: топоним, антропоним, зооним, теоним, гидронимларнинг ҳосил бўлиши, лингвистик хусусиятлари очиқ берилди. Бу соҳанинг ривожланишида, айниқса, Э.Бегматов самарали меҳнат қилди. Унинг “Жой номлари – маънавият кўзгуси” (1998), “Ўзбек исмлари” (2007), “Ўзбек тили антропонимикаси” (2013), “Исмларнинг сирли олами” (2014) китоблари ономастиканинг такомил учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ **лингвопоэтика** соҳасидаги тадқиқотларга қизиқиш кучайди. Ушбу соҳада олиб борилган изланишларда ўзбек тилида нафақат поэтик хосланган ифодалар, ҳатто терминлар ҳам бадий матнда услубий восита вазифасини бажара олиши илмий жиҳатдан асосланди. Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтиканинг тараққиётига Б.Умуркуловнинг “Поэтик нутқ лексикаси” (1990), И.Мирзаевнинг “Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста” (1992), Й.Солижоновнинг “XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси” (2003), Г. Муҳаммаджонованинг “80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи” (2004), М.Якуббекованинг “Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари” (2005), Д.Шадиёванинг “Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси” (2007), Б.Ўринбоевнинг “Ғафур Ғуллом асарларининг лингвопоэтикаси” (2008), М.Йўлдошевнинг “Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи” (2009), Г.Жуманазарованинг “Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси” (2012), Д.Анданиязованинг “Бадий матнда



ономастик бирликлар лингвопоэтикаси” (2017), Д.Жамолитдинованинг “Бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари” (2021) тадқиқотлари муносиб хисса бўлиб қўшилди.

Мустақиллик йилларида тилшунослигимизда **лингвопублицистика, медиалингвистика** йўналишларига асос солинди. Н.Маҳмудовнинг “Ўзимиз ва сўзимиз” (1997), “Маърифат манзиллари” (1999); А.Нурмонов, А.Собировларнинг “Озод ва обод ватан рамзлари” (1997) каби илмий-оммабоп асарлари лингвопублицистиканинг тақомилига хизмат қилди. А.Абдусаидовнинг “Матбуотда адабий нормага риоя қилиш муаммолари” (2001), “Газета жанрларининг тили ва услуги” (2001), “Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати” (2004) ҳамда Ш.Шомақсудова, М.Исроилнинг “ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара” (2018), Д.Тешабаева, Г.Бакиева, М.Исроилнинг “Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир” (2019) асарлари медиалингвистиканинг шаклланишига тамал тошини қўйди.

Ўтган асрнинг сўнги йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигига **антропоцентрик тилшунослик**нинг тадқиқ тамойиллари кириб келди. Эндиликда тилшунослигимизда тилни ундан фойдаланувчи шахснинг нутқий фаолияти, руҳияти, ижтимоий ҳолати, ёши, жинси кабилар билан боғлиқ ҳолда ўрганишга, тилнинг инсон нутқий фаолияти жараёнида кузатиловчи функционал имкониятлари тадқиқига жиддий эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасида ўтган асрнинг охирида тилни шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш методологиясига асосланган ва ўзига хос таҳлил усулларига эга антропоцентрик тилшуносликнинг турли йўналишлари ажралиб чиқди. Бугунги кунда когнитив тилшунослик, психоллингвистика, социоллингвистика, прагмаллингвистика, лингвокультурология, этнолингвистика, нейролингвистика каби мазкур йўналишлар ўз тадқиқ объекти, предмети, аниқ қўйилган мақсад, вазифалари, таҳлил усулларига эга. Мазкур

йўналишларнинг моҳияти, мақсади, вазифасидан келиб чиққан ҳолда тилшунослигимизда кўплаб изланишлар олиб борилди. Жумладан, У.Раҳимов (1994) ва З.Бурҳонов (2008)ларнинг ўзбек тилидаги юклама ва кўмакчилар пресуппозицияси тадқиқига доир ишлари; З.Тоҳировнинг “Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши” (1994); С.Мўминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” (2000), М.Ҳакимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини” (2004) тадқиқотлари, “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” (2013), “Прагмалингвистик тадқиқотлар тарихи” (2020) китоблари; Ш.Сафаровнинг “Когнитив тилшунослик” (2006), “Прагмалингвистика” (2008) асарлари; И.Азимованинг “Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи” (2008), Д.Худойбергеновнинг “Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини” (2015) мавзусидаги тадқиқотлари; Ш.Усмонованинг “Таржиманинг лингвомаданий аспектлари” (2015), “Lingvokulturologiya” (2019) китоблари; Д.Лутфуллаеванинг “Ассоциатив тилшунослик назарияси” (2017) асари, А.Пардаевнинг “Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси” (2017), Д.Рустамовнинг “Лексемалар миллий маданий ҳосланган семемасининг лингвомаданий аспекти” (2018), Ф.Усмановнинг “Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи” (2020), Ш.Махмараимованинг “Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект)” (2020), Б.Тожибоевнинг “Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи” (2020), Д.Ниязованинг “Бадиий матнда лисоний шахс типлари” (2020) тадқиқотлари; Д.Худойбергеновнинг “Тил. Тафаккур. Маданият” (2020) асари, Д.Юлдашевнинг “Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи” (2021) диссертацияси тил бирликларини

антропоцентрик тадқиқ тамойиллари асосида ўрганишга қаратилган ишлар сифатида аҳамиятлидир.

Туб бурилишлар даврида ахборот-коммуникация воситаларининг жадал суръатларда тараққий қилиши ўзбек тилшунослигида **компьютер лингвистикаси** йўналишининг шаклланишига туртки берди. Бу соҳанинг тадқиқ объекти, таянч тушунчалари ёритилди; долзарб муаммолари илмий жамоатчиликка тақдим этилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда А.Пўлатов, С.Муҳамедова (2007), Б.Йўлдошев (2007, 2009), А.Раҳимов (2011), Н.Абдурахмонова (2018), Д.Аҳмедова (2020)ларнинг компьютер лингвистикаси масалаларига бағишланган ишлари диққатга сазовор бўлди. Шунингдек, Д.Ўринбаева, Д.Қаршиевалар томонидан яратилган “Компьютер лингвистикасидан қисқача атамалар луғати” (2018), Н.Абдурахмонованинг “[Mashina tarjimasining lingvistik ta’minoti](#)” (2020) асари, “[Kompyuter lingvistikasi](#)” (2020) дарслиги ҳам бу соҳанинг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўтган 30 йиллик давр мобайнида тилшунослигимизда ўзбек тилининг деярли барча сатҳ бирликлари кенг қамровда ўрганилди. Жумладан, **фонетика ва фонология** соҳасида А.Нурмоновнинг “Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси” (1992), А.Абдуазизовнинг “Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси” (1992), А.Маҳмудовнинг “Унлилар” (1992), Ҳ.Жамолхоновнинг “Ўзбек тилининг назарий фонетикаси” (2009), М.Миртожиевнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга “Ўзбек тили фонетикаси” (2013) китоблари чоп этилди.

Истиқлол даврида **ўзбек тили лексикологияси ва фразеология масалалари** бўйича турли аспектларда тадқиқот ишлари олиб борилди. М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси” (2000) китобида бу соҳадаги долзарб муаммолар кўрсатиб берилди. М.Рустамовнинг “Лексика тили дивана Гадаи” (1992), Р.Зоҳидовнинг “Сабот ул-оғизин” асари лексикаси» (2001), А.Собировнинг “Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар

системаси тамойили асосида тадқиқ этиш” (2004), А.Омонтурдиевнинг “Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида (2009); Ш.Усманованинг “Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи” (2011), М.Қурбонованинг “Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи” (2014), Х.Жабборовнинг “Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси” (2017), Х.Дадабоевнинг “Ўзбек терминологияси” (2019) ва бошқа кўплаб тадқиқотларда ўзбек тили лексик бирликлари қиёсий-тарихий, систем-структур, социоллингвистик, прагматик аспектларда ўрганилди.

Фразеологиянинг долзарб муаммолари таҳлилига бағишланган қатор ишлар юзага келди. Жумладан, ака-ука А.Маматовларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” (1991), “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” (2000) мавзuidaги тадқиқот ишларида, Б.Йўлдошевнинг қатор асарларида (1993, 1999, 2002, 2013) фразеологизмларнинг функционал-услубий хусусиятлари очиб берилди. Ш.Усмонованинг тадқиқотида ўзбек ва турк тилларидаги соматик фразеологизмлар таҳлилга тортилди (1998); ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили, шаклий ва мазмуний моделлаштириш масаласи Ш.Алматова (2008), Ш. Ганиева (2017)лар тадқиқоларида ёритилди.

Тилшунослар **ўзбек тили морфемикаси, морфология ва сўз ясалишининг долзарб масалаларига** ҳам алоҳида эътибор қаратишди, бу соҳадаги мавжуд қарашларни бирма-бир ўрганиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилашди. Жумладан, Ё.Тожиев (1992), Т.Мирзакулов (1994)нинг морфемика масалаларига бағишланган китобларида ўзбек тилида морфема, унинг турлари бўйича илмий-назарий хулосалар берилди. Ж.Элтазаров (1996), Ш.Шаҳобиддинова (2000), И.Мадраҳимов (2005) тадқиқотларида сўзларни туркумларга ажратиш, грамматик категориялар таснифи масаласи ўртага ташланди,

сўзларнинг бир туркумдан бошқа туркумга кўчиши қонуниятлари ёритилди, сўз туркумларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг амал қилиши асослаб берилди. Р.Расулов (2005), С.Муҳамедоваларнинг (2007) тадқиқотларида ўзбек тилидаги феълларнинг маъно хусусиятлари, валентликлари ёритилди.

Морфемика, морфология ва сўз ясалиши масалалари, айниқса, А.Ҳожиёв (2010)нинг ишларида янги назарий қарашлар билан бойитилди. “У ўзининг қатор рисола ва мақолаларида морфемика сўзнинг нечта морфемадан ташкил топишини эмас, балки морфемаларнинг турини, ҳар бир турга хос хусусиятларни ўрганишини кўрсатиб берди”. [Нурмонов, Мадвалиёв, 2006: 494-501].

Мустақиллик йилларида **ўзбек тили назарий синтаксисид**а туб бурилиш юз берди. А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Аҳмедов, А.Мамажонов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Д.Лутфуллаева, С.Назарова, Ш.Акрамов, Л.Раупова, О.Бозоровларнинг синтактик бирликлар тадқиқига оид асарларида гапда предикативликнинг ифодаланиши, гап бўлақлари таснифи, сўз бирикмаси ва гапнинг қурилиш моделлари, гапда шакл ва мазмун муносабати, гапнинг актуал тузилиши, қўшма гапларнинг таснифи каби қатор масалалар ўзбек тилининг грамматик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан баҳоланиб, сўз бирикмаси ва гап ҳақидаги мавжуд синтактик назариялар такомиллаштирилди.

Ўзбек тилининг **маҳаллий шеваларини** ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларига эътиборнинг кучайиши натижасида бу соҳада диққатга сазовор асарлар юзага келди. Хусусан, А.Жўраёвнинг “Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива” (1991) асари, Н.Ражабовнинг “Ўзбек шевашунослиги” (1996), Б.Тўйчибоев, Б.Ҳасановларнинг “Ўзбек диалектологияси” (2004), С.Аширбоевнинг “Ўзбек диалектологияси” (2011, 2016), Т.Эназаров ва бошқалар томонидан яратилган “O‘zbek

dialektologiyasi” (2012) китоблари нашр этилди. Шунингдек, бу даврда Д.Абдуллаева (1999), Ю.Ибрагимов (2000), Н.Муродова (2006), Б.Курбанбоева (2007), З.Ибрагимова (2009), Ш. Норбоева (2017), И.Дарвешов (2018), А.Аллабердиев (2018)нинг шевашунослик масалалари тадқиқига бағишланган ишлари юзага келди.

Мустақиллик берган яна бир имкониятлардан бири **ўзбек хужжатчилик услубининг** такомиллашуви бўлди. Истиклол даврида нутқ услублари, айниқса, расмий иш хужжатлари услубини ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Бу даврда ўзбек расмий-идоравий иш хужжатлари услуби янгитдан шаклланди, унинг лексик тизимида кўплаб янги ясалмалар ҳосил қилинди, расмий услубнинг морфологик, синтактик меъёрларида жиддий ўзгаришлар юзага келди. Бу ҳолат тилшунослар зиммасига янгиланган расмий-идоравий иш хужжатлари намуналарини яратиш, расмий иш хужжатлари матнини лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, ушбу услуб тараққиётига таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш вазифаларини юклади. Н.Маҳмудов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Аминовларнинг “Ўзбек тилида иш юритиш (муншаот)” (1990), “Иш юритиш” (2000, 2003) амалий қўлланмаларида айти шу масалалар ёритилди. М.Мухитдинова, Н.Абдуллаеванинг “Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури” (1997), Қ.Содиқов, Қ.Омоновнинг “Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан” (2010), Д.Лутфуллаеванинг “Мустақиллик даври расмий-идоравий иш услуби тараққиёти” (2020) китобларида расмий иш услубига доир мавжуд қарашлар мазмунан бойитилди.

Услубшунослик, тил бирликларининг **нутқ услубларида** қўлланиш хусусиятлари билан боғлиқ масалалар Э.Қиличевнинг “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” (1992), И.Тошалиевнинг “Ўзбек тили услубиёти” (1996) китобларида ёритилди. Бу даврда, айниқса, бадий услубнинг хусусиятларини ўрганишга қаратилган салмоқли асарлар юзага

келди. С.Каримовнинг ўзбек тили бадийи услуби тадқиқига оид докторлик диссертацияси (1993) ва бадийи услуб хусусиятлари таҳлиliga оид “Ўзбек тилининг бадийи услуби” (1992), “Бадийи услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари” (1994), Ўзбек тили функционал стилистикаси” (2010) каби қатор асарлари; И.Мирзаевнинг “Бадийи услуб сеҳри” (2000), Б.Йўлдошев, Т. Курбоновларнинг “Бадийи асар тили ва услуби масалалари” (2006) китоблари шулар жумласидандир.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек тилшунослари ўтмишда яратилган тилшуносликка оид нодир асарларни ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. “Фақат истиқлол туфайлигина ўзбек тилшунослиги ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги, ўзбек тилшуносларининг Оврўпонинг энг донгдор тилшуносларидан анча олдин қиёсий-тарихий тилшунослик, контрастив лингвистика, идеографик луғатлар яратиш каби қатор йўналишларга асос солганлиги, ҳозирги кунда лексемалар мазмуний мундарижасини узвий (компонент) таҳлил асосида ёритиш анъанага айланган бир пайтда, бу усул XV асрлардаёқ ўзбек тилшунослари томонидан мувафакқиятли қўлланилганини ёритиш ва илмий жамоатчиликка етказиш имконияти пайдо бўлди.” [Нурмонов, 2012: 39] Бу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида М.Кошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Рабғузий, А.Навоий, З.Бобур ва бошқа алломалар асарларининг тил хусусиятлари ўрганилди (М.Абдулхайров, 1996; З.Холмонова, 2003, 2007; Ш.Эгамова, 2007; А.Ибрагимов, 2008; М.Усмонова, 2012; Б.Абдушукуров, 2017, Ҳ.Дадабоев, 2017; ва бошқалар).

М.Курбонова, М.Йўлдошев, Ф.Бобожонов, Л.Джалолова, Ш. Бобомуродова, Т.Тоғаев, З.Чориева, Б.Тўйчибоев, Ҳ.Қодирова, Д.Неъматова, Ё.Сайидов, С.Нормуродовлар томонидан Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Авлоний, Элбек, А.Қодирий, А.Зоҳирий каби жадид алломаларининг лингвистик фаолияти таҳлил қилинди, асарларининг тил хусусиятлари ўрганилиб, давр тили, бадийи тил ва услуб масалалари бўйича кизиқарли маълумотларга эга бўлинди.

Сир эмаски, мустақиллик шарофати билан ўзбек тилининг жамият ҳаётида тутган мавқеи кўтарилди, унинг халқаро тиллар тизимидаги ўрни мустаҳкамланди. Бу даврда **сўз ўзлаштириш, алифбо, имло** каби тил муаммолари кўтарилди. Айниқса, республикада лотин-ўзбек алифбосига ўтиш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлар, бу соҳада амалга оширилган ишлар ўзбек тили товушлари тизимига мос миллий ёзувимизни яратиш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу масалалар М.Миртожиев, Н.Маҳмудовларнинг “Тил ва маданият” (1992), Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиевларнинг “O‘zbek tilining imlo lug‘ati” (1995), Н.Маҳмудовнинг “Тил” (1998), “Тил тилсими тадқиқи” (2017), С.Ризаевнинг “Имло – саводхонлик асоси” (2004), “Ўзбек тили меъёрлари. Пунктуация” (Н.Маҳмудов ва бошқалар, 2021) китобларида, шунингдек, алифбо, имло масалаларига бағишланган қатор мақолаларда атрофлича ёритилди.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослигининг энг таракқий этган соҳаси сифатида **луғатшунослик**ни кўрсатиш мумкин. Бу даврда миллий луғатчилигимизда қамрови, мақсад ва вазифасига кўра турли-туман луғатлар яратилди. Мана шундай луғатлар сифатида “Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати” (А.Ҳожиев ва бошқалар, 2001), Ш.Раҳматуллаевнинг уч жилдли “Ўзбек тилининг этимологик луғати” (2000, 2003, 2009), А.Ҳожиевнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (2002), Д.Ўринбаеванинг “Ўзбек халқ дostonлар тилининг частотали луғати” (2006), Э.Бегматовнинг “Ўзбек исмлари маъноси” антропонимик луғати (2006) ҳамда “Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати” (2006), “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати” (Т.Мирзаев ва бошқалар, 2007), “Abdulla Qahhor asarlari tilining lug‘ati. Chastotali lug‘at”и (С.Каримов ва бошқалар, 2007), Т.Нафасовнинг “Qashqadaryo o‘zbek xalq so‘zlari lug‘ati” (2011), Н.Маҳмамов, И.Эрматовларнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” (2013), Н.Маҳмудов,



Д.Худойберганаоваларнинг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” (2013), Э.Бегматов, А.Мадвалиевларнинг “O‘zbek tilining imlo lug‘ati” (2013), Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг “Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати” (2014), Д.Худойберганаованинг “Лингвокультуроология терминларининг қисқачи изоҳли луғати” (2015), Д.Худойберганаова, Д.Анданиязованинг “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати” (2016), “Ўзбек тили ассоциатив луғати” (Д.Лутфуллаева ва бошқалар, 2019), “Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати” (А.Мадвалиев ва бошқалар, 2020), Қ.Содиқовнинг “Қутадғу билиг сўзлиги” (2020), “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли-иллюстратив луғати” (А.Мадвалиев ва бошқалар, 2020), “Юридик терминларнинг русча-ўзбекча луғати” (Н.Маҳмудов ва бошқалар, 2021) каби қатор луғатларни қайд этиш мумкин.

Луғатшунослигимизда, айниқса, 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасини қамраб олган 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006-2008)нинг яратилиши ўзбек халқининг маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу луғат бугунги кунда жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир соҳа эгалари фойдаланиши мумкин бўлган нодир манбага айланди.

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда кўплаб соҳавий терминлар луғатларининг яратилганлиги ҳам қувонарлидир. Жумладан, чорвачилик соҳасига оид сўз ва атамаларининг эвфемик луғати (А.Омонтурдиев, 2015), йўлсозлик соҳаси терминлари (Т.Валиев, 2017), маънавиятга оид терминлар (Г.Тожиева, 2017), компьютер лингвистикаси соҳаси терминлари (Д.Ўринбоева, Д.Қаршиева, 2018), корпус лингвистикаси соҳаси терминлари (Ш.Ҳамраева, 2018) изоҳи бўйича турли луғатлар яратилди.

Хуллас, ўтган 30 йил ичида ўзбек тилшунослигида ўзбек тилининг мавқеини ошириш, уни ўз қонуниятлари асосида илмий ўрганиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу даврда тилшунослигимиз янги тараққиёт босқичига ўтди: тил

тадқиқига антропоцентриқ тадқиқ усули кириб келди. Натижада тил тизими ва унинг бирликлари тилдан фойдаланувчи инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилди.

Албатта, тилшунослигимизда ўз ечимини кутаётган, ҳал қилиниши давр талабига айланган долзарб муаммолар ҳам бор. Аммо бундай муаммолар бугунги ўзбек тилшунослиги тараққиётига, ўзбек тилини ривожланган дунё тиллари қаторига кўшиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларга соя солмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017.

2. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари: Республика илмий ва амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2011. – Б. 5-12.

3. Нурмонов А. Ўзликни сўздан топган олим // Танланган асарлар, 3-жилд. – Тошкент, 2012. – Б.341.

4. Нурмонов А, Мадвалиев А. Ўзбек тилшунослиги // ЎзМЭ, 12-жилд. – Тошкент, 2006. – Б. 494-501.

5. Нурмонов А. Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги тараққиёти // А.Нурмонов. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент, 2012. – Б. 39.

6. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Lex.uz.

## **НОМЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИГА ДОИР ЛУҒАТНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАМОЙИЛЛАРИ ХУСУСИДА**

**Худойберганова Дурдона Сидиковна\***

***Аннотация.** Мақолада номлаш технологияси бўйича яратилган лугатнинг тузилиши, мақсади ва лексикографик тамойиллари хусусида маълумот берилган.*

***Таянч сўзлар:** номлаш технологияси, номлаш тамойиллари, ном яратиш, ном танлаш, миллий брендлар, муваффақиятли ном, реклама самарадорлиги.*

Маълумки, яқин давр оралиғида мамлакатимизда давлат тили ҳисобланган она тилимизни ривожлантиришга оид қатор муҳим ҳужжатлар эълон қилинди. Ана шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 16 мартида эълон қилинган “Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 144-сонли қарори ҳисобланади. Унда мазкур қарорни қабул қилишдан мақсад “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш” [1]дан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

Айтиш жоизки, бу айни вақтида қабул қилинган ва тилимизнинг софлигини таъминлашга, шунингдек, ўзбек тили миллий брендларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор;  
khudoyberganova60@mail.ru

хужжатдир. Мамлакатимизда иктисодиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ҳаракатлар натижасида тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи қўллаб ишлаб чиқариш объектлари, компаниялар, фирмалар тузилди. Натижада савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига оид жуда катта миқдордаги номлар

юзага келди. Улар орасида ўзбек тили қонуниятларига мос келувчи номлар билан бирга тилимиз меъёрларига мувофиқ бўлмаган номлар ҳам мавжуд. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти объектларини асоссиз равишда хорижий тилдаги сўзлар билан номлаш ҳам, афеуски, кўп учрайдиган ҳолатлардан бирига айланди. Уларнинг айримлари ўзбек халқи менталитети, миллий кадриятларига мутлақо мос келмайди. Бу каби ҳолатларни бартараф этиш нафақат тилшунослар, балки бир неча соҳалар ҳамкорлигини талаб этадиган мураккаб жараёндир.

Юқорида тилга олинган қарорда мазкур муаммо ечимига оид чора-тадбирлар аниқ белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига давлат тилида ном бериш хизматини кўрсатиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди ҳамда ушбу Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларига объектларга давлат тилида ном бериш хизматини кўрсатишга оид бир қатор вазифалар юкланди. Жумладан:

“давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ келадиган, миллий кадриятларга мос ҳамда объектларга қўйиш тавсия этиладиган номлар захирасини онлайн режимида шакллантириш ҳамда уни доимий янгилаб бориш;

ташқи ёзув, пешлавҳа, реклама ва эълонлар матнини тайёрлаш, шунингдек, уларнинг давлат тили қоида ва

меъёрларига мувофиқлиги, номларнинг бир хил ёки ўхшашлик даражаси юзасидан лингвистик экспертиза ўтказиш;

номлаш, ном яратиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, уларга маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш” [1].

Мавжуд номлар таҳлили шунини кўрсатадики, тадбиркорлар ном яратишда тилшунослар билан ҳамкорлик қилишлари зарур. Ўз навбатида, тилшунослар ҳам ўзбек тилида номлаш технологияси назариясини шакллантириш, бу борада турли қўлланма ва луғатлар яратишга жиддий эътибор қаратишлари лозим. Айтиш жоизки, тилшуносларимиз ушбу масала бўйича муайян ишларни амалга оширдилар. [Қаранг: 2, 3, 4, 5] Проф. Д.Лутфуллаева “Ўзбек тилида ном яратиш технологияси (тадбиркорлик фаолияти объектлари, истеъмол товарлари номлари)” номли монографиясини нашрга тайёрлади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида ҳам бу борада эътибога лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Университетда давлат гранти асосида олиб борилаётган “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш” мавзусидаги илмий лойиҳа (лойиҳа раҳбари – ф.ф.н. М.Сапарниязова) доирасида лойиҳа аъзолари томонидан номлаш технологиясига оид илмий рисола тайёрланмоқда, объектларга қўйиш тавсия этиладиган номлар захираси онлайн режимида шакллантирилмоқда, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, уларга ном танлаш бўйича маслаҳатлар бериб борилмоқда. Лойиҳа аъзолари иштирокида телеграм хизмати ташкил қилинган. “Ташкилот, корхона ва муассаса номларининг изоҳли-тавсиявий луғати”ни тузиш ҳам мазкур лойиҳа режасидаги вазифалардан бири бўлиб, у 2020-2021 йилларда ушбу мақола муаллифи томонидан тузилди ва нашрга тайёрланди.

Ушбу мақолада мана шу луғат тамойиллари хусусида маълумот бериш мақсади қўйилди. Зеро, бу оралиқ турдаги, яъни ҳам лингвистика, ҳам номлар рекламасига доир луғат

хисобланиб, айрим янгича тамойиллари билан мавжуд луғатлардан фарқланади.

“Ташкилот, корхона ва муассаса номларининг изоҳли-тавсиявий луғати” ни яратишдан иккита мақсад кўзланган: 1. Ҳозирги вақтда ўзбек тилида мавжуд бўлган савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари номларининг лингвистик манзарасини яратиш. Мазкур луғат сўзлиги мамлакатимиздаги тадбиркорлик фаолияти объектлари номларининг лингвистик хусусиятлари – тузилиши, ҳосил бўлиш усуллари, қайси тилга оидлиги, ўзбек адбий тили меъёрларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги, адресатга нуткий таъсир кўрсатиш даражаси ҳақида умумий тасаввурни ҳосил қилади.

2. Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари, корхоналар, тиббий ва таълимий муассасалар номларини лексикографик тавсифлаш орқали ўзбек тили номлаш технологиясига доир ютуқларни кўрсатиш билан бирга ундаги мавжуд камчиликларни аниқлаш, нуқсонларни бартараф этиш бўйича муайян тавсиялар бериш ва бу билан ном яратиш тамойилларини такомиллаштиришга амалий ҳисса қўшиш. Шу мақсадда луғат сўзлиги учун 400 га яқин ном танлаб олинди ва уларнинг луғат мақолалари шакллантирилди.

Луғат мақолалари куйидаги қисмлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди: I. **Изоҳланувчи бирлик**, яъни тадбиркорлик фаолияти объектлари номи. Бунда, асосан, хусусий корхоналар ва фирмалар, ўқув марказлари, тиббий марказлар, хусусий мактаблар, болалар боғчалари, ресторанлар, кафелар, тўйхоналар, банкетлар зали, чойхоналар, тамадихоналар, умумий овқатланиш объектлари, супермаркетлар, дўконлар, гўзаллик салонлари, меҳмонхоналар, ётоқхоналарнинг номлари изоҳланди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур луғатнинг амалиёт билан боғлиқ мақсади ҳамда вазифаси луғатшуносликнинг айрим тамойилларидан чекинишни тақозо этди. Маълумки, одатда,

луғатларда, агар у таржима луғати бўлмаса, бир тилга оид бирликлар изоҳланади. Мазкур луғатда эса, реал вазиятдан келиб чиқиб, ушбу тамойиллардан чекинишга тўғри келди. Тўпланган материаллар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолияти объектларининг мавжуд бўлган номлари таркибида ўзбекча номлардан ташқари хорижий тилдаги номлар ҳам жуда кўп, ҳатто айрим соҳаларда улар миқдор жиҳатидан устунликни ҳосил қилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, луғатда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари номлари мисолида уларнинг лингвистик манзарасини яратиш мақсади ҳам қўйилган. Шу сабабли луғат сўзлигига ўзбекча номлар билан бир қаторда хорижий тилдаги номлар ҳам киритилди. Масалан: **Eleganza, Art Samarkand, Old Bukhara** каби. Бу каби номлар луғатда шартли равишда ўзбек алифбоси тартибида жойлаштирилди.

Луғатнинг яна бир мақсади, қайд қилинганидек, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари номларининг ютуқлари ва камчиликларини лексикографик тавсиф орқали кўрсатиб беришдир. Шу мақсадда, бошқа луғатлардан фарқли равишда, унга **Bilimdon kid’s scool, Bahodir baraka best, Намунали таомлар, Шукур спорт** каби ўзбек адабий тили меъёрларига мос келмайдиган шакллар ҳам сўзлик сифатида киритилиб, уларнинг нуқсонлари кўрсатиб ўтилди ҳамда номларни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Изоҳланаётган ном номлаш технологияси тамойиллари (ўзбек адабий тили меъёрларига, ўзбек халқи миллий менталитетига мос эканлиги, аниқлиги, қисқалиги, ўзига жалб қилиш хусусиятига эга бўлиши, объект фаолияти билан ассоциативликни ҳосил қилиши) га тўла мувофиқ бўлса, у луғат мақоласида *муваффақиятли ном* ишораси билан алоҳида ажратиб кўрсатилди.

**II. Изоҳловчи қисм.** Ушбу қисмда куйидагилар хусусида маълумот берилди: а) объект тури ва жойлашган манзили номи. Масалан: “АЛФРАГАНУС Ўқув маркази номи (Қарши)”;

б) ном танланишида ёки яратилишида фойдаланилган усул. Миллий номларни такомиллаштириш мақсади уларнинг ҳосил бўлишидаги лисоний ва нолисоний омилларини аниқлашни тақозо этади. Шу сабабли луғатда объектлар номларининг ҳосил бўлиш усуллари ҳам қайд этилди. Тадбиркорлик объектлари номлари икки йўл билан, яъни тил захирасида мавжуд бўлган муайян бирликни танлаш (мас., **Баҳор, Ўзбекистон, Барака**) ёки ана шу бирликлар асосида янгидан ном яратиш (мас., **Кўксарой бизнес, Миллий таомлар, Доктор D**) йўли билан ҳосил қилинган. Бунда куйидаги усуллар фаол эканлиги аниқланди:

1. Ономастик усул: **Тошкент, Андижон, Ҳасан ва Ҳусан, Жайхун**. 2. Тавсифлаш усули: **Арчазор, Бўстон, Дўмбоқча**. 3. Сўзнинг ассоциатив маъноларига асосланиш усули: **Покиза, Заковот, Кўзмунчок, Барака, Дийдор**. 4. Хорижий сўзлардан фойдаланиш усули: **Элеганза, Ассорти, Аллегро**. 5. Объект фаолиятига боғлиқ маҳсулот номи билан аташ усули: **Гўшт, Бухоро кабоблари, Беш панжа**. 6. Этномаданий сўзлар билан аташ усули: **Тандир, Тановар, Атлас**. 7. Экзотик сўзлар билан аташ усули: **Манго, Бонжур**. 8. Машҳур брендлар номлари билан аташ усули: **Шанель, Адидас, Кока-кола**. 9. Машҳур лисоний бирликлар (прецедент бирликлар) билан номлаш усули: **Алфраганус, Раж Капур, Клеопатра, Эврика** каби.

Луғатда ҳар бир тавсифланувчи номнинг ҳосил бўлиш усули ҳақида маълумот берилди. Масалан: “**DOLCE & GABBANA** Парфюмерия дўкони (Тошкент). Объектни машҳур брендлар номи билан аташ усулидан фойдаланилган. Дўконга италиялик модельерлар – Доменико Дольче ва Стефано Габбана 1985 йилда асос солган компания бренди ном сифатида танланган. ...”



Луғатда ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқ бўлмаган номларнинг ясалиш тамойиллари ҳақида, табиийки, сўз юритилмади, бунда уларнинг адабий тил меъёрларига тўғри келмайдиган жиҳатлари кўрсатиб ўтилди;

д) объект номининг адресатга қай даражада таъсир қилиши, ном берувчининг объект номини танлашида (ёки яратишида) асос бўлган омиллар, танланган ном (бренд) нинг дунё бозоридаги машҳурлик даражаси. Масалан: “ЧИРОЙ Эстетик жарроҳлик маркази номи. ... Номловчи *чирой* сўзи асосида ҳосил бўладиган *гўзал ва ёш чехра, келишган қадди қомат* ассоциацияларининг адресатга таъсирини эътиборга олган. Мазкур номда ном берувчининг “Биз мижозларга улар орзу қилган чиройни бахш этамиз” мазмунли мақсадига ҳам ишора қилинган. *Чирой* номида марказнинг вазифаси номлаш тамойилларига мос равишда аниқ, қисқа ҳамда таъсирчан шаклда ифодаланган.”;

е) объект номининг ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мос эмаслиги хусусидаги фикрлар. Бу қисм фақат номеъёрий ҳисобланган номларнинг луғат мақоласи таркибига киритилди ва у учбурчак шаклидаги белги (▼) дан кейин жойлаштирилди. Масалан: “... ▼ Ресторанга нисбатан **Гўшт** номининг берилиши адресатда нохуш ҳиссиётларни юзага келтириши мумкин, чунки *гўшт* сўзи адресатда гўшрдан тайёрланган таомлар эмас, хом гўшт ҳақидаги тасаввурни пайдо қилади. Шу сабабли ресторан номини қайта шакллантириш мақсадга мувофиқ”.

**III. Луғат тузувчиси томонидан тавсия қилинган номлар.** Бундай номлар айрим хорижий тилдаги номлар, шунингдек, адабий тил нуқтаи назаридан номеъёрий деб ҳисобланган номларга доир луғат мақолалари таркибига тавсиявий ном сифатида киритилди ва горизонтал учбурчак шаклидаги белги (►) дан кейин жойлаштирилди. Масалан: “...► **Қадрдонлар. Кўк чой. Отахонлар.**” Ушбу тавсиялар

Хива шаҳридаги **Teahouse Farrux** деб аталган чойхона номи учун тузилган луғат мақоласига киритилган.

Шунингдек, айрим номларни миллийлаштириш ёки қайта шакллантириш хусусидаги тавсиялар ҳам ушбу қисмдан ўрин олди. Масалан: “ЭВРИКА Хусусий боғча номи (Тошкент). ... ► *Эврика* сўзини, одатда, бирор илмий муаммо ечими топилганида айтиш анъанага айланган. Шу сабабли ушбу сўз билан илмий марказлар ёки таълим марказларини номлаш мақсадга мувофиқ.” Ёки: “FAMILY AND FRIENDS Меҳмонхона номи (Самарқанд). ... ► Ном яратишнинг миллийлик тамойилига мос равишда меҳмонхонани **Оила ва дўстлар** деб номлаш мақсадга мувофиқ.”

Умуман, мазкур қисмда луғат тузувчисининг номларни такомиллаштириш борасидаги тавсия ва таклифлари ўрин олган.

Луғат ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлиши мақсадида куйида ЛОР –24, ВЕРСАЧЕ, ҚОБИЛ ҚАНДОЛАТ, ПАНДА номларига тузилган луғат мақолаларини келтирдик.

“ЛОР – 24 Хусусий клиника номи (Тошкент). *Муваффақиятли ном.* Номлашнинг тавсифлаш усулидан фойдаланилган. Ном *ларингооторинолог* (кўз, кулоқ, бурун касалликлари мутахассиси) сўзининг қисқартмаси (ларинг+ото+ринолог) бўлган ЛОР сўзи ҳамда 24 рақамининг бирикуви натижасида ҳосил қилинган. Мазкур бирикма «Клиника лор касалликларига ихтисослашган ва у сутка давомида танаффуссиз ишлайди» деган мазмунни номлаш технологиясига ҳамда реклама талабларига мос равишда қисқа ва аниқ тарзда ифодалайди.”

“ВЕРСАЧЕ Кийимлар дўкони номи (Андижон). Объектни машхур номлар билан аташ усули қўлланган. Номга италиялик модельер ва дизайнер, VERSACE модалар уйи асосчиси Жанни Версаче (1946-1997) номи танланган. Жанни Версаче модалар уйи учун косметика буюмлари, аксессуарлар, атирлар ва кийимлар ишлаб чиқарган, фильмлар учун костюмлар тайёрлаган. Мазкур модалар уйи томонидан ишлаб чиқарилган

маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан дунё бозорида машхур бўлиб, миллий бренд даражасига кўтарилган. Шу сабабли ушбу номдан дунёнинг кўп мамлакатларида бизнес рекламасида фойдаланилади. Номловчи ушбу машхур бренд номи воситасида адресатлар эътиборини жалб қилишни мақсад қилган. **Версаче** номи номлаш технологияси ва объект рекламаси нуктаи назаридан тўғри танланган.”

“ҚОБИЛ ҚАНДОЛАТ Масьулияти чекланган жамият номи (Тошкент). Ном таркибидаги сўзлардан корхона эгасининг номи, унинг фаолияти хусусида шартли равишда ахборот олиш мумкин бўлса-да, у ўзбек адабий тили меъёрларига мувофик тарзда шакллантирилмаган – *Қобил* ва *қандолат* сўзлари ўзаро боғланмаган, натижада *қандолат* сўзи адресатлар тасавурида лақабга ўхшаш таассуротни ҳосил қилади.

► Объект номи номлаш технологияси талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли уни қайта шакллантириш мақсадга мувофик.”

“ПАНДА Хусусий боғча номи (Фарғона). *Муваффақиятли ном*. Номлашнинг сўзнинг ассоциатив маъноларига асосланиш усули қўлланган. Маълумки, панданинг иккита тури бор – Катта панда ва Кичик панда. Катта панда айиққа ўхшаш бўлиб, танаси оқ рангда, қулоғи, кўзининг атрофи, оёқ-қўллари ва бурни қора рангда бўлади. Унинг бундай ажойиб кўриниши қора кўзойнак тақиб олган катта ўйинчок айиқни эслатади. Шунинг учун ҳам болалар пандаларни, у ҳақидаги мултфильмларни жуда ёқтирадилар. Дизайнерлар ҳам болаларга мўлжалланган кийимлар, турли буюмларда панда тасвиридан кўп фойдаланадилар. Номловчи мазкур номни танлаганда мана шу жиҳатларни, хусусан, *панда* сўзининг болалар руҳиятига кўрсатадиган ижобий таъсирини эътиборга олган.“

Луғат ниҳоясида намунавий миллий номлар рўйхати илова сифатида ўрин олди.

“Ташкилот, корхона ва муассаса номларининг изоҳли-тавсиявий луғати”нинг нашр қилиниши тилшунослигимизда энди шаклланиб келаётган номлаш технологияси йўналишини назарий жиҳатдан бойитишга, луғатдаги номлар тавсифи эса миллий номларимизнинг такомиллашувига хизмат қилади, деб умид қиламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 144-сонли қарори. Тошкент, 2021 йил 16 март.

2. Лутфуллаева Д., Сапарниязова М. Ўзбек тилида ном яратишнинг лингвистик асослари. // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2019. – №11. – Б.54-57.

3. Лутфуллаева Д., Сапарниязова М. Нейминг технологияси: тилда неймларнинг яратилиши // «O‘zbek tili taraqqiyoti va xalqaro hamkorlik masalalari» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Тошкент. 2019-йил 29-октябр. – Б.36-38.

4. Лутфуллаева Д., Сапарниязова М. Нейминговая технология: функции информативности, коммуникативной результативности и речевого воздействия неймов. // Вестник науки и образования. – Россия. – М., 2020. (Impact factor – 3.873). – С.46-51.

5. Лутфуллаева Д. Нейминг лингвистикасининг назарий масалалари. // Таълимда «Устоз – шогирд» тизими – сифат ва самарадорлик кафолати. Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари. – Навоий, НавДПИ, 2020. – Б. 281-283.

## **СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ТИЗИМИДА ШАКЛ ВА МАЪНО НОМУТАНОСИБЛИГИ ҲАҚИДА**

**Бердиалиев Абдували\***

***Аннотация.** Мақолада синтактик тизимнинг сўз бирикмалари таркибига хос парадигматик ва синтагматик муносабатлар, сўз бирикмалари таркибий қисмларининг таксономик ва функционал қисмлари муносабатида кўзга ташланувчи мутаносиблик ва номутаносиблик ҳақида маълумот берилди.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Парадигматика, синтагматика, парадигматик муносабат, синтагматик муносабат, асимметрия, парадигматик асимметрия, синтагматик асимметрия, лисоний ортиқчалик ва б.*

Туркий тилшуносликда, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам, сўз бирикмалари ва уларга хос лисоний хусусиятлар атрофлича ўрганилган бўлишига қарамай [1], бу муҳим синтактик категориянинг тил ҳақидаги фаннинг айна шу кунлар тақоза этадиган муҳим муаммолари яна мавжудки, улардан бири сифатида сўз бирикмалари тизимига хос парадигматик ва синтагматик муносабатлар ва уларнинг тил ва нутқдаги амалидир.

Тил ва унинг турли сатҳларида амал қилувчи парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг муҳимлиги ва аҳамияти шундаки, ўзаро мантиқий боғлиликдаги бу икки ҳодиса тил ривожланишининг ҳам ички, ҳам ташқи омиллари билан узвий алоқада бўлади. Тил ривожланишининг бу икки етакчи омили тилшуносликнинг имманент ва ноимманент

---

\* Академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори (Тожикистон Р.).  
berdialiev39@mail.ru

курулишига алоқадор ходисалардир. Чунончи, тил ривожланишининг ташқи омили тил фанининг социолингвистика тармоғига қарашли бўлиб, унда ҳар хил тилда гаплашувчи этник жамоанинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа маънавий, маърифий алоқалари, уларнинг алоқа воситалари – тиллари луғат таркибида ўз инъикосини топади, натижада бир тилга хос дисоний бирликлар (асосан, сўзлар, албатта) иккинчи тилга ўтиб, ўзлашади [2].

Ҳар хил тил жамоасининг ўзаро алоқалари туфайли шу этник жамоаларнинг тиллариаро ўзаро лисоний муносабат вужудга келади. Буни *тил контакти* дейилади. Тил контакти туфайли. четдан ўзлашган сўзлар билан ўз тилдаги сўзлар муносабатидан баъзан лисоний маънодошлик вужудга келади ва буни *луғавий синонимия* деб аталади. Луғавий синонимия парадигматик номутаносибликнинг (асимметриянинг) тил луғат тизимига хос фаол кўринишларидан бири саналади.

Парадигматика ва парадигматик муносабаатлар, улар билан алоқадор парадигматик мутаносиблик ва парадигматик номутаносиблик тил синтактик сатҳи ходисаларига ҳам тегишли. Хусусан, синтактик сатҳ ходисаларига хос парадигматика, парадигматик муносабат тушунчалари синтактик тизим ходисаларининг таснифида, шу жумладан, сўз бирикмалари таснифида ҳам мавжуд. Масалан, сўз бирикмаларининг отли, феълли, сифатли ва равишли турлари, сўз бирикмалари тизимидаги ҳар бир турнинг ички гуруҳланиши уларга хос парадигматикадир. Масалан, отли сўз бирикмалари “от+от” (*темир дарвоза, тахта кўприк, мис самовар* ва б.), “сифат+от” (*рангли телевизор, одобли бола, юмшоқ ўриндиқ* ва ҳ.к.), “сон+от” (*ўнта дафтар, иккинчи қатор* ва ҳ.к.), “олмош+от” (*шундай ўлка, сендай қиз* ва ҳ.к.), “сифатдош+от” (*ўқиган йигит, ҳайдалган ер, ўрилган соч, оқайтган сув* ва ҳ.к.) андозаларда вокеланади, яъни вужудга келади. Бу андоза (моделлар) отли сўз бирикмаларининг парадигмаси ҳисобланади. Отли бирикмаларга хос айти шу

тавсифдаги парадигматик гуруҳлар феълли сўз бирикмалари тизимида ҳам мавжуд. Масалан, феълли сўз бирикмаларига хос “от+феъл” (*китобни варақламоқ, ҳовлига чиқмоқ, дўстлар билан учрашмоқ, тинчлик учун курашмоқ* ва ҳ.к.), “равиш+феъл” (*тез келмоқ, бирдан тўхтамоқ* ва ҳ.к.), “равишдош+феъл” (*кулиб гапирмоқ, ишлаб чарчамоқ, қизиқиб ўқимоқ* ва ҳ.к.) сингари ва бошқа шу каби модел(андоза)ларга эгалиги, шу андозалар тизими сўз бирикмаларига хос синтактик парадигматикадир.

Сўз бирикмалари тизимида хос синтагматик муносабат ва унинг хусусиятлари хусусида шуни айтиш мумкинки, сўз бирикмаларининг “от+от”, “от+феъл”, “сифат+от”, “сон+от”, “олмош+от”; “от+феъл”, “сифат+феъл”, “сон+феъл”, “олмош+феъл”, “равиш+феъл”, “равишдош+феъл” ва ҳ.к. тарзда қўшилиши ва улар билан боғлиқ хусусиятлар синтагматик муносабатларнинг сўз бирикмалари синтагматикаси ва синтагматик муносабатларига хос инвариант кўринишларидир.

Энди икки оғиз сўз синтагматик номутаносибликнинг сўз бирикмалари тизимида хос амали ҳақида.

Тил синтактик тизимида синтагматик номутаносиблик фаол амал қилади. Синтагматик номутаносиблик синтактик ходисалар таркибининг таксономик ва вазифавий унсурлариаро миқдорий нотенглиги заминида вужудга келади.

Номутаносибликнинг, яъни асимметриянинг, синтактик қурилмалар таркибига хос хусусияти шундаки, синтактик бутунликларда уларнинг шакли билан мазмуни орасида мувофиқлик бўлмайди: оддий шаклда ё мураккаб мазмун ифодаланади, ёки, аксинча, оддий мазмун мураккаб шаклга эга бўлади.

Синтагматик номутаносиблик (асимметрия), одатда, лисоний тежамлилик (лингвистик экономия) ва лисоний ортикчалик деб аталувчи қонуниятларга асосланади. Лисоний тежамлиликда мураккаб фикр оддий шаклларда ифодаланади ёки фикр унсурларидан айримлари шаклий ифодага эга бўлмайди. Лисоний ортикчаликда, аксинча, оддий фикр уларга

хос бўлмаган мураккаб шаклга эга бўлади. Лисоний ортиқчаликнинг бу тури синтактик қурилишнинг гап бўлаклари тизимида ҳам, сўз бирикмалари тизимида ҳам, гаплар тизимида ҳам бир хил амал қилади. Шулардан гап бўлаклари тизимига хос синтагматик номутаносибликка тўхтайдиган бўлсак, уларда бир гап бўлаги уларга расмийлашган бир мустақил сўз орқали эмас, балки бирдан ортиқ мустақил сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, *Бобомнинг тол эккани ўзига ном эккани* (мақол) гапи икки бош бўлакли бўлиб, унда эга ҳам (*бобомнинг тол эккани* – уч мустақил маъноли сўз), кесим ҳам (*ўзига ном эккани* – уч мустақил маъноли сўз) мураккаб таркибга эга, улар бир сўз шакли билан эмас, балки сўз бирикмалари шакли билан ифодаланган. *Дадам мактабда ишлайди* гапи таркибидаги гап бўлақларининг ифодаланишида синтагматик мутаносиблик (симметрия) мавжуд. Бу гапда уч мустақил сўз уч гап бўлаги тарзида ажратилади: *дадам – эга, ишлайди – кесим, мактабда – ўрин ҳоли*. Ана шу икки гап ва унинг гап бўлаклари шаклланишига хос синтагматик номутаносиблик (биринчи гапда) ва синтагматик мутаносибликни (иккинчи гапда) ўзаро қиёслаб, аниқ сезиш мумкин. Биринчи жумладаги гап бўлақларига хос синтагматик номутаносибликнинг (*Бобомнинг тол эккани – эга; ўзига ном эккани – кесим*) амали лисоний ортиқчалик деб аталувчи қонуният таъсири билан характерланади.

Синтагматик мутаносиблик ва синтагматик номутаносиблик тушунчалари синтактик синтагматика тушунчаси билан терминологик жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, улрнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилади, яъни улар синтактик тизимнинг бошқа-бошқа ҳар хил ходисаларидир.

Сўз бирикмалари таркибига хос номутаносиблик одатда лисоний ортиқчалик заминида пайдо бўлади ва синтагматик номутаносиблик характери касб этади. Бундан ташқари, сўз бирикмалари таркибига хос номутаносиблик содда ва қўшма



гаплар таркибига хос номутаносибликдан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, содда ва қўшма гаплар таркибига хос номутаносиблик шакл ва маъно номувофиқлигига асосланади: мураккаб фикр содда шаклга эга бўлади, ёки, аксинча, мураккаб шаклда оддий фикр ифодаланади. Масалан, *Богимизда олма, ўрик гуллади* гапида мураккаб фикр (*Богимизда олма гуллади; Богимизда ўрик гуллади*) оддий шаклга эга, у содда гапга хос қурилма тавсифида. *Хунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат-фароғат боғига элтади* (“Қобуснома”) гапида оддий фикр мураккаб шаклга эга, яъни “*Хунар минган кишини роҳат-фароғат боғига элтувчи отдир*” типигаги содда гапга хос фикр қўшма гапга хос қурилмада, яъни аниқловчи эргаш гапли қўшма гап шаклида ифодаланган.

Сўз бирикмалари таркибига хос қурилмаларда синтагматик номутаносибликнинг (асимметриянинг) мураккаб кўриниши амал қилади. Унда мантикий-мазмуний аспектга хос номутаносиблик билан грамматик, яъни синтактик аспектга хос лисоний хусусиятлар синхрон-синкретик тарзда қоришиб кетади, бироқ асимметриянинг мантикий-мазмуний аспектига нисбатан унинг грамматик аспектига хос амали устуворлик қилади. Масалан, *боғ мевасидан келтирмоқ* сўз бирикмасида *боғ меваси, мевасидан келтирмоқ* сингари икки сўз бирикмаси ва уларга хос мазмун ифодаланган: иккита сўз бирикмаси ва улар ифодасидаги икки мазмун. Бу ўринда номутаносиблик йўқ, мутаносиблик бор. Бироқ шу сўз бирикмаси, яъни *боғ мевасидан келтирмоқ* синтактик жиҳатдан икки вазифавий (функционал) қисмга ажралади: а) тобе қисм – *боғ меваси(дан)*; ҳоким қисм – *келтирмоқ*. Мазмун жиҳатидан, тузилиш жиҳатидан қанчалик мураккаб бўлишидан қатъий назар, сўз бирикмалари таркибида фақат икки функционал (вазифавий) қисм мавжуд бўлади. Бу сўз бирикмалари қурилишига (тузилишига) хос грамматик хусусиятдир. Бошқача айтганда, таркиби синтагматик номутаносиб сўз бирикмаларида уларнинг таксономик бирликлари билан функционал (вазифавий) бирликлари

микдорида мувофиқлик бўлмайди. Шу боис юқорида келтирилган *боғ мевасидан келтирмоқ* сўз бирикмасининг таркибида уч таксономик, икки функционал қисм мавжуд; икки таксономик бирлик биргаликда бир функционал бирликка тенглашган: сўз бирикмаси тобе қисмининг ўзи сўз бирикмаси андозасига эга (*боғ меваси*).

Таркиби номутаносиб сўз бирикмалари сўз бирикмалари тузилишининг: а) қўшма сўз бирикмалари; б) мураккаб сўз бирикмалари каби икки турини ўз ичига олади [3].

Содда сўз бирикмалари тизимида таркиби синтагматик мутаносиб сўз бирикмалари билан бир қаторда, таркиби синтагматик номутаносиб сўз бирикмалари ҳам кам эмаски, булар ҳар бири бошқа алоҳида-алоҳида илмий ахборотлар объектидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев Ф. Сўз бирикмасининг айрим масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1969. №1
2. Абдуллаев А. Глагольные словосочетания в современном узбекском языке. АҚД. – Самарканд, 1962.
3. Алиев У.Б. Синтаксис карачаева-балкарского языка. – М., 1972. 24-72-с.
4. Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. – Хужанд, 2017.
5. Бердиалиев А., Шеронов Б. Ўзбек тили синтаксиси. – Хужанд, 2010.
6. Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик қурилиши асосининг парадигматик тизими. – Хужанд, 2019.
7. Бердиалиев А. Ўзбек тилида таркиби синтагматик номутаносиб сўз бирикмалари. – Хужанд, 2019.
8. Коллектив. Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти. – Тошкент, 1966.

9. Комилова Х. Ўбек тилида сўз бирикмаси масаласига доир. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959, №4
10. Мамадов Х., Бердиалиев А. Сўз бирикмаларида мослашув ҳодисаси борми? // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. №3.
11. Нурмаханова О. Некоторые вопросы словосочетания в тюркских языках // ИСРЛТЯ. – Ташкент: 1965. 27-28-с.
12. Современный татарский литературный язык. Синтаксис. – М., 1971.
13. Холиёров Х. Ҳозирги замон ўзбек тилида сўз бирикмаси // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1965.
14. Халияров Х. Именные словосочетания в узбекском языке. АКД. – Самарканд, 1966.
15. Шарипов М.К. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз бирикмалари синтаксиси масаласи. – Тошкент: Фан. 1978.
16. Ғуломов А.Ғ., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965.

## НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ВА КОНТЕКСТУАЛ МОДУС

**Ҳакимов Муҳаммад\***

**Йигиталиева Зилола\***

***Аннотация.** Мазкур мақолада контекстуал модуснинг матн кесимида шаклланиши ва ифодаланиши ҳолатлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, контекстуал модуснинг сўзлашув, оммабон, илмий, расмий ва бадий услубларда ифодаланишига хос хусусиятлар ҳам ўрганилган.*

***Калит сўзлар ва иборалар:** матн, контекст, модус, лисоний бирликлар, нолисоний бирликлар, пропозиция, контекстуал модус.*

Тилшуносликда матннинг турли мақсад ва турлича лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этилиши унда матн стилистикаси, матн тилшунослиги ва матн прагматикаси каби йўналишларнинг шаклланишига туртки бўлди. Ўзбек ва дунё тилшунослигида матн тушунчаси устида кўплаб ишлар амалга оширилганига ва назариялар мавжуд эканлигига қарамасдан, ҳалигача матн терминининг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу унинг кўп функциялилиги ва унга турли методлар орқали ёндашиш натижасидир. Биз мазкур илмий ишимизда матн тушунчасини “нутқнинг йирик кўриниши ва вазифа жиҳатдан тугал нутқий бутунлик”[Боймирзаева, 2016:67] маъносида қўлладик. Бунда турли услубларга мансуб матннинг ҳосил бўлишида лингвистик ва паралингвистик модус турларининг аҳамиятини очиб бериш асосий мақсадни ташкил этади.

Модус ҳодисаси сўзловчининг коммуникатив мақсади ва субъектив муносабати билан боғлиқ экан, у гап сатҳидан кўра

---

\* Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

\* Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

матнда якқолроқ намоён бўлади. Тилшунослик фанида матн модуси атамаси фаол қўлланилмас-да, айрим илмий адабиётларда [Копытов, 2012:299] модуснинг матн ҳосил бўлишидаги роли алоҳида таъкидланади. Т.В.Шмелева “модус деганда энг аввал лингвистик бирликнинг шакли эмас, унинг маъноси ҳақида фикр юритиш керак [Шмелева, 1994] деб ёзади. Шу маънода модус матн доирасида бир сўзда ёки бир неча сўзларда, жумла ёки бир неча жумлаларда ифодаланиши мумкин. Демак, модус матн таркибида илғаш мушкул бўлган тил ҳодисаси бўлиб, унинг маъноси турли шаклларда ифодаланади. Бунда модус маънолар, жумлаларнинг ахборот структурасида шаклланиб, ўзаро уйғунлашган ҳолда, бутун матнга тарқалади. Жумлаларни нафақат мазмун ва мантик боғлаб туради, балки уларда муаллифнинг ҳис-туйғулари, фикр ва ғоялари акс этади. Улар ёрдамида муаллиф кўзлаган мақсадига эришади ва ўқувчини ўзининг ҳақ эканлигига ишонтиради. Рус тилшуноси О.Н.Копытов таъкидлаганидек, “модус маънолар матннинг бир қисмига ёки бутун матнга тегишли бўлса-да, бир жумладан бутун бир матнга мантиқли, эмоционал ва ифодали кетма-кетликда тарқалади [Копытов, 2015:1]. Матндаги модус синтактик сатҳдаги гап оқали ифодаланган модусга нисбатан кенг тушунчадир. Матн ёки нутқ орқали ифодаланган модусда ифода воситаларининг қамрови ва тури кенгдир. Лисоний ва нолисоний бирликлар модус ифодаловчи воситалар сирасига киради ва улар ҳар қандай контекстда тилнинг ўзига хос яхлит тизимини ҳосил қилади. Алоҳида-алоҳида кўриладиган бўлса, лисоний воситалар системаси, нолисоний воситалар системаси ажратилади. Лекин улар нутқий мулоқот жараёнида тилнинг контекстуал системасини ташкил этади. Маълумки, коммуникация жараёнида сўзлашувчилар нафақат лисоний бирликлар, балки уларга ёндош ҳодисалар ҳисобланган бошқа воситалардан ҳам фойдаландилар. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, нутқий мулоқот жараёнида лисоний ва нолисоний воситалар комплекс

тарзда қўлланади. Н.А.Селезнева таъкидлаганидек, “ифоданинг мантикий негизини пропозиция ташкил этади. Пропозиция нутқ субъекти томонидан умумий контекстдан ажратиб олинади ва тағмаёноларни ҳамда коммуникатив вазиятнинг экстралингвистик омилларини ҳисобга олган ҳолда бу борада фикр юритилади. Шундай қилиб, модаллик матннинг мазмуний структурасини ташкил қилади ҳамда модал ва аксиологик модусларни ифоданинг асосий хусусиятлари сифатида белгилайди” [Селезнева]. Шунинг учун ҳам матн таркибидаги модус тушунчаси контекстуал модус сифатида алоҳида номланади. Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида шунини таъкидлаш мумкинки, матннинг қандай жанрда эканлиги ҳам модуснинг ифодаланиш усулларини ва таъсир даражасини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Модуснинг матн ҳосил қилишдаги вазифалари нутқ услубларига кўра ҳам фарқланади. Ўзбек тилшунослари томонидан фарқланган сўзлашув, оммабоп, илмий, расмий ва бадиий услубларнинг барчасида яратилган матнлар таркибида модус мавжуд деб айтиш мушкулдир. Улардан бадиий ва сўзлашув услублари модусларни ифодалашда энг ранг-баранг нутқий услуб ҳисобланади. Расмий-идоравий услуб аниқлик ва объективлик талаб қилувчи услуб бўлганлиги сабабли, муаллифнинг шахсий баҳоси, қарашлари матнда акс этмайди. Илмий услуб ўзининг айрим хусусиятлари билан расмий услубга яқин саналса-да, матнда муаллифнинг шахсий қарашлари маълум даражада акс этишини кузатиш мумкин. Илмий йўсинда яратилган матннинг асосини ечим талаб этилган масалани муҳокама қилиш, уни аргументлар билан бойитиш ва уларга нисбатан шахсий фикрни баён этиш ташкил этади. Бунда илмий услуб меъёрларига амал қилган ҳолда тадқиқотчи ўртага ташланган масала юзасидан ўзининг қарашларини баён қилади ва уни асослайди. Бу эса илмий матнда субъектив модалликни маълум даражада ифодаланишига ишора қилади. Илмий матнда фикрий изчилликни таъминловчи *демак, шундай қилиб, бундан келиб*

чиқадики, кўринадики, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки каби кириш бўлаклари ёрдамида тадқиқотчи матнда келтирилган фикрларга хулоса ясаб, ўзининг шахсий қарашларини баён этади. **Шундай экан, аввало, дескриптив ва дескриптив бўлмаган сўзларнинг моҳияти ҳақида фикр юритишига тўғри келади** [Ҳакимов, 2013:176].

Шунингдек, (*деб топил, ҳисоблаш*) ... ўринлидир, лозим ифодалари орқали тадқиқотчи тадқиқот предметига нисбатан ўзининг нуқтаи назарини баён қилади ва уни илмий далил билан асослайди. Илмий услубга мансуб матнларнинг илмийлик даражасини белгилаб берувчи яна бир омил бу цитаталар ҳисобланади. Цитаталар илмий асарларда модус ифодаловчи энг асосий восита саналанади. Улар ...нинг фикрича, ... ўз фикрини қуйидагча баён қилди, ...таъкидлайди, ...эътироф этади каби жумлалар орқали матнга олиб кирилади. Айнан цитаталар бир муаллифга тааллуқли бўлган ва бошқа адабиётларда учрамайдиган ўзига хос тарзда баён этилган субъектив фикрларни ўзида сақлаши туфайли модус ифодалайди. Матнда цитаталардан фойдаланиш яна бир субъектив қарашни юзага келтиради, бу эса модус маънолар сонини оширади. *И.Б.Хлебникова* модаллик ўзи нима деган саволга шундай жавоб беради: “*Модаллик семантик категория, ... маъноларнинг тилда турли хил акс этишидир*”. *И.Б.Хлебникова* модаллик категорияси семантик категория, аммо у синтактик категория эмас, деган фикрни ҳам ўртага ташлайди. *Албатта, бу фикрга биз қўшила олмаймиз. ...* [Якубов, 2005:233]

Шундай қилиб, объективлик, мантиқийлик каби сифатларни касб этувчи илмий матнда модус маънолар концепция яратиш вазифасини амалга оширади ва шу билан бирга тадқиқот масаласи юзасидан фикр билдирган олимларнинг ва муаллифнинг субъектив қарашлари ва илмий ёндашувини ифодалайди. Демак, объектив тарзда баён этилаётган илмий ахборот муаллифнинг ва бошқа тадқиқотчиларнинг субъектив қарашларидан ташкил топади. Бу

эса илмий матнда объективлик ва субъективлик бир йўсин талқин этилади.

Публицистик матнда эса модус муҳим ижтимоий муаммо бўйича муаллифнинг қарашларини аниқ ифодалашга хизмат қилади. Публицистик матн бадий, илмий ва оғзаки услуб хусусиятларини ўзида жамлаганлиги сабабли муаллифга шахсий фикр ва ғояларини мақсадли ва осон ифодалаш имконини беради. Публицистик матнда муаллифнинг шахсий нуқтаи назари акс этиши, ўқувчилар учун ҳам муҳим, ҳам қизиқдир. “Бугунги медиатекст истеъмолчилари учун фактлар эмас, балки уларнинг қарашларига, баҳоларига, кадриятларига, дунёқарашларига мос келадиган ёки келмайдиган муаллиф интерпретацияси муҳимроқдир” [Копытов, 2015:13]. Ш.Балли диктум терминини лингвистика фанига жумланинг асосий хабар ташувчи қисми сифатида киритган. Унга кўра диктум асосий маълумотларни ўз ичига олганлиги сабабли, модусдан мазмун жиҳатдан устун эди. Лекин бугунги кунда публицистик матн доирасида жумлага субъектив бўёқ берадиган модус матннинг энг асосий фрагменти бўлиб бормоқда. Қандай жанрдаги матн бўлишидан қатъи назар бугунги кунда яратилаётган барча матнларнинг дебочаси модус ҳисобланмоқда [Копытов, 2015:13]. Буни публицистик мақолаларнинг сарлавҳасида ҳам кўришимиз мумкин: *“Кўлэзмалар ёнмайди”*, *“Мансабини суиштеъмол қилган порахўр”*, *“Фирибгарга ишонманг* [Давр минбари, 2019]. Публицистик матн муаллифлари ўқувчининг эътиборини жалб қилиш мақсадида ўз мақоласига имкон қадар ноодатий сарлавҳа танлайди. Шунингдек, мақола сарлавҳаларида муаллифнинг қарашлари ифодаланади.

Модус публицистик матнларда муаллифга муҳим ижтимоий, сиёсий муаммони аниқ ва пухта ифодалашга ёрдам беради. Матндаги алоҳида модусга эга бўлган жумлалар маъноси бутун матнга тарқалади.

*“Тиллараро тенгсизлик – кичик тиллар яшовчанлигига салбий таъсир қилувчи асосий омилдир. Қайсидир тил*



муҳимроқ, обрўлироқ, қулайроқ бўлиб, унга муайян бир жамият ёки дунё миқёсида кўпроқ эътибор қаратилади. **Табиийки**, одамлар ўзи ва фарзандлари учун ижтимоий мавқе берадиган тилни танлашади. Масалан, бизнинг шароитда рус тилига, инглиз тилига берилаётган эътибор –бунинг бир кўриниши. **Одатда**, мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитилаётган бу **“катта”** тиллар – мансаб пиллапояларидан юксалишининг муваффақиятли гарови. Натижада, **“кичик”** тиллар аҳамиятсиз, иккинчи даражали ёки умуман кераксиз бўлиб қолаверади. Кўптиллик **қадрланмайди**, она тили **севилмайди**, балки **“бош”** тилни билиш ҳар томонлама **рағбатлантирилади**. Бу тилни билгувчи мутахассисларга устама маошлар берилади, имтиёзлар **тақдим этилади**. **Бироқ**, масалан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа миллат мутахассисларининг ўзбек тилини билиши, бу тилда иш кўриши **рағбатлантирилмайди**. **Ҳолбуки**, энди мамлакатимизнинг дунё бўйича ўзбек тили таълимини йўлга қўйишига киришиши **вақти келди** “.

Ўзбек тили ўладими? [ Электор манба:  
<http://zamon.org/uz/2017/11/09>]

2017 йилнинг 9 ноябрь санасида интернет тармоқларида “Ўзбек тили ўладими?” сарлавҳаси остида чоп этилган ушбу мақолада мамлакатимизда она тилига нисбатан чет тилларига кўпроқ эътибор қаратилаётгани, эътиборсизлик оқибатида ўзбек тили етарлича ардоқланмаётгани ва бунинг натижасида она тилимизга истеъмолдан чиқиш хавфи яқинлашаётгани ҳақида ёзилади. Муаллиф мақолада турли лингвистик воситалардан фойдаланган ҳолда ўз танқидий қарашларини ифодалайди. Матнда муаллиф томонидан **“табиийки”**, **“одатда”**, **“натижада”**, **“ҳолбуки”** каби кириш бўлақларнинг қўлланилиши нафақат фикрнинг мантикий кетма-кетлигини таъминлайди, балки билдирилган фикрга аргумент сифатида хизмат қилиб, ўқувчида унга нисбатан ишонч уйғотади. Ўзбек ва чет тилларининг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш мақсадида

муаллиф уларга киноя орқали “*кичик*”, “*камта*”, “*бош*” тил деб ном беради. “Киноя бугунги кунда ташқи оламга нисбатан ифодаланган муносабат кўринишига эга бўлиб бормоқда” [Гасанова, 2018:44]. Бу барча услубларда яратилган матн турларига тааллуқли бўлиб, бадиий ва публицистик услубларда айниқса кўпроқ қўлланилади. Шундай қилиб, тилларнинг жамиятдаги ролининг фарқланишига оид билдирилган салбий баҳо матн давомида феълларнинг мажхул нисбатда қўлланилиши, сифат туркумига оид сўзлардан фаол фойдаланиш ва уларнинг орттирма даражада эканлиги орқали сақланиб қолади. Шунингдек, муаллифнинг услубий воситалардан фойдаланиши ҳам матн жумлаларида модусни ҳосил қилади.

Кам фойдаланилаётган тилларнинг ҳолатини тасвирлаш учун муаллиф климаксдан фойдаланади.

*Натижада, “кичик” тиллар аҳамиятсиз, иккинчи даражали ёки умуман кераксиз бўлиб қолаверади.*

Ўзбек тили ўладими? [ Электрон манба:  
<http://zamon.org/uz/2017/11/09>]

Шунингдек, муаллифнинг мақола давомида бир неча турғун иборалар ва риторик саволлардан фойдаланиши унинг публицистик мақсадига хизмат қилади.

Шундай қилиб, модус матнларда имплицит табиатга эга ҳодиса ҳисобланади. У ўзбек публицистик матнларида турли грамматик усуллар ва услубий воситалар ёрдамида ифодаланади. Грамматик усул бўлиб феълнинг мажхул нисбатда тусланиши, сифатнинг орттирма даражада қўлланилиши ва кириш бўлақлар ва модал юктамаларнинг матнда тез-тез учраши орқали муаллиф матнга шахсий интенциясини сингдириб боради. Шунингдек, киноя, климакс каби стилистик воситалар ҳам публицистик матнга субъектив бўёқ бериши мумкин. Ўқувчининг диққатини қаратиш мақсадида муаллиф матннинг долзарб қисмида риторик

саволдан фойдаланиши ёки модал маънога эга бўлган тургун ибораларни қўллаши мумкин.

Нуткий услублар ичида сўзлашув услуги эркин ифода шаклларига эга эканлиги билан бошқа услублардан ажралиб туради. Сўзлашув услуги оғзаки мулоқот турига хос эканлиги сабабли у индивидуал характерга эгадир. Бу ҳолат нутқда бир тарафдан модуслар сонининг кўпайишига олиб келса, иккинчи тарафдан хужжатлаштириш ва илмий асос сифатида қўллаш имкониятини камайтиради. Шунга қарамасдан, сўзлашув услубида бошқа нуткий услубларга қараганда модус яққолроқ ифодаланади. Бунда лингвистик ҳамда экстралингвистик омилларнинг мавжудлиги муҳим ўрин тутди. Лингвистик омил бўлиб нутқда интонация, лексик ва синтактик бирликлар қатнашса, экстралингвистик омилларга вербал воситаларни талаффуз қилиш пайтида амалга оширилган имо-ишоралар, гавда ҳаракатлари, сўзловчи шахснинг ташқи кўриниши, либоси, уни қуршаб турган объектив олам ва бошқалар қиради.

Шунингдек, сўзлашув услубининг яна бир ўзига хослиги киши исмларини қисқартириб қўллаш мумкинлигидир. Бунда «исмларнинг биринчи ёки охириги бўғин тушириб қолдирилади: *Холида-Холи, Нилуфар-Нилу*. Шунингдек, агар исм мустақил отлардан ташкил топган бўлса, исм охирида келган от қисқартирилади: *Шерзод-Шер, Дилдора-Дил*” [Икрамова, 1967:18]. Бундай ҳолатлар кўпинча яқинлар ва дўстлар даврасида кузатилади. Бу дўстона муносабатни, дўстлик ва эркалаш модусларини ифодалайди. Шунингдек, вербал алоқа аралашув пайтида ижтимоий унвони баланд, ёши улуғ кишиларга хурмат белгиси сифатида эркалар исмига *-жон, -бек*, аёлларга *-хон* қўшимчаларини қўшиб қўллаш ўзбек тилининг сўзлашув нутқида хос хусусият ҳисобланади. Бу эса суҳбатдошга нисбатан нафақат хурмат ва илтифот модусларини ифодалайди, балки нутқнинг экспрессивлик хусусиятини янада оширади. Сўзлашув услубининг экспрессивлик имкониятларининг яна бир кўриниши сифатида луғавий

бирликларнинг кўплаб экспрессив бўёққа эга синонимларга эга эканлигидир. Масалан кичкина боланинг *кичкина*, иш билмаснинг *сўтак*, йиғлоқининг *огзи очиқ* каби сўзлар ва иборалар билан ўрин қопланиши мумкин. Бу орқали эса сўзловчининг суҳбатдошига берган баҳоси ва унга бўлган муносабати янада яққолроқ ифодаланади. Шунингдек, *улгурамизми?* деган саволга *йўқ улгурмаймиз* дейишдан кўра вазиятдан келиб чиқиб, *улгуриб бўпмиз / улгуриш қаёқда / улгуриб ҳам бўлдик* сингари жавоблар бирмунча табиий ва экспрессивроқ жаранглайди.

Сўзлашув услубига хос хусусиятлардан бадий матннинг шаклланишида ҳам фойдаланилади. Бу орқали персонажнинг феъл-атвори, унинг ички дунёси тасвирланади. Демак, персонажнинг кундалик ҳаётидан олинган вербал лавҳалар бадий асар қийматининг янада ошишига ва ўқувчида асар қаҳрамонларига нисбатан тўғри ва аниқ муносабат шаклланишига хизмат қилади. Бадий услуб ўзининг ранг-баранглиги, нафақат сўзлашув, балки барча нутқ услубларига хос бўлган элементларнинг ишлатилавериши ва уларнинг энг муҳим функцияси - бадий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадий услубнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Матн модуси атамасининг тилшуносликда пайдо бўлишида ва ривож топишида скептицизм фалсафаси алоҳида аҳамият касб этди. Матн тилшунослиги соҳасида модус тушунчаси ҳақидаги назариялар таҳлил қилинганда, унинг “тескари тартибда ривожланган [Копытов, 2012:83]”лигини кўриш мумкин. Дастлаб матн модуси тушунчаси пайдо бўлган, сўнг матннинг алоҳида қисмларида модуснинг ифодаланиш ҳолатлари ўрганилган. “Скептицизм ғоялари ижтимоий онг шакли сифатида маърифатпарварлик (XVIII) асрида илм-фаннинг ҳар бир соҳасига тарқалди. Бу эса кишиларда индивидуал дунёқараш шаклланишига туртки бўлди. Бир фикр иккинчи фикрнинг пайдо бўлишига, иккинчи фикр эса учинчи, тўртинчи фикрнинг туғилишига сабаб бўлди. Шундай қилиб,

XVIII асрда воқеа ва ҳодисаларга нисбатан субъектив фикрлар сони ўсди, айти пайтда модуснинг ривож топишига кенг йўл очилди” [Копытов, 2012:83].

Маълумки, бадиий услубга хос матнларда муаллиф турли усуллардан фойдаланган ҳолда мукамал инсон образини яратиш мақсадини ўз олдига қўяди. Матн сатҳида бир неча модуслар мавжуд бўлиб, улар муаллифнинг мақсади, унинг интенциясини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Ушбу модусларнинг бирлашиши орқали ягона модус ҳосил бўлади. Бунда бир гапда бошланган мавзу мантикий тарзда бошқа гапларда давом эттирилади. Шу тариқа бош модус гапларнинг мантикий кетма-кетликда жойлашиши ҳамда уларни лингвистик тартибга солиниши орқали вужудга келади.

— *Келинг, қўйинг, бу гапларни. Дафтарингизга “шу кучли дори билан эмлаб қўйдим” деб белгилайверинг. Бунинг эвазига битта латифа айтиб бераман.*

— *Яна жиннилар ҳақидами, керакмас.*

— *Сиз эшитинг бу янгиси. Хуллас, бир жиннихонада жиннилар тузаладимиз ё йўқми, билмоқчи бўлишибди. Жинниларни самолётга жойлаб осмонга учуришибди-да, қўлларига бўш ишилар тутказибди. Бир маҳал қарашса, салонда бир киши ўтирганмиш. “Бошқалар қани”, - деб сўрашса: “Иши топширгани кетишди”, -дебди. “Сенчи?”, - деб сўрашса: “Нима, мен жинниманми, бугун душанба, магазин ишламайди”, - дермиш.*

*Ҳамшира қулиб, юзини четга бурди.*

(Т.Малик, Шайтанат)

Юқорида келтирилган мисолда бош модус маъно рад этиш бўлиб, биринчи гапда буйруқ майлида ясалган келинг, қўйинг феъллари илтимосни, ундашни англатади. Бунга жавобан кейинги гапда керакмас феълнинг қўлланилиши рад этиш маъносини беради. Шунингдек, вербал воситалар биргаликда новербал ҳаракатлар (қулиб, юзини четга бурди) ҳам рад этиш модусини янада аниқлаштиради. Комплекс ифода воситаларига

эга бўлган модус турига нисбатан контекстуал модус терминини кўллаш мумкин.

У: “*Дадам иккаласини уриб-уриб кўчага отворсалар эди*”, *деб жуда-жуда истаган эди. “Нимага урмаяптилар, кучлари етмайдими? Мен борман-ку!”* деб ўйлади. *Ана шу ўй жажжжи юрагида исён вулқонини уйғотди:*

*Дадамга тегманг! Тегманг дадамга! Дафъатан келган ҳайқириқни тўхтата олмади.*

(Т.Малик, Шайтанат)

Юқорида келтирилган абзацда муаллифнинг субъектив қарашлари грамматик, фонетик ва лексик воситалардан фойдаланиши орқали ифодаланмоқда. Биринчи гапда феълнинг хоҳиш-истак майлида эканлиги (*отворсалар эди, истаган эди*) асар қахрамонининг дадасининг ҳаракатни амалга оширишини ва вазиятни ўзгартиришини хоҳлашини англатса, қолган лексик воситалар қахрамон эмоцияларини янада аниқлаштирмоқда: *уриб-уриб, жуда-жуда*. Кейинги гапдаги сўроқ ва *-ку* юкламаси ҳайратланиш модусини ифодалайди. *Ана* юкламаси ва *исён вулқонини уйғотди* ибораси олдинги гап маъносига яна бир бора урғу бермоқда. *Дадамга тегманг! Тегманг дадамга!* ҳайқириғи мазкур ҳолатнинг кульминацион нуқтасини белгилаб бермоқда. Бунга гапнинг такрорланиши ва уни талаффуз қилишда фонацион воситалардан фойдаланиш орқали эришилмоқда. Шунинг учун ҳам буни контекстуал модус сиасига киритилади. Шундай қилиб, юқоридаги матн парчасида муаллиф томондан қахрамоннинг образини яратишда, унинг ички кечинмаларини ифодалашда морфологик (хоҳиш-истак майли, юкламалар), синтактик (гапнинг такрорланиши, сўроқ гап), лексик (ибора, жуфт сўзлар) ҳамда фонацион воситалардан фойдаланилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, матн “боғланган ва яхлит белгилар мажмуасининг мазмуний кетма-кетлиги” [Лингвистический энциклопедический словарь, 1990:686] бўлиб, у муаллиф интенциясининг амалга оширишда коммуникатив

восита вазифасини бажаради. Матнда муаллиф интенцияси билан бирга унинг ўртага ташланган масала бўйича муносабати, модуси ҳам ифодаланади. Бунда матн мансуб бўлган услуб модуснинг ифода воситаларини танлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Демак, муаллифнинг субъектив қарашлари, баҳоси ва модуси турли услубда яратилган матнларда лингвистик воситалар ҳамда адабий усулларнинг уйғунлашуви ёрдамида ифодаланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Боймирзаева С., Йўлдошев Б. Миллий тилшуносликда матн ва уни ўрганиш муаммолари. Хорижий филология, №3, 2016.
2. Гасанова Л.Т. Иронический модус в современной азербайджанской мемурно-автобиографической прозе. // Проблемы востоковедения, 2018/3 (81).
3. Давр минбари. 27.04.2019 № 08 (634).
4. Икрамова Р. Модальные формы имен существительных в современном узбекском языке: Автореф. дис.... канд.филол.наук. — Ташкент, 1967.
5. Копытов О.Н. Модус на пространстве текста: Монография. – Хабаровск: Изд-во ХГИИК, 2012.
6. Копытов О.Н. Концепция модуса на пространстве текста и ее возможности для исследования медиатекста // Медиалингвистика. Международный электронный журнал. 2015, № 4 (10).
7. Лингвистический энциклопедический словарь/под.ред. В.Н. Ярцевой. – М.: Сов. энцикл., 1990.
8. Селезнева Н.А. Прагматическая семантика модальной рамки. Электронный адрес: [https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch\\_2009\\_ii\\_00012.pdf](https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch_2009_ii_00012.pdf) (Дата обращения: 16.11.2020)

9. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари: Монография.- Тошкент: Akademnashr, 2013.

10. Шмелева Т.В. Семантический синтаксис: текст лекций. — Красноярск: Краснояр.гос.ун-т, 1988; 2 –е изд. 1994.

11.Электрон манба: <http://zamon.org/uz/2017/11/09>  
(Мурожаат санаси: 18.04.2019)

12.Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. Тошкент: Фан 2005.



## MIFONIM VA UNING TALQINIGA DOIR BIR HOLAT

**Maxmaraimova Shohista Tuxtashevna\***

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada fanda “mifonim” deb qaraluvchi istiloh va uning ostida ifoda topuvchi birliklar, mifonim va realionimlarning nominativ jarayondagi o‘zaro munosabati haqida bahs yuritiladi. Muallifning bu boradagi qarashlari turli tizimli tillar lingvomadaniyatida mifonimlar talqini misolida o‘z ifodasini topgan.*

***Kalit so‘zlar:** mifonim, realionim, termin talqinidagi ixtilofli jihatlar.*

Olamning tabiiy va madaniy elementlarini aks ettirishga xizmat qilgan miflar olam haqidagi fantastik tasavvurlar tizimidan iborat bo‘lgan mifologiyani namoyon etadi. Miflarning insoniyat tarixidagi o‘rni uning – odamzotning mif ijod qilish qobiliyati darajasini belgilaydi va bu qobiliyat insoniyat madaniy taraqqiyotining uzviy jihati: o‘z davrida miflar olamni tushunishning birdan bir yo‘li sanalgan [Maxmaraimova, 2017:4].

E.F.Shafranskaya mifning quyidagi marosimiy-mavzuiy guruhlarini ajratadi:

1. Kosmogonik miflar, ya‘ni olamning yaralishi to‘g‘risidagi miflar. Bu turdagi miflar o‘zbek filologiyasida ibtido haqidagi miflar ham deb ataladi.

2. Esxatologik miflar. Bu toifadagi miflar o‘zida olamning intihosi, oxir zamon to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni mujassamlashtirgan.

3. Totemik miflar. Totem ajdodlar, shu jumladan, hayvon, o‘simlik, odam ko‘rinishidagi totemlar haqidagi miflar.

4. Madaniy qahramon haqidagi miflar.

5. Trikster haqidagi miflar – madaniy qahramonining past, salbiy jihatli qiyofadoshi haqidagi afsonalar; trikster – makkor,

---

\* Termiz davlat universiteti dotsenti, filologiya fanlari doktori.

shum, yolg‘onchi, buzuq odam, u ahmoq, bema‘ni, ahmoq, ochko‘z va ishratparast.

6. Etiologik miflar. Borliq, olam bilan bog‘liq real voqelikning paydo bo‘lishi haqidagi miflar.

7. Bag‘ishlovga qaratilgan miflar, o‘g‘il bolalarning (ko‘pincha qizlarning) boshqa yosh va ijtimoiy toifaga o‘tish marosimlari haqidagi ma‘lumotlarni o‘z ichiga olgan afsonalar [Shafranskaya, 2008:20].

N.V. Shesterkina mifonimlarning semantik ahamiyatini quyidagicha ta‘riflaydi: “mif” so‘zning ijtimoiy-mazmuniy sig‘imi”ni ifodalaydi; “Epos” so‘zning fonetik shaklini, uning talaffuz jarayoniga ishora qiladi; “Logos” elementlarning asosiy farqlanishini, ma‘lum bir ma‘no ajratilishini va alohida hodisaning belgilanishini nazarda tutadi.

E.F. Shafranskayaga ko‘ra, “mif” atamasi ikki xil talqin qilinadi: arxaik shakllanish va inson tafakkurining abadiy modeli - arxaik mifologiyada ko‘rib chiqiladigan barcha muammolarni aks ettiruvchi paradigmalar majmuyi sifatida [Shafranskaya, 2008:20].

K.G.Yung mifni rivoyat shaklidagi ibtidoiy real voqelikning qayta yaralishi deb ta‘riflaydi [Yung, 1997]. Real voqelikning bu tarzda ifodasini esa N.V.Shesterkina kognitiv model, paradigmaning alohida turi sifatida e‘tirof etadi [Shestyorkina, 2011:41].

A.V. Superanskaya va L.M. Sapojnikovning ta‘kidlashicha, onomastikada “mifonimlar” deb nomlangan bir qator birliklar to‘qima, xayoliy narsalarning (qadimgi mifologiyaning qahramonlari, bibliya va adabiy qahramonlar, xayoliy mavjudotlar va geografik obyektlar faqat fantastik voqelikda) nomlarini o‘z ichiga oladi (antik, bibliya, adabiy, folklor, diniy, mistik va boshqalar) yoki “xayoliy nomlar”, “badiiy fantastika” (Fiktionyme) [Nübling, 2012], “irreal onimlar”[Debus, 2012]; adabiy nomlar “poetonimlar” deb ham ataladi (Poetonyme) [Superanskaya, 1973].

Jahon onomastikasida mifonimlar qatorida *realionim* terminiga ham alohida urg‘u beriladi. Chunki bu ikki lisoniy

birlikning hosil bo‘lishida, olimlarning xulosasiga ko‘ra, o‘zarochilik mavjud. Odatda, turdosh otlarning asosini borliqda mavjud, konkret narsa va buyumlar nomi tashkil qiladi hamda atoqli otlar (nomlar) tur va jins, sinf ichida o‘xshash belgili birliklarni belgilash, ajratish uchun tanlanadi. Xuddi shunday, borliqdagi narsa va hodisalarning nomini anglatuvchi atoqli otlarning katta qismini realionimlar tashkil qiladi, deb hisoblasak, ular asosida hosil bo‘luvchi mifonim birliklar o‘zida referent nisbiylik tabiatini namoyish etadi: hosila nom o‘rnida yuzaga kelgan mifonimlarda esa realionimlarga tegishli eng xos belgilar jamlanadi.

N.V.Podolskaya tilda mavjud atoqli otlarni ikki asosiy: realionim va mifonimlarga bo‘linadi, deb hisoblaydi [Podolskaya, 1978].

L.M.Sapojnikovaning so‘zlariga ko‘ra, individuallashtirishning o‘ziga xos lingvistik vositalari boshqa obyektlarni nomlash uchun ishlatiladi. Bu esa nomning yadro semantikasiga bevosita ta’sir qiladi, onimning tasniflovchi va tavsiflovchi funktsiyalarini birinchi o‘ringa olib chiqadi [Sapojnikova, 2017: 139-145]. Shunday ekan, bizda onomastik sathda mavjud mifonim birliklar bir vaqtning o‘zida birlamchi va hosila nominatsiyaning samarasini o‘zida aks ettiradi, deyishga asos mavjud. Ya’ni hosila nomning yuzaga kelishida birlamchi atash jarayonining asosiy vazifaviy xossalari o‘zgaradi: atash uchun negiz vazifasini o‘tagan narsa, shaxs, hodisa, tushuncha va boshqalar nomi keyingi atov bosqichida belgilash, aniqlash, individuallashtirish singari xos belgilarni yo‘qotadi. Hosila nomlarda aynan mifik unsurlarning anglatgan semantikasi ustuvor ahamiyatga ega bo‘lishi esa atalayotgan buyum (narsa, hodisa)ga nom topish murakkablashganda, aslida abstrakt mohiyatni konkretlashtirish ehtiyoji yuzaga chiqqanda ko‘rinadi.

Ma’lumki, mifik obrazning mazmuni u namoyish etuvchi shakl bilan muvofiq kelgan, ya’ni mazkur obraz nimani shakllantirishga xizmat qilgan bo‘lsa, ana shu ramziy obrazda tasvirlangan. Mifik tasavvurda subyekt va obyekt, predmet va belgi,

so‘z va buyum, mavjudot va uning nomi, buyum va uning atributlari (farqlovchi elementlari), birlik va ko‘plik, fazoviy va muvaqqat tushunchalar, ibtido va mohiyat munosabatlari farqlanmaydi. Ushbu diffuzlik tasavvur qilish va umumlashtirishda ko‘rinadi. Mif uchun genezis va mohiyat birlamchidir. O‘z navbatida, mifik tasavvur olam mifik manzarasining tashkil etuvchilaridan hisoblanadi [Maxmaraimova, 2018:5]. Tabiiyki, mifik obraz nomining real shaxs, predmetga o‘tishida bu jihat muhim ahamiyat kasb etadi. Biroq bir davrda realionim maqomidagi so‘zning davr o‘tib mifonimga aylanishida nafaqat tillarning xos tabiati, balki turli lingvomadaniyatlarining xususiyatidan kelib chiqib xulosa qilish lozim.

L.M.Sapojnikova realionim va mifonimlarda birlamchi nomlashning vazifaviy-ma’noviy jihatdan: neytral onomastik nomlash, realionimning mifiklashuvi, onomastik taqqosdan iborat uch tipdagi turini farqlaydi. Olima neytral onomastik nomlashda nom orqali ifodalanayotgan realionim bilan nomlashda asos vazifasini o‘tagan real onomastik obyekt o‘rtasida aloqa saqlanishi ta’kidlaydi [Sapojnikova, 2017: 139-145].

Realionimning mifiklashuvi jarayonida esa atoqli ot o‘zi ishtirok etgan matnda birlamchi atash xususiyatini ifodalaydi, biroq kontekstual jihatdan endi to‘qima va badiiy bo‘yoqdorlik, tasviriylikka xizmat qiluvchi ma’noni moddiylashtiradi. Masalan, ingliz tilidagi *Big Ben*, ya’ni Londondagi Parlament binosidagi soat qo‘ng‘iroqlarining nomi bu yerdagi asarlarning bosh qo‘riqchisi Benjamin Xoll sharafiga qo‘yilgan. *Big Ben is a collective nickname for a bell and a bell tower in England* – Big Ben - Angliyadagi qo‘ng‘iroq va qo‘ng‘iroq minorasining umumiy nomi. Ilmiy diskursda realionimning mifiklashuviga xos *rentgen*, *makintosh*, *amper*, *il-2* (aviakonstruktor S.V.Ilyushin nomidan), *yak-3* (aviakonstruktor A.S.Yakovlev nomidan), *vatman* (J.Vatman nomidan), *mauzer*, *saksofon* (A.Saks nomidan), *sandvich* singari lug‘aviy birliklar o‘zbek nutqida ommalashgan birliklar hisoblanadi hamda bir qarashda mifonimga xos semantikani namoyon etmaydi.

Negaki bu so‘zlar birlamchi termin maqomiga ega, biroq so‘zlashuv nutqidagi faollik evaziga endi ularni (*rentgan, amperdan* farqli) atama qatorida baholash mumkin.

O‘zbek tilida bu toifadagi nomlash jarayonida realionimning to‘g‘ridan to‘g‘ri mifonim – atoqli otning hosil bo‘lishi emas, asosan, aniqlovchi-aniqlanmish, izohlovchi-izohlanmish qurilmasidagi atributiv oborot tarkibida ifoda topishi kuzatiladi (masalan, *xatti Boburiy, g‘ijjaki Boburiy, Jaloliddin Manguberdi (nomidagi ko‘cha)* ko‘chasi, *Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti* singari). Ya‘ni o‘tmishda yashab o‘tgan real shaxs nomining kelgusida predmet, ashyo nomiga bevosita o‘tishi o‘zbek lingvomadaniyatiga xos emas. Yevropa tillarida bo‘lganidan farqli, o‘zbek tilida shaxs nomi unga aloqador predmet, ashyoga bevosita o‘tmaydi, aksincha, shaxs nomiga ishora qilish shu predmetning tegishlilik belgisi (*-ning*, shuningdek, forsiy izofa grafemasi bilan) orqali ifodalanadi. Bu holatda hosila nomni mifonim deb atash esa mazkur termin xususiyatiga ziddir. Bundan farqli, o‘zbek tilidagi “*Temurbeklar maktabi*” nominativining bosh semantikasini tashkil etuvchi *Temurbeklar* lingvistik jihatdan mifonim hisoblanadi. Bizningcha, bu toifadagi nomlash o‘zbek tiliga rus tilidan, sobiq sho‘ro mafkurasi ta‘sirida ko‘chgan (masalan, *staxanovchilar* kabi) va uni turkiy tillar lingvomadaniyatiga xos deb bo‘lmaydi.

O‘zbek lingvomadaniyatiga mifonim termini ostida sof to‘qima, xayoliy tushunchani ifodalashdan farqli, milliy mifologik manzarani tarkib toptiruvchi afsonaviy obrazlarning nomlarini tushunish xos, realionimning mifiklashuv jarayoniga tegishli istisno holatlar esa (masalan, *Bugun badiiy ijodning barcha janrlarida o‘z kuchini sinab ko‘rayotgan iqtidorli, intiluvchan, izlanuvchan yoshlarimiz orasidan davrimizning Hamid Olimjonlari, Zulfiyalari yetishib chiqishiga ishonamiz* singari) o‘zbek tili lug‘aviy tizimida mazkur nomlarning to‘liq turg‘unlashganini anglatmaydi. Aksincha, bu ifodalar nutq ekspressiyasini ta‘minlash, matnga kinoya yoxud e‘tirof ruhi va yuqori pafosni bag‘ishlash maqsadida qo‘llaniladi va

aksar hollarda laqab, taxallusning yuzaga chiqishida muhim omil hisoblanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал лугати. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2018. – Б. 4.

2. Шафранская Э.Ф. Устное народное творчество: учеб. пособие. М.: Академия, 2008. – С. 20.

3. Юнг К.Г. Душа и миф: шесть архетипов. Киев; М., 1997.

4. Шестеркина Н.В. Миф как когнитивная парадигма // Вопросы когнитивной лингвистики. № 2 (027) 2011 г. – С. 41.

5. Nübling D., Fahlbusch F., Heuser R. Namen. Eine Einführung in die Onomastik. Tübingen: Narr Verlag, 2012. 368 S.

6. Debus F. Namenkunde und Namengeschichte: Eine Einführung. Grundlagen der Germanistik 51. Berlin : Erich Schmidt Verlag, 2012. 280 S.

7. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. М.: Наука, 1973. 368 с.

8. Подольская, Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. М.: Наука, 1978. 198 с.

9. Сапожникова Л.М. Типы первичной ономастической номинации при актуализации реалионимов и мифонимов. Вестник ТвГУ. Серия "Филология". 2017. № 2. С. 139–145.

## **ТЕРМИНЛАРНИ АНТРОПОЦЕНТРИК АСПЕКТДА ТАДҚИҚ ЭТИШ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддиновна\***

***Аннотация.** Мақолада терминларнинг антропоцентрик ёндашув асосида ўрганиши, яъни объектнинг моҳиятини инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиши муаммолари хусусида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** терминлар, антропоцентрик ёндашув, лингвомаданий хусусиятлар, муқобилсиз лексика, лексик бирликлар.*

Бугунги давр тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам терминларни антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бирига айланди. Терминларнинг ҳосил қилинишида, асосан, илм-фан соҳаси кишилари, олимлар қатнашиши боис бу турдаги махсус лексикани шу тил эгалари шахси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, уларнинг олам ва ундаги предмет ва ҳодисаларни илмий тарзда “қайта идрок этиши”, бу жараёнда илмий тафаккур соҳиблари онгида илмий концептларнинг шаклланиши, бу концептларнинг миллий онг билан боғланиши ва тилда аниқ терминлар билан ифода этилиши, терминларда маданий коднинг ифодаланиши ва ниҳоят, илм соҳиблари нутқини ўрганиш орқали улар лисоний шахсини аниқлаш каби қатор вазифалар антропоцентрик аспектда тадқиқ этилувчи терминологиянинг муҳим вазифаларидир.

---

\* Қўқон давлат педагогика институти доценти, филология фанлари доктори.

С.В. Гринев-Гриневиц термин ва унга антропоцентрик ёндашув ҳақида фикр билдириб, терминлар эволюциясининг асосий этапларини 4 босқичга ажратади. У терминлар ҳосил бўлишининг эволюцион этапларини жамият тарихи ва маданияти билан боғлиқликда ўрганиш ғоясини илгари суради. Олим томонидан қайд этилган бу босқичлар куйидагилардан иборат:

“1) қадимги даврнинг овчилик ва тасодифий ўлжа топиш маданияти билан алоқаси;

2) илмгача бўлган даврнинг ўтроқлашув ва бошланғич кишлоқ хўжалиги маданияти билан алоқаси;

3) бошланғич илмий даврнинг шаҳар маданияти цивилизацияси билан алоқаси;

4) илмий даврнинг индустриал маданият билан боғланганлиги”. [С.В.Гринев-Гриневиц,2014:12-25.]

Англашиладики, С.В.Гринев-Гриневиц илмий тушунча эволюцияси этаплари хусусиятларини антрополилингвистика билан боғлайди. У мазкур фан йўналиши 10 йил аввал шаклланган бўлса-да, кишилар маданиятнинг ривожланиши, билиш ва инсон эволюциясини тил лексикаси тараққиёти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш зарурлигини анча олдин билишганлигини таъкидлайди. Бу хулосани Шарль дю Фресье дю Канж томонидан 1678 йилда нашр қилинган “Ўрта аср лотин луғати” (“Glossarium ad scriptores mediae et infimae”) ҳам асослайди. Муаллиф луғатни тузар экан, ўрта аср лотин тилининг қадимги рим тилидан фарқланишини сезган ва ўрта асрларда пайдо бўлган янги сўзлар таҳлили ўша давр урф-одатлари ва кундалик турмуш тарзини ўрганиш имкониятини бериши ҳақида хулосага келган. [Bartlett Robert,2002.11-12]

Луғатларда жамланган лексик бирликлар, хусусан, терминларда халқ билими даражасининг акс этиши Н.Г.Чернишевскийнинг “Философияда антропологик тамойил” асарида ҳам қайд этилган. Мазкур асар муаллифи кузатишлари



асосида “Лексика таркиби халқ билимига мутаносибдир” деган хулосага келган. [Черышова Л.А,2011:17]

Маълумки, тиллар орасидаги фарқлар, одатда, маданиятлар орасидаги фарқлар билан асосланилади. Жумладан, муқобилсиз лексика деб аталган бирликлар муайян халқ миллий маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиришига кўра белгиланади. Л.С.Бархударовнинг ёзишича, “Муқобилсиз лексика – бир тилдаги лексик бирликларнинг бошқа тилда тўлиқ ёки қисман муқобилига эга бўлмаслигидир”. [ Бархударов Л.С,1975:94] У муқобилсиз лексикага куйидаги гуруҳдаги лексик бирликларни киритади:

1) “атоқли отлар – географик жой номлари, ташкилот, корхона, газета каби номлар;

2) реалиялар – бошқа тилда сўзлашувчиларнинг амалий тажрибаларида мавжуд бўлмаган предметлар, тушунчалар ва вазиятларни ифодаловчи сўзлар. Масалан, миллий таом номлари, миллий либос кабилар;

3) “тасодифий лақналар” – бирон бир тилдаги лексик бирликларнинг қандайдир сабабларга кўра бошқа тилнинг лексик таркибига мос келмаслиги”.

Турли тилларда шундай терминлар ҳам мавжудки, улар муқобилсиз лексика таркибига кира олади. Умуман, бундай терминларни лингвомаданиятшунослик аспектида махсус ўрганиш нафақат тиллар, балки турли маданиятлар орасидаги ўзига хос жиҳатларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, реалияларни ифодаловчи термин ва сўзларнинг дифференциал хусусиятларини ўрганиш терминология ва маданиятшуносликнинг ўзаро алоқасини белгилаш учун зарур.

Тилшуносликда реалия ва терминлар алоқаси ҳақида қарашлар турлича. Терминларни антропоцентрик ёндашув асосида ўрганишда, яъни объектнинг моҳиятини инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишда инсон феномени масалалари билан шуғулланувчи барча йўналишлар: когнитив, прагматик, культурологик, психологик ва аспектлар жамланган бўлади.

2004 йилда Белостокда бўлиб ўтган ва дунё лингвистикада антропологистика йўналишининг юзага келганлиги эълон қилинган халқаро миқёсдаги “Тил ва маданият” мавзuidaги конференцияда эътироф этилишича, “антропологистиканинг тадқиқот объекти тури тилларнинг лексик тизимлари, биринчи навбатда, терминология бўлмоғи керак, чунки уларда илмий билим тизимлари тараққиёти хусусиятлари бениҳоя аниқ акс этган бўлади.”[ Антонова В,2014:95] Ана шу фикрдан келиб чиқилса, ўзбек тилидаги мавжуд терминларнинг лингвомаданий томонларини ўрганишнинг нечоғли зарур эканлиги маълум бўлади ва бу каби тадқиқотлар ўзбек тилшunosлиги учун муҳим хулосаларни беради, хулосалар эса ўзбек миллатининг тафаккур тарзи юзасидан умумлашмалар чиқаришга имконият яратади.

Ўзбек тилининг спорт терминологияси, масалан, курашга доир кўпгина терминлар бошқа тил эгалари учун бўлмаса ҳам, ўзбек тили вакиллари учун лингвокультурологик аҳамият касб этади. Айниқса, кураш терминлари ўзбек халқининг этномаданиятини ўзида акс эттиради. Чунки кураш, таъзим, тўхта, ҳалол, чала, дакки, ёнбош, ўртага, танбех, бекор, тенг, тўхта, вақт терминларининг пайдо бўлиши ва халқаро спорт терминлари даражасига чиқиши ўзбек халқининг қадимги миллий спорти тури билан боғлиқдир. Қадимдан туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда Наврўз ва бошқа сайилларда, тўй маросимларида кураш мусобақалари ўтказиб келинган. Бунда кураш ҳеч қандай юридик нормаларсиз, халқ ўзи белгиланган қоидаларга кўра яшаб келган. Миллий кураш терминларининг антропоцентрик хусусиятларини тушунтираётганда ўзбек миллатига хос ҳалоллик, бир сўзликлик қабиларни эътиборга олмаслик мумкин эмас: Давра қийқириб юборди. – Ҳалол! Аброр полвон ғолиб! – дея эълон қилди баковул. (Л.Бўрихон. Қуёш ҳали ботмаган) Мен чалпак бўлиб тушган Давроннинг кўкрагидан босиб турардим. Каллам карахт, кўзим кўр, қулоғим қар эди. – Ҳалол, – дея елкамга туртди баковул, – қўйворинг энди уни. (Л.Бўрихон. Қуёш ҳали ботмаган) Даврани тўрт

айланишди ҳамки, жувон ёнбош бермади. (С. Аҳмад. “Жимжитлик”)

Айнан ҳалол, ғирром каби терминларда ўзбек халқининг дунёни кўриши, борликқа муносабати акс этади. Миллий курашдаги энг юқори баллнинг ҳалол термини билан, “беллашув пайтида катта хатога йўл кўйган ёки такрор кўполлик қилган курашчига охириги огоҳлантириш” нинг ғирром термини билан аталиши ҳам аслида воқеликни ўзбекона баҳолаш маҳсулидир. Мазкур терминлар англатадиган тушунчалар ўзбек халқига хос оламнинг концептуал манзарасидан ана шу миллий-ментал баҳоси билан бирга ўрин олган, алоҳида концепт ҳолида барқарорлашган, ана ундан кейин ўзбек халқининг оламнинг лисоний манзарасига кўчган ва лисоний ифода топган.

Терминларнинг антропоцентрик хусусиятларини ўрганишда термин яратилишида ассоциацияларнинг ўрнига ҳам эътибор қаратиш зарур. Чунки ҳар бир халқ вакилларининг термин яратишда иштирок этадиган ассоциациялари ўзига хос бўлади. Масалан, тадқиқотчи М.Ҳошимхўжаеванинг фикрига кўра, рус тилидаги ўсимликларни номлашда мураккаб бўлмаган тўғридан-тўғри ассоциациялар иштирок этади ҳамда “ўсимлик шакли ўхшатилаётган предметнинг номи, ўсимлик номига ўтади (колокольчик, звездочка, манжетка, погребок, ноготки): манжетка (сўзма-сўз: манжетча) – танга япроқ-манжетка, баргларининг тишли шакли тўрли бурма манжетга ўхшатилади. Ўзбек тилига кўпроқ ўсимлик шакли ҳайвон тана аъзолари билан ассоциация қилиниши ҳосдир: кўзикорин – ўсимликнинг буришган тузилиши кўзичоқ қорнининг ички томонига ўхшатилади (сўйилган кўзичоқнинг қорин қисми назарда тутилган); қарғатирноқ – ўсимлик мевасининг шакли қарғанинг тирноқларига ўхшатилади”. [Ҳошимхўжаева М, 2018:15]

Ўзбек тили боғдорчилик терминологиясидаги кўплаб терминларнинг яратилишида, номланишида миллий-мадания ассоциациялар иштирок этади. Чунончи, ўзбек боғдорчилик терминологиясида узумнинг келинбармоқ деган турини атовчи

термин бор. Ушбу терминни яратишда тил соҳибларининг шу узум мевасининг келин-қизлар бармоғидек узунчоқ бўлиши ассоциация қилинган.

Ёки бўриқалла терминининг яратилишида ҳам қовуннинг оғирлик сифати худди бўрининг калласидек оғир бўлиши ассоциация қилинган. Ўзбек тили соҳиблари бўрини кўриб юрганлиги учун ҳам шундай компонентни термин яратишда қўллаган. Агар ўзбек тили соҳиблари бўрини кўрмаганда, ушбу ёввойи ҳайвон ҳақида маълум бир тассавурларга – ассоциацияларга эга бўлмаганда қовуннинг бир турини билдирувчи терминни яратишда бўри компонентидан фойдалана олмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, терминларнинг антропоцентрик хусусиятларини аниқлаш терминни яратган тил соҳибининг интеллектуал, рухий, маданий, маънавий оламидан алоҳида ҳолда бўлмайди. Тил соҳибларининг борлиқни билишнинг ва баҳолашнинг айна ракурсларидан келиб чиқиб бажарилган терминологик таҳлиллар, тавсифлар тўлиқроқ бўлади. Терминлар муайян тил соҳибларининг “борлиқ ҳақидаги билимларнинг тилдаги ўзига хос проекциясидир”. Терминлар “инсон ўз онгида тил воситасида олам ҳақидаги билимларни турли омиллар (ижтимоий, тарихий, маданий, географик, иқлимий, биологик ва бошқалар) таъсири остида қайд қилиши; 2) ушбу билимлар инсон тафаккури ва борлиқ ўртасида жойлашган ўзига хос бир оламда ўз аксини топиши”[7] билан юзага келади. Бизнингча, антропоцентрик йўналишдаги лингвистик таҳлилларни терминологик соҳаларнинг ҳар бири бўйича олиб бориш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Гринев-Гриневиц С.В., Сорокина Э.А. Язык как средство изучения познания и эволюции человека // Вестник МГОУ. Серия: Лингвистика, 2014. – №5. – С.12-25.

2. Bartlett Robert. Panorama sredniowiecza. – Warszawa: Arkady, 2002. – P. 11-12.
3. Черышова Л.А. Антропологические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта): Дисс ... докт. филол. наук. – М., 2011. – С.17.
4. Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – С.94.
5. Антонова В. Антропологические аспекты терминологии железнодорожного транспорта (на материале русских и английских терминов) / Филологические науки. – 2014. – №16. – С.95.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 449.
7. Хошимхўжаева М. Оламнинг лисоний тасвирида фитонимлар (инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. – Тошкент, 2018. – Б.15.

## **YANGI “O‘ZBEK TILINING IZOHLI LUG‘ATI”NI TUZISH BORASIDAGI IZLANISHLAR**

**Musayeva Feruza Toraxanovna\***

*Annotatsiya.* Mazkur maqola yangi “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ni tuzish jarayoniga bag‘ishlangan bo‘lib, unda muallif lug‘atga yangi leksik birliklarni tanlab olish, ularning izohini shakllantirish, lug‘atning avvalgi versiyasidagi kamchiliklarni bartaraf etish borasidagi mulohazalari bilan bo‘lishadi.

*Kalit so‘zlar:* izohli lug‘at, lug‘at maqolasi, illyustrativ misol, lug‘at belgisi, leksikografik talqin, omonim, etimologik ma‘no.

So‘nggi yillarda hukumatimiz tomonidan o‘zbek tilining rivojini ta‘minlash va jahonda uning nufuzini ko‘tarish masalasiga jiddiy e‘tibor berilib, bir qancha farmon va qarorlar e‘lon qilindi, davlat dasturlari ishlab chiqildi. Tilga bo‘lgan mana shunday yuksak e‘tibor samarasi o‘laroq hozirgi kunda respublikadagi yetakchi tilshunoslar boshchiligida “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ning lotin yozuvidagi versiyasi ustida ish olib borilmoqda.

Ta‘kidlash joizki, lug‘at tuzish o‘ta mashaqqatli va ko‘p mehnat talab qiladigan ish bo‘lib, tilshunosdan yuksak salohiyat va ulkan sabr-toqat talab etadi. Tilshunosni oltin zarralarini topish ilinjida bir necha tonna rudani qazishga majbur bo‘lgan konchiga o‘xshatish mumkin. Tilshunos ham lug‘atga kiritish mumkin bo‘lgan so‘zni topish uchun o‘nlab, yuzlab kitoblarni o‘qib chiqishga to‘g‘ri keladi. Ba‘zan bir necha kunlik mashaqqatli urinishlardan so‘nggina lug‘atga kirmagan haqiqiy so‘z zarralarini topishga muvaffaq bo‘ladi.

Ammo lug‘atga kirmagan so‘zni topish – bu yarim ish. Asosiy masala – topilgan so‘zning barcha ma‘no noziklarini fahmlash,

---

\* O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti katta ilmiy xodimi, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori.

to‘g‘ri idrok etish va talqin qilishdir. So‘zning etimologik va leksik ma‘nosini to‘g‘ri talqin qilish uchun tilshunoslar ajdodlarimizdan qolgan boy adabiy merosga murojaat qiladilar. Ulkan ilmiy-adabiy merosimizga murojaat qilish tuzilayotgan lug‘atning ilmiy salohiyatini yanada oshiradi. Quyida lug‘at tuzish jarayoni bilan bevosita tanishish uchun bir necha misollar keltiramiz.

Izohli lug‘atning so‘nggi versiyasida *ko‘zanak* so‘zi quyidagicha izohlangan: Ko‘zga o‘xshash teshik. Izoh G‘afur G‘ulomning “Shum bola” asaridan olingan illyustrativ misol bilan to‘ldirilgan: *-Men bechoraning tilim g‘uldurab, arz-hol qildimki, meni ham shu halqayi ilohiyga [qalandarlikka] bir ko‘zanak zanjirday tirkab, qalandarbachchalikka qabul qilsalar ekan, – dedi Shum bola [1, 447].*

Umuman olganda, izoh noto‘g‘ri emas, aytish mumkinki, bu mazkur so‘zning umumiy ma‘nosi. Ammo *ko‘zga o‘xshash teshik* emas, *katak*, *hujayra* kabi so‘zlar bilan izohlansa, maqsadga muvofiq bo‘lar edi, deb o‘ylaymiz. Qolaversa, tatar tilida *ko‘zanak* biologiyadagi “hujayra” termini o‘rnida qo‘llanadi: *Күзәнәк – вируслардан башка бөтен тере организмнарның төзелешенең элементар берәмлеге. Структур яктан барлык күзәнәкләр охшаши, ә форма, төзелеш һәм вазифа ягыннан алар күптөрле.*

Alisher Navoiy merosiga murojaat qilish orqali *ko‘zanak* so‘zining ma‘nosini yanada aniqlashtirish mumkin bo‘ladi. Navoiyning “Muhokamatul-lug‘atayn” asarida quyidagilarni o‘qiyimiz: “*Bir muta‘ayyin nimakim “oq uydur”, anga “hargoh” ot qo‘yupturlar. Ammo aning ajzosining ko‘pini turk tili bil ayturlar. Andoqki, tungluk va uzuk va to‘rlug‘ va bosrug‘ va chig‘ va qanot va ko‘znak va uvug‘ va bog‘ish va bo‘sag‘a va erkina va alo hozal-qiyos*”. “Muhokamatul-lug‘atayn”dagi ma‘lumotlar *ko‘zanak* o‘tovning bir uzvi, darchasi ekanligini ko‘rsatadi. “Navodir ushshabob”dagi “Ul quyosh oq uyda-yu g‘azali” *ko‘zanakning o‘tov uzvi ekanligini tasdiqlaydi. Zero shoir ushbu g‘azalida oq uy, tuvurlug‘ (kigiz parda), chig‘ kabi o‘tovga aloqador uyadosh so‘zlar qatorida ko‘zanakni ham tilga oladi:*

*Ey Navoiy, ul mahi xirgahnishin hifzi uchun,  
Ko‘zanak ermashi, har sari tikilmish ko‘zlari.*

Darhaqiqat, ko‘zanakning o‘tov uzvi ekanligini etnografiyaga oid adabiyotlar ham tasdiqlaydi. Xususan, S.Tursunov, A.To‘xtayevlarning “Jarqo‘rg‘on” asarida quyidagilarni o‘qiymiz: *“Asosan, bitta o‘tovda to‘rtta keraga bo‘lib, bu har bir keraga uyning to‘rtidan bir qismni egallagan hamda bu qanot deb nomlangan. Qanotlarning birlashgan joyini “jafsar” deb atashgan, jafsarlarga balandligi olti yarim, sakkiz yarim qarich uzunlikdagi jafsar qoziqlar qoqilgan va keragalar jafsar ip (bov)lar bilan jafsar qoziqlarga mahkamlangan. To‘rtala keraga birlashtirilib, o‘tovning panjara qismini tashkil etgan, keragalardan hosil bo‘lgan panjara kataklari ko‘zanak deb atalgan”* [2, 65].

Yuqoridagilarga asosan, ko‘zanak so‘zining ma‘nolaridan biri o‘tov uzvi, panjarasi ekanligi aniqlandi. Ushbu so‘zning ma‘nolari borasidagi tadqiqotlarimizni davom ettirib, uning *zanjir xalqasi* ma‘nosida ham qo‘llanishini aniqladik. Xususan, yuqorida G‘.G‘ulomning “Shum bola” asaridan keltirilgan illyustrativ misolda aynan shu ma‘no voqelangan. Undan tashqari, G‘.G‘ulomning Mirmuhsin haqidagi quyidagi gapi fikrimizni dalillaydi: *Shu sog‘lom ijodiy pleyadaning po‘lat zanjirday mustahkam silsilasida bir ko‘zanak bo‘lib shoir Mirmuhsin turadi.* (G‘.G‘ulom, Suyanguday tog‘larim bor). “Ma‘nolar mahzani”da esa “Chumchuqqa qo‘ysam ko‘zanak, ilindi unga so‘zanak” maqoli keltirilgan bo‘lib, mualliflar ko‘zanakni “Qushni tutish uchun qo‘yiladigan qil tuzoq” deb izohlaydilar [3, 361]. Bundan kelib chiqadiki, ko‘zanak so‘zi *hujayra, katak* kabi umumiy ma‘nolardan tashqari, o‘tov panjarasi, zanjir halqasi va tuzoq kabi ma‘nolarga ham ega. Kuzatishlarimiz ushbu so‘zning lug‘at ma‘nosini kengaytirish imkonini berdi. Demak, yangi lug‘atda uning 4 ta ma‘nosi qayd etiladi.

Gulxaniyning “Zarbulmasal” asarida “Ola ko‘zanak ola bo‘lsa ham, arslon bo‘lmas” maqoli keltirilgan. Bu maqoldagi *ko‘zanak* so‘zi yuqorida aniqlangan ma‘nolarning birortasiga to‘g‘ri kelmaydi. Maqolning umumiy ma‘nosidan **ko‘zanak** qandaydir hayvon



ekanligi anglashinadi. Aynan qanday hayvon ekanligini aniqlashga “O‘zbek xalq maqollari” kitobidagi quyidagi maqol yordam beradi: Olako‘zan olg‘ir bo‘lsa ham, arslon bo‘lolmas [4, 304]. Bu yerdagi *olako‘zan* hayvoni suvsarsimonlar oilasiga mansub yirtqich sut emizuvchi, jigarrang tusli, sariq dog‘lari bor hayvon. Zarbulmasaldagi maqol va “O‘zbek xalq maqollari”dagi maqolda aynan bitta hayvon haqida gap ketayotgani aniq. Umuman, o‘zbek tilida *ko‘zan* suvsarsimonlar oilasiga mansub hayvonning umumiy nomi bo‘lib, uning *olako‘zan*, *sassiqko‘zan* va *qorako‘zan* (norka) turlari farqlanadi. Demak, “Zarbulmasal”dagi *ko‘zanak* *olako‘zanning* fonetik varianti bo‘lib, bu so‘zni yuqoridagi 4 ta ma‘noli ko‘zanakka omonim sifatida olib, *esk.* lug‘at belgisi bilan lug‘atga kiritish maqsadga muvofiq.

Shu o‘rinda, ta’kidlash joizki, izohli lug‘atda *olako‘zan*, *sassiqko‘zan* tegishli harflarda qo‘shma so‘z sifatida izohlangan, ammo **K** harfida **ko‘zan** so‘zi berilmagan va izohlanmagan. O‘ylaymizki, yasaliş asosini ko‘rsatish uchun **K** harfida *ko‘zan* lug‘at maqolasini kiritish va “suvsarsimonlar oilasiga mansub hayvonlarning umumiy nomi” tarzida izohlash va *olako‘zan*, *sassiqko‘zan*, *qorako‘zan* so‘zlariga havola qilish maqsadga muvofiq.

*Ko‘zanak* va u bilan bog‘liq so‘zlar semantikasi borasidagi izlanishlar tilimizda shu birlik ishtirokida hosil bo‘lgan *ko‘zanakli* yasama so‘zi mavjudligini ko‘rsatdi. Yuqorida qayd etilgan etnografiyaga oid manbada quyidagilarni o‘qiyimiz: *Vohaning yarim o‘troq aholisi esa yel (keng) ko‘zanakli uylar qurishgan, chunki yel (keng) ko‘zanakli uylar nisbatan yengil va ixcham bo‘lib, ko‘chish chog‘ida ulov (tuya, ot yoki eshak)ga ixchamgina joy bo‘lgan* [2, 65]. Bundan kelib chiqadiki, *ko‘zanakli* so‘zi o‘tovsozlik bilan bog‘liq bo‘lib, ko‘zanaklari bor, ya‘ni panjarali bor ma‘nosini anglatadi. Undan tashqari, “O‘zbekiston Milliy entsiklopediyasi”da “Yomonqum cho‘li” lug‘at maqolasida ham ushbu so‘z uchraydi: *Ko‘zanakli, do‘ng va marzali qum shakllari uchraydi, quduqlar atrofida barxanli qumlar vujudga kelgan* [5, 472]. Ma‘lum bo‘ladiki,

bu yerdagi *ko‘zanakli* so‘zining o‘tovga aloqasi yo‘q, mazkur o‘rinda ushbu leksema geologiyaga xos ma‘noni ifodalaydi. Izlanishlarimiz ko‘rsatishicha, geologiya va tuproqshunoslikda *ko‘zanakli* soz‘i g‘ovak ma‘nosini ifodalaydi, bu sohada “ko‘zanakli ko‘mir”, “ko‘zanakli tuproq” birikmalari ko‘p uchraydi. Demak, *ko‘zanakli* so‘zining yana bir ma‘nosi g‘ovak demakdir. Yangi izohli lug‘atga ushbu so‘zlar omonim so‘zlar sifatida kiritildi va izohlandi.

Albatta, izohli lug‘atga yangi leksik va frazeologik birliklarni kiritish uchun adiblarimizning asarlari birlamchi manba vazifasini o‘taydi. Ammo yozuvchi va shoirlar qo‘llagan u yoki bu so‘zning ma‘nosini anglash har doim ham oson kechavermaydi. Bunday vaziyatlarda mumtoz asarlarga murojaat qilish masalaning ijobiy yechimiga xizmat qiladi. Xususan, Sh.Xolmirzayevning “Omon ovchining o‘limi” hikoyasida *churpa* so‘zini uchratamiz: *Omon bir kuni ovdan quruq qaytdi: Zovboshida bir qobon, bir megajin va o‘ntacha churpani kamarga qamab chiqishini kutib yotgan edi, tepada geologlarning vertolyoti paydo bo‘ldi-da, naq kamar ustiga pasayib shunday shovqin ko‘tardi, shamoli joni qattiq archalarni ham titratdiki, qamaldagi cho‘chqalar sel bosganday vahimada chiqib, xuddi Omon pisib turgan archa tagiga o‘zlarini urdi. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da bu so‘z qayd etilmagan. “Muhokamatul lug‘atayn”da Alisher Navoiy turkiylar hayvonlarning urg‘ochisi va erkagini alohida nomlar bilan ifodalashini e‘tirof etib, bir qator misollar keltiradi va, xususan, to‘ng‘izning erkagi *qobon*, urg‘ochisi *megajin* va bolasi *cho‘rpa* deb nomlanishi qayd etadi: *Va bir sho‘r-u shaynlig‘ ovki, to‘ng‘uz ovidur, aning ham erkagini “qobon”, tishisin “megachin” va ushog‘in “cho‘rpa” derlar. Va sort barchasin “xuk” va “guroz” lafzi bila aytur.* Shu asosda shevalarimizdagi *churpa* so‘zi cho‘chqa bolasini ifodalaydi deb ishonch bilan aytishimiz va uni yangi “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”ga kiritishimiz mumkin.*

Yangi izohli lug‘at ustida ish olib borar ekanmiz, asosiy e‘tibor, so‘zsiz, avvalgi lug‘atni takomillashtirish, unda yo‘l qo‘yilgan kamchiliklarni barataraf etishga qaratiladi. Ma‘lumki,

lug‘at tuzish tamoyiliga ko‘ra, o‘zlashma so‘zlar kelib chiqish manbasi, ularning etimologiyasi qavs ichida berib borilgan. Agar qavs ichida etimologiya berilmagan bo‘lsa, demak, mazkur so‘z turkiy so‘z bo‘ladi. Ammo avvalgi lug‘atda ayrim o‘zlashma so‘zlar etimologiyasi qayd etilmagan. Xususan, tarvuz lug‘at maqolasida uning o‘zlashma ekanligi qayd etilmagan va etimologiyasi berilmagan. Bundan tarvuz turkiy so‘z ekan degan xulosa kelib chiqadi. Aslida tarvuzning kelib chiqishi fors-tojik tili bilan aloqador bo‘lib, ikki qismdan iborat: تر tar – xo‘l, suvli, بوز – buza – bodring. Xuddi shu yasaliş modelida hosil bo‘lgan *xarbuza* (eshak bodring, katta bodring) qovun ma‘nosini ifodalab, turkiy tillar orqali yevropa tillariga o‘tgan va poliz ekinlarining boshqa turlarini ifodalashga xizmat qiladi: rus tilida *arbuз* – tarvuz, ukrain, belorus tillarida *garbuз* – qovoq. Shularni e‘tiborga olib, tarvuz so‘zi lug‘at maqolasiga uning fors tilidan o‘zlashganligini va yasaliş asosini qavs ichida ko‘rsatish maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz.

Shu holat *azot* lug‘at maqolasida ham kuzatiladi. Ushbu so‘z alohida qo‘llanmasligi e‘tiborga olinib, (:) belgisi qo‘yilgan va *azot ko‘tarmoq* qo‘shma fe‘li *dast ko‘tarmoq, tik ko‘tarmoq* tarzida izohlangan. Mazkur so‘zning kelib chiqishi aniqlanmaganligi bois qaysi tildan kirib kelganligi va etimologik ma‘nosi berilmagan. Adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatdiki, ushbu so‘z adiblarimiz asarlarida turlicha shaklda yozilgan: *Qoyadan azot ko‘rinib turadigan, enlab o‘sgan sershox qora do‘lana tagida nimadir g‘imirlaganday... A.Suyun, Tillaburamashox. Xola azot o‘rnidan turib ostonaga yo‘naldi.* (O.Hojiyeva, Bug‘doyga qop). *Suvlug‘ini chaynab, boshini selkillayotgan otning tipirchilashidan norozi bo‘lgan cho‘pon drr-drrr, tak-tak jonivor deya otning yolini silab-silab, qamchini ozod ko‘tarib xo‘shlasha boshladi: – Hay, mayli, hamsoya, xudoyim quvvat bersin. Jonivor betoqat bo‘lyapti, ayilini bo‘shatay.* (X.Karimiy, Chorva odami). *Biror narsani topganingda biror narsani yo‘qotishing tayinligini birov bilib birov bilmasa-da, bilgan, anglagan vaqtingdan boshlab boshing muzlab qolishi, ko‘klamning ko‘zga yoqimli tuyuladigan, aslida jonni azzot sug‘urib*

*oladigan sovuq yomg‘iri ustingdan shirg‘iragan, yap-yalang katta qirda badan-badaningni teshib borayotgan shamoldan bekinishga pana joy topolmay, qo‘lingda birinchi tug‘ish emdirmay, allaqachon suruvga qo‘shilib ketgan shar qo‘yning og‘izlanmagan qo‘zisi bilan karaxt bir holda, nima qilishini bilmay qolgan noshud yordamchi cho‘pon holiga tushishing azob ekan. (B.Qobul, Ena shamol).*

E’tibor berilsa, Bahodir Qobul bu so‘zni **azzot** shaklida ikkita **z** bilan qo‘llaganki, bu uning etimologiyasini oydinlashtirishga yordam beradi. Ma’lumki, fors tilida ذات – zot so‘zi asl, mohiyat ma’nolarini ifodalasa, از -dan ko‘makchisidir. Bundan kelib chiqadiki, azot aslida forscha **azzot** bo‘lib, uning etimologik ma’nosi “tagidan, mohiyatan”dir. Shularni e’tiborga olib, mazkur so‘z lug‘at maqolasini etimologik ma’nosi bilan to‘ldirish maqsadga muvofiq. Undan tashqari, yuqorida shu so‘z ishtirokidagi misollar uning nafaqat *azot ko‘tarmoq* fe’li tarkibida, balki alohida ham qo‘llanishini, *ko‘rinmoq*, *sug‘urmoq* kabi fe’llar bilan birika olishini ko‘rsatib turibdi. Demak, shuni e’tiborga olib, yangi izohli ushbu so‘z bilan bog‘liq lug‘at maqolasini yanada kengaytirish mumkin bo‘ladi.

Yuqorida lug‘at tamoyiliga ko‘ra kelib chiqishi turkiy bo‘lgan so‘zlar etimologik ma’nosi berilmaganligini ta’kidlab o‘tdik. Ammo so‘z tarkibida sezilarli fonetik o‘zgarishlar kuzatiladigan ayrim turkiy so‘zlar etimologiyasini ham qavs ichida ko‘rsatib o‘tish maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz. Xususan, *ko‘hlik* so‘zi turkiy bo‘lsa-da, etimologiyasini qavs ichida berish uning struktur tuzilishi haqida yaxlit tasavvurga ega bo‘lish uchun xizmat qiladi. Sh.Rahmatullaevning lug‘atida uning *ko‘rk* so‘zidan yasalganligi qayd etilgan: “Bu sifat qadimgi turkiy tilda “husn” ma’nosini anglatuvchi *körk* otidan -lo‘g qo‘shimchasi bilan yasalgan [6, 231-232]”. Shularni e’tibor olib, mazkur so‘zning etimologiyasini qavs ichida [> t. ko‘rk] ko‘rinida berish va *ko‘hsiz* so‘zini ham lug‘atga kiritish foydadan xoli bo‘lmaydi: **KO‘HSIZ** [> t. ko‘rk] *Xonaning shifti va devorlari ko‘hsiz, lekin yaltiroq bo‘yoqlar bilan bo‘yalgan.* O.Yoqubov, Er boshiga ish tushsa.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, izohli lug‘at tilning boyligini ko‘rsatib beruvchi mezon bo‘lib, uning mukammal va puxta tuzilishi tilning keyingi taraqqiyotiga xizmat qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент, 2020.
2. Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент: Фан, 2009.
3. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б.361.
4. О‘zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2013.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2012. 3-жилд.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Университет, 2000.

## ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ЭКВОНИМ ВА ЭКВОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

Эрматов Ихтиёр Ризоқулович\*

**Аннотация.** Мақолада умумхалқ тили лексикаси билан терминологик лексика муносабатидаги функционал-семантик хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Умумхалқ тили лексикасининг терминологик лисоний тизимга ўхшашиги эквоним ва эквонимия ҳодисаларининг қиёсланаётган ҳар икки тизимдаги амали билан далилланади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Лексика, умумхалқ тили, система (тизим), гипероним, гипоним, эквоним, эквонимия муносабати, тил сатҳлари, фонема, бўгин ва ҳ.к.

Маълумки, лексика тилнинг ядросини ташкил қилади. Бироқ бу ядро шу қадар мураккабки, унда умумхалқ коммуникатив фаолиятида фаол ишлатиладиган луғавий бирликлар билан бир қаторда, умумхалқ коммуникацияси учун муҳим бўлмаган ва шу боис умумхалқ мулоқотини “сохталаштирувчи” луғавий бирликлар ҳам бир хил лисоний мақомда мавжуд бўлади [Бердиалиев, 2013: 56]. Шу жиҳатдан лексика ва унинг яхлит тизими бир хонага йиғилган ҳар хил лисонли шахслар ва уларнинг ажралмас гуруҳини эслатади.

Мазкур мақоланинг асосий мазмун ва моҳияти “*Эквоним* атамаси умумхалқ тили лексикасида қандай лисоний тушунчага нисбатан ишлатилади ва унинг терминологик тизимга хос амали нималар билан характерланади?” деган саволга жавоб топиш билан ойдинлашади.

---

\* Гулистон давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Эквоним ва эквонимия тушунчалари лисоний жиҳатдан гипероним ва гипоним тушунчалари билан синхрон-синкретик жиҳатдан қоришиқ ҳодисалардир. Чунки жинс маъносидаги луғавий бирликларнинг *гипероним*лар, шу луғавий бирликларга тур маъноси билан семантик жиҳатдан тобеланувчи луғавий бирликларнинг *гипоним*лар мақомида қаралиши лингвистика фанида [Чейф, 1975: 56], шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам [Неъматов, 1995: 120], аллақачон муштарак тан олинган [Сафарова, 1996: 48]. Бироқ *эквоним* ва *эквонимия* атамалари билан боғлиқ лисоний тушунчалар, терминологик ва профессионал лексика у ёқда турсин, умумхалқ тили лексикаси материаллари асосида ҳам ўрганишга эндигина киришилган [Абдуалиева, 2014: 156].

Гипероним, гипоним ва эквоним тушунчалари ва улар билан боғлиқ мантикий-лисоний муносабатлар масаласи тил луғат таркибининг бир бутун система эканлигини белгиловчи энг муҳим ҳодисалардир. Уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилишини ҳозирча етарли деб бўлмайди. Айниқса, *эквоним* ва *эквонимик муносабатлар* ва уларнинг амали ҳақида ўзбек тилшунослигида, ҳатто туркий тилшунослиқда ҳам етарли ўрганилмаган.

Жумладан, гипероним, гипоним, эквоним ва улар билан боғлиқ мантикий-лисоний муносабатлар ҳам ҳозирча бирор соҳа терминологик тизимига нисбатан ўрганилмаган. Бу масалани *ўзбек тилшунослиги терминлари мисолида умумтерминологик* атамалар тизимига татбиқ этишни бошладик.

**Эквоним** – бу айна бир функционал-семантик бирлик доирасидаги икки сўз (лексема)нинг уларнинг семантик қурилишидаги атиги бир семага кўра фарқланишидир. Масалан, қариндошлик номлари тизимида *ўғил* ва *қиз* сўзлари англатган шахс маъноси *фарзанд* сўзининг семантик қамровини ташкил этади, яъни ота ва она учун *ўғил* ҳам, *қиз* ҳам фарзанд. Бу икки сўзнинг семантик қурилишининг бирида “эркаклик” (ўғил), бошқасида “аёллик” (қиз) семаси устувордир ва улар айна ана

шу фарқли семалар асосида икки мустақил луғавий бирлик ҳисобланади. Бундай фарқлар *ака* ва *ука*, *она* ва *сингил* сўзлари ва уларнинг семантик қурилишида ҳам мавжуд.

Тил луғат таркибининг *луғавий-мазмуний майдон* ва *луғавий-мавзуйи гуруҳ* характеридаги исталган бошқа қатламларида ҳам бундай мантиқий-лисоний ҳодисалар мавжуд, бироқ улар ҳозирча тадқиқотлар майдонига жалб этилган эмас.

Тилшунослик терминлари тизимига келсак, фонетик сатҳнинг асосий бирлиги фонема (товуш)дир. Товуш ёки фонема жинс маъносидаги атама сифатида тур маъносидаги бир қатор терминларни ўз ичига олади. Товуш дастлаб *унли* ва *ундош* каби икки турга бўлинади. Эътибор берайлик: *унли* ҳам товуш (фонема), *ундош* ҳам товуш (фонема). Улар ўзаро овоз ёки шовқиннинг устуворлигига кўра фарқланади (эқвоним); *унли* ҳам нутқ товуши, *ундош* ҳам нутқ товуши (гипоним). Ёки: *ундош* товушни олсак, *у* ҳам ўз тизимида гиперонимдир. Унинг *жарангли* ва *жарангсиз*, *соф* ва *қоришиқ* ва ҳ.к. турлари мавжудки, улар айна ўринда ҳам *гипоним*, ҳам *эқвоним* ҳисобланади.

От туркумига мансуб *сон категорияси* эса, шу микроtizим доирасида *гипероним* характеридаги атамадир. Бу категориянинг парадигмасини *бирлик сон* ва *кўплик сон* терминлари ва улар англаган тушунчалар ташкил қилади. Бу терминларнинг ҳар бири *сон категориясига* мансублиги жиҳатидан *гипонимлар* ҳисобланса, миқдордаги фарқ семасига кўра, ўзаро зидланиб, *эқвонимлар* ҳисобланади.

Келишиқлар категориясига келсак, “*келишиқ*” гипероним характеридаги атама бўлса, *бош келишиқ*, *қаратқич келишиғи*, *тушум келишиғи*, *жўналиши келишиғи*, *ўрин пайт келишиғи*, *чиқиши келишиғи* кабиларнинг ҳар бири “*келишиқ*” гипероним атамасининг *гипоним* атамаларидир.

Морфемака – тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у сўзнинг маъноли қисмлари ҳақидаги таълимот. Сўзнинг маъноли қисмлари *морфема* деб юритилади. Масалан,



*темирчилик* сўзи *темир-чи-лик* каби морфемалардан, *пахтакорларнинг* сўзи эса *пахта-кор-лар-нинг* морфемаларидан тузилган. Бу сўзлардаги ҳар бир морфема шу сўзлар тўқимасида ўзига хос маънос ва вазифа билан қатнашмоқда. Морфеманинг маъно ифодалашда икки ҳолат яъни луғавий маъно ва грамматик маъно ифодалай олиш хусусиятига кўра *ўзак морфема* ва *аффикс морфемага* бўлинишини кузатиш мумкин. Бу ерда *морфема* гипероним бўлса, *ўзак морфема* ва *аффикс морфема* унинг гипонимлари ва айни вақтда эквонимлари ҳам ҳисобланади.

Сўзларда бўлгани каби *аффикс морфемаларда* ҳам шакл ва маъно муносабатлари системалашиб, *аффиксал полисемия*, *аффиксал омонимия*, *аффиксал синонимия*, *аффиксал антонимия* ҳодисалари амал қилади.

Аффикс морфема – *гипероним* атама бўлса, аффиксал полисемия, аффиксал омонимия, аффиксал синонимия, аффиксал антонимия *гипоним* атамлардир. Шу каби *аффиксал полисемия*, *аффиксал омонимия*, *аффиксал синонимия*, *аффиксал антонимия* ва бошқалар *эқвоним* атамалардир.

Грамматиканинг синтаксис бўлимида *синтактик алоқа* (гипероним)нинг *тенг боғланиш ёки тенг алоқа* ва *тобе боғланиш ёки тобе алоқа* (гипоним) турлари фарқланади. *Тобе алоқа* (гипероним)нинг *битишув*, *бошқарув*, *мослашув* (гипоним) алоқа турлари мавжуд. *Бошқарув* (гипероним) йўли билан бириккан сўз бирикмалари *келишикли бошқарув*, *кўмакчили бошқарув* (гипоним) каби иккига бўлинади. Ушбу мисолимизда *синтактик алоқа – гипероним* атама бўлса, *тенг боғланиш // тенг алоқа, тобе боғланиш // тобе алоқа гипоним* атама; *тобе алоқа – гипероним* атама бўлса, *битишув, бошқарув, мослашув гипоним* атама; *бошқарув – гипероним* атама бўлса, *келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув гипоним* атамалардир. Шунингдек, *тенг боғланиш // тенг алоқа, тобе боғланиш // тобе алоқа; битишув, бошқарув, мослашув; келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув* ва бошқалар *эқвоним* атамалардир.

Хуллас, тилшуносликнинг ҳар қайси сатҳи, ҳар бир сатҳнинг қайси категорияси бўлишидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири гипероним, гипоним ва эквоним тавсифидаги терминлар муносабатидан иборат бўлар экан.

Демак, *гипероним* бирлаштирувчи атама, *гипоним* шу бирлаштирувчи атамага тур сифатида қарашли атама, *эқвоним* эса, семантик структурасининг атиги бир семасига кўра зидланувчи *гипонимик* характердаги атамадир: ана шу ҳолатда *гипоним* ва *эқвоним* тушунчалари ўзаро тўқнашади, буни фан тилида *синкретизм* [Ахманова, 1966: 406] деб ҳам аталади.

Шуниси муҳимки, гипонимлар гиперонимсиз, эквонимлар гипонимсиз тасаввур этилмайдиган тушунчалардир. Иерархия ҳодисасининг амалига кўра, баъзи тур тушунчаларга нисбатан гипоним саналган термин (ҳодиса) бошқа бир тур тушунчаларга нисбатан *гипероним* характерини касб эта боради.

Масалан, синтактик сатҳда *гап* – *гипероним* атама бўлса, *содда гап*, *қўшма гап*, *бир бош бўлакли гап*, *икки бош бўлакли гап*, *тўлиқ гап*, *тўлиқсиз гап* ва бошқалар *гипоним* атамлардир. Шунингдек, *содда гап*, *қўшма гап*; *бир бош бўлакли гап*, *икки бош бўлакли гап*; *тўлиқ гап*, *тўлиқсиз гап* ва бошқалар *эқвоним* атамалардир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуалиева З.У. Гипонимо-эқвонимические отношения в системе зоонимов русского и узбекского языков. Монография. – Хужанд, 2014. – 156 с.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1966.
3. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – 207 б.
4. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995. – 128 б.

5. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. – Москва: Высшая школа, 1988. – С. 92-167.
6. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989.
7. Сафарова Л. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996. – 48 б.
8. Чейф У.Л. Значение и структуры языка. – Москва, 1975.

## MUALLIF NUTQI NEOLOGIZMLARI HOSIL BO‘LISHIDA FE‘L VA OT YASOVCHI UNUMLI AFFIKSLAR

**Asadov To‘lqin Hamroyevich\***

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada o‘zbek tilida faol va nofaol so‘z yasovchi affiksalar, xususan, fe‘l va ot turkumiga oid so‘z yasovchi shakllar tahlilga tortilgan. Fe‘l va ot yasovchi faol va ayrim nofaol affikslarning grammatik tabiati atroflicha yoritilgan, nazariy fikrlar badiiy adabiyotdan olingan misollar, ya‘ni muallif nutqi neologizmlari bilan dalillangan, fe‘l va ot yasovchi affiksalar faol va nofaoligiga ko‘ra tasnif etilgan.*

***Kalit so‘zlar:** lisoniy va nutqiy yasama so‘z, faol va nofaol so‘z yasovchi affiksalar, muallif nutqi neologizmlari, so‘z yasalish asosi.*

O‘zbek tilshunosligida so‘z yasalishi masalasi va so‘z yasalishi bilan bog‘liq tushunchalar tadqiqi, ularning tasnifiga bag‘ishlangan bir qator ishlar amalga oshirilgan. Yasama so‘z, uning til qurilishidagi mavqeyi masalasi bevosita so‘zning til va nutqdagi o‘rni, bu boradagi yechimtalab muammolar bilan bog‘liq. O‘zbek tilshunosligida so‘zning, jumladan, yasama so‘zning til va nutqqa munosabati borasida bir qator ishlar amalga oshirilgan [Ne‘matov,1988:38-43; Nurmonov,1999:19-23]. Xususan, akademik A.Hojiyevning lisoniy va nutqiy birliklar haqidagi maqolalar turkumi, yasama so‘zning til va nutqqa munosabati masalasi haqidagi qarashlari [Hojiyev,2004:49-54] o‘zbek tilshunosligida so‘z yasalishi bilan bog‘liq nazariy fikrlarni kengaytirdi. So‘z, yasama so‘z hamda ularning tabiati, til va nutqdagi pozitsiyasi (o‘rni)

---

\* Buxoro davlat universiteti dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.

haqidagi bu kabi tadqiqotlar o‘zbek tilshunosligida muhim o‘rin, mavqega ega.

Ma’lumki, yasama so‘zlar ham lisoniy, ham nutqiy bo‘lishi mumkin. Lisoniy yasama so‘zlar qulayligi, odatlanilganligi, keng iste’molliligi bilan xarakterlansa, nutqiy yasalmalar qulay emasligi, kam iste’molliligi, endigina so‘z yasash qolipidan chiqqanligi bois odatlanilmaganlik va favquloddaligi bilan ajralib turadi [Sayfullayeva, 2010:87].

O‘zbek tili so‘z yasovchi affikslari sifatida o‘nlab qo‘shimchalar sanaladi. Biroq bugungi kunda ularning ma’lum bir guruhigina faoliyat ko‘rsatyapti, deyish mumkin. So‘z yasovchi deya ta’riflanadigan bir qator affikslar borki, o‘z unumdorligini allaqachon yo‘qotgan yoki A.Hojiyev ta’kidlaganidek, o‘z vaqtida ham unumli bo‘lmagan. Buni quyidagicha izohlash mumkin. Masalan, fel yasovchi affikslar sifatida manbalarda *-a, -an, -i, -illa/ulla, -ik, -ir/ur, -ira, -ay, -la, -lan, -lash, -lashtir, -lantir, -r/ar, -ra, -si, -sin, -sit, -t, -it, -ot, -q, -iq, -qar, -g‘ar, -qir* va h.k. lar keltiriladi. Ammo bularning aksariyati allaqachon o‘z unumdorligini yo‘qotgan. Buning o‘ziga yarasha sabablari bor. Masalan, *-illa (-ulla)* affiksi faqat taqlid so‘zlardan fe’l yasashga xizmat qilishini izohlashga hojat bo‘lmasa kerak (masalan: *taqillamoq, lovullamoq* kabi). Aksariyat taqlid so‘zlardan mazkur shakl orqali fe’l yasash mumkin. Mazkur affiks ayni kunda yangi fe’l yasashi uchun avvalo, yangi taqlid so‘z kerak bo‘ladiki, shundagina bu affiks fe’l yasashi mumkin bo‘ladi. *-illa (-ulla)* affiksining “yashovchanligi” bevosita taqlid so‘zlar rivoji bilan bog‘liq. Bu qo‘shimcha faollashishi uchun yangi taqlid so‘zga ehtiyoj sezadi. Ko‘pgina nofaol fe’l yasovchi affikslar haqida ham shu va shunga yaqin fikrlarni aytish mumkin. Bu qo‘shimchalar (umuman, unumsiz so‘z yasovchi affikslar) bilan yasalgan (tarixan yasalgan) so‘zlarni tub so‘zlar (leksema) sifatida baholash lozim.

Hozirgi kunda so‘z yasalishida juda ham faol darajada ishtirok etmasa-da, faoliyatini to‘xtatmagan affikslarni “o‘rta unumli so‘z yasovchi affiks” deyish mumkin. Bu fikr fe’l yasashda qisman xizmat qilayotgan *-sira, -lashtir, -lantir* affiksiga taalluqli. *-sira*

affiksi oz bo‘lsa-da, yangi fe‘l yasashga xizmat qilayotganligini kuzatish mumkin. Jumladan, *qorsiramoq, yomg‘irsiramoq, qonsiramoq, tongsiramoq* kabilar bunga misol bo‘ladi. Misol: *Qorsiraydi qish/ Yurak og‘rig‘iday bosilmas/ Qor sog‘inchi.* (Faxriyor)

*-lantir, -lashtir* murakkab affiks bo‘lib, tarkibida uch grammatik shakl yaxlitlanishidan vujudga kelgan. Mazkur affiks morfologik qayta bo‘linish mahsuli sanaladi. Tilning tadrijiy rivoji o‘laroq murakkab holga kelgan. Bu affikslar bilan *virussizlantirmoq, toksizlantirmoq; videolashtirmoq, vaucherashtirmoq, aksiyalashtirmoq, tijoratlashtirmoq, intensivlashtirmoq* kabi fe‘llar yasalganligiga guvoh bo‘lamiz.

Fe‘l bilan bog‘liq ko‘pgina yasama so‘zlar *-la, -lan, -lash* affikslari bilan bog‘liq ravishda kuzatiladi. *-la* affiksi faol, sermahsul fe‘l yasovchi bo‘lib, uning ma‘no imkoniyatlari juda keng. Bu affiks yangi-yangi so‘zlar (*soyalamoq, salqinlamoq, rulonlamoq, dasturlamoq, dalalamoq, safarlamoq, programmalamoq, skanerlamoq, kodlamoq, dizinfeksiyalamoq, tashqarilamoq*) yasashi bilan xarakterlanadi. Shuningdek, *-lan, -lash* affikslari xususida ham xuddi shunday fikrni aytish mumkin.

*-la* affiksining og‘zaki va yozma nutqda fe‘l yasash jarayoni faol kechayotganini iste‘dodli yozuvchi T.Murodning “Otamdan qolgan dalalar” asarida keng kuzatish mumkin: *1. Yo‘l, majnuntol soyalab o‘tadi. Bobomiz ana shu yo‘ldan sahar-sahar dalalaydi. 2. Qiblalatib belbog‘ yoyadi. 3. Men bo‘xchamni orqalatib tashqarilayman. 4. Qaldirg‘ochlar afg‘on yurtga safarlabdi, kuz oxirlabdi-da. 5. Darvozadan ichkarilab edim, Oysuluv qizimiz peshvoz chiqib keldi.*

Mazkur so‘zlar nutqiy yasalmalar tipida bo‘lsa-da, vaqt o‘tib, ularning qo‘llanish doirasi kengayishi mumkin. Bu holat, ya‘ni yasama so‘zning yasalgan so‘zga [Ne‘matov, 2007:14-18] aylanish-aylanmasligi shu so‘zlarning keyingi “taqdiri” bilan bog‘liq. Aniqrog‘i, yuqorida keltirilgan yasama fe‘llar shu asar doirasida nutq birligi sifatida qolishi yoki keng ommalashib, leksemaga aylanishi

mumkin. Bu fikrni -lan, -lash, -lantir, -lashtir affiksleri orqali yasalgan fe’llarga ko‘ra ham aytish mumkin. Mazkur affiksler ham “-la” ning ishtiroki bilan yuzaga kelgan. -la affiksida mavjud ma’no imkoniyatlar mazkur affikslarda ham kuzatiladi.

-la affiksi jonli so‘zlashuvda ham faol so‘z yasovchi ekanligi bilan xarakter kasb etadi: Misollarni kuzatamiz: *1. Kiprigingiz ostida soyalasak maylimi? Siz uzgan rishtalarni biz bog‘lasak maylimi? (Qo‘shiqdan). 2. Yerni ikki marta haydab bo‘lib yaqindagi katta soyning bo‘yida salqinlab o‘tirsiz, osmonda uchib ketayotgan bir laylak yiqilib tushibdi. (Ertakdan)*

-lan affiksining hozirgi kundagi faolligini dalillovchi quyidagi misollarni kuzatamiz. *1. [Navro‘z] o‘smalangan, surmalangan qosh-ko‘zingdan aylanay. (T.Ahmad) 2. Jim turing, shovqinlanmang... (Qo‘shiqdan). 3. Shamolga qo‘shilib uchaman endi, Olovga kuymayman, olovlanaman. (Sara)*

-lash affiksining hosilalarini quyidagi misollarda kuzatamiz: *1. Abadiy lol tog‘lar tillashdi, Qizil tan-u oqlar dillashdi. (Farida Afro‘z) 2. Tashna dilman, daryolashaylik, Kongil ochib dunyolashaylik. (Farida Afro‘z) 3. Tarix qaridagi sinoat, sirlar, haqida sen bilan tillashgan chinor. (Demetrio Korsi). 4. Tillashasan oftob bilan lolajon, hoy, tabiat qizi. (Alfonso Reys)*

Xullas, -la, -lan, -lash, qisman -lashtir, -lantir affiksleri ayni kunlarda ham yangi yasama so‘zlarni hosil qilishda ishtirok etyapti. -lantir, -lashtir affikslerining taraqqiyoti asosan fan, texnika va boshqa sohalarining keng rivoji bilan bog‘liq bo‘lmoqda (Masalan: *og‘riqsizlantirmoq, jonlantirish bo‘limi, tijoratlashtirmoq, elektrlashtirmoq, telefonlashtir, stabillashtir* kabi). -lan, -lash, -lantir, -lashtir murakkab shakllarini -la affiksining keyingi davrdagi taraqqiyoti bilan bog‘lash mumkin. Turli soha terminlari (o‘zlashmalar)ning lug‘at qatlamimizga kirib kelayotganligi mazkur qo‘shimchalarning faollashishiga ham zamin yaratmoqda.

Manbalarda 50 ga yaqin ot yasovchi affiks borligi aytiladi. Ammo hozirgi kunda bu affikslarning hammasi ham faol, unumli emas. Ularning aksariyati so‘z yasash, ya’ni ot yasash uchun xizmat

qilmay qo‘ygan. Buni quyidagicha izohlash mumkin. Masalan, ot yasovchi affiksalar qatorida -a affiksining ham ot yasovchi bo‘lib kela olishi aytiladi (Masalan: g‘arg‘ara, sharshara va b. ). -a affiksining so‘z yasovchi sifatidagi faoliyati hozirgi kunda o‘ta chegaralangan. Bu affiks hozirgi o‘zbek adabiy tilida yangi so‘z yasashda deyarli ishtirok etmayapti. Mazkur affiks faoliyati uchun ham taqlidlar (qah-qah, paq-paq, shar-shar, qar-qar, g‘ar-g‘ar va h.k.) asos vazifasini o‘tashi kerak. Demakki, -a affiksi faoliyati – “yashovchanligi”, endilikda paydo bo‘ladigan taqlid so‘zlar bilan bog‘liq.

Boshqa bir affiks, ya’ni joy nomini hosil qiluvchi -zor affiksini kuzatamiz. Mazkur affiks joy nomini yasovchi qo‘shimcha bo‘lib, asosan, o‘simlik otlariga qo‘shilib keladi (*gulzor, bodomzor, tikanzor, olmazor* va h.k.). A.Hojiyev mazkur affiksni -loq, -iston, -don, -lik affikslari qatorida unumsiz so‘z yasovchi sifatida belgilaydi [Hojiyev, 2007:90]. Aslida, bu qo‘shimchani grammatik tabiatiga asoslansak, -zor affiksi yangi so‘z yasashi uchun lug‘at qatlamimizga muayyan bir o‘simlik nomi paydo bo‘lishi kerakki, shundagina u faollashadi. Masalan, *ananas, banan, kivi* va b. mevalar yoki turli xil, manzarali daraxt ko‘chatlarining yurtimizda yetishtirilishi -zor affiksini faollashtirishi mumkin. Mazkur affiksning “yashovchanligi”, “taqdiri” bevosita shu va shu kabi so‘zlar bilan bog‘liq.

Badiiy matnda ba’zan, ijodkorning o‘zi tomonidan, badiiy niyatini ifodalash maqsadi bilan yasalgan, yaratilgan muallif nutqi neologizmlari (individual yasalmalar) o‘quvchining diqqatini o‘ziga tortishi bilan xarakterlanadi. Bu hol ot yasovchi affiksalar, chunki, -zor affiksi bilan ham yuz berishi kuzatiladi. Aytmoqchimizki, -zor affiksi keyingi davrda grammatik ma’no imkoniyatini kengaytirib, nafaqat narsa, balki mavhum so‘zlarga ham qo‘shilib, yangi-yangi so‘zlar hosil qilib kelmoqda.

*1. Hech kim sezmay qoldi,  
Bu kun arshga yetganim.  
Bu shovqinzor oralab,*



*Dodlab o‘tib ketganim.* (H.Xudoyberdiyeva)

2. *Odam ichra*

*Odamzor ichra*

*Yolg‘iz sizni qo‘msadim, Odam!* (Z.Mirzayeva)

3. *Erib borar ko‘ksimdagi qor,*

*Tilim – gulzor, dilim – duozor.* (B.Fazliddin)

-zor affiksi bilan bog‘liq yangi nutqiy yasama so‘zlarning son jihatdan ko‘p kuzatilishi bu affiksning unumsiz emasligidan dalolat beradi. Demakki, [ot+zor] qolipi o‘z faoliyatini davom ettiryapti.

Fors-tojik tilidan o‘zlashgan -kor affiksi ham ijtimoiy hayot bilan bog‘liq ravishda oz miqdordagi so‘zlarni yasashda ishtirok etayotgani kuzatiladi. Manbalarda bu affiksning sifat ham yasashga xizmat qilishi aytiladi. Nutqimizda -kor affiksi bilan bog‘liq shunday so‘zlar borki, uning sifat yoki otligi faqat matnda anglashiladi, xolos. Bu fikrni *tashabbuskor, havaskor, xiyonatkor* kabi so‘zlariga ko‘ra aytish mumkin. Ushbu so‘zlar asli sifat (belgi bildiruvchi so‘z) bo‘lib, ot turkumiga qarab siljigan birliklardir (konversiya hodisasi). Tilning tadrijiy taraqqiyoti davomida mazkur so‘zlar “shaxs oti”lik maqomiga ega bo‘lib boryapti. -kor affiksli barcha so‘zlar dastlab belgi ifodasiga ega bo‘ladi, ularning ayrimlari bora-bora shaxs oti guruhidan o‘rin egallashi mumkin. Bu bayonni -kor bilan yasalgan barcha shaxs otlariga nisbatan aytish mumkin.

-kor affiksining faoliyati ham -zor affiksi kabi, odatda, turli-tuman o‘simliklar bilan bog‘liq. Masalan, nutqimizda tamaki so‘zi (o‘simlik nomi) paydo bo‘lishi bilan shu so‘z doirasidagi tamakikor so‘zining yasalishiga zamin yaraldi. Hozirgi kunda *paxtakor, sholikor, g‘allakor* kabi so‘zlarning yasamaligi me‘yoriy hol bo‘lsa, vaqt o‘tib *qalampirkor, qizilmiyakor, soyakor* kabi nutqiy yasalmalari ham odatiy birliklarga aylanadi.

Ot yasovchi -bon affiksining ba‘zi-ba‘zida yangicha shakl va mazmundagi otlar yasaganligiga ham guvoh bo‘lamiz: *Charchadim, sipolik, sultonligingdan/ Qaydasan, kishanbon, qo‘llarim bo‘shat.* (F.Afro‘z)

Bu shakl bilan bog‘liq yana bir holat kishi e‘tiborini tortadi. O‘zbek tilida so‘z yasalishi bilan bog‘liq manba “shaxs oti yasalishi” bandida -bon affiksi nazardan chetda qolib ketganligi ayon bo‘ladi [Hojiyev,2007: 61-81]. Aslidachi, aslida -bon affiksi “asosdan anglashilgan narsani saqlovchi, unga qarovchi shaxs” ma‘noli otlar yasaydi: *darvozabon, tarozibon, saroybon* kabi. Lug‘atlarda bu affiks bilan bog‘liq oz miqdordagi so‘zlar berilgan. Biroq -bon affiksi o‘zbek tili rivojining keyingi davrida bir qadar faollashganligiga guvoh bo‘lamiz. Buni quyida misollar ham isbotlaydi:

1. *Qiyomatda qullar qorni to‘q,  
Xojalari bo‘lar nonga zor.  
Shoir bilan shohning ishi yo‘q,  
Zindonbonlar qo‘shiqalar yozar.* (M.Yusuf)

2. *Bo‘rilar nafsimga bo‘ldi podabon,  
Qashqirday qon qaqshab uvlaganimga.* (Odil Ikrom)

O‘zbek tili lug‘atlarida -boz affiksi bilan yasalgan 45ta so‘z kuzatiladi [Qo‘ng‘urov,Tixonov,1968: 51-52]. Mazkur affiks, odatda, fors-tojik lug‘at qatlamidan yasama so‘zlar tarkibi bilan o‘tgan bo‘lib, o‘zbekcha so‘zlardan oz miqdorda yangi so‘z yasashi aytiladi. A.Hojiyev -boz, -navis, -xon, -paz, -do‘z, -boz shaxs oti yasovchi affikslari qatori -boz shaklini ham yangi so‘z yasay olmasligi, deyarli mahsulsiz ekanligini ta‘kidlab o‘tadi [Hojiyev,2007: 75].

O‘zbek adabiyoti namoyondalari ijodini kuzatish davomida guvohi bo‘lamizki, -boz affiksi bilan bir-ikki emas, balki o‘nlab so‘zlar yasala oladi. Shuning o‘ziyoq -boz affiksi haqidagi fikrlarni oydinlashtirishga ko‘mak beradi. Jumladan:

1. *Men shoir emas, men nazmboz kosib,  
She‘rim shuhratimga emas munosib.* (M.Yusuf)  
2. *Eslamasa nima, men bir to‘pori,  
Qishloqi so‘zbozni, osmon yiqilmas.* (M.Yusuf)  
3. *Ko‘nglimni ozdirdi ko‘ngilbozliklar,*

*Izladim,*

*Ko‘ngildan ko‘ngil uzmadim.* (B.Fazliddin)

Ko‘rinadiki, [ot+bon], [ot+boz] qolipi faoliyati birmuncha davom etib kelyapti. Buning natijasida yangi-yangi muallif neologizmlari paydo bo‘lmoqda.

Ot yasovchi deb ta‘riflanadigan yana shunday affikslar borki, ular bilan aloqador ayrim nutqiy yasama so‘zlar ba‘zi-ba‘zida kuzatilib qoladi. Quyidagilar bunga misol bo‘ladi:

1. Yozda *changiston-u*, qishda *balchig‘iston* ko‘chamen. (E.Vohidov)

2. O, O‘zbekiston asal sandig‘im mening, *asalistonim* mening. (O.Matjon)

3. *Yurakdoshmiz!* Biz she‘r degan bir balo dardga yo‘liqqanmiz! (U.Azim)

Kuzatishlar ko‘rsatadiki, ot yasashda faol xizmat qilayotgan affiks “-chi” hisoblanadi. Bu affiks faoliyati, yangi-yangi so‘z yasashi davomiy kechyapti.

“-chi” o‘z va o‘zlashgan qatlam so‘zlariga qo‘shilib, ot yasashda keng qo‘llanadi.

Masalan, *ekskursiyachi, sensorchi, xotdogchi, lavashchi, dasturchi, bananchi, mandarinchi, ananaschi, kivichi* kabilar -chi affiksi vositasida so‘z yasalishining ko‘rinishlari sanaladi.

Xullas, o‘zbek tilida affiksatsiya usulida ot yasalishida -chi affiksi o‘ta faol bo‘lib, -zor, -kor, -bon, -boz -xo‘r, -dosh, -iston affikslarining so‘z yasashdagi imkoniyati o‘rta darajada, deb xulosa chiqarishga har tomonlama asos bor.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988 № 6. –Б. 38-43.

2. Неъматов Ҳ. Сўз яшаш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007 №1. –Б. 14-18.

3. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Darslik.

Fan va texnologiyalar. –Т.:2010. –В. 403.

4. Қўнғуров У., Тихонов А. Ўзбек тилининг терс луғати. – С.: 1968. –Б. 237.

5. Ҳожиёв А. Ясама сўз лисоний бирликми ёки нутқ бирлигими? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004 № 1. –Б. 49-54.

6. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Ўқитувчи.– Т.: 2007. –Б.168.

## **“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИДА МАНСАБ ЭГАЛАРИ НУТҚИНИНГ ТАВСИФИ**

**Мўминова Ойдин Қурбоновна\***

***Аннотация.** Мақолада нотиқлик санъати, хусусан, мансабдор шахслар нутқи хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Мансабдор шахсларнинг сўздан фойдаланиши маҳорати хусусидаги фикрлар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан келтирилган мисоллар асосида ёритилган.*

***Калит сўзлар:** нотиқлик санъати, нутқ, сўзга чечанлик, муомала, ҳозиржавоблик, мақсадга мувофиқлик, аниқлик, мантиқийлик.*

“Қутадғу билиг” туркий халқлар давлатчилиги тарихига оид энг қадимги манбалардан биридир. У қадимий туркларнинг кўп асрлик давлатчилик анъаналарига асосланган, давлат қурилишининг асосий тамойилларини белгилаб беради. Давлатни бошқаришда муайян тартиб ва қоидаларни илгари сурганлиги, ахлоқий қадриятларни ўртага ташлаб, кишиларнинг жипслашувига ва пировард оқибатда феодал давлатини мустаҳкамлашга ёрдамлашганлигини ҳисобга олиб, асарнинг муаллифини қашқар ҳокими тақдирлаб, ўз даврининг нуфузли унвонларидан бўлган “эшик оғаси” – Хос Ҳожиб деган мансабни берганлиги ҳам диққатга сазовор. Бу ҳолат “Қутадғу билиг”ни ўз даврининг эътиборли доираси ичида шуҳрат қозонганлигини кўрсатди. Қадимда давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айланган. Шу эҳтиёж қонун доирасигача борган. Одамлар мансаб

---

\* Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари номзоди; oydin\_muminova@mail.ru

пиллапоясидан юқорига кўтарилишни истаганлари учун ҳам нотиклик санъати сирларини ўргатадиган устозлар қўлида таълим олиб, чиройли нутқ эгаси бўлишга ҳаракат қилганлар. Донишманд Шарқ бағрида бундан беш минг йиллар бурун барпо бўлган энг “кекса” муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги, аини вазифанинг бизнинг кунларимизга қадар ҳам ўша моҳиятини йўқотмай келаётганлиги ҳар қандай жамият ҳаётида тил ва нутқ нуфузининг юқори ўринларда турганлигининг белгисидир. [Маҳмудов, 2007:18] Нутқ маданияти жамият аъзосининг кундалик саломлашишидан бошлаб, кимга, қачон, қаерда ва қандай муомалада бўлишигача бўлган барча нутқий жараёнларини ўз ичига қамраб олади. [Жиянова, Мўминова, 2016:18] Инсоннинг бошқа инсон билан муомаласига қараб унинг ахлоқига ҳам баҳо беришган. Сўзи орқали инсонларнинг тафаккури, фикри англашилган, муомала маданияти орқали у кишининг одоби, наслу насаби ва устозининг берган таълим-тарбияси намоён бўлган.

Умуман, мансабдор шахслар қандай фазилатларга эга бўлиши лозим деган фикр қадимдан барчани ўйлантирган. Бу каби кўплаб саволларга ниҳоятда аниқ, лўнда, энг муҳими, чиройли ва таъсирли жавоблар “Қутадғу билиг” асарида жамланган. Чунончи, қуйида келтириладиган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида билдирилган фикрлар шундан далолат беради:

Бир қанча фазилат керак раҳбарга,

Режа иш юритмоқ, тартиб сақларга:

Чин сўзлик ҳам тўла тартиб-интизом,

Ёлғонга инонмас эл гарчи авом [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 201]

Тили бол бекни халқ яхши кўради,

Ёш, қари, бекми кул, бўйин беради. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 181]

Очиқ юз, ширинсўз, майинлик керак,  
Феъл-атворда мослик, тайинлик керак.

Тили юмшоқ эса ҳам очиқ кўли,

Бировларга яна куйинса дили.

Хунарларни билса мукамал, тугал,

Яроқсизлар ишин этса ҳал. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 54]

Дарҳақиқат, туғма нотиклик истеъдодига эга бўлган ва бу истеъдодини махсус билим олиб такомиллаштирган кишилар эл орасида машхурликка сазовор бўлиб, катта сиёсий нуфузга эга бўлганлар. Асарда “агар элиг шундай одамларни топса, мартабаларни уларга берсин” [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 66] деб айтилади. Дастлаб турли халқлар сўнгра давлатлар микёсида мансабдорлар шахсига эҳтиёж кучайиб борган. Айни вақтда мансабдорлар ва уларнинг шахсига бўлган талаблар шаклланиб борган. Жумладан, Марказий Осиёда қадимдан элчилик институти шаклланган. Элчи ва у эга бўлиши лозим бўлган хислатлар тизими ишлаб чиқилган. Зиммасига турли давлатларни яқинлаштириш, улар ўртасида яқин муносабатларни ўрнатиш, турли низоларни бартараф этиш каби вазифалар юклатилган:

Нима дейди, эшит, уч ўрда хони,

Талай эл ичида ёйилган шони:

Сўзин бузмаса элчи, кўрмас зиён,

Сўзига собитдир бу элчи ҳар он.

Ўлим бўлмас унга, билиб қўй яна,

Эшитган сўзини яна росмана. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 91]

Элчининг бор иши сўздан битади, мақсадга яхшисўз элчи етади. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 227]

Кўринадики, элчи тилнинг чексиз-чегарасиз ифода имкониятларини билиши ва нутқда улардан энг мақсадга мувофиқларини саралаб фойдалана олиш малакасига эга бўлсагина барча ишлар битади. Асарда элчи эга бўлиши лозим бўлган муҳим хислатлар сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

Барчадан оқил зот элчилик қилсин,  
Билимда, идрокда мукаммал бўлсин.  
Уқувли, босиқ зот бўлсин,  
Билимдон, тадбиркор, идрокли тилчи.  
Яна сўз ич-ташин аниқлай олсин,  
Бузилган ҳар ишни тартибга солсин. [Юсуф Хос Ҳожиб,  
2015: 222]

Асарда нафақат элчи, балки барча мансаб эгалари сўз маъноларининг зукко билимдони бўлиши, улар сўз ичини ҳам, ташини ҳам англай олмоғи, яъни сўзнинг ўз ва кўчма, ошкор ва яширин маъноларидан хабардор бўлмоғи шарт қилиб қўйилмоқда. Донишманд шоир шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. Унингча, шакл мазмунга хизмат қилиши, мазмунсиз ҳар қандай чиройли шакл ҳам эл орасида эътибор қозонмайди. Дарҳақиқат, мансабдорларнинг сўзи сиёсий, фалсафий, мантикий ва психологик жиҳатдан тўйинган сўз бўлсагина турли давлатлар ўртасида муҳим масалаларни ҳал қилиш, зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш ва улар ўртасида дўстона маданий алоқаларнинг қарор топишига катта ҳисса қўшган. Мутафаккир яна сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ҳовлиқмасдан, сўзнинг маъноларини яхши англаб, равон нутқ тузишга қақиради.

Сўзга чечанлик-киришимлилик аломати. Сўзи гўзалнинг иши ҳам юришади. Хотира бақувватлилиги мансабдорнинг зийнати: “Хотира ҳам яхши бўлмоғи лозим, Ҳар сўзни ёд сақлаб қолмоғи лозим” [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 227]. Бундай қобилият шахснинг ўзи гапираётган тил ёки тил шаклининг меъёрий тизимини эгаллаганлиги, уни ижодий идрок эта олиши билан боғлиқдир. Шахснинг ўзи эгаллаган тилни қай даражада билиши шу шахснинг ўз фаолияти, интилиши, ҳаётий тажрибаси ҳамда ҳаётий эҳтиёжига боғлиқ бўлган масаладир. Асарда мансабдорларнинг нутқи равон, тушунарли ва ёқимли бўлиши керак, чунки мансаб эгасининг нутқи сўзловчи – тингловчи муносабатини ўрнатишда ҳамда уларнинг ўзаро



тушунишларини таъминлайдиган асосий воситалардан бири эканлиги ва бунда уларнинг тингловчиларга мурожаати, саломлашиши, талабларни кўйиши, огоҳлантириши, гапириш оҳанги, юз ифодаси, нигоҳи, савол бериш ва жавоб олиш усулларининг барчаси муҳим ҳисобланиши таъкидланади:

Киши кўрки сўз-у, бу сўз бепоён.

Е тил, мақта эзгу кишин ҳар қачон!

Масал келди туркча: бунга ўхшаган,

Кулоқ сол, бу сўзни донолар айт деган:

Уқув кўрки – билим, бу тил кўрки – сўз,

Киши кўрки – юз-у, юз кўрки – кўз. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 19]

Мансабдорларга кўйиладиган талаблардан яна бири унинг ширинсўз бўлиши шарт қилиб кўйилганлигидир. Ширин сўзга ҳамма: катта ҳам, кичик ҳам эрийди. Мансаб эгаларининг бундай гўзал ва равон, рангин ва зангин нутқидан тингловчилар таъсирланадилар ҳамда улар қалбининг қулфларини очиб дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига ўз ҳиссаларини қўшадилар:

Бириси - котибдир, хатосиз хати

Бириси элчи эрур – ширин суҳбати. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 69]

Ширин тил, очик дил бўлган яхшидир,

Яхши сўз, кўп оқил бўлган яхшидир.

Тотли сўзли киши ёқимли бўлар,

Тотли сўз ҳар ишни ёқимли қилар [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 227]

Ҳозиржавоблик ҳам уларнинг бош фазилатларидан бири эканлиги, зехни ўткир, тили бурро мансаб эгасининг иши сўзи билан битиши, сўзи яхши бўлса, тилаклар амалга ошиши таъкидланади:

Суҳбатда яхшидир ҳозиржавоб ким,

Саволга тўғри, тез топса соз ечим [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 226]

Мансабдорлар йироқни якин, яқинни меҳрибон қилгувчидир. Мансабдорлар кўп тилларни билса, турли-туман ёзувлардан хабардор бўлса, ўз тилагига осон етиша олиши ҳақида фикрлар билдирилади:

Кўп тилда бемалол сўз этса баён,

Хат ёзса, бўлса кўп хат унга аён. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 225]

Турли-туман фан асосларини ўрганиш, айниқса, бадий сўз сирларини яхши ўзлаштириш қабилар талаб қилинади. Агар раҳбар шеърятни яхши ҳис этса, тушунса, бунинг устига ўзи ҳам шеърлар ёзса, нур устига нур бўлади:

Турли қасб-хунарда эр бўлса тугал,

Ҳар ерда ёруғ юз бўлур ҳар маҳал.

Китоблар ўқир ҳам билур бўлса соз,

Шеър уқса, таъби ҳам келишса бироз. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 225]

Қайси одам ўз сўзларини сўзлай бошласа, ундан кўзда тутилган мақсадни аниқ англай оладиган бўлсин. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 65] Бу билан донишманд муаллиф мансаб эгаларидан нотиклик санъатидаги аниқлик, мақсадга мувофиқлик, таъсирчанлик каби сифатларга риоя қилишни талаб этмоқда. Агар мансабдор шахснинг нутқи аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлмаса, етказмоқчи бўлган муайян фикр тингловчи томонидан тўлалигича ва айнан англашилмайди. У ҳолда фикр чала ёки янглиш тушунилиши мумкинки, оқибатда халқ орасида ёхуд икки муҳолиф давлат орасида низоларни келтириб чиқариши мумкин. Улар тил одамнинг дили билан боғлиқлиги, уни тилга чиқаргунча мушоҳада қилган ҳолда яхшилаб мулоҳаза юритиши, воқеликка мос нутқий вазиятни эътиборга олишни, мазмунли, фойдали сўзларни сўзлашни, айтмоқчи бўлган фикри чиройли ва таъсирчан ҳамда лўнда ва қисқа бўлишини, зинҳор кўпол ва дағал сўзларни сўзламасликни таъкидлайди. Бинобарин, муаллиф нотиклик санъатининг адабиёт, тилшунослик, руҳшунослик, фалсафа, нафосат каби

фанлар билан чамбарчас боғлиқлигини жуда яхши билган ва шунинг учун мансабдорлар барча фанлардан хабардор бўлиши ҳамда уларни уйғунликда ўз ўрнида қўллай олсагина кўзланган мақсадга эришиши мумкинлигини таъкидлайди:

Серғайрат бўл, ўқи ҳар турли китоб.

Донолар китобдан олмишлар кўп тоб.

Ёзсин, ўқисин, сўз эшитсин доно.

Турли касб-ҳунарда эр бўлса тугал,

Ҳар ерда ёруғ юз бўлур ҳар маҳал. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2015: 224-225]

Сенга сўзладим мен сўзим, эй ўғил,

Сенга ўғит этдим ўзим, эй ўғил.

Кумуш қолса мерос бўлиб гар сенга,

Уни тутмагин сен бу сўзга тенг-а!

Кумуш ишга тушса камаяр, тугар,

Сўзим ишга тушса кумушлар тўкар. [Юсуф Хос Ҳожиб, 2014: 15]

Демак, инсониятга сўз шунинг учун берилдики, у ўзига юклатилган вазифани - дунёни, ўзлигини англаш учун хизмат қилсин. Буюк аллома Сукрот айтганидек, оддий сўз эмас, маънога тўйинган сўз кудратга эга бўлади. Зеро, эл раҳбарларининг вазифаси мураккаб вазиятдан, чигалликдан ширинсўз билан олиб чиқиш ҳамда ўзаро ишончни шакллантириш, ҳукумат ва халқларни бир-бирига яқинлаштириш ва муросага эришишдан иборат бўлган. Донишманд Юсуф Хос Ҳожиб буни жуда яхши билгани учун ушбу асаридан мансабдорлар нутқига муайян вазифаларни қўяди ва уларнинг ижросини чуқур таҳлил этади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Марказий Осиёда давлатчилик қадим даврлардан шаклланган ҳамда турли мансабга эга бўлган шахслар нотиклик санъати сирларидан, яъни тилнинг луғавий бойлиги ва грамматикасини пухта ўрганиш, нутқнинг ички ва ташқи шаклига бирдай эътибор бериш, мантикли, гўзал ва таъсирчан нутқ туза олиш, тил

бирликларини мақсадга мувофиқ ҳамда ўринли ишлатиш вазифаларидан хабардор бўлиши талаб қилинган. Бизнинг фикримизча, бугунги кун мансаб эгалари ўрта асрлар мутафаккирининг дунёга машхур достонини нафақат адабий ёдгорлик сифатида, балки миллий давлатчилик илмининг бошида турган асарларидан бири, қимматли восита сифатида қабул қилиши, нутқ маданиятини аждодимизнинг қолдирган насиҳатларидан ва ҳаёт тажрибаларидан ўрганиши ҳамда мансабдор шахслар ва халқаро муносабатлар бўйича мутахассислар тайёрлашда эътиборга олинishi керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Баёз –Т.: 2014. – Б. 107.
2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Академнашр. –Т.: 2015. - Б. 537.
3. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. ЎЗМК. -Т.: 2007. –Б. 188.
4. Жиянова Н., Мўминова О. Нутқ маданияти//Ўқув қўлланма. Илм зиё заковат. –Т.: 2016. –Б. 209.

## **OGAHIY TARIXIY ASARLARIDAGI AYRIM UMUMERONIY O‘ZLASHMALARNING GENIOLOGIK TAHLILI**

**Maxmudov Raufjon Baxodirovich\***

*Annotatsiya. Ushbu maqolada Ogahiy tarixiy asarlaridagi umumeroniy qatlamga oid o‘zlashmalar tadqiq va tahlil qilingan. Ularning tarqalish areali aniqlashtirilgan hamda ma’no taraqqiyoti, fonetik o‘zgarishlari o‘rganilgan. Umumeroniy o‘zlashmalar qaysi davrda o‘zlashgani, qanday so‘zlarning yasalishiga asos bo‘lgani ilmiy dalillar orqali isbotlangan.*

***Kalit so‘zlar:** o‘zlashma, umumeroniy qatlam, tarixiy asar, substrat qatlam, o‘z qatlam, genetik tahlil, tarkibiy tahlil.*

Umumeroniy so‘zlar bu tarixan kelib chiqishi qadimgi eroniy tillarga borib taqaladigan yoki umumeroniy asosli so‘zlardir. Umumeroniy tillarning dastlabki bo‘g‘ini bu indoyevropa tilidir. Uni jahon tilshunosligida oriydan oldingi bosqich deb qaraladi. Indoyevropa tili bu barcha eroniy tillarning asosi, bobo tilidir. Shu nuqtayi nazardan qaysi so‘zning genezisi ushbu tilga bog‘lansa, demak, biz ushbu so‘zni umumeroniy so‘z deb qarashimiz mumkin. Chunki tahlil qilinayotgan indoyevropadagi ma’lum asos, fonetik o‘zgarish va ayrim ma’no taraqqiyotini bosib o‘tgan holda barcha eroniy tillarda hozir ham yashab kelayotgan bo‘ladi. Bu o‘sha asosning bugungi kunda so‘z yoki komponent holida yashab kelayotganiga jiddiy e’tiborimizni qaratish lozim ekanligini bildirmaydi. Muhimi ushbu asos mavjud va u hamon iste’molda. Shu mezon asosida biz Ogahiy tarixiy asarlaridagi umumeroniy qatlamga oid so‘zlarning ayrimlarini genioologik jihatdan o‘rganishga harakat

---

\*Xorazm Ma’mun akademiyasi katta ilmiy xodimi, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori; [raufjon.m@mail.ru](mailto:raufjon.m@mail.ru)

qildik. Ogahiy tarixiy asarlarida tarixan umumeroniy leksik qatlamga oid o‘zlashmalar anchagina.

**Zamona.** Vaqt, payt, muddat, mahal. Eski o‘zbek tiliga fors tilidan o‘zlashgan. Hozirgi o‘zbek adabiy tilida birmuncha keng qo‘llanadi va *zamonaviy, zamonasoz* kabi so‘zlarning yasalishiga asos vazifasini o‘taydi. Ushbu so‘z ham biz tahlil qilayotgan umumeroniy o‘zlashmalar qatorida Ogahiy tarixiy asarlarida keng qo‘llangan. Xususan, “Riyozu-d-davla”da o‘qiymiz: *Anda dag‘i ulamoyi zamona va fuzaloyi yagona va umaroyi davlatnishona bila majlis tuzub, kitobxonliq va ma‘nidonlig‘ bahs-u jadal va radd-u badal rusumin avvalg‘idin ziyodaroq zuhurg‘a yetkurdilar* [Ogahiy, 2020: 139.].

Ushbu so‘zning genezini tahlil qilish jarayonida quyidagi ilmiy xulosalarga keldik: ushbu so‘z indoyevropadagi *g<sup>m</sup>m* – *harakatlanmoq, yurmoq, o‘tib ketmoq* ma‘nosidagi o‘zak asosida hosil qilingan va umumeroniy tillarda keng qo‘llanadi. Aytish mumkinki, *zamona* so‘zi *g<sup>m</sup>m* o‘zagining ma‘no kengayishi asosida yuzaga kelgan. Agar *zamona* so‘zining tarkibiy tahlili shuni tasdiqlaydiki, *g<sup>m</sup>m* o‘zagi asosida *gàma-*, *gama-* so‘zi hozil qilingan va u *vaqt, vaqt oralig‘i, daqiqa, soat* ma‘nolarini ifodalagan. Agar *g<sup>m</sup>m* o‘zagining *yurmoq, o‘tmoq, harakat, qadam* ma‘nolarini vaqtga qiyoslasak, mantiqan vaqtning ham o‘tkinchi va doimo hararakatda ekanlik ma‘nosi *g<sup>m</sup>m* o‘zagi asosida paydo bo‘lganligi oydinlashadi. Xuddi shu asosdan o‘rta fors tilida keng iste’molda bo‘lgan *jamāna* [Nyuberg, 1974: 228.] – *vaqt* so‘zi hosil qilingan. Keyinchalik *y-z* fonetik qoidasi asosida *jamāna* so‘zi *zamāna* [MacKenzie, 1971: 98.] tarzida qo‘llana boshlangan. Xususan, so‘nggi davr fors tilidagi *ym‘n* – *zm‘n* [Boyce, 1977: 104.] – *vaqt*, klassik fors tilidagi *zamān*, dariydagi *zamān*, zamonaviy fors tilidagi *zāmān*, tojik tilidagi *zamon*, baqtriydagi *zemūn* – *vaqt, davr* so‘zlari ham ayni umumeroniy *g<sup>m</sup>m* o‘zagi asosida paydo bo‘lgan.

Bu o‘zakning tarqalish areali juda keng. Xususan, parfiyon tilida *zamān {jm‘n}* – *vaqt, daqiqa*, xristian so‘g‘diy tilidagi *žwmn-// žmnw* so‘zlari ham umumeroniy *jamanam* [Sims-Williams, 1989:

181.] asosida, qolaversa, buddaviy so‘g‘diyda *zmn* (ko‘pligi *zmnth*) va *zmnw* monaviy so‘g‘diyda *jmn*, *jmnw*, xotansaksdagi *jāmana* [Bailey, 1979: 110.] – *vaqt*, *soat*, shuningdek, monaviy so‘g‘diyda *jmnčyq* – zamonaviy sifati ham biz tahlil qilayotgan yoki *jmn* < *g<sup>w</sup>m* [Henning, 1936: 72, 126.] asosida yuzaga kelgan.

Ushbu o‘rinda yana bir faktni alohida ta’kidlash joiz, umumeroniy tillarda qo‘llanuvchi *shu vaqt*, *vaqt parchasi* ma’nosidagi *hangām* so‘zi ayni biz tahlil qilayotgan indoyevropa tilidagi *g<sup>w</sup>m* asosi bilan bog‘liq. Chunki pahlaviyda *â-gāma(n)*, *han-gāma(n)*- so‘zi birikmasi qo‘llangan bo‘lib, u ayni *vaqt parchasi*, daqiqa ma’nosini ifodalagan. Biz uni bemalol *gâ* yoki *gam* (*g<sup>w</sup>m*) bilan bog‘lashimiz mumkin. Ayni damda shu tahlildan xulosa qilish mumkinki, hozirgi o‘zbek tilida keng qo‘llanuvchi *hangoma* so‘zi ham *vaqt parchasi* ma’nosidan o‘sib chiqqan. Ko‘rinib turganidek, buning barchasi harakatlanmoq, qadam, o‘tkinchi kabi ma’nolarni ifodalagan *g<sup>w</sup>m* o‘zagining ma’no taraqqiyoti natijasidir. Klassik fors tilida ham bu so‘z *hangām* shaklida qo‘llanib, *vaqt*, *kez* ma’nosini ifodalagan. Xorazmiy tilida ‘*y’mk* so‘zi qo‘llangan bo‘lib, *bir marta*, *bir* ma’nolarini ifodalash uchun istifoda etilgan. Xususan, ushbu so‘z ‘*y’mk pc- y’mc hy mrynt* [Henning, 1971: 19.] iborasida (*u bu qayta-qayta chaqirdi*) *qayta-qayta*, *takororan* ma’nosini bergan. Shuningdek, xorazmiy tilida ‘*nk’ m [angām]* so‘zi qo‘llangan bo‘lib, *bayram* ma’nosini ifodalagan. Shuningdek xorazmiy tilida *wxšnk’ m* so‘zi qo‘llangan bo‘lib, suv ilohasi Vaxsh yoki aynan Vaxsh daryosining himoyachisi bo‘lgan ilohaga bag‘ishlangan bayram ma’nosini ifodalagan. Ko‘rinib turganidek, ushbu so‘zning ikkinchi qismi ‘*nk’ m* hangāma asosida paydo bo‘lgan. O‘rta so‘g‘d, moniy, buddaviy va xristianga so‘g‘diyda *ny’ m* – *vaqt*, *soat*, *daqiqa*, *ny’ mk* – *vaqt*, *ny’ w* [Gharib, 1995: 39.] – *shoshilinch*, *zo‘riqish*, *yag‘nob* tilidagi *duyomini* – *kelasi safar*, *iyom* – *bir marta* kabi so‘zlar biz tahlil qilayotgan *han-gāma* yoki *ni-gāma* [Gershevitch, 1954: 175.] bilan bog‘lanadi. Bugungi kunda xorazm shevalarida qo‘llanuvchi *ayyom* – *allaqachon* so‘zi ham biz tahlil qilayotgan *han-gāma*, ayni

damda indoyevropa tilidagi  $g^m$  o‘zagi bilan bog‘liq holda paydo bo‘lgan.

Qadimgi forsiyda *Ha(n)gmatāna* – *Hamadon*, xristian so‘g‘diyda ‘y‘m yoki ‘ym – *bayram*, osetin tilidagi *ayommæ* < *ayom-mæ* – *arafa*, kelishdan oldin va o‘rta osetindagi *qomyl* / *yombæl* [Абаев, 1973: 308-309.] – *yoshi kata* so‘zlarini ham shu asos bilan bog‘lashimiz mumkin. Fors tilidan o‘zbek tiliga o‘zlashgan payt ma’nosidagi *goh* so‘zini ham tahlil qilinayotgan *gâ* yoki *gam* ( $g^m$ ) o‘zagi bilan bog‘lashimiz mumkin. Chunonchi, xorazmiy tilida ‘yd [MacKenzie, 1971: 320.] – *vaqt*, *qulay vaqt* so‘zi *gâ* yoki *gam* ( $g^m$ ) o‘zagi asosida hosil qilingan *â-gatâ* yoki *â-gati* bilan bog‘lanadi. Xorazmiy tilida qo‘llangan *pknd-‘yd- tush vaqti* (o‘rta fors tilida bu mahalni *čāšt-gāh* deb nomlaganlar, keyinchalik bu so‘z o‘zbek tiliga ham *chohgoh* tarzida o‘zlashgan) so‘zini ayni asosdan hosil qilinganli haqidagi xulosa mantiqan to‘g‘ri.

*Fra-gāma* [Morgenstierne, 1926: 22.] – *bahor* avestizmi, parfiyon tilidagi *rhayām*, *rayām*– *bahor* so‘zlarini ham ayni asosga bog‘liq holda paydo bo‘lganligi haqida fikr yuritish mumkin. Ushbu asos keyinchalik *yurish*, *borish*, *o‘tish* kabi harakat nomlarini paydo bo‘lishiga sabab bo‘lgan. Xususan, qadimgi hindiydagi *gâti* – *yurish*, “Avesto”dagi *aiwi.gaiti* muannas jinsda *kelish*, *erishish*, *kirish* ma’nolarini anglatuvchi so‘zlarni ham shu qatorga kiritish mumkin.

Yuqoridagilardan shuni xulosa qilish mumkinki, Ogahiy tarixiy asarlarida keng qo‘llangan, *zamon* umumeroniy o‘zlashmalardan biri bo‘lib, uning genezisi indoyevropa tilidagi harakat qilmoq, qadam tashlamoq, yurmoq, o‘tmoq, o‘tkinchi kabi ma’nolarni ifodalagan *gâ* yoki *gam* ( $g^m$ ) asosi bilan bog‘lanadi. Ushbu asosning tarqalish areali juda keng bo‘lib, u ingliz tilidagi *to go* – *bormoq*, fors va o‘zbek tillaridagi *goh* – *vaqt*, fors hamda o‘zbek tillaridagi *ayyom* – *bayram*, xorazm shevasidagi *ayyom* – *allaqachon* kabi so‘zlashning paydo bo‘lishiga asos bo‘lgan.

**Otash.** O‘t, olov, otishma, o‘t ochish. Eski o‘zbek tiliga fors tilidan o‘zlashgan o‘zlashma. Hozirgi o‘zbek tilida keng qo‘llanadi va quyidagi ma’nolarni ifodalash uchun istifoda etiladi: 1) o‘t, olov:



*Odam – ishdan, ma’dan – oatshdan bahra topadi; 2) ko‘chma ma’noda dilni yondiradigan, o‘rtantiradigan haroratli his-tuyg‘u: hijron otashi. Ushbu so‘z hozirgi o‘zbek tilidagi otasharava, otashdon, otashgoh, otashzabon, otashxona, otashparast, oatshqalb kabi bir necha so‘zlarning yasalishiga asos vazifasini o‘tagan. Ogahiy tarixiy asarlarida bu so‘zni birmuncha keng qo‘llanganini kuzatdik: ... islom lashkari qarovullarına qarshu kelib, muhoraba amrig‘a ishtig‘ol ko‘rguzub, **otashi** qitolni ishtiolg‘a kirguzdi va to‘bandozli marosimin jahdi tamom bila kamoyanbag‘iy tuzdi [Ogahiy, 2021: 60.]. Qolaversa, otash so‘zi Ogahiy tarixiy asarlarida otashfishon, otashgoh, otashboz, otashin kabi so‘zlarning yasalishga asos vazifasini o‘tagan.*

Ushbu so‘zning genezisini tahlil qilganda quyidagi xulosalarga keldik: *otash* qadimgi *ātr* yoki *ātar* asosiga bog‘lanadi. Oriyda bu so‘z *āt(h)r*, *āt(h)ar* shaklida qo‘llangan bo‘lsa, qadimgi hindiyda *atharī* yoki *atharyú* shaklida qo‘llangan. Ular indoyevropa tilidagi *āter* yoki *ātr* o‘zagi asosida paydo bo‘lgan. Qadimgi lotin tilida ham ayni indoyevropa tilidan o‘zlashgan *āter* – *kuyib ketgan, yongan* ma’nolarini anglatuvchi so‘z mavjud. Bu asosni slavyan tillarida ham uchratish mumkin. Xususan, o‘rta praslavyandagi *atra*, rus tilidagi *vatrushka* [Трубачева, 1974: 91-93.], bolqon tillar guruhidagi *vatra* va shu o‘zak asosida paydo bo‘lgan bir necha so‘zlarni [Pokorny, 1959: 69.] ham indoyevropa tilidagi *āter* yoki *ātr* bilan bog‘lashimiz mumkin. Indoyevropa tilidagi *āter* yoki *ātr ā* yoki *ai* [Szemerényi, 1977: 29.] – *yonmoq, nur taratmoq* o‘zagi bilan bog‘lanadi.

“Avesto”ning Gohlarida va pahlaviyda *ātar*, *ātārə*, *ādr*, *ātr* [Bartholomae, 1901: 10.] (muzakkar jinsda) *olov* ma’nosini ifodalaydi, birlikda *ātarš* shaklida qo‘llanadi. Qadimgi forsiyda bu so‘z *ātar* yoki *ātr* tarzida, midiya tilida *ātr*, *ādr* shaklida qo‘llanadi va *olov* ma’nosida istifoda etiladi. Ushbu so‘zning fonetik taraqqiyotini ikki yo‘nalishda rivojlanganini kuzatish mumkin: chunonchi, birinchi yo‘nalish – *ātar-*, *ātārə-*, *ādr-*, *ātr-* *āt(u)r* bo‘lsa, ikkinchi yo‘nalish *ātarš-*, *ātaš-* dir. Birinchi yo‘nalish rivojini quyidagi belgilash mumkin: o‘rta fors tilida dastlabki bosqichda *ātur*

[Nyberg, 1974: 35.], keyinchalik *ādur*{*twr*} qadimgi yozma yodgorliklarda {*twry*}, monaviylik matnlarida {*dwry*} shaklida qo‘llangan va *olov ilohasi* ma’nosini ifodalagan. Klassik fors tilida bu so‘zni biz *āđār* – *olov ilohasi* mazmunida bo‘lsa, hozirgi fors tilida *āzār* 1) olov; 2) Eron quyosh kalendarining 9-oyi; 3) antroponim ma’nolarida istifoda etiladi. Tojik tilidagi *ozar* esa 1) olov; 2) antroponimdir. Ayni asosdan qadimgi hindiydagi *atharyu*, “Avesto”dagi *ātrya*, so‘g‘diydagi *āđr(i)a-ka* asosida ‘š’y, ‘š’k [*āše*]–*olovga oid, kul, cho‘g‘* so‘zlari ham biz tahlil qilayotgan *ātr* asosida paydo bo‘lgan. Xorazmiy tilidagi *fy’drc* < *βy’drk* < *aby-ātarakā* [Benzing, 1983: 271.], ya’ni *issiq cho‘g‘da tayyorlangan* iborasida ahm ayni shu o‘zakni uchratish mumkin.

*ātar* o‘zagining tarqalish areali juda keng. Chunonchi, u “Avesto”dagi *at/đar-ūan*, *aūaurvan-*, *ađaurun-*, *āūravan-* yoki oriydagi *at(h)aruqan*, qadimgi hindiydagi *ātharvan* [Mayrhofer, 1986: 60.] – *ruhoniy, rohib* so‘zlari shu jumladandir, bugungi kunda bu so‘z *otashbon* tarzida fors tilida, ayni damda, Ogahiy tarixiy asarlarida keng qo‘llanadi. Biz bu so‘zni indooriy asosli o‘zlashma *deyishimiz mumkin*. Shuningdek, bu qatorda elam ta’siri ostida paydo bo‘lgan *āūrava-*, *āđravapati* [Hinz, 1975: 48, 50.] – *ruhoniy, otashparast* ma’nosidagi so‘zni ham ta’kidlashimiz zarur.

Indoyevra va qadimgi oriyda *ātr-pati* birikmasi mavjud bo‘lib, u olovga topinuvchi yoki *olov egasi* ma’nosini anglatadi. Bu birikmani biz baqtriyda *atarobido* shaklida uchratamiz. Baqtriyda qadimiy *-pati-* asosida joy nomlari (toponim)ni shakllantirish uchun *bido* shakli qo‘llangan. Shu sababdan baqtriydagi *ātu/ar-patkān* bu *olovga topinuvchilar yurti, olov egalari makoni* ma’nosini ifodalaydi. Uning birinchi qismiga e’tibor qaratishni lozim topdik. *ātu/ar* so‘zida intervokal *t > đ* ga aylangan va *āđar* shaklini olgan. Keyinchalik umumeroniy *th > z* fonetik hodisasi tufayli bu so‘z, yuqorida ta’kidlanganidek, *āzar* tarzida talaffuz etila boshlangan. Hozirgi kunda biz *Ozarbayjon* deb nomlaydigan davlat nomi aslida *olov egalari, olovni muqaddas biluvchilar yurti* ma’nosini anglatadi

va ushbu so‘z *ātu/ar-patkān* birikmasining ming yillar davomida fonetik silliqanib yetib kelgan shaklidir.

**Otashdon** so‘zining genezisini ham shu yo‘nalishdan borib aniqlashtirish mumkin. Chunonchi, indoyevropa va oriya *ātr-dāna* birikmasi qo‘llangan bo‘lib, u *olov yoqiladigan joy, o‘choq* ma‘nosini anglatgan. Bu birikma keyinchalik qadimgi hindiyda *agnidhāna* shaklida qo‘llangan. Uning birinchi qismi slavyan tillarida hamon saqlanib kelmoqda. Xususan, rus tilidagi *огонь* – *olov* shu jumaladandir. *ātr-dāna* ayrim fonetik o‘zgarishlar bilan so‘g‘diy tilida *‘trō‘n* – *olov joyi* shaklida, bajuvda (shug‘non tilining dialektlaridan biri) *arđūn*, ruzhon va xufsa *arđōn*, bartang va roshorvda *arđōn* yoki *radōn* [Соколова, 1967: 43.] shaklida qo‘llanadi va *o‘choq* ma‘nosini anglatadi.

**Angusht.** Barmaq. Eski o‘zbek tiliga fors tili orqali kirib kelgan o‘zlashmalardan biri. Hozirgi o‘zbek adabiy tili lug‘atida nofaol qatlam sifatida yashab kelmoqda. Eroniydashgan ayrim o‘zbek shevalarida istifoda etiladi. O‘zbek adabiy tilida keng qo‘llanuvchi forsiy o‘zlashma bo‘lgan *angishvona* so‘zining yasalishiga asos vazifasini o‘tagan. *Angusht* Ogahiy tarixiy asarlarida birmuncha keng qo‘llanadi. Xususan, “Riyozu-d-davla”da o‘qiymiz: *Chun ul hazrat nigini saltanatni angushti iqtidorig‘a soldi va zimomi mamlakatni qabzayi ixtiyorig‘a oldi* [Ogahiy, 2020: 38.]. Qolaversa, Ogahiy tarixiy asarlarida *angushtnamo* – *nodir, kamyob, angushtar* – *uzuk, angushtarmoq* – *e‘tibor bilan qaramoq* kabi so‘zlar uchraydiki, ular paydo bo‘lishida ham tahlil qilinayotgan *angusht* asos bo‘lganligi shubhasiz.

Ushbu so‘zni geniologik tahlil qilganimizda, uni umumeroniy qatlamga mansub ekanligi ma‘lum bo‘ldi. Chunonchi, pahlaviyda *angust* so‘zi qo‘llangan bo‘lib, barmaq ma‘nosini anglatgan. Bir necha eroniy sheva va tillarda bu so‘z keng qo‘llanadi. Xususan, giylakiyda *angusht*, farizandiy, shahmirzodiyda *angosht*, natanziyda *ongosht* yoki *angosht*, samnoniyda *angusht*, sangsariy va losgardiyda *angósht*, so‘rxiyda *aengósht*, uromoniyda *än(g)us* shaklida [Tabriziy, 1386: 175.] qo‘llanadi va barmaq ma‘nosida istifoda etiladi. Qadimgi

oriyda *anguli*, *anguri* so‘zlari qo‘llangan bo‘lib, ular *qayrilish*, *bo‘g‘in*, *barmoq* ma‘nolarini ifodalagan. Qadimgi hindiy tilida *ágga* – *bo‘g‘in* ma‘nosini anglatgan. *Angúli* yoki *aygúr* vedalarda *oyoq* yoki *qo‘l barmoqlari* ma‘nosini ifodalaydi. Ushbu so‘zning genezisi indoyevropadagi *anguli* so‘ziga borib taqaladi. Indoyevropa tilida *ang(u)-* so‘zi qo‘llangan bo‘lib, u *bo‘g‘in*, *burchak* ma‘nolarida istifoda etilgan. Ushbu so‘z *ang* o‘zagi asosida hosil qilingan. Ushbu o‘zak *bukilish*, *qayrilish* ma‘nolarini ifodalagan. O‘rta lotin tilidagi *anguliis*, cherkov slavyanidagi *og(b)ib*, rus tilidagi *угол*, ingliz tilidagi *ankle* [Mayrhofer, 1975: 21-22.], qadimgi norveg tilidagi *oyoq bo‘ginlari* ma‘nosidagi *okkla* so‘zini ayni o‘zak asosida paydo bo‘lganligi shubhasiz. Demak, ushbu so‘zning tarqalish areali juda keng.

Yuqorida ta‘kidlanganidek, bu so‘z bugungi kunda eroniy tillarda keng qo‘llanadi. Lekin *angušta*, *anguštining bo‘g‘in*, *burchak*, *bukilish* ma‘nolari bugun eroniy tillarda arxaiklashgan. Qo‘l yoki oyoq barmoqlari ma‘nosi ayni damda faollashgan. Buni *angushtar* – *uzuk* yoki *angishvona* so‘zlarida ham kuzatish mumkin. Albatta, bu ma‘no ham oriy va indoyevropadagi *ang(u)-* asosi negizida paydo bo‘lgan. Chunki ushbu asosning bosh barmoq ma‘nosi ham mavjud bo‘lib, ayni shu ma‘no bugun eroniy tillardagi *angusht*, *angushtar* va *angishvona* so‘zlari paydo bo‘lishiga sabab bo‘lgan.

Ushbu so‘zni sharqiy va markaziy eroniy til guruh(dialekt)larida ham faol qo‘llanishini kuzatdik. Chunonchi, sedeyda qo‘llanuvchi *enguliy*, gaziy va kafroniydagi *enguli* [Жуковский, 1922: 110.], zafreiydagi *ungüilt*, *engüli* [Жуковский, 1888: 63.], balujiydagi *angul* – *barmoq*, mozandaraniydagi *engel*, osetin tilidagi *barmoq* ma‘nosidagi *æng‘ylz* yoki *ængulzæ*, yoki V.I.Abayev ta‘kidi bo‘yicha *angur/l(i)-ti* yohud *angur-ti* – *barmoq* [Абаев, 1958: 161.] so‘zlari ham biz tahlil qilayotgan *ang(u)-* asosi negizida paydo bo‘lgan degan xulosa mantiqan to‘g‘ri. Bundan tashqari biz vaxandagi *yanglek* – *barmoq* [Стеблин-Каменский, 1971 223.], varxniydagi *yangl*, o‘rta xotansaksdagi *hamgari* – *tana*

*a’zosi* ma’nosidagi soʻzlarni ham tahlil qilinayotgan *ang-* yoki *ank-* egilmoq, egiluvchan asosi bilan bogʻlashimiz mumkin.

Ayni *ang-* yoki *anka* asosi *angušta – barmoq* [Bartholomae, 1904: 130-131.] avestizmida ham mavjud. Bu soʻz oʻrta fors tilida *angušt* yoki *ngwst* shaklida qoʻllangan va *barmoq* ma’nosini ifodalagan. Klassik fors tili va tojik tilida bu soʻz *angušt* shaklida, dariyda *angošt*, hozirgi fors tilida *āngošt*, baqtriya *angust* shaklida qoʻllanadi va *barmoq* ma’nosini ifodalaydi. Soʻgʻdiy tili va moniylik matnlarida uchraydigan *‘ngwšt*, buddaviylik matnlarida biz duch kelgan *‘nkwšt*, *‘nk(‘)wšt – barmoq* [MacKenzie, 1976: 81.], yagʻnob tilidagi tojik tilidan oʻzlashgan *unkušt – barmoq* [Хромов, 1987: 395.] soʻzlarini, pushtu tilidagi *gúta*, *gwəta*, *gwúta* [Пасторьева, 2003: 168.] – *barmoq*, *bosh barmoq* ma’nosidagi soʻzlarni ham umumeroniy *angusthá* – *barmoq*, *bosh barmoq*, boʻgʻin, egilmoq, soʻzi bilan bogʻlash mumkin va u indoyevropadagi *ang* oʻzagi asosida paydo boʻlgan.

**Garm.** Issiq. Eski oʻzbek adabiy tiliga fors tilidan oʻzlashgan. Hozirgi oʻzbek tilida ayni shaklda deyarli qoʻllanmaydi. Faqat *garm*sel, *garma* (qovun turi), *garmdori*, *garmiyon* (baʼzi uzum turlaridan maxsus usulda tayyorlangan mayiz) kabi soʻzlar hosil boʻlishida asos vazifasini oʻtagan holda yashab kelmoqda. Ogahiy tarixiy asarkarida ushbu soʻz anchayin faol qoʻllangan. Chuponchi, “Riyozu-d-davla”da oʻqiymiz: *Turfaroq budurkim, bovujudi qish, havo mizoji garmlik izhor qilib, andoq yogʻish yogʻdikim, hamul qorni eritib, bir damda mafqudu-l-osor va togʻ julgalarin bahri zaxxor, balki hazrati Nuh toʻfonin oshkor qildi* [Ogahiy, 2020: 287.]. Shuningdek, *garm* Ogahiy tarixiy asarlarida *garmjavlon*, *garmguftor*, *sargarm*, *garmrav* kabi soʻzlarning yasalishida asos vazifasini oʻtagan. Ushbu soʻzning genezisi borasidagi tadqiqotlar quyidagi xulosalarga olib keldi: soʻzning asosi indoyevropa tilidagi *g<sup>w</sup>her* [Mayrhofer, 1986: 513.] – *issiq boʻlmoq, qaynoq, issiq* asosiga borib taqaladi. Keyinchalik ushbu soʻz oriyda *ghar*, *gar – yonmoq, yoqmoq* shaklida, qadimgi hindiyda *gharma – alanga, issiqlik* tarzida qoʻllangan. Indoyevropadagi *g<sup>w</sup>her* asosida *g<sup>w</sup>her-mo*, *g<sup>w</sup>hor-mo* –

*issiq, g<sup>w</sup>her-os, g<sup>w</sup>hor-os – harorat, issiqlik, alanga* soʻzlari paydo boʻlgan. Keyinchalik bu soʻz butun yevropa tillariga tarqalgan. Xususan, yunon tilidagi *ῥερμαί – issiqlikka aylanmoq, issiq boʻlmoq* feʻli, *ῥερμά – qaynoq oʻzan, issiq oʻlkalar oti, ῥερμός – issiq, qaynoq* sifati ayni biz tahlil qilayotgan *g<sup>w</sup>her* asosida paydo boʻlgan. Qolaversa, qadimgi irland tilidagi *fo-geir – isimoq* feʻli, litva tilidagi *gāras – bugʻ*, qadimgi pruss tilidagi *goro – issiqlik*, cherkov slavyanidagi *goritʻ, gorēti – yonmoq; grējō, grēti, grěнь, grěnilo, požarʻ – olov, alanga*; qadimgi rus tilidagi *греть, гореть* ayni asos bilan bogʻliqdir.

Umumeroniy *g<sup>w</sup>her* yoki *g<sup>w</sup>hormo* oʻzagi asosida oriyda *gharma*, qadimgi hindiyda *gharmá* (muzakkar jinsda) – *quyosh otashi, olov issiqligi, yilning issiq pallasi, kun, toxtar* tilidagi *sarme – issiq* soʻzlari paydo boʻlgan. Shu nuqtayi nazardan, yunon tilidagi *issiq, qaynoq* maʼnosidagi *ῥερμός* soʻzining genezisi ham mantiqan oydinlashadi. Hozirgi kunda yevropa tillari, xususan, nemis tilidagi *warm – iliq, issiq*, ingliz tilidagi *warm – issiq, iliq, iliq oʻlka*, qadimgi pruss tilidagi *gorme – issiqlik*, rus tilida ham keng qoʻllanuvchi *мермос, жар (жара)* soʻzlari ayni qadimgi yunon tili tranzitligi asosida tarqalgan va u umumeroniy *g<sup>w</sup>her* asosida yuzaga kelgan.

“Avesto”da qoʻllangan *garəma* [Соколов, 1964: 246.]– *issiq, qaynoq* soʻzi, qadimgi forsiydagi *garma* [Kent, 1953: 183.] – *issiqlik, alanga* soʻzlari mavjud boʻlib, ular *garma-pada* [Brandenstein, 1964: 120-121.] birikmasi hosil qilinishida ishtirok etgan va bu birikma yilning eng issiq oylari iyun-iyul nomi sifatida *alanga yeri* maʼnosida qoʻllangan. Oʻrta fors tilidagi *garm – issiq, qaynoq*, monaviy matnlardagi *grm – issiq*, klassik fors tilidagi *garm* [Horn, 1893: 203.] –*issiq, qaynoq, iliq*, belujiydagi *garm* [Geiger, 1890: 122.] – *issiq, iliq*, kurdiy, kurmonjiy va soʻrxiydagi *garm* [Цаболов, 2001: 370-371.] –*issiq, qaynoq, qayta tirilgan*, soʻgʻdiyidagi *ym[yarm] – issiq, qaynoq*, xorazmiy tilidagi *ym [ymnd – soʻzi asosi] – issiq, alanga*, xorazmiy tilidagi *cwb yrmncy* [Humbach, 1989: 198.] –*issiq suv* soʻz birikmasida, osetin tilidagi *qərm / yar(m)*

– *issiq, qærmk* – *yonmoq* so‘z birikmasida biz ayni tahlil qilinayotgan *garmni* turli ma’nolarda va turli fonetik qobiqda uchratamiz. Yuqoridagi ushbu tahlillar *garm* umumeroniy asos ekanligi va bugungi kunda barcha eroniy tillarda, qolaversa, barcha yevropa tillarida ma’lum ma’no taraqqiyotini bosib o‘tgan holda, so‘z yoki komponent shaklida, turli fonetik o‘zgarishlarga uchrab yashab kelayotganini ko‘rsatadi.

Ushbu tahlillardan shunday xulosa kelib chiqadi, umumeroniy leksik qatlamga oid birliklar eski o‘zbek adabiy tili davrida juda faol o‘zlashgan va badiiy adabiyotda keng o‘rin egallay boshlagan. Chunonchi, Ogahiy tarixiy asarlari lug‘at qatlamida ham umumeroniy qatlamga oid o‘zlashmalarni ko‘plab uchratish mumkin. Ularni qo‘llashda ijodkor har bir so‘zning ma’no qirralarini nozik his qilgan va ularga tarixiy asarda shu qirralardan kelib chiqqan holda inja ma’no yuklagan. Bunday hollar, albatta, ijodkorning yuksak did hamda o‘ta mukammal iste’dod egasi va hassosligidan darak berishi shubhasiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Bailey H.W. Dictionary of Khotan Saka. Cambridge-London-New York-Melbourne, 1979.
2. Bartholomae Chr. Altiranisches Werterbuch. Strassburg, 1904 (repr.: Berlin-NewYork, 1979).
3. Bartholomae Chr. Vorgeschichte der iranischen Sprachen. — GIPh. Bd. I, Abt. 1. Strassburg. 1895-1901.
4. Benzing J .Chwaresmischer Wortindex (mit einer Einleitung von H.Humbach). Wiesbaden, 1983.
5. Boyce M.A. Word-list of Manichaeen Persian and Parthian. Téhéran-Liège, 1977 (Acta Iranica, sér. 3, vol. 2, Suppl.).
6. Brandenstein W., Mayrhofer M. Handbuch des Altperischen. Wiesbaden, 1964.
7. Geiger W. Etymologie des Balüci. — ABAW. 1890, Bd. 19, Abt. 1.

8. Gershevitch I.A. Grammar of Manichean Sogdian. Oxf., 1954.
9. Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. Tehran, 1995.
10. Henning W.B. A Fragment of Khwarezmian Dictionary. Ed. by D.N. MacKenzie. L., 1971.
11. Henning W.B. Ein manichiisches Bet – und Beichtbuch. — APAW. 1936, №10 (=Henn. SP I, 417-558).
12. Hinz W. Altiranisches Sprachgut den Nebenflberlieferungen. Wiesbaden, 1975.
13. Horn P. Grundriss der neupersischen Etymologie. Strassburg, 1893.
14. Humbach H. Choresmian. — CLI. Wiesbaden, 1989.
15. Kent R. Old Persian (Grammar, Texts, Lexicon). New Haven, 1950 (2<sup>nd</sup> ed., 1953).
16. MacKenzie D.N. A Concise Pahlavi Dictionary. L., 1971.
17. MacKenzie D.N. Khwarezmian Imperfect Stems. — Mélanges linguistiques offerts à Émile Benveniste. P., 1975.
18. MacKenzie D.N. The Khwarezmian Glossary. — BSOAS. III — 1971, vol. 34, pt 3.
19. Mayrhofer M. Etymologisches Wörterbuchdes Altindoarischen. Heidelberg, 1986.
20. Mayrhofer M. Kurzgefaßtes etymologisches Wörterbuchdes Altindischen. Heidelberg, 1953-1975.
21. Morgenstierne G. Report on a Linguistic Mission to Afghanistan. Oslo, 1926.
22. Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. IV jild. Riyozu-d-davla. Nashrga tayyorlovchi A.O‘rozboyev. Toshkent: 2020.
23. Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. Asarlar. V jild. Jome‘u-l-voqeoti sultoniy . Nashrga tayyorlovchi I. Ismoilov. Toshkent: 2021.
24. Nyberg H. A Manual of Pahlavi. Pt 2. Glossar. Wiesbaden, 1974.



25. Pokorny J. Indogermanisches etymologisches Wörterbuch. Bern, 1959.
26. Sims-Williams N. Eastern Middle Iranian (p.165-172), Sogdian (p.173-192), Bactrian (p.230-235). CLI. Wiesbaden, 1989.
27. Szemerényi O. Studies in the Kinship Terminology of the Indo-European Languages, with Special References to Indian, Iranian, Greek and Latin. — Acta Iranica. Troisième série. Text et mémoires. Vol. VII. Varia, 1977. Téhéran-Liège, 1977 (Acta Iranica, 16).
28. Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. I. М. – Л., 1958.
29. Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. II. Л., 1973.
30. Жуковский В.А. Материалы для изучения персидских наречий. Ч. II, вып. 1-2. Пг., 1922.
31. Жуковский В.А. Материалы для изучения персидских наречий. Ч. I. СПб., 1888.
32. Жуковский В.А. Материалы для изучения персидских наречий. Ч. III. Пг., 1922.
33. Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Том I. М. Восточная литература. 2003.
34. Соколов С.Н. Язык Авесты (учебное пособие). Л., 1964.
35. Соколова В.С. Генетические отношения язгулямского языка и шугнанской языковой группы. Л., 1967.
36. Стеблин-Каменский И.М. Историческая фонетика ваханского языка. КД. Л., 1971.
37. Хромов А.Л. Ягнобский язык. — ОИЯ. Новоиранские языки. Восточная группа. М., 1987.
38. Цаболов Р.Л. Этимологический словарь курдского языка. Т. I. (А-М). М., 2001.
39. Этимологический словарь славянских языков. Праславянский лексический фонд. Вып.1 Под ред. О.Н.Трубачева. М., 1974.

شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد 40.  
معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶ . در جلد اول ص. ۱۷۵ .

## **ЎТОВСОЗЛИК ЛЕКСИКАСИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАР**

**Бердиев Хусан Холназарович\***

***Аннотация.** Ўтовсозлик лексикаси, энг аввало, халқнинг яшаш тарзи, атроф-олам, миллий менталитет сингари маънавий томонлар билан бевосита алоқадор. У маданий ҳаёт цивилизациясининг кўпгина ҳодисаларини ўзида акс эттиради. Қундалик турмушдаги эҳтиёжлар ранг-баранг сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ўтовсозлик лексикаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мақолада масаланинг ана шу жиҳатини ёритиб беришга эътибор қаратилган.*

***Калит сўзлар:** ўтов, ўтов турлари, ўтовсозлик лексикаси, этимологик талқин, миллий менталитет.*

Маълумки, Олтой худудларида II асрнинг бошларида юзага келган буюк кўчишлар натижасида кўчманчиликка хосланган (мобиль) рўзгор буюмлари ривожлана бошлаган. Уларни ифодаловчи сўзлар оммалашиб, олтой тилларининг уй ва ўтов жиҳозлари лексикасини шакллантирган [Усмонова, 2011: 42]. Ўтовсозлик лексикаси нафақат бугунги ва ўтмиш туркий адабиёт, балки бошқа халқлар поэтик меросида ҳам сезиларли из қолдиргани илмий манбаларда эътироф этилади [Гумилев, 2007: 81].

Мазкур лексик системага оид бирликлар ва уларнинг урф-одат ҳамда қадриятлар билан алоқаси, туркий халқлар ҳаёт тарзининг ўзига хос жиҳат-лари, табиий, ижтимоий, маънавий илдизларга туташ хусусиятлари кўпроқ этнографик илмий

---

\* Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори; rustam\_berdiyev1996@mail.ru

адабиётларда ёритилганлигини айтиб ўтмоқ жоиз [Кармышева, 1969: 114-142; ва б. ].

Ўтовсозлик бўйича олиб борилган тадқиқотлар масаласида шуни айтиш мумкинки, турли мавзулар доирасидаги ишларда мазкур масалага муносабат билдириб ўтилган.

Албатта, уй-жойлар шаклланишида аҳолининг турмуш тарзи ва минтақанинг хўжалик маданий типлари ҳам сезиларли таъсир ўтказади [Артикбаев, 2005: 181].

Осиёда ўтовнинг икки шакли кенг тарқалган. Қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман сингари туркий халқлар ўтовлари ва мўғул, бурят, қалмиқ халқла-рига тегишли мўғул ўтовлари. Мазкур худудлар аҳолиси тарихий, ижтимоий-сиёсий, лингвомаданий жиҳатдан ўзаро алоқада бўлган минтақада яшайди.

Ўтовсозлик лексикаси, энг аввало, маданий ҳаёт цивилизациясининг кўпгина ҳодисаларини ўзида акс эттиради. Мазкур уй типи материаллари, шунингдек орнамент белгилари ҳам шундан далолат беради. Зеро, кундалик турмушдаги эҳтиёжлар ранг-баранг сўз ва ибораларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ўтовсозлик лексикаси ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Туркий тиллар ўтовсозлик лексикасининг катта қисми умумтуркий асос-да пайдо бўлган. Уларда айрим фонетик фарқлар кузатилади. Тадқиқотларда таъкидланганидек, терминлар қадимги ёзма ёдгорликлар тилида ҳам мавжуд. С.Е.Малов ишларида *бадиз* (тасвир), *бадизчи* (тасвирчи, уста), *қарақу* (чодир, ўтов керагаси), *кумуш*, *алтун*, *отаг* кабилар қайд этилади [Малов, 1951: 405]. Ш.Алланиязованинг ишида кўрсатилганидек, туркий тилларда сўз ифодалаётган маъно деярли бир хил, уларда айрим фонетик, семантик ўзига хосликлар кузатилади. Масалан, қорақалпоқча *қара уй* ёки *кийиз уй* ўтов қозоқ тилида *кийиз уй*, туркман тилида *гара ой*, ўзбек тилида *қора уй*, бошқирд тилида *тирмэ*, нўғой тилида *термэ* шаклларида [Алланиязова, 1986: 9-10], шунингдек, қирғиз

тилида *боз уй* тарзида учрайди. Худди шунингдек, ўтов қисмлари номлари ҳам туркий тилларда деярли бир хил. Масалан, қорақалпоқча: *кереге, канат, туңдук, ууык, узик, белбеу, басқур*; қирғизча: *кереге, тундук, уук, узик, босоғо, жабық баиш, тегирич*; туркман тилида *ганат, тэреп, туйнук, ук, узук, йуп*; қозоқ тилида *кереге, қанат, көк, есік, шаңырақ, уык, узик, тундик, белдеу, басқур*; нўғой тилида: *терме ағаш, шағарак, увуқ, белден* (ва б.) [Алланиязова, 1986: 10]. Бундай ҳолат тарихий жараёнда бошқа тилларга ўтган терминлар мисолида ҳам кузатилади. Чунончи, нафақат туркий, балки мўғул тили ўтовсозлик лексикасида ҳам айрим терминлар мавжудки, улар ҳам фонетик фарқлар билан қўлланади: ўзб.: *чанғароқ*, қозк.: *шанырақ*, мўғ.: *цагрыйк* [Кенесбаев, 1977: 34]; қалм.: *шанаран* [Арғынбаев, 1973: 10] каби. Шунингдек, мўғул ўтови номи *гэр* (*кер, гер*) қадимги туркий *keragu* терминига алоқадор бўлиб, *чодир, ўтов* маъноларини ифодалаши манбаларда кўрсатилган [Козин, 1941: 12].

Ўрта Осиё туркий тилларида ўтов шаклидаги уйлар қуйидагича номлар билан юритилади: *ўтов, киіз уй, боз уй, гара уй, ақ уй, қара уй, отау, орда* ва б.

Ўрда этимонининг “хон ўтови”, яъни “подшо саройи” маъноларини билдириши баробарида “мамлакат”, “худуд” кабиларни ҳам англатиши юқо-ридаги фикрларнинг яққол далилидир. Энциклопедик луғатдаги маълумотга кўра, “ЎРДА, ЎРДУ – 1) туркий ва мўғул халқларида ҳукмдор, хон қароргоҳи, қалъа. Истилоҳ ушбу маънода илк бор қадимий Ўрхун Энасой, «Ирқ битиги»да қайд этилган. Қорахоний ҳукмдорлар саройи ёки Кошғар шаҳри Ўрдуканд деб юритилган...” [Ўзбекистон..., 1998: 143]. Олтой тиллари материаллари асосидаги тадқиқотларда ҳам шундай манзара кузатилади. Бурят тилида уй-жой терминларининг лексик-семантик характеристикаси диахроник аспектда тадқиқ этилган ишида А.Эрдинеева ўрда этимологиясини туркий сўз *орут* билан алоқадорликда эканлигини таъкид этган [Эрдинеева, 2005: 16].

ЎТЭЛда: “ЎРДА ‘хукмдорнинг қароргоҳи’... [486].

Ўтов ва ўрда сўзларининг алоқаси қадимий жараёнда куйидаги тарзида шаклланган бўлиши мумкин:

Ўт 1 (олов) + ов 2 (ав) (йиғилмоқ) = ўтов 3 (олов атрофида йиғилмоқ; уюшмоқ); юрт 4 (ўрд-орт+а) (манзилгоҳ, Ватан); ўрда 5 (мазилгоҳ; ҳарбий истехком; қароргоҳ; давлат маркази).

Буни куйидаги лингвистик далиллар ҳам тасдиқлайди:

От – ўт (олов) [I, 78].

Ав // ағ (ов) – I. Ов, шикор; II. Тўр, тузоқ; тўпланмоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ, уймалашмоқ [Қаранг: Каримов, 2009:18-20].

Ўтов (отағ)– чодир, ўтов” [ДЛТ, III, 226].

Юрт – журт – баланд жойларда сақланиб қолган бино излари, девор таги, кўрғон аломати ва бошқалар [ДЛТ, III, 13].

Ўрда – шоҳ турадиган шаҳар; ўрда [ДЛТ, I, 145].

Шу ўринда П.Е.Белоглазовнинг ушбу фикрлари ҳам мавзу эътибори билан характерлидир: “отах (хак.) «шалаш». Отаг - турк., сюг; отак-тур.; отак, - уйг; отав- кум., каз., ног., ккал.; одаг- тув.; оту-як. Эҳтимол, отаг ~ отак,~одах,~одаги ва б. шакли \*от «олов» сўздан олиниб, ўчоқ ва олов семантикасига оид сўзлар билан боғлиқ бўлиши мумкин [Белоглазов, 2014: 43].

Ўрдага яқин шакл ўзбекча ўтовда сақланиб қолган дейиш мумкин.

Юқоридаги фикрни ўрду ва ўрдугоҳ мисолида ҳам билдириш мумкин: “ЎРДУ эск. Қўшин, лашкар... ЎРДУГОҲ Қўшин кўнадиган ёки турадиган жой, лагерь...” [ЎТИЛ, 2008: 163]. Ўрду “Девону луғотит турк”да шундай изоҳланади: “орду – шоҳ турадиган шаҳар; ўрда. Шунинг учун Қашқарни Ордуканд дейдилар, яъни шоҳ турувчи шаҳар демакдир” [Кошғарий, 1960: 145].

Ўзбек тилшунослигида яратилган тадқиқотларда ўтовсозлик терминла-рининг турли жиҳатларига эътибор қаратилган, чунончи, А.Омонтурдиев-нинг докторлик ишида ўтов ва ўтовсимон уйларнинг номланишларидаги ҳар

хилликнинг эвфемистик хусусиятлари [Омонтурдиев, 2009: 139], Ш.Усма-нованинг докторлик тадқиқотида олтой тилларида маиший лексика доирасида айрим терминларнинг структур-этимологик томонлари [Усманова, 2011: 10], Қ.Сапаевнинг номзодлик тадқиқотида қурилиш терминлари сирасида баъзи материалларни ифодаловчи терминлар “Девону луғотит турк”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Бобурнома”даги умуман бинокорлик терминологияси соҳасига тегишли бўлган характерли мисоллар, шунингдек Махмур, Гулҳаний, Турди, Огаҳий, Аваз Ўтар, Завқий, Фурқат, Муқимий сингари шоирлар ижодида учрайдиган сўзлар мисолида [Сапаев, интернет], Б.Тўйчибоевнинг мақоласида *яйлов, қишлоқ, керага* ва *олтин* сўзлари этимологияси, Э.Умаровнинг мақоласида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Муншаот”, “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва Ширин” сингари асарлари, айрим ғазалларида учрайдиган бир неча терминлар таҳлили [Умаров, 2005: 30-31], И.Ҳаққулнинг мақоласида ўтовнинг уйсозлик маданиятининг юксак намунаси сифатидаги ўрни ҳақида [Ҳаққул, 2011: 4], М.Абдиевнинг [Абдиев, 2011: 97-101] мақоласида ўтовсозлик терминлари ва уларни тадқиқ этиш долзарблиги борасида фикрлар билдирилган.

Ўзбек ўтовлари шакли, материаллари, безаклари, буюмлари каби қатор хусусиятларига кўра туркий, умуман олганда эса, катта ҳудудда яшовчи олтой халқлари ўтовларига муштараклик хусусиятига ҳам, ўзига хос жиҳатларга ҳам эга.

Ўтовсозлик лексикаси маданий ҳаёт цивилизациясининг илмий, фалсафий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий ҳодисаларини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан, ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси ҳам, бошқа туркий тилларда бўлгани каби ранг-баранг. Буни бадий, тарихий ва илмий асарлар материаллари ҳам тасдиқлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тилнинг асосий структур-семантик бирлиги бўлган сўз борлиқдаги нарса, предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини номлашга хизмат

килади. Термин эса маълум бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган луғавий бирлик ҳисобланади.

Маълум бўладики, ўтовлар шакли, материаллари, безаклари, буюмлари каби қатор хусусиятларига кўра ўзига хос жиҳатларига ҳам эга. Бу, аввало, яшаш тарзи, халқни ўраб турган флора ва фауна, хўжалик эҳтиёжлари ҳамда миллий менталитет сингари маънавий томонлар билан бевосита алоқадор.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдиев М. Ўзбек тили ўтовсозлик атамалари // ЎТА, 2011. – №6.
2. Артикбаев О.С. Ўзбек-қозок этник-маданий муносабатларида уй-жойлар трансформацияси (Тошкент воҳаси материаллари асосида) // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Тошкент, 2005.
3. Арғынбаев Х.А. Қазақ халқындағы семья мен неке. – Алматы, 1973.
4. Алланиязова Ш. Термины прикладного искусства в каракалпакском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1986.
5. Белоглазов П.Е. Реконструкция первичных корней в хакасском языке. Монография. – Абакан: Хакасское книжное издательство, 2014.
6. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007.
7. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар). – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2009.
8. Кармышева Б.Х. Традиционные формы бытового уклада в конце XIX - начале XX в. // В кин.: Этнографические очерки узбекского сельского населения. – Москва: Наука, 1969; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Ленинград: Наука, 1969;



Кшибеков Д. Кочевое общество. – Алма-Ата: Наука, 1984; Жуковская Н.Л. Категории и символика традиционной культуры монголов. – Москва: Наука, 1988; Маликов А.М. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX - начале XX в. – Самарканд, 2007; Тошаклова Е.М. Традиционные черты народной культуры алтайцев (XIX - начало XX в.). – Новосибирск: Наука, 1978; Викторова Л.Л. Монголы Происхождение народа и истоки культуры. – Москва: Наука, 1980; Султанов Т.И. Кочевые племена приаралья в XV - XVII вв. – Москва: Наука, 1982; Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Ленинград: Наука, 1978; Этнография Каракалпаков. XIX - начало XX века (материалы и исследования). – Тошкент: Фан, 1980 ва б.

9. Кенесбаев С. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. – Алматы, 1977.

10. Козин С.А. Сокровенное сказание. Монгольская хроника 1240 г. – Москва, 1941. – Т. I.

11. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик, I том. – Тошкент: Фан, 1960.

12. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М. – Л., 1951.

13. Омонтурдиев А. Профессионал нутк эвфемикаси (чорвадорлар нутки мисолида): Филол. фан. д-ри ...дисс. – Т., 2009.

14. Сапаев Қ. Строительная терминология узбекского языка. Научная библиография диссертаций и авторефератов disserCat <http://www.dissercat.com/content/stroitelnaya-terminologiya-uzbekskogo-yazyka#ixzz3QZ99OW37>

15. Усманова Ш. Р. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи: Филол. фан. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

16. Умаров Э. Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси //ЎТА, 2005. – №1.

17. Эрдынеева А. Лексико-семантическая характеристика жилищно-поселенческого комплекса бурят: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2005.

18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ў харфи. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Тошкент, 1998.

19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008, V жилд.

20. Ҳаққул И. “Ул қуёш оқ уйдаю мен...” /Ўз АС, 2011, 16-сентябрь.

## ИДИОСТИЛ – МУАЛЛИФНИНГ ОККАЗИОНАЛ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир Тожимаматович\***

***Аннотация.** Мазкур мақолада поэтик синтаксис соҳасининг муаммоли масалаларидан бири ҳисобланган муаллиф идиостилини ўрганиш бўйича назарий қараешлар баён этилган. Ўзбек поэтик синтаксиси доирасида, ўзбек поэтик нутқи тадқиқида муаллиф идиостилини алоҳида категория сифатида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги жаҳон тилшунослиги тажрибаси асосида ёритилган.*

***Калит сўзлар:** лингвопоэтика, лингвостилистика, риторика, поэтик синтаксис, поэтик нутқ, идиостил, идиолект, экспрессивлик, коммуникация, экстралингвистика.*

Нутқ муаллифининг индивидуал услуги масаласи услубшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Тилни услубий меъёрлар асосида таҳлил қилиш ва тасвирлаш услубшуносликнинг марказий муаммолари сифатида ўрганилиш тарихи жаҳон тилшунослигида XVII асрга бориб тақалади. Е.В. Ларченконинг қайд этишича, нутқ муаллифининг индивидуал услуги (идиостили)ни ўрганиш, муаллиф услубига диққат қаратиш дастлаб француз тилшунослигида, риторика масалаларига бағишланган асарларда, пайдо бўлган [Ларченко Е.В. 2016: 5]. Нутқни аниқ воқелик сифатида эмас, балки инсон тафаккури маҳсули сифатида тадқиқ этиш бошланган. Шунинг учун ҳам улар услубни санъат тури эмас, инсоннинг индивидуал хусусияти деб баҳолаганлар. Шундан келиб чиқиб, асар муаллифининг идиостил (жаҳон тилшунослигида ушбу атама

---

\* Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари номзоди; m.abdupattoev@mail.ru

анча оммалашганини эътиборга олиб, биз ҳам ушбу атамадан фойдаланишни лозим топдик)ини унинг рухияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтганлар.

Рус тилшунослигида муаллиф идиостили билан боғлиқ дастлабки изланишлар XX асрнинг 50-60 йилларидан бошланган, идиостил ҳақидаги дастлабки маълумотларни В.В. Виноградовнинг тадқиқотларида – унинг машҳур ёзувчилар услуби масалаларига бағишланган ишларида учратамиз [Виноградов В.В. 1963: 73]. Ижодкорлар идиостилини тадқиқ этиш лингвоэтика масалаларидан бири ҳисобланиб, тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг кесишувида юзага келади. Фақат бу икки фан бир тадқиқот объектини турли томондан текширади. Тилшунослик тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хосликлар, бундай ўзига хосликлар тизимини текширади, лекин муаллиф идиостилини ўрганиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Соф лингвистик таҳлилдан ташқарида турувчи асар композицияси, сюжети, ғояси каби масалалар ҳам борки, улар адабиётшунослик мезонлари асосида ўрганилади. Тилшунослик, шунингдек, адабий меъёрлар, асар муаллифининг бу меъёрларга қай даражада амал қилиши, адабий тил меъёрларининг маълум бир стилистик мақсадларда бузилиши ёки ўзгартирилиши каби бир қатор муаммолар ва ҳозирги адабий тил ва муаллиф идиостилининг ўзаро муносабати масалаларини ҳам ўрганади.

Ўзбек тилшунослигида муаллиф идиостилини ўрганишга қаратилган илк тадқиқот иши сифатида С.Умированинг диссертациясини кўрсатиш мумкин [Умирова С. 2019: 48]. У ўз диссертациясида идиостилни поэтик индивидуаллик атамаси остида тадқиқ этади ва “ ижодкорнинг индивидуал маҳорати сабаб, матнда қўлланилган ҳар бир тил материали поэтик бирликка ва фақат шу ижодкор услубига хос бўлган индивидуал воситага айланиши мумкин. Лингвопоэтик тадқиқотлар умумфилологик тадқиқотларнинг ўзига хос чўққиси ҳисобланади ва унинг учун инсоний туйғуларнинг юксак

ифодаси бўлган тилнинг олий мақомдаги имкониятлари кузатиш объекти сифатида олинади”, деб таъкидлайди. Мазкур масалани ўрганиш ҳозирги тилшунослик учун жуда долзарб эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Диссертация муаллифининг мақсади шоир У.Азимнинг поэтик индвидуаллигини ёритиш бўлгани учун ҳам, идиостил масаласига чуқур кириб бормаган. Бу ходисани У.Азим шеърояти мисолида ёритган. Шундай бўлса-да мазкур диссертация идиостил масаласининг долзарблиги қайд этилган иш сифатида аҳамиятлидир. Идиостил тушунчасининг шаклланиши бир пайтнинг ўзида тил шахси (нутқ эгаси) тушунчасининг шаклланишига олиб келади. “Тил доирасидан ташқарига чиқмасдан, унинг ижодкорига эътибор қаратмай туриб, тилнинг асосий ташувчиси – инсон омили билан ҳисоблашмай тил ва унинг табиати ҳақида аниқ хулосаларга келиб бўлмайди”, - деб ёзади Ш.Балли [Балли Ш. 2001: 27]. У, шунингдек, стилистика – инсоннинг ўзидир, деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам тил шахси ва идиостил тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Тил шахси концепцияси ўзида тилшунослик ва психология фанлари ҳақидаги билим ва тасаввурларни умумлаштиради. Тил шахси назарияси тил ташувчиси ва унинг тил характери ҳақидаги маълумотларни ўрганади. Тил шахсини ўрганиш жараёнида унинг идиостили ва у яшаган ёки яшаётган давр тилининг имкониятлари ойдинлашиб боради, шунинг учун ҳам буюк ижодкорлар ўз даври тилини такрорланмас бирликлар билан бойитиб борадилар. Шунинг учун ҳам ижодкорнинг тил шахси сифатидаги идиостилини ўрганиш муҳимдир. Оддий фуқаро, сиёсий арбоб, раҳбар ёки ижодкор тилини ўрганиш уларнинг тилдан фойдалана олиш ва нутқий имкониятлари ҳақида, уларнинг шахсияти ҳақида маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам замонавий лингвистик тадқиқотларда идиостил тушунчаси кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, идиостил ижодкор, публицист, олим ёки маълум бир тил ташувчилар тилининг нутқий-услубий ўзига

хослиги йиғиндиси бўлиб, у орқали тил шахсининг лингвистик характери реаллашади [Кожина М.Н. 2006: 95]. Идиостил тушунчаси тилшуносликда, бадий асар услуби тадқиқ этилган ишларда, маълум бир ижодкор ёки маълум бир асар услуби масалаларини аниқлаштириш маъносида ҳам қўлланилади.

Поэтик асарларнинг лингвопоэтик таҳлиliga қаратилган тадқиқотларда идиостил ижодкор бадий оламини ёритиш учун хизмат қилувчи лисоний усул ва воситаларнинг мураккаб тизими сифатида таърифланади [Болотнова Н.С. 2004: 37]. Мазкур таъриф ижодкорнинг сўз танлаш ва фикрни баён қилиш услубида фақат ўзигагина хос бўлган ва фақат ўзи амал қиладиган лисоний қонуниятларни ўзига бўйсундиришини кўрсатади. Шунга кўра, идиостил лингвистик атама сифатида индвидуал услуб (стил) бирикмасининг қисқартирилган шакли бўлиб, бирор бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш хусусиятларини ўз ичига олган услубнинг ўзига хос комплекси маъносини ифода этади. Мазкур атама бадий асар таҳлиliga бағишланган илмий ишларда қўлланиб, нутқ муаллифининг бетакрор ва ноёб услуби маъносида ишлатилиб, бошқа муаллифлар услубидан кескин фарқ қилувчи сўз танлаш маҳорати ва фикрни етказиш услуби маъносини ўз ичига олади.

Жаҳон тилшунослигида идиостил атамаси ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб лингвокультурология, лингвопоэтика, лингвостилистика йўналишларида фаол қўлланила бошлади. Шу асосда машхур сўз санъаткорлари – шоир ва ёзувчилар идиостилини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар яратилди. Тилнинг структурал модели доирасида бадий асарлар матнлари таҳлил қилинганда, матн тил қурилишининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритилганда, тилшунос олимлар идиостил атамасини матнга антропоцентрик ёндашувдаги [Костомаров П.И. 2014: 198] “тил шахси” атамасига ўрнида ҳам қўллаганлар.

Ҳозирги замон тилшунослигида тилни тадқиқ этишда икки хил ёндашув: структур-функционал ҳамда антропоцентрик ёндашув оммалашди. Тил материалларини фақат бир ёндашув

асосида ўрганиш билан уларни тўлақонли баҳолаб бўлмайди. Тил шундай бир мураккаб системаки, уни тадқиқ этишда барча тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда, турли аспект мезонлари асосида иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам идиостил ҳақида сўз юритганда, унга бир томонлама баҳо бериш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Поэтик нутқ муаллифи ўз халқи тили ва маданияти вориси сифатида ўз нутқи орқали оламни ўзига хос тазда тасвирлайди – ўз услубини яратади. Анъанавий тилшуносликда нутқнинг ана шу хусусияти тилшунослар эътиборидан четда қолиб келган.

Идиостил атамасига ёндош қўлланувчи идиолект атамаси ҳам борки, мазкур атамаларнинг қўлланилиши ва улар ифода этган тушунчадан келиб чиқиб, мазкур атамалар остида қандай ҳодисалар тушунилиши лозимлиги борасида турли қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар идиостил ва идиолект атамалари бир ҳодисани номловчи икки атама деб ҳисобласалар [Чернышева Т.А. 2010: 30, Мальшева Е.Г. 1997: 22, Леденёва В.В. 2000: 185.], иккинчи бир олимлар гуруҳи идиолектни идиостилга ва адабий тилга зид қўйган ҳолда, уни умумхалқ тили меъёрларини ифодаловчи бирлик сифатида қўллайдилар [Ашимова А.Ф. 2013: 6, Тихоненко О.Д. 2013: 159]. Учинчи бир гуруҳ эса идиолектни идиостилга материал берувчи база (бизнингча, бу ўринда ҳам идиолект дейилганда умумхалқ тили база сифатида эътироф этилган) сифатида талқин қиладилар [Золян С.Т. 1989: 63, Умирова С. 2019: 48]. Бизнингча, учинчи қарашни илгари сурган муаллифларнинг таърифлари уларнинг моҳиятига яқин келади, чунки идиостил юқорида айтиб ўтилганидек идиолектга нисбатан кенг тушунча бўлиб, у маълум бир ижодкорнинг тил воситаларидан ўзига хос фойдаланиши, ўзига хос тизим сифатида нутқ муаллифининг бетакрор ва ноёб услуби маъносида ишлатилиб, бошқа муаллифлар услубидан кескин фарқ қилувчи сўз танлаш маҳорати ва фикрни ўқувчига етказиш услуби демакдир. Идиолект эса идиостилга нисбатан бирмунча тор тушунча

ифода этади ва адабий тилда мавжуд бўлмаган, умумхалк тилида ёки яқка бир муаллиф томонидан қўлланиладиган тил (лексик ёки фразеологик) бирликларига нисбатан ишлатилади. Биз мазкур ишда бу икки атамани худди шу маънода ишлатишни лозим топдик. Тил воситаларини услубий таҳлил этишда уларнинг нутқ ичида маълум бир мақсад учун функционаллашуви, сўз қўллаш меъёрлари, синтактик қурилмаларнинг ўзига хос тарзда шаклланишига эътибор бермай, баён услубига диққат қаратмай туриб, муаллиф идиостилини аниқлаб бўлмайди. Муаллиф идиостилини аниқлаш тилшуносликнинг барча тадқиқот методларидан унумли фойдаланиб, унга турли аспектларда ёндашишни тақозо этади, чунки муаллиф идиостилида она тилининг лингвистик воситалари тизими комплекси тўла акс этади. Шу билан бирга, муаллиф идиостили тилни янги бирлик ва воситалар билан бойиши учун манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги замон тилшунослигида анъанавий структурализм методлари ўзлаштирилган ҳолда, ижодкор тили ва услуби, муаллифнинг бадиий олами, поэтик дунёсини ўзида акс эттирувчи идиостилини тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб турибди. Бунда тилшунослик ва адабиётшунослик мезонларини умумлаштириш асосида тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилади. Мазкур фанлар стратегиясида ҳар иккиси учун ҳам тадқиқот объекти бўлган бадиий асар тадқиқи ётади. Тилшунослик учун асарнинг тил бирликлари таҳлили, адабиётшунослик учун эса бадиий-эстетик тадқиқи муҳимдир [Степанов Г.В. 1988: 382]. Мазкур факт фанлар интерпретациясида бир хил ва мос келувчи ҳамда бир-бирини тўлдирувчи мезонларни ҳам белгилайди. Муаллиф идиостили масаласига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Муаллиф идиостилини аниқлашда тилшуносликда коммуникатив бирликларнинг қўлланиши, тил ва услуб масалаларига эътибор қаратилса, адабиётшуносликда жанрий-услубий ва бадиий-эстетик масалалар ўрганилиши лозим.



Тилшуносликда муаллиф томонидан тил бирликларининг қўлланишидаги ўзига хослик таҳлил қилинади. Муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати грамматик, парадигматик, семантик-синтактик ва ассоциатив муносабатлар доирасида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Айрим ижодкорлар асарларида ноадабий бирликларнинг қўлланиши шуни тақозо этади. Масалан: ёзувчи Тоғай Мурод асарларида диалектизмларнинг кўп қўлланиши услубий ўзига хослик ҳисобланади. Шунингдек, идиостилнинг ўзига хослиги ва такрорланмаслиги когнитив тадқиқотлар доирасида яққол кўзга ташланади. Муаллиф тилининг бу жиҳатдан таҳлил қилиниши объектив оламнинг муаллиф томонидан тасвирланган мазмуний майдонини аниқлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, идиостилни аниқлашда нутқ муаллифининг коммуникатив эҳтиёжини қондириш жараёнида, сўзловчи сифатида коммуникатив нутқий вазиятдан келиб чиқиб, фикр ва туйғуларини ифода эта олиш даражаси лингвистик мезонлар асосида таҳлил этилади. Муаллиф тилининг ўзига хослиги борлиқни қандай тасаввур этиши ва тил воситалари ёрдамида уни тасвирлай олиш даражасида ҳам кўзга ташланади. Идиостилнинг ўрганилишида муаллиф томонидан яратилган бадиий матнлар таҳлили мантиқан ўзини оқлайди. Бу жараёнда муаллиф томонидан ишлатилган лексик бирликларгина эмас, муаллиф фикрини иерархик тарзда ривожлантирувчи синтактик қурилмалар – сўз бирикмалари, гаплар, уларнинг турлари (содда, қўшма, мураккаб гаплар) суперсинтактик бутунликлар ва уларнинг шаклланиш жараёни тадқиқ этилади. Муаллифнинг синтактик қурилмаларни тузишдаги ўзига хослиги, синтактик қонуниятларга қай даражада амал қилиши ёки мазкур қонуниятлар талабларидан (маълум бир стилистик мақсадда) четга чиқиш ҳолатлари кўриб чиқилади. Идиостил тадқиқида, энг аввало, муаллифнинг бадиий асар матнини яратишда умумий қонуният ва тамойилларга амал қилмаслик, грамматик қонуниятлардан

четлашиш, ўз фалсафий қарашлари баёнида “ғайритабiiй” усул ва воситалардан фойдаланиш даражаси диққат марказида туради. Лекин бу ижодкорлар доимо грамматик қонуниятларни четлаб ўтиб асар яратадилар, дегани эмас. Муаллиф доимо маълум бир тилнинг эгаси сифатида шу тилга хос бўлган қонунларга доимо амал қилади. Фақат баён услуби ва сўз қўллашда ўзига хосликлар кузатилади. Айрим ҳолларда маълум бир персонаж нутқининг ўзига хослигини кўрсатишда ёки унинг характери тасвирлашда ҳаддан ортиқ чекинишлар бўлиши мумкин. Идиостил асарда барча тил сатҳларига оид бирлик воситаларнинг қандай усулда қўлланилишини белгилайди. Шунга кўра, муаллиф идиостилини белгиловчи воситаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

**1. Стилистик воситалар.** Бу воситаларга , асосан, троплар киритилади. Троплар янги ва янги маъноларда қўлланиб, ўқувчи томонидан фикрни образли қабул қилинишига ёрдам беради.

**2. Фонетик-интонацион воситалар.** Бу гуруҳ метатеза, аллитерация, фонетик градация каби товуш ўзгаришлари ва товуш товланишлари билан боғлиқ воситаларни ўз ичига олади

**3. График воситалар.** Бу турдаги воситаларга асар матнида кенг қўлланилиб, сўзловчининг гапириш темпи, интонацияси, тугилиши, дудукланиши ва нутқида акс этувчи бошқа нуқсонларини ифода этиш мақсадида тиниш белгиларини меъёридан ортиқ ишлатилиши киради.. Катта ҳарфлар билан ёзиш, сўзнинг тагига чизиш, сўзни бўғинлаб ёзиш каби ҳолатлар ҳам муаллифнинг график идиостилини кўрсатиб туради.

**4. Лексик-семантик воситалар.** Бу гуруҳга каламбур, оксюморон, муаллиф томонидан яратилган окказионал сўзлар ва бошқа шу каби нутқда сўз ўйини ҳосил қиладиган бирликлар киради. Бундан ташқари мазкур гуруҳга архаизмлар, варваризмлар, экзотизмлар ҳам киритилади.

**5. Лексик-синтактик воситалар.** Бу воситаларга номинатив, тўлиқсиз ва сўз-гапларнинг меъёридан кўп қўлланиши. Гап қурилишининг атайлаб синтактик коидалардан ташқарига чиқиши, тема-рема муносабатининг бузилиши кабилар киради. Рус тилшуноси Е.В.Кловак идиостилнинг асосий белгиларини лисоний, экстралингвистик, стилистик сатҳлар доирасида қуйидагича тасниф қилади [Кловак Е.В. 2015: 19]:

**1. Лисоний сатҳда:**

- а) лексик бирликлар;
- б) сўз ясалишининг ўзига хослиги (окказионал сўз ясалиши);
- в) синтактик бутунликлар доирасида.

**2. Экстралингвистик сатҳда:**

- а) паралингвистик воситалар;
  - муаллиф томонидан ўзига хос тарзда қўлланган тиниш белгилари ва бошқа график воситалар;
  - ритм (поэтик асарларда).
- б) композицион воситалар;
  - нутқда макон ва замон бирлигининг ифодаланиши;
  - муаллифнинг модалъ муносабатлари.

**3. Стилистик сатҳда:**

- а) қайта номловчи воситалар (троплар);
- б) синтактик стилистик воситалар.

Кўринадики, идиостилни аниқлашда муаллифнинг тил сатҳлари бирликларининг қўлланишини асос қилиб олиш кенг ва атрофлича хулосаларга келишимиз учун хизмат қилади.

Тилшуносликда кейинги йилларда олиб борилаётган тадқиқотлар тилнинг структурал тадқиқидан инсоннинг тилдан фойдаланиш имкониятлари, унинг ўз ички дунёсини тил воситасида ифодалай олиши масалаларига қаратилмоқда. Муаллиф идиостилини ўрганиш ҳам шу йўлда олиб борилаётган

тадқиқотлар доирасига киради. Муаллиф идиостилини ўрганиш тилга антропоцентрик ёндашув маҳсули бўлиб, уни ўрганиш ижодкорлар тили ва услубини, она тилимизнинг бой ифода имкониятларини ўрганиш демакдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ларченко Е.В. Индивидуальный стиль и жанровые признаки: на материале творчества Жака Шарпантро. Автореф... дисс...канд...фил...наук. – Смоленск: 2016. – С. 34.

2. Виноградов В. В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: 1963. – С. 320.

3. Умирова С. Ўзбек шеърятда лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърятда мисолида): Фил. фанл. б.фал.док. ((PhD) дисс. автореф. – Самарқанд: 2019. – Б. 48.

4. Балли Ш. Французская стилистика. 2-е изд., стереотипное. — М.: Эдиториал УРСС, 2001. — С. 392 — ISBN 5-8360-0407-2.

5. Стилистический энциклопедический словарь русского языка. Под ред. Кожиной М. Н., 2-е изд., испр. И доп. - М., 2006. С.95-96.

6. Болотнова Н.С. Изучение идиостиля в современной коммуникативной стилистике художественного средства. М.: 2004. – С. 137.

7. Костомаров П. И. Антропоцентризм как важнейший признак современной лингвистики. / П. И. Костомаров. – Вестник Кемеровского государственного университета. Т1. №2 (58), 2014. – С. 198-203.

8. Чернышева Т.А. Идиостиль: лингвистические контуры изучения/ Вестник Череповецкого государственного университета, №1, 2010. – С. 30-34.

9. Малышева Е. Г. Идиостиль Владислава Ходасевича(опыт когнитивно-языкового анализа). Автореф... дисс... канд... фил наук: – Омск: 1997. – С. 22.

10. Леденёва В. В. Особенности идиолекта . – М.: Изд-во Моск. пед. ун-та 2000. – С. 185.

11. Ашимова А. Ф. / Идиостиль как проявление языковой личности автора на примере романа«Доктор Живаго» / Вестник Минского университета, №3, 2013. – С. 6-10.

12. Тихоненко О. Д. Категории «идиолект», «идиостиль», «языковая личность» и методики их лингвистического описания в контексте изучения языка художественной литературы/ Вестник КРСУ. 2013. Т. 13, №9, – С. 159-164.

13.Золян С.Т. Отописания идиолекта –к грамматике идиостиля.Вкн.: Язык русской поэзии XXв. Сб.научных трудов. – М.:1989. – С. 63-69.

14.Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – Москва: Наука, 1988. – С 382.

15. Кловак Е.В. Типичные авторские модели как реализация универсального и индивидуального в идиостиле. Автореф... дисс... канд... фил наук. – Тверь: 2015. – С. 28.

## **O‘ZBEK TILINING MORFOLOGIK SATHIDA “SHAXS” KONSEPTINING ANTROPOTSENTRIK (ASSOTSIATIV) VOQELANISHI**

**Yigitaliyev Umidjon\***

*Annotatsiya. Maqolada o‘zbek tilining morfologik vositalari orqali “shaxs” konseptining antropotsentrik (assotsiativ) paradigma aspektida ifodalanishi tahlilga tortilgan.*

*Tayanch so‘zlar: morfologiya, morfologik sath, morfologik vosita, shaxs konsepti, grammatik konsept, antropotsentrik paradigma, assotsiativ ifoda.*

Jahon kognitiv lingvistikasi tajribasidan ma’lumki, konseptning assotsiativ tarzda verballashuv jarayoni, uning tabiati, harakatga keltiruvchi mexanizmlari turli tillarda o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘ladi.

Sh.Safarovning fikricha, “kognitiv tilshunoslik uchun eng muhim vazifa tafakkur birligi bo‘lgan kontseptning tilda (aniqrog‘i, nutqda) aks etishini ta’minlovchi strukturalar, harakatlar, qoidalarni aniqlashdir” [Safarov,2006:27]. Kontseptning lisoniy voqelanishini ta’minlovchi bunday tuzilmalar lingvokognitologiyada *freym, skript, stsenariy, propozitsiya, vaziyat modeli, obraz, sxema, ramz, shakl* [Popova Z., Sternin I., 2007:16] kabi nomlar ostida o‘rganib kelinmoqda. Bu birliklar ichida shakl, aniqrog‘i, grammatik shakl mental jarayonlarni hosil qilishda muhim rol o‘ynaydi va kontseptual funksiyani bajaradi.

Tashqi olam va undagi voqea-hodisalarning tilda voqelanishida grammatik birliklarning o‘rni alohida. O‘zbek tilida “shaxs” konseptining assotsiativ tarzda voqelanishida grammatik vositalar ham muhim ahamiyatga ega.

---

\* Qo‘qon davlat pedagogika instituti dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori; umidjon-7474@mail.ru

Ma'lumki, kontsept so'z ma'nosidan-da, ko'proq mazmuniy strukturaga ega bo'lganligi bois, grammatik vositalarda u qadar to'liq voqelanmaydi. Biroq “shaxs” kontseptining assotsiativ voqelanishida ayrim grammatik vositalar leksik birliklar kabi mavqega ega bo'ladi.

Kognitiv tilshunoslikda *grammatik kontsept* tushunchasi ham mavjud. Uning tavsifi R.Langaker, J.Taylor, N.Boldirev, A.Sodiqovlarning ilmiy asarlarida uchraydi. R.Langaker va J.Taylor ensiklopedik bilimlarning lisoniy ifodalanishi kognitiv-grammatik maydon (cognitive-grammar domain) orqali yuzaga chiqishini ta'kidlashgan bo'lsa, [Langaker,1987: 147; Taylor,2002: 621]. N.Boldirev kontseptning kontekst orqali ifodalanishida grammatik shakllarning ham o'rni mavjudligi haqida xulosani beradi [Boldirev,2005: 18].

Grammatik tizim birliklarida kontseptning ifodalanishi morfologik va sintaktik sathlarda yuzaga chiqadi. Anglashiladiki, kontseptning, aniqrog'i, “shaxs” kontseptining assotsiativ-verbal ifodalanishi yoki mazkur sathlarda moddiylashuvi o'ziga xos tabiatga ega. Mazkur ilmiy axborotda biz morfologik sathda “shaxs” kontseptining assotsiativ tarzda verballashuvi va u bilan assotsiativ bog'lanuvchi shaxs otlari va ismi foillar, ayrim undov va taqlid so'zlar hamda shaxs ma'nosini hosil qiluvchi grammatik shakllarning imkoniyatlarini tahlil qilamiz.

Morfologik sathda “shaxs” konsepti bilan assotsiativ bog'lanuvchi birliklar ichida *shaxs otlari* va *ismi foillar* muhim o'rin tutadi. Hozirgi o'zbek tilshunosligida *ismi foil* sifatida [fe'l+ -(u)vchi = fe'l anglatgan harakatni bajaruvchi], [ot+-chi = ot anglatgan harakatni bajaruvchi], [ot+fe'l+ -ar = ot (keng ma'noda) anglatgan narsa-buyum ustida fe'l anglatgan harakatni bajaruvchi] qoliplarining nutqiy hosilalari tushuniladi [Saloyev,1994: 3].

R.Saloyevning dissertatsion ishida *shaxs otlari* bilan *ismi foillar* tushunchasi bir grammatik aspektda turishi ta'kidlanadi [Saloyev,1994: 8]. Bizningcha, bular bir-biridan

farqlanadi. Ma’lumki, shaxs otlari **shaxs**ni atab, uning ma’lum bir belgi-xususiyatlariga ishora etuvchi birliklardir [Tojiev, 1987:74].

Obyektiv borliqda hamma narsa serqirra, ko‘ptomonli bo‘lganligi uchun shaxs otlari ham shaxsni qaysi jihatdan tavsiflashiga ko‘ra ichki guruhlarga bo‘linadi. Shaxs otlarining ichki guruhlari tub so‘zlar ham (*ota, qassob, askar*), yasama so‘zlar ham (*uchuvchi, etikdo‘z, suvchi*) mavjud. Tub va yasama shaxs otlari bir paradigmani hosil qila olmaydi. Tub so‘zlar til birligi bo‘lib, ongimizda yaxlit holda mavjud bo‘ladi. Yasama so‘zlar esa maxsus qoliplar asosida hosil bo‘lib, bo‘linuvchan xarakterdagi nutq birligidir. Shuning uchun ularning ma’nolari matnda (kontekstda) aniqlanadi. Chunonchi, *oqlovchi* – advokat, kasb oti; *oqlovchi* – devor oqlovchi, ma’lum bir ish-harakatni bajaruvchi. Yoki *chaqimchi* va *chaquvchi* so‘zlarini olib ko‘raylik.

*Chaqimchi* shaxs oti o‘zbek tilining alohida lug‘aviy birligi sifatida xususiy, ixtisoslashgan ma’noga ega bo‘lib, lug‘atda o‘rin olgan. *Chaquvchi* shaxs oti esa ixtisoslashmagan, xususiylashmagan, muayyan leksik ma’noga ega emas, uning ma’nosi so‘z yasash qolipi yuzasidan kelib chiqadi va nutqda oydinlashadi. Tom ma’nodagi yasamalilik *chaqimchi* shaxs otida emas, *chaquvchi* otida mavjud. Chunki bu shaxs oti quyidagi til qolipi asosida yasaladi: [fe’l+ - (u)vchi = fe’l anglatgan harakatni bajaruvchi]. Bu qolip mohiyatan so‘z yasashdir, ya’ni, qolipning chap tomonidagi lug‘aviy ma’no (ish-harkat, holat) va qolipning o‘ng tomonidagi lug‘aviy ma’no shaxs nomi bir-biridan farq qiladi. Qo‘shimcha qo‘shish asosida lug‘aviy ma’noning o‘zgarishi esa so‘z yasash sistemasiga aloqador bo‘ladi [Saloyev,1994: 9].

Mazkur jarayonda *shaxs otlari* va *ismi foillarning* “shaxs” konsepti bilan assotsiativ bog‘lanishida farq kuzatilmaydi. Garchi *shaxs otlari* ma’lum bir qolip asosida hosil qilinmaydigan, yasama bo‘lmagan, shaxsni biron bir belgi-xususiyatiga ko‘ra atab keladigan tub yoki tublashgan so‘zlar [Tojiyev,1987: 74], *ismi foillar* esa ma’lum bir qolip hosilasi bo‘lgan, mohiyatan forma yasashga yaqinlashadigan, ammo so‘z yasovchi asosning barcha ma’no va



vazifalari, sintaktik qobiliyati to‘liq saqlanadigan nutqiy hosilalar bo‘lsa-da, har ikkisi “shaxs” konsepti bilan assotsiativ bog‘lana oladi. Qiyoslang: *odam – chaqimchi, odam – chaquvchi*.

Ismi foillar borasidagi o‘zbek tilshunosligida yaratilgan dastlabki ilmiy asar XX asrning 80- yillaridayoq prof. H.Ne‘matov tomonidan ilmiy jamoatchilikka e‘lon qilingan edi [Ne‘matov, 1988: 6-12]. Mazkur maqolada ismi foillarning shaxs otlariga o‘tishi muammosi o‘rtaga tashlanadi.

Ilmiy adabiyotlarda til va nutq birliklarining o‘zaro mazmuniy aloqalarida keskin ziddiyat mavjud. Bu ziddiyat shundan iboratki, til birliklari ma‘lum bir shakl bilan uzviy birikkan aniq va yaxlit ma‘noga ega bo‘ladi. Nutqiy hosilalarning ma‘nolari esa bo‘linuvchan, noaniq bo‘lib, hamisha ma‘lum bir matn (nutq sharoiti)da oydinlashadi. Tilning muhim ijtimoiy vazifalaridan biri atash, nomlash (nominativlik)ni amalga oshirishdir. Bu vazifani bajarish uchun til yaxlit shakl va yaxlit mazmunga ega bo‘lgan birliklarga molik bo‘lishga intiladi. Shu sababli, shaklan va mazmunan bo‘linuvchan nutqiy hosilalar, chunonchi, ismi foillar ham atash vazifasini bajaruvi yaxlit til birliklariga o‘tishga harkat qiladi. Ma‘nolari o‘ta keng va noaniq bo‘lgan ismi foillarda ham ma‘no torayishi sodir bo‘lib. Ismi foilda aniq bir ma‘noning qotib qolishi, ismi foillarning qator ma‘nolaridan bittasida ixtisoslashib qolishini ko‘rish mumkin [Ne‘matov, 1988: 6-12].

O‘zbek tilida ayrim morfologik hodisalar, jumladan, undov va taqlid so‘zlar orqali ham “shaxs” konsepti voqelanadi. Xususan, *hoy, allo, ey, uf, qoyil, ofarin, balli, tasanno* kabi undov so‘zlar, *qult-qult, qah-qah, shivir-shivir, g‘o‘ng‘ir-g‘o‘ng‘ir* taqlidiy so‘zlarining grammatik ma‘nosi orqali til egalari lisoniy xotirasida assotsiativ tarzda “shaxs” konsepti tiklanadi. Boshqacha aytganda, ushbu morfologik birliklar inson xotirasida “shaxs” konsepti bilan assotsiativ bog‘lanishni hosil qiladi.

Aytish mumkinki, insonning emotsional holati bilan bog‘langan barcha undov so‘zlar bevosita “shaxs” kontseptini yodga soladi. SHu bois *allo* undov so‘zi yoki *uf* his-hayajon undovini

eshitar ekanmiz, bevosita muayyan holatdagi inson ko‘z oldimizda gavdalanadi. SHuningdek, *hoy*, *o‘v*, *ey* kabi insonga qarata aytiluvchi buyruq-xitob undovlari ham, garchi undov so‘z qaratilgan inson bir zum ko‘zdan uzoqlashgan bo‘lsa-da, assotsiativ tarzda “shaxs” kontsepti bilan bog‘lanadi. Bu holat insonning his-hayajoni yoki unga qaratilgan buyruq-xitob bildiruvchi barcha turdagi undov so‘zlar orqali assotsiativ tarzda “shaxs” kontseptining xotirada tiklanishini ko‘rsatadi. Quyidagi misolga e‘tibor qaratamiz: – *Hoy, hoy, nima deyapsan, jinni? – deb so‘rab qoldi.* (G.G‘ulom. “SHum bola”).

Ushbu gapda *hoy* undov so‘zining bevosita odamga nisbatan murojaatni ifodalashda qo‘llanganligi u orqali “shaxs” kontseptining assotsiativ tarzda verballashuviga xizmat qilgan. Boshqacha aytganda, *hoy* undov so‘zi “shaxs” kontsepti bilan assotsiativ aloqaga kirishadi.

Xuddi shunday, insonning tovushi, tashqi holati (obrazi) bilan bog‘liq holda hosil qilingan taqlid so‘zlar ham “shaxs” kontsepti bilan assotsiativ aloqaga kirishadi. Masalan:

*Ayvon tarafdin shivir-shivir eshitaman. Shivir-shivirda meni otim-da bo‘ladi* (T.Murod. “Otamdan qolgan dalalar”).

Ushbu misolda qo‘llangan *shivir-shivir* taqlid so‘zi assotsiativ tarzda “shaxs” kontsepti bilan bog‘lanadi. Bu so‘zni eshitgan til egalari xotirasida beixtiyor *odam* leksemasi tiklanadi. Bu holat *shivir-shivir* taqlid so‘zining *shaxs* leksemasi bilan assotsiativ bog‘lanishini ko‘rsatadi.

Bu o‘rinda shuni aytish lozimki, inson tovushi yoki holatiga nisbatan hosil qilingan taqlid so‘zlargina “shaxs” kontsepti bilan bevosita assotsiativ bog‘lana oladi. Masalan, nutqda *lov-lov* taqlid so‘zi insonga nisbatan ham, atlas yoki biror boshqa matoga nisbatan ham ishlatiladi. Bu taqlid so‘z insonga nisbatan qo‘llanganda “shaxs” kontsepti bilan assotsiativ aloqaga kirishadi. “*Yuzlarim lov-lov yonadi...*” (T.Murod. “Otamdan qolgan dalalar”) gapida qo‘llangan *lov-lov* taqlid so‘zi inson yuziga nisbatan ishlatilgani bois xotirada

“shaxs” konseptini tiklaydi. Ammo “Atlas ko‘ylak lov-lov yonadi” gapida qo‘llangan taqlid so‘zda bu xususiyat kuzatilmaydi.

Morfologik sathda ayrim grammatik shakllarning ham “shaxs” konsepti bilan assotsiativ bog‘lanishining turli ko‘rinishlarini ham kuzatish mumkin. Biroq bu alohida tadqiqotni talab etadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Болдырев Н.Н. Категории как форма репрезентации знаний в языке // Концептуальное пространство языка: Сбор. Науч. Тр. Тамбов: Изд-во ТГУ им Г.Р. Державина, 2005. – С. 16-39.
2. Болдырев Н.Н. Категориальная система языка / Категоризация мира в языке / Когнитивные исследования языка X –Москва-Тамбов, 2012. –С.21
3. Langacker R.W. Foundations of Cognitive Grammar. Theoretical Prerequisites. –Standford: University Press, 1987. –Vol1. – P.147.
4. Ne‘matov H.G‘. So‘z, uning til va nutqdagi o‘rni// O‘zbek tili va adabiyoti, 1988. №4. – B. 6-12.
5. Попова З. Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – Москва: АСТ: Восток-Запад, 2007. – С.16.
6. Saloyev R.B. O‘zbek tilida ismi foillar: Fil. fanl. nomz. ...diss. avtoreferati. – Samarqand,1994. – B.3.
7. Safarov Sh.Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax: Sangzor, 2006. – B.27.
8. Sodiqov A.S., Irisqulov M.T., Qo‘ldoshev A.M. Kognitiv grammatikaning tilshunoslikdagi o‘rni// Filologiya masalalari. – Toshkent, 2011. –№2. –B. 17-23.
9. Taylor J. R. Gognitive Grammar. – New York: Oxford University Press, 2002. – 621 p.
10. Tojiyev Y. O‘zbek tilida shaxs otlari yasovchi affikslar sinonimiyasi. – Toshkent: Fan, 1987. – B. 74.

## **ДИАЛОГИК САВОЛ-ЖАВОБЛАРДА ПРОПОЗИТИВ МАЗМУН ВА ПРАГМАТИК МАЪНО МАСАЛАСИ**

**Каримова Ферузахон Сайфуддиновна\***

***Аннотация:** Мақола диалогик савол-жавоблардаги прагматик маънони тадқиқ этишига бағишланган бўлиб, унда нега ва нима типли диалогик бирликлар таҳлилга тортилган.*

***Калит сўзлар:** Мулоқот, диалог, пропозитив маъно, прагматик маъно, прессупозиция.*

Сўнги йилларда тилшуносликда нутқий мулоқот жараёни ва диалогик дискурс мавзусига доир ишларнинг салмоғи анча ортган. Бу жараён, албатта, тилдаги прагматик соҳага бўлган қизиқиш билан изоҳланади. Ўзбек тилшунослигида дастлаб бу соҳадаги назарий ишларнинг пайдо бўлиши А.Нурмонов ва Н.Маҳмудов номлари билан боғлиқ. Муаллифларнинг мазмуний синтаксисга бағишланган ишларида “ташқи сигналлар” номи билан яширин маънога ишора қилувчи ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумотлар берилганлиги кўпчилик тилшуносларга маълум. [Нурмонов, 1992:115]. Тилшуносликнинг прагматика соҳасига эътибор ортиши билан бир қатор тилшунослар, жумладан, М.Ҳақимов, Д.Лутфуллаева, У.Раҳимов, А.Пардаев кабиларнинг илмий ишларида шу соҳанинг яширин маъно – прессупозиция ва тағмаъно масалаларига бир неча бор эътибор қаратганини гувоҳи бўламиз. [Нурмонов, Ҳақимов, 2001: 54-57; Раҳимов, 2005:29-33; Лутфуллаева, 2001:42-45; Пардаев, 2012:116]. Мазкур олимларнинг ишларида кўмакчи, боғловчи, юқламалар прессупозицияси ҳамда истак ва сўроқ ифодаловчи синтактик

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори; sayfuddinovna26@mail.ru

қолиплар прессупозицияси ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга мантикий(логик) прессупозиция ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади.

Д.Лутфуллаеванинг шу мавзуга оид тадқиқотларида бир неча синтактик қолиплар орқали ифодаланган яширин маъно ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Жумладан, сўроқни ифодаловчи синтактик қолиплар таркибида *қандай.., қайда.., қачон..қани.., қанақа.., қаердан.., нимаси..,кимда..* каби сўроқ олмошлари билан бошланувчи синтактик қолиплар мавжуд. [Лутфуллаева, 2001:42-45]. Ўзбек тилшунослигида айнан **нима?** ва **нега?** сўроқ типли диалогик бирликлар табиати алоҳида ҳолда ўрганилмаган. Диалогик нутқ, диалогик бирлик, диалогик савол-жавоб (стимул-реакция)ларнинг мазмуний, прагматик ва психолингвистик жиҳатдан ўрганилиши ҳали у қадар маромида эмас. Ўзбек тилшунослигида синтактик планда ўрганилган ишлар қаторида айрим мазмуний ва социопрагматик йўналишдаги ишларни келтириш мумкин, холос. [Ўринбоев, 1974; Бобоева, 1978; Лафасов, 1996; Раупова, 2012; Тоирова, 2017].

Биз қуйида *нега* ва *нима* компонентли савол билдирувчи сўзлар иштирок этган диалогик бирликлардаги прагматик маъно ҳақида тўхталмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек тилида сўроқ гаплар оддий (аниқлаштирувчи) типдаги сўроқ гаплар ва риторик турдаги сўроқ гапларга бўлинади. Риторик сўроқ гапларга жавоб берилиши шарт бўлмайди ва шу билан бирга жавобни гап пропозицияси чегарасидан четга чиқмасдан туриб топиш керак бўлади. Шу билан бирга турли тилларда риторик сўроқ гаплар мақоми турлича бўлиши ўша халқнинг миллий қадриятлари билан характерланади. Чунки “тил - у ёки бу маданиятнинг ифодачиси”дир. [Нурмонов, 2013:10-19]. Ўзбек халқи учун *Нонни ким қадрламайди?* гапи риторик характер касб этса, бошқа халқлар учун аниқлаштирувчи характердаги оддий сўроқ гапи ҳисобланиши мумкин. [Маҳмудов, 1986:30]. Сўроқ гапли

диалогик бирликлар мавзусида Н.Д.Арутюнованинг тадқиқотларида *нега* типли диалогик репликалар масаласига эътибор қаратилган, шу билан бирга диалогик иқтибос (цитация) ҳақида, аниқроғи “ўзгачан қарз олинган жумла”лар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. [Арутюнова, 1970:44-58; Арутюнова1986:50-64.]. Е.В.Падучева диалогик савол-жавобларнинг мазмуний тузилишига бағишланган ишида савол-жавоб репликаларни мазмуний тузилиши ва уларнинг мутаносиблигига кўра бир неча гуруҳларга бирлаштиради. [Падучева, 1985:234-240.]. Улар қуйидагилар: 1) тўғри ва нотўғри жавоблар; 2) тўлиқ ва нотўлиқ жавоблар; 3) савол фокусига жавоб берувчи жавоблар; 4) савол фокусига жавоб бермайдиган жавоблар; 5) саволнинг бошланғич тахминига риоя қиладиган жавоблар; 6) саволнинг бошланғич тахминига риоя қилмайдиган жавоблар. Олима саволнинг мазмуний гуруҳларини эса *умумий, альтернатив ва махсус* гуруҳларга бўлиб ўрганишни тавсия қилади.

Демоқчимизки, сўроқ гапларнинг мазмуний турлари хилма-хил бўлиши мумкин. Бунга мисол тариқасида диалогик бирликлардаги *нега* компонентли савол-жавоб диалогларига мурожаат қиламиз. Бундай компонентли диалогик бирликларда доимо соф сўроқ мазмуни ифодаланмайди. Уларда асосан 2 хил мазмун берилади: 1) *нега* сўроқ сўзи борлиқдаги нарса ва ҳодисани сабаби ёки нега юз берганини аниқлаш (коммуникатив вазифа) вазифасини бажариш; 2) *нега* сўроғи тингловчидан жавоб кутмай, сўзловчининг бошқа субъектив - прагматик ниятини амалга ошириш учун хизмат қилиш. Бундай диалогик бирликлардаги *нега* савол шакли ўзининг мазмуний қобиғидан анча узоқлашади ва субъектив муносабатларни ифодалашни биринчи ўринга қўяди. Биз ана шундай 2-турдаги *нега* сўроқ гапли диалогик бирликларга мурожаат қиламиз. Шу билан бирга *нега* сўроқ сўзли диалогик бирликлардаги тасдиқ мазмуни орқали инкор, инкор мазмуни орқали тасдиқ пресупозициясини

ифодаланишини ҳам куйидаги мисолларда кузатишимиз мумкин.

**1. Инкор маъноси.** - *Хатга аччигингиз келгани йўқми? – деб сўради Султонхон.*

- *Йўқ, нега? (Аччигим келмади) (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).*

**2. Буйрук маъноси.** - *Сизлар-чи, сизлар нега ҳайдамадинлар? (Ҳайдашларинг керак эди) (Ҳ.Султон. Бир дам кўзингни юм).*

**3. Ранжитиш маъноси.** - *Аммо менга жой бўлиши керак, - деди меҳмон пинагини бузмай. Маъмура энди чимирилди. (Бошқаларга бўлмаса ҳам)*

- *Нега бронингиз борми? Инвалидмисиз? Ё депутатмисиз? Балки қаҳрамондирсиз? (Билет бермаслик, хафа қилиш, шахсиятга тегиш)*

- *Йўғ-у, -дея кулимсиради меҳмон. (Ҳ.Султон. Ажойиб кунларнинг бирида)*

**4. Тинчлантириш маъноси.** - *Э, янаги гал бўладими, йўқми.. –деб қўл силтади Тўпори. – Сизга бир кўрсатай деб эдим.*

- *Нега бунча куюнасиз, (куюнманг) раис ука, айтдим-ку, янаги гал келганда кўрармиз. (М.М.Дўст. Лолазор).*

**5. Тасдиқ маъноси.** - *Минг сўм?! Ростми?*

- *Нега ёлгон бўлсин? Минг сўмлик чек бердим. (Ёлгонмас, рост) (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).*

**6. Буйрук, мажбурлаш маъноси.** - *Ҳамма гап шунда-да, хумпар! Нега йўталмаяпсан?! (Йўтал!)*

- *Нега йўталишим керак? (Йўталмайман) (Ў.Ҳошимов. “Кўкйўтал”).*

Мазкур мисолларнинг барчасида яширин инкор маъносининг ифодаланиши айнан *нега* компоненти орқали англашилади. Инкор маъноси билан бирга сўзловчининг субъектив модусининг бир неча кўринишлари ҳам диалогик савол-жавоб мазмуний қобиғига сингдирилганини сезиш қийин эмас. Мисол учун, - *Нега бронингиз борми? Инвалидмисиз? Ё*

депутатмисиз? Балки қаҳрамондирсиз? Жумлаларидаги инкор мазмунининг кучсиз кўриниши остига сўзловчининг субъектив муносабати жойланган. Бу субъективлик билет бермаслик, сўзловчини ранжитиш ва унинг ишончини синдиришга уриниш каби ниятлар билан белгиланади.

*Нима* компонентли диалогик бирликлардаги яширин маънони берилишида ҳам сўроқ мазмуни англатаётган маъно аниқлаштирувчи эмас, балки турли прагматик мақсадларда ҳам қўлланишини куйидаги мисолларда учратамиз.

1. **Аччиғланиш, норозилик маъноси.** –*Хўш, болалар келишдими?*

- *Йўқ, хўжайин.*

- **Нима, нима?** (*Келиши керак эди*) (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).

2. **Таажжуб маъноси.** - *Чўянбой Қулмоновнинг куни бошинга тушиб қолмасин тагин?*

- **Нима-а?** (*Бошимга тушиб қолишини хоҳлаясанми?*) (Ш.Бўтаев. Шўродан қолган одамлар).

3. **Ранжиш маъноси.** *Нимага энди, фақат бола-чақани сўрайди?* (*Сўрамасин, бола-чақани, бошқа нарсани сўрасин*) (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”).

**Нимага** манави дангиллама уйини сўрамайди? (*Дангиллама уйини сўрасин*) (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”).

4. **Буйруқ маъноси.** *Нимага ухлайсан?* (*Ухлама*)

- *Ҳамма ухлайди-ку...*

- **Сенга ким қўйибди ухлашни!** (Т.Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”).

5. **Ажабланиш, инкор маъноси.** *Нима? Тухмат дейсанми?* (*Тухматмас*) (Ў.Ҳошимов. Меҳмон отангдан улуғ).

6. **Ғазаб маъноси.** - *Менга қаранг,* - *дедим анчадан буён ўйлаб юрган гапимни айтиб.* –*Пулларингизни опкелиб кассангизга топширсам қутуламанми?*



- **Нима?** (Қутулмайсиз)- режиссёр сочларини шу қадар шиддат билан силкидики, елкасидан чўғ сачраб кетгандек бўлди. (Ў.Ҳошимов. Мен, бувам ва рангли телевизор).

*Нима ва нега* компонентли сўроқ гаплар иштирок этган диалогик бирликларнинг прагматик маъно ифодалаш доираси анча кенг ҳисобланади. Айниқса, савол-такрор савол шаклида қўлланган диалогик бирликларда аксар ҳолларда аниқлаштирувчи маъно эмас, балки оддий реакция типига бир қанча субъектив-ҳиссий маънолар берилишининг гувоҳи бўламиз. Улар қаторида хурсандчилик, норозилик, эътироз, ғазаб, менсимаслик, дўк, пўписа каби эмотив ҳолатлар учрайди. Ушбу маънолар, албатта, нутқий вазият ва контекст билан узвий боғланган бўлади.

Масалан:

- *Қайси томонда эди?*

- **Нима** “*қайси томонда?*”(Аниқлаштирувчи такрор-савол)

- *Вешалка!*(Ў.Ҳошимов.Телпак).

- *Энди тушунишига ҳаракат қиламан. Хўп, бўлмаса, гап бундай: бугун тарих музейига борамиз. Вақтингиз қалай?*

- *Музей?! Нега музей, тарих музейи?*(Эътироз мазмунидаги такрор-савол) (Э.Аъзам.Отойининг туғилган йили).

Мисол:

-*Яхши. Ариза берганлар Ёдгор эчки билан Умарали пучуқ экан.*

*Аниқ билибсан. Хўш, энди, қани гапир-чи, улар хусусида нима тадбир қилдинг?*

*Мирёқуб кулди.*

- **Нима тадбир қилдинг дейсизми?**(Хурсандчилик мазмунидаги такрор-савол)

- *Ҳа, нима тадбир қилдинг дейман.*

*Мингбоши бутун диққатини шу нуқтага тўйлаб Мирёқубга томон бир оз эгила тушган эди. Мирёқуб кулишида давом этиб:*

*- Болаларга тайинлаб келдим: настдаги ерларга ҳам унча-мунча сув бериб турунглар, дедим. (Чўлпон. Кеча ва кундуз).*

Полилог характердаги нутқий мулоқотда ҳам стимул-реакциядаги такрорланувчи бўлаклар нутқий мулоқотнинг пропозитив мазмунига эмас, балки сўзловчининг субъектив муносабатига қаратилган ҳолда қўлланилишини кузатамиз. Мисол:

*Машина бесабр оломонли бекатга яқинлашаётганда Бакир яна микрофонни қўлига олди:*

*- Ҳурматли йўловчилар! Диққат, эълон! Кира ҳақи тўламасаларинг ҳам майли. Бугун билет олиш-олмаслик-ихтиёрий. Яхшиси, олиб овора бўлманглар.*

*Ичкари гала-зовурга тўлиб кетди.*

*- Нима деяпти бу? Нега билет олмас эканмиз?!-деди тўнгилаб кимдир. -Эси жойидами ўзи? (Менсимаслик мазмунидаги такрор савол )*

*Ёшироқ кишининг овози:*

*- Майли, майли, тушаётганда қўлингга бериб кетамиз, хотиржам бўл!*

*Аёл овози:*

*- Вой, нега билет олмас эканмиз? Мана, давно тайёрлаб қўйганмиз-а! (Эътироз, масъулиятни ҳис қилганлигини намоён этиш мазмунидаги такрор савол) (Э.Аъзам. Байрамдан бошқа кунлар).*

Айтиш жоизки, бундай такрорларга кўпроқ ижтимоий-маиший характердаги диалогларда, полилогларда дуч келамиз. Оммавий савдо-сотик жойлари, бозор, йўловчилар хизматидаги такси, автоуловлар эгалари билан мулоқот каби доираларда, айниқса, сўзловчи ва тингловчиларнинг жонли ҳозиржавоблиги натижасида жумлаларни “эркин” қўллаш, улар назоратини қатъий қўлга олишга вақт нуқтаи назаридан амал қилмаслик

хoлатларини кузатамиз. Бунда жумлалар содда, бир оз қўпол ва этик меъёрларга бўйсунмаган кўринишда ҳамда имо-ишоралар билан бирга келиши мумкин. Ушбу ҳолатлар прагматик маъноларга ҳам йўл очади.

Хулоса қилиб айтганда, савол-жавоб диалогик бирликларидаги савол шакли доимо сўзловчининг саволга жавоб олиш мақсадига йўналтирилган бўлмайди. У ўз мазмунидан келиб чиқадиган пропозитив мазмундан ташқари, субъектив мақсадлардаги прагматик маънони ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Арутюнова Н.Д. Диалогическая цитация (к проблеме чужой речи) // Вопросы языкознания. 1986. -№ 1.- С. 50-64.
2. Арутюнова Н.Д. Некоторые типы диалогических реакций и «почему» -реплики в русском языке // Филологические науки. 1970. -№ 3. -С. 44-58.
3. Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. - Тошкент, 1978.
4. Лапасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг фодаланиши. Филол. фанлари номз... дисс. автореф. - Тошкент, 1996.
5. Лутфуллаева Д. Содда гапларда йўқлик маъносининг яширин ифодаланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. - №5. - Б. 42-45.
6. Маҳмудов Н. Прессупозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1986.- № 6. -Б.30.
7. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Тошкент, 1992. – Б. 115.
8. Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2013. - №5. – Б. 10-19.

9. Нурмонов А., М.Ҳақимов. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2001. - №4. - Б. 54-57.

10. Падучева Е.В. Вопросно-ответное соответствие // Высказывание и его соотносительность с действительностью. - Москва: Наука.1985. – С.234-240.

11. Пардаев А. Ўзбек тилидаги зидлов боғловчилар прессупозицияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2012. - №4. - Б. 12-16.

12. Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи. Филол. фанлари д-ри ...дисс. автореф. –Тошкент, 2012.

13. Раҳимов У. Тағмаёно ва прессупозиция // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2005. - №5. - Б. 29-33.

14. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик.Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри. ... дисс. автореф. - Тошкент, 2017.

15. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. - Тошкент: Фан, 1974.

## **TIL BELGILARIDA SHAKL HAMDA MAZMUN NOMUTANOSIBLIGI**

**Uralov Azamat Begnarovich\***

***Annotatsiya.** Maqolada nomutanosiblik terminining ishlatilishi va uni til belgilarida ifodalanishi haqida so‘z boradi hamda taniqli tilshunolar V.M. Solnsev, E.S. Kubryakova, R.Yakobson, Y.N. Karaulov, Y.S. Stepanov, F.de Sossyurlarning nazariy fikrlariga munosabat bildirilgan. Ayrim misollar tahlilga olinib, nomutanosiblikning morfologiya va morfemikaga oid boshqa qirralari ko‘rsatib berilgan.*

***Tayanch so‘zlar:** nomutanosiblik, til belgi (ishora, ramz), morfema, so‘z, semiotik maydon, semantik tenglik, ma’no ottenkalari, leksema, shakl va ma’no munosabati.*

Nomutanosiblik terminining ishlatilishi va uni til belgilarida ifodalanishi “Katta ensiklopediyalar lug‘ati” da berilgan ta’rifi hamda turi jihatidan ikki turga bo‘linganligi ma’lum. Bunda “til belgilarida shakl va mazmun tomonlari o‘rtasidagi bog‘lanishning uzoqlashuvi, umumiy holatdagi nomutanosiblikni ko‘rsatish uchun” [Языкознание, 2000:47] ifodalanishi aytilgan. Shu sababli til belgilarining shakl hamda mazmun nomutanosibligi masalasi mavjud muammolardan biri sifatida qayd etiladi. Shakllarning bir xil ma’no anglatavermasligi yoki ma’nolarning bir shaklda bo‘lmasligi tabiiy holdir.

Tilshunoslik tarixida ikki tomonlama birliklar tartibida ma’noga ahamiyat bermaslikning oqibati qanday natijalarga olib kelganligi haqida taniqli tilshunos V.M. Solnsev fikr yuritib, tilshunoslikdagi biror oqim, hatto eng radikal oqimlar ham ma’noga murojaat qilmasdan ish ko‘rolmaganligini ta’kidlaydi va “Til

---

\* Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM, Tillarni o‘qitish metodikasi kafedrasini mudiri. filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori.

shuning uchun tilki, uning birliklari oddiy tovushlar birikmasi (kombinatsiyasi)dan iborat emas, uning birliklari muayyan mazmunga ega, o‘z tarkibiga turli ma’nolarni qamraydi, u yoki bu g‘oyani ifodalash qobiliyati mavjud. Semantika yoki ma’no bu tilning qalbidir” [Солнцев, 1974: 4], – deb yozadi. Shu sababli, tildagi har bir shakl ma’lum bir mazmunni ifodalashga yoki mazmun ifodalanishiga xizmat qiladi. Mazmunning kengayib borishi har bir belgi uchun mos holat bo‘lsa-da, belgilarning ortib borishi ham yangi mazmunlarni kashf etib boradi.

Til belgi(ishora, ramz)larining mavqeyi va unga turlicha yondashuvlarni taqqoslash asosida E.S. Kubryakova mashhur tilshunos R.Yakobson xotirasiga bag‘ishlagan “Belgi ta’rifiga qayta murojaat” maqolasida fan tarixidagi an’analarga chuqur hurmat va ehtirom bilan yondashish zarurligini ko‘rsatib, hozirgi davrda belgiga kognitiv, kommunikativ-funksional hamda germevntik yondashuvlarni uzviy birlashtirgan holda tadqiqot olib borish talab etiladi, – deb ko‘rsatadi [Кубрякова, 1993: 18-19]. Haqiqatan ham, R.Yakobson ta’limotida belgilar nafaqat lingvistika, balki logika, matematika, ritorika kabi ijtimoiy-gumanitar fanlar, hayotning boshqa turli sohalaridagi fanlar – semiotikaga birlashuvchi fanlarda bosh, fundamental tushunchalardan biriga aylanadi [Якобсон, 1985]. Shu sababli har bir belgining, u qaysi soha yoki fanda bo‘lmasin, o‘z o‘rni va fandagi mavqeyi borligini esdan chiqarmaslik lozim. Belgining semiotikaga xizmat qilishi fan sohalaridagi tushunchalarga bog‘liq bo‘lar ekan, har bir shakl o‘z fani yoki sohasi doirasida ifodalanishi lozim. Bir belgining boshqa bir belgiga munosabati ham, yohud bir belgining aynan shakli (shakldoshi) sifatidagi semiotikasi ham fanlar doirasida turlicha bo‘lishi tabiiy hol.

Bu borada F.de Sossyurning til belgilarining ixtiyoriyligi va shartliligi g‘oyasiga kuchli zarba bergan Pirs-Yakobson g‘oyasi belgilarning sintagmatik qatorda o‘xshashlik va yondoshlikka ko‘ra bog‘lanishi (assotsiatsiyasi) g‘oyasini o‘rtaga qo‘ydi. Natijada til belgilari tashqi (moddiy) tomoni ham, ma’no (mazmun) tomoni ham til tizimida o‘ziga xos aloqa-munosabatga kirishadi. Ayniqsa,

birlamchi birliklardan ikkilamchi birliklar (hosila birliklar, derivatlar) yuzaga kelishining turli omillarini semiotik nuqtayi nazardan izohlash, tavsiflash va tasniflash imkoni paydo bo‘ladi va uning uch ko‘rinishi amal qiladi: Belgi ma’nosini izohlash uchun unga muqobil (ekvivalent) ifoda topish quyidagicha bo‘ladi:

1) ayni o‘sha belgining boshqa bir belgisini keltirish – sinonimik izohlash orqali;

2) ayni o‘sha belgining boshqa bir belgisini keltirish – parafraza orqali;

3) boshqa bir semiotik tizimning belgilarini keltirish – tarjima orqali.

Bunda “belgiga belgi” tamoyili ishlatiladi va semantikaning markaziy muammosiga ikki ifoda, belgining semantik tengligi, ekvivalentligi, ulardagi ma’no tengligi lingvistik ayniyatlilik (тождество) yoki lingvistik noayniyatlilik (нетождество) kabi bosh, asosiy xususiyatlar aniqlanadi [Кубрякова, 1993: 24]. Ayni shu xususiyatlar tufayli ikki yoqlama til birliklari – morfema, so‘z, so‘z birikmasi va gap doirasidagi turli munosabat, aloqalarni til tizimidagi belgilarga xos mohiyat, mazmun, vazifaning amaldagi ko‘rinishi sifatida tavsiflash imkoni yuzaga keladi. Bu bilan bir shaklning boshqa bir shakl bilan ifodalanishi sinonimik qatorni ifodalash uchun asos bo‘lsa, bir manoning boshqa begona bir ma’no bilan bir shaklga ega bo‘lib qolishi tabiiy ayniyat ekanligi isbotlanadi. Shu sababli yuqoridagi 3-holatdan ifodalangan ma’nodoshlik bir necha tillik lug‘atlardan ifodalaniib turiladi: *olma – яблоко – apple*. Bunday tizimda shakllar turli tillarda turlicha ko‘rinishga ega bo‘lib, mazmun har uch tilda ham bittadir.

Belgilarning mazmun mohiyati til tizimidagi o‘rni va rolini belgilab beradi. Har bir tilda bo‘lgani singari o‘zbek tilida ham bir shaklning kamida bir mazmun ifodalashi tabiiy hol. Birinchidan, ifodalanayotgan mazmun qamrovi keng bo‘lsa, ifodalanmish shakl tilning ixcham, qulayligini ko‘rsatadi va bunda muloqot maydonidan semiotik maydon qamrovi katta bo‘ladi. Ikkinchidan, mazmunni ifodalovchi shakllar miqdori ko‘p bo‘lsa, tilni ifodalash imkoni keng

bo‘ladi, o‘rganish va o‘zlashtirish qiyinlashadi, muloqot osonlashadi hamda tilning so‘z bazasi ko‘p bo‘lib, boy til hisoblanadi.

Bu mohiyat bir shaklning nutq jarayonidagi semasi(mazmuni)ni shu jarayonning o‘zidan oladi, ya’ni shakl qo‘shimcha mazmuni nutq jarayonida namoyish qiladi (Boshqa holatda esa, shaklning o‘z ma’nosini kuzatish mumkin). Shu sababli nutq jarayonida shaklning ma’no ifodalashi o‘zgaradi, ya’ni odatdagi ifodalanayotgan sema nutq jarayonida maydon doirasini kengaytirib, qo‘shimcha (yangi) ma’no ifodalashga kirishishi mumkin. Binobarin, ma’lum bir shaklning ma’no ifodalash doirasi cheklangan (chegaralangan). Nomutanosiblikning bunday ifodalanishi til ilmi uchun nazariy ma’lumot sifatida o‘rganilsa-da, nutq tizimida befarqlik bilan qabul qilinadi. Chunki nutqda muloqot mavzusi aniq yo‘nalgan bo‘ladi. Bir necha muloqot mavzisida ishlatilgan bitta shakl ma’no ifodalashi jihatidan turlicha sema maydoniga ega.

Y.S. Stepanovning ko‘rsatishicha, semantik tenglik (ekvivalentlik) muammosini tadqiq etishning yo‘li – belgilarning ifoda va mazmun planlarini alohida ajratish, so‘ng esa mazmun planini denotativ yoki ekstensional, tushuncha yoki signifikativ, ya’ni ekstensional kabi ikki yo‘nalishga ajratib o‘rganish tavsiya etiladi [Степанов, 1987]. Fikrdan anglashiladiki, shakl tarkibi o‘zgarishi sema maydoniga ta’sir ko‘rsatadi. Ammo ma’lum semani ifodalovchi bir necha shakl sema maydonida o‘z o‘rniga ega. Buni kulmoq leksemasi bilan ko‘rib chiqish mumkin.

*Kulmoq* so‘zining ushbu turli ma’no tovlanishlarni (ottenkalarini) kuzatar ekanmiz leksema ma’no ifodalashiga ko‘ra betarafdir. Uning sinonimlari sifatida *tirjaymoq, ishshaymoq, irshaymoq, hoholamoq, voholamoq, qahqah otmoq, jilmaymoq, kulimsiramoq, hirlingamoq, iljaymoq, kuydirilgan kalla, xandon otmoq, tabassum qilmoq* kabilar birliklarni ishlatamiz. Semaning ifoda plani ko‘rinish jihatidan lablarning yoyilishi va ko‘rinishning chiroylilashishiga xizmat qiladi. Mazmun plani esa, har bir shaklda boshqa bir doirada o‘zgaruvchan. Dastlab bir mazmuni ifodalashga xizmat qilgan turli shakllar nomutanosibligini kuzatgan bo‘lsak,



keyingi o‘rinda bir necha shakllarning aynan bir mazmunga xizmat qilmasligi (ma’no ottenkalari muqtayi nazaridan) holati bo‘yicha nomutanosiblikni keltirib chiqaradi. Kulmoq so‘zini salbiy va ijobiy bo‘yoqdorligiga qarab ajratib olish masalaga yanada oydinlik kiritadi. *Kulmoq* – betaraf; ijobiy ottenka holatida *kulimsiramoq*, *tabassum qilmoq*, *jilmaymoq*, *qiqirlamoq* (salbiy holati ham mavjud), *qahqah otmoq*; salbiy ottenka holatida *tirjaymoq*, *ishshaymoq*, *irjaymoq*, *iljaymoq*, *irshaymoq*, *voholamoq*, *hiringlamoq*, *qiqirlamoq* (ijobiy holati ham mavjud, ammo betaraf emas, vaziyatga moslashadi), *hoholamoq*, *qahqah otmoq* (vaziyatga bog‘liq, ijobiy ottenkasi ham bor), *xandon otmoq*, *kuydirilgan kalla* (ibora shaklida). Sema maydoni jihatidan hozircha ikki guruhga nisbiy bo‘lib ko‘rsatildi. Endi yuqoridagi sinonimik qatorni sema maydoninig ortib borishiga, kuchayishiga (bo‘yoqdorligiga) qarab joylashtirib chiqish mumkin: *jilmaymoq* > *kulimsiramoq* > *tabassum qilmoq* > *iljaymoq* > *ishshaymoq* > *irshaymoq* > *hingirlamoq* > *qiqirlamoq* > *xandon otmoq* > *kulmoq* > *qahqah otmoq* > *hoholamoq* > *voholamoq*... Bu holatda sema maydon sekinlik bilan yuqoriga ko‘tarilishi, bir holat bilan boshlangan harakatning tovush chiqarish bilan ortib borishi tushunilmoqda. Bu shakllarda nomutanosib holati semalar orasida sekinlik bilan shakllanmoqda. Kulmoq birligiga shakliy ko‘rinishdan nomutanosib holatda shakllangan *jilmaymoq* leksemasi (ovoz chiqarmay lablarni biroq yoyish orqali kulimsirash) endi mazmun maydoni planidan ham nomutanosiblikni shakllantiradi. O‘zaro baholash semasiga ko‘ra ijobiy bo‘yoqdorligiga boyligi bilan dominant (kulmoq) leksemadan farq qiladi. Chunki kulish holatidan jilmayish holati yoqimlilik onnenkasi jihatidan ustundir. *Ra’noning bor go‘zalligi uning birgina jilmayishida edi. Sirojiddin kimdir qattiq kulgandi uyg‘onib ketdi.*

Bir shaklning fandagi belgi jihati nutq momentiga moslashadi. Yuqoridagi misolda buni ifadalanishini ko‘rdik. Belgilarni talqin etishda shakl va mazmun hamisha ham simmetrik holarda bo‘lmaydi. R.Yakobson tomonidan fanga **belgilarni talqin etuvchilar** tushunchasining kiritilishi belgilarni faqat ob‘ektiv borliqqa

yo‘nalganligi munosabati bilangina emas, balki til tizimidagi boshqa o‘xshash, yondosh belgilar orqali tavsif etish, talqin etish, izohlash kabi juda katta tadqiqot imkoniyati paydo bo‘ladi. Shu jihatdan nomutanosiblik har qanday fan uchun tabiiy holdir. Til belgisi endi yakka holda emas, balki til tizimidagi barcha aloqa, munosabatlar – matn, diskurs doirasida ochiladi hamda namoyon bo‘ladi. Til belgilaridagi denotativ signifikativ hamda konnotativ ma’nolarning o‘zaro munosabatda-kognitiv-informatsion, kontseptual, pragmatik, emotsional va ekspressiv tomonlarini o‘zaro uzviy bog‘liqlikda olib qarash tadqiqotchilar oldida yangi istiqbollari ochadi. Tildagi har bir belgining emotsional yoki ekspressiv holatda ifodalanishi mazmunning ifoda planini tushinish darajasida kech boshlansa-da, ertaroq tugaydi. Bunda shakl boshlanish jihatidan oldinda borib, tushunish jihatidan ortda qoladi. Ya’ni shaklning mazmunga nisbatan vaqt oralig‘idagi anglanishi ham yangicha nomutanosiblikni ko‘rsatadi.

“Belgiga fundamental nomutanosiblik (asimmetriya) xos. Ma’no va tovushning vaqt jihatidan bog‘liqligi aynan uning nomutanosibligidadir” [Karaulov, 1974: 425]. Darhaqiqat, tilshunoslikda har bir belgi – shakl bir tushunchani ifodalashga xizmat qilar ekan, inson uchun uni anglash lisoniy imkoniyatlarga, tafakkur qilish qobiliyatiga bog‘liq bo‘ladi. Y.N. Karaulovning fikricha, shakl mazmundan oldin boshlanib, mazmundan keyin tugaydi. Ya’ni biz shaklning boshlanishidan keyin mazmun berish holatiga kelgach mazmun haqida fikr yuritimiz va shakl tugamasidan avval mazmun haqida tasavvur paydo bo‘ladi. Yana ham aniqroq aytganda, mazmun anglashimiz uchun ma’lum bir shakl (tashqi moddiy qobiq) boshlanishi lozim, ammo shakl boshlangach mazmun anglanishin ham boshlanadi. Shu tariqa mazmun ma’lum shakldagina mavjud bo‘lishi anglanadi. Shuning uchun tashqi moddiy qobiq doim oldin boshlanib, keyin tugaydi.

Tushunish jihatidan dastlab tovush (tashqi moddiy qobiq) talaffuzining boshlanishi ma’no anglana boshlanishi bilan mos (teng) keladi, lekin tashqi moddiy qobiq talaffuzlarining yakunlanishi ortda

qoladi: so‘zlovchi tomonidan ma’no tashqi moddiy qobiq talaffuzi tugamasdan oldin anglanadi va ma’no talaffuzdan o‘tib ketadi.

Ayrim holatda, tinglovchi mavqeyi (pozitsiyasi) shunday: tushunish tashqi moddiy qobiq talaffuzi bilan bir vaqtning o‘zida amalga oshmaydi; tinglovchi uchun ma’no ham tashqi moddiy qobiq talaffuzi jarayonida anglashiladi: ma’no anglana boshlanishi bu o‘rinda ortda qoladi (kechikadi), tushunish esa tashqi moddiy qobiq talaffuzi tugamasdan oldin anglab ulguriladi. Bu o‘rinda ham ma’no (mazmun) tashqi moddiy qobiq talaffuzidan ilgarilab ketadi [Караулов, 1974: 425].

Inson tafakkur qilishi va anglashi lozim bo‘lgan borliq, materiallarning qay yo‘sinda berilishiga bog‘liqdir. Stilistik nuqtayi nazardan olib qaralganda, har bir uslubning o‘ziga xos jihati borligi aniq. Bunda shakldan anglashilgan ma’no hamma uslubda har xil kichadi. Aytaylik, so‘zlashuv uslubida ma’no har qanday vaziyatda ham shakldan o‘zib ketadi, agar mantiq, falsafa, ritorika kabi fanlar, ilmiy qonuniyatlar, piching gaplar bo‘lmasa, ma’no o‘z o‘rnida ishlatiladigan bo‘lsa, ma’no anglanishi tez va osondir. Shakl va ma’no munosabati anglanish tarafidan ilmiy uslubda boshqacha bo‘ladi. Ilmiy uslubda terminalogiyada tushunish obekti qiyinlashadi. Uning mazmun mohiyati, tashuvchi ma’no va anglanish darajasi qiyin hisoblanib, shu sababli bunda shakl ilgarilab ketadi, ma’no esa biroz ortda qoladi. Bu jarayonni morfologik shakllarda ham kuzatish mumkin. *Metateza, metafora, metanimiya* terminlarining yozilishi ma’no anglanish darajasi uchun misol bo‘ladi. Chunki, bu so‘zlarning dastlabki to‘rtta harfi bir xil. Shu sababli bu morfologik birliklar beshinchi harfidan keyin qaysi ma’noning shakli ekanligi oydinlashadi.

Biz ma’no anglashish holatini ayrim harflarning tushib qolishida ham sezib turamiz. Chunki, anglanishi kutilayotgan mazmun aniq bo‘lganida umumiy shakl qaysi ma’noga xizmat qilayotgani ma’lum bo‘lib qoladi. Shu sababli ayrim shakllarning aynan bir ma’noga xizmat qilishi o‘sha mazmun doirasida mutanosib bo‘lishini talab qilada.

Ma’no anglanish shakl jihatdan mavjudligi, o’sha shaklga nisbatan olinishi to’g’ri qaror qabul qilish uchun asos bo’ladi. Biz uchun ko’p “iste’mol qilinadigan” *biz, siz, ular* olmoshlariga *-lar* shaklini qo’shganimizda ayrim holatlarda ko’plikka nisbatan hurmat anglatishi olmoshlar borasidagi nomutanosiblikni shakllantiradi. *Sizlar* shaklidagi *siz* hurmat ma’nosini, *-lar* esa ko’plik ma’nosini anglatadi. *Siz o’tiring, siz ham o’tiring*. Misoldan anglashilmoqdaki, *siz* olmoshi hurmat uchun ishlatilmoqda, bunda *sen* shaklining *siz* – ko’plik shakli ma’lum ma’noda o’z mavqeyini yo’qotmoqda. Ya’ni birlik shaklida qo’llanmoqda. *Siz* shakli hurmat ma’nosiga o’tganligi bois unga ko’plik shakli qayta qo’shilishi lozim bo’ladi va unga *sizlar* shakli yaxlitligicha ko’plikni anglatish vazifasini yuklaydi: *siz turing, siz ham turing! Sizlar o’tiring*. Ko’plik shakli sifatida e’tirof etilgan *siz* shakli o’z vazifasini qisman yo’qotib *-lar* shakliga ehtiyoj sezadi. Bu holat morfologik birliklarning ma’no ifodalashdagi nomutanosiblikni keltirib chiqarmoqda.

Ayni shu holat bilan hosil bo’ladigan *biz+lar* shakli ham nomutanosiblikni shakllantiradi. Bu holatda *biz* har doim (ilmiy uslubdan tashqari) ko’plikni ko’rsatadi. Ilmiy uslubdagina hurmatni (qisman ko’plikni) ifodalashi mumkin: *Biz o’z ishimizda mantiqqa e’tibor qaratdik*. Misoldan ko’rinadiki, ham hurmat, ham ko’plik ifodalash holati qisman bo’lsa-da, sezilib turadi. Ammo mazmun jihatidan qisman birlikni ifodalaydi. Endi aynan shu shaklga ko’plik shaklini qo’shib ko’rish mumkin: *Bizlar qolib ketmaylik*. Bunda *-lar* shakli hurmatni ifodalashga xizmat qilmoqda. Bunday fikrlar, matn tarkibi har doim u qanday shaklda bo’lmasin, uslub talabi bilan birlik, ko’plik yoki hurmat ma’nolarida keladi. Bu jihat shakl va mazmunning o’zida nomutanosibdir.

*Sizni siz qilgan biz-ku (Seni siz qilgan men-ku* mazmunida). Birinchi *siz* birlik, ikkinchi *siz* hurmat, *biz* esa birlik mazmunini ifodalamoqda. Og’zaki nutqning bu yo’sinda ma’no ifodalanishi va ifodalashi fandagi yana bir nomutanosiblikka misol bo’la oladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. – М., 2000.
2. Солнцев В.М. К вопросу о семантике или языковом значении. -Предисловие к сборнику «Проблемы семантики». – М.; 1974. – С. 4.
3. Кубрякова Е.С. Возвращаясь к определению знака (памяти Р.Якобсона) // Вопросы языкознания», 1993, № 4 - С 18-19.
4. Якобсон Р. Звук и значение; Якобсон Р. Избранные работы. – М. 1985; Моррис Ч.У. Основания теории знаков. Семиотика. – М. 1963.
5. Степанов Ю.С. Имена. Предикаты. Предложения. Семиологическая грамматика. – М.; 1987.
6. Караулов Ю.Н. Ассимметрия языкового знака во времени – В. кн.: “Современные проблемы литературоведения и языкознания” к 70-летию акад. М.Б. Храпченко. – М.; 1974. – С. 425.

## ТИЛШУНОСЛИКДА ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**Мирзоаҳмедов Мухтор Мавлонович\***

***Аннотация:** Мақола ҳуқуқий атамаларнинг ўрганилиши масалаларига бағишланган бўлиб, унда мазкур соҳада яратилган илмий-тадқиқот ишлари ва келгусида амалга оширилиши зарур муаммолар хусусида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** ҳуқуқий масалалар, ҳуқуқий атамалар, давлат қонунчилиги, юрислингвистика, лингвоюрисдика, ҳуқуқшунослик терминологияси, синхрон-қиёсий сатҳ.*

XX асрнинг 90-йилларида дунё жамоатчилигида, дунё давлатлари миқёсида қонун устуворлигининг мустаҳкамланиши, қонун ва қонунчилик-нинг жаҳон миқёсида мустаҳкам ўрин тутганлиги боис жаҳон тилшунослиги-да яна бир янги соҳа – юрислингвистика юзага келди. Жаҳон ва рус тилшунослигида юрислингвистика ва лингвоюрисдика атамалари кенг қўлланила бошлади.

Ҳақиқатан, инсоният ҳаёти ва жамият фаолияти ҳамиша ҳуқуқий масалалар билан чамбарчас боғлиқ. Жамият ҳаётининг ҳар бир куни давлат қонунчилиги асосида иш юритишни талаб қилади. Шу боис барча ҳуқуқий атамалар ва уларнинг моҳияти оммага тушунарли бўлиши, мазкур соҳага оид ҳужжатлар ҳуқуқий ва лисоний меъёрларга мос келиши шарт ва зарур. Мазкур масала эса фақатгина тилшунослик илми ёки ҳуқуқшунослик илми томонидан ўз ечимини топмайди, яъни ҳуқуқий атамаларнинг лисоний хусусиятларини лингвоюрисдик

---

\* Хўжанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди (Тожикистон). mirzoahmedov73@mail.ru

тадқиқотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу борада тилшуносликнинг янги соҳаси ҳисобланмиш юрислингвистика муҳим аҳамият касб этади.

Юрислингвистика – юриспруденция ва лингвистика (юридик лингвистика) атамаларининг бирикувидан вужудга келган бўлиб, ижтимоий тилшунослик масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Масаланинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу икки атама икки йирик илмий соҳани туташтиради.

Қисқаси, мазкур соҳа тилшуносликнинг алоҳида бир сатҳи бўлиб, ҳуқуқшунослик атамаларини, уларнинг луғавий маъноларини, морфологик, синтактик, услубий хусусиятлари ва вазифаларини ўрганиш масалалари билан шуғулланади.

Ҳуқуқий атамалар луғавий маъноларининг тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши мазкур соҳа атамаларининг тўғри талқин қилинишига, мавжуд муаммоларнинг ўз ечимини топишига ёрдам беради.

Шу боис, ўзбек тили юрислингвистикаси, унинг вазифаси, муаммолари ва перспективасини ўрганиш масалалари бугунги ўзбек тилшунослиги олдидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланиди.

Ҳуқуқшунослик терминологияси умумий терминологиянинг ажралмас қисми бўлиб, лингвостилистик, юрислингвистик ва лингвоюридик хусусият ва характерга эга.

Қонунчилик терминологияси турли манбалар асосида, узлуксиз равиш-да бойиб боради. Ушбу атамалар қонунчилик органларининг иш жараёнлари-да, иш юритиш ҳужжатларида, ҳозирги адабий тилнинг луғавий фонди тар-кибида кенг қўлланилади. Шунингдек, ушбу соҳага хос ўзлашма атамалар ҳам кенг қўлланилади.

Ҳуқуқий атамаларнинг мантиқий-семантик хусусиятлари шундан иборатки, тил луғат фондидаги ҳар бир сўз қонунчилик ҳужжатларида ўзининг тор соҳавий маъноси ва бўёқдорлиги билан иштирок этиши мумкин. Бу эса тил луғат фондидаги

сўзларнинг кўп маънолилиги билан боғлиқ ҳодисадир. Масалан, умумистеъмолда қўлланувчи оддий **ҳаракат** сўзи ҳуқуқий тушунча сифатида қўлланган вақтда ижобий ва салбий маъноларни касб этиши мумкин. Уни аниқлаш эса мазкур ҳаракатнинг натижасига боғлиқ. Агар ҳаракат қоида бузилишининг олдини олган бўлса, у ижобий. Ушбу ҳаракат натижаси қонун-қоида бузилишига сабаб бўлса, у ҳолда салбий ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳамиша ҳаракат ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланади. Шунинг учун ҳам лингвистика ва юриспруденция муносабати тил ва социология, тил ва этнография, тил ва психология муносабатларидан кам эмас. Агар социоллингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика тилшуносликнинг алоҳида соҳалари сифатида тан олинган бўлса, у ҳолда юрислингвистика ҳам тилшуносликнинг юқоридаги соҳалари каби ўз ўрнига эга ва тилшуносликнинг ушбу соҳаси ўзбек тилшунослиги материаллари асосида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши шарт ва зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида ушбу соҳа бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар ва диссертациялар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар анчагина. Агар мазкур масала тадқиқига шу нуқтаи назардан ёндашилса, унинг натижалари ўзбек тилшунослигида юрислингвистика соҳаси критерияларини белгилаш жараёнида муҳим ўринга эга бўлиши мумкин.

Бу масалада рус тилшунослигида Голев Н.Д., Горбаневский М.В., Матвеева Т.В., Милославская Д.И. томонидан жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди ва юрислингвистика аллақачон ўз ўрнига эга бўлди.

Тил ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқаси, лисоний категорияларнинг ҳуқуқий хусусиятлари, ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинишида тил ва ҳуқуқнинг мавқеи, ҳуқуқий ҳужжатлар ва материалларнинг мантикий категориялар билан боғлиқлиги, ҳуқуқий таҳлилда тилнинг мавқеи, ҳуқуқий ҳужжатларда тил меъёрларидан фойдаланиш, ҳуқуқий



хужжатлар ва қонунларнинг тили ва услуги масалалари рус тилшунослари юрислингвистик тадқиқотларининг моҳиятини ташкил қилар эди.

Мазкур масалада Олтой давлат университетида профессор Голев Н.А. раҳбарлигида йирик ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ушбу университетда умумий “Юрислингвистика” номи билан 11 та илмий мақолалар тўплами нашр қилинди.

Биринчи тўпланда юрислингвистиканинг тилшунослик фанининг алоҳида бир соҳаси сифатида муаммолари ва перспективалари нималардан иборат эканлиги хусусида баҳс юритилган (1). У қуйидаги тўрт қисмни ўз ичига олади:

1. Юрислингвистика предмети.
2. Юрислингвистика ва юриспруденция.
3. Юрислингвистика ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ маҳсули бўлмиш материалларнинг юрислингвистик таҳлили масалалари хусусида).
4. Лингвоюрисстика – “рус тили унинг табиий ва юридик асоси”.

Иккинчи тўпланда эса тилшунослик ва ҳуқуқшунослик фанларининг туташган ўринларида амал қилувчи назарий ва амалий масалалар билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилган. Мақола муаллифлари ҳуқуқшунослик тили билан табиий тилнинг муносабатларини, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари-да мавжуд бўлган низоларни ҳал қилиш жараёнида тил ва қонун ҳамкорлиги имкониятларидан фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишган.

Ушбу тадқиқотларда назарий сатҳ масалаларини ўрганишдан амалий сатҳ масалаларига ўтиш зарурлигига асосий эътибор қаратилган.

Шунингдек, монографик тадқиқотларда ҳам юрислингвистиканинг конкрет тематик сатҳлари ўрганилади. Чунки ҳуқуқий атамалар тил луғат фондининг алоҳида ички бир тизими сифатида аллақачон мутахассислар эътиборини жалб

килган эди. Ҳуқуқий атамаларни ўрганиш жараёнида жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу борада соф лингвистик сатҳда Мишина Е.Ф., Антадзе Н.А., Мазо С.Э., Снетов Г.П., Сергеев Ф.П., Сергеева М.Ф., Майоров А.П. сингари олимлар тадқиқот ишлари олиб боришди.

Валехина Т.М., Городецкая Л.А. эса қадимги рус тили ёдгорликлари тилини ўрганиш асосида XI-XVI асрлар рус тилида юридик лексиканинг юзага келиши ва шаклланиши масалаларини ўрганиб чиқишди.

Рус тилшунослигида жиноят ҳуқуқи (Ершова Е.Б., Прянишникова Е.А., Уорт Д.О.), оила ҳуқуқи (Юрчука О.Ф.), меҳнат ҳуқуқи (Головин С.Ю.), маъмурий ҳуқуқ соҳаси атамалари маҳсус ўрганилди.

Мазкур тадқиқот ишларида ушбу соҳаларга доир ҳуқуқий атамалар маълум бир тизимга келтирилди. Муаллифлар ўз тадқиқотларида ҳуқуқий атамаларнинг лексик-семантик, вазилавий хусусиятларини таҳлил қилишган. Шунингдек, ушбу соҳаларга хос атамаларнинг умумистеъмолдаги сўзлар билан муносабати масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ушбу соҳага оид анчагина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди (1). Гарчанд сўнгги ўн йил давомида олимларимиз ушбу масала билан мунтазам шуғулланиб келаётган бўлса-да, аммо ҳозирга қадар ушбу сатҳга хос масалалар ўз ечимини тўлалигича топгани йўқ.

Мазкур соҳани ўрганишдан мақсад шуки, ҳуқуқий атамаларнинг лек-сик, семантик ҳамда структур хусусиятлари ўрганиш, уларнинг қўлланилиш кўламини белгилашдан иборат. Шунингдек, улар асосида чиқарилган хулоса-лар қонунлар, кодекслар, ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик китоблар, ўқув қўлланмалари, энциклопедик, изоҳли ҳамда соҳавий луғатларнинг яратилишида кенг қўлланилиши мумкин.

Бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари амалий фаолиятида ҳамда юрислингвистика

ва лингвоюристика масалалари билан қизиқувчиларга қўл келиши мумкин.

Жумладан, ушбу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг катта бир гуруҳи қиёсий характерга эга. Масалан, Моршакова Т.В. томони-дан жиноят ҳукуки атамаларининг семантик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, ушбу тадқиқот иши қиёсий характерга эга (2). Тадқиқот ишида рус, инглиз ва немис тиллари материаллари асосида жиноят ҳукуки соҳасига оид атамаларнинг мантикий-семантик хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Бизнинг келгусидаги илмий-тадқиқот ишимизда ҳам ана шундай масала, яъни ўзбек тилининг луғат фондида ўрин олган ҳукукий атамаларни тожик адабий тилидаги ана шундай қатлам луғавий бирликлари билан қиёсий ўрганиш тадқиқот олдига асосий мақсад қилиб қўйилган. Ўзбек тили ҳукукий атамаларини тожик тилидаги муқобиллари билан қиёслаб ўрганиш замона-вий ва долзарб масалалар сирасига киради.

Бу борада замонавий тожик тилшунослигида амалга оширилган қуйидаги илмий ишларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир (3).

Тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида тожик ва ўзбек тиллари учун умумий характерга эга бўлган ҳукукий атамаларни аниқлаш, уларнинг сабабларини ёритиш, шунингдек фақат ўзбек тили, фақат тожик тили учун хос бўлган ҳукукий атамаларни ҳам аниқлаш, уларнинг тавсифини белгилаш ва ёритиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Муҳими, ҳукукий атамаларни синхрон-қиёсий сатҳда ўрганиш ўзбек ва тожик тиллари лексик сатҳини янада илмий тасаввур этиш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Юрислингвистика-1. Проблемы и перспективы (Межвузовский сборник научных трудов). Под ред. Н.Д.Голева. Барнаул: Изд-во Алтайского университета, 1999. -224с.

2. Касымова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Авт.дисс.канд.филол.наук.-Ташкент, 1985.-24с; Ёдгоров Х.Э. Ўзбек тили ҳарбий терминологиясининг синхроник тадқиқи. Филол.фанл.канд.дисс.авт. -Тошкент, 1996.-25с.

3. Моршакова Т.В. Семантические характеристики терминов уголовного закона (на материале русского, немецкого и английского языков). Дисс.канд.филол.наук. -М, 1992.-172с.

4. Пулотова Н.Ю. Семасиологические отношения в терминологии (на материале юридической лексики таджикского и английского языков). Дисс.канд.филол.наук. -Душанбе, 2006.-167с; Шокиров Т.С. Инкишофи истилоҳоти ҳуқуқшиносии тоисломӣ дар забони тоҷикӣ. -Хучанд: Хуросон, 2008.-118с; Шокиров Т.С. Термины мусульманского права в таджикском языке (юрислингвистическое исследование). -Душанбе, 2010.-116с; Шокиров Т.С. Юридические термины и их лингвистические особенности. -Худжанд: Хуросон, 2017.-278с.

## ДИНИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА БЕРИЛИШИГА ДОИР

Мирзажоновна Латофат \*

*Аннотация.* Мақола диний терминларнинг изоҳли луғатлардаги лексикографик талқинига бағишланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** *изоҳли луғат, диний терминлар, ўзлашма терминлар, этимологик маълумот.*

Маълумки, изоҳли луғатларда умумистеъмолдаги сўзлар билан бир қаторда чегараланган лексикадан ҳам маълум бир меъёр асосида сўзлар сараланиб олинади. Илм-фаннинг турли соҳа ва тармоқларига оид терминлар сафида миллий маънавиятимизнинг негизи сифатида қаралувчи диний терминлар ҳам изоҳли луғат сўзлигининг бойишига хисса қўшган. Зеро, инсонлар ҳаётида дин ва диний тушунчалар миллий маданиятнинг бир бўлаги сифатида муҳим ўрин тутди ва булар тилда бор бўйи билан намоён бўлади [Юсупова, 2021: 11].

Ўзбек тилининг икки жилдли ва янги беш жилдли изоҳли луғатлари кўздан кечирилганда, кейинги луғат сўзлигида диний терминлар миқдори сезиларли даражада ўсганлигини кўриш мумкин. Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғатида жами 431 та диний термин берилган [Мадвалиев, 2017: 193] бўлиб, улар замон ва давр талабига мос тарзда тегишлича изоҳланган.

Ўзбек халқи истиқлол туфайли ўзининг диний-маънавий меросини ўрганиш бахтига муяссар бўлди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ диний билимларни эгаллаш ва уни ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди. Диний илмнинг ривож топиши, жамият аъзоларининг кўпчилик

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кичик илмий ходими

кисмида бундай билимларни эгаллаш иштиёкиннинг пайдо бўлиши оқибатида диний-этикодий лексика бир қадар фаоллашди. Шу каби сабаблар диний терминларнинг изоҳли луғатлардаги миқдорини янада кенгайтириш заруратини келтириб чиқарди ва бу эҳтиёжларга жавобан беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га *намозхон, азозил, асҳоб, аъроф, акҳом, баптизм, беҳишт, ваҳдат, ваҳдоният, ваҳҳобий, ваҳҳобийлик, қуффор, саҳиҳ, мужоҳид, нафл, зуҳд, зардушт, зардуштийлик* каби 184 та янги диний термин киритилди. Икки жилдли луғатда берилган, лекин беш жилдли изоҳли луғатга киритилмаган 9 та терминни ҳисобга олмаганда, кейинги луғатда жами 606 та диний термин изоҳланган [Мадвалиев, 2017: 193]. Бу эса беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да диний терминлар деярли бир ярим бараварга ортганлигини англатади.

Диний терминларнинг аксарият қисми ўзлашма терминлар эканлиги маълум. Шундай экан уларни ўрганишга киришган изланувчи учун этимологик маълумотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Икки жилдли изоҳли луғатда термин асли мансуб бўлган тил кўрсатилган ёки ўзбек тилига бу ўзлашма термин қайси тил орқали кириб келганлиги аниқлаштирилган. Масалан,

**АВЛИЁ** [*a.*] ...

**ХУФТОН** [*ф-т.*] ...

**ХРИСТИАН** [*р.* христианин <грек>] ...

Бироқ мазкур термин ўз тилида қандай маънога эгаллиги кўрсатиб ўтилмаган. Беш томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса бу каби камчиликлар бартараф этилган. Масалан,

**АРОФ** [*a.* ... – аросат, ўрталик – Куръонда таърифланган жаннат билан дўзах орасидаги жой] ...

**МАСЖИД** (*a.* ... – сажда қилинадиган, намоз ўқиладиган жой, мачит; иботадхона) ... каби.

Аҳамиятлиси, муаллифлар эски давр сиёсати зуғуми билан тавсифланган жуда кўп сўзларни давр талабига жавобан холисона изоҳлаганлар. Масалан, *Аллоҳ* сўзининг тавсифини

олиб кўрайлик. Эски луғатда: “Оллоҳ [а] дин. Гўё бутун мавжудотни, жумладан, одам, ҳайвон ва бошқа жониворларни йўқдан бор этган, яратган ва буларнинг тақдирини ўз қўлида тутиб турувчи деб тасаввур этиладиган илоҳий куч; худо, тангри, парвардигор”. Янги луғатда Аллоҳнинг биру борлигига шак келтирилмаган: “Аллоҳ [а... – илоҳий куч, худо] Ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи” – тарзидаги расо тавсифни [Махмудов, 2015: 40] кўриш мумкин.

Икки жилдли изоҳли луғатда **салот** термини икки маъноли сўз сифатида берилган. Шундан биринчи маъноси “*ибодат, намоз*”, иккинчи маъноси эса “*худо ва пайгамбарларга аталган мадҳия, ҳамду сано*” [ЎТИЛ-2. II, 1981: 16] – деб таърифланган. Беш жилдли изоҳли луғатда эса мазкур терминнинг биринчи маъносига янада аниқлик киритилиб, “*Ислом динидаги 5 та рукннинг энг асосийси: бир кунда, муайян вақтларда белгиланган тартиб ва шартлар асосида қилинадиган ибодат*” [ЎТИЛ-5. III, 2007: 432] тарзида тўлиқ шарҳ берилганлиги ва “*ибодат шакли*” маъноси асосий ўринга чиқарилганлиги ғоят аҳамиятли.

**Мазҳаб** терминига икки жилдли изоҳли луғатда берилган “*Диннинг ўзига хос қонун-қоидалари билан умумий йўналишидан фарқ қилувчи*” [ЎТИЛ-2. I, 1981: 441] мазмунидаги изоҳ терминнинг маъносини тўла очиб бера олмаган. Беш жилдли луғатда эса бу терминга “*Исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари; умуман, анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шарият масалаларида энгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқланувчи йўналишлар, оқимлар*” [ЎТИЛ-5. II, 2006: 526] тарзидаги аниқ хулосага таянилган изоҳнинг келтирилиши диққатга сазовордир.

**Арвоҳ** терминига икки жилдли изоҳли луғатда “*Диний ақидаларга кўра: фақат одамда бўладиган, у билан худо ўртасида воситачи бўладиган гайри моддий, ўлмас, абадий асос; руҳ*” [ЎТИЛ-2. I, 1981: 52] тавсифи берилган бўлса, беш

жилдли изоҳли луғатда эса айнан “Ислом энциклопедияси”да келтирилган таърифга монанд “*диний тасаввурларга кўра: фақат одам тириклигида, ҳаётида у билан бўладиган, вафотидан кейин тандан чиқиб, абадий мавжуд бўладиган зайримоддий асос; руҳ*” [ЎТИЛ-5. I, 2006: 94] тарзидаги изоҳ терминнинг моҳиятини тўлиқ очиб берган.

Икки жилдли изоҳли луғатда **ҳадис** терминига “*Муҳаммад пайгамбардан қолган гап-сўз ҳамда пайгамбар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар*” [ЎТИЛ-2. II, 1981: 672] таърифнинг беш жилдли луғатда “*ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад пайгамбарнинг фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар мажмуи*” [ЎТИЛ-5. V, 2008: 473] тарзида тўлдириш орқали ҳадиснинг “муқаддаслик”, “улуғлик” семасига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Шунингдек, **сур** сўзи ҳар икки луғатда омоним сўз сифатида изоҳланади. Икки жилдли изоҳли луғатда унинг 4 та маъноси ёритилган. Кейинги луғатда эса мазкур сўзнинг 5-маъноси айнан “*дин.*” белгиси остидаги изоҳ билан кенгайганлигини кўриш мумкин:

**СУР V** [*а. ... – шох, мугуз; карнай*] *дин.* Қуръонда айлилишича, қиёмат куни Исрофил фатишта томонидан чалинадиган, шох (мугуз)дан ишланган карнай [ЎТИЛ-5. I, 2006: 94].

Бундан ташқари икки жилдли луғатдан фарқли ўларок беш жилдли изоҳли луғатда **вакил** сўзининг мақоласи **вакил ота** диний термини билан бойитилган ва унга шундай изоҳ берилган “*мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиш, куёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулки ва ш.к.ларни келишишида қатнашади)*” [ЎТИЛ-5. I, 2006: 94].

Умуман олганда, ўзбек тилида яратилган изоҳли луғатларни қиёслаш орқали беш жилдли изоҳли луғатда диний-эътиқодий сўз ва терминларга берилган расо тавсифларни кўплаб учратиш мумкин. Диний тушунчаларни ифодаловчи сўз



ва терминларнинг аксарият қисми икки жилдли изоҳли луғатга нисбатан холисона изоҳ, тўлиқ этимологик маълумот, терминнинг маъносини янада очиқловчи иллюстратив мисоллар билан бойитилганлиги беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг қимматини оширганлиги шубҳасиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ислон. Энциклопедия. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017.
2. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: ЎзМЭ, 2017.
3. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. – Москва: Рус тили, 1981.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006-2008.
6. Юсупова Ш. Диний матнларнинг лингвопрагматик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2021.

## **MAKON DEYKSISINI IFODALOVCHI TIL BIRLIKLARI (Alisher Navoiy asarlari matni misolida)**

### **Nomozova O‘g‘iloy Akmaljon qizi\***

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada deysis nazariyasi hamda deysis birliklar nazariy jihatdan yoritilgan, shuningdek, makon deysisi va uni ifodalovchi til birliklari Alisher Navoiy asarlaridan olingan misollar asosida tahlil tortilgan va ularning pragmatik xususiyatlari yoritilgan.*

***Tayanch so‘zlar:** deysis, deysis birlik, makon deysisi, matn, badiiy matn.*

Zamonaviy tilshunoslikning til birliklarini inson omili bilan bog‘liq holda o‘rganuvchi yo‘nalishlardan biri pragmalingsvistika bo‘lib, mazkur yo‘nalishda til birliklari nutq vaziyati, kontekst bilan bog‘liq holda o‘rganiladi. Pragmalingsvistikada til birligining nutq vaziyati, kontekst bilan bog‘liq holda o‘rganuvchi masalalaridan biri deysis nazariyasidir. Pragmalingsvistikada til birliklari orqali kommunikativ muloqot ishtirokchilari, muayyan voqelik, u amalga oshirilgan vaqt, o‘rin kabilarga ishora qilish deysis hodisasi sifatida, tilning ishora birliklari esa deysis birliklar tarzida talqin etiladi” [Сафаров, 2008:16].

Deytik vositalarning asosiy vazifasi muloqot jarayonida til birliklarini voqelik bilan bog‘lash hamda unga nisbatan subyektiv munosabat bildirishdir. Deytik iboralarni qo‘llash nutqning to‘g‘ri shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Ma‘lumki, tilshunoslikda deysis belgilar tasnifi uzoq muhokama qilib kelinayotgan masalalardan biri hisoblanadi. Ko‘pgina tilshunoslar an‘anaga ko‘ra deysisni shaxs, zamon, makon

---

\* O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti kichik ilmiy xodimi;  
nomozova96@bk.ru

deyxislariga ajratib o‘rganishgan. Ushbu maqolamizda makon deyksisi va uni ifodalovchi til birliklarini Alisher Navoiy asarlari badiiy matni misolida tahlilga tortamiz.

Har qanday nutq jarayoni nutqiy faoliyatni amalga oshiruvchi ishtirokchilari (so‘zlovchi va tinglovchi), shu bilan birga, muayyan vaqt hamda o‘rinsiz amalga oshmaydi. Deyksis hodisasi ham yuqorida ta’kidlaganimiz: nutq ishtirokchilari, zamon hamda makonga ishora qiladi. Anglashiladiki, deyksis barcha tillarga xos universal hodisa hisoblanadi.

Makon tushunchasi borliqda sodir bo‘layotgan muayyan vaziyat, muayyan voqeliklarning ro‘y berish nuqtasi bo‘lib, ma’lum bir joyni, o‘rinni anglatadi. Tilda makon semasini ifodalovchi bir qancha til birliklari mavjud. Muloqot jarayonida makonni bevosita ifoda etuvchi til birliklari bilan bir qatorda makonni bevosita ifodalamay, balki unga ishora qiluvchi birliklar ham bo‘lib, ular *makonga ishora qiluvchi deyksis birliklar* deb yuritiladi. Makon deyksisi voqelikning yuzaga chiqish o‘rni, muloqot ishtirokchilari turgan makonga ishorani anglatadi. Makon deyksisining ifodalanishi bevosita konetkst, nutqiy vaziyat bilan aloqadir. Umuman olganda, deyksis hodisasini aniqlashda, deyksisni yuzaga keltiruvchi deyktik belgilarning aynan nimaga ishora qilayotganini tahlil etishda matn qurshovi muhim omil sanaladi.

Yuqorida aytganimizdek, makon deyksisiga ishora qiluvchi birliklar bevosita makonni ifoda etmaydi, ular obyekt yoki subyektning borliqda joylashgani o‘rniga ishora qiladi. Natijada, makon deyksisi hosil bo‘ladi. Makon deyksisiga ishora qiluvchi deyktik belgilar sirasiga ko‘rsatish, gumon, belgilash, bo‘lishsizlik olmoshlari, shuningdek, ayrim so‘roq olmoshlari, o‘rin ravishlari, makonni nomlovchi atoqli otlar, makonga nisbatan ishorani bildiruvchi ayrim fe‘llar, sonlar, *u yer, bu yer, o‘sha yer, hech joy, har joy* kabi birikmalar, *tomon, taraf, yoq, yer, joy* kabi o‘rin-joy otlaridan hosil bo‘lgan birikmalarni kiritish mumkin. Buni quyida Alisher Navoiy ijodidan olingan misollar yordamida tahlilga tortamiz.

Alisher Navoiy o‘z asarlarida ko‘rsatish olmoshlarni mahorat bilan qo‘llanganki, ulardan deyksisning har bir turiga oid misollarni uchratish mumkin. Quyida Alisher Navoiy asarlarida qo‘llangan ba‘zi ko‘rsatish olmoshlarining deyktik vazifa bajarib, makonga ishora qilganini ko‘rib o‘tamiz:

*O‘zini ko‘rdi bir biyobonda*

*Kim, ulus behisob edi anda.* [Сабаъи сайё, 1992:152]

Mazkur baytning ikkinchi misrasida qo‘llangan **anda** ko‘rsatish olmoshi deyktik vazifa bajarib, birinchi misradagi *biyobonda* so‘ziga, ya‘ni voqelik sodir bo‘layotgan joyga ishora qilgan. Natijada, makon deyksisi yuzaga kelgan. Demak, keltirilgan misolda deyktik vazifani olmosh turkumiga mansub so‘z o‘z zimmasiga olgan.

Quyidagi misolda ko‘rsatish olmoshi hamda ot turkumiga oid so‘z makon deyksisini hosil qilgan:

*“Bir kun bir rafiq bila bir yo‘lda borur erdi. Rafiqi aytdi: Sen munda tur. Mening bu yaqinda juzviy ishim bor. Kelurmen. Bordi va kelmadi. Ul hamul yerda turdi”.* [Насойим ул-мухаббат, 2001:193]

Mazkur misolda **munda** ko‘rsatish olmoshi muayyan o‘ringa ishora qilgan, ya‘ni matnda keyingi qismga ishora qilgan. Oxirgi gapdagi **yerda** so‘zi matnda oldingi qismga ishora qilgan. Bu so‘zning matnda oldingi gaplarda tilga olingan joyga ishora qilgani seziladi.

Ayrim ko‘rsatish olmoshlari yakka o‘zi ham, shuningdek, o‘zi birikib kelgan so‘z bilan birga ham makonga ishora qilishi mumkin. Masalan, *Mavlono Jaloliddin – Mashhaddindur. Ali Zayniddinkim, ul yerda muttayıin kishi erdi va xonaqohi ham bor edi, aning avlodidindur.* [Мажоли ун-нафоис, 1997:84]

Ushbu mikromatndagi **ul yerda** birikmasi matnning oldingi tarkibiy qismiga ishora qilgan. Bu deyktik birlik birinchi gapdagi *Mashhadga*, ya‘ni ma‘lum bir joyga ishora qilgan. Quyidagi misolda esa belgilash olmoshi makon deyksisini yuzaga keltirgan:

*“Jabrail a.s. ul shahlarni yerdin qo‘ng‘orib, osmong‘a eltib, sarnigun yerga urdi va ul yerdin har kishikim, har qayda bor erdi*

*sijjal toshi yog‘ib, borisin halok qildi*”. [Тарихи анбиё ва ҳукамо, 2000:115]

Bu matn pachasida belgilash olmoshi sifatida qaraluvchi **har qayda** olmoshi makonga ishora qilgan. Olmoshning yuqorida misollar orqali ko‘rsatilgan turlaridan tashqari ayrim so‘roq olmoshlari ham makon deyxsisiga ishora qiladi:

*Qayda sunbuldin nasim eskach, kirar jismimg‘a ruh*

*Kim, degaymen anikim zulfı parishoningcha bor?* [Наводир уш-шабоб, 1989:107]

Mazkur baytning birinchi misrasida *qayda* so‘roq olmoshi makonga ishora qilib, makon deyxsisini hosil qilgan, ya‘ni voqelik sodir bo‘ladigan o‘ringa ishora qilgan.

*Ne so‘z kim demish ul desang, arz etay*

*Desang yo‘q, qayondinki keldim, ketay.* [Садди Искандарий, 1993: 157] Ushbu misralarda qo‘llangan qayondinki so‘roq olmoshi ham muayyan o‘ringa,

ya‘ni so‘zlovchining kelgan joyiga ishora qilgan.

Quyida keltirilgan misolda bo‘lishsizlik olmoshi ham makonga ishora qilgan:

*“Ammo bir turkiyasi bor ermish, jamilakim, oni o‘zi bila elta olmas ermish va shaharda dog‘i qo‘yarda hech yerga e‘timodi yo‘q ermish”.* [Насойим ул муҳаббат, 2001: 66]

Ushbu mikromatnda **hech yerga** birikmasi makonni ifodalab, o‘zidan oldin tilga olingan butun shaharga ishora qilgan.

Yuqoridagi misollardan ko‘rinib turganidek, tilda makon deyxsisiga ishora qiluvchi birliklar rang-barang bo‘lib, ular ishoraviylik xususiyatidan tashqari, matn izchilligini ta‘minlovchi vositalar hamdir. Alisher Navoiy asarlaridan keltirilgan misollar ushbu fikrlarimizning yaqqol dalilidir. Buyuk shoirimiz ijodida deyxsisning deyarli barcha turiga ishora qiluvchi deyxitik birliklar ishtirok etgan misollarni uchratish mumkin. Shoir ularni shunchalik mahorat bilan qo‘llaganki, ular matnning badiiy qiymatini yanada oshirgan. Shu bilan birga, shoir lirik asarlari orqali aytmoqchi bo‘lgan fikr yanada oydinlashgan.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Алишер Навоий. Мажоли ун-нафоис. Йигирма томлик, учинчи том. - Тошкент: Фан, 1997. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
2. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Йигирма томлик, тўртинчи том. – Тошкент.: Фан, 1989. – Б 526
3. Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат. Йигирма томлик, ўн еттинчи том. - Тошкент: Фан, 2001. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
4. Алишер Навоий. Сабъаи саёёр. Йигирма томлик, ўнинчи том. – Тошкент.: Фан, 1992. – Б 491.
5. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Йигирма томлик, ўн биринчи том. – Тошкент.: Фан, 1993. – Б 727.
6. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Йигирма томлик, ўн олтинчи том. - Тошкент: Фан, 2000. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
7. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Йигирма томлик, тўртинчи том. – Тошкент: Фан, 1989. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
8. Сафаров Ш.Прагмалингвистика. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2008.

## “ХАЙРАТУЛ АБРОР” ДОСТОНИДАГИ ЎҒУЗ УНСУРЛАРИ

Баратова Севара \*

**Аннотация.** Мақолада “Хайратул аброр” достонида учрайдиган ўғузча сўзлар тадқиқ қилинган. Уларнинг ҳозирги кундаги муқобиллари ва шеваларда сақланиши ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўз:** Ўғуз лаҳжаси, туркий тил, шева, этмак, илқи, эв.

Навоий тили, умуман, эски ўзбек адабий тили қарлук лаҳжасига асосланган. Мумтоз адибларимиз асарларида, айниқса, шеърятда ўғуз лаҳжасига хос лексик бирликлар ҳам кўлланган. “Ўзбек адабий тилининг шаклланишида фаол иштирок қилган унсурларлардан яна бири ўғуз ёки ғуз уруғ-қабилалари тили эди” [“Навоий ва адабий таъсир масалалари”, 1968: 242]. “Энди Алишер Навоий асарлари тилида кўплаб учрайдиган ўғуз элементларига келсак, масала анча мураккаб” [“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2018: 99].

Шунинг учун ҳам ўғузча сўзлар Алишер Навоий ва бошқа шоирларимиз луғат бойлигининг оз қисмини ташкил этса-да, лекин улар услубнинг поэтик кўтаринкилигини таминлашга, мумтоз шериятимизни оҳангдор, жарангдор ва жозибадор бўлишига хизмат қилган” [“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2014:26]. “Маҳмуд Қошғарий “тилларнинг енгили ўғузча” дейди. Шу боис мумтоз ўзбек адабиёти вакилларининг асарларида ўғузча сўзларнинг қайд этилганига гувоҳ бўламиз.

Навоий асарларидаги ўғузча сўзларни тадқиқот объекти сифатида олдик. Алишер Навоий асарларидаги ўғуз унсурларини аниқлашда “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кичик илмий ходими; [baratovasevara07@gmail.com](mailto:baratovasevara07@gmail.com)

чоп этилган “Навой асарлари тилида ўғуз лаҳжасига хос унсурлар” мавзусидаги мақоладан фойдаланган ҳолда, “Хамса” асаридаги биринчи дoston “Ҳайратул аброр”даги ўғуз лаҳжасига оид бўлган сўзларни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Асарда учрайдиган ўғузча сўзлар қуйидагилар:

“тева” (туя):

Матбах аро юз тева қурбон эди,  
Қую қўзи беҳаду поён эди. [“Ҳайратул аброр” 1991: 152].

Асарда келтирилган ўғуз лаҳжасига оид **тева** (туя) сўзи Гулҳаний ижодида ҳамда Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида учрайди. Масалан, *Тевага миниб кейнингдан бара эрдим* [Турсунов, Ўринбоев, Алиев, 1995:154].

**“ўйла” (ундай, ўшандай)**

Ўйла гаодулки бўлуб тўрт зид.  
Борча тараккуб юзидин муттахид.

**“этмак” (этмоқ, қилмоқ)**

Хирқа била топмағани ихтисос,  
Танни риё тўнидин этмак халос.

**“доғи” (тағин, яна)**

Жумла жаҳон шаҳлиғидин ори бор,  
Кимки гаодур доғи бир ёри бор.

**“илқи” (от)**

От анга тортарки, юз илқиси бор,  
Сим анга берурки, юз илғиси бор.

**“ўксук” (камаймоқ)**

Қай бириким ўксук эрур покидин,  
Ожиз эрур ақл анинг идрокидин.

**“эл” (қўл)**

Силкибон эл яхши-ёмониға энг,  
Англаб улус йўқию борини тенг.

**“бўйла” (бундай)**

Бўйла таҳоратни қилур ҳар хасис,  
Ўзга таҳорат доғи бордур нафис.

**“айламак” (қилмоқ)**



Тиг агар чекса нечукким қуёш,  
Айламак онинг сўнгида меҳр фош.

**“адими” (исмимни, отимни)**

Қайда адими Яман идрок этиб,  
Айлади қурбон ани юз чок этиб.

**“дур” (гур)**

Бир дур агар айласа зоҳир жамол,  
Иккиси жамъ ўлмоқ эмас эҳтимол.

**”айламаку” (қилмоқ)**

Эй қилибон қаҳр ила лутфунг шиор,  
Борни йўқ айламаку йўқни бор,

**“киби” (каби)**

Ўқ киби тузлар бори андин залил,  
Кишдин ихрож бўлуб мил-мил.

**“эв” (уй)**

Эв ияси бўлсаву сен — яхшироқ,  
Балки тутуб эв била сен лек қироқ.

**“инонмас” (ишонмас)**

Сидқ хитоби яна ёнмас анга,  
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга.

**“гузин” (кўзини)**

Ким ики ҳамдамни қарин англаса,  
Васл эвида айш гузин англаса.

“Ҳайратул аброр” достонида келтирилган ушбу лексик унсурлар турли қўшимчаларни олган ҳолда келган. Масалан, уй хайвонларига оид сўзлардан **илқи** сўзини олайлик.

От анга тортарки, юз илкиси бор

Сим анга берурки, юз илғиси бор.

Ўзак – *илқи* ўғузча, қўшимча *и(си)* эса қарлуқ лаҳжасига оид ҳозирги ўзбек адабий тилига хос. “Илқи” сўзи ҳозирги кунда ўзбек адабий тилида ишлатилмайди, лекин **илқи-йилқи** маъносида сақланиб қолган.

**Эв** – **уй** сўзи “Ҳайратул аброр” достонида 23 марта қайд этилган.

Тулқуву ит кулгу эшигин очар,  
Шер кўрингач улус эвдин қочар.

Берилган ушбу мисрада **эвдин** сўзи “уйдан” маъносига тўғри келади. Бу мисрада эв (уй) – ўзак, –дин (-дан) эса чиқиш келишиги кўшимчаси ҳисобланади. “Эвдин” сўзида эв ўғузча, -дин эса қадимги туркий тилнинг жанубий гуруҳ диалекти ҳисобланиб, уйғур ёзуви асосида пайдо бўлган. Чиқиш келишиги *-дын/-дин, -тын/-тин*, аффикси билан ифодаланади” [Турсунов, Ўринбоев, 1982:26].

“Эв” сўзи янада кенгроқ ўрганилса, бу сўзнинг тарихи ҳақида У.Турсунов, Б.Ўринбоевлар шундай дейди: “Бир нечта сўзлар орасида **эв/эб (уй)** сўзи булар даставвал ўзбек тили лексикасида кўринади. Қадимги туркий тилдаги кўпчилик сўзлар қадимги ўзбек тилига ҳам қабул қилинган. Улар турмушнинг турли соҳаларига оид сўзлардир” [Абдурахмонов, Рустамов, 1982: 33]. **Эв** сўзи Ҳофиз Хоразмийнинг девонида ҳам учрайди.

Султон-и хаёлинг кўнглум эвина доим,  
Тушса, не ажаб бор, ўшул эвда назофат.

[1- китоб, 69 б]

Ўзбек адабий тилининг шаклланишида ўғуз тиллари ва ўзбек тили таркибига кирувчи ўғуз лаҳжасининг ўрни катта. Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида учрайдиган ўғузча сўзларнинг баъзилари, ҳозирда адабий тил нуқтаи назаридан шева саналаётган сўзларни кўриб чиқайлик.

“Этмак” “Ҳайратул аброр”да “этмоқ, қилмоқ” маъносида келган. Хоразм шеvasида эса “айтмоқ, демоқ” маъноларида ишлатилади. Ўксук-хафа бўлмоқ, бўйла-тенглашмоқ, айламак-айламоқ, адимиадими, этмак-айтмоқ, гузин-гузин сўзлари шеваларда сақланган, аммо базилари умуман бошқа маъноларда ишлатилади.

Б.Эрпўлатнинг “Алишер Навоий асарларида хоразм шевалари” мавзусидаги мақолада “алоло” ва “муфт” сўзларини ўғуз лаҳжасига оид, ҳозирги кунда Хоразм шеваларида учрайди

деб беришган. Ҳақиқатдан ушбу сўзлар Навоий асарларида учрайди. “Ҳайратул аброр”да ҳам бир неча марта такрорланган.

Базмда ул лаҳза алолони кўр,  
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.

**Алоло – шовқин-сурон** маъносида келган.

Дўстға шаҳ молини сотиб нухуфт,  
Борча ўн олтунни бир олтунга муфт.

**Муфт – текин** маъносида келган.

Келтирилган ушбу сўзлар ҳозирда Хоразм воҳасида кенг қўлланилади. Лекин ушбу сўзни луғатлардан текширилганда “алоло” арабча, “муфт” форсча сўз эканлиги маълум бўлди. “Энди Алишер Навоий асарлари тилида кўплаб учрайдиган ўғуз элементларига келсак масала анча мураккаб”, [“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2018: 99]. Чунки вақт ўтиши билан тилдаги сўзлар у шевадан, бу шевага ўтиши ишни анча мураккаблаштиради. “Шунинг учун ҳам бу мавзуга бағишланган ишлар жуда кам” [“Ўша асар”, 2018: 99]

Хуллас, биргина “Ҳайратул аброр” достонида эмас, Навоийнинг барча асарларида ўғуз унсурлари учрайди. Уларнинг аксарияти шеваларда сақланиб қолган. Чунки асар ҳар қандай ижодкор томонидан маълум бир доирада яратилади. Ушбу яратилган асар эса ёзувчининг миллатини, тарихини, тилидаги ўзига хос морфологик, лексик, фонетик, синтактик томонларини очиб беради. Бу орқали эса тил тарихини ўрганиш мумкин.

Навоий асарларидаги ўғузча сўзларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ўтмишда тарихи, тақдири бир бўлган халқлар тилини умумлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Ўзбек тили тарихини тадқиқ қилишда Алишер Навоийдек буюк сиймолар ижодини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Навоий ва адабий таъсир масалалари”. – Тошкент, 1968. – Б. 242.
2. Юсуфов Б. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2014 й. 26 ноябрь. Р-0283.
3. Юсуфов Б. “Навоий асарлари тилида ўғуз лаҳжасига хос унсурлар” //Ўзбек тили ва адабиёти. 2018 №2. – Б. 99.
4. Алишер Навоий. Ҳайратул аброр”. – Т. 1991: 152
5. У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Алиев, “Ўзбек адабий тили тарихи”. – Т.: 1995. – Б. 154.
6. У.Турсунов, Б.Ўринбоев, “Ўзбек адабий тили тарихи”. – Т.: 1982. – Б. 26.
7. Ф.Абдурахмонов, А.Рустамов, “Қадимги туркий тил”. – Т.: 1982. – Б. 33.

## **O‘ZBEKCHA REALIYA BIRLIKLAR ISHTIROKIDAGI BARQAROR BIRIKMALARNING LINGVOMADANIY TADQIQI**

**Yusupova Adiba Matlubovna\***

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada realiyalarning milliy-madaniy belgilarni o‘zida saqlovchi va ularning davomiyligini ta‘minlovchi lingvomadaniy birliklar sifatida ibora tarkibida tushunilishi (persepsiyasi) masalalari yoritilgan, o‘zbek xalqining madaniyati, urf-odatini aks ettiruvchi realiyalar ishtirok etgan iboralarning qo‘llanishi, o‘zbek millatining an‘anaviy fikrlash tarzi va subyektiv munosabatini o‘zida aks ettirish xususiyatlari izohlangan. Maqolada realiya birliklar ishtirok etgan iboralarning xalq tajribasi, sinchkovligini o‘zida mujassamlantirgani ta‘kidlangan.*

***Kalit so‘zlar:** realiya, madaniy qadriyat, madaniy belgi, lingvokulturologiya, milliy kiyim-kechak, uy-ro‘zg‘or realiyali iboralar.*

Realiyalar ma‘lum bir xalqning madaniyati, turmush tarzi, dunyoqarashi, mifologiyasi bilan bog‘liq tushunchalar bo‘lib, boshqa madaniyatlarda tushuncha holda ham, so‘z holda ham kuzatilmaydi. Realiyalarning qo‘llanish ko‘lami keng. Realiyalar tarixiy yozma manbalarda, folklor asarlarining turli janrlarida, maqol va matallarda, dostonlarda, frazemalarda uchraydi. Bu borada “Devonu lug‘otit turk” asarini “turkiy xalqlar realiyalari xazinasini” sifatida baholash mumkin. Realiyalar badiiy adabiyotda ishlatilib, nafaqat stilistik maqsadlarda, balki milliy, mahalliy va tarixiy kolorit hosil qilish uchun xizmat qiladi. Kitobxon o‘z dunyoqarashi, saviyasi, salohiyatidan kelib chiqib, realiyalarni, realiya ishtirokidagi matnlarni har xil qabul qiladi, tushunadi. Fikrimizning tasdig‘i

---

\* O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti kichik ilmiy xodimi; adibashkayusupova@gmail.com

sifatida badiiy asarlarda keltirilgan realiyalarning qanday tushunilishini ko‘rib chiqamiz. Do‘ppi o‘zbek madaniyatidagi realiyalar orasida eng mashhuri va realiya ichida realiyani hosil qiluvchi tushunchalardan biridir. Realiyalar tarixiy jihatdan eskirishi, hozirgi tinglovchiga tushunarli bo‘lmay qolishi mumkin. Natijada bu realiyani tushunilish oson bo‘lgan boshqa realiya birlikka almashtirish ehtiyoji tug‘iladi. Sallani ol desa, kallani olmoq frazemasidagi salla komponenti qo‘llanmasligi tufayli do‘ppi leksemasi bilan almashtirilgan: *Do‘ppiga qo‘shib faqat boshni emas, oyoq-qo‘lni ham qiyma-qiyma qilib olib keladi*[Tohir Malik, 2007: 28]. Ushbu gapda sallani ol desa, kallani olmoq iborasining ijodiy o‘zgartirilganini ko‘rish mumkin. Salla so‘zi o‘rniga do‘ppi so‘zi qo‘llangan bo‘lsa, kalla so‘zi bosh so‘ziga o‘zgartirilgan. Kalla so‘zi sallaga qofiyadosh bo‘lib, ohang jihatidan uyg‘unlikni ta‘minlaydi. Sallaning do‘ppiga o‘zgarishi do‘ppidagi lab undoshlariga monand bosh so‘zi tanlangan. Yozuvchi bu ibora orqali ayrim kishilarning boshliqlarga yoqish maqsadida berilgan ko‘rsatmani me‘yoridan oshirib bajarish holatini kinoya bilan ifodalaydi. Bosh yorilsa, do‘ppi ostida. Varianti: Bosh yorilsa, bo‘rk ichida. Bo‘rk – charmdan, qorako‘ldan yoki sherozi mo‘ynadan silindrsimon qilib tikilgan erkaklar qishlik bosh kiyimi[Shomaqsudov, Shorahmedov, 2001: 12]. Bo‘rk so‘zining arxaiklashuvi, ya‘ni iste‘moldan chiqishi natijasida uning o‘rnini do‘ppi so‘zi egalladi. Do‘ppi realiyali bu frazemada aybni, dardni o‘zgalar ko‘zidan nari tutish, bildirmaslik, sirini bermaslik tushuniladi. Iboraning mazmuni bardosh, chidam, oqil-fozillik, uzoqni o‘ylash, bosliqlikni ta‘sirchan ifodalashga qaratilgan. Do‘ppi ishtirokidagi matnlar tahlilidan shu xususiyat ma‘lum bo‘ladiki, do‘ppining o‘zi realiya sifatida millatga xos belgini namoyon etadi. O‘z navbatida mazkur so‘z ishtirokidagi frazemalar ham millatga xos bo‘lgan qadriyatlar, urf-odatlarini ta‘sirchan aks ettirishda o‘z o‘rniga egadir. Milliy bosh kiyimlardan biri bo‘lgan lachak turkiy xalqlarga xos madaniyat belgisidir. Lachak qatlamlarining inson yoshiga qarab belgilanishi, lachakning yuqori qismida pardoz-andoz buyumlari uchun maxsus joy ajratilishi turkiy

xalqlar madaniyatining qadimiy ildizlaridan dalolatdir. Lachak – bosh uzra ikki chakkadan ko‘krakka qadar osilib turadigan mato (surp yoki doka). Lachak do‘ppi – atlas yoki qora satindan tikilib, dumaloq shaklda tepa qismi burib qo‘yiladigan kampirlar do‘ppisi[Rahmatullayev, 2000: 97]. Buni “dakana” deb ham ataganlar. Mana shunday lachak o‘ragan ayollarni, shuningdek, mo‘min-qobil, sodda, ko‘ngilchan, rahmdil odamlarni ko‘chma ma’noda “lachakpo‘sh” deb ataganlar. Lachakpo‘shning keti ochiq. Xalqning so‘zlashuv tilida ba‘zan shunday iboralar ham uchrab turadi: “... O‘ziyam lachakpo‘shgina, darrov ishga qovushib, kirishib keta qoladi”, “Buning lachakpo‘shligi qursin, hammaga rahm qilib, ulashib, o‘zi quruq qoldi[Shomaqsudov, Shorahmedov, 2001: 203]. Kichik tadqiqot “Bo‘zchi belbog‘ga yolchimas, kulol mo‘ndiga”. Realiya hisoblangan belbog‘ o‘zbek xalqining milliy libos qismi bo‘lib, belga bog‘lanadigan, to‘rtburchak shaklidagi gulli yoki gulsiz chetlari tikilgan mato parchasi; qiyiq; qiyiqcha[Shomaqsudov, Dolimov, 1961: 80]. Mo‘ndi – ko‘va, ko‘vacha bo‘lib, unda zig‘ir yog‘ saqlangan. suv tashib kelingan, ammo undan suv ichilmagan. Bu maqolni izohlaydigan bo‘lsak, o‘tmishdagi ijtimoiy tengsizlik, haq-huquqsizlik hukm surgan zamonlarda bevosita moddiy boyliklar yaratgan mehnatkashlar o‘z mehnatlari samarasidan bahramand bo‘la olmaganliklari aks etgan: “Kulol mo‘ndidan suv ichar”. Maqolda kulol o‘zi yasaydigan idish-tovoqlarga azbaroyi yolchimaganidan, mo‘ndidan suv ichishga majbur bo‘ladi, degan ma’no yotadi[Rahmatullayev, 2000: 110]. Realiya sifatida nafaqat ashyolarni, balki milliy-madaniy qadriyatlar ifodalangan tushunchalarni ham talqin qilish mumkin. O‘zbek xalqida shunday iboralar borki, ularda milliy-madaniy munosabatlar, qadriyatlar o‘z ifodasini topadi. Iboralarning markazida turuvchi, ya’ni etalon sifatida olingan komponentlar o‘zbek tilining lingvokulturologik xususiyatlarini ko‘rsatuvchi lingvokulturemalardan biri sanaladi.

Gapimiz tasdig‘i sifatida iboralarning xalq tomondan qanday tushunilishini izohlaydigan bo‘lsak, **Paytavasiga qurt tushdi** iborasi “xotirjamligi buzilib, bir yerda tinch tura olmaslik” ma’nosini

ifodalaydi. *Paytava* etik, mahsi va shu kabilarni kiyishda oyoqqa o‘raladigan mato. *Hudaychi jo‘nag‘ach, qo‘rg‘on begining paytavasiga qurt tushib, tipirchilab qoldi va u yoqdan-bu yoqqa yugira boshladi: — Hoy qo‘rg‘on ustidagi azamatlar!*[ Qodiriy, 2004: 81]

Ushbu matnning mazmunini anglash uchun tinglovchi, avvalo, paytava nima ekanligini bilishi kerak. Bu ashyoni hozirgi avlodning hammasi ham tushunadi, deb bo‘lmaydi. Shahar joylarda paytava o‘ralmaydi. Qishloq joylarda ham deyarli paytava o‘ramay qo‘yishdi. Paytava oyoqda uzoq vaqt turishi, namlanishi natijasida oyoqda har xil parazitlarning paydo bo‘lishiga olib kelgan. Bu esa insonlarni bezovta qilgan. Xalq tajribasi asosida shakllangan ibora semantikasi ana shu jarayonga ishora qiladi.

Erkin Vohidov paytava realiyasi orqali yuksak darajada badiiylik yaratishga erishgan. “O‘zbek Navoiyni o‘qimay qo‘ysa...” degan she‘rida “O‘zbek Navoiyni o‘qimay qo‘ysa,...paytavaning salla bo‘lgani shudir” degan misralarni uchratamiz. Agar kitobxon *paytava* haqida tasavvurga ega bo‘lmasa, she‘rning ta‘sirchan badiiyatidan bahra ololmaydi. Paytava haqida tasavvurga ega bo‘lgan she‘rxon esa shoirning mahoratiga tan beradi: “o‘rash” semasidan foydalanib, shoir oyoqqa o‘raladigan ashyoni boshga o‘ragan nodon, kaltafahm shaxs qiyofasini gavdalantirgan.

***Soyasiga ko‘rpacha solmoq.*** Bu o‘rinda so‘zlovchining o‘zi murojaat qilayotgan shaxsni avaylagani, yaxshilab yurgani ma’lum bo‘ladi. *Men seni kim ko‘rganga maqtab, orqangdan ko‘rpacha soldirib yurgan bo‘lsam!*[Hoshimov, 2012: 120] gapida frazemalarni ijodiy o‘zgartirib qo‘llaydi. ***Kim ko‘rganga degan*** ibora “qayerda kimni ko‘rsam – o‘shanga” degan ma’noni bildiradi. “Orqangdan ***ko‘rpacha soldirib yurgan*** bo‘lsam” degani, ***soyasiga ko‘rpacha solmoq*** iborasining o‘zgartirgan shaklidir.

Bu ibora semantikasi ham o‘zbek xalqining milliy qadriyatlariga asoslanadi. *Ko‘rpacha solish* aslida xalqning mehmonga bo‘lgan hurmatini ifoda etadi. Soyaga ko‘rpacha solish



esa hurmatning me'yordan ortganligi, laganbardorlik tushunchasini ta'sirchan aks ettiradi.

***Bo'yiga qarab to'n bichmoq - eshagiga yarasha tushovi, ko'rpangga qarab oyoq uzat, teng — tengi bilan, tezak qopi bilan*** iboralarining muqobili. Kishining moddiy, ma'naviy, iqtisodiy imkoniyatlari, saviyasi, mavqei, jamiyatda tutgan o'rniga qarab unga baho beriladi. Ya'ni obrazli qilib aytganda, “bo'yiga qarab to'n bichiladi”. To'n bo'ydan uzun, kalta, keng — tor bo'lsa, qalb bilan qiyofaning muvozanati buzilib, nomutanosiblik, kulgi, masxara bo'lishga olib keladi.[O'zME, 2000: 208]

***Kalavaning uchini topmoq*** iborasi- chigal masalani yechimini topmoq, jumboqni hal qilish yo'lini topmoq. Kalava ip, yigirilgan ip — 1) to'qimachilik tolalarining barcha turlaridan tayyorlangan pilkiyaan pilta mashinada olinadigan iplarning asosiy turi, xom ip. Bir necha tolani yumshoqqina himarib (ba'zan yelimplab) hosil qilinadi. Ipdan foydalanish uchun, albatta, uning uchi topiladi. Aynan chigal vaziyatda bir muammoni yechimini topilganda ham shu ibora qiyoslanadi: *Ammo Otamurod Korgar bugun kalavaning uchini topgandek bo'ldi.*[To'xtaboyev, 2010: 197]

***Bo'zchining mokisiday*** iborasi to'xtovsiz ko'p marta, serqatnov tushunchalarni ifodalaydi: *uning aytishicha, bizning Sobitjon uzzukun telefon oldida o'tirar, boshliqning kabinetini bilan qabulxona o'rtasida bo'zchining mokisiday yelib-yugurar, «Eshitaman, Aljapar Qahramonovich! Xo'p bo'ladi, Aljapar Qahramonovich! Hozir, Aljapar Qahramonovich!» deyishdan boshqa narsaga ulgurmas ekan.*[Aytmatov, 2018: 29]

Yuqoridagi misollar ma'lum bo'lishicha, bu misollarda milliylikni tashiydigan so'zlar orqali o'zbek xalqining frazeologiyasining o'ziga xos frazemasi hisoblanadi. Frazeologizmlar tillarni chuqurroq o'rganishda muhim til birliklaridan sanaladi. U yoki bu tilga xos yangi qirralar ochiladi. Millat vakillarining barcha o'ziga xos xususiyatlarini qamrab oladi. Frazeologik birliklarning tahlillaridan ko'rinib turibdiki, ularning ko'pchiligida o'zbek millatining an'anaviy fikrlash tarzi va subyektiv

munosabati o‘z ifodasini topgan. Chunonchi, xalqimiz tomonidan bu kabi frazeologizmlar milliy-madaniy belgilarni o‘zida saqlovchi va ularning davomiyligini ta‘minlovchi lingvomadaniy birliklar sifatida qadrlanadi, deb xulosa qilish mumkin.

Har bir xalq asrlar davomida juda katta hayotiy tajriba to‘playdi, shu tajribani turli vositalar bilan kelajak avlodlarga meros qilib qoldiradi. Maqollar, iboralar ana shunday ma‘naviy merosimiz hisoblanadi. Inson hayotining hech bir sohasi yo‘qki, u maqollarda yoxud iboralarda o‘z aksini topmagan bo‘lmasin. Mazkur an‘ana ko‘rinishiga ega realiyalar kishilar hayotida muhim ahamiyat kasb etibgina qolmay, ularning turmush tarzi, urf-odatları, qadriyatları namunasidir. Yosh avlodni ularga hurmat ruhida tarbiyalash nafaqat estetik tarbiya, balki ma‘naviy va axloqiy barkamollikni ta‘minlashi shubhasiz.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Tohir Malik. Davron. – Toshkent, 2007. – B.28.
2. Shomaqsudov Sh., Shorahmedov Sh. Ma‘nolar maxzani – Toshkent, 2001.
3. Rahmatullayev Sh. O‘zbek tilining etimologik lug‘ati. – Toshkent: Universitet, 2000.
4. Shomaqsudov Sh., S. Dolimov. Keng uyning kelinchagi. – Toshkent, 1961.
5. Qodiriy, Abdulla. O‘tkan kunlar. Roman. /«Asr oshgan asarlar» turkumi / Tahrir hay‘ati: Bobur Alimov va boshq. – T.: «Sharq», 2004. B-81.
6. Sattor M. O‘zbekning gapi qiziq. Toshkent, Tafakkur qanoti, 2011
7. Hoshimov O‘. Ikki eshik orasi. – T.: «Sharq», 2012. B-120.
8. O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.
9. To‘xtaboyev X, Qasoskorning oltin boshi: roman. - T.: Yangi asr avlodi, 2010. –B. 197.
10. Ch. Aytmatov. Asrga tatigulik kun. Roman. rus tilidan Asil Rashidov tarjiması. - Toshkent, Yoshlar nashriyot uyi, 2018. B-29.

## **БОЛАЛАР НУТҚИ: МЕТАФОРА ВА МЕТОНИМИЯ**

**Ахмедова Нилуфар Сафаровна\***

***Аннотация.** Мақолада болалар нутқида метафора ва метонимиянинг қўлланиши, уларнинг вазифаси, юзага келиш омиллари, болаларнинг бу коннотатив маъноларга муносабати ҳақида фикр юритилади.*

***Таянч сўзлар.** Метафора, метонимия, коннотатив хусусият, конкрет образлар.*

Инсониятнинг яшаш тарзи, фикрлаши, фаолияти метафорик тарзда кечар экан, [ Лакофф Дж, Джонсон М., 1997: 387] метафораларнинг болалар нутқида қўлланишига ҳам турлича ёндашувлар кузатилади. О.В.Шабалинанинг таъкидлашича, баъзи олимлар (Л.С.Виготский, Ж.Пиаже, С.Л.Рубинштейн, А.М.Шахнарович) болалар нутқида ҳали метафоралар учрамайди дейишса, айримлар эса (Э.Виннер, М.Б.Елисева, К.Фюнфштюк, В.К.Харченко), аксинча, 2-3 ёшдаёқ бола метафорадан фойдаланади, деб таъкидлайдилар. Олиманинг болалар нутқида қўлланувчи метафораларга оид тадқиқотида метафораларнинг онтогенезда шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг нутқда ҳаракатланиши, метафораларнинг семантик белгилари турли нутқий муносабатларга кўра ўзгариб бориши каби ҳолатлар ёритилади. [Шабалина, 2007 : 21]

Бизнингча ҳам, болалар шу ёш оралиғидан бошлаб ўз нутқида метафораларга мурожаат эта бошлайди. Бу жараён болалар нутқида, айниқса, ўзига хос тарзда кузатилади. Болаларнинг метафораларга ҳали кўникмаганлиги уларда баъзан акс таъсир ҳолатини туғдириши ҳам мумкин. Масалан:

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти; nilufar.axmedova.1973@mail.ru

*Уч яшар қизалоқ ойисига деди:*

*– Ойи, узугингизнинг кўзи тушибди.*

*Шунда ойиси қизидан:*

*– Узукнинг ҳам кўзи бўладими?– дея сўраса, қизалоқ бир оз ўйланиб туриб, қатъий оҳангда:*

*– Йўқ, – деб жавоб беради. (Дилрозбегим, 4 ёш)*

Чунки метафораларга тафаккур шунчалар эҳтиёж сезадики, инсон уларни нутқида қўллаганида бундай бирликларнинг коннотатив хусусияти ҳақида мутлақо тасаввурга ҳам эга бўлмайди. Болалар ҳам бундай эҳтиёжларни ўзлаштириб олишганки, фақат сўзнинг ўз маъносига урғу берган ҳолдагина сергак тортишиб, эътироз билдиришлари мумкин.

Демак, инсондаги метафораларга бўлган туғма лаёқатни болаларнинг тилни ўзлаштириш жараёни орқали ҳам кузатса бўлади. Нутқда метафорик бирликлар қанча кўп такрорланса, болалар уларни одатий ҳолдек қабул қилишади. Акс ҳолда, Чуковский таъкидлаганидек, катталар сўзлар, оғзаки формулалар билан фикрлайди, “...кичик ёшдаги болалар эса нарсалар, предметлар олами билан фикрлайди. Уларнинг фикрлари конкрет образлар билан боғлиқ. Шу сабабли улар бизларнинг мажоз ва метафораларимизга бундай қизгин қаршилиқ билдиришади”. [Чуковский, 2005: 49]

Ваҳоланки, уларнинг атрофидаги ҳаёт тилда метафоралар олами билан уйғундир.

Хуллас, болалар нутқида метафора икки хил, яъни

а) номлаш (номинатив);

б) баҳолаш вазифаси учун қўлланади. Масалан:

*... Бувижон, момақалди роқни кўрдингизми, осмонда шундай чақдики, ҳатто чақмоқнинг илдизларигача кўришиб кетди, ўз кўзим билан кўрдим, – деб ҳовлиқди. (М.Содиқова. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам.)*

Ушбу мисолда бола чақмоқдан таркалаётган электр қувват йўналишларини илдизга қиёслаб, янгича номлайди.

Кейинги мисолда эса бола нутқида метафора муайян жараёнга ўз баҳо муносабатини билдириш мақсадида ҳосил бўлган:

... *Кўйлагини ювсам, гули кетинқиради, уни кўриб: “Кўйлагимнинг гули сўлиб қолди”, – деб хафа бўлиб юрибди.* (Шухрат. Олтин зангламас)

Тадқиқот давомида болалар нутқида метафораларнинг юзага келишида уч хил муносабатни кузатдик.

1. Нарса – метафора – тил
2. Ҳаракат – метафора – тил
3. Белги – метафора – тил

Бундай муносабат болаларнинг нотаниш нарса, белги, ҳаракат-ҳолатларни аташи ёки уларга баҳо бериши натижасида воқеланади. Нарса – метафора – тил муносабатдорлиги асосида ҳосил қилинган мисолларга эътиборни қаратамиз:

*Кеча кўчадан келиб: “Фаттоҳ китобининг пальтосини йиртиб қўйди”,– деб бирам куйиб-пишади, асти қўйинг. Суриштирсам, китобнинг қалин муқоваси йиртилган экан.* (Шухрат. Олтин зангламас)

*Баҳорги таътил пайти*

*Шаҳарга келган Сайфи*

*Трамвайда юрганин*

*Мақтаб дер холасига:*

*– Мазза қилиб миндим-да*

*Поезднинг боласига.* (Д.Ражаб. Поезднинг боласи)

Бу иккала ҳолатда *пальто* – муқова, *поезднинг боласи* – *трамвай* каби метафорик эҳтиёж юзага келади. Бола учун китобнинг жилди нарса сифатида таниш бўлиши мумкин, аммо унинг номини нутқида қўлламаган. Шу сабабли айни вазиятда ўз фикрини баён этиш учун муқова ўрнида ўзига таниш *пальто* сўздан фойдаланади. Бола *қўйлак* сўзини ҳам қўллаши мумкин эди. Чунки *қўйлак* ҳам, *пальто* ҳам инсоннинг устки кийими, унинг танасини ёпиб туради. Бола *қўрна*, *чойшаб* сўзларидан фойдаланмайди, ваҳоланки, улар ҳам шу вазифани бажаради.

Юқорида таъкидланганидек, инсон метафораларни қўллашда жуда лаёқатли экан, бу қобилиятни болалар ҳам тафаккур механизми сифатида ўзлаштириб олади. Аммо муқованинг қалинлиги кўйлакни эмас, балки пальто образини талаб қилса, кийдириб кўйилганлик чойшаб ва кўрпани метафорик қиёслашга тўсқинлик қилади. Қачонки, хотирадаги захира образ билан борлиқдаги фойдаланилиши кутилаётган нарса, белги, ҳаракат орасида хусусиятлар, бажариладиган вазифалар жиҳатидан жуда ҳам яқин қирралар топилса, метафора жонли ва ишонарли бўлади.

Ёки *поезднинг боласи – трамвай* метафорик ҳосиласида боланинг поездни кўрганлиги пресуппозиционал белги бериб, тафаккурда пайдо бўлган трамвай образи рельсда юриши, кўриниши жиҳатидан поезднинг вагонларини эслатиши характерланмоқда. Демак, бола тафаккурида *вагон* сўзи ҳам *поезднинг боласи* метафорик ҳосиласи сифатида аксланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, болаларда бутун ва бўлак муносабатидаги образларни номлашда энг фаол метафорик ҳосила бу *она* ва *бола* жуфтлигидир. Қуйидаги мисол ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Қишлоққа келган куни*

*Ойиси билан Омон.*

*Қариндошлари уни*

*Қилишди роса меҳмон.*

– *Е, – деб ҳандалак тутиб,*

*Суяр экан холаси.*

– *Бунча ширин, – дер Омон, –*

*Оқ қовуннинг боласи.* (А.Ақбаров, М.Қодиров. Кичкинтой ва пахтаой)

Ҳаракат – метафора – тил учлигининг ўзаро таъсири натижасидаги намуналарга қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

Сиз келмасингиздан олдин водопровод жилдираб оқса:  
“Сув чарчаб қолибди!” – деб юрибди. (Шухрат. Олтин зангламас)

– Дарахтларга

Қара, Нодир.

Нега баргин

Тўкаяпти?

– Бу эскиси,

Баҳор унга

Янги кўйлак

Тикаяпти! (О. Тўхташ. Куз фаслида)

– Буви, нега пешонангиз,

Ажин босиб тиришган?

Сабабини айтинг ёки

Хафамисиз бир шидан?

Бунга Зеби холанинг

Қистаб кетди кулгиси:

– Эркатоим, бу ажин –

Қариганлик белгиси.

– Ҳалиги-чи, – деб Акмал

Сўзин баён этади. –

Дазмол босиб олсангиз,

Текис бўлиб кетади. (Т.Адашбоев. Дазмол)

Биринчи мисолда бола сув оқимининг сусайиши, яъни жилдираб оқишини ҳаракатнинг кучсизланиши билан қиёсламоқда. Натижада *жилдираб оқмоқ* – *чарчаб* қолмоқ метафорик қиёсий жуфтлиги ҳосил бўлади.

Иккинчи мисолда эса *барг тўкмоқ* ҳаракатига эмас, балки яширин англашилаётган *қайта барг чиқармоқ* ҳаракатига нисбатан *янги кўйлак тикмоқ* метафорик кўчими қўлланмоқда. Бунда *барг тўкмоқ* ҳаракати *қайта барг чиқармоқ* ҳаракатига нисбатан ишора нуқтаси саналади. Болаларнинг ифодаланган эмас, балки яширинган образларга нисбатан метафораларни

кўллаши яна бир бор инсон тафаккурининг метафорик ҳаётидан далолат беради.

Учинчи мисолдан англашиладики, болалар тасавурида ҳар қандай ғижимланган нарсани дазмол орқали текисласа бўлади. Шу жумладан, ажин тушган инсон терисини ҳам. Бундай ёндашув гарчанд катталарда кулгили ҳолатдек туюлсада, болалар учун ҳақиқат саналади.

Куйидаги мисолда эса белги – метафора – тил муносабати асосида юзага келган мисолни кузатиш мумкин:

*“Қилигинг жуда совуқ”,*

*Койир укасин Эгам.*

*Ҳазиллашиб дер Содиқ:*

*“Неча даража экан?”* (Д.Ражаб. Бахши бола – яхши бола)

Бу ўринда боланинг метафораларга лаёқатли эканлиги ҳамда қилиқнинг совуқ бўлмаслигини билган ҳолда яна унинг ҳарорат даражасини ҳазиломуз сўраши, бир томондан, метафорик бирликнинг воқеликда мавжуд эмаслигини инкор этган бўлса, иккинчи томондан, унинг ҳиссий таъсирини янада кучайтирган.

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, болалар нутқида метафорага нисбатан метонимия ҳодисаси камроқ кўлланади. Бир томондан, “ ... болалар учун нарса ва ҳодисаларнинг алоқадорлигини топиш ва уларни таснифлашдан кўра ўхшашликка мурожаат этиш осонроқ” [Аввакумова, 2014: 245] бўлса, иккинчидан, бу тафаккур фаолияти билан боғлиқ. Таъкидланганидек, тафаккурдаги энг фаол механизмлар булар ўхшатиш ва қиёслашдир. Шу сабабли ҳам нутқимизда метафорик ҳосилалар жуда кўп. Ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалар; пайдо бўлаётган нарса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатларнинг аксарияти метафора ёрдамида номланади.

Метонимия ҳодисаси ҳам болалар нутқида борлиқни ўрганиш воситаси сифатида нутқда вокеланар экан, унинг:



а) маҳсулот ва ном;  
б) объект ва нарса;  
в) белги ва белги ўртасидаги алоқадорликларни ифодаловчи турларини ажратиш мумкин. Фикримизни қуйидаги мисоллар орқали далиллашга ҳаракат қиламиз.

**I. Маҳсулот ва ном ўртасидаги алоқадорлик.** Беш яшар Саъдулла ширгуручни *оисут*, маставани *ошишўрва* деб номлайди. Аслида гуруч + сут, гуруч + шўрва қолипи назарда тутилаётган бўлса-да, бола *гуруч* сўзини *ош* сўзи билан алмаштирмоқда. Бунинг сабаби ўзбек тафаккурида *гуруч* сўзи нафақат болаларда, ҳатто катталарда ҳам миллий таом саналган *ош* ассоциациясини беради. Иккинчидан, *гуруч* сўзининг талаффузидан кўра *ош* сўзининг талаффузи бола учун осонроқ саналади.

**II. Объект ва нарса ўртасидаги алоқадорлик.**

– *Шукрулло, бугун қаердан келдингиз?*

– *Шим олишдан. (Шукрулло, 4,5 ёш. “Бола тилидан”)*

Бир караганда, ушбу жавоб тушунарсиздак туюлади. Аммо ўша нутқий вазият ҳамда боланинг хатти-ҳаракати (ҳадеб янги шимининг тасмасини тузатиш билан овора эканлиги) жавобга ойдинлик киритади. Демак, боланинг жавоби аслида “Шим сотиладиган дўкондан” бўлишини инobatга олиб, бу ерда дўкон ва шим олиш мумкин бўлган жараён ўртасидги алоқадорлик метонимик коннотацияни юзага чиқармоқда.

**III. Белги ва белги ўртасидаги алоқадорлик.**

– *Богчада нима янгиликлар?*

– *Богчада ҳамма уришади.*

– *Нимага?*

– *Мани...*

– *Нимага сизни уришади?*

– *Шаҳноза опамларнинг асаблари хато-де-е-е.*

– *Нимага асаблари хато?*

– *Ўзларининг асабларини бузадилар... (Абдумўмин, 4,5 ёш. “Бола тилидан” кўрсатуви)*

Ушбу диалогдан маълумки, бола тафаккурида боғча тарбиячисининг ҳаддан ташқари асабийлашиши хато, нотўғри иш. Демак, бу бола оилада нисбатан тинч шароитда катта бўляпти. Шу нутқий вазиятда *асаб* сўзи *хато* сўзи билан мантикий жиҳатдан ҳам, лисоний жиҳатдан ҳам муносабатда бўла олмайди. Аммо педагогика нуқтаи назаридан тарбиячининг тарбияланувчиларга нисбатан асабийлашган ҳолда муносабатда бўлиши, бола тили билан айтганда, “хато”. Айнан мана шу қиррасига кўра бу иккала тушунча ўзаро алоқадор бўлиб, метонимик муносабатни юзага келтирмақда. Бу ўринда бола нутқида шунчаки сўзни танлашда хатолик мавжуд, дейиш ҳам мумкин эди. Аммо “болалар нутқий инновациясининг бирор-бири тасодифий эмас” [Цейтлина, 2015] лигини алоҳида таъкидламоқ лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аввакумова Е.А. Метонимия в речи детей. // Мир науки, культуры, образования. – 2014. – № 4 (47). – С. 245.
2. Лакофф Дж, Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём. / Теория метафоры: Сборник: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. – М.: Прогресс, 1990. – С. 387.
3. Чуковский К. И. От двух до пяти. М.: КДУ, 2005. – С.49.
4. Шабалина О.В. Структура и функционирование метафоры в детской речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2007. – 21 с.
5. Цейтлина С. Ни одна детская речевая инновация не является случайной. <https://postnauka.ru/talks/44998> дата публикации 25.03.2015
- 6.

## **МЕДИАЛИНГВИСТИКАНИНГ ТАДҚИҚ ОБЪЕКТИ: МЕДИАМАТН ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Сабирова Мухлиса Кадамовна\***

***Аннотация.** Мақолада медиалингвистика соҳасининг юзага келиш сабаблари, шаклланиш тарихи, олимларнинг медиалингвистика ва унинг тадқиқ объекти ҳисобланган медиаматнга оид қарашлари баён қилинган.*

***Калит сўзлар:** медиалингвистика, медиаматн, медиа каналлари, медиавий белгилар, медианутқ.*

Сир эмаски, маданий тараққиётга эришган ҳар бир жамият ўз ҳаётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётининг ойнаси ва ахборот етказишнинг энг тезкор ва муҳим воситаси ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари кишиларга дунёда юз бераётган воқеалар ҳақида ахборот берар экан, уларнинг руҳиятига, фикрлашига, дунёқарашига ўз таъсирини ўтказиши. А.Абдусаидов ахборот узатишнинг бирламчи воситаси ҳисобланган газета жанрлари тил хусусиятлари таҳлилига бағишланган тадқиқотида оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳаётидаги ўрнига юксак баҳо берар экан, вақтли матбуотнинг вазифалари сифатида информативлик (ахборот бериш), тарғибот, ташвиқот, тарбиявийлик, ташкилотчилик, рекламалилик, таъсирчанлик кабиларни кўрсатиб ўтади. [Абдусаидов, 2005:21-22]

Кейинги йилларда анъанавий оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио, телевидениеда ахборот узатиш кўлами ва ҳажмининг ортиши ахборот технологияларининг мунтазам такомиллашуви билан бирга юз бермоқда. Бутунжаҳон

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти; Sibel\_17@mail.ru

компьютер тармоғи – Интернетнинг ривожланиши эса глобал ахборот маконини шакллантирди. Буларнинг барчаси, яъни оммавий ахборот воситалари тизимидаги ўзаришлар, янгиланишлар ушбу соҳага *медиаматн* терминининг кириб келишига туртки берди. Бугунги кунда медиа каналлари орқали тарқатилаётган медиамаатнлар турларининг кўпайгани уларни илмий асосда ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Юртимизда ҳам оммавий ахборот воситалари тизимига кириб келган рақамли технология, аудиовизуал воситалар ахборот узатишнинг мультимедиаллашувига, яъни «маълумотларни турли медиа платформаларида – матн, фотосурат, аудио-, видео-, графика, анимация ва бошқа шакллар уйғунлигида тақдим этиш»га [Муротова, 2019:86] туртки берди. Бундай имкониятлардан фойдаланиб медиамаатнларни аудиториянинг қабул қилиш даражасига мос равишда, ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қизиқарли, ҳаётий ва жонли (расмлар, видео тасвирлар, аудио маатнлар ёрдамида) тайёрлаш муҳим тенденцияга айланди. [Қурбон, 2019:7] Бу ҳолат медиамаатн турларининг кўпайиши ва такомиллашувига олиб келди.

Кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга доир вазифаларнинг белгилаб берилиши натижасида ушбу соҳада миллий тилдан фаол фойдаланишга ҳам эътибор кучайди. Бу эса оммавий ахборот воситалари тилининг ихчамлик, соддалик, равлонлик, ифодалилик каби хусусиятлари янада такомиллашувига олиб келди.

Маълумки, ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилшуносликда оммавий ахборот воситалари маатнини лингвистик аспектда тадқиқ этишга бағишланган ишлар эълон қилиб борилди. Бу ишларда оммавий ахборот воситалари маатнлари турли йўналишларда: социолнгвистик, функционал стилистик, дискурсив, когнитив, лингвокультурологик

аспектларда таҳлил қилинди. Олимлар эътибори оммавий ахборот воситалари матнининг тил хусусиятларини ўрганиш, турли типдаги медиаматнларни тавсифлаш, ижтимоий-маданий омилларнинг медианутққа таъсирини ўрганиш, нутқий таъсир кўрсатишнинг лингво-медиавий хусусиятларини ўрганиш масаласига қаратилди. Ушбу тадқиқотлар самараси ўлароқ XX аср охирига келиб оммавий ахборот воситалари матнларини ўрганувчи мустақил илмий йўналиш, яъни *медиалингвистика* юзага келди.

Рус олимаси Т.Г.Добросклонская биринчи марта бу соҳадаги тадқиқотларни «медиалингвистика» фани доирасида бирлаштириш таклифини илгари сурди. Бунда медиалингвистиканинг оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишга тизимли илмий ёндашувни таъминлаб бериши, шунингдек, унинг асосий тадқиқ объекти ҳисобланган медиаматнларни ўрганиши лозимлиги кўрсатилди. «Тилшуносликда ушбу янги йўналишга медиаматнларни ўрганувчи турли соҳалар бирлаштирилди. Уларнинг барчаси лисоний ва медиавий хусусиятларнинг диалектик яхлитлигини ифодалайди». [Тешабоева, 2012:51]

*Медиалингвистика* атамаси рус тилшунослигида 2000 йилдан бошлаб ишлатила бошланди. [Добросклонская, 2008:34] Бу даврда илмий адабиётларда мазкур терминнинг инглиз тилидаги варианты («media linguistics») ҳам қўлланилди. Ушбу атамани Жон Корнернинг оммавий ахборот воситалари тили тадқиқига бағишланиб, биринчи марта медиалингвистиканинг предмети ва вазифалари тавсифланган «The Scope of Media Linguistics» мақоласида учратиш мумкин.

Т.Г.Добросклонскаянинг маълумот беришича, ўзида икки базавий компонент – «медиа» (массмедиа) ва «лингвистика»ни бирлаштирган мазкур янги соҳанинг предмети тилнинг оммавий ахборот воситалари соҳасидаги вазифасини ўрганиш ҳисобланади.

«Медиалингвистика бу – медиа соҳасидаги замонавий босма, аудиовизуал ва Интернет тилини ўрганадиган йўналиш» [Тешабаева, 2019:3] ҳисобланади. Медиалингвистика тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида оммавий ахборот воситалари, журналистика ва тилшунослик фанлари кесишмасида юзага келган. Айтиш жоизки, медиалингвистика нафақат медиаматннинг тил хусусиятларини ўрганади, балки оммавий ахборот воситалари ходимлари нутқий хулқ-атвори, нутқий этикет билан боғлиқ муаммоларни ҳам қамраб олади.

Г.Т.Добросклонская замонавий тилшуносликда медиалингвистиканинг мустақил йўналиш сифатида вужудга келиши ва ривожланишига, аввало, тилдаги омиллар, шунингдек, жамият ҳаётининг ахборот-технологик ва социомаданий соҳаларига тааллуқли омиллар туртки берганлигини қайд этади. У медиалингвистика шаклланишининг энг муҳим асослари сифатида куйидагиларни санаб ўтади:

– ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг жадал суръатларда ўсиши, айниқса, глобал медиаалоқа тармоғининг яратилиши;

– матнли алоқанинг янги виртуал муҳити сифатида ягона ахборот майдонининг вужудга келиши ва ривожланиши;

– «оммавий ахборот воситалари тили» тушунчасининг пайдо бўлиши, уни илмий англаш, функционал-стилистик, прагматик хусусиятларини ва ички тузилишини аниқлаш;

– медиаматнни ўрганишга яхлит ёндашув заруриятини англаб етиш, бунда турли оммавий ахборот воситалари вакилларининг саъй-ҳаракатларини бир нуктада бирлашувини таъминлаш. [Добросклонская, 2008:34]

Айтиш мумкинки, XX асрнинг охирига келиб, *оммавий ахборот воситалари тили концепцияси* тўлалигича шаклланди, мазкур атаманинг ўзи эса илмий-лингвистик муомалага киришга улгурди. Глобаллашув шароитида анъанавий оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио ва телевидение билан бир қаторда,

рақамли медиа технологияларнинг ҳам такомиллашиб бориши натижасида ахборот оқимининг узлуксизлиги таъминланди. Шунингдек, мазкур тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан бири вербал ва визуал – медиавий компонентларнинг ўзаро уйғунлиги ҳисобланади. Бу хоҳ нашрлар, хоҳ радио, телевидение, интернет матни бўлсин, ҳар бири оммавий ахборот воситаси учун ўзига хослик касб этади. Буларнинг барчаси тилшуносликда янги тармоқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига хизмат қилди.

Файласуфлар замонавий жамиятда ахборотнинг тез «қариши» ҳақида сўз юритадилар: янгиликнинг умри оммавий ахборот воситалари даврийлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда ва унинг янги сони эскисини унутишга мажбур қилмоқда. Шунинг учун, айрим олимларнинг фикрича, медиаматн чегаралари «нашр санаси» чегаралари билан белгиланмоқда. [Добросклонская, 2008:12] Кўринадики, жамиятда ахборотни чегаралаш имконсиз. Медиа каналлари орқали ҳар соатда янги ахборот матнлари яратилмоқда. Бу жиҳатдан тиллар ривожиди медиаматнларнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Д.Тешабоевнинг фикрига кўра, «медиаматн дунёни реал воқелик сифатида тафаккур қилишини ва бу тафаккурни инсоннинг дунёни қабул қилиш ва фикрлашига вербал-новербал шаклда қайд этилишидаги ҳолат лисоний бирликларнинг ичидан «ўзидаги нарса» тамойилига асосланиб тадқиқ қилишдан медиакommуникация тилини ташқаридан функционал яхлитлик сифатида ўрганиш имконини берган «таянч ҳисоб нутқасини» қидиришга ўтиш заруратини асослайди. Лисоний ҳодисалар таҳлили тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан биргаликда амалга оширилган ҳолатдагина тил медиакommуникация жараёнида қандай роль ўйнашини аниқ белгилаш имконияти пайдо бўлади». [Тешабоева, 2019:12-19]

Тилшуносликда *медиаматн* тушунчасига турлича тавсиф берилиши кузатилади. Жумладан, Н.В.Чичерина медиаматнга қуйидагича таъриф берган: «Медиаматн бу – видео-вербал матн,

визуал образ ва товушли эффектлар кўшилиб, реал мулоқот вазиятига олиб кирилган тил». [Чичерина]

Ушбу таърифда медиаматнни ташкил этувчи тилнинг вербал бирлиги – матн билан бир қаторда новербал, визуал – медиавий белгиларнинг иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айтиш жоизки, медиаматнда медиавий белгилар вазифасини ўтовчи расм, карикатура, аудио қисм, видеокатор, график элемент кабилар ахборот узатишда вербал ифодага ёрдамчи восита вазифасини бажаради. Буларнинг барчаси медиаматннинг асосий хусусияти, уни бошқа ҳар қандай матндан фарқловчи белгидир.

Г.С.Мельникнинг фикрича, «медиаматн тушунчаси остида оммавий аудиторияга мўлжалланган исталган шаклдаги ва жанрдаги, яъни у хоҳ газета мақоласи бўлсин ёки теледастур, видеоклип, реклама хабари ё бўлмаса фильм кўринишидаги медиамаҳсулот тушунилиши»ни таъкидлайди. [Мельник, 2012:27-29]

Англашиладики, ушбу изохда медиаматн медиамаҳсулот сифатида тавсифланган. «Ҳозирги ҳолатида медиаматн лисоний ва визуал компонентлар комбинациясидан иборат, у дизайн, типография, графика, ранглар жилоси, инфоблоклар, фото, расмлар, логотиплар воситалари ва бошқалардан кенг фойдаланиш имконини беради. Бу воситалар образли қабул қилиш, эстетик йўналганлик ва умуман, нашр кўркемлигини анча оширади». [Тешабоева, 2019:72] Я.Н.Засурскийнинг фикрича, «медиаматн – бу «янги коммуникацион маҳсулот» ҳисобланади. У вербал, визуал, овозли, мультимедиа кўринишидаги турли медиавий воситалар ҳисобланган газеталар, журналлар, радио, телевидение ва бошқалар таркибига киритилиши мумкин». [Засурский, 2005:3-6]

Кўринадики, «матн» хусусиятларига медиавий белгиларнинг кўшилиши натижасида матн янги семантик моҳиятга эга бўлади. Бундай матн оммавий ахборот воситаларининг ўзига хослигини таъминлайди. Шу жиҳатдан



хар бир оммавий ахборот воситаси матннинг лингвоформат хусусиятларига сезиларли таъсир қилувчи алоҳида медиасифатлар мажмуига эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, босма оммавий ахборот воситаларида вербал матн билан бирга график (шрифтга оид) безак ва иллюстрацияларнинг бўлиши тақозо этилади. Радио матни эса вербал ифодага ҳамоҳанг бўлган мусиқа ва овозли ифода – аудиал қисми ўз ичига олади. Телематн орқали вербал ва аудиал таркибий қисмларни видеоқатор шаклида омма эътиборига ҳавола қилинади. Интернет матни орқали эса ахборотни кўпканалли узатиш имконияти мавжуд. Кўринадики, вербал ифода ва медиавий белгилар бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда, яхлитликда медиаматннинг асл моҳиятини ташкил этади.

Хуллас, медиаматн оддий матндан фарқли тарзда ахборотни визуал- медиавий воситалар иштирокида узатувчи матннинг алоҳида кўринишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай матн орқали исталган истеъмолчига маълумот етказиш имконияти мавжуд, бироқ ҳар бир медиаматн (ҳатто энг «оммавий» – янгиликлар ҳам) ёши, гендер белгиси, дунёқараши, ижтимоий келиб чиқиши, диний мансублиги ва бошқа хусусиятларига боғлиқ аниқ аудитория учун мўлжалланган бўлади.

Оммавий ахборот воситаларида медиаматнлар орқали куйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Оммани хабардор қилиш, ахборот бериш, бўлиб ўтган воқеа-ходисалар ҳақида маълумот бериш оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Медиаматнлар радио ва телевидениедаги ахборот дастурлари, матбуотдаги ахборот материаллари – ахборий жанрдаги хабарларни ўзида мужассамлаштиради.

2. Рекреатив, яъни кўнгилочар вазифаси. Кўплаб хорижий мутахассислар массмедиаинг айнан мана шу вазифасини 1-ўринга қўяди. Мусиқий дастурлар ва кўнгилочар мазмунидаги

материаллар массмедиаининг асосини ташкил этиши таъкидланади.

3. Таълим бериш вазифаси – бунда, асосан, омма билимини ва савиясини оширишга хизмат қилувчи материаллар назарда тутилади.

4. Реклама қилиш вазифаси – оммавий аудиторияни муайян товарлар сотиб олишга ёки хизматлардан фойдаланишга ишонтириш учун таъсир кўрсатишни мақсад қилади. Шу сабабли инглиз тилидаги тадқиқотларда бу функция кўпинча «persuasive function», яъни ишонтириш функцияси (инглизча *per-suade* – кўндирмоқ, кўндирмоқ) деб аталади.

5. Мафкуравий вазифаси – мафкура асосий когнитив тузилма ва дунёқараш, маданий қадриятлар, сиёсий қарашлар ва ижтимоий муносабатлар тизими сифатида тушунилади, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий табиатидан келиб чиққан ҳолда унинг чуқур ғоявий кучга эканлиги назарда тутилади. [Добросклонская, 2005:21-22]

Англашиладики, медиаматнлар нафақат ахборот бериш, балки ахборот қабул қилувчининг кўнглини кўтариш, унга муайян бир масалада билим бериш, бирор нарсани реклама қилиш, маданий қадриятларни тарғиб қилиш орқали мафкуравий вазифа бажариш каби функцияларга эга бўлади. Медиаматнлар оммада сиёсий соҳада содир бўлаётган воқеалар бўйича муайян тасаввур ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга. Мана шу белгилари асосида баъзи манбаларда медиаматнларнинг 3та фаолият йўналиши – журналистика, PR (пиар) ва реклама соҳаларига дахлдор эканлиги таъкидланади.

Замонавий медиаматнларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида матн яратишга корпоратив ёндашув, мафкуравий плорализм (хилма-хиллик), омма онгига таъсир кўрсата олиш, кенг қамровлилик, ахборотни тез фурсатда узата олишлилик кабиларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Медиаматннинг асосий категориялари – медиявийлик бўлиб (матннинг у ёки бу медиавоситалар ёрдамида қамраб

олиниши, каналнинг формат ва техник имкониятлари билан детерминацияланиши), оммавийлик (ҳам медиа маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, ҳам истеъмол қилиш соҳасида), интегративлик ёки матннинг кўп кодлилиги (турли семиотик кодларнинг ягона коммуникатив яхлитликка бирлашуви), матннинг маъно-мазмун, композицион тузилиш ва белгили даражадиги очиклиги ҳисобланади. [Тешабоева, 2019:12-19]

Хуллас, медиаматн ахборот оқимини ўзида акс эттирувчи, таъсир доираси ниҳоятда кенг ва мафқуравий кучга эга «қурол» ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситаларининг қандай фаолият олиб бораётганлиги муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, улар томонидан узатилган ахборот оммани реал турмушдан хабардор қилиши, воқеликка бўлган муносабатини белгилаши, уни бирор вазифани бажаришга сафарбар этиши, ижобий томонга йўналтириши ёки, аксинча, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос «кўзгу»си ҳисобланган замонавий масс-медиа тарқатаётган ижтимоий матнларга бўлган эҳтиёж бошқа матн турларига қараганда кучлироқ. Сабаби айнан шундай медиаматнлар таъсирида ҳаётий муҳим аҳамиятга эга хулосалар чиқарилади. Бу эса медиаматннинг ижтимоий функцияси ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Самарқанд, 2005.
2. Добросклонская Т.Г. Медиалингвистика: системный подход к изучению языка СМИ: современная английская медиаречь. – Москва, 2008.
3. Добросклонская Т.Г. Вопросы изучения медиатекстов. – Москва, 2005.

4. Засурский Я.Н. Колонка редактора: медиатекст в контексте конвергенции // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика. – М., 2005. – № 2.

5. Мельник Г.С. Медиатекст как объект лингвистических исследований // Актуальные проблемы современности и журналистика. – Санкт-Петербург, 2012.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/mediatekst-kak-obekt-lingvisticheskikh-issledovaniy/viewer>

6. Муротова Н., Қосимова Н. Онлайн журналистика ва медиада янги трендлар. 7-жилд. – Тошкент, 2019.

7. Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2012.

8. Тешабаева Д.М., Бакиева Г.Х., Исроил М.И. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. 3-жилд. – Тошкент, 2019.

9. Тешабоева Д.М. Медиамаконда матн шаклланиш жараёни // Сўз санъати. –Тошкент, 2019. – №1.

10. Чичерина Н.В. Типология медиатекстов как основа формирования медиаграмотности.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/tipologiya-mEDIATEKSTOV-KAK-osnova-formirovaniya-mediagramotnosti>.

11. Курбон Н. Таҳлилий журналистика: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2019.

## **ПРАГМАТИКАДА КОММУНИКАТИВ СТРАТЕГИЯ ВА ТАКТИКАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

**Барлибоева Ситора Комилжон қизи\***

***Аннотация.** Ҳозирда прагматика тилишуносликнинг янги йўналиши сифатида ўзининг тадқиқот объектларини янада кенгайтириб бормоқда. Унда тил ва инсон омилининг “бирлашуви” га алоҳида аҳамият қаратилиб, тилни унинг эгаси бўлган инсон билан бирга ўрганиши муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Мақолада прагматик тилишуносликнинг асоси бўлган нутқий актда коммуникатив стратегия ва тактиканинг ифодаланиши, бунинг учун талаб қилинадиган омилар, коммуникатив стратегия, сўзловчи мақсади ва тактика тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, нутқий ҳаракат жараёнида сўзловчи ва тингловчининг иштироки масалалари таҳлил қилинган.*

*Таҳлил жараёнида ўзбек ва дунё тилишунос олимларининг қарашлари, коммуникатив стратегия ва такти тушунчаларининг моҳиятида яширинган маъно-мазмун, унинг нутқ таъсиридаги ўрни таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** коммуникатив стратегия, коммуникатив тактика, нутқ, мулоқот, нутқий таъсир.*

Жамиятда тилшунослик фанининг тараққий этишида тил соҳасини ривожлантириш йўлидаги ислохотларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, 2019 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таняч докторанти. [barliboeva92@mail.ru](mailto:barliboeva92@mail.ru)

килиниб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида **Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилди ва Департаментнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. (1) 2020 йил 10 апрелда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунни имзолади. Зеро, жамиятдаги ҳар бир ўзгаришлар, янгиликлар албатта, тилда кўзгудек акс этади.

Тил коммуникация алоқаси сифатида ўрганилган сари унинг янги “чўққилари” пайдо бўлмоқдаки, тилшунос олимлар бу чўққини эгаллаш сари доимий изланишдадир.

Коммуникатив стратегия ва тактика тушунчаларининг тетапоя қилишида бевосита прагмалингвистика “бешик” вазифасини ўтамоқда, десак хато бўлмайти.

Коммуникатив стратегия ва тактиканинг ифодаланиши сўзловчининг ўз мақсадини нутқий актда баён этиш учун кўрилган “шайлиги” билан белгиланади. Бу борада бир қанча фикрларимиз борки, буни мақола давомида тушунтириб боришга ҳаракат қиламиз.

Тилшунос-олим Шаҳриёр Сафаров нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳотида талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир. Мазмунининг бу йўсинда шаклланиш жараёнини қуйидагича изоҳлаш мумкинлигини айтади (2. Б-81)

Сўзловчи  
Тингловчи

Гаплар лисоний тизими  
Доимий лисоний маъно

Маънонинг контекстдаги ўзгаришлари

Бундан кўриниб турибдики, олим мулоқот учун “ишлаб чиқарилган” гап маъносига мулоқот давомида сўзловчи ва тингловчи томонидан зарур ўзгартиришлар киритилиши мумкинлигига ишора қилмоқда.

Тилшунос-олим Муҳаммад Ҳақимов коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси лингвистик прагматиканинг бош масаласи ҳисобланишини таъкидлаб, сўзловчи бунда ўз ички мақсадини тингловчига баён қилиш учун у ёки бу ифода усулини танлайди. Танлаш жараёни бевосита тилшуносликнинг стилистика йуналиши объектидир. Лингвистик прагматика айнан мана шу нуқтада услубшунослик билан ҳамкорлик қилишини таъкидлаб ўтади. (3. Б-21)

Ҳар икки олимнинг қарашларидан келиб чиқиб айтганда, назаримизда нутқий актда коммуникатив стратегия ва тактиканинг ифодаланиши фақатгина сўзловчига тегишли бўлиб, у мулоқот жараёнини бошқаради. Бизнинг фикримизча, юқоридаги чизмадаги нутқий мулоқот майдонида маънонинг контекстда ўзгарувчанлиги барибир сўзловчининг мақсади доирасида айланади. Фикримизча, коммуникатив стратегия бу доирадан ташқарида бўлиб, у дастлаб фақатгина сўзловчининг “дахлсиз худуди” да бўлади. Негаки, коммуникатив стратегия сўзловчи мақсадига етиш учун ўз нутқий матнини олдиндан режалаштириш бўлиб, унинг ажралмас қисми бўлган коммуникатив тактика (тингловчига режалаштирган баёнини етказиш усули) орқали у мулоқот “худудига” кириб боради.

Яна олим М.Ҳақимовнинг қарашича, фикр ифодалашнинг бундай усул ва услуги сўзловчининг коммуникатив стратегиясини белгилайди. Фақат семантик ва грамматик илмларни билиш билангина эмас, балки ҳаётий қонун-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш натижасида коммуникатив стратегия маҳоратига эга бўлиш мумкинлиги алоҳида келтириб ўтади. (3. Б-22)

Нутқий актда танланган коммуникатив стратегия ягона, бироқ уни амалга ошириш тактикаси бир қанча бўлиши мумкин. Бу юқорида келтирилганидек, бевосита инсоннинг семантик ва грамматик илмларни билишидан ташқари, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси, жинси, ёши ва бошқа омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса яна бир бор инсон ва тилни “бирлаштирувчи” омилларни кўрсатади.

Ҳозирда Европа тилшунослигида коммуникатив стратегия ва тактика тушунчаларидан сиёсатшунослар нутқи, депутатлар қарашлари, оммавий ахборотда маълумотларни етказишни таҳлил қилишда кенг фойдаланилмоқда.

Хусусан, филология фанлари доктори Паршина Ольга Николаевна ўзининг “Стратегии и тактики речевого поведения современной политической элиты России” номли диссертациясида **коммуникатив стратегия сиёсатдаги раҳбарларнинг нутқдаги энг муҳим ҳарактерларидан бири эканини айтиб, биз стратегияни маълум бир вазиятда манфаатларга эришишнинг аниқ йўналиши сифатида тушунамиз деб таъкидлайди.** (4)

Д. А. Скулимовская “Стратегии и тактики в политическом дискурсе (на материале выступлений Б. Обамы)” номли диссертация ишида тилшунос Чернявскаяни қарашларини келтириб, “Стратегия” ва “Тактика” терминлари одатда ўзора боғлиқ, деб ҳисобланади, чунки аниқ “қадамлар”сиз (тактикаларсиз) стратегияни амалга ошириш имконсиздир. **Коммуникатив стратегия — бу суҳбатдошнинг нутқий хатти-ҳаракатларини белгилайдиган коммуникатив макроинтенсия, коммуникатив тактика эса — мавжуд вазиятга мос равишда ўзига хос нутқ актини белгилайдиган ният”** деб таърифлайди.(5).

Рус тилшуносларидан Антонова Юлия Анатольевна “Коммуникативные стратегии и тактики в современном газетном дискурсе (отклики на террористический акт)” номзодлик диссертациясида коммуникатив стратегияни маърузачи



томонидан олдиндан режалаштирилган ва коммуникатив мақсадга эришиш учун мўлжалланган коммуникатив ҳаракатлар даврида амалга оширилган ҳаракатлар деб баҳолашини айтган.(6)

Тилшуноснинг таъкидлашича, ҳозирча коммуникатив стратегияларнинг ягона таснифи йўқ, чунки тадқиқотчилар нутқ таъсирини таҳлил қилиш учун турли мезонларга асосланади.

Залегдинова Айгуль Рустамовна “Коммуникативные стратегии и тактики в дискурсивном пространстве ток-шоу (на материале русского и английского языков)” номли диссертация ишида бир қанча тилшунос-олимларнинг фикрлари асосида қуйидагича қарашни билдиради “Коммуникатив стратегия ва тактикани ўрганиш нутқнинг таъсир қилиш назариясининг бир қисмидир.

Кўпгина ҳолларда, нутқ таъсири деганда унинг диққат марказида ва мотивацион шароитда кўриб чиқиладиган нутқ алоқаси тушунилади. Ҳар қандай алоқа ҳаракати суҳбатдошнинг фаолиятини янада тартибга солувчи мақсадга йўнатирилган бўлади. [Haslett 1987, Morley 1987, Блакар 1987, Киселева 1978, Речевое воздействие 1990 и др.].“Стратегия” сўзининг лексик маъноси режалаштириш концепциясига асосланади (стратегия – бу муайян фаолиятни (иқтисодий, илмий ва бошқалар) узоқ муддатга режаштириш санъати). Тилшунос бошқа бир тилшуноснинг стратегияни дискурсни идрок этиш билан боғлиқ маълум когнитив операциялар, яъни маънони тушуниш ва изоҳлаш стратегиялари деб тушуниш мумкин деган қарашни келтиради [Дейк, Кинч 1988].” (7)

Юқорида баъзи тилшунос-олимларинг коммуникатив стратегия услубшунослик билан алоқани талаб қилиши ҳақида фикрларини ўқидик. Бироқ назаримизда, коммуникатив стратегия бу нутқ актининг бир қисми, буни макроинтенция сифатида бошланғич ҳолат, десак ҳам бўлади. Нутқий актда тактиканинг ифодаланиши эса ҳақиқатан ҳам бевосита

услугунослик билан алоқаларни талаб қилишини назарда тутиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бу йўналишда олиб борилаётган тадқиқот ишлари коммуникатив лингвистиканинг ривожда муҳим ўрин тутди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фармон, қарорлари.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
3. Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистика асослари. — Тошкент: Академнашр, 2013.
4. Филалогия фанлари доктори Паршина Ольга Николаевна “Стратегии и тактики речевого поведения современной политической элиты россии” номли диссертацияси. Саратов. 2005.
5. Д. А. Скулимовская Иркутск, Россия. Политическая лингвистика. 2017
6. Антонова Юлия Анатольевна “Коммуникативные стратегии и тактики в современном газетном дискурсе (отклики на террористический акт)” автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук.
7. Залегдинова Айгуль Рустамовна. Коммуникативные стратегии и тактики в дискурсивном пространстве ток-шоу (на материале русского и английского языков) автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Казань – 2013

## ОНОМАТОП МЕНТАЛ ТАФАККУР САМАРАСИ СИФАТИДА

**Ёдгоров Жалолиддин Жамолидинович\***

*Аннотация.* Мақолада тақлид (ономатоп) сўзларнинг бадиий матндаги лингвосемантик ва прагматик имконият доираси ҳамда бадиий коммуникация жараёнидаги поэтик жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади.

*Таянч сўзлар:* ономатоп, товуш, коннотатив бирлик, лингвосемиотика, поэтик актуаллашув, ассоциатив-ҳиссий ахлитлик.

Тилнинг моҳияти, вазифаси кўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда кўплаб вазифаларидан фақат биттасидир. Аслида, тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда, тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик лозим. [Маҳмудов, 2012: 10]. Бизнинг фикримизча ҳам ана шу эстетиклик меъзони субъектнинг ўзида тотал шаклланган ва қўлланаётган бирликни тўлиқ дистинктив баҳолаш ҳамда коннотатив бирликнинг ҳиссий тўйинганлик даражасини зийраклик билан аниқлай олиши зарур. Бу жиҳат айниқса ижодкор томонидан бадиий матнга олиб кирилаётган тақлид сўзларнинг поэтик актуаллашувида янада ёрқин намоён бўлади. Тилшунос олим М.Йўлдошев таъкидлаганидек, бадиий матнни таҳлил қилиш жараёнида фонетик воситаларнинг бадиий-эстетик хусусиятларига ҳам алоҳида эътиборни қаратиш зарур, чунки уларда поэтик актуаллашув жуда ёрқин намоён бўлади. [Йўлдошев, 2019: 157].

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч-докторанти

Кундалик ҳаётимизни товушларсиз тасаввур қилиш қийин. Атрофдаги табиат товушлари, шунингдек, одамлар нутқи дунёни идрок этишда асосий рол ўйнайди. Овоз сигналлари ва шовқинларни талқин қилиш семио-соундосферада ва уларнинг маданий ҳамда тарихий макон таркибига кириши доирасида амалга оширилади. Ижтимоий-товушли соҳалар, масалан, инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган барча нарсалар, тилни ахборот узатишнинг муҳим воситаси ролини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Товуш – бу ҳаво ёки бошқа муҳит заррачаларининг тебранувчи ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлган, қулоқ томонидан сезиладиган физик ҳодиса деб тушунилади. Эшитиладиган товуш – бу 16 дан 20.000 Гц гача бўлган частотали эластик тўлқинлар ҳисобланиб, у инсон томонидан субъектив равишда қабул қилинади. Унинг психофизиологик муҳим хусусиятлари баландлик, интенсивлик ва тембрдир. Дарҳақиқат, инсон эшитиш сезгиси объекти сифатида товушлар манбанинг табиати билан табиий ва сунъий, ахборот мазмуни билан эса коммуникатив ҳамда атроф муҳитни тавсифловчи қисмлари билан тотал, ассоциатив тарзда қабул қилади.

Илмий жиҳатдан ономотопия ҳар доим тилшуносларнинг кизиқишини уйғотиб келган. Узоқ вақт давомида ономотопик бирликларнинг асосий функцияси, яъни номинативликни амалга ошириш фактори сифатида қаралди. Бу функция қадимги юнон фалсафасидан келиб чиққан ва баъзи фалсафий йўналишлар (стоицизм) билан узвий боғлиқ бўлган тилнинг ономотопия назариясидан келиб чиққанлиги илмий қарашлардан аён ҳодисадир.

Тилшуносликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган тил бирликлари белгиси муаммоси ҳозирги кунда илмий жозибасини йўқотмаган. Белгиланган ва тил белгисини билдирувчи фонациялар ўртасидаги боғлиқлик масаласи унинг тузилишини тушунишга ундайди. Хусусан, белгига бундай кизиқиш тил илмида янги, когнитив йўналиш пайдо бўлганда

янада орти. Унга мувофиқ тилшунослар нафақат лингвистик белгининг идеал томони, балки унинг материали, ташқи томонини кўрсатувчи(аҳамиятлилик)га эътибор қаратмоқдалар. Ушбу ёндашув билан сўзнинг икки томони ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболларини, айниқса, бу муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мотивацион-лингвистик белгилар мажмуини тақозо этади. Шунингдек, бу фикрлар тақлидлар ҳақида гап кетганда янада илмий-назарий аҳамият касб этади. Тақлид сўзларни ўрганилиши узоқ тарихга эга бўлиб, айниқса, бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бир қатор тилшуносларнинг назарий ёндашувлари билан янада кучайди.

Тил белгилар тизими ҳисобланиб, бу белгилар эса муайян маънони ва уни ифодалаш воситасининг умумлашмасидир. Инсоният жамиятида мулоқот, ўзаро фикр алмашинувнинг рўй бериши, яъни қандай воситалар билан ахборотни бир-бирларига узатиш, бу воситаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қандай қўлланилиши, қандай ўзгаришларга дучор бўлиши ҳақидаги фан семиотика (грекча “сема” – белги) деб аталади. [Кравченко, 2001: 20]. Шундай экан, борлиқда турли белгилар мавжуд бўлса-да, инсонга характерлилари илмий доира вакилларини кизиқтирди. Белгиларнинг дифактор хусусиятлари билан боғлиқ алоҳида йўналиш шаклландики, бунинг асосчиси америкалик файласуф Ч.Пирсдир (1839-1914). У биринчи бўлиб белгиларни таснифлаш, моҳият ва асосларини тизимлаштирди. Кейинчалик бу фаннинг ривожига Фердинанд де Соссюр бир қадар ҳисса қўшдики, у тилни белгилар системаси эканлиги ва белги ўзи ҳолича воқеаланмаслигини асослаб берди. Дарҳақиқат, Ч.Пирс семиотика фанининг асосчиси ҳисобланса, Ф. де Соссюр эса тилни белгилар системаси сифатида ўрганадиган умумий тилшуносликнинг – лингвосемиотика йўналишига асос солган олим сифатида қаралади.

Тил белгиси моддий тузилма ҳисобланиб, у воқелиқдаги предметни, хусусиятни, муносабатларни англатади. Тил

Белгиларининг мажмуи белгилар системасининг вужудга келишига олиб келади. Ушбу система муайян фикрий (мантикий) мазмун (ифодаланмиш) ва фонематик жиҳатдан бир-бирларидан ажрала оладиган белгилар (ифодаловчи) йигиндисидан иборат. Лисоний белгининг бу икки аспекти инсон онгига доимий боғлангани ҳолда тургун бирикувни ҳосил қилади ва ижтимоий аҳамиятга молик маънони англади. Бу иккала аспектнинг ажралмаслиги (диалектик кутб – таъкид бизники. Ж.Ё.), ягона бутунлиги асосида борлиқнинг муайян бир бўлаги, яъни алоҳида воқеа ва ҳодисалар инсон онгида ўз аксини топади ва лисоний ифодаланади.[Лосев, 1982: 48]. Белгининг ҳар иккала аспекти бир-бирига боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, аммо тил тизимининг умумий ассиметрия қонунларига бўйсунди.

Энг типик лисоний белги сўз ҳисобланади, чунки инсоний билимларнинг барчаси ва предметларни образлари орқали билиш аждодларнинг фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида сўзларда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, сўз бирлиги кумулятив маънога эга, у яъни илгаридан жамланиб келинаётган ахборотлар йигиндисидан иборат. [Бушуй Т., Сафаров Ш, 2007: 26]. Дарҳақиқат, этноснинг инвариант тасаввурларининг универсаллиги ва номлашнинг этномаданий ўзига хослиги маданий тушунчаларнинг идиоэтник хусусиятини белгилайди ҳамда этноконнотация бирликларни ҳаракатга келтириш учун ассоциатив хусусиятлар талаб этади. Хусусан, бу дунёнинг тил тасвирининг бундай онтологик хусусиятлари коннотация номларининг тил эгаси лексикасида яхлит муқимлашишига олиб келади: *Дилдор суюкли ўртоғини, сирдошини, дарддошини қучоқлаб, хўнг-хўнг йиғлади.* (Ойбек. Навоий.)

Лисоний белгилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва шунингдек, бир-биридан ажралган ҳолда ишлатилмайди. Ҳар қандай тил элементи у ёки бу система, микросистема, қатор доирасида сайқалланган намуналар асосида икки турдаги структуравий ўзгаришлар, яъни парадигматик ва синтагматик

бирикув қонуниятларига кўра қўлланилади. [Бушуй Т., Сафаров Ш, 2007: 27]. Зотан, тил белгисининг адаптив хусусиятига кўра ономотопнинг бадий матнда жойлашуви ва фонцион кирралари спонтан танланган тақлиднинг поэтик актуаллашиш ҳамда эстетик яхлитлигини белгилаб беради.

*Хиёлдан кейин қабатидаги одамга ўгирилди.*

*– Тўра оқсоқол, – деди – Насим полвоннинг кўзи...*

*– Бечора отдан ёмон йиқилган экан, зарбидан бу кўзиям оқиб тушибди.*

*Ё пирим-э, эшитмаган эканман, туф-туф-туф...*  
(Т.Мурод. Юлдузлар мангу ёнади.)

*– Тфу!* – *Комиссар асабий қўл силтади.* (Ў Хошимов. Тушда кечган умрлар). Келтирилган икки тақлид ҳам бир гибрид шаклдаги тил бирлиги бўлса ҳам, воқеликни когнитив лексика асосида узатилаётган ахборотнинг функционал-семантик хусусиятини белгилаб берган. Дарҳақиқат, тақлиднинг донотатив семасига кўра “*туф-туф-туф*” ономотопи инсон оғзидан сўлак суюқлигини ташқарига чиқариш жараёни тушунилади, лекин конотатив маъно билан бу жараённинг корпоратив-семантик маъноси, алоқаси сезилмайди. Зеро, бу ономотоп бадий матнда ментал тафаккур ва идиоэтник талқин самараси натижасида бадий жиҳатдан лингвистик эмоционаллик касб этган. Тилшунос олим С.Карцевский таъбирича ҳам, белги ва ифода (маъно) тўлиқ бир-бирини қоплай олмайди. Уларнинг чегаралари барча нуқталарда кесишавермайди: бир белги бир қанча вазифаларга эга бўлиши ёки бир маъно турли хил белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Ҳар қандай белги бир вақтнинг ўзида “омоним” ва “синоним”лик имкониятига эгадир.

Тилшунос З.Д.Попова фикрича, тушунчалар таркибидаги фарқлар ва уларнинг турли тилларнинг семантик маконидаги структуравий ташкил топиш тамойиллари маданий тушунчаларнинг образли таркибий қисми умумий жиҳатларини кўрсатиб беради. [Попова, 1996: 64] Шунингдек, семиотик

тадқиқотларда устунлик қилувчи нуқтаи назар рамзларнинг маданиятни ифодаловчи махсус турдаги белгилар сифатида одамлар томонидан рамздан фойдаланишнинг янги тажрибаси туфайли унинг маъно ҳажми ортади [Пирс, 2000:54] ҳамда ушбу белгининг қайсидир маънода “иккинчи ҳаёти” бошланади. Бунда маълум бир чекланишлар борки, материянинг истеъмолдан чиқиши у билан боғлиқ семалар ҳаракатини ҳам чегаралайди, диахрон лексик бирликка айланиши тилшунослик тарихида учрайдиган янги ҳодиса ҳисобланмайди. *Рамазон кирди. Аллақаерда чалинаётган ногоранинг така-туми, эчкининг товушига ўхшаш сурнай садоси ҳаммаси саҳарликка уйғотарди.* (Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртақлар.)

Тақлид сўзларни айнан тақлид ёки “кўчириш” десак мақсадга мувофиқ бўладики, зеро стоикларнинг қарашларини кўлловчилар яқин тарихда ҳам учрайди. А.Казембек, П.Мелиоранский, Г.Лейбниц ва Н.Ашмарин ва бошқа олимлар ҳам сўзларнинг вужудга келиш жараёни айнан тақлидларнинг, кўчиришнинг маҳсули деб қараганлар. Бу қарашларнинг асосларида, тақлид сўзларнинг вужудга келишида экстралингвистик жиҳат устунлик қилишини таъкидлайдилар. Шунингдек, тақлид сўз тил фалсафаси ва семиотика учун ҳам алоҳида қизиқиш марказида бўлиб келмоқда. Кўпгина тил бирликларидан фарқли ўлароқ, тақлид сўзлар тақлидий белгилардир (яъни объектнинг муҳим хусусиятларини тўғридан-тўғри акс эттирадиган белгилар). Аслида, тақлидлар маъно ва шакл ўртасидаги тасодифий ёки ихтиёрий боғлиқлик билан тавсифланади. Бундай белгилар ҳаракасиз деб аталади, чунки уларнинг шакли, овозли кўриниши ҳеч қандай мотивацияга эга эмас ва бунга сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, тақлиднинг товуш таркиби тасодифий эмас, у ташқи дунёнинг мос келадиган товушидан келиб чиқади.

Тақлид сўз ёш болаларнинг нутқидаги биринчи сўзлардан бири эканлиги узоқ вақтдан бери кузатилган. Ҳатто, тақлид сўз назарияси ҳам мавжуд ва унга кўра одам гапира бошлаганида



биринчи сўзлар тақлидий лексикадан иборат бўлган. Бу назария ишончли кўриниши мумкин, аммо тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги барча назариялар билан боғлиқ муаммо шундаки, улар мутлақо очиб бўлмайдиган даражада.

Бадий матнга олиб кирилаётган тақлид тотал тарзда идиоэтик тафаккур самараси ҳисобланади. Тилшунос олим Н.Ф.Алефиренко фикрича, мана шу денотатив-прагматик вазиятни англашдан этнолингвистик кодлаш бошланади ҳамда бу билан субтекстнинг мазмунини шифрлайдиган код ва у орқали этнолингвистик онг кодлари тизимга киритилади. [Алефиренко, 2002: 32]. Айнан фаразлар тақлидлар ҳақида борганда бу жиҳат янада аҳамиятлашади: *Келин пошша “нуқ” этиб кулиб қўйдилар. Бу кулги куёв тўранинг гуноҳлари кечирилганига бир шиорат эди.* (Т.Малик. Шайтанатнинг жин кўчалари.)

Этноконнотация(тақлид)нинг юзага келиш жараёни муайян этник гуруҳ вакиллари томонидан воқеликни идрок этишнинг лингвистик омиллари (ички сўз шаклининг мавжудлиги), экстралингвистик ва психофизиологик хусусиятларини ўзаро боғлайди. Тилда вужудга келувчи тақлид тасодиф эмаски, “...когнитив семантика ва лингвокультурология нуқтаи назаридан этноконнотация нафақат объектнинг муҳим хусусиятларини, балки этнос учун муҳим бўлган ва референт билан боғлиқ бўлган хусусиятларни акс эттирувчи маданий концепцияни вербализация қилиш усули сифатида ҳар доим рамкада тузилган билимдир. [Телия, 1996: 78].

XX асрнинг сўз семантикасига доир фавқулудда тадқиқотлари билан машҳур бўлган тилшуноси В.И.Абаев сўз семантикаси тараққиётининг ўзига хослиги борасида фикр юритар экан, бежиз: “Нутқимиздаги исталган сўз, ҳозирги кундалик маъносига эга бўлишдан олдин, бизни алал оқибат инсониятнинг дастлабки сўз яратиш машаққатларига етаклаб борувчи мураккаб семантик тарихни босиб ўтган. Биз ишлатаётган ҳар бир сўздан бизга қирқ асрлик эмас, камида

кирк минг йиллик тарих қараб туради”.[Абаев, 1948: 14] – деб таъкидламаган бўлар эди. Зотан, этнос нутқий фазосидаги мавжуд тақлидлар умумий жиҳати ва ассоциатив ҳиссий яхлитлиги натижасижа эркин коммуникативлик касб этади.

*Чалғи таман майдонда*

*Болаларнинг кўпини.*

*Кеча битта тешида*

*Тешидим Норнинг тўпини,*

*Мен футболчи бўламан, дада.*

—

**ҳ-ҳў, йҳў-йҳўв...** (А.Обиджон)

Фалсафада ҳиссий билиш шакллари тўғрисида ташқи дунё образлари сифатида куйидаги фараз мавжуд бўлиб, “образ”га объектга мослик хос эмас, балки объектга унинг мувофиқлиги хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. “Образ” – ойнадаги нусха эмас, лекин “белги” ҳам эмас, балки нарсага хос инъикосдир. [Назаров, 2005: 121]. Шу жиҳатдан караганда, “...воқелик реал мавжудликдан иборат, ундаги ҳодиса ва предметлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади. Бу боғлиқлик уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларида, алоҳида қисмлар ўртасидаги яхлитлик ва хусусийлик муносабатларида намоён бўлади. Дунёдаги барча ҳодисалар доимий ўзгаришда, тараққиётдадир ва бу тараққиёт босқичма-босқич амалга ошади ҳамда сифат ўзгаришларига сабаб бўлади. Бундан ташқари, воқелик ҳодисалари синергетика қонуниятларига амал қилган, ўз-ўзини ташкил этиш тамойилларига таянган ҳолда ривожланади. [Хакен, 1985: 423].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент, 2012. – Б. 10.
2. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2019. – Б.157.
3. Билиш фалсафаси (иносология). Тузувчи: Қ.Назаров. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 121
4. Кравченко А.В. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск: Иркут. обл. тип-я № 1, 2001. – С. 20.
5. Лосев А.Ф. Знаки, символ, миф. – М.: МГУ, 1982. – 480 с.
6. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 26.
7. Попова З.Д. Семантическое пространство языка как категория когнитивной лингвистики / З.Д. Попова // Вестник ВГУ. Сер. 1. Гуманитарные науки. – Воронеж: Гос. ун-т, 1996. – №2. – С. 64-70.
8. Пирс Ч. Логические основания теории знаков. – Алтай, 2000. – 252 с.
9. Алефиренко Н.Ф. Поэтическая энергия слова. Синергетика языка, сознания и культуры. – Москва: Academia, 2002. – С. 32.
10. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва, 1996. – 286 с.
11. Абаев В.И. Понятие идеосемантики. Язык и мышление. – Москва, 1948, – С. 14.
12. Хакен Г. Синергетика. – Москва: Мир, 1985.
- 13.

## **МИЛЛИЙ ТАСВИРНИ БЕРУВЧИ ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР**

**Кобилов Номоз Ўролович\***

***Аннотация:** Бадий адабиёт намуналарида ўз аксини топган жиҳатлардан бири миллий қадриятлар билан боғлиқ. Ўзбек шеваларида сақланиб келаётган халқнинг этнографияси, халқ ҳаётининг муайян соҳалари шева сўзларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган ҳолда уларнинг бадий ифодасини ўрганиш ҳозирги даврда муҳим масалалардан ҳисобланади.*

***Калим сўзлар:** ноадабий қатлам, шевага хос сўзлар, ареал лингвистика, этнографизм, мулоқот.*

Маълумки, адабий тил доимо ривожланишда ва тараккиётда бўлади. У вақти-вақти билан ноадабий қатламлардан озикланиб туради. Адабий тилнинг бойишида ва такомиллашувида ноадабий қатламларнинг муҳим бўғини бўлган шеваларнинг хизмати беқиёсдир. Шевага хос сўзлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар умумхалқ сўзларидан фарқ қилади. Худди шу ўринда бадий асар тилининг бой ва жозибатор бўлишида ҳам диалектизмларнинг ўрни ва роли муҳимдир. “Бадий асар тилининг ифодалилиги, қаҳрамонлар нутқининг индивидуаллашганлиги кўп жиҳатдан ўринли ва меъёрида қўлланган шева унсурларига боғлиқ” [Йўлдошев, 2002:29]. “Ёзувчилар ўз асарларида ҳаётнинг реалистик тасвирини чизиш, маҳаллий колоритни бериш, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда ёки бирон тушунчанинг шевадаги атамаси китобхонга аҳамиятли бўлган ҳолатнинг

---

\* Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси; [nomozqobilov1980@mail.ru](mailto:nomozqobilov1980@mail.ru)

махаллий белгисини билдирсагина диалектал сўзлардан фойдаланиши мумкин” [Шомақсудов, 1983:57]. Маълумки, ҳар қандай тил терминологияси, жумладан, ўзбек тили терминологияси лексиканинг энг бой қатлами ҳисобланади. Шу туфайли ўзбек тилшунослигида қирқдан ортиқ фан соҳаларининг терминологик системлари тадқиқ этилди. Анъанавий усулда олиб борилган мазкур ишлар терминологик тадқиқотларнинг ҳам систем усулда тадқиқ этилиши учун маълум даражада асос вазифасини бажара олди. Натижада, она тилимиз терминологик системаларини ҳам систем усулда тадқиқ этишга доир Р.Сафарова, Г. Неъматова, Н.Нишонова [қаранг: 7] кабиларнинг ишлари юзага келди.

Амалий нутқимизда турлича расм-русумларни ифодалаш, уларнинг номи сифатида барқарорлашган, махсуслашган лингвистик бирликлар, сўз бирикмалари кўлланиб туради. Уларни айрим тадқиқотларда “ном-терминлар” ёки “терминоидлар” деб аташ тавсия этилган бўлса [Кахарова, 2009:14], айрим ишларда лингвокультуремалар [Кульсарина, 2-8], баъзи тадқиқотларда “эркин бирикма шаклидаги этнографизмлар” сифатида ҳам талкин қилинади [Бобожонов, 1997:17].

“Юлдузлар мангу ёнади” асарида миллий курашимиздаги айрим усуллар: *ёнбош, чала, ҳалол, ерга пийпаламоқ, дустаман* усуллари ҳақида гап боради. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, айрим сўзларнинг шева вариантларига ҳам мурожаат қилинган: олиш (курашнинг воҳача номи), чиначоқ (жимжилоқ ёки чинчалок), шуйтиб-шуйтиб (шундай қилиб), мом қилмоқ (даврадагиларни қойил қилмоқ), мояк (тухум), моякнинг поянаги (тухумнинг йўғон тарафи), қўй-эчкиларни кўганламоқ (боғламоқ), эгаси бўлди (эгаси бор эди), эниб келмоқ (тушиб келмоқ), ўрлашмоқ (гап талашмоқ), жория қилмоқ (овоза қилмоқ), билакларини турмоқ (шимармоқ), оёқ илмоқ (тўхтамоқ), қани? (нега?), чилларни ўргатмоқ (усулларни ўргатмоқ), магарам (зора, шояд), хўш демоқ (хайр демоқ). Урф-

одат, анъана ва қадриятларга оид сўзлар синонимиясига доир хилма-хилликни ҳам кузатиш мумкин.

Диалектизмларнинг фонетик, лексик ва грамматик кўринишлари мавжуд бўлса, Тоғай Мурод ўз асарларида уларнинг ҳаммасидан ҳам кенг ва унумли фойдаланилган. Зеро, ёзувчи асарларининг энг биринчи кўзга ташланадиган хусусияти ҳам шева элементлари орқали бадиий жозибадорлиликка эришилганлигидир. Тоғай Муроднинг маҳорати шундаки, унинг инсонлар ўртасида алоқаларни оддий халқ тилидан фойдаланишда ҳамда тасвирнинг турли усулларида қўллашни назарда тутди.

Бугунги кунда ўзбек шевашунослигида йирик монографик асарларнинг яратилганлиги шеваларни қиёсий-тарихий ва тил ҳодисаларининг тарқалишини аниқлаб берувчи ареал йўналишда илмий ўрганишни тақозо қилади. Бугунги кунда турли воҳа шеваларининг лексик хусусиятлари ареал йўналишда ўрганилган, унинг харитасини яратишда жаҳон тилшунослигининг бу соҳадаги тажрибаларига, юкоридаги диалектологик, лингво-географик илмий тадқиқот ишларига таяниш лозим. Шунингдек, XX асрнинг бошларида жаҳон тилшунослигида энг машҳур ва мукамал атлас ҳисобланган Жан Жильерон, Эдмонларнинг Франция лингвистик атласи ва немис тили бўйича Б. Мартин, В. Мицкалар томонидан тузилган лингвистик атласларидан фойдаланиш мумкин.

Шуни айтиш жоизки, анъанавий тадқиқ усулларида фарқли равишда, ҳар бир диалектал ҳодисани макон ва замон тилшунослиги (ареал лингвистика)нинг назарий асосларида ўрганиш шу асосда хариталарини яратиш воҳаси ўзбек шеваларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ҳудудий тарқалишини очиб берди. Шунингдек, мазкур ҳудуд бўйича яратилган диалектологик атлас тил ҳодисаларининг туркий тиллараро ҳудудий тарқалиши ва тил тарихий тараққиётининг баъзи чигал масалаларини хал қилишга имкон берди, ҳамда ўзбек шевашунослиги ва ўзбек тили тарихи учун қимматли

илмий-назарий хулосалар беришга имкон яратди.

Умуман, туркий тиллар лексикасида нарса-предмет, жараён, урф-одат (ва ш.к.) номларининг шаклланиши, таракқиёти, ҳозирги истеъмолдаги ҳолати масаласи терминологик тадқиқотлар учун аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳаётнинг, халқ турмуши тарзи ва ишлаб чиқаришдаги эҳтиёжлар, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши билан лексикада ҳам ўзгаришлар юз беради. Ўзбек халқ шеваларининг ўзига хос лисоний хусусиятларини белгилаш, уларни хариталаштириш, тадқиқ этилаётган ҳудудларда ўзбек тили етакчи лаҳжаларининг бир-бирига таъсирини аниқлашда, шунингдек, ўзбек халқининг қадимий урф-одатларини, маданий кадриятларини, халқ оғзаки ижодини ўрганишда аҳамияти катта бўлди. Ўзбек шеваларида сақланиб келаётган ўзбек халқининг этнографияси, халқ ҳаётининг муайян соҳалари шева сўзларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилган ҳолда уларнинг бадий ифодасини ўрганиш, шу асосда ўзбек тили, жумладан, воҳа миллий кадриятлари атласини яратиш муҳимдир. Ўзбекистоннинг лисоний манзарасини акс эттиришда ижобийликка эришиш мумкин. Ўзбек шеваларида яна ўзига хос лексик гуруҳ борки, улар шу шева вакилларининг моддий ҳаёт шароитлари, шу шева жойлашган ҳудуднинг экономик ривожига билан боғлиқдир [Бородина, 1966:47]. Ареал лингвистика соҳасининг етук олими М.А.Бородина ёзганидек: “Лисоний география фақат тилнинг ички таркиби билангина боғлиқ эмас, у баъзан тадқиқотчини мамлакат халқлари, савдо йўллари ва айрим аҳоли пунктлари тарихи билан боғлиқ тилнинг ташқи тарихи юзасидан ҳам қутилмаган натижаларга йўлтиради” [Бородина, 1966:47]. Буни тадқиқот давомида тўпланган шева материаллари таҳлилидан билиш мумкин. Мазкур ҳудуд шевалари ареал ўрганилганда луғат таркибида умумтуркий сўзларнинг кўплиги фактик материаллар изоҳидан маълум бўлди. Маълумки, Туркий тиллар ўртасидаги муштараклик,

ўхшашлик уларнинг генетик жиҳатдан бир манбага алоқадорлигидандир [Бородина, 1966:47].

Инсон ҳаёти серқирра бўлиб, у сўз орқали, аниқроғи бадий асар қахрамонининг нутқи орқали намоён бўлади. Бадий асар таҳлили орқали унда бир неча мавзулар умумлашмаси мажудлигига амин бўласиз. Таҳлил жараёнида мавзу билан бир қаторда инсон омилининг эстетик мазмунининг етакчилиги ҳамда унинг оламга муаллиф нуқтаи назаридан қарашни ифодаловчи индивидуалликнинг устунлигини ҳам сезиш мумкин. Шу боис ҳам, аксарият адибларнинг асарлари мавзуси маълум бир мавзунини ёритишга қаратилган бўлади. Негаки, уларда адиб томонидан қўйилган муаммо муаллифнинг уни доимо баргараф этиш йўлини излаган ўй-хаёллари ва қизиқишларининг муштарак умумлашмаси қиёфасида намоён бўлади. Бунда адиб воқеликнинг бадий тасвирини бериш жараёнида ҳар бир детални эътиборда қочирмаслик жараёнида бир нечта кичик муаммолар умумлашмасидан иборат умумбашарий муаммоларини кўтариб чиқади. Бундай бўлиши табиий ҳол, албатта. Чунки адабиётнинг вазифаси ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш йўлларни эмас, балки уларнинг жамият ҳаётидаги “қора доғлар” эканлигини кўрсатиб беришдан иборат. Хўш, бадий асар муаммо ҳал қилиш йўлларни кўрсатиб бермаса, унда уни ўқишдан кимга фойда?, –деган фикр ялт этиб мияга келиши шубҳасиздир. Асарни ўқиган киши ундан эстетик завқ олиш билан бир қаторда унинг мазмунини англаш баробарида фикр юритиш, изланиш ҳамда ўйланиш натижаси ўларок асарнинг инсон омили учун муҳим бўлган ҳиссий билиш ва идрок этиш сингари кечинмаларни ўзида шакллантиришга эришади. Китобхон ўз фикр нуқтаи назарига эга бўлиш баробарида ўзи яшаётган жамиятда, аниқроғи атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлмаслик мақсадида инсон омилини белгиловчи одамгарчилик, ҳамдардлик, тўғрилиқ, масъуллик, виждонлилик,



садоқатлилиқ, бефарқ бўлмаслилиқ сингариларни кундалиқ ҳаёти давомида амалда қўллашга одатлана боради.

Дарвоқе, бугунги кунда жаҳон тилшунослигида нутқнинг фаолият сифатидаги қиймати ҳамда унинг имплицатуралари бўлган кўчма ва таг маъноларни, очилмаган, лекин ифодаланиши сўзловчининг мақсади бўлган ахборотларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилиб тезда оммалашмоқда.

Прагматик омиллар нутқ жараёнида лисоний омилларнинг тегишли меъёрий қонуниятлар асосида танланишида, улар маъноларининг муайян интенциал эҳтиёж ва заруратга кўра модификацияланишида, кўп ҳолларда белгиловчи роль уйнайди.

Мулоқот - коммуникантларнинг дарак, сўроқ ёки буйруқ шаклидаги фикр алмашиши [Эрназарова, Пардаева, 2020:7]. “Тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ёки ёзиш ҳаракатларини бажариши билан боғлиқ. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши жараёнида лисоний бирликлар (биринчи ўринда гап) асл маъносидан ташқари тасдиқлаш, буюриш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунни ифодалаш имкониятини намоён қилади. Бу маънолар - сўзловчи шахс томонидан бажарилаётган нутқий фаолият натижаси. Демак, нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир” [Сафаров, 2008:71]. Мақсаднинг табиати ва хусусиятига кўра сўзловчи мавжуд лисоний бирликларни нутқий вазият ва иштирокчиларнинг, аниқроқи, тингловчиларнинг ҳолати, кайфияти билан боғлиқ равишда қайта ишлов беради - танлайди, маълум бир маъно бахш этади. Мулоқотнинг лисоний воситаси, лисоний ишоралар, лисоний бирликлар, бошқача айтганда, фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси ёки гап эмас, ҳатто ишора ҳам сўз ва гапдаги шунчаки шартли белгилар эмас, балки лисоний бирлик ва муносабатларнинг нутқ жараёнида ишлаётган кўринишидир. Аниқроқи, гап яратилишига асос бўлувчи ишора (тил бирликлари)нинг муайян нутқий шароит, вазиятга мослаштирилиши ва қўлланиши натижасида нутқий акт вужудга

келади, ҳар бир нутқий акт - мулоқотнинг энг кичик ташкил этувчи бирлиги [Эрназарова, Пардаева, 2020:7].

Нутқий мулоқот ўнлаб – миллий, этнографик, ижтимоий, фалсафий –маданий, ахлоқий-эстетик, тарихий, маиший ва рухий омилларнинг лисоний бирликлар воқеаланиши билан коришуvidан иборат ҳаракатли системадир. Инсон нутқида бу омиллар у ёки бу тарзда мужассамлашади, бир бутун яхлит ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шу боис ҳам, нутқий фаолият унга ёндош ва инсонга хос рухий, физиологик, ижтимоий, маънавий, маданий ҳолатлар билан боғлиқликда тадқиқ этилгандагина нутқий мулоқот моҳият очилади ва индивидуал ҳодиса сифатидаги нутққа объектив баҳо берилади. Бу эса лисоннинг нутқий воқеаланишини унга ҳамкорлик қилувчи нутқий парадигмаларнинг куршовида юзага чиқарилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: Филол. фан. номз. ...автореф. – Тошкент, 1997.
2. Бородина М.А. Проблемы лингвистической географии. -М. -Л., 1966.
3. Ёўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент: Маънавият, 2002.
4. Кахарова М.М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқ: Филол. фан. номз. ...автореф.–Тошкент, 2009.
5. Кульсарина Г.Г. Вербализация концепта «туй» (свадьба) в башкирской языковой картине мира (на материале фольклорных текстов)// Вестник ВЭГУ. – №4 (72) 204.
6. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: УзМЭ, 2008.
7. Сафарова Р.Г. Гипономия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Автореф. дисс.

...канд. филол. наук. – Тошкент, 1990; Неъматова Г.Х. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ...автореф. – Тошкент, 1998.

8. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

9. Эрназарова М. С., Пардаева М. Ҳ. Луғавий шакллар маъносининг воқеланишида прагматик омиллар //Олий таълим сифатини такомиллаштиришда инновацион ҳамкорликнинг долзарб масалалари. Халқаро илмий онлайн конференция. – Навоий, 2020.

## **ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА МЕТАФОРИК КЎЧМА ВА ЭВФЕМИК МАЪНОЛАР ИФОДАСИ**

**Турдимуродов Сирожиддин Эшқобилович\***

*Аннотация:* Ўзбек тили жуда бой лексик қатламга, таркиб жиҳатдан хилма-хил ва ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ҳар бир сўзнинг маънолари мавжуд. Миллий-маънавий нутқ маданиятимизни ўзида акс эттирувчи кўчма ва эвфемик маъноларга эга лугавий бирликлар лугат бойлигимизнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Изоҳли лугатларда сўз кўчма маънолари изоҳининг батафсил берилиши унинг маъноларини тўғри англашда, қўллашда амалий аҳамиятга эга.

*Калит сўз:* изоҳли лугат, кўчма маъно, эвфемик маъно, тавсифловчи метафора, лексик тараққиёт, семантик структура.

Маълумки, тил онг билан чамбарчас боғлиқ, онг тилда ўз моддий ифодасини топади. Билишнинг олий шакли бўлган тафаккур онгнинг муҳим таркибий қисми бўлганлиги туфайли фикрлаш фаолияти тил орқали, сўзнинг маъно таркиби воситасида содир бўлади [Иноғомова. 1991. 2-сон.58]. Яъни инсон объектив борлиқни билиш фаолияти воситасида идрок этади, идрок этилган объект ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар эса унинг тили орқали ўз ифодасига эга бўлади. Шу боис ҳам, сўз маъносининг тараққиёти билан боғлиқ (метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик каби) лисоний ҳодисаларни ўрганиш жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ҳар бир даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган дейиш мумкин.

---

\* Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси. turdimurodovs@tersu.uz

Сўзнинг семантик структураси ўта мураккаб ва серқирра тушунча бўлганлиги туфайли унинг лексикографик талқини ҳам ҳар доим назарий ва амалий тилшуносликнинг долзарб муаммолари сифатида тилга олинади. Бугунги кунда ўзбек лексикографияси сўзларнинг маъновий талқини масаласида катта ютуқларни қўлга киритди.

Ўзбек тили лексикографияси сўнги йилларда салмоқли ютуқларга эришди. Халқимиз турмуш тарзи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларга алоқадор атамалар лингвистик тадқиқ этилиб, кўплаб луғатлар яратилди. Лексикография соҳасидаги ютуқлар ва амалий ишларнинг натижасида икки ва беш жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғатлари яратилди.

Тил кишилик жамиятининг барча босқичларида халқ ҳаёти, маданияти билан доимий алоқадор, миллий, маданий, ахлоқий маданият элементларини ўзида акс эттириб бориши билан муҳимдир. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг илм-фан шаклланган деярли барча босқичларида луғат тузишга катта эътибор қаратилган ва бир қанча луғатлар яратилган. Ваҳоланки, ушбу луғатлар турли мақсадлар учун хизмат қилиб, амалий аҳамияти билан ажралиб турган.

Сўнги юз йилликда ижтимоий, сиёсий муносабатларнинг ўзгариши, фан-техника тараққиёти, янги соҳаларнинг ривожланиши бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тили лексик қатламида ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўзбек тили жуда бой лексик қатламга, таркиб жиҳатдан хилма-хил ва ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ҳар бир сўз маъноларига эга бўлиб, миллий-маънавий нутқ маданиятимизни ўзида акс эттирувчи эвфемик воситалар лексиконимиз, шунингдек, нутқимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларга қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт,

Ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларнинг йўқолиши каби ходисалардан иборат бўлади [ЎТИЛ. 2006-2008. I. т. 5].

Маълум бир халқнинг ҳозирги тилидаги лексикаси ва унинг ютуқли жиҳатларини кўрсатиб беришда шу тилнинг умумий изоҳли луғати муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати XX аср ўзбек тилшунослигининг энг катта ютуғи саналади. Унда ўзбек тилининг лексик таркиби илк бора тартибга солинди, луғатларда қандай лексик қатламлар, акс этиши меъёрлаштирилди, изоҳли луғат тузиш тамойиллари амалий жиҳатдан қарор топди, луғатчиликнинг турли соҳаларига оид ютуқлар умумлаштирилди [Кўзиев. 2018.19]. Икки томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981) лингвистик, лексикографик тамойиллар назарий асосланган дастлабки луғат сифатида умумхалқ тили ва адабий тилимизга мансуб бир талай лексемалар ва уларнинг семантик жиҳатларини акс эттиришга ҳаракат қилинди.

Тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият ва унинг тараққиёти билан узвий боғлиқликда ривожланиб боради. Вақт ўтиши билан ижтимоий зарурият туфайли сўзнинг маъно таркибида баъзи ўзгаришлар юз беради. Умуман, бизни ўраб турувчи борлик, ундаги жамики мавжудликлар тилда сўзлар орқали ифодаланади.

Лекин борликдаги нарса-предметлар ва уларнинг тилдаги ифодаловчилари бўлган сўзлар миқдори тенг келмайди. Яъни нарса-предметлар миқдори тилдаги сўзлар миқдоридан бир неча баробар кўп. Шунинг учун бир-бирига турли жиҳатлари билан ўхшаш, ҳар хил хусусиятлари билан алоқадор бўлган предметлар тилда мавжуд бўлган сўзлар билан қайта номланади. Натижада бир сўз ўз бош маъносидан ташқари кўчма маънога эга бўлади [Ҳожиев, 2007.4]. Сўз маъносининг кўчиши орқали маълум бир сўз билан бир неча маъноларни ифодалашимиз

мумкин. Тилларнинг миллий-маданий ва структурал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар барча тилларда ҳам бир хил эмас. Чунки тиллар бир хил ижтимоий ривожланишда бўлмагани сингари, уларнинг структуралари ҳам бир-биридан фарқланади.

Сўз кўчма маъносининг юзага келиши ҳосил килувчи ва кўчма маъно референтлари ўртасидаги ўхшашликка асосланса метафора, алоқадорликка асосланса метонимия, бутун ва бўлак муносабатига асосланса синекдоха, бирини иккинчиси ижтимоий ҳаётдан суриб чиқаришига асосланса вазифадошлик деб қаралади. Бу кўринишларнинг ҳар бири ҳосил килувчи ва кўчма маъно референтлари ўртасидаги ўзига хос муносабатларга кўра бир-биридан фарқ қилади, ўзаро чегараланади [Миртожиев, 2010.92].

Кўрдикки, кўчма маъно юзага келиши асосан тўрт кўринишда бўлиб, улар метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқдан иборат. Кўчма маъно юзага келишининг яна бир кўриниши борки, уни айрим тилшунослар метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин қиладилар.

Ўзбек тилшунослигида маъно кўчишининг метафора усули ҳақидаги илк тадқиқот сифатида 1963 йилда тилшунос Т. Аликулов томонидан эълон қилинган “Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида” деб номланган мақолани айтишимиз мумкин. Шундан кейин қисқа вақт мобайнида полисемия ҳодисасини турли томондан тадқиқ этишга қаратилган бир нечта мақола ва тадқиқотлар пайдо бўлди, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Ушбу тадқиқотларда полисемия ҳодисаси, унинг вужудга келиш усуллари, бу усулларнинг маълум чегаралари аниқланди. Шунини айтиш керакки, бу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотларда турли хил ёндашув ва фикрлар кузатилади. Хусусан, О.Азизов маъно кўчишининг турлари сифатида метафора ва метонимия ҳодисаларини кўрсатиб, синекдохани метонимиянинг бир кўриниши сифатида баҳолайди

[Азизов.1963. 63-64]. Тилшунос С.Усмонов эса маъно кўчиш усуллари сифатида метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошликни қайд қилади. Сўз маъноси кўчиши усуллариининг бундай таснифланиши рус тилшунослигида А.А.Реформатский томонидан келтирилган таснифга анча яқин эди [Реформатский. 1960.54-55].

Ш.Раҳматуллаев ҳам маъно кўчиш усуллариини С.Усмонов каби турларга ажратади. Тилшунос олим М.Миртожиев эса маъно кўчиш усуллариини 5 турга ажратади: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик ва тобелилик. [Миртожиев. 1970.132] Маъно кўчишининг сўнги (тобелилик) тури шу пайтгача яратилган таснифларда учрамайди.

Тилшунос олимларимизнинг ўзбек тилида кўчма маъноли сўзлар юзасидан билдирган қарашларида кўплаб мунозаралар, уларни турларга ажратишдаги қийинчиликларга учраганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун уларга барҳам бериш мақсадида Б.Менглиев шундай муносабат билдиради: “...айрим ҳолларда метафора ва вазифадошлик, метонимия ва синекдоха ходисалари орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Шунинг учун тилшуносликда метафора ва вазифадошликни бирлаштириб метафора, метонимия ва синекдохани бирлаштириб метонимия сифатида қараш кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд” [Mengliyev B.R. 2018.160]. Фикримизча ушбу ходисаларни юқоридагидек бирлаштириш борасида бир тўхтамга келиш лозим.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўчма маъноларда қўлланилувчи сўзликнинг кўчма маънолари қуйидаги шартли қисқартмалар орқали берилади: *кўчма*, *кўчма с.т.*, *кўчма айн.*, *кўчма сиёс.*, *кўчма кест.*, *кўчма поет.*, *кўчма эск.*, *кўчма кам. қўл.*, *кўчма салб.*, *кўчма махс.*, *кўчма нафр.*, *кўчма сўк.*, *кўчма с.т. еск.*, *кўчма кт.*, *сифат кўчма* кабилар орқали берилиши сўз кўчма маъноларининг қўлланилишини англашдаги муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай шартли қисқартма ва изоҳларнинг берилиши **биринчидан**, кўчма маъноли сўзларнинг



кўлланилиш кўлами кенглигидан дарак беради, **иккинчидан**, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги маълум муносабатларнинг мустаҳкам шаклланишига ёрдам беради, **учинчидан**, изоҳли луғатнинг мазмуни, шу билан биргаликда, ундан фойдаланувчиларнинг билим салоҳияти ва дунёқараши юксалишга, сўз кўллаш маҳорати ошишига олиб келади.

Шунингдек, ЎТИЛнинг иккинчи нашри беш томлик (2006-2008) да ҳам бош сўзнинг кўчма маъноларини изоҳлашда юқоридаги шартли қисқартмалар билан биргаликда қуйидаги кўшимча янги қисқартма шакллари учратдик. Булар: *от кўчма* (2 томликда фақат сифат сўз туркумини фарқлашга эътибор қаратилган), *кўчма фолк.*, *кўчма дин.*, *кўчма лақаб* каби маъноларни англатиб келишига доир тушунчаларни кузатиш мумкин. Бу эса тилшунос олимларимизнинг меҳнати ва луғатнинг мукаммаллашиб бораётганлигининг бир кўринишидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бош сўз сифатида берилган лексемаларни ЎТИЛнинг икки томлигида 60 минг, беш томликда 80 минг деб оладиган бўлсак, мана шу сўзликларнинг кўчма маънолариги эгаларининг сони икки томликда 1728 та (умумий сўзликлар сонига нисбатан 2,8%) ни, беш томликда 2214 та (умумий сўзликлар сонига нисбатан 2,7%) ни ташкил этади. Бу маълумот изоҳли луғдаги кўчма маъноларига эга фақат бош сўз сифатида берилган сўзлар мисолида келтирилди, ammo сўз бирикмаси ва мақоллар билан боғлиқ кўчма маъноларни киритмадик. Чунки сўз бирикмаси ва мақолларнинг кўчма маънолари алоҳида тадқиқ этилиши керак, деб ўйлаймиз. Юқоридагиларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, кўчма маънолар ҳақидаги юқоридаги кўрсаткичлар ифодаси яна бир неча баробарга ошиши аниқ. Ваҳоланки, ЎТИЛда берилган ушбу сўзликларнинг ҳар бири камида 1-2 тадан, ўртача 3-4 та, энг кўп 8-11 тагача ўринларда кўчма маънода кўлланилиши ҳақидаги изоҳларни кўришимиз мумкин.

Барча тиллардаги каби тилнинг луғат бойлигини ўз ва ўзлашган қатламга оид сўзлар ташкил этади. Ушбу жараёнда ЎТИЛда кўчма маъноларда қўлланилувчи луғавий бирликларни лексик қатламларга ажратишга ҳаракат қилдик:

1. Ўз қатламга оид кўчма маъноли лексемалар: *енгилашмоқ, этак, супрақоқди* в.б.

2. Ўзлашган қатламга оид кўчма маъноли лексемалар: араб тилидан: *ривоят, соф, соя, султон* ва.б. ф орс-тожик тилидан: *кавшар, пучак...* рус тили ва европа тилларидан: *стол, очко* (рус), *резонанс* (франсуз), *рецепт* (лотинча), стереотип (юнонча).

Маълумки, сўзларда маъно кўчишининг турлари маъноси кўчган ва маъноси кўчирилаётган сўзлар маъноларининг бир-бири билан қандай муносабатда бўлишига асосланади. Метафорада семалар ўртасидаги муносабат ўхшашликка асосланса, метонимияда алоқадорлик муносабати маъно кўчиши учун асос бўлади. Синекдохада семалар ўртасидаги бутун ва бўлак муносабати, вазифадошликда эса бажарадиган вазифасининг ўхшашлиги кўчма маъно юзага келишини таъминлайди. Маъно кўчишининг бу усуллари орасида энг кенг тарқалган усул метафора бўлиб, тилимиздаги кўчма маъноли сўзларнинг жуда катта қисмини айнан маъноси метафорик усул билан кўчган сўзлар гуруҳи ташкил этади. Шу боис ҳам семасиология соҳасидаги тадқиқотларда асосий эътибор метафорага қаратилади. Лекин, шуни такидлаш керакки, семасиологик тадқиқотлар бошланганига кўп вақтлар бўлган бўлса ҳам, ўзбек тилшунослигида метафора, унинг ёндош ҳодисаларга муносабати, вужудга келиш сабаблари, метафорани юзага келтирувчи асосий омиллар ҳақида ўзбек тилшунослигида М.Миртожиев, С.Усмонов, Т.Аликулов, Ш.Раҳматуллаев, О.Азизов, З.Тоҳиров каби олимлар ўз фикрларини тадқиқотларининг таркибий қисми сифатида ёки мақола ва тезислардагина айтиб ўтишди, холос. Яқин йилларгача метафора яхлит тадқиқотнинг текшириш объектига

айлантирилмади. Унинг лисоний ва нуткий хусусиятлари лингвистик жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмади, маъновий гуруҳлари, тузилиш турлари тасниф қилинмади. Ўзбек тилшунослигида тадқиқотчи Г.Қобулжонова метафорани яхлит тадқиқот объекти сифатида танлаб, уни системавий ёндашув асосида тадқиқ қилди [Қобулжонова. 2000]. Шунингдек, бу соҳадаги кейинги ишга эътибор қаратадиган бўлсак, Ш. Маҳмараимованинг “Ўзбек тили метафораларининг антропосентрик тадқиқи” номли диссертация иши ҳам метафорани тадқиқ этишдаги алоҳида аҳамиятга эга ишлардан бири бўлди [Маҳмараимова. 2020].

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тили ва унинг изоҳли луғати таркибида, хусусан, тавсифловчи метафорага кўплаб дуч келамиз. Уларнинг замирида маълум даражада номлаш/аташ интенцияси мавжуд дейиш мумкин. Масалан:

БУЛБУЛИГЎЁ [булбул –форсча, сўзловчи, нотик] 1 булбул каби сўзловчи. 2 с.т. *кўчма* Ҳаддан ташқари кўп гапирувчи; вайсақи; маддох. *Аъзамнинг булбулигўёлиги суҳбатдошимга кутганидан ортиқ озуқа берди, шекилли, у формадаги ҳамроҳига: -Бу лаққага ўхшайди-ку! — деб, сўл кўзини қисиб қўйди.* Шухрат, Жаннат кидирганлар [ЎТИЛ. I.т.370] (*бизнингча, юқоридаги гап таркибида лаққага сўзи луғатда имловий хатolik юзага келганлиги кўриниб турибди, ушбу сўзни лаққига тарзида талаффуз қилиш ва тушунлини тавсия этамиз*). Ушбу келтирилган мисолда **булбулигўё** метафорик эвфемизми ўзбек тилидаги кўп гапирувчи, вайсақи, маҳмадона, лаққи ифодалари ўрнида қўлланиладиган тавсифловчи атамадир. Бироқ маҳмадона, лаққи сўзлари тавсифловчи ва атовчи ифодалар бўлганлиги каби уларнинг алмаштирувчилари бўлган *булбулигўё* ифодаси ҳам аввало, тасвирлаш, қолаверса, номлаш вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Фикримизни луғатда келтирилган **елим** сўзлиги мисолида давом эттирамиз. Ушбу лексема (сўзлик):

ЕЛИМ [форсча — елим, клей] 1 Дарахт танасидан силкиб чикиб , қотиб қолган ёпишқоқ шира маъносини англатади. Мастонбиби конвертни ўрик елими билан ёпиштириб, боягидек қилиб қўйди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 кўчма Хиралик қилиб ёпишаверадиган; шилқим. *Бу тоифа одамлардан қочиб қутулмасанг, бошқа йўл билан қутулиб бўлармиди. Елим-ку, елим улар.* С. Аҳмад, Ҳикоялар. Нодирбек ўлгудек шилқим, елим, ёпишқоқ йигит экан. М. Қориев, Ойдин кечалар [ЎТИЛ. II.т. 7]. Юқоридаги каби мисолларимизни кўчма маънолари орқали луғатда изоҳланган: *оёқяланг* (камбағал, қашшоқ сўзлари ўрнида), *жинни* (аҳмоқ, нодон сўзлари ўрнида) *сўзликлари мисолларида ҳам метафорик эвфемик маъно касб этишини кўришимиз мумкин.*

Ҳар қандай метафорик ифода ўз қўлланиш аввалида тавсифлаш, характерлаш вазифасини бажаради. Лекин вақт ўтиши билан ифоданинг шакл ва мазмун яхлитлиги ижтимоийлашуви натижасида номлаш вазифаси устуворлашиб боради. Метафора, хусусан, эвфемик метафора тил таракқиётининг муҳим воситаларидан биридир. Эвфемик метафоралар ёки метафорик эвфемалар тил лексикасини – маънодошлик қаторларини, кўп маънолилиқни, бўёқдор сўзларни доимий равишда бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, инсоннинг ички ҳис-туйғуларини вербаллаштиришда ҳам эвфемик метафоралар муҳим аҳамият касб этади. Метафоранинг эвфемистик тури кўп ҳолларда гносеологик вазифа ҳам бажаради. Метафорик эвфемизмлардан оғзаки ва ёзма нутқда ўринли фойдаланиш, уни қўллаш шахснинг қайси миллий муҳитга мансублиги, фикрлаш қобилияти ҳам боғлиқ. Бу метафоранинг борлиқни англаш, уни идрок этиш тушунчаси билан боғлиқ. Зеро, эвфемистолог олима Хуршида Қодирова таъкидлаганидек, “Метафора борлиқни ифодалаш ва англашнинг лисоний- когнитив усулидир. [Қодирова. 2009. 36].

Хар бир тилнинг луғат бойлиги семантик жиҳатдан унинг изоҳли луғатларида кўчма маъноли сўзларнинг кенг ёритилиши билан бевосита боғлиқ. Ушбу сўзларнинг алоҳида изоҳли луғати тузилиши сўз ва унинг маъноларини тўғри англашда, уларни оғзаки ва ёзма нутқда ўринли қўллашда шу билан биргаликда, нутқ бойлигимизни янада бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Иноғомова Ю. Сўзнинг маъно таркибида онг фаолиятининг акс этиши // Ўзбек тили ва адабиёти.-1991. 2-сон. –Б. 58.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 5томлик, 1-том. –Тошкент, 2006-2008. -680.б.
3. Кўзиев У. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар: фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. автореф. – Фаргона, 2018. – Б. 19
4. Ҳожиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар. Филол. фан. номз....дис. автореф.- Т.,2007. -Б.4.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т. 2010. 290.Б.
6. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент., 1963. - Б. 63-64.
7. Реформатский А.А. Введение в языкознании. – М.- 1960. – С.54-55
8. Миртожиев М. Кўчма маъно ҳосил қилувчи ҳодисалар классификациясига доир//Ўзбек филологияси масалалари. Тошкент давлат университети илмий асарлари. 362-чиқиши. 1970. -Б.132
9. Mengliyev B.R. Hozirgi o‘zbek tili. “Tafakkur bo‘stoni”,

-Т.:2018. 200.б.

10. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. ном. дис. -Т., 2000.

11. Маҳмараимова Ш. Ўзбек тили метафораларининг антропосентрик тадқиқи. – Самарқанд. 2020. 255.б.

12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов ва б. таҳрири остида. 5-томлик, 2-том. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. 671 б.

13. Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 2009. – Б.36.

## **INSON RUHIY HOLATI IFODALASHNING LINGVISTIK TAHLILI**

(Odil Yoqubov asarlari misolida)

**Ergasheva Dilrabo Allanazarovna\***

*Annatsiya.* Maqolada til va tafakkurning o‘zaro munosabati, bu aloqadorlikning badiiy asar nutqida ifoda etilishi, unda til birliklarining aktuallashuviga sabab tugdiruvchi omillar to‘g‘risida so‘z yuritiladi. Odil Yoqubovning “Ulug‘bek xazinasi”, “Diyonat” nomli asarlari misolida qahramon ruhiy holatining ifodasi tahlil etiladi.

Qahramonlarning turli hayotiy vaziyatlardagi ruhiy holati - zavqlanish, ruhiy a‘ziyat chekishi, xafalanishi, g‘azablanishi va boshqa hissiyotlari nutq vositalari orqali qanday ifodalanishi ilmiy tahlil qilinadi. Bunda psixolingvistik qarashlarga tayanib ish ko‘rilgan. Shu asosda inson va uning ruhiyati hamda nutq vaziyati bir- birini taqazo etadigan jarayon ekanligi ko‘rsatib o‘tilgan.

**Kalit so‘zlar:** til, tafakkur, ularning o‘zaro munosabati, badiiy asar tili ijodiy tafakkurning namoyon bo‘lish shakllaridan biri sifatida.

Tilshunolik taraqqiyotida tilni o‘rganishga nisbatan yangicha yondashuvlar, qonun-qoidalar vujudga keldi. Tilni o‘rganish bo‘yicha jahon tilshunosligida katta ishlar amalga oshirildi. Jumladan, yangi tilshunoslik maktablari, oqimlar, yo‘nalishlar paydo bo‘ldi. Tilga inson omili sifatida qarash fan sohasidagi katta yangiliklardan edi. So‘z va uning matnda ifodalayotgan ma‘nolari, uning insonga qanchalik ta‘sir etishini o‘rganish tilshunoslikning muhim yangiliklaridan biri bo‘ldi.

Psixologik nuqtayi nazardan matn individning nutqiy tafakkufi mahsuli, obyektiv borliqni til tizimi vositasida aks ettirish qobiliyati

---

\* Termiz davlat universiteti o‘qituvchisi; ergashevad@tersu.uz

sifatda namoyon bo‘ladi. Bunda matnning shakli va mazmuni muayyan kommunikativ vaziyat qatnashchisi – konkret shaxsning psixologik xususiyatlari bilan uzviylikda tahlil qilinadi [Xudoyberganova,2013:54]. O‘zbek tilidagi matnlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, shaxsning ruhiy holati ifodalangan matnlarda muayyan til birliklari aktuallashadi.

V.G.Belinskiy inson ruhuyatini chuqur va mukammal tasvirlash uchun romanda imkoniyatlarning nihoyatda kengligini uqtirgan edi: “ Bu eng keng , har narsani o‘z ichiga oladigan poeziya turi; unda istedod o‘zini cheksiz erkin sezadi”[Usmonova,2013:99]. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixidan ma‘lumki, Sharqda “insonshunoslik” vazifasi, asosan, dostonlar zimmasiga tushgan edi. Inson hayotining turli manzaralari, ruhiy olamining sirli ko‘rinishlari ko‘proq mumtoz adabiyotimizda keng tarqalgan liro-epik dostonlarda aks etdi.

Inson ruhiyatining badiiy tahlili – so‘z san‘atining asosiy belgisi, uning tub mohiyatini belgilovchi sifatidir. Zotan, insonshunoslikni shaxsning ruhiy dunyosidan ajratib tasavvur etib bo‘lmaydi. Insonning ruhiy dunyosi o‘zaro suhbatlarda, tortishuvlarda, dialog va monologlar vositasida ochiladi. Odil Yoqubov o‘zining “Ulug‘bek xazinasi”, “Diyonat”, “Ko‘hna dunyo” “Osiy banda” romanlarida qahramon ruhiy holatini yoritishda diolog va monologlardan foydalanish mahoratini namoyon qila olgan.

Har bir davrning yozuvchi va shoirlari o‘z asarlarini o‘qimishli va jo‘shqin qilish uchun qahramonlarining ruhiyatini munozaralarda, bahslarda, o‘zaro tortishuvli suhbatlarda ochib ko‘rsatadi. Bu vazifalarni bajarishda yozuvchi faqat til mahoratiga suyanadi. Til orqali yozuvchi asar qahramonlarining murakkab, o‘ziga xos xarakterli xususiyatlarini hamda sharoit va muhitning inson ruhiyatiga ta‘sirini tahlil qiladi. Inson ruhiy holatining rang-barangligi uning nutqida, so‘zlash tarzida yaqqol aks etadi.

Ichki monolog shaxs ruhiyatini tasvirlashning eng muhim vositalaridan biri bo‘lib, uning asrlar davomida sayqallangan turli shakllaridan inson ruhiyatini ochib berishda keng foydalanilmoqda.



Ichki monolog qahramonlarning og‘ir ruhiy holatlarini, bировga aytib bo‘lmaydigan yashirin, iztirobli dardlarini ichidan (ovoz chiqarmasdan) tahlil qilib kitobxonga yetkazadigan nutqdir [Nasrullayeva, 2014:133].

Odil Yoqubov o‘z asarlarini yaratishda turli til xususiyatlaridan foydalanib, shaxs tafakkurini ochib bergan mohir ijod sohibi edi. Uning “Diyonat” romani uslubiy jihatdan o‘ziga hos bo‘lib, unda yozuvchi ichki monolog imkoniyatlaridan keng foydalangan. Asarning asosiy qahramonlari Normurod Shomurodov, Otaqo‘zi Umarovlar diyonat, adolat, insof uchun qayg‘uradilar va kurashadilar. Lekin hamma gap ana shu izlanishlar, kurashlarning turli tamoyillarga asoslanishiga hamda ularning haqqoniy tasviriga bog‘liq. Yozuvchining mahorati shundaki, asardagi asosiy xarakterlarning badiiy vaqt doirasida turli vaziyatdagi ko‘rinishlariga ko‘proq e‘tibor qaratadi. Bu xarakterlarning shakllanish tarixi esa asosan ichki monologlar orqali beriladi. Nasriy asarlar uchun muallif nutqi bunday san‘at asarining go‘zalligini aks ettiruvchi o‘ziga xos ko‘zgu sanaladi va ko‘pincha turli xil monologlar shaklida ko‘rinadi. Normurod Shomurodov butun umrini xalq ishiga, adolat, diyonat uchun kurashga sarflagan. Uning xarakteri uchun prinsipiallik, sofdillik, kecha-yu kunduz tinim bilmaslik kabi oliyjanoblik xislatlar xos. Bu kekxa chol ichki monologlarining mazmuni, xarakterini uning ana shu fazilatlari belgilaydi. Agar biz Normurod ota va Vohid Miroidovlar ichki monologlarini ana shu jihatdan o‘zaro taqqoslasak, ko‘z o‘ngimizda bir-biriga zid ikki olam gavdalanadi. Birinchisi tashqi hayotda hali hal qilinmagan masalalar ustida bosh qotiradi, jumladan, Sibir daryolarini O‘rta Osiyoga burish, mintaqa ekologik vaziyatini, tabiatini saqlash haqida qayg‘uradi, bu masalalarni diyonat yo‘lidan borib yechishni o‘ylaydi. Ayrim rahbarlarning o‘z lavozimlaridan foydalanib, jamiyat qonunlarini oyoq osti qilishlari, iqtisodiy manfaatni ko‘zlab, o‘lka tabiatiga, husniga bolta urishlari, atrofdagilarga ruhiy zarba berishlari uni sira ham befarq qoldirolmaydi, yangi-yangi o‘ylarga, o‘ylardan ayovsiz kurashga yetaklaydi. Ikkinchidan fan manfaatlaridan shaxsiy

intilishlar ustun turadi, tezroq davlat mukofotiga erishish haqidagi shirin orzularda o‘z ifodasini topadi.

“Diyonat” romanida qo‘llangan ichki monologlarning asosiy qismi xotira retrospeksiya xarakteridadir. Ana shunday ichki monologlar yordamida yozuvchi qahramonni o‘tmishga ko‘chiradi, asar bayoni tarkibiga yangi ma’lumotlar olib kiradi, qahramonning romandagi holatiga, ahvoliga “Psixologik diagnoz” qo‘yadi. Masalan, Normurod Shomurodov eng yaqin kishilarining manfaati oldida ham o‘z hayotining negizi bo‘lgan sofdillik, haqiqat, adolat uchun kurash tamoyillariga, vijdon chaqirig‘iga xiyonat qilmaydi. Jiyani Haydar o‘z ilmiy ishida mintaqaning suv resurslari haqida noto‘g‘ri fikrlarni oldinga suradi. Otaqo‘zi esa tog‘asidan o‘g‘li haydarning dissertatsiyasini qo‘llab-quvvatlashini kutadi. Normurod ota esa xuddi shu o‘rinda ham hayotdagi o‘z prinsiplaridan chekinmaydi, bu ishga aralashish istagi yo‘qligini bildiradi.

Professor Normurod Shomurodovdagi ilmga sodiqlik jiyani Otaqo‘zini undan uzoqlashtiradi. Qarigan chog‘larida hollaridan xabar olib turadigan yagona jiyanining undan yuz o‘girishi Gulsara ayaning dardini yangilaydi. Oralarida bo‘lib o‘tgan qisqa “janjal” professorni chuqur o‘ylarga, azobli tuyg‘ularga yetaklaydi. Xuddi shu o‘rinda Normurod Shomurodovning birinchi katta ichki monologi beriladi.

Asar qahramoni Normurod Shomurodovning birinchi katta monologida o‘tmish haqidagi xotira-o‘ylari yotadi. Bu xotira-o‘ylar assotsiativ holatda biri ikkinchisini boshlab kelaveradi. “*U (Normurod Shomurodov ) bilardi – kampirning dardi oshkora aytilmaydigan, biroq qalbida so‘nmas bir dard bo‘lib qolgan yolg‘iz o‘g‘illari Jabborga borib taqalardi. Agar Jabbor tirik bo‘lganida, agar u urushda o‘lib ketmaganda, kampir hozir shu ahvolda o‘tirarmidi, uning o‘zi, kimsan Normurod Shomurodovning o‘zi shu ko‘yga tusharmidi?..*” [Yoqubov, 1979:19]. Shundan keyin Normurod Shomurodov tomonidan Jabbor, Fazilat, Bo‘riboevlar tarixi eslanadi.

Asarda Normurod Shomurodovning xotini Gulsara vafotidan keyingi hayotidagi voqealar ichki monologlar yordamida yanada chuqur tasvirlangan. Bu ichki monologlardagi undovlar, pauza, fikrlardagi mantiqning buzilishi, ruhiy “sakrashlar”ning tabiiyligi asar qadr-qimmatini yanada oshiradi. Eng muhimi ularda inson ichki olamining hayot mantig‘i haqqoniy tasvirlangan. Normurod Shomurodov o‘zing ana shu ichki monologlarida hayotdagi o‘z xatti-harakatlarini, turli to‘qnashuvlarga boy hayot yo‘lini tanqidiy tahlil qiladi. Bu o‘ylar, his-tuyg‘ular, qahramon irodasiga zid holatda uni o‘z girdobiga tortaveradi. Shunda ba‘zan asar qahramoni og‘ir o‘ylarga berilganini his etadi, xayolan ulardan qutulish yo‘llarini izlaydi:

*“Bas! Nima qilasan, xasta yuragingni tilka-pora qiladigan esdaliklar bilan o‘zingni egovlab? Endi kimga kerak bu alamli xotiralar? Oshingni oshab, yoshingni yashab bo‘lding! Endi qolgan besh kunlik umringni beg‘alva-betashvish o‘tkazishni o‘ylasang-chi, Normurodvoy! Mana, mol-dunyong, kitob-pitoblaring bilan ko‘chib kelding. Dunyoga kelib orttirgan eng katta boyliging – shu kitoblar! Salkam o‘n ming jild kitob! O‘shalarni o‘qib, mutolaa qil. Yoshlarga ulash. O‘qishsin. Bahramand bo‘lishsin. Oxirgi paytlardagi eng ulug‘ orzung shu edi-ku. Shu ish bilan o‘zingni ovuntir, taskin-u tasalli ol. Bu chirkin o‘ylar bilan dilingni namozshom qilishdan na foyda, og‘ayni?”* [Yoqubov, 1979:93].

Odil Yoqubovning “Diyonat” romanida ichki monologik nutq inson ruhiy holatini ochib berishda muhim vosita ekanligini Shomurodov bilan Otaqo‘zi obrazlari orqali ko‘rish mumkin.

*“...Umring diqqinapas bir ilm dargohida o‘tgan, suyaging kitob bilan qotgan bir odam, sen bu hayot qonunlarini qayoqdan bilasan, qoqboshchol?*

*... Bas! Bo‘ldi! Loaqal endi, bu muqaddas qabr tepasida munofiqlik qilma, loaqal endi, hayotning bu rahmsiz hujumi oldida halollikni, diyonatni o‘yla, Otaqo‘zi”* [Yoqubov, 1979:365].

Bu monologni o‘qigan inson mazkur ichki nutqlar, ichki tug‘yonlar muallifnikimi, qahramonnikimi? – deb o‘ylashi tabiiy.

Sababi nutqlarda berilgan **“... qayoqdan bilasan, qoqboshchol”, yoki “... halollikni, diyonatni o‘yla Otaqo‘zi! ...”** kabi so‘zlarni qahramon emas, yozuvchi emas, yana bular o‘rtasidagi boshqa bir kishi aytayotgandek tuyuladi.

Yuqoridagi matnda Shomurodov bilan Otaqo‘zi monologlarini o‘zlari yashirin, hech kimga sezdirmay ichdan gapirishi ifodalangan. Muallifning nutqi esa ularga qo‘shilib ketyapti, qahramonlarning ruhiyatini bo‘rttiraypti.

Yuqoridagi matnda Ulug‘bekning ichki monologik nutqi uning qalb tug‘yonini kitobxonga yuqtiradi va shu tarzda Ulug‘bek obrazini yorqinlashtiradi. Haqiqatdan ham qirq yil Movarounnahrda rahnamolik qilgan buyuk olimning ma‘naviy qiyofasini va hayotining eng keskin jabhalaridagi yashirin o‘ylarni yozuvchi faqat monologik nutq orqali yoritib berishi mumkin. Bundan tashqari yozuvchi Ulug‘bekning olimona, aqlli, zakovatli nutqi bilan uning podshohlik tashvishlaridan, g‘iybatu fisqu fasodlardan, taxt talashish (ayniqsa o‘z farzandi bilan) va ichki urushlardan, vafosiz hokimiyatdan bezib turgan ruhiy holatini so‘zlarning eng nozik ma‘no tovlanishlari orqali ochib beradi.

Mashhur ingliz marksisti, adabiyotshunosi Ral‘f Foks: “Romanning asosiy xislati - bizdan tashqaridagi ob‘yektiv dunyoni va insonning ichki dunyosini bir xil darajada teran berish qobiliyatidir...” [Рольф Фокс, 1960:85] - deydi.

“Ulug‘bek xazinası” romanining asosiy xislati qahramonlarning ichki dunyosini nutq orqali yoritib bera olishidadir.

Inson tafakkuriga xos bo‘lgan tahlil qilish, umumlashtirish, konkretlashtirish, zidlash kabi aqliy faoliyat amallari, xususan, badiiy matnda o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘ladi. Bunda matn yaratuvchi shaxs o‘zi tavsiflayotgan ob‘yektga ijodiy yondashib, uning ochilmagan qirralarini o‘ziga xos tarzda ko‘rsatib berishga harakat qiladi. Bu kabi tafakkur amallari badiiy matnda ham o‘z ifodasini topadi. Badiiy matnda mana shu jihatdan, ya‘ni tafakkur amallarining nutqiy tuzilmadagi in‘ikosi nuqtai nazaridan tadqiq etish uning

antropotsentrik, jumladan, psixolingvistik xususiyatlarini yoritishda ma’lum ahamiyat kasb etadi.

Badiiy asarlarda shaxs tafakkuriga xos bo‘lgan tahlil qilish amalining namoyon bo‘lishi ko‘p uchraydi. Ijodkor bu usuldan o‘zlari tasvirlayotgan obeykt mohiyatini to‘laqonli yoritib berishda unumli foydalanadilar. Odil Yoqubovning « Ulug‘bek xazinası » romanida Ali Qushchining Mirzo Ulug‘bek haqidagi o‘ylari tasvirida Ali Qushchi ruhiyatida ustoz boshiga tushgan ayanchli kunlardan qayg‘urish kayfiyati ifodalanganini kuzatish mumkin. Bu holat inson ruhiy holatining ifodalanishi, insonning o‘z olami bilan boshqalarga bo‘lgan munosabati, hayotni o‘z qarashlari orqali idrok etishi, tafakkur va tasavvur olami bilan bog‘liqligi orqali namoyon bo‘lishini ko‘rsatadi.

Ulug‘bekning hayoti va ilmiy tafakkuri bilan tanishmoqchi bo‘lib turgan kitobxon to‘satdan hayajonga tushadi, chunki yozuvchi asardagi voqealarni boshlashi bilanoq, muallif nutqiga Ali Qushchining ichki monologik nutqi qo‘shilib yangraydi.

*“Nechun, nechun shunday bo‘ldi? Nechun falakiyot ilmini idrok eta olgan, o‘tkir tafakkur bilan koinot sirlarini ochib, yangi yulduzlar kashf etgan allomalar sarboni taxt va saltanatning bevafoigini idrok eta olmadi? Nechun hamma davri – davron, hamma davlat va shoh va fotihlarning tarixini besh qo‘lday biladigan bu zukko donishmand toj va hokimiyat hech bir kimsaga vafo qilmaganini tushunmadi yoxud tushunsa-da uni tark etishga irodasi yetmadi? Nechun hokimiyat deb atalmish bu soxta shon – shavkatdan voz kechib, butun tafakkuri o‘tkir mushohadasi, butun salohiyatini ilm – fanga insonni ulug‘lovchi ziyo – marifatga baxsh etadi? Nechun?...[Yoqubov, 1974:8]“*

Qahramon nutqining kuchi kitobxonni asar voqealarining ichiga sezdirmay kirgizib qo‘yadi. Kitobxon qahramonning ichki nutqini tinglarkan, u ham obrazga qo‘shilib, xayol og‘ushiga cho‘madi va qalbida olim Ulug‘bekka hamdardlik hissi paydo bo‘ladi.

Ushbu matn Mirzo Ulug‘bekning ichki monologi asosida qurilgan bo‘lib, bevosita Ulug‘bekning o‘z farzandi Abdullatif haqidagi ziddiyatli o‘ylari tasvirlangan. Unda ritorik so‘roq gaplardan ham foydalanilganki, inson ruhiy holati shu vosita orqali to‘laqonli ochib berilgan. Toj-u taxtdan ayrilgan Mirzo Ulug‘bek xayolan o‘g‘li Abdullatifni qoralaydi, undan benihoyat ranjiydi, lekin otalik mehri g‘olib kelib, beixtiyor shahzodani oqlash uchun dalillar keltiradi.

Har bir millatning o‘ziga xos ko‘rish tarzi bor, o‘ziga xos idrok intizomi bor, umumlashtirib aytganda, o‘ziga xos tafakkur tamoyili bor. Shuning uchun ham “milliy ong”, “milliy tafakkur”, “milliy tuyg‘u” degan oliy tushunchalar ming yillardirki, odam bolasining qalbidagi nurga qudrat va qamrov baxsh etib keladi. Tilning mohiyati, vazifasi, ko‘pincha, benihoya jo‘n talqin etiladi. Go‘yoki til – eng muhim aloqa vositasi bo‘lgan ijtimoiy hodisa. Tilning aloqa vositasi ekanligi uning juda ko‘plab vazifalaridan faqat bittasidir. Aslida til, eng avvalo, dunyoni ko‘rish, eshitish, bilish, idrok etish vositasidir. Ayni paytda, tilning ruhiy, estetik hodisa ham ekanligini unutmashimiz lozim [Tursunov, 2013:38].

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi. Toshkent, 2013.
2. Usmonova Sh. Matnning antropotsentrik tadqiqi // O‘zbek tili va adabiyoti.5-son. – Toshkent. 2013.
3. Nasrullayeva G. Antropotsentrik metafora tasnifiga doir // Lingvist V (ilmiy maqolalar to‘plami). Toshkent: Akademnashr. 2014.
4. Yoqubov O. Diyonat. Toshkent. G‘afur g‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.1979.
5. Yoqubov O. Diyonat. Toshkent. G‘afur g‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti.1979.
6. Рольф Фокс. Роман и народ. М.1960., с.85.

7. Yoqubov O. Ulug‘bek xazinasi. – Toshkent. G‘afur g‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti. 1974.

8. Tursunov S, Murtazoyev B. Milliy ma‘naviyat va barkamol avlod tarbiyasi. –T.: “O‘zbekiston”. 2013.

## **SIYOSIY NUTQ LINGVISTIK DISKURSNING ALOHIDA MUSTAQIL TURI SIFATIDA**

**Ro‘ziyev Elbek O‘rol o‘g‘li\***

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada tilshunoslikning faol rivojlanayotgan sohalaridan biri hisoblangan siyosiy lingvistika hamda unda “diskurs” tushunchasi, uning shakllanishi va qo‘llanilishi borasi mulohazalar yuritilgan. Shuningdek zamonaviy diskurs nazariyasining turlari, shakllanishi, taraqqiyoti borasida fikrlar bildirib o‘tilgan.

**Tayanch so‘zlar:** siyosiy lingvistika, siyosiy diskurs, Siyosiy-ijtimoiy notiqlik.

Siyosiy lingvistika hozirgi zamon tilshunosligida faol rivojlanayotgan sohalardan biri sifatida e‘tirof etilmoqda. Siyosiy lingvistikada asosiy e‘tibor siyosiy til, siyosiy kommunikatsiya, va diskurslarning muhim xususiyatlarini tadqiq etishga qaratiladi. Lingvopolitologiya yoki siyosiy lingvistika ikki mustaqil fan: siyosat va lingvistikaning tutashish chorrahasida vujudga kelgan bo‘lib lingvistikaning mustaqil tarmog‘idir. Siyosiy lingvistika sohasini o‘rgangan rus olimi A.Chudinov, siyosiy tilshunoslikni boshqa tilshunoslik yo‘nalishlari bilan chambarchas bog‘liq holatda bo‘lishini ta’kidlar ekan, uning til va jamiyatning o‘zaro ta’siri muammolari tomonidan – sotsilingvistika, funktsional stilistika va ayniqsa, publitsistik uslubni o‘rganishi bilan, klassik va zamonaviy ritorika, kognitiv lingvistika va matn lingvistikasi bilan bog‘liqlik ekanligini ta’kidlaydi [Чудинов, 2006:7]. Til, davlat, jamiyat munosabatlarining tobora kengayib borishi asnosida siyosiy lingvistika sohasiga qiziqish ham tobora ortib bormoqda. Xususan,

---

\* Termiz davlat universiteti o‘zbek tili yo‘nalishi 2-bosqich magistranti;  
elbek\_ruziyev@mail.ru



siyosiy lingvistika sohasi bilan shug‘ullanadigan olimlarning zamonaviy siyosiy lingvistikaning to‘rtta avtanom, ichki yo‘nalishlarini ajratib o‘tadi [Э.В.Будяев, 2011: 22]. Bular:

- 1) siyosiy diskursni tanqidiy tahlil qilish;
- 2) siyosiy diskursning tarkibini tahlil qilish;
- 3) siyosiy diskursning ritorik tahlili;
- 4) siyosiy diskursning kognitiv tadqiqi.

Ushbu yo‘nalishlarni bir-biridan ayro holda tasavvur etib bo‘lmaydi, ular bir-birini to‘ldiruvchi vositadir. Kognitiv yondashuv tanqidiy nutqni tahlil qilish bilan birlashtirilishi mumkin, bu esa o‘z navbatida yana psixolingvistik usullar bilan to‘ldirilishi mumkin. Siyosiy nutqni tanqidiy tahlil qilish ijtimoiy kuchning jamiyatdagi hukmronligini amalga oshirish usullarini o‘rganishga qaratilgan.

Siyosiy-ijtimoiy notiqlik o‘zining davlat va jamiyat boshqaruvida muhim ekanligi bilan ajralib turadi. Siyosiy-ijtimoiy notiqlikning quyidagi nutq ko‘rinishlari notiqlikda farqlanadi:

- 1) ijtimoiy-siyosiy, siyosiy-iqtisodiy mavzudagi ma‘ruzalar;
- 2) anjumanlardagi hisobot ma‘ruzalari;
- 3) siyosiy nutq;
- 4) diplomatik nutq;
- 5) siyosiy axborot;
- 6) harbiy vatanparvarlik nutqi;
- 7) tashviqotchi nutqi;
- 8) ilmiy-ommabop nutq.

Ushbu turlardan siyosiy nutq haqida fikrimizni davom ettirsak. Siyosiy nutq – majlis, qurultoy va kengashlarda so‘zlanadigan nutq bo‘lib, bunda rahbar xodim muayyan davrga xos dolzarb siyosiy masalani yoritib beradi [Rixsiyeva, 2009:28].

Siyosiy lingvistikada “diskurs” tushunchasiga alohida e‘tibor qaratish lozim. “Diskurs” atamasi faqatgina tilshunoslikning obyektini bo‘libgina qolmasdan sotsiologiya, kulturologiya, pedagogika, yurispuridensiya sohalarining ham tadqiq obyektini bo‘lib xizmat qiladi. Diskurs atamasining asl lug‘aviy ma‘nosi lotin tilidan (discursus so‘zidan) kirib kelgan bo‘lib, “harakat“, “aylanish“,

“suhbat“, “muloqot“ degan ma’nolarni anglatadi. “Diskurs” lingvistik termin sifatida birinchi marta 1952-yilda amerikalik olim Z. Harrisning “Discourse analysis” kitobida keltirilgan.

“Diskurs” atamasining o‘zbek tilida keltirilgan izohlarida unga, loticha diskurs – muhokama so‘zidan olingan bo‘lib, hissiy, bevosita, intuitive, ya’ni muhokama talab bilimdan farqli o‘laroq, muhokama orqali vosita bilan hosil qilinadigan mantiqiy dalil – isbotli bilim [Абдуллаева М, 2004:126] yoki so‘zlovchi va tinglovchi orasida o‘zaro suhbat, savolga yarasha javob berish [Тоирова Г, 2016:9] deya izohlar keltirilgan. Ikkinchi keltirilgan lug‘atda pragmalingvistikada diskurs tushunchasining mohiyatini ancha keng yoritib berilgan. Jumladan, muloqot jarayonida so‘zlovchi (diskurs nazariyasida bu kommunikator deb ataladi) tinglovchiga (adresatga) o‘z nutqi yoki muloqot jarayoni orqali o‘zini tanishtirishi hamda diskurs fikrni bayon qilish jarayoni, lisoniy imkoniyatlarning yozma yoki og‘zaki shakli moddiy voqelanishi, lisoniy va nolisoniy vositalarning birgalikda ishlatilishi hamda uning lingvo-etno-psixo-situasion omillar majmui ekanligi bildirib o‘tilgan. Demak, diskurs tilshunoslikda gap yoki nutqda bog‘langan va kelishilgan oqibat sifatida vujudga kelgan bo‘lsa, hozirgi zamonaviy lingvistikada murakkab kommunikativ hodisa sifatida izohlanmoqda.

Zamonaviy diskurs nazariyasining mustaqil fan sohasi sifatida shakllanishini asosan XX asrning 60-yillari o‘rtalariga to‘g‘ri keladi. Ushbu davr olimlarining tilni ajralmas aloqa vositasi deb hisoblash istagi matnlarni o‘rganishda namoyon bo‘lgan. Tilshunoslik asta-sekin shakliy, formal- funksional doiradan chiqib, tilni mazmuniy, yaxlit, izchil o‘rganishi asnosida diskurs atamasi ham faol qo‘llanila boshlandi.

XX asrning 90- yillari o‘rtalariga kelib ushbu yo‘nalishda bir qator diqqatga sazovor ishlar paydo bo‘ldi (Altunyan, Proskuryakov, E. Sheygal, V.Deyk kabi olimlar). Aynan mana shu tadqiqotlar siyosiy lingvistikaning keyingi taraqqiyotida katta o‘zgarishlarni olib keldi. 2003-yili bu fan bo‘yicha rus tilidagi ilk qo‘llanma – A.P.Chudinovning “Siyosiy lingvistika” kitobi yozilgan. Bundan

keyin E.V.Budayev boshchiligidagi hammualliflar tomonidan yaratilgan o‘quv qo‘llanma [Э.В.Будаев, 2011] ishlab chiqildi. Siyosiy lingvistik bo‘yicha mavjud ilmiy ishlar orasida E.I.Sheygaling “Siyosiy diskurs semiotikasi” nomli dissertatsiyasi muhim o‘ringa ega hisoblanadi [Шейгал, 2005].

Tilni pragmatik nuqtayi nazardan tadqiq etishga bag‘ishlangan ishlarda diskurs atamasi sakkiz xil ma’noda qo‘llangan: 1) so‘z muqobili; 2) frazalardan o‘lchami bo‘yicha ortadigan birlik; 3) nutq vaziyati hisobga olingan holda fikrning adresatga ta’siri; 4) suhbat; 5) nutqda so‘zlovchi pozitsiyasi; 6) lisoniy birliklardan foydalanish; 7) fikrning ijtimoiy yoki mafkuraviy cheklangan turi; 8) matn hosil bo‘lish shartlarini tadqiq etishga mo‘ljallangan nazariy qurilmalar [Карасик].

Diskursning ijtimoiy tabiati yangilikli diskurs, publitsistik diskurs, siyosiy diskurs, ilmiy diskurs, badiiy diskurs, baholovchi diskurs kabi yangi tushunchalarning yuzaga kelishiga imkon beradi. Talqin va izohlarning xilma-xilligi diskurs tushunchasining ko‘p qirrali va keng qamrovli ekanligini ko‘rsatadi. Insonning nutq orqali amalga oshadigan barcha ijtimoiy faoliyati diskursiv xarakterga ega. Nutqning ijtimoiy mohiyati matn bilan bog‘langan bo‘lib, uning o‘ziga xos xususiyatlari matnning u yoki bu ko‘rinishida namoyon bo‘ladi. U aniq sotsiopragmatik matnda amalga oshiriladigan, murakkab maqsadga yo‘naltirilgan nutqiy harakat sifatida bir tomondan, nutqning tarixiyli bilan, ikkinchi tomondan, ijtimoiyligi bilan, uchinchi tomondan, mafkuraviyligi bilan bog‘liq. Ma’lum bir individual diskursning alohida tadqiqot obekti sifatida o‘rganilishi nutqning lingvopragmatik tabiati to‘g‘risida mulohaza yuritishga imkon beradi [Синева Г, 2016: 54].

Siyosiy diskursda siyosiy ritorika ham muhim o‘ringa ega hisoblanadi. Siyosiy ritorika siyosiy diskursda insonning siyosiy notiqlik ko‘nikmasi orqali namayon bo‘ladi. Siyosiy diskursda muloqot matni ham muhim sanaladi. Siyosiy muloqot matnini yaratishda milliy tildan foydalanish zarur bo‘ladi. Siyosiy diskursda siyosiy tilining quyidagi turkumlarini keltirib o‘tish muhimdir

[СИНЕВА Г, 2016: 54]. Ular: Assertorlik siyosiy til – siyosiy fikrni o‘ziga xos tarzda ifodalash tili. Uning yordamida siyosiy til nazariyasining asosiy g‘oyalari ta’riflanadi. Assertorlik siyosiy til formallashtirilgan va formallashtirilmagan bo‘ladi. Formallashtirilgan siyosiy tilga har qanday siyosiy voqelikni ifodalovchi formal mantiqiy dalilalar misol bo‘lishi mumkin. Formallashtirilmagan siyosiy tilga obyektiv siyosiy o‘zgarishlarning tasdiqlovchi, siyosiy bashoratlarni o‘z ichiga oluvchi siyosiy atamalar bilan to‘ldirilgan fragmentlari kiradi. Siyosiy model tili. U yangi siyosiy model va model- reprezentatsiya siyosiy matnning boshqa elementlarini yaratish uchun xizmat qiladi. Bu til ancha mukammal tavsiflash tiliga ega bo‘lib, u yuqorida aytilganidek ham formallashtirilgan va formallashtirilmagan tillarga bo‘linadi. Formallashtirilgan siyosiy model tillari siyosiy matnni yaratishda matematik belgi va vositalardan foydalanishga asoslanadi. Siyosiy prosedura tili. U ikkinchi darajali siyosiy til turkumiga kiradi va o‘lchash sanash proseduralari hamda hamda siyosiy til iboralarini o‘zgartirish qoidalarini, vazifalarini qo‘yish va yechish jarayonlarini tavsiflashga xizmat qiladi. Aksiologik siyosiy til. U siyosiy nazariya unsurlariga berilgan turli baholarni tavsiflash uchun imkoniyat yaratadi, yangi siyosiy nazariya, tajriba strukturasiidagi jarayonlar va proseduralarni taqqoslash vositalarini o‘z ichiga oladi. Erotetik siyosiy til. U siyosiy savollar, siyosiy masalalar, siyosiy muammolar, siyosiy vazifalar yoki topshiriqlarni ta’riflashni o‘z ichiga oladi.

Evristik siyosiy til. U siyosiy nazariyaning evristik qismini, ya’ni nomuayyanlik sharoitidagi siyosiy maqsadlarni tavsiflashni amalga oshiradi. Ya’ni siyosiy muammoni qo‘yish aynan evristik siyosiy til yordamida amalga oshiriladi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, siyosiy diskursda vositalar va usullar bilan ifodalangan xalqchillik ruhi kuchli bo‘ladi. Bu siyosiy diskursning oldiiga qo‘ygan maqsadlariga mutanosib ravishda vazifalariga bog‘liq bo‘ladi. Negaki, xalq ruhiyatiga hamda tiliga mos so‘zlar va iboralar auditoriyani o‘ziga jalb qila oladi. Hozirgi kunda tilshunoslar tomonidan siyosiy nutq, uning

funksiyalari hamda konsepsiyalar keng o‘rganilmoqda. Siyosiy nutq institutsional aloqa sifatida talqin etilib, shaxsga yo‘naltirilganidan nutqdan farqli o‘laroq, u ma‘lum bir professional yo‘naltirilgan belgilar tizimdan ya‘ni lug‘at, frazeologiya va paremiologiyadan foydalanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Чудинов А.П. Политическая лингвистика: Учеб. пособие / Москва. Изд-ва «Флинта», «Наука». 2006. -7 с.
2. Э.В.Будаев, М.Б. Ворошилова, Е.В. Дзюба, Н.А. Красильникова; отв. ред. А.П.Чудинов; Современная политическая лингвистика : учебное пособие / Урал. гос. пед. ун-т. — Екатеринбург, 2011. –b.22
3. Rixsiyeva G.Sh., Sodiqova Sh.B. O‘qituvchi nutqi madaniyati. – Toshkent: 2009. b 28.
4. Абдуллаева М., Абдурашидов М., Абилов У. Фалсафа кискача изоҳли луғат. –Тошкент, Шарк, -b.126
5. Тоирова Г. Прагмалингвистика. Ўқув луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – b.9.
6. Шейгал Елена Иосифовна. Семиотика политического дискурса . Дис. ... д-ра филол. наук: 10.02.01 10.02.19 - М.: РГБ, 2005 (Из фондов Российской Государственной Библиотеки, [Электронный ресурс])
7. Карасик В.И. Этнокультурные типы институционального дискурса. <https://cyberleninka.ru/ticle/n/etnokulturnye-tipy-institutsionalnogo-diskursa/viewer>
8. Pragmalingvistika. O‘quv-uslubiy majmua. Tuzuvchi: A.Pardayev. – Samarqand. – b.131
9. Синева Г. Сиёсий дискурс (фалсафий тадқиқот). - Toshkent: «Akademiya». 2016. –b. 54

## ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ОЛТИНХОН ТЎРА ТАФСИР ҚИЛГАН МАТНИДАГИ СОМАТИК ФРАЗЕМАЛАР

Абдирахманова Дилноза Абдукаримовна\*

*Аннотация:* Ушбу мақолада фразема ва унинг турлари ҳақида, Қуръони Каримнинг Олтинхон Тўра тафсиридаги соматик фраземалар ҳақида, қўлланилган соматик фраземаларнинг изоҳи ҳақида маълумотлар берилган.

*Таянч сўзлар:* Қуръони Карим, тафсир, сура, фразеология, фразеологизм, фразема, ибора, соматик фразема.

Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг ёзишича, Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир – Олтинхон Тўра ватандош туркистонликлар илтимосига кўра ўзбек тилига Қуръони Каримни илк бор кенг тафсир ва шарҳи билан таржима қилиб, 1975 йилда Покистонда чоп эттирган. Таржима ва тафсир хорижда яшовчи ҳамма туркистонликларга мўлжалланганлиги учун мутаржим уни “туркистонликлар тилига таржима” деб атайди. Қуръон оятларининг ҳар бир сатри тагига Қуръондаги жумла тузилиши қандоқ бўлса, шу тартибда ёзилган, яъни гап бўлаклари ҳозирги ўзбек тилимизда қабул қилинган эга, кесим, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ўринлари алмашилиб кетган. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 7-8]

Тафсир матнини ўқиш жараёнида тилимиздаги фраземаларнинг аксариятини ҳам учратиш мумкин.

Фразеология ва ибора сўзларига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳ берилган: “Фразеология [р<грек] – 1) тилшуносликнинг бирор тилга хос барқарор сўз бирикмалари ва

---

\* Самарқанд давлат университети 2-курс магистранти

ибораларини ўрганадиган бўлим; 2) бирор тилдаги барча барқарор сўз бирикмалари ва иборалар мажмуи”. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981: 307]

Ибора [а] 1 Бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. Фразеологик ибора маъно жиҳатидан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма. 2 **айн.** Сўз.

Фразеология тилшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида XX асрнинг 40-йилларида рус тилшунослигида пайдо бўлган. Унинг дастлабки шаклланишига рус олимлари А.А.Потебня, И.И.Срезневский, А.А.Шахматов асарларида асос солинган бўлса, барқарор (турғун) сўз бирикмаларини алоҳида тилшунослик бўлими – фразеологияда ўрганиш масаласи 20-40 йиллардаги ўқув-методик адабиётларда – Е. Д. Поливанов, С.Абакумов, Л.А.Булаховский асарларида кўтариб чиқилган. Ғарбий Европа ва Америка тилшунослигида фразеология тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратилмайди. Ўзбек тилшунослигида фразеология соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланган. Фраземалар бўйича бир неча луғатлар тузилган (Ш. Раҳматуллаев, М. Содиқова), ёзувчилардан Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Саид Аҳмад асарларининг фразеологик таркиби тадқиқ этилган. 70-80 йилларда СамДУ қошида фразеологик тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ва махсус тўпламлар чиқарувчи марказ фаолият кўрсатган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларни ўрганиш 1950-йилларда бошланди. Бу соҳада Й.Пинхасов, М.Ҳасанов, И.Кўрқортоев, Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов каби таниқли олимларнинг хизмати каттадир. Ш.Раҳматуллаев ўзбек ибораларининг грамматик хусусиятларини кенг тадқиқ қилди. У ўзбек фразеологик бирикмаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни бошлаб берди. Тадқиқотларининг натижаси сифатида 1955 йилда “Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари”, 1966 йилда “Ўзбек фразеологиясининг баъзи

масалалари”, 1970 йилда “Нутқимиз кўрки”, 1978 йилда “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” каби китоблари нашрдан чиқарилган.

Фразеологизмларга турли адабиётларда олимларимиз таъриф беришган. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев “Биттадан ортик лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка фразеологизм (фразеологик бирлик) дейилади” [Раҳматуллаев, 1978: 56] деб таъриф берган бўлса, А.Маматов “Икки ёки ундан ортик сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодалайдиган, грамматик ва семантик жиҳатдан бўлинмайдиган ва одатда сўз эквиваленти бўлган тил бирлиги – фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади” [Маматов, 2001: 56] деб таърифлайди. А.Ҳожиев “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” да фразеологизмга шундай таъриф беради: “Тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ процессида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури”. [Ҳожиев, 1985]

Фразеологизм таркибида фразеологик маъно ҳосил қилиш функциясини бажарадиган компонент мазмуний марказ саналади. Мазмуний марказ ролини, асосан, мустақил сўзлар бажаради. Бундай марказ барча фразеологизмлар учун хос бўлиб, у эркин қўлланган сўз билан мос келиши белгиланган. Фразеологизмнинг мазмуний маркази деганда у учун таянч сўз тушунилади. Бундай сўз вазифасини кўпроқ соматизмлар бажаради. А.Рафиев фразеологик бирликларнинг таянч компоненти сифатида унинг шаклий-синтагматик асоси бўлган сўзни эътиборга олади. Соматик фразема ҳар бир миллат тилида алоҳида ўрин тутадиган хазина ва тил жозибасини намоён этадиган энг муҳим қадриятлардан бири саналади. Уларда лисоний маърифат қадимий илдизлар – сўз, тушунча, шакл ва конструкцияларга қоришиб кетади. Айнан шу атама тил



жозибаси ҳамда унинг қайта ишланганлик даражасини намоён этади. Тўғрироғи, “белги ичида белги” – семиологик марказ яхлитлигини моделлаштириш мазкур тушунча маъзини ташкил этади. [Абдуллаев, 1997: 105-106]

Ўзбек тилида инсон тана аъзолари билан боғлиқ фразеологизмлар жуда кўплаб учрайди. Биз куйида юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда Қуръони Каримнинг Олтинхон Тўра тафсири матнининг “Фотиҳа”, “Бақара”, “Оли Имрон” сураларидан аниқланган айрим соматик фраземаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

“Бақара” сурасининг 7-оятисида: “Аллоҳ таоло аларнинг диллари ва қулоқлариға муҳр урғондир ва аларнинг кўзларида парда бордир ва бордур (тайёрлаб қўйилғондур) алар учун азим азоб” деб келтирилади. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 11] Бу оятдаги *диллари ва қулоқлариға муҳр урғондир, кўзларида парда бордир* бирикмалари фразема ҳисобланиб, кўз(и)ни ёғ босди *кимнинг* – такаббурланмоқ; таниб, танимаганга олмоқ. Синоними: кўзини шира босди; [Раҳматуллаев, 1978: 138] Кўз(и) кўр, қулоғ(и) қар бўлди *кимнинг* – кўз(и)ни кўр, қулоғ(и)ни қар қилмоқ ким (ўзининг) – Ҳеч нарсани кўрмайдиган, эшитмайдиган бўлмоқ; [Раҳматуллаев, 1978: 137] кўз(и) кўр, қулоғ(и) қар – ҳеч нарсадан беҳабар [Раҳматуллаев, 1978: 136] каби ибораларнинг маъносига тўғри келади.

“Бақара” сураси 16-оятининг шарҳида: “Мунофиқлар икки юзлик жамоатдурлар: мусулмонлар ила бўлғонда мусулмон бўлурлар, кофирларға қўшилсалар, кофир бўлурлар, алар бу тарика ила мусулмонларни ўйнамакчи бўлурлар, ҳақиқатда Аллоҳ таоло аларнинг ўзларини масҳара қилиб қўйғонлиғидин беҳабардурлар, зиёнға учрағонлар шулардир” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 12] деб келтирилади. Бу ерда *икки юзлик* бирикмаси фразема ҳисобланиб, *иккиюзламачи; гоҳ ундай, гоҳ бундай кўринишида намоён бўлувчи* маъноларини беради.

“Бақара” сурасининг 112-оятисида шундай келтирилади: “Орий, кимики тубан қилса юзини Аллоҳ таоло ҳузурида ва ўзи

яхши бўлса, анинг ажри махфуздир ўз Парвардигори хузурида ва на аларга хавф бордур ва на алар ғамгин бўлурлар”. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 23] Бу оятдаги *тубан қилса юзини* фразеологик бирлик ҳисобланиб, *юзини ерга қаратса, бўйин эгса* маъноларини беради, деб ўйлаймиз, бунга Қуръони каримнинг Абдулазиз Мансур тафсири матнида шу оятнинг тафсири асос қилиб олдик: “Йўқ, кимки юзини (ўзини) Аллохга бўйсундирса, Рабби хузурида унга ажр муҳайёдир. Уларга хавф ҳам йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар”. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2004: 17]

“Бақара” сурасининг 130-оятида куйидагича келтирилади: “Кимдир улки, миллати Иброҳимиядин юз ўгурди, магар ул кишики, ўзи аҳмақдур”. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 25] Бу оятдаги *юз ўгурди* фразема ҳисобланади. Ш. Раҳматуллаев уни куйидагича изоҳлайди: **Юз ўғирмоқ** I Ким кимга ё нимага томон. Бошини буриб қарамок. Варианти Юз(и)ни ўғирмоқ. **Юз ўғирмоқ** II Ким кимдан баъзан нимадан. Қарамаслик учун бошини бошқа томонга бурмоқ. Варианти: юз(и)ни ўғирмоқ, юз(и)ни тескари ўғирмоқ, юзни терс бурмоқ. [Раҳматуллаев, 1978: 266] Бу оят шарҳига юз ўғирмоқ иборасининг иккинчи маъноси тўғри келади.

“Бақара” сурасининг 137-оятида: “Бас, алар ҳам (аҳли китоблар) сизлар имон келтиргон каби имон келтирсалар, тўғри йўл тутгон бўлурлар ва алар юз ўғирсалар, ул ҳолда аларгина муҳолифатда бўлгон бўлурлар, бас, аларга сизнинг тарафингиздин Худо кифоя қилур ва Улдур эшитгувчи ва билгувчи зот” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 25] деб баён қилинган. Бу оятдаги *юз ўғирсалар* соматик фразема саналади. Юз ўғирмоқ иборасининг шарҳи юқорида келтириб ўтилди.

“Бақара” сурасининг 280-оятида шундай зикр қилинади: “Ва агар (қарздор) қўли калта бўлса, бас, муҳлат берилсун ҳоли яхши бўлгунча”. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 49] Бу оятда *қўли калта* фразеологик бирлик саналиб, бу фраземанинг изоҳи куйидагича изоҳланган: Қўл(и) калта *кимнинг* Чекланган

имкониятга эга. Вариант: қўли қисқа. Антоними: қўл(и) узун. [Раҳматуллаев, 1978]

“Оли Имрон” сурасининг 32-оятда: “Сиз денг: “Итоат қилинлар Аллоҳга ва расулига” агар алар юз ўғирсалар, Аллоҳ кофирларни дўст тутмас” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 55] деб келтирилган. Бу оятда *юз ўғирсалар* фразема ҳисобланади, бу фраземанинг изоҳи юқорида келтириб ўтилди.

“Оли Имрон” сураси 63-оятда қуйидагича қайд этилган: “Бас, алар юз ўғирсалар, Аллоҳ фасодчилар ҳолин билгувчи зотдур”. [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 58] Бу оятда *юз ўғирсалар* фразема ҳисобланади, бу фраземанинг изоҳи юқорида келтириб ўтилди.

“Оли Имрон” сураси 63-оятда қуйидагича қайд этилган: “...Бас, алар агар юз ўғирсалар денгки: “Сизлар гувоҳ бўлинлар бу нарсаяки, биз албатта Худонинг итоаткор бандаларидурмиз” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 58] Бу оятда *юз ўғирсалар* фразема ҳисобланади, бу фраземанинг изоҳи юқорида келтириб ўтилди.

“Оли Имрон” сураси 82-оятда: “Бас, кимики юз ўғирур бундин кейин, ана шулар нофармондурлар” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 60] деб зикр этилган. Бу оятда *юз ўғирур* фразема ҳисобланади.

“Оли Имрон” сурасининг 153-оятда шундай келтирилади: “...Кейин (Аллоҳ) сизларга ғам ўрнига ғам берди, токи ғам еманглар қўлдин кетгон нарсая ва яна етгон мусибатга...” [Ал-Қуръон ал-Карим, 2002: 68] Бу оятда *қўлдин кетгон* соматик фраземадир ва фраземанинг изоҳи: Қўлдан кетмоқ *нима* Кимнингдир ҳукмидан, ихтиёридан чиқиб кетмоқ. Вариант: қўлидан кетмоқ. Синоними: қўлдан чикмоқ. Антоними: қўлга кирмоқ, [Раҳматуллаев, 1978: 297] деб келтирилган.

“Оли Имрон” сурасининг 159-оятда: “Бас, Аллоҳнинг меҳрибонлигининг сиз аларга мулойим бўлдингиз ва агар сиз мижози тез, дили қаттиқ бир киши бўлсангиз эрди, булар атрофингиздан тарқашиб кетур эрдилар” [Ал-Қуръон ал-Карим,

2002: 69] деб зикр қилинади. Мазкур оятдаги *дили қаттиқ* соматик фразема ҳисобланиб, *бағритош* маъносидаги иборанинг изоҳига тенг деб ўйлаймиз. Бағри тош – бемехр, илтифоти йўқ. Варианти – бағри қаттиқ, тошбағир. Синоними: меҳри тош. Ўхшаши: кўнгли қаттиқ, қаттиқ кўнгли; тош юрак-юраги тош. [Раҳматуллаев, 1978: 33] Қуръони каримнинг Абдулазиз Мансур тафсири матнида шу оятнинг тафсири қуйидагича: “Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар...” [Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2004: 71]

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фраземалар фақатгина оғзаки жонли сўзлашув услубида, бадий адабиёт дурдоналаридагина эмас, балки диний адабиётларда ҳам салмоқли ўринни эгаллаган ва асар тилининг жозибасини оширган. Қироатхон иборалар изоҳини тўғри изоҳлай олмаса, тушунишда хатоликка йўл қўйиши мумкин. Биз кейинги изланишларимизда Қуръони каримнинг бошқа сураларидаги соматик фраземаларни аниқлашга, уларнинг изоҳини беришга ҳаракат қиламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев Д. Айрим соматик фраземалар // Мулоқот. 1997, – № 5.
2. Ал-Қуръон ал-Карим. Таржималар ва шарҳлар. – Тошкент, 2002.
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. Филол.ф.доктр... дисс. – Тошкент, 1999.

4. Маматов А. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиш масалалари. // ЎТА. – Тошкент, 2001. – № 3, – Б.56.
5. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1978.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Иккинчи китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
8. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970.
9. Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1963, – № 4.
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (Фразеологик полисемия, синонимия, антонимия ва омонимлик). Филол.ф.доктр...дисс. – Тошкент, 1966.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили нашриёти. 1981.
12. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент, 2004.
13. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.

## **ЧАМА СОНЛАРНИНГ ИФОДАВИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДА РАВИШ ДЕРИВАЦИЯСИНИНГ КУЗАТИЛИШИ**

**Ражабов Нуриддин Мустафоевич\***

***Аннотация.** Ўзбек тилишунослигида сон туркумига оид сўзлар неча асрлардан буён миқдор тушунчасини ифодалаш мақсадида хизмат қилиб келган. Грамматикада мўъжазгина туркум бўлишига қарамай, унинг ифода имкониятлари ниҳоятда кенг. Энг йирик ва чексиз миқдорни ифодалаш учун ҳам сонларга мурожсаат қилинади. Шу хусусда миқдор тушунчасини аниқ эмас, чама-тахмин йўли билан ифодалаш шакллари мақолада атрофлича таҳлил қилинди. Тахмин маъносини ифодаловчи айрим сўзларнинг систем-структуравий табиати ва ундаги истисноликлар келтириб ўтилди.*

***Таянч сўзлар:** деривация, субъектив баҳо, система, белги, парадигматика, синтагматика, иерархия, структура, тил сатҳи, аташ маъно.*

Тасаввуримизда математика фанидаги тенглама ва масалаларни эслатадиган сон категориясидаги сўзлар туркумининг нутқий мулоқотимиздаги иштироки, фаоллиги ва қадим маданиятимизни ўзида мужассамлаштиргани ғоят аҳамиятлидир. Сонлар тилининг коммуникатив, куммулятив, экспрессив вазифаларини амалга ошириши ва коннотатив маънолари, прагматик-стилистик вазифаси жиҳатдан ноёб сўзлардир. Бу ҳақда гапирар эканмиз, донишманд халқимизнинг “Етти ўлчаб бир кес”, “Минг қўшчига бир бошчи”, “Беш

---

\* Самарқанд давлат университети Филология факультети, лингвистика: ўзбек тили 1-курс магистранти.

бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир” ҳикматларида қадриятларимиз сонларда мужассамлашганини кўриб, тасаннолар айтамыз.

Тилшунослигимизда мўъжазгина туркумни ташкил этадиган йигирма иккита туб сон ёрдамида жуда кўп ва катта миқдорни ифодалаш мумкин. Айниқса, иқтисод, банк, молия тизимининг бутун фаолиятини тартибга солувчи сонлар, таъбир жоиз бўлса, бу тармоқларнинг қон-томири ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигининг морфологик сатҳида сифат предметнинг, равиш ҳаракатнинг белгисини билдирса, сон унинг миқдорини аңлатиши билан ўзига хос парадигмани ташкил этади. Шу нуқтаи назардан бу категориядаги сўзлар туркуми маъновий хусусиятларига кўра формал-аъъанавий тилшунослигимизда иккига: миқдор ва тартиб сонларга ажратилган. [Ўзбек тили грамматикаси, 1975:310]. Миқдор сонлар ўз навбатида санок, чама, жамлов ва қаср сонларга бўлиниб, дона ва тақсим сонлар санок сонлар таркибига киритилган.

Сон бирликлари ва унинг грамматик формалари неча асрлардан буён миқдор тушунчасини ифодалаш учун хизмат қилиб келган. Ҳозирда баъзи сонлар ифодаси қисман ўзгаришларга учраган. *On besh-yigirmichä kishi terilib yalavach yanim yergä tegürmädilär* (Tafsir) *Anda kim bär bir ellikchä kishi* (SHN) Мисолларда *yigirmichä*, *ellikchä* сўзлари чама-тахмин маъносини ифодалаб, тарихий тараққиёт натижасида *yigirmatacha*, *elliktacha* шаклларини юзага келтирган. [Абдурахмонов, 2008:134-135].

Миқдорни аниқ эмас, чамалаб кўрсатадиган сонларни ҳосил қилувчи морфемаларга амалдаги 6-синф она тили дарслигида *-тача*, *-лаб*, *-ларча* аффикслари ва сонларни жуфтлаш йўли билан ифодалаш кўрсатилган. Бу аффикслар ҳақида олимларимиз томонидан турли фикрлар билдирилган.

Ушбу сўз туркумининг илк ва йирик тадқиқотчиси С.Низомиддинова *-ларча* аффиксининг бирлик сонларга, яъни

саккиз, тўққиз; бирлик ва ўнлик сонлардан тузилган таркибли сонларга умуман қўшилмаслигини таъкидлайди. [Низомиддинова, 1963:24]. *Саккизларча* ёки *ўн тўққизларча* дейилмайди. Лекин нима учун бундай эканлигини муаллиф асосламайди. Мураккаб аффикс бўлган *-лар+ча* қўшимчасининг *-лар* қисми кўплик маъносидан ўсиб чиққан тахминни англатади. Бирлик сонларда миқдорнинг камлиги боис бу қўшимча ифодалаётган маънога тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам бунинг *ўн, юз, минг* каби юқори сонларга қўшилиши жуда фаол *-ларча* қўшма аффикснинг *-ча* қисмига тўхталадиган бўлсак, кучайтирув, таъкид оҳангини билдиради. Чама маъносини *-ча* аффикси, белгиланган ноаниқ кўпликни *-лар* аффикси ифодалайди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. [Низомиддинова, 1963:24]. Шу ўринда *юзларча, мингларча* сўзларини *дўстларча, мардларча* равиш лексемаларидаги деривацион ҳолат билан қиёсласак, миқдор ноаниқ бўлганлиги учун муайян вазият *юз, минг* сўзларига қиёсан олинганлигини, иккинчисида эса *дўст, мард* сўзлари эталон вазифасини бажараётганлигига амин бўламиз. Демак, юқорида келтирилган *-ларча* қўшимчасининг ҳамма сонларга қўшилавермаслиги ўз навбатида бу аффикснинг сон шакли эканлигини рад этиб, бирикиб келган ҳолатлар равиш туркумига ўтаётганлигини кўрсатади.

Баъзи дарсликларда ҳам *-лар* аффикси чама, тахмин маъносини, *-ча* аффиксининг қўшилиши билан бу маънолар кучайтирилиши қайд этилган. [Шоабдурахмонов, 1980:279]. Кучайтирув, таъкид оҳанги, аввало, нутқий ҳолат билан боғлиқ бўлиб, бу равиш грамматикасига яқин келади. От парадигмасининг *-лар* категорияси моҳиятан полисемантик қўшимча бўлиб, бу аффикс *ўн, юз, минг* каби юқори сонларда *-ча* қўшимчаси билан яхлит ҳолда қўлланилиб, тахмин, ўхшатиш семасини англатиши юқорида кўриб ўтилди. Баъзи лексемаларда *-лар* аффикси соф тахминни ифодалайди. Айтишлик, сўзловчи учун миқдор аниқ бўлмагандан кейин



кўплик шаклидан фойдаланиб, ходиса ёки жараёни умумий қилиб тингловчига етказди. Ана шунинг натижасида нутқда тахмин маъноси, керак бўлса, субъективлик, стилистик баҳо ҳам юзга чиқади. Масалан: *Соат иккиларда учрашамиз. Бобом жанг майдонларида вафот этган. Дарсинг охирларида сўзга чиқдим.* Бу маънони фақат сон туркуми билан чеклаш, *-лар* кўшимчасининг семантикасидаги ифода имкониятларини камайтиряпти. Ёки сўроқ юкламаси *-ми* кўшимчаси бор. Айрим китобларда буни сонлар таркибида келиб, ноаниқ миқдорни ифодалайди, деб талқин қилинган. [Ўзбек тили грамматикаси, 1975:326]. Бу – бир томонлама ёндашув. Нутқда исталган сўзга *-ми* юкламасини кўшиб, тахмин ифодалаш мумкин. *Имтиҳон бошландими, йўқми – ҳамма аудиторияга киришди. Қизим дўконга кириб, дафтарми, китобми сотиб олди.*

Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича - *ларча* аффикси таркибидаги *-лар* қисми чегаралаш маъносини, *-ча* қисми эса чама маъносини ифодалайди. [Раҳматуллаев, 2006:156]. Юзларча – юзга яқин, юзга етар-етмас. Бу ўринда чегаралаш маъносидан кўра *-лар* аффикси моҳиятидаги *кўплик* – *давомлилик* – *миқдор ноаниқлиги* - *чама-тахмин* маънолари бўйича ёндашсак, *-ча* қисми ифода этадиган маънога эҳтиёж қолмайди.

Чама соннинг *-тача* шакли орқали ясалиш доираси *-ларча* аффиксига нисбатан анча кенг. Доналик сон ясовчи *-та* кўшимчаси ҳар қандай санок сонга эркин кўшилгани учун ҳам бу фаол шаклга айланган. Равиш ясовчи *-ча* аффикси эса ўхшатиш маъносини ифодалайди. Шунингдек, бу ...+га яқин қолипи билан ҳам синоним бўла олади. Қуйидаги гапларга диққат қиламиз: *Қодиров дўкондан юзтача китоб харид қилди. Қодиров дўкондан юздай китоб харид қилди. Қодиров дўкондан юздадек китоб харид қилди. Қодиров дўкондан юзга яқин китоб харид қилди.* Айни шу ўринда бу гаплар стилистик қиймат касб этади. Барчасида сўзловчининг субъектив баҳоси бор. Биринчи гап соф тахминни, иккинчиси ўхшатишни,

учинчиси қиёслашни, тўртинчи гап биринчи гапга қараганда микдорнинг камлигини ифодалайди. Ҳаммасида юз сўзи эталон бўлиб хизмат қилмоқда. Ёки *-ча* қўшимчаси билан ясалган *йигит+ча* равиши қатнашган гапларга эътибор қаратамиз: *Бобом йигитча кийиниб олибди. Бобом йигитдай кийиниб олибди.* Бу ўринда функционал буёқ – оғзаки сўзлашув услуби бўлиб, кучайтирув, таъкид оҳанги; иккинчи гап эса китобий услуб, ўхшатиш маъносини, биринчи гапга нисбатан, образлироқ тасвирни билдиради. Кўринадики, *юзтача* ва *йигитча* сўзларидаги ифодавийлик бир-бирига яқин келмоқда.

Ҳисоб сўзлар (нумеративлар) билан бирга қўлланган сонларда *-тача* аффикси *-ча* шаклида сонга эмас, ҳисоб сўзига қўшилиб келади. [Ўзбек тили грамматикаси, 1975:324]. Бу ҳолат ҳисоб сўзларнинг дона сон ўрнида қўллана олиши билан изоҳланади. *Масштаб, вақт ва оғирлик* маъноларини билдирадиган ҳисоб сўзларга *-ча* аффикси қўшилиб, тахминий микдор маъносини билдириши қайд этилади. Масалан: *Сертупроқ йўлдан икки юз метрча наридаги чайлада чол бучайиб ўтирибди. Чойга икки қошиқча шакар солинг. Бу мактабда ярим ойча ўқидим.* Лекин бу гапларда ҳисоб сўзни дона сон функциясини бажаряпти, деб бўлмайди. Яъни биринчи гапни “*Сертупроқ йўлдан икки юзта наридаги чайлада чол бучайиб ўтирибди*”, дейиш ғалатирок; иккинчисида эса “*Чойга иккита шакар солинг*”, деган гапни сўзловчи билан энди мулоқотга киришган тингловчи дабдурустдан тушунмайди. Лекин *нафар* ҳисоб сўзи қатнашган гапда *-тача* аффикси *-ча* шаклида қўшилади. *Ўн нафарча йигит келди. Ўнта йигит келди.* Яъни доналикни ифодаловчи ҳисоб сўзлардагина кузатилади.

Чама соннинг *-лаб* аффикси тарихий жиҳатдан феъл ясовчи *-ла* ва раишдош ясовчи *-б* элементларидан иборат. [Комилова, 1953:6]. Бу қўшимча сонларга қўшилганда бир қўшма аффикс ҳолида олинади. Шу ўринда *ўнлаб, юзлаб, минглаб* сўзларидаги *-лаб* қўшимчасини *гуллаб, тугунлаб*

сўзларидаги *-ла* феъл ясовчи ва *-б* равишдошининг яхлитланган, ажралмас кўриниши билан қиёсласак, *гуллаб, тугунлаб* сўзларидаги *-ла* аффиксига хос полисемантик маъно - асосдан англашилган тушунчанинг қайсидир маънода ортаётганлиги намоён бўлади. *Ўнлаб, юзлаб, минглаб* сўзларидаги *-лаб* формасига нисбатан ҳам худди шундай маънони ифодаляётганлигини таъкидлаш мумкин. *Килолаб, йиллаб, ойлаб* каби ҳисоб сўзларида бу маъно янада ойдинлашади. *Ҳайдар ота карамларни беш халталаб аравага ортди*. Ушбу гапда *халта* ҳисоб сўзига қўшиляётган *-ла+б* аффикси юқоридаги фикримизни тўла тасдиқляйди. “*Эртанги зиёфатга ўн яшиклаб ичимлик келтиришиди*” гапида *яшик* сўзини от, *яшиклаб* сўзини сон деб олсак, “*Чалобдан ҳар биримиз икки косалаб ичдик*” гапида *коса* сўзини от, *косалаб* сўзини сон деб қарайдиган бўлсак, бир-бирига зид карама-қаршилиқ келиб чикади. Оддий қилиб айтганда, битта тил бирлиги ҳам от, ҳам сон туркумида ўрганиляётганлигини кўрсатади. Деривацион *-лаб* қўшимчасидан ҳолат равиши ясалишига эътибор қаратсак (*сахарлаб, эрталаб*), юқоридаги гапларда *халталаб, яшиклаб, косалаб* сўзлари шунга яқин келади. Бу қўшимча хоҳ ҳисоб сўзларга қўшилсин, хоҳ сонларга қўшилсин - деривацион хусусиятини сақлаб қоляётганга ўхшайди. Ўзбек тили грамматикасида санок сонларга *-лаб* аффикси қўшилиб келиб, предметнинг миқдорини равишга айланган формасини ҳосил қилиши қайд этилган. [1975:324]. Бу аффикс баъзан *-та* қўшимчасини олган санок сонларга ҳам қўшилиб келиб, предметнинг миқдorigа кўра белгисини эмас, ҳаракатнинг белгисини ҳам ифодалаб келишига аҳамият берилган. Масалан: *Меваларни битта-битталаб тозалади*. Даража-миқдор равишларининг отга боғланиши мумкинлигини инобатга олсак, равиш аффиксларининг сонга қўшилиб, предметнинг миқдорини ифодалаши ҳеч қандай истисноликни келтириб чиқармайди. Балки, ҳар учала қўшимчанинг сонларга қўшилганида унинг семантикасидаги ҳолат оттенкаси сезилади.

Масалан: *Ўнлаб болалар келишди - бир неча ўнни билдиряпти. Ўнтача болалар келишди - ўнтага яқинлигини англаяпти. Ўнларча болалар келишди - миқдор аниқ эмас, тахмин (ўхшатиши) маъноси бор.* Шунингдек, бу сонлар даража-миқдор равишлари билан ҳам ўрин алмаша олади. *Кўп болалар келишди.* Чама сон ўнликлар, юзликлар, мингликлар, миллионликларни ифодаловчи санок сонлардан ясаиб, ўнлаб чама сони ўз ичига бир неча ўнларча чама сонини олади. [Низомиддинова, 1963:25]. *Ўнлаб китобни ўқигандан сўнг ўз ишқининг аламли ва тотли хотираларига берилди. Ўн, юз, минг каби юқори сонларга -лаб аффиксининг қўшилаётгани юқорида айтилган -ла феъл ясовчиси билан боғлиқ.*

Чама сонларни ҳосил қилишда тахмин маъносини ифодаловчи айрим сўзларнинг ҳам ўрни бор. [Шоабдурахмонов, 1980:280]. *Чамаси, чоғли, яқин, тахминан, қарийиб, камиди, ортиқ* лексемалари сон туркумида ўрганилса, бу сўзлар категориял нуқтаи назардан равиш туркумининг ҳам асосий бирлиги бўлиб хизмат қилади.

Фердинанд де Соссюр томонидан илгари сурилган тилнинг белгилардан иборат система эканлиги ва бу белгиларнинг, соддароқ айтганда, тил бирликларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатидан структуралар шаклланишига асослансак, бир сатҳдаги тил бирлигининг шу сатҳдаги бошқа парадигматик гуруҳга кириши сўроқ остида қолади. Юқорида келтирилган сўзларнинг барчаси аташ маъносига эга бўлиб, морфологик сатҳнинг равиш парадигмасида гуруҳланади. Айни шу сатҳдаги бирликни сон парадигмасида қўллаш, сон ва равиш категорияларининг бир-бирига қўшилиб кетаётганлигини билдиради. Фақат белгиларнинг иерархик, поғонали муносабатидангина куйи сатҳ бирлиги юқори сатҳни шакллантириши мумкин. Масалан, фонемалардан – морфемалар ҳосил бўлади. Лўнда қилиб айтганда, тил тизимининг ички қонуниятлари (интралингвистика)га кўра тил бирликларининг ана шундай

муносабатидан ҳосил бўлган нутқимиз чама сонларнинг моҳият-эътиборига ёндашувимизни ўзгартиради.

*Қарийиб, камида* сўзлари гапда чама сон учун эмас, модал маънони ифодалаш учун хизмат қилади. *Учрашувга, қарийиб, икки юз нафар киши йиғилди. Келган кишиларни санасангиз, камида, икки юз нафар чиқади.* Энди берилган гаплардан *қарийиб, камида* сўзларини олиб ташласак, сўзловчининг ўз фикрини асослаши учун шу бирликлардан фойдаланаётганлигига амин бўламиз.

Она тилимизнинг истиқлол даври тилшунослиги бўлган систем-структур йўналишдаги субстанциал нашрда ҳам чама сон *-тача, -лаб, -ларча* кўшимчалари, *тақрибан, чамаси, яқин* каби равиш ва бошқа туркум сўзи орқали ҳосил қилиниши, шунингдек, ҳисоб сўзи билан келган сон *-ча* кўшимчаси билан чама маъносини бериши қайд этилади. [Сайфуллаева, 2010:357-358]. Масалан, *уч йилча бурун, беш километрча*. Юқорида айтганимиздек, формал (анъанавий) тилшуносликдан фарқ қилмайдиган бу таъкидларда равиш категориясининг иштироки чама сон парадигмасида истисноликни келтириб чиқаради.

Умуман, микдор тушунчасининг фақат сонга нисбатан татбиқ этилгани равиш туркумида ҳам бу имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатапти. Айниқса, ҳисоб сўзларнинг сон туркумида қаралиши тилнинг системавий тавсифига зид бўлиб, чуқур тадқиқ этиладиган масала. Соф чама-тахмин маъноси сон туркумида фақат икки саноқ соннинг ўзаро жуфланиши йўли билан ифодаланишига аҳамият беришимиз керак. Бу ҳақда дарслик ва монографияларда ҳам айtilган. Масалан: Икки сон ёнма-ён келиб, предмет микдорининг чамасини билдиради: *икки-уч, беш-олти, ўн-ўн беш*. [Комилова, 1953:7]. Демак, равиш ясовчи деривацион *-ча, -лаб* аффиксларининг сонларга қўшилиб келиши, бу бирликларнинг туркумини ўзгартиради ва натижада равиш категориясидаги грамматик маънолар яна биттага ортганлиги намоён бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Т.: 1975. – Б. 310, 324, 326.
2. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: 2008. – Б. 134-135.
3. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. – Т.: 1963. – Б. 24, 25.
4. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: 1980. – Б. 279, 280.
5. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: 2006. – Б. 156.
6. Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. – Т.: 1953. – Б. 6,7.
7. Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: 2010. – Б. 357-358.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### ТАДҚИҚ, ТАЛҚИН ВА ТАРҒИБ САРҲИСОБИ

#### Ҳаққулов Иброҳим\*

Бундан ўттиз, ўттиз беш йил аввалги ўзбек адабиётшунослиги билан бугунги адабиётшунослик орасида мувофиқлаштириб бўлмас тафовут бор: адабиёт сингари адабиётшунослик ҳам сиёсий, мафкуравий таъқиб, партиявий назоратлардан халос бўлди. Бу эркинлик, айниқса, ўтмиш адабиёт тадқиқу таҳлилларида янада ёркинроқ кўзга ташланади.

Шарқ мумтоз адабиёти аслида самовий софлик, илоҳий гўзаллик, руҳий завқ-шавқ, ишқ ва ирфон ёлқинидан пайдо бўлган ўзига хос адабиётдир. Унинг олам, одамга қараши, айниқса, ҳаётга муносабати ғарб ижодкорлариникидан тубдан фарқланади. Буни ҳисобга олмай ва тақлид чегарасидан нари ўтолмаслик миллий адабиётшуносликни бутунлай бошқа йўналишга буриб юборди. Мужоҳид шоиримиз Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон аччиқ истеҳзо билан “Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку”, дейди. Ваҳоланки, мумтоз санъаткорлардан ҳеч бири бу дунёни охиратга, охиратни эса тириклик оламига қарши қўймаган. Шу сабабга кўра ҳам, улар дин дарёсида эркин сузиб, тасаввуф чашмасидан қониб-қониб сув ичишган. Шўро босқинидан кейин дин ўрнини даҳрийлик эгаллаб, тасаввуфга яқинлашиш таъқиқлангач, диний, тасаввуфий асарларни ўрганиш тўхтатилганди. Бу ноҳақлик ва зўравонликка мустақиллик чек қўйди. Истиқлол билан баб-

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор.

баробар яссавийшуносликнинг янгидан қад ростлаши, унинг наинки ўзбек, балки туркий халқлар орасида мустақил қиёфаси ва фаоллигини кўрсатишга эришиши адабиётшунослигимизнинг эътирофга лойиқ зафарларидандир. Айни шундай фикрни тасаввуф ва ўзбек тасаввуф адабиёти тадқиқига доир изланиш ҳамда кўлга киритилган ютуқлар борасида ҳам айтиш мумкин. Тўғри, ҳар иккала масалада инкорчилик, тескаригўйлик, ғашланишу ташланиш ҳолатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Аммо карвон катта йўлга чиққач, ҳасад ва товламачилик нари турсин, ҳатто қаҳру ғазабдан ҳам натижа чиқмаслигини унутмаслик жоиз. Мумтоз ижодкорларнинг тасаввуфий ғоя ва маънолар дарж этилган асарлари ўрганилган мақола, рисола ва китобларнинг қизиқиш билан қабул қилиниб, холис баҳоланаётгани юқоридаги фикрнинг бир далилидир.

Яссавийлик, нақшбандийлик, кубравийлик ва бадий ижод мавзусида ёзилган диссертация ва монографиялардан ҳар бирининг тамалида мустақиллик ва истиқлол инъом айлаган ишонч, илҳом, ғайрат мавжудлигини ҳис этолмаслик ёки тан олмаслик мустамлакачилик мафкураси, босқинчилик ғояси таъсиридан фориғ бўлолмасликнинг айни ўзидир.

Тасаввуфшунослик ўзига хос алоҳида бир қобилият. Уни қоралаб, тасаввуф адабиётига қарши турганлар, руҳонияти паст, маънавий имкони беҳад чекланган, гўзаллик ва нафосат туйғусидан маҳрум ашаддий атеист кимсалар бўлишган. Зоҳирда улар фикран ўзгаргандай кўринишса ҳам ботинда динга, тасаввуфга ғанимлиги ўзгармаган. Буни унутмаслик керак. Чунки бу ҳол ёш тадқиқотчиларни қалби ишқ ва ирфон завқ-шавқидан йироқ “аллома”лар таъсиридан муҳофаза этиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, учун ҳам зарур, деб ўйлаймиз.

Энди мухтасар тарзда бўлимимиз фаолиятига тўхталиб ўтсак. Ўтган ўттиз йил мобайнида Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Ўзбек мумтоз адабиёт тарихи бўлими ходимларининг олтмишдан зиёд китоб ва рисолалари чиқди. Улар орасида устоз олимларимиз профессор Абдуқодир



Ҳайитметовнинг “Навоийхонлик суҳбатлари” (Тошкент, 1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (Тошкент, 1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (Тошкент, 1997), Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниеванинг “Навоий насри нафосати” (Тошкент, 2000), “Навоий ёдга олган асарлар” (Тошкент, 2004), профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг “Буюк бешлик сабоқлари” (Тошкент, 1995), “Қалб қаъридаги қадриятлар” (Тошкент, 1998), филология фанлари номзоди Ёқубжон Исоқовнинг “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” (Тошкент, 2002), “Сўз санъати сўзлиги” (Тошкент, 2014) каби асарлари бор. Профессор Иброҳим Ҳаққулнинг “Қамол эт касбким...” (Тошкент, 1991), “Тасаввуф ва шеърият” (Тошкент, 1991), “Этикод ва ижод” (Тошкент, 2007), кетма-кет тўрт жилди ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган “Навоийга қайтиш” (Тошкент, 2007, 2011, 2016, 2020), “Абдулла Қаҳҳор жасорати” (Тошкент, 2007), “Тақдир ва тафаккур” (Тошкент, 2007), “Мерос ва моҳият” (Тошкент, 2008), “Шахсият ва шеърият” (Тошкент, 2014), “Сўздаги ўзлик” (Тошкент, 2013.), “Талант – жасорат жавҳари” (Тошкент, 2018), “Ҳаёт, адабиёт ва абадият” (Тошкент, 2019), филология фанлари номзодлари Қодиржон Эргашевнинг “Ўзбек насрида иншо” (Тошкент, 2011), “Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои” (Тошкент, 2012), Сайфиддин Сайфуллоҳнинг “Мажоз ва ҳақиқат” (Атойининг поэтик маҳорати) (Тошкент, 1995), “Дунёнинг муршидлари” (Бухоролик етти пир) (Тошкент, 2019), Эргаш Очиловнинг “Алишер Навоий” (Тошкент, 2011), “Бир ҳовуч дур” (Тошкент, 2011), “Ишқ ва ҳайрат олами” (И.Ҳаққул билан ҳамкорликда, Тошкент, 2017), Буробия Раджабованинг “Оналар билан суҳбат” (Тошкент, 2014), “Ўзум сори боқма, сўзум сори бок” (Тошкент, 2015), “Муштарак адабий ҳодисалар” (Тошкент, 2019), “Навоий ижодида Амир Темури сиймоси” (Тошкент, 2019) китоблари эълон қилинди. Шунингдек, ёш олимлардан филология фанлари докторлари Нодирхон Ҳасаннинг “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони Ҳикмат”

(Тошкент, 2012), Максуд Асадовнинг ринд ва риндлик мавзуси, соқийнома жанридан баҳс юритилган “Риндона маъно ва руҳият тасвири” (Тошкент, 2019), “Соқийнома: тарих ва поэтика” (Тошкент, 2020), фан номзодлари Сирдарёхон Ўтанованинг “Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси” (Тошкент, 2011), Зулайхо Раҳмонованинг “Ишқ, ирфон ва иршод” (Тошкент, 2021) монографиялари ўқувчилар қўлига етиб борди. Бошқа илмий муассаса ва Олий ўқув юртларида амалга оширилган тадқиқотлар бирма-бир тилга олинса, адабиётшунослик ва танқидчилик бенуксон, фақат муваффақиятга эришган соҳага ўхшаб таассурот уйғотади. Ҳолбуки, бундай эмас.

Мустақиллик йилларида Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Аваз Ўтар, Амир Умархон, Увайсий, Нодира, Анбар Отин, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби ўнлаб шоиру адиблар ҳаёти, ижодига бағишлаб конференция ва илмий анжуманлар ташкил этилди. Бўлимимиз аъзолари бу йиғинларда ҳам фаол қатнашиб, илмий тўплам ва мажмуаларда маъруза матнларини эълон қилишди.

Конференция материаллари жамланган у ёхуд бу мавзудаги тўпламларни варақлаб баъзан нега керак бунақа жадалкорлик, шундай йўл билан илм-фан ривожланадими, деган ҳаёллар ҳам кишини безовталантиради.

Яна бир фикр. Кейинги йилларда адабиётшунослик ва тилшуносликка оид мақола, маъруза ёки чиқишларда ном санаш, рўйхатбозлик ва куруқдан-куруқ маълумот келтириш қарийб урфга айланиб қолди. Ваҳоланки, маъно ва моҳиятда, тадқиқ ва талқинда, услуб ва ифодада ўзига хослик, ақл ва қалбни тебратадиган янгилик бўлмаса, ҳеч қандай маълумот, мақтов ва эътироф ўзини оқламайди. Филологларнинг совет даврида нашр қилинган юзлаб, илмий, илмий-оммабоп китоб, монография ва рисолаларининг туғилиш тарихи ва тақдирини бир тасаввур қилинг. Уларнинг маъно-мундарижаси нари

турсин, кўпчилигининг хатто номи ҳам эътиборга лойиқ кўрилмай қолди. Нима учун?! Шу борада очиқ ва бетараф фикр алмашилиб адабиётга қараш ўзгартирилмаса, адабиётшуносликнинг жўнлик, яқранглик, тақлид чангалидан қутилиши чўзилаверади.

Мана, навоийшуносликни олайлик: қувонса арзирли ўзгаришлар, эътирофга лойиқ янгиликлар мавжуд ва уларнинг сони ҳам, сифати ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори навоийшунослик истиқболига янада катта ва собит умид билан қарашга илҳомлантиради. Шунга қарамасдан, бизнинг назаримизда, навоийшунослик ҳам мустамлакачи империядан мерос қолган учта жиддий хато ва чалғишдан ҳамон қутила олгани йўқ. Биринчиси, расмиятчилик раъйи-равишига қараб, Навоий ижодиётини замонавийлаштириб, маърифатдан йирик кимсалар савиясига мослаштириш. Иккинчиси, улуғ мутафаккир адабий меросини хориж адабиётшунослиги назарий қолипларига мувофиқлаштириб, Шарқ адабиёти табиати, моҳият ва мушоҳада тамойили, энг асосийси унинг идеалига ҳеч тўғри келмайдиган фикр-мулоҳаза ёки шарҳларни илгари суриш. Учинчиси, илмий таҳлил ва талқинларда дин, тасаввуф, фалсафа алоқасини ҳисобга олмай, шарқ адабиётидаги анъанавийлик тажрибасини назарга илмаслик. Мазкур хато ва чалғишлар олидингидан ҳам авж олаётгани тўғрисида бирмас, бир неча мақола эълон этдик. Илм – спорт эмас. Боз устига шошқалоқлик, муқаллидлик спортчига зафар келтирмаганидек, ҳовлиқмалик ва нусхакашлик илмга ҳеч раванқ беролмайди.

Навоийшуносликда янгилик яратишдан бонг ураётганлар эса ғайриилмийликдан ўзга таянчи йўқ сувратпарастлардир. Мирзо Абдулқодир Бедил “Киеки олим шудам гуфт, жоҳил шуд” – “Кимки олим бўлдим деса, жоҳиллиги унинг шудир”, дейди. Олимликни жоҳилликдан, тўғрилиқни хийлаю найрангдан ажратганлар ҳеч вақт беҳуда ғавғо, манфаат ва шон-

шуҳрат муноқашаларига бош қўшмаган ва қўшмайдилар. Ўн томлик Навоий Тўла асарлар тўплами чоп эттирилганда ҳам, “Навоий қомуси”нинг 1-жилди нашрга топширилганда ҳам мен бунни янада аниқ билдим.

Адабиётшунослик ўзининг кучсизлик, ожизлик, турғунликларини ҳаққоний англаб, зоҳирбинлик, курук тарғиботу ташвиқот ғаразларидан тийилмаса, танқидчиликка ўхшаб ночор аҳволга тушиши ҳеч гапмас.

Алишер Навоий бир фардида ёзганки:

*Аблаҳ они билки, оламдан бақо қилгай тамаъ,*

*Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ.*

Башариятни Ҳақ йўлидан оздириб, гўзаллик ишқи ва ҳақиқат туйғусини пажмурда айловчи ушбу тамаъ ва моддий манфаат хирси ҳар қанақа кишини адабиёт ва санъатдан йироқлаштиради. Ҳақиқий олим Ватан, миллат, давлат, дин, тарих, ҳақиқат, адолат, маърифат ва адабиёт каби муқаддас тушунчаларни бир-биридан ажратмасдан, ҳеч бир тамаю иддаосиз куч-қувватини ушбу тушунчалар истиқболига сарфлайди. Шунда илмнинг илмлиги, олимнинг олимлиги тўла-тўқис руёбга чиқади. Акс ҳолда олимлик тиланчилик, даллолик ёки чайқовчиликдан унча ҳам фарқланмай қолади. Алишер Навоий:

*Кимки илмни воситаи жоҳ этар,*

*Ўзинию халқни ҳам гумроҳ этар, –*

деганда масаланинг айни шу томонини эътиборда тутганки, бунни биз назардан четга суришга мутлақо ҳаққимиз ҳам, ҳуқуқимиз ҳам йўқ.

## **ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ҳамдамов Улуғбек\***

Истиқлол даври ўзбек шеърияти янгиланган бадиий-эстетик тафаккур маҳсулидир. Албатта, у йўқ ердан бино бўлмади. Унгача ҳам шеъриятимиз мумтоз шеърият анъаналарини янгилаган “XX аср ўзбек поэзияси” деб аталган мустаҳкам бир пойдеворга эга эди. Истиқлол даврида янги шеърият ўзининг навбатдаги босқичига қадам қўйди. XX аср ўзбек шеъриятида ғоявий-эстетик мавқе ва поэтик принциплардаги умумийлигига кўра тўртта адабий авлодни ажратиш мумкин: жадид шоирлари, 20-йиллар авлоди, 60-йиллар ва 70-йиллар адабий авлодлари. Айни шу авлодлар ғоявий-эстетик мавқеи ва поэтик принциплари жиҳатидан бир-бирларидан фарқланади, хронологик жиҳатдан орадаги ўнйилликларда адабиётга кирган ижодкорлар мазкур авлодлардан бирига яқинлашади ё қўшилиб кетади.

Бу авлодлар ворисийлик қонунияти асосида бир-бири билан боғлиқ ва шу боғлиқлик асосида XX аср ўзбек шеъриятининг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Айни чоқда, саналган ҳар бир авлоднинг ғоявий-эстетик принципларини белгилаган конкрет ижтимоий-руҳий омиллар мавжуд. Жумладан, маърифат, ислоҳот ва озодлик ғоялари билан суғорилган ижтимоий кайфият жадидлар авлодининг; инқилоб ва шўронинг илк йилларидаги ғалабали (бунинг замиридаги қурбонлару йўқотишлардан қатъи назар) юришлари билан боғлиқ ижтимоий кайфият 20-йиллар авлодининг; социализм ғоясига ишончнинг тирилтирилиши билан боғлиқ ижтимоий

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим мудири, филология фанлари доктори

кайфият 60-йиллар авлодининг; ғояга ишончнинг барбод бўлиши ва туб ижтимоий ўзгаришлар (жумладан, истиқлол) заруратининг ҳис этилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 70-йиллар авлодининг ғоявий-эстетик мавқеини белгилагандир.

Истиқлол даври ўзбек шеърятини навбатдаги авлодни шакллантириб вояга етказди.

Бу давр ўзбек шеърятида юз берган энг катта ҳодиса, менинг назаримда, шоирнинг ўз кўнглига юз бурганлиги билан изоҳланади. Империя даврида эса, кўнгилни тараннум этиш “йиғлоқилик” белгиси саналарди. Ўз даврида буюк ўзбек шоири Чўлпонни шунинг учун ҳам “йиғлоқи” эпитети билан “сийлашган”. Истиқлол даврида ўзбек шоири қайсидир маъноларда айнан “Чўлпоннинг йўли”га қайтиб иш кўрди, яъни нигоҳини ўз кўнглига қаратди ва уни «таржима» этишга киришди:

Кўргим келмас яхши-ёмонни,  
Бўғиламан, етмас нафасим.  
Гул давралар меники эмас,  
Менинг уйим – кўнгил қафасим... [Мирзо З.

2005. Б.33.]

Яъни испан эстети Ортега-и Гассет ёзганидек, шоир нигоҳини бир юз саксон градусга буриб, ўз кўнглига қаратди [Jose Ortega Y Gasset. İstanbul: 2013. S.45.]. Демак, энди шоир учун энг муҳим ҳадаф – бу унинг ўз юраги, ўз кайфиятидир. Албаттаки, бу адабиётимиздаги ижобий ҳол эди. Чунки даврлар бўлганки, шоир ўз кўнглини ифода қилолмай, кўнглига қиё боқолмай ўтган. Узокқа бормайлик, яқин ўтмишимиздаги социалистик қурилиш нафасини акс эттириш билан умри кечган адабиётимизни ёдга олайлик. Ижодкорлик қисматлари ана шу тарзда кечган шоирларга қиёс қилганда, ўз кўнглини борича ифода қилишга имконига эга бўлган мустақиллик даври шоирлари анчайин омаддидирлар. Лекин айни чоғда, медалнинг иккинчи томонига эътибор қаратамиз. Бу томоннинг авзойи демоқдаки, шоирлар ўз кўнгиллари «таржимаси»га шу қадар

берилиб кетдиларки, натижада ўзидан ўзгани «унутдилар». Гўё дунёда бир шу кўнгил ва унинг ҳақиқати – оҳ-фиғони мавжуд, қолган ҳамма жонлию жонсиз аҳамиятсиз ёхуд умуман мавжуд эмас. Бу ҳол, айниқса, ёш шоирлар ижодида бўртиб кўринади. Натижада, адабиёт ижтимоий муаммолардан бирқадар узоқлашди. Чўлпонда бундай эмасди. Чўлпонда персонификация ҳодисаси бўй кўрсатиб турарди. Яъни Чўлпон халқнинг дардини ўз дардига айлантириб қуйлай олган эди. Истиқлолнинг дастлабки 10-15 йилида кўпчилик шоирнинг шахсий дарди фақат унинг шахсий дарди бўлиб қолди. Умумлашмалар даражасига чиқиш бирмунча қийин кечди. Аммо бу давр ҳам кечди.

Юқорида айтилганлар Истиқлол даври ўзбек шеъриятининг илк даврига тегишли битта қирраси, холос. Аслида, у жуда ҳам серқиррадир. Буни тўлиқроқ тасаввур қилиш учун, давр шеъриятини, аввало, мазмун-моҳиятига кўра, сўнгра эса ифода усулига кўра таснифлашга уришиб кўрамиз. Албатта, шеъриятда санъатнинг бошқа ҳар қандай турида бўлгани каби мазмун-моҳият ғоят кўҳнадир. Лекин тан олишимиз керак, ҳар бир давр ўз табиати, феъл-атвори ва мақсадидан келиб чиқиб, ўша минг йиллик моҳиятни ўзича таснифлайди. Дейлик, Навоий замонида шкала бўйича биринчи поғонада турган маълум бир мавзу кунимизда иккинчи ёки ҳатто ўнинчи поғонага тушиб қолиши ҳам мумкин ёки аксинча. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек шеърияти мавзуларининг, яъни тематик диапазонининг ишланиш кўлами ва даражасига қараб таснифласак, тахминан қуйидагича манзара кўз олдимизда намоён бўлади:

- интим мазмунли шеърлар, (бунинг ичига шоирнинг севги-муҳаббат ва унинг сабаб-оқибатларидан бошқа, кўнгилнинг ҳар турли кўпдан-кўп майл ва интилишлари, инжикликлари акс этган шеърлари қиради);

- Ватан ва унинг мустақиллиги ҳақидаги, мадҳия-бағишлов шеърлар;

- ухровий мазмундаги шеърлар, (бунинг ичига дунёнинг ўткинчилигига, умрнинг бебақолиги, банда ва худо ўртасидаги муносабатлар, Яратганга илтижо, охират ва унинг қайғуси, ҳаж таассуротлари акс этган ҳамда шу мазмундаги бошқа тасаввуфна шеърлар киради);

- тарихий мазмундаги шеърлар, (бунга ўтмишда ўтган буюк бобокалонлар сиймолари ва хизматлари, тарихий ва муқаддас жойлар, удумлар, шаҳарлар акс этган шеърлар киради);

- панд-насихат шеърлар;

- ўлим мавзудаги шеърлар;

- ота-она, табиат ва бошқа ҳар хил мавзудаги шеърлар.

Албатта, бундай тасниф ғоят шартли бўлиб, мавзу рўйхатини мантиқ доирасида кенгайтириш, торайтириш, баъзиларининг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин. Масалан, кейинги йилларда, айниқса, ёшлар ижодида Ватан ва унинг мустақиллигига бағишланган шеърларнинг салмоғи ошгандан ошиб бормоқда. Лекин бу давр шеъриятида деярли барча мавзуларга шоир ўта субъективлик билан ёндашганидек умумийликдан кўз юмиб бўлмайди. Интим мавзудаги шеърларнинг салмоғи энг баланд, ҳатто бундай мазмундаги шеърлар кейинги чорак аср ўзбек поэзиясининг асосий қисмини эгаллаганлиги ҳам ҳақиқат.

80-йиллар шеъриятида мамлакатда рўй берган либерал кайфият туфайли яланғочлик, бадииятсиз панд-насихат, қуруқ чақириқлар, ёзғиришлар кучайган эди. Бир сўз билан айтганда, шеъриятни публицистика деярли маҳв этаёзган. Айни чоғда, таъкидлаб айтиш жоизки, бу ўн йиллик ижтимоий-сиёсий жиҳатдан турли бурилишларга – кўтарилиб-тушишларга бой бўлганидек, адабиётда ҳам хилма-хил руҳ – кайфият ҳукм сурди. Хусусан, тасаввуф оҳангларининг кириб келиши ва умуман, бир ёнда оташин чақириқларга тўла шеърият, иккинчи ёнда эса, дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасидан гўёки қўлини юшиб қўлтиғига урган ҳамда урфоний маърифатга интилган шеърият



пайдо бўлди. Бу қисман шоирнинг ўз юрагига – мангу ҳақиқатларга қайтиши билан изоҳланарди. Айнан шу хил шеърият Мустақиллик даври шеъриятига замин ҳозирлади, десак муболага бўлмайди. Чунки истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеъриятида субъективизм бўртиб туради. Демак, кейинги 15-20 йиллик шеърият, бир сўз билан айтганда, кўнгиш шеърияти, “соф лирика” [Қаранг: Ҳамдамов У. “30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси” (Ойбек шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди... дис.. автореф. – Тошкент, 1997. – 26 б.] маҳсулидир. Албатта, бу давр поэзиясида ҳам салаф даврларда бўлганидек, турли хил мавзулар тасвири, баёни учрайди. Жумладан, ўтмишдаги буюк боболар ҳақига ёзилган, улар алқаниб ёки Истиқлол, Ватан, миллий ғурур мадҳ этиб битилган шеърлар талайгина. Бироқ, барибир, Мустақиллик даври шеъриятининг (айниқса, илк 10-15 й.) ўз доминант хусусиятига кўра кўнгиш лирикасида, дея бемалол айта оламиз. Чунки бу даврда энг фаол ижод қилган М.Юсуф, Б.Рўзимухаммад, А.Маҳкам, Э.Шукур, А.Қутбиддин, Фахриёр, А. Саид, Т. Али, И.Мирзо, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, А.Ҳайит каби ўнлаб шоирлар асарлари, аввало, ўз «мен»лари – кўнгишлари мевасидир.

«Хўш, бу кўнгиш нимани қуйлади? Унинг етакчи мавзулари нималардан иборат бўлди?» деганга ўхшаш саволлар туғилади. Назаримда, истиқлол даврида ҳам шеърият ҳамма мавзуларни тараннум этди. Лекин у ғоядан, ғояпарастликдан анча узоқлашди. Бунгача ғоя ўзбек совет шеъриятининг (бутун санъатда бўлгани каби) бош аъмоли эди. Истиқлол даврида поэзияда ғояпарастлик ўз кучини йўқотди. Шеърият ҳукмрон ғоядан – ягона етакчи мафкурадан чекинди. Шу билан бирга, ғоясизликнинг ўзи гўё ғояпарастликка айланди. Бу жуда муҳим фактор. Чунки у шу давр шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири. Хўш, нега бундай бўлди? Сабаби, бутун санъат, жумладан, шеърият қарийб етмиш йилдан бери ҳар-хил даража ва шаклларда зимдан интилиб келган асосий мавзу – Истиқлол,

юрт озодлиги, миллат ғурурининг тикланиши сингари муаммоларнинг барча-барчаси Ватаннинг мустақилликка эришуви билан ижобий ҳал этилган эди. Бу мамлакат учун оламшумул ҳодиса, битмас-туганмас қувонч эди, лекин адабиёт-санъат бир муддат ўзини йўқотиб, гарангсираб қолди. Чунки у халқнинг озодлиги, юртнинг истиқлоли каби асрий мавзусини куйлашдан озод этилганди. Лекин узоққа чўзилмаган тараддуддан сўнг шеърият (шоир) ўз нигоҳини ташқаридаги муаммолардан олиб, ичкарига – ботинга қаратди. Натижада, ўзбек поэзияси янги ўзанга тушиб олди. А.Маҳкам, Э.Шукур, Б.Рўзимухаммад, М.Юсуф, А.Қутбиддин, Р. Раҳмат, Фаҳриёр, С. Ашур, Қ. Норқобил, Ғ.Мирзо, В.Файзулло, А.Саид, Р.Мусурмон, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, Г.Бегим каби шоирлар ижодидаги ранг-баранглик айнан ўша ҳуқуқларнинг мевасидир. Чунончи, Б.Рўзимухаммад шеърларида ватандошни бирон бир буюк ишга даъват қиладиган ҳеч қанақа оташин чақирик йўқ, ҳатто пичоққа илингулик бирон ижтимоий ғоянинг ўзи ҳам кўзга ташланмайди. Лекин бу шеърият барибир биз ҳақимизда, инсон ҳақида, унинг тубсиз кўнглининг адоксиз сиру синоати ҳақида. Айни пайтда, Истиқлол даври шеърияти фақат кўнгилнинг интим кечинмаларини куйлаш билан чегараланиб қолгани ҳам йўқ. А.Орипов, М. Тоир, С.Сайид, И.Мирзо каби ўнлаб шоирлар ижодида она-Ватан, ўтиб кетган улуғ бобокалонлар, миллий ғурур, урф-одат мадҳи ўзбекнинг ҳеч кимдан кам эмаслиги каби мавзулар анча баланд пардаларда тараннум этдилар. Бу даврда жуда фаол бўлмасалар-да, Э.Воҳидов, О. Матчон, Р. Парфи каби етакчи шоирлар ҳам ўз кайфиятларини шеърга солиб турдилар. Матназар Абдулҳаким, Карим Баҳриев, Одил Икром, Нодира Афқоова, Машғал Хушвақт, Раҳимжон Раҳмат, Рустам Мусурмон, Амир Худойберди, Авлиёхон Эшон, Мунаввара Қурбонбоева, Мунаввара Усмонова, Дилором Эргашева, Алишер Назар, Шодмонқул Салом, Шаҳодат Имомназарова, Муаззам Иброҳимова, Бобур Элмурод, Дилбар Ражабова, Муслима

Комилжон кизи, Гулжамол Асқарова, Гулноз Мўминова, Адиба Умирова, Ойдиннисо, Дилфуза Комил, Самариддин Сайидзод, Бехзод Фазлиддин, Санобар Меҳмонова, Умид Али, Муҳаммадсиддиқ Раҳматов, Муҳиддин Абдусамад, Дилмурад Дўст, Меҳриноз Аббосова, Зебо Нур, Дилрабо Норкулова, Муслимбек Мусалламов, яқин йиллардан бери эса, Ҳусан Мақсуд, Хуршид Абдурашид, Жонтемир, Шаҳриёр Шавкат, Зулхумор Орифжонова, Абдулазиз, Муҳаммад Сиддиқ, Илҳом Иброҳимов, Тилланисо каби шоирлар ўз битикларида янги давр кайфиятини яққол ифода қилмоқдалар.

Истиқлол даври адабиёти, хусусан, шеърятти борасида сўз юритганимизда кейинги 25-30 йил мобайнида тобора ўз мухлислари меҳрини қозониб бораётган модернистик шеърят устида ҳам тўхталмак жоиз. Чунки XX аср аввалидан бери шеърятимиз асосан бармоқ вазнида, ҳамда қисман арузда ўзини намоён этиб келган эди. 70-80- ва айниқса, 90- ва 2000-йилларда анъанавий поэзиядан ҳам ифода усулига кўра, ҳам мазмун-моҳиятига кўра етарлича фаркланиб турувчи шеърый йўналиш пайдо бўлиб ва ўз ўрнига эга чиқиб улгурди. Аслида, бундай шеърлар ўша Чўлпонда, кейинроқ Асқад Мухтор, Рауф Парфи ва 70-йиллар авлоди шоирлари ижодида ҳам мавжуд эди. Бироқ шаклланган йўналиш сифатида у 90- ва 2000-йилларда ўзини кўрсатди. Бу борада Т. Али, Б. Рўзимухаммад, М. Ғаффор, А. Саид, Фахриёр, Г. Бегим, Ш. Субҳон изланишлари эътиборга молик.

Албатта. Янгича йўсинлар келди, эскичаси бор эди, натижада синкретик шаклдагиси туғилди. Жаҳон адабиётида жанрлар мутацияси рўй бераётгани каби, шеърят ритмикасида ҳам қоришиқ ифодаларни тез-тез учратиш мумкин бўлиб қолди. Фикримча, Истиқлол даври ўзбек шеърятти ифода усулига кўра беш хил кўринишга эга:

1. Анъанавий бармоқ
2. Халқона оҳанг
3. Аруз

4. Модернистик ифода усули

5. Синкретик (коришиқ) ифода усули.

Албатта, бундай таснифлашнинг қаеридадир баҳсталаб ўринлари, мулоҳазали жойлари бўлиши мумкин. Лекин, муҳими, мазкур мўъжазгина тадқиқотимиз шуни кўрсатмоқдаки, Истиқлол даври ўзбек шеърияти бу – ёмғирдан сўнг потраб ўсиб чиққан кўзиқорин эмас, аксинча, асрлар давомида тинимсиз ўзгариб-янгилашиб келаётган ўлмас жараённинг қонуний бир узви бўлиб, ўзида жуда катта ва кўпдан-кўп тажрибаларни жамлаган ғоят мураккаб, бебаҳо санъатимизнинг бир бўлагидир. У шуниси билан ўзидан аввалги барча даврларга ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди. Ўхшаш жиҳати – ўша даврлар шеъриятидан ўсиб чиққан, бинобарин, уларнинг энг яшовчан унсурларини ўзига мерос қилиб олган. Фарқли жиҳати – дунёга кенг очилган жамиятнинг, хусусан, унинг бир аъзоси ҳисобланмиш шоирнинг озод тафаккурини ўзида акс эттиради. Шунинг учун у турфа моҳиятга эга. XX аср янги ўзбек шеърияти ҳам яқранг эмас эди, бироқ, барибир, у умумий яхлит ғояга қайси бир жиҳатлари билан бўйин сунади. Бугунги шеър кечаги ижтимоий-сиёсий, мафкуравий битиклардан фарқ қилиб, бу – субъект нидоси, кўнгил изҳоридир. Унинг кучли ва ожиз томонлари шу ерда мужассам.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзо З. Нур кукунлари. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. Б.33.

2. Jose Ortega Y Gasset. Sanatın insansızlaştırılması ve roman ustune düşünceler. İstanbul : Yayı kredi yayınları, 2013. S.45.

3. Ҳамдамов У. “30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси” (Ойбек шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди... дис.. автореф. – Тошкент, 1997. – 26 б.

## “ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО”ДА НАВОИЙ ЗИКРИ

**Раджабова Буробия\***

**Аннотация:** Мақолада Амир Давлатшоҳ Самарқандий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” китоби хусусида ва асар муаллифига, тазкирасига Алишер Навоийнинг берган юксак баҳоси, этирофи масаласи ҳамда тазкирада темурийлар Уйғониш даврининг даҳо сўз санъаткори Амир Алишер Навоий шарафига бағишланган фикра таҳлил ва талқин қилинган.

**Таянч сўзлар:** адабий манба, тазкира, фикра, шоир, сўз, маҳорат, тасвир.

Алишер Навоий даври манбаларини тарихий ва адабий манбаларга тасниф қилиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мақола муаллифи томонидан Алишер Навоий номи зикр қилинган ва ижодий фаолияти, маданий кўтарилишда тутган юксак ўрни, лирик шеърларидан намуналар акс этган адабий манбалардан Султон Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” (1485 й.) ва Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” (1487 й.) асарлари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилган [4; 5].

Ўганишимизга кўра, Алишер Навоийнинг улуғ номи илк марта тилга олинган тарихий асар, бу – темурийлар Уйғониш даврининг мумтоз муаррихи Абдураззоқ Самарқандийнинг мухташам “Матлаи саъдайн ва мажмаи байрайн” номли тарихий асаридир. Китобнинг “Саккиз юз етмиш тўртинчи (1469–1470) йил воқеалари. Мирзо Султон Ҳусайннинг волидаси вафот топганлиги зикри”нинг “Хуросон мамлакатадаги аҳволи” номли фаслда баён қилинган муҳим воқеалар тасвирида Алишер Навоий номи билан боғлиқ шундай

---

\* Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти етакчи илмий ходими, филология фанлари номзоди

сиқа хабар битилган. Чунончи: “Шу аснода камоли ихлос ва ихтисосга эгаллиги ҳамда ихтиёр ва эътиборининг баландлиги билан “бирон киши ҳам Бу Туробнинг шуҳрату мақомига эга эмас”, деган мисранинг тўғрилиги худди унга бахишланганидек бўлмиш Амир Низомиддин Алишер Ҳирот раиятларининг аҳволини ўрганиш учун келди. У раиятни тинчлантириш учун келтирган нишонни жума куни минбар тепасида ўқидилар...” [1, б. 655]. Умуман олганда, хабар мазмунида Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятининг барқарор бўлиши билан боғлиқ бўлган муҳим сиёсий ҳаракатга доир, яъни 1469 йилда бўлиб ўтган воқеага тўхталган.

О.Шарафиддинов, С.Айний, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, Н.Маллаев, И. Султон, Б.Аҳмедов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, И.Ҳаққулов, Ш.Сирожиддинов, Қ.Эргашев, Э.Очилов, Б.Раджабова каби олимлар Алишер Навоий даври билан боғлиқ тадқиқотларида тарихий ҳамда адабий манбаларнинг кўплигини алоҳида таъкидлаб кўрсатишган. Ҳатто академик Б.Аҳмедов ўзи тўплаб нашрга тайёрлаган “Навоий замондошлари хотирасида” номли ўқишли китобга Алишер Навоийнинг шарафли номи зикр қилинган ўндан ортик адабий ва тарихий характердаги қимматли манбалардан таржима қилган матнларни киритган. Яна унинг ўзи ўқувчига осон бўлиши учун уларнинг изоҳини, шарҳини ҳам беришга ҳаракат қилган.

Биз мазкур мақолада темурийлар Уйғоний даврининг кўркамли вакили Амир Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкираси (Асар муқаддима, етти фасл ва хотимадан иборат – Б.Р.)нинг хотима қисмида Алишер Навоийга бағишлаб битган фикра хусусида тўхталамиз. Аслида Ҳирот ва Самарқанд маданий муҳитида Амир Давлатшоҳ Самарқандий Алишер Навоий эътирофи этган қалам аҳлидан ҳисобланади. Унинг ушбу тазкирасида Самарқанд ва Ҳирот услубининг аъёнларини ҳам кўриш мумкин. Сабаби, Навоий унинг шахси, фаолияти ва мазкур тазкираси ҳақида ўзининг “Мажолис ун-нафоис”

тазкирасининг муқаддимасида атрофлича маълумот берган бўлса ва яна мазкур тазкиранинг “Хуросоний ва баъзи ернинг мирзодалари ва у сойир озодалари зикридаким, таъб саломати ва зиҳи истиқомати аларга боиси назм бўлур, аммо мудовамат қилмаслар” номли мажлисни унинг хурматли номи билан бошлаган ва унга алоҳида фикра битган. У битган тазкирани “Тазкират уш-шуаро” ва “Мажма уш-шуаро” номлари билан тилган олган.

Энди икки оғиз сўз “Тазкират уш-шуаро” ҳақидадир. Маълумки, форс адабиётида Нуриддин Муҳаммад Афий (1172 – 1233)нинг “Лубоб ул-албоб” тазкираси қандай машҳур бўлган бўлса, ўзбек (туркий) адабиётда “Мажолис ун-нафоис” юксак даражада эътироф қилинган. Амир Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”ни форс тилида 1485 йилда ёзиб битказган. Китобда X – XV асрларда яшаб ижод қилган 150 нафардан ортиқ адиб, шоирлар, умуман, қалам аҳли ҳақида қимматли маълумотлар битган (Асар Рўдакийга бағишланган фикра билан бошланган – Б.Р.), улар яшаган давр билан боғлиқ муҳим тарихий воқеаларни усталик билан баён қилинган, адабиёт ва санъат, илм-фанга, қалам аҳлига эътибор қаратган ҳукмдорлар номи тилга олинган, таълим, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тарихий ё поэтик лавҳалар ҳам тасвирланган.

Алишр Навоий унинг машаққатли меҳнати ва у битган қимматли маълумотларни “... воқеан бәсе захмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур...” деб юксак баҳолар экан, “Мажолис ун-нафоис”нинг муқаддимасида қуйидагича маълумотларни битган: “...Амир Давлатшоҳким, Хуросон мулкининг асил мирзодалари орасида фазл ва дониш зевари била бахраманд, факр ва қаноат тожи била сарбаланддур, ҳам Султони Соҳибқирон отига “Тазкират уш-шуаро” отлиг китоб битибдур, воқеан бәсе захмат тортибдур ва бу тоифани яхши жамъ қилибдур. Бу бобда яна дағи расоил ва кутуб бор. Аммо барчасидан бурун ўтган шуаро ва эрта кечган фусоҳонинг оти мазкур ва сифоти мастурдур...” [2, б. 8]. Демак, Алишер Навоий

ёзган маълумотларга диққат қилсак, биринчидан, ушбу тазкира Навоий маслаҳати, кўрсатмаси ва ёрдами билан ёзилган. Иккинчидан, ўз даврининг ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро шарафига битилган. Учинчидан, қадимги даврдан то ўз давригача яшаб ижод этган Малик ул-калом ва Малик ул-шуаро унвони билан танилган ижодкорларни тилга олган. Учинчидан, уларнинг машҳур асарларининг номи ёки лирикасидан намуна сифатида шоҳбайтлар характерида мисоллар тамсил қилинган. Тўртинчидан, муаллиф асар хотимасини безаш учун ўзининг машҳур замондошлари бўлган Нуриддин Абдурахмон Жомий, Низомиддин Алишер Навоий, Хожа Афзалиддин Муҳаммад Амир Аҳмад Суҳайлий, Ҳожи Шаҳобиддин Абдулла Марварид, Хожа Осафийлар ҳақида ҳам жуда муҳим маълумотлар битиб қолдирган.

Алишер Навоий ушбу муаллиф шахси, ҳасаб ва насаби, истеъдоди, камолоти, вафоти хусусида ва унинг китоби ҳақида ўз тазкирасининг бешинчи мажлисида “Амир Давлатшоҳ” номли фикрада батафсил гапирган. Чунончи: “Амир Давлатшоҳ – Фирузшоҳбекнинг амакизодаси Амир Алоуддавла Исфаройинийнинг ўғлидур. Фирузшоҳбекнинг мукнат ва азамати худ олам аҳли қошида гунашдин равшанроқдур, таърифқа эҳтиёж эрмас. Амир Алоуддавла дағи аҳл киши эрди. Аммо димоғи ҳиффат пайдо қилиб, зоеъ бўлди. Ва лекин Амир Давлатшоҳ хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлиғ йигитдур. Обо ва ажодди тарийқидинким, аморат ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай, кечиб гўшае ихтиёр қилиб, фақр ва даҳқанат била қаноат қилди ва фазойил ва камолот иқтисоби била умр ўткарди. Ушбу мазмундаким, бу мухтасар битиладур, “Мажма уш-шуаро” тасниф қилибдурким, ҳар киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолин маълум қилур. Аммо бу яқинда хабар келдиким, фоний оламдин рихлат қилибдур. Воқеъ бўлса тенгри ани раҳмат қилғай.

Бу матлаъ анингдурким:

Зиҳи аз офтоби оразат чашми жаҳон равшан,



“Зи чашми равшани карда диламро хонумон равшан” [2, б. 143].

Таржимаси:

“Қандай яхши! Юзинг куёшидан олам кўзи равшандир, ул равшанлик эса кўз орқали кўнгул уйини равшан, ёруғ қилади”.

Навоий ушбу фикрада Амир Давлатшоҳнинг отаси, у вояга етган оилавий муҳит, касби-корлари ҳамда унинг эллик ёшда ҳарбий лавозимдан воз кечиб, узлатга чекиниши, бадий ижод билан машғул бўлиши, жуда катта машаққат, меҳнат билан ўн беш аср оралиғида яшаб ижод қилган қалам аҳли, бадий адабиёт, сўз ҳақидаги бир-биридан қимматли, қизиқарли маълумотларни ўқиб-ўрганиб, ушбу тазкирани маҳорат билан битганлигига тўхтаган.

Амир Давлатшоҳ тазкирада улуғ шоирга атаб битган фикра “Низомиддин Алишер Навоий” [3, б. 188-197] номли алоҳида фикрадир. Китобда Навоий Жомийдан кейин тилга олинган. Амир Давлатшоҳ фикрани “Унинг шарофатли номи ушбу китоб муқаддимасига зийнат, балки саодат девонига асосий мазмундур” деб бошлаган ва фикрада улуғ шоир тўғрисида айтган қуйидаги қимматли маълумотлардан воқиф бўламиз.

1. Алишер Навоийнинг шарафли номи тазкирага файз, зийнат эканлиги муаллиф томонидан кўтаринки руҳда, эстетик завқ билан таъкидлаб кўрсатилган.

2. Бу улуғ Амир Алишернинг ҳиммат ва эҳсон камолатининг қутлуғ замонида темурийлар давлати бошқарувида бўлган Хуросон давлатидан ташқарида ҳам машҳурлиги, яъни бутун жаҳонга ёйилганлиги фахр туйғуси билан айтилган.

3. Номдор ва олий даражали амирнинг улуғ отаси ҳақидаги маълумот ва отасининг давлат кишиси сифатида Султон Абулқосим Бобур ҳукмронлиги даврида Хуросон мамлакатининг идораси–бошқарувида Султоннинг яқин кишиси эканлиги ва давлат ишларидан ортиб саодатли фарзандига

тиришқоқлик билан қилган ҳаракати борасидаги муҳим хабарлар ҳам келтирилган. Муаллифнинг фикрада Алишер Навоийнинг ҳазрати отаси Ғиёсиддин Баҳодирга алоҳида тўхталгани ҳам биз учун олтин битик ҳисобланади, чунки Навоийнинг отаси ўғлининг тарбияси, таълими билан боғлиқ ҳаракатлари бошқа манбаларда деярли учрамайди. Фикримизча, суҳбатларнинг бирида муаллифга ҳазрати отаси ҳақида Алишер Навоийнинг ўзлари тўлқинланиб сўзлаб берган бўлса керак. Мълумки, улуғ шоир “Муншоат” асарида оталарни Раззоқ ул-қайюм деб шарафлаб ёзар экан, ўзининг барча асарларида яратган ижобий характердаги оталар образида ҳам ўз отасининг нурли сиймоси билан боғлиқ тасвирлар, чизгилар битганини ўқиш мумкин.

4.Маърифатли теурий ҳукмдор Султон Абулқосим Бобур замонида Алишер Навоийнинг фазилат ортиришга ғайрат билан интилиши ва фасоҳатли шеърлар ёзишга бўлган юксак иқтидори, адабий мажлисларга фойз берувчи шеърый девонлари хусусида тўлқинланиб гапирган.

5.Ёшлик чоғларидаёқ унинг маҳорат билан икки тилда қалам суриши ва кейинчалик ўзбек тилининг расмий мақомини кўтариш учун қилган маънавий жасорати, яъни ўзбек (туркий) тилида *соҳиби фан*, форсий тилида эса *соҳиби фазл* сифатида танилганлиги ва бу ҳақда муаллиф ўзи ёзган муламмаҳ қасидани тамсил қилиб келтирган: “Камина муаллифнинг ушбу амир мадҳида айтган муламмаҳ қасидаси борким, унинг баъзиси туркийча, баъзи бири форсийчадир. Чунки суханворлар зикри ушбу тазкирада келтирилди-ю, бунда ўзини фозиллар каторига қўшишга қуввати келмади. (Шунинг учун) бу улуғ амир мадҳига қўл урди” [3, б. 194-196].

6.Муаллиф асарда Султон Абулқосим Бобурнинг истеъдодли ёшларни парвариш қилувчи мураббий ва муқаввий подшоҳ, деб алоҳида шарафлар экан, унинг Алишер Навоийга бўлган эътиборини шундай изоҳлаган: “Ҳамиша улуғ амирга таъбининг мулойимлиги, фаросати учун офарин ўқирди. Баъзан

улуғ амир ёзган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар ҳам табиатининг кудрати ва сўзининг ширинлигига таажжубланарди. Унинг бедариғ марҳаматларидан баҳра олар ва яхши мадад берар эди” [3, б. 189].

7. Яна муаллиф фикрада Алишер Навоийнинг ўз даврида буюк инсон, кучли ижтимоий шахс, адолатпарвар давлат ва сиёсат арбоби эканлигига Хиротда “Унсия” – “Фуқаролар муурожаатгоҳи” номи билан машҳур бўлган уй(резиденция)ига ва унинг эл, улус билан, Султон Ҳусайн Бойқаро билан бўлган турли даражадаги муносабатларига, даҳо шоирнинг кўчмас ва кўчар мулкларига, молиявий ибодатининг мукамаллигига, тенсиз даражадаги мураббий ва муқаввийлигига, ўзининг хусусий маблағлари ҳисобига ижтимоий характердаги кўплаб биноларни курдирганига батафсил тўхталишга ҳаракат қилган. Фикрадан бир мисолни тамсил қилиб келтирсак, муқаддас Машҳад шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ воқеа акс этган лавҳада донишманд халқимизнинг “Сув келтирган – элда азиз” деган мақоли гўё улуғ Навоийга қарата айтилгандек туюлади. Яъни: “(Яна) тангри инояти била бирмунча вақтдирки, у вакил сайлаган кишилар тиришуви орқасида Хуросоннинг машҳур булоқларидан, жаҳон кўнглини очувчи, Тус вилояти юқорисидаги Чашмаи Гил сувини муқаддас Машҳад шаҳрига келтирилди. (Бу билан) Машҳаднинг муқим халқини сувсизлик азобидан қутқарди... Бу қандай эҳсон бўлдики, жаҳон подшоларию ақобирлари бундай ишни удалашдан ожиздирлар. Бу ариқ узунлиги қакрийб ўн икки фарсахдирким, ҳамма жойлири нотекисдир. (Улуғ амирнинг) бу хайру эҳсони ҳамма шарофатли эҳсонларидан ҳам ортиб тушди. Бу ариқ туфайли, муқаддас Машҳад шаҳри, худо хоҳласа, беҳишт рашкини, Чин ниғорхонаси ғайирлигини келтирадиган бўлади. Бу улуғ амир хайру эҳсони била қурилган иморатларнинг ҳаммасини таърифлаб тугатолмаймиз чунки (улар) саноқ ва ҳисобдан ортиқдир” [3, б. 184].

8. Фикрадаги маълумотлардан Амир Давлатшоҳнинг ўзи Навоийга бағишлаб ёзган муламмаҳ қасидасидан ҳам хабардор бўламиз, бу ҳақда юқорида айтиб ўтдик. Чунки у фикрада Навоий ижодидан ғазал ва байт шаклида намуналар ҳам келтирган ҳамда битган маълумотларининг исботи учун ўзи маҳорат билан ёзган қасидани ҳам тамсил қилиб келтиргани фикранинг қимматини янада оширган, ўқишли қилган.

Ўқиб ўрганишимизга кўра, унинг Навоий ҳақидаги мазкур ўқишли фикраси кейинги даврларда ёзилган Фаҳрий Хиравий, Бобур, Мирзо Ҳайдар, Нисорий, Мутрибий Самарқандийларнинг китобларида битилган Навоий билан боғлиқ фикра ёки маълумотларга маълум маънода асос бўлиб хизмат қилган.

Хулоса шуки, Алишер Навоий даври адабий-тарихий манбаларини ўрганиш, биринчидан, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ўринларга аниқлик киритилади. Иккинчидан, айнан “Тазкират уш-шуаро” каби китобларда улуғ Навоийга бағишланган алоҳида фикраларни ўқиб ўрганиш навоийшунослик фанининг ривожига маълум даражада хизмат қилади. Учинчидан эса биз юқорида тилга олган манбаларда Навоийнинг айрим замондошлари ҳаёти ва ижодидан ҳам хабардор бўламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурразоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (форс тилидан Асомиддин Ўринбоев таржимаси). 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2012.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. – Тошкент: Фан, 1997.
3. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. – Тошкент: Фан, 1997.
4. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират ушшуаро (форс

тилидан Б.Аҳмедов таржимаси). – Тошкент: Тошкент: Фан, 1981.

5. Ражабова Б. “Баҳористон”да Навоий таърифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 4-сон, 2021. – Б. 60-65.

6. Ражабова Б. Руббим маскунда ул қахрамон дурур... // “Алишер Навоий ва XXI аср” Буюк шоир ва мутафаккир таваллудининг 580 йиллигига бағишланган халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент: “ZEBO PRENTS” нашриёти, 2021. – Б. 257-263.

## ЁЗУВЧИ ИЖОДИНИНГ ЖАНРИЙ КЎЛАМИ

**Тўлаганова Санобар\***

**Аннотация:** Мақолада Абдулла Қодирийнинг ижоди жанрлар кўламига кўра ўрганилган бўлиб, унинг дастлабки ижодий намуналарига ҳам эътибор қаратилган. Ёзувчи адабий жанрнинг барча турларида ижод қилган.

**Таянч сўзлар:** Абдулла Қодирий, жанр, шеър, драма, роман

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек адабиёти шаклан ва мазмунан янгиланиш томон юз тутди. Бу жараёнда санъат ва адабиётнинг ҳар жабҳасида юз бераётган янгиланишлар умумжаҳоний кўриниш касб эта бошлади. Чўлпоннинг “Кўнгили янгилик қидирадир” деган ҳайқириғи ўша давр овози бўлиб жаранглади. М.Шермухамедов ижод ва ижодкорлик, шоир виждони, масъулияти ҳақида шундай ёзади: “кўзим кўр, қулоғим кар, тилим гўнг” бўлмай, “...шоир афандилар замона ҳозирда сабсатабозликники бўлмай, тараққийликникидир. Сизлардан лозим эмасмуки ушубу асрда гафлатда қолган миллатингизга қўлдан келгонча адабиётлар ёзиб, тарихларга номингизни кўрсатсангиз”, “бизнинг ҳақиқий адабиётимиз Мирзо Тошкандий, Тавалло, Авлонийлар ижодиёти билан кифояланиб қолмаслиги керак”. [Шермухамедов М. 1914. № 72.]

Муаллиф “мувашшах” ва “ҳажвиётлар” халққа ҳеч қандай наф келтирмаслигини таъкидлайди. Ўша даврда “Садои Туркистон” газетасида миллий адабиётининг қандай бўлмоғи лозимлиги ҳақида шундай мулоҳазалар берилади. “Адабиётнинг

---

\*ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори

вазифаси мамлакатнинг ихтиёжотини кузатмак ва майдонга чиқоруб қўймак, энг муҳим мавзуларни аҳоли назарига арз этмак”лигини ва ижодкорларнинг “мумкин қадар фикрсиз халқ ичига аралашиб мулойимона насиҳатларда бўлуб ва миллатнинг энг қоронгу бурчакларига кетуб нурли чирог бўлиб миллатнинг жараоҳатли узвларига даво солиши”га [Садои Туркистон. 1914. № 65.] даъват этади.

Абдулла Қодирийнинг кичик насрий асари ва романларидаги услубий фарқланишни сезиш қийин эмас. Адибнинг кичик насрий асарлари тили ўқувчини сергаклантирса, роман тили эса оҳанрабо сингари ўқувчини ўзига тортади. Бу, аввало, ёзувчи маҳоратидан далолат берса, иккинчидан, дунёқарашидаги эврилишлардан дарак бериб, унинг поэтик имкониятларини кўрсатади. Мавзулар кўламига қараб муаллиф адабий турларнинг барча жанрларида шеър, драма, публицистик мақолалар, бадиий ҳикоя, қисса, романгача ўсиб борди. Қодирий адабий жанрларнинг фельетон, очерк, ҳажвия, танқидий мақола каби турларида ҳам қалам тебратган.

А.Қодирий, аввало, жадидлар таъсирида ва шу ғояларнинг тарғиботчиси сифатида адабиёт майдонига кириб келди. Бу даврда адиб ҳали йўлини белгилаб олмаган, адабиётга ҳавас иши деб қарагандек кўринса-да, ўша давр адабиёт олдига қўяётган талабларни ҳисобга олган эди. Ёзувчининг 1915 йили ёзилган “Тўй” шеърда миллатни маърифатдан чалғитаётган маросимлар ҳақида мулоҳаза юритилади. Бундай ортикча ҳаваслардан миллатни “Қуръон амри” кутқаришини, “ақллик киши” ва “аҳли виждон” бундай иллатлардан сақланиши лозимлигини таъкидлайди. “Ақллик киши” ва “аҳли виждон” тушунчаси ёзувчи эстетик концепциясида муҳим ўрин тутади. Шеърнинг ҳар бир байтида ёзувчининг ижодий дастури баён қилинади, гуё. “Аҳволимиз”, “Миллатимга бир қарор”, “Фикр айлағил” шеърларида ҳам миллатни жаҳолатга етаклаётган иллатлар фош қилинади. “Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз”, “Жаҳолат чўл саҳросига минбаъд сабзавор ўлсун”,

“Бу кун илмнинг бўйи бирлан димоғлар мушиқбор ўлсун”, “Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан?”, “Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ илан ўйнотамиз” каби сатрлар кейинчалик унинг йирикрок жанрлардаги асарида концептуал аҳамият касб этди. Шеърнинг ҳар бир мисраси адиб романларида алоҳида сюжет йўналишига асос бўлиб хизмат қилган. Қалвак махзум, Абдурахмон, Тошпўлат тажанг образларининг туб илдизи унинг дастлабки шеърларда илгари сурилган тезислар билан чамбарчас боғлиқлиги бежиз эмас. “Тўй” шеърдаги ғоявий ният “Бахтсиз куёв”да давом эттирилиб, кейинги асарларида масала моҳиятига янаям чуқурроқ разм солинади. Адабиётшунос И.Ғафуров шу билан боғлиқ қизиқ мулоҳазаларни билдиради: “Абдулла Қодирий романларида барча воқеаларнинг марказига уйланиш тугунини қўяди. Барча воқеалар, тарихларнинг бошида шу тугун туради. Тарихнинг барча кир ва олийжаноб йўлакларига шу тугун орқали кирилади” [Ғафуров И. 2014. – Б. 42.]. Мунаққид адиб ижодида уйланиш масаласи конфликт учун туртки вазифасини бажарганини таъкидлайди. Назаримизда, адиб никоҳнинг муқаддаслиги ва унинг шартлари бузиб талқин қилинаётганлиги ҳамда халқнинг маърифатдан узоқлашиши қандай оқибатга олиб келишини кўрсатиб беришни ният қилган. Тўй – диний ёки миллий маросим эмас, балки халқни чалғитишга хизмат қилаётган восита сифатида фош этилади. Ёзувчи шеърлари воситасида жамият иқтисодини ўнглаш учун авваламбор рухониятни, маънавиятни бойитиш лозимлигини таъкидлайди. Миллатни чалғитаётган ортиқча урф одатлар, таккабурлик ва илмсизлик иллат сифатида танқид қилинади. Унинг шеърларидаги ғоя аста-секин насрий асарларига ҳам кўчиб ўтади. Муаллифнинг “Бахтсиз куёв”. Теётр рисоласи номли асари 1915 йилда ёзилиб, “Туркистон маишатидан олинган тўрт пардалиқ фожиъа” деб номланган. Қодирийнинг ўзи шундай ёзади: “1913 йилларда чиққан “Падаркуш” пьесаси таъсирида “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзув юборганимни ўзим



хам пайқамай қолдим”. Аммо “Бахтсиз куёв” мазмунан ва қурилиш жиҳатдан Бехбудий драмасидан фарқ қилса-да, барибир улар ғоявий жиҳатдан яқин эди. Шу даврда Бехбудийнинг “Падаркуш”идан кейин ўзбек адабиётида унга тақлидан бир қанча асарлар вужудга келди. “Тўй” муаллифи – Нусратулло Қудратулло ўғли. 1914. “Жувонмарг” – Абдулла Бадрий. 1915. Ҳожи Муъиннинг “Эски мактаб, янги мактаб”, “Мазлума хотин”, “Жувонбозлик қурбони” 1916 йилда нашр этилган асарлар шулар жумласидандир.

Маърифатпарварлар бидъатга айланган урф-одатлардан кутулиш, тўй, улоқ, қиморбозлик, ичкиликбозлик, хотинбозлик каби иллатларга барҳам бериш, янги усул мактабларини кўпайтириш, унда диний билимлар билан бир қаторда “дунёвий” илмларни ҳам ўргатиш орқали миллатни ғафлатдан уйғотиш мумкин, деб билдилар. Ана шу руҳдаги асарларда шариятда белгиланмаган тартибларга эргашиш, бидъат хурофотга берилиш маънавий инқирозга олиб келиши кўрсатилган. Саҳна асарларида жоҳиллик ва маърифатдан узоклашиш орқасида фожиага дуч келган кимсаларнинг қиёфаси ўз ифодасини топди. “Турон” труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асарлари билан бир қаторда миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам сахналаштириб борган. Ёзувчининг “Бахтсиз куёв” асари ҳам труппа репертуаридан жой олди. Асар воқеалари Солиҳ исмли йигитнинг уйланиши воқеаси асосига қурилади. Бойдан қарзга пул олиб, вақтида тўлай олмаган куёв Солиҳ ва келин Раҳима руҳий тушқунлик оқибатида ўз жонига қасд қилади. Асар ёшларнинг фожиали ўлими билан якунланади.

Ёзувчи бу асарига ўша даврда жадидлар илгари сурган ғояни энг долзарб мавзу сифатида танлайди. Мазкур асарда адабиётнинг бадиий-эстетик қийматини маълум даражада эътибордан соқит қилган эди. Ёзувчининг асарига адабий жараёнида турли муносабатлар билдирилган. Миён Бузрук Солиҳов ёзади: “Пьесадаги реал бўлмаган типларни, асар

курулишидаги юзакилик, санъатсизликни, тилидаги эскиликни олиб қарасак, Қодирийнинг эндигина эски мактабдан қутулиб матбуотга чиқишга интилган бир ўрганчик асари эди”. М.Солиҳов адибнинг бу асарига бир оз кейин ёзилган “Улоқда” ҳикоясини солиштириб, “икки асар бир ёзувчига тегишли эканлигига ишониш қийин”,- деб қайд этади. Муаллиф ҳикоянинг тилига алоҳида эътибор қаратади. Чунки “Улоқда” ҳикоясининг тили жадиждлар тарафидан қўлланилаётган замонавий ўзбек адабий тилини анча ўзлаштирган тил ҳисобланар эди.

Асардаги эллиқбоши эътиборга молик образ саналиб, ўша даврдаёқ танқидчилар диққатини қаратган эди. Қодирий эллиқбоши образини миллатпарвар, саховатли бой тимсолида тасвирлаган. Аммо ўша даврда тарихий-ижтимоий шароитда маҳаллий бошқарувчилар орасида бундай киёфадаги эллиқбошиларни учратиш мушкул иш бўлганлиги учун ҳам танқидчилик бу образни ҳаётий мантиққа бир мунча зид воқелик ҳисоблашган. М.Солиҳов “эллиқбоши образи ўзбек таракқийпарвар бойларининг вакили, ҳаётда эса, аксинча”, деб танқид қилиб, образни Айнийнинг “Дохунда” асаридаги эллиқбоши образи билан қиёслайди.

Асарда муаллиф жоҳилликнинг қурбони Солиҳ дуч келган фожианинг туб илдизларига назар ташлайди. Ўзиниўлдириш исломда жуда қаттиқ қораланади, аммо чорасиз келин-куёв буни қутулиш йўли деб билади. Мусулмон юртларда жаҳолатга ботган халқнинг маънавий киёфас инқирозга юз тутганлигини ёзувчи ўз қаҳрамонлари киёфасида очиб беради. Асарда драмага хос интрига етарлича ривожлантирилмагани учун одамларни жалб эта олмайди ва саҳнада узоқ вақт яшаб қолмайди. Асар бадиий савияси қандай бўлишидан қаътий назар давр ижтимоий-сиёсий ва миллий киёфасини ўзида намоён этади. Муаллифнинг навбатдаги асари “Жувонбоз (рўмон)” деб номланган. Ёзувчи бу асар жанрини “рўмон” деб белгиллаган.

Йигирманчи йилларда ўзбек адабиёти шаклан ва мазмунан, жанр жиҳатдан ҳам янгиланди. Ҳамзанинг “Янги Саодат”, М.Шермухамедовнинг “Бефарзанд Очилдибой” “рўмон”лари эълон қилинган эди. Мазкур асар Қодирий насрий асарларнинг тўнғичи ҳисобланади. У дидактик мавзуда бўлиб ўзбек халқининг хонлик даври тарихида турмушда учраб турадиган жирканч воқеалар тилга олинган.

“Жувонбоз” конкрет сюжетли, турмуш воқеасини кўрсатувчи катта ҳажмли ҳикоя бўлиб, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий лавҳадир. Асарда ўзини ва ўзлигини унутган инсон фожасининг асл сабаблари очиб берилган. Ҳикояда Саъдулла ва Раҳимжон образи орқали таълим тизимидаги камчиликлар, аҳолининг тарбияга муносабатини танқид қилинади. Санъаткорлик нуқтаи назаридан ушбу асарда жадид нигоҳи бирламчи бўлиб, ҳали адибнинг етарли тажриба тўпламаганлигидан далолат беради. Жоҳиллик, саводсизлик, маърифатсизлик миллат истиқболининг асосий кушандаси эканлигига алоҳида урғу берилади.

Диндан йироқлашиш, ман қилинган ишлардан қайтмаслик орқасида юзага келган замоннинг энг жирканч илллати – баччабозлик кескин қораланади. “Туркистон мусулмонлари аҳволларига афсуслар қилиб, бекорга неча минглаб пулларини исроф қилувчи, бесоқолни талашиб, мусулмон мусулмонга душманлик ортдирувини ва дунёдаги ғайри миллатларга мусулмонлик исмини булғатиб кўрсатуви”ни ёзувчи миллатнинг жонкуяри сифатида алам билан тасвирлаган. Туркистонни бу иллатдан озод этмоқ учун болаларимизни диний ва дунёвий илмлардан хабардор этмоғимиз лозим, деган хитоб бутун асарнинг мағзига синдирилган.

Ёзувчининг ижодий концепцияси мавзу кўламига кўра икки йирик йўналиш асосидан таркиб топган. Биринчиси, ижтимоий-иқтисодий ислохатпарварлик, иккинчиси, диний хурофотга қарши кураш масаласи. Унинг дастлабки шеърдан тортиб, то йирик жанрдаги асарларигача мана шу икки йўналиш

оралигида бўй кўрсатади. Кейинчалик, адиб ёзганларидан тамоман мазмун ва моҳиятда фарқланувчи “Улоқда” (1916) ҳикоясини яратади. Ҳикоянинг яратилиши ўзбек адабиётида бадиий-эстетик ҳодиса саналиб, ёзувчининг услуб жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлигини кўрсатади. Асар ўзбек ҳикоячилиги мактабининг дастлабки намуналаридан бири саналади. Эпик турнинг кичик шакли бўлмиш ҳикояда қаҳрамон ва образлар олами, танланган мавзу, ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлган воқелик ҳақиқий санъаткорона нигоҳ билан чизиб берилди. “Ҳикояда адиб воқеликни “ичидан туриб кузатувчи” ровий образидан фойдаланиб, тавсифий-ривоявий усулда мазмунни баён этган. [Қуронов Д..., 2010. –Б. 386.]

Ёзувчининг маҳорати шундаки, у воқеликни куруқ ҳикоя қилмайди, балки образ руҳиятини чин санъат талаби билан жонлантиради. Эътибор берилса, болакай Турғунбой, унинг акаси Маҳкамбой, уларнинг бобоси ҳам чапдаст улоқчи бўлган. Бутун оила тарихи мисолида улоқнинг аҳамиятига урғу берилади. Ҳикояда персонажлар тилидан мактов ўрнида “Маҳкамдек улоққа серзавқини кўрмадим” дейилади. Бободан бошланган томошага серзавқлик кайфияти авлоднинг учинчи вакили – бола ҳаётида ҳам давом этаётганлиги ёзувчининг ташвишга солади. Оила тарихи мисолида жоҳиллик, таракқиётдан узоклик, ижтимоий-сиёсий онгсизлик, жамият ҳаётига бепарқлик миллатни улкан фожиалар томон етаклашига ишора қилинади. Маърифатни серзавқ томошага алмашган оломон жаҳолати бола нигоҳи мисолида очиб берилади. Ёзувчи публицистик руҳдаги чиқишларида яна шу мавзуга бағишлаб кўплаб мақолалар ёзди. Унинг “Ит урушдириш ишлари” фельетони 1923 йилда “Муштум”да “Думбулбой ўғли” таҳаллуси билан эълон қилинади.

1921 йилда ёзувчининг “Жинлар базми” ҳикояси “Шарк чечаги” номли болалар журналида биринчи марта босилади. Ҳикоя болалар учун ёзилган асарлар сирасига киради. Асарга ёзувчи “мавҳум ҳикоя” деб изоҳ беради. Бола онгида кечаётган

турфа хаёлларни тақдим этиш ифодасидаги сирлилик китобхонни ўзига тортади. Ўзбек адабиётида бутунлай янги услубдаги ҳикоя дейиш мумкин. Ҳикоя инсон онгиости кечинмалари билан боғлиқ ғайриоддий воқелик асосига курилиб, икки усул: реал ва нореал воқеликка асосланган. Асарда бола руҳиятида мавжуд кўрқув туйғусининг кечинма тарзда тақдим этиши ўқувчига кўпроқ таъсир ўтказди. Инсоният тарихий хотирасида бундай тушунчалар стеротип шаклида яшайди. Халқ эртақларига монанд ғайриоддий вазият ўқувчига ҳеч нарсани ваъда қилмайди, балки нималаргадир ишоралар қилади. Ҳикояда эътиборни ўзига қаратадиган бир қанча ҳолатлар мавжуд. Ҳикояда муаллиф тилидан отам айтиб берган дейилса-да, бу автобиографик асар эмас, бадий тўқима. Иккинчидан, мусулмончиликда ҳар бир иш аваламбор фотиҳа, дуо яъни “бисмиллоҳир Раҳмонир раҳийм”ни айтишдан бошланади. Бола “фотиҳа ўқиш ҳам ёдимдан чиққан эди” дейди. Фотиҳа очқич сура бўлиб, ҳар қандай инсу жинсга таъсир этиш қудратига эга. Шундай экан, бу жинларга ҳам тааллуқлидир. Базмга ишқибозлик, рақс мусиқасидаги тушунарсиз овозлар барчаси – қадриятлардан воз кечилган инқилоб, бисмиллоҳсиз бошланган шўролар ҳукуматининг тимсоли эмасмикин, деган мулоҳазани кўнгилга солади. Яна бир ўринда “икки тегирмон тоши орасида янчилган кишидек мажруҳ эдим” деган сўзларида ҳам қандайдир яширин ишоралар бордай. Ҳикоя ёзилган йилларга аҳамият берилса, маҳаллий аҳоли ижтимоий-сиёсий воқеалар гирдобидида аросатда қолиб гуё ҚИБЛАСини йўқотган эди. Жамиятда ўз йўлини топишга қийналган кимсалар базмда ўтирган таниш-нотаниш қиёфаларни эслатса, нағма билан рақсга тушаётган қиз эса шўроларнинг ёлғон ваъдаларининг тимсолидир. Ҳикоядаги тағмаънони англашда ёзувчи идеалларини ҳисобга олиш зарур. Бир қарашда сезилмаган ғоявий бўрттирмаларни англаш қийин эмас.

Ёзувчи таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларда “Ўткан кунлар” романи ёзилиш жараёни ҳақидаги фактлар

деярли учрамайди. “Абдулла Қодирий ўз сафдошларидан бу борада анча ва жиддий юқори поғонага кўтарила олди. Эпик баён ва эпик образ яратиш борасида кашфиётга йўл очди, чинакам реалистик ўзбек романини яратиш унинг зиммасига тушди”. [Мирвалиев С. 2018. – Б.77.] Муаллиф йирик жанрдаги асарларида роман жанри имкониятларидан тўла фойдаланишга эришди. Ёзувчи жанр талабига кўра эпик кўлам, эпик баён ва роман тафаккурини ўзига хос миллий буюкларда кўрсатади. Адабиётда роман янги жанр бўлишига қарамай ифода этиш тарзига кўра адиб уни миллий ҳодисага айлантиришга муваффақ бўлди.

Адиб 1917-1918 йиллардан бошлаб “Ўткан кунлар” романи учун материал йиғиш баробарида “Бизда аскарлик масаласи”, “Бизда театру ишининг бориши”, “Бозор суриштирмайдир”, “Тинч иш” каби мақолаларини эълон қилади. Уларда адиб дунёқарашдаги маърифий жиҳатлар ойдинлашиб боради. Юқоридагилардан кўринадики, ёзувчи адабий турнинг барча жанрларида ижод қилди ва булар миллий роман яралишида дастлабки тажриба сифатида бадиий-эстетик қиймат касб этди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шермухамедов М. Шоир жаноблариға илтимос // Туркистон вилояти газети, 1914. № 72.
2. Садои Туркистон газети. 1914. № 65.
3. Ғафуров И. Абдулла Қодирий сиймоси / Қодирий абадияти. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2014. – Б. 42.
4. Қуронов Д., Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.–Б. 386.
5. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий кашфиёти. – Тошкент: Mashhur-Press, 2018. – Б.77.

## **ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИГА ҚИСҚА ЭКСКУРС**

(муаллифлар ва жанрлар)

**Қўчқорова Мархабо\***

***Аннотация:** Мазкур мақолада Ҳозирги ўзбек насри, даврий жиҳатдан олинганда сўнги постсовет даври, ўттиз йил ичида яратилган роман, қисса, ҳикоя, эссе жанрларининг сара намуналарини яратган муаллифлар ва уларнинг насрий асарлари обзор шаклда таҳлил этилди.*

***Таянч сўзлар:** Ўттиз йиллик наср, ҳозирги ўзбек насри, муаллифлар, жанрлар, роман, қисса, ҳикоя.*

Ҳозирги ўзбек насри кўплаб олимларимиз белгилаб кўрсатганларидек, Мустақиллик даврини, яъни сўнги ўттиз йилни ўз ичига олади. Бу даврда ўзбек насри майдонида шўро даврида адабиётга кириб келган, шунингдек, мустақиллик арафасида ва мустақилликдан сўнг кириб келган бир қатор адабий авлодлар ва ҳали авлод сифатида шаклланмаган носирлар ижод килди. Хусусан, ўттиз йиллик Ҳозирги ўзбек насрида Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, У.Назаров, Ў.Ҳошимов каби 30-40-50-60-йиллар адабий авлоди, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Тоғай Мурод, Аҳмад Аъзам, Хайриддин Султон, Нодир Норматов каби 70-йиллар адабий авлоди, Олим Отахон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шойим Бўтаев, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Нормурод Норқобилов, Назар Эшонкул, Баҳодир Қобул, Абдуқаюм Йўлдош, Саломат Вафо каби 80-йиллар адабий авлоди ва ниҳоят 80 йиллар охири 90-

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори

2000 йиллар бошида адабиёт майдонига кириб келган Шодидул Ҳамро, Собир Ўнар, Қўчқор Норқобил, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Наби Жалолiddин, Лукмон Бўрихон, Зулфия Қуролбой кизи, Шодмонкул Салом, Нурилла Чори, Холиёр Сафаров, Маъмура Зоҳидова каби истеъдодли ёзувчилар прозанинг роман, қисса, ҳикоя, новелла, эссе жанрларида самарали ижод қилишди.

Айнан Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг ўзбек насри ва бадиий-публицистикаси соҳасидаги ижодий изланишлари “Сайланма. 5 жилдлик”га жамланди. Бу “Сайланма” ёзувчи ижодий фаолиятида илк бор амалга оширилди. Тўпламни ёзувчининг қизи филология фанлари номзоди Сайёра Холмирзаева нашрга тўплаб, тайёрлади. Жумладан, жилдлик куйидагича тартибланган:

1. Шукур Холмирзаев. Сайланма. I жилд. Ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 448 бет.

2. Шукур Холмирзаев. Сайланма. II жилд. Ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 464 бет.

3. Шукур Холмирзаев. Сайланма. III жилд. Ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 512 бет.

4. Шукур Холмирзаев. Сайланма. IV жилд. Эсселар. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 528 бет.

5. Шукур Холмирзаев. Сайланма. V жилд. Қиссалар. – Тошкент: 2016. – 480 бет.

Адибнинг “Сайланма” китобига ижодининг барча намуналари киритилмаган. Зеро, ёзувчининг романлари, драмалари, бу тўпламга кирмай қолган ҳикоялари, эсселари, суҳбатлари, адабий мақолалари ҳам ҳали талайгина. Энди адибнинг тўпланган ва тўпламга кирмай қолган ижод намуналари, шахсий архивида сақланиб қолган кўлёмалар асосида Изоҳлар ва тўлдиришлар билан Шукур Холмирзаевнинг “Мукамал асарлар” академик нашрини амалга ошириш навабати етиб келди. “Сайланма”га ёзувчининг ҳикоялари, эсселари, қиссаларининг маълум бир қисми жамланган.



Дастлабки 3 жилд ҳикояларни ўз ичига қамраб олган. Биринчи жилдга жами 51 ҳикоя, иккинчи жилдга 25 ҳикоя, учинчи жилдга 10 ҳикоя жамланган. Тўртинчи жилдга жами 11 эссе киритилган бўлса, бешинчи жилддан жами 7 қисса ўрин олган.

Атоқли адиб ўзбек насрининг барча жанрларида ниҳоятда баракали ижод қилди. Айниқса, ҳикоя – Шукур Холмирзаев ижодида эрка ва тантиқ жанр бўлиб қолди. Зеро, уч жилдликка жамланган 86 ҳикоя бу фикримизни тасдиқлайди. Мазкур “Сайланма”лардан ўрин олган ҳикоялар 1960 йилда ёзилган “Нотаниш” (1960 йил) билан бошланиб, 2005 йилда ёзилган “Кузда баҳор ҳавоси” (2005 йил) ҳикояси билан тугалланади. Демак, “Сайланма”да маҳоратли ўзбек ҳикоянависи Шукур Холмирзаевнинг шу жанрда олиб борган 45 йиллик бадиий-ижодий тажрибалари яхлит ҳолда жамланиб, тақдим этилган. Шукур Холмирзаевнинг дастлабки ҳикояларида қисқалик, воқеаларни тўғридан-тўғри драматик кульминацион нуқтасидан бошлаш, батафсил тасвирийлик, қаҳрамонлар ўртасида диалогларни давомий ва узун тузиш, телефон-телеграф услуби етакчилик қилганини кузатиш мумкин. Ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятини диалогларда, уларнинг ўзларининг нутқи орқали очиқ беради. “Сайланма”дан ўрин олган “Жарга учган одам”, “Қария”, “Чўлоқ турна”, “Бодом қишда гуллади”, “Одам”, “Ҳайкал”, “Ўзбек характери”, “Кўк денгиз”, “Озодлик”, “Булут тўсган ой”, “Банди бургут”, “Ўзбек бобо” асарлари ўзбек ҳикоячилигининг дурдона намуналаридир. Уларни бемалол жаҳон ҳикоячилиги билан тенглаштириш мумкин.

Адибнинг ўзбек эссеистикаси соҳасидаги хизматлари ҳам катта бўлди. Бинобарин, мазкур “Сайланма”га киритилган “Абдулла Қаҳҳорни эслаб”, “Ай, Шухрат акам-а...”, “Бинафша хидланг, амаки”, “Ўйларимиз айро тушди, аммо...”, “Бу кишим – Устоз, мен – шогирд” эсселари ўзбек эссеистикасининг катта ютуқларидан саналади. Айниқса, шу эсселар орасида академик Матёкуб Қўшжонов ҳақида салкам роман ҳажмида ёзилган “Бу кишим – Устоз, мен – шогирд” асари ниҳоятда батафсиллиги,

60-йиллар адабий ҳаёти, Қаҳҳорга қарши кучлар, ёзувчи ва олимнинг ўзаро дўстона ижодий мулоқотларини баён этиб бериши билан ниҳоятда қадрли хотиралардир.

“Сайланма”нинг охиригил жилдига киритилган “Оқ отли”, “Буқри тол”, “Ўн саккизга қирмаган қим бор”, “От йили” қиссалари ёзувчининг ўзбек қиссачилигидаги ижодий изланишларини яққол намоён этади. Шуқур Холмирзаев ўзбек адабиётига ўтган асрнинг 60-йилларида илк ҳикоялари билан қириб қелган бўлса, мустақиллик йилларида адибнинг ижоди янада гуллаб-яшнади. Ёзувчи сўнгги ўн беш йил ичида тўлиб-тошиб ижод қилди, прозанинг роман, қисса, ҳикоя, эссе жанрларида юзлаб асарлар яратди, матбуотда нашр қилдириди. (Адиб 2005 йилда вафот этди.) Ниҳоят “Сайланма” шаклида қизи томонидан тўпланиб, чоп қилдирилди. Ёзувчи ўзбек романчилиги тараққиётига ҳам жиддий таъсир ўтказди. Зеро, ёзувчи “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк”, “Олабўжи”, “Диназавр” романларида шўро мафқурасининг ичдан емирилиб бўлгани, бу жамиятнинг таназули, шахс ва жамият инқирозини ниҳоятда нуқтадонлик билан ёритиб берди. Айниқса, 90 йиллар охири ва мустақиллик йилларида ёзилган икки романи “Олабўжи” ва “Диназавр” жамоатчилик орасида қатта баҳсларга сабаб бўлди. Адибнинг “Олабўжи” романида шахс ва жамиятга ахлоқий ракурс орқали ёндашуви ёзувчининг ўзига хос шафқатсиз реализми заминида тўла намоён бўлди.

Ўттиз йиллик ўзбек насри тараққиётида Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаровларнинг ҳам хизмати қатта бўлди. Бу ёзувчилар ҳам ўзларининг роман, қисса, ҳикояларини яратишди. Хусусан, Учқун Назаровнинг “Чаён йили” романи, Ўлмас Умарбековнинг “Фотима ва Зухра” романи, “Қизимга мактублар” қиссалари ҳамда уларнинг “Танланган асарлар” жилдигининг нашр этилиши қувончли воқеа бўлди. Ў.Умарбековнинг шўро даврида яратилиб, халқимиз меҳрини қозонган “Одам бўлиш қийин” романи, “Севгим-севгилим” каби қиссалари мустақиллик даврида қайта-қайта чоп этилди.

У.Назаровнинг “Чаён йили”, “Паймона” романлари ўқувчилар қалбига йўл топди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Нур борки, соя бор”, “Тушда кечган умрлар” романлари, “Дунёнинг ишлари” каби қиссалари ўзбек ва дунё китобхонларига манзур бўлди. Адибнинг “Танланган асарлар” жилдлигининг чоп этилиши ҳам мустақиллик даври ўзбек насрини батафсил ўрганиш учун имконият яратди. Ўткир Ҳошимов насрига хос анъанавий реализм, батафсил тасвирийлик, ўзбек халқининг шўро давридаги салкам 70 йиллик фожиавий ҳаёти ва қисматининг реалистик бадиий талқини, лиризм билан суғорилган инжа услуб ўқувчилар қалбини забт этди. Қолаверса, адиб насрида бўртиб кўрунувчи ўзбекона миллий пафос баланд пардаларда намён бўлгани билан эътиборни тортади. Хусусан, адиб ижодида яратилган ўзбек оналари ва оталарининг табиий ва ҳаётий миллий қиёфалари нафақат ўзбек китобхонини, балки хорижликларни ҳам беэтибор қолдирмади.

Эркин Аъзамнинг ўттиз йил ичида яратилган “Шовқин” романи, “Қирқ йиллик гурунлар” туркум ҳикоялари, 15 га яқин қисса ва киноқиссалари ўзбек насри хазинасини бойитди. Хусусан, “Пакананинг ошиқ кўнгли” (Тошкент, 2001), “Кечикаётган одам” (Тошкент, 2002), “Эртақ билан хайрлашув” (Тошкент, 2007), “Жаннат ўзи қайдадир” (Тошкент, 2007), “Тули гули”, “Шовқин” (Тошкент, 2011), “Ёзувчининг боғи” (Тошкент, 2019), “Танҳо қайиқ” (Тошкент, 2017), “Танланган асарлар. 5 жилдлик” (Тошкент, 2021)ларининг чоп этилиши ва уларга кирган 1 роман, 15 дан зиёд қисса ва киноқиссалар, 40 дан ортиқ ҳикоялар ўзбек насрини янада юқори поғонага кўтарди. Ёзувчи насрига хос киноя, сарказм, истехзо, пичинг, кесатиклар, сўз ўйинлари, адибнинг улкан бадиий маҳоратидан дарак беради. Эркин Аъзам насрида Бойсун ва бойсунликлар миллий колорити бўртиб кўринади. Адиб киноқиссалар яратиши билан адабий қисса жанри табиатига киносанъатига хос қисқалик, кадрбоп қисқа тасвирлар, қисқа кадрда кўп маъно ва

мазмун бериш усуллари олиб кирди. Ёзувчи қисса жанрини сифат жиҳатдан бойитиб, янгилаб берди. Хусусан, бу сирада ёзувчининг “Забаржад”, “Сув ёқалаб”, “Паризод”, “Танҳо қайиқ”, “Қарздор”, “Қовунфуруш Орол”, “Ошиққўнгил Пакана” киноқиссаларини санаш мумкин. Буларнинг кўпчилиги экранлаштирилган, ҳатто Эркин Аъзам сценарийси асосида тайёрланган “Паризод” каби кинофильмлар халқаро нуфузли мукофотларга сазовор бўлди.

Эркин Аъзам насридаги ягона роман “Шовқин” кўпчиликда турли хил бир-бирига қарама-қарши фикрларни уйғотди. Назаримизда, “Шовқин”да маҳоратли носир анъанавий реализм унсурлари билан киноявий, пародиялаштирилган рамзий тасвирни, бадий вақт ва макон тасвиридаги ноанъанавийликни (самолёт ичида учиб кетаётган қаҳрамон хотиралари орқали бутун бошли совет жамияти, киночилар ҳаёти тафтиш этилади) оригинал тарзда ярата олди. Асарда алданган авлод фожеалари, айниган миллат фожеаси маҳорат билан ёритилган. Романда машҳур кишилар ҳаёти ва кийинишига тақлид қилиб яшовчи ўзлигини йўқотган авлодлар фожиаси киноя ва сарказм тиғи билан теран очилган. Шу билан бирга Эркин Аъзам халқаро миқёсда катта ютуқларга сазовор бўлган ва дунё жамиятида ўз ўрнига эга бўлган Фарҳод Рамазондек фикри ва онги очик замонавий ўзбек кишиси образи орқали ўзлигини, эътиқодини сақлаб қола олган мураккаб шахс талқинини ўзгача бадий услубда намоён этди.

Адибнинг “Кечирасиз, ўртоқ муаллим”, “Анойининг жайдари олмаси”, “Ватанпарвар”, “Кўкалдош”, “Файзининг амакиси”, “Пиёда”, “Сой бўйи чимзор”, “Баҳор”, “Баҳорни қувиб”, “Навоийни ўқиган болалар”, “Мусофирнинг қизини ит қопди” (олдинги номи “Аралашқўрғон”), “Ёзувчининг боғи”, “Ступка”, “Хулўл”, “Арбоб Қулов Парижга боради”, “Қиёфадош”, “Манзума отин”, “Бизнинг тоға”, “Манана” каби ўнлаб ҳикояларидаги киноя, сўз ўйинлари, сарказм, лиро-романтик ва киноявий услуб ўзбек ҳикоячилиги тараққиётига

ижобий таъсир кўрсатди. Э.Аъзамнинг кўплаб насрий асарлари инглиз, француз, рус, украин, қардош халқлар тилларига (турк, қорақалпоқ, қozoқ) ҳамда тожик тилига ўгирилди. Хорижлик бир китобхон “Менинг ягона орузим Эркин Аъзам исмли ўзбек ёзувчиси билан ҳаётда кўришиб, танишишни истайман!” деган дилизхорларини ижтимоий тармоқларда ўқиб, фахр туйдик. Адиб асарлари Аъзам Обид таржимасида “Буюк Шайх Санъон авлодлари” номи остида чоп этилиб, инглиз забон аудиторияга тақдим қилинди.

Шунингдек, Аҳмад Аъзамнинг роман, қисса, ҳикоя, новелла жанрларидаги ижодий тажарибаларини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқ жоиз. Бинобарин, истеъдодли ёзувчининг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” (Тошкент, 2010) романи, “Соясини йўқотган одам” (Тошкент, 2004), “Ҳали ҳаёт бор” (Тошкент, 2011) ҳикоя ва қиссалар тўпламига кирган бир қатор насрий асарлари унинг юксак бадиий маҳоратидан дарак беради. Аҳмад Аъзам насрий асарларида оригиналлик, метафора, янгича образ ва воқеликка янгича бадиий талқин бериш сезилади. Энг қизиғи, адиб насрида анъанавий реализмнинг ҳали очилмаган, кўрилмаган янги изларини кузатиш ва ҳайратланиш мумкин. Эскирган миллий қадриятларнинг ёш авлоднинг катта йўлга чиқиши учун тўсик бўлаётгани (“Ойнинг гардиши” ҳикоя), олий ўқув юртларидаги сохта кадрларнинг тайёрланиши катта миллий фожеа экани, киноявий муносабатнинг кўпёқламалилиги (“Асқартоғ томонларда” қисса), шўро давридаги бюрократик муносабатларнинг киноявий бадиий таҳлили (“Соясини йўқотган одам” ҳикоя), эркисизлик, мустамлака сиёсатининг зўравонлиги, шахсларни маҳв этиши (“Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” роман) ёркин акс этган. Аҳмад Аъзамнинг ўзбек новеллистикасидаги янги ижодий тажарибаларини ўрганиш даркор. Бинобарин, адибнинг “Тугмачагул”, “Нима қилиб қўйган эканман?”, “Гул кўтариб кетаётган эркак”, “Кетган биров эди” каби новеллаларидаги

ажойиб лиризм, саргузаштлилиқ, рамзий ноанъанавий тасвир услуби ўзбек новеллистикасида янгилик бўлди.

Ўзбек насрини ўзининг тамомила янги услуби шарқ ва ғарб адабиётининг илғор ижодий тажрибаларини синтез қила олган жиддий ёзувчилардан бири Шойим Бўтаевдир. Ёзувчи ўзбек насрини ўзининг бир нечта романлари, 10 га яқин қиссалари, 40 дан ортиқ ҳикоялари, эссе ва бадиалари билан бойитди. Жумладан, Шойим Бўтаевнинг “Қўрғонланган ой”, (Тошкент, 1995; Тошкент, 2018), “Кўчада қолган овоз” (Тошкент, 2005), “Шох” (Тошкент, 2006; Тошкент, 2018), “Еттинчи тонг” (Шарқ юлдузи журнали, 2018) романлари, “Кунботардаги боғ” (1997), “Қўрғонланган ой. Кайвонининг мангу макони” (2011), “Шоҳона совға” (Тошкент, 2015), “Юлдузларга элтар йўл” (Тошкент, 2018), “Авлиёнинг йўли” (Тошкент, 2018), “Шўродан қолган одамлар” (Тошкент, 2019) китобларига кирган қисса, ҳикоя, эсселари китобхонлар ва тадқиқотчи олимларни ўзига мафтун этди. Ш.Бўтаев насрида М.Булгаков, Ч.Айтматов каби дунё таниган таниқли ёзувчиларнинг ижодий таъсири ҳам сезилади. Ёзувчи жаҳон адабиётининг энг илғор анъаналарини ўзлаштирган ҳолда ўзбек насрида ҳали кўзга ташланмаган неомиф наср унсурларини “Шох”, “Еттинчи тонг”, “Қора Клит”, “Кенг дала, тўртовлон ва бешинчи” каби бир қатор роман, ҳикояларида дадил бадиий ифодаб берди. Айниқса, ёзувчининг “Шох” романида қўллаган фантазмагория унсурлари, Химер – Шайтон образининг янгича талқинлари ўзбек насрини юқори босқичга олиб чиқди. Буни қарангки, “Шох” романига хос юксак бадииятни тезликда англаб етган қорақалпоқ таржимони романи ўз она тилига ўгирди. “Шох” ҳақидаги қадимий мистик, мифологик, диний сюжет романга Катта фикр ва образлилиқ бағишлаган. Адиб олам ва одам ҳақидаги бадиий-фалсафий ғояларини киноя, пародия, сарказм, фантазмагория унсурлари билан маҳорат билан бойитди. “Шох” романи ўзбек ва қорақалпоқ китобхонларининг олқишига сазовор бўлди. Асар

қорақалпоқ шоири ва таржимони Бозорбой Сиетаев томонидан қорақолпоқчага тўлиқ ўгирилиб, “Амударё” журналида сонмасон чоп этилди. Афсуски, ҳозирча “Шох” қорақалпоқ тилида китоб шаклида босилмади. Бундан ташқари, роман олим ва таржимон Комилжон Жўраев томонидан “Золотая рог” номи билан ярми русчалаштирилганида, олимнинг бевақт вафоти туфайли таржима устидаги иш чала қолди. Умид қиламиз, бу роман келажакда европа тилларига таржима қилиниб, Шойим Бўтаевнинг катта бадий маҳорати дунё аҳлини лол қолдиради. Келажакда роман чет тилларга ўгирилса, асар ҳозирги ўзбек насрининг жиддий ютуғи эканини хорижликлар эътироф этишига ишонамиз.

Шойим Бўтаев “Шўродан қолган одамлар”, “Эски арава”, “Кунботардаги боғ”, “Шоҳона совға”, “Бир кунлик меҳмон”, “Юлдузларга элтар йўл”, “Кайвонининг мангу макони”, “Кутубхоначи қиз” каби ўнлаб қиссаларидаги янги образлар, янги бадий услубий изланишлари билан сўнгги ўттиз йил ичидаги ўзбек қиссачилигини тубдан янгилаб берди. “Кайвонининг мангу макони” эртақ-қиссасидаги фольклор стилизацияси, бугунги адабиётшунослик тили билан айтганда неомифологик тасвири (оҳанг, ритм, бадий тасвирдаги халқ ижоди жанрлари эртақ, дoston, ривоятларнинг услубини синтез қилиш) реалистик тасвирга сингдириб юборилгани билан ўзбек насрида улкан янгилик бўлди. Қиссалардаги ўзига хос киноя, сарказм, аччиқ заҳарханда қулги, пародиялаштирилган рамзий бадий тасвир, такрорий бахшиёна услуб, тасвирдаги батафсиллик, рамзий-неомиф унсурлари ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Шунингдек, Шойим Бўтаевнинг “Ҳисомиддин ал Ёғий”, “Қора Клит”, “Отам нега жим?”, “Қўчада қолган овоз”, “Қора совук”, “Авлиёнинг йўли”, “Биёбондаги нола” ҳикояларидаги гўзал бадий топилмалар, комил шахс образининг юксак бадий талқини ўзбек ҳикоячилигида катта из қолдирди. Айниқса, “Ҳисомиддин ал Ёғий” тарихий ҳикоясида маҳорат билан яратилган Шайх образи, унинг қўрқмас, ҳеч ким

дахл қила олмайдиган (ҳатто Тармашириндек тахт эгаси ҳам) мустаҳкам, баланд руҳи, фақат Оллоҳни тан олувчи бебаҳо мусулмонча исломий фазилати ва маърифати китобхонни тўлқинлантириб юборади. Шунинг учун, мазкур ҳикоя турк (таржимон Вали Саваш Йелок), рус (таржимон Лира Пиржанова), тожик (таржимон Неъмат Оташ) каби жуда кўплаб тилларга таржима қилинди. Хуллас, Шойим Бўтаев сўнгги ўттиз йиллик ўзбек насрига жиддий таъсир кўрсатиб, ўзининг гўзал ва бадий жиҳатдан мукамал асарлари билан ўзбек насри таракқиётига улкан ҳисса қўшди.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этакдаги кулба” (Тошкент, 2014) тўпламига кирган қисса ва ҳикоялари сўнгги ўттиз ичидаги ўзбек насрининг жиддий ютуқларидан саналади. Чунки, ёзувчининг насрий асарларида тамомила янги насрий изланишлар, шарқона исломий бадий талқинлар, баъзи ҳикояларидаги кучли метафора ва рамзлар китобхонни чуқур ўйлантиради. Жумладан, маҳоратли адибнинг “Этакдаги кулба”, “Шайтони бузург”, “Пуфак”, “Чилла”, “Ютуқ”, “Оқ бино оқшомлари” каби ҳикоя ва қиссалари ниҳоятда нозик бадий дид ва моҳир қалам билан битилган. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон насрида ажиб тарзда романтик киноя, халқона услуб, рамзий-метафорик тасвир, ассоциатив бадий тафаккур, соф анъанавий реалистик тасвир унсурлари вобаста бўлиб кетган. Айнан шу ажиб қоришиқлик китобхонни таъсирлантиради. Бу ижодкор сермахсул ижодкор эмас, кам ёзади, аммо жуда жўяли ёзади.

Яна бир истеъдодли, сермахсул ва серқирра ёзувчиларимиздан бири Хуршид Дўстмуҳаммад ҳисобланади. Адибнинг 2 романи, 10 қиссаси, 40 га яқин ҳикоялари, шубҳасиз, ўзбек насри камолатини таъминлади. Жумладан, ёзувчининг “Бозор”, “Донишманд Сизиф” романлари; “Сўроқ”, “Паноҳ”, “Нигоҳ”, “Куза...”, “Чаёнгул”, “Ҳижроним менинг”, “Мен – сенсиз, Сен - менсиз”, “Оромкурси”, “Катта кўча”, “Ёлғиз” каби қиссалари; “Жажман”, “Ибн Муғанний”, “Жим



ўтирган одам”, “Меҳмон”, “Жимжитхонага йўл”, “Нухакашнинг меросхўри”, “Кўз қорачиғидаги уй”, “Жоди” хикоялари шарқ ва ғарб адабиётининг синтезини ўзида мужассам этган. Ташқаридан қараганда, ғарбона шаклга эга, аммо мазмунан ўта шарқона, исломий маърифат билан йўғрилган Хуршид Дўстмуҳаммад насри ўзининг бадий таровати билан ўзбек насри тараққиётига улкан ҳисса бўлиб кўшилди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” (Тошкент, 1995), “Бозор” (Тошкент, 2000), “Беозор қушнинг қарғиши” (Тошкент, 2006), “Қиссалар” (Тошкент, 2011), “Ижод кўнгил мунавварлиги” (Тошкент, 2011), “Озод изтироб қувончлари”, “Қичқирик” (Тошкент, 2014), “Донишманд Сизиф” (Тошкент, 2016), “Романлар. 1 жилд; Қиссалар. 2 жилд; Ҳикоялар. 3 жилд; Изҳор. Адабий-танқидий мақолалар. 4 жилд.” (Тошкент, 2021)ларнинг нашр этилиши адиб насри ва бадий публицистикасини муфассал ўрганиш имконини яратди. Ёзувчи ижодида Дино Буцатти, Эдгар Аллан По, Достоевский, Габриэль Гарсиа Маркес ижодий анъаналарини шарқ адабиётининг миллий анъаналари билан синтез қилди.

Ҳозирги ўзбек насри тараққиётида серқирра ва сермаҳсул ижодкор, публицист, сценарист Назар Эшонкулнинг ҳам ўзига хос муқим ўрни бор. Ёзувчининг “Ялпиз ҳиди” (Тошкент, 2008), “Шафтоли гули” (Тошкент, 2011), “Мендан менгача” (Тошкент, 2014), “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” (Тошкент, 2018), “Ижод фалсафаси. Мендан менгача - 2” (Тошкент, 2018) каби насрий ҳамда бадий-публицистик тўпламларига кирган роман, қисса, хикоя, эссе, адабий мақолалари адабий жамоатчилик томонидан ҳамда кенг китобхон мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Хусусан, Назар Эшонкулнинг “Момоқўшиқ”, “Уруш одамлари”, “Қора китоб”, “Тун панжаралари” қиссалари; “Ажр”, “Маймун етаклаган одам”, “Ўпқон”, “Шамолни тутиб бўлмайти”, “Қўл”, “Баҳовуддиннинг ити”, “Хароба шаҳар сурати”, “Муожала”, “Очилмаган эшик” каби 20 дан зиёд хикоялари тадқиқотчилар ва китобхонларнинг назарига тушди. Адиб насрида Терсота ва

терсоталиклар характери жуда маҳорат билан очилади. Бундан ташқари, унинг ноанъанавий насрий асарларида рамзий-фалсафий мажозий тасвир устиворлиги яққол кузатилади. Ғарб модернизмнинг илғор ижодий аънаналарини, хусусан, Франц Кафка, Альбер Камю, Жеймс Жойс, Онетти каби ўнлаб хорижлик ёзувчиларнинг бадий услубини жиддий ўзлаштириб, ўз насрий ижодида янгиликлар қилди. Жумладан, “Тўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романида ёзувчи 30 яшар ёш йигитнинг ўзининг тириклигини исботлай олмай сарсон-саргардон ҳаётини тасвирлаш орқали бюрократик ва тоталитаризмга асосланган жамиятни, шахслари синдирилган даҳшатли тузумни рамзий-модернистик услубда бадий талқин этди. Баъзи олимлар бу романи Кафкага тақлид сифатида баҳолашди. Бизнингча, асарда Назар Эшонкул миллий ижтимоий воқеликни тасвирлашда Франц Кафка аънаналарига суяниб, ўз оригиналлигини яратишга муваффақ бўлган. Роман қаҳрамони Н. ўзини поезд тагига ташлаб, ҳалок бўлади. Чунки, жоҳил жамият уни шу ишни қилишга мажбур қилади. У адолат истайди, излайди, аммо топа олмайди.

Олим, шоир, носир Улуғбек Ҳамдам ҳозирги ўзбек насрида жуда кўп бадий изланишлар қилди. Ёзувчининг “Мувозанат” (Тошкент, 2004), “Исён ва итоат” (Тошкент, 2003), “Сабо ва Самандар” (Тошкент, 2009, 2011), “Ота” романлари; “Ёлғизлик” (Тошкент, 1998, 2017), “Узоқдаги Дилнура” (Тошкент, 2010), “Ватан ҳақида кўшиқ” (Тошкент, 2014), “Тўлин ой қиссаси” (Тошкент, 2019) каби тўпламларга кирган қисса ва ҳикоялари ҳам кенг китобхонлар ва тадқиқотчиларга манзур бўлди. Адиб “Ёлғизлик” қиссасидаги нисбатан очиқ-ошкорроқ услуб, қаҳрамон руҳияти ва унинг ички кечинмаларини яланғочроқ шаклда ёзилгани билан эътиборни тортади. “Мувозанат” романи қаҳрамони Юсуфнинг ўтиш давридаги қийинчиликлари, шу аснода бутун ўзбек халқининг ижтимоий-маиший, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг реалистик ва айни пайтда шартли рамзий тасвирлари, айниқса,

уч дўст ҳамда Амирнинг фожеалари таъсирчан акс эттирилиши жиҳатидан катта аудиторияга маъқул тушди. “Мувозант” шубҳасиз, ўзининг китобхонлари ва тадқиқотчиларини топди. Шунингдек, У.Ҳамдамнинг “Тош”, “Лола”, “Бир пиёла сув”, “Қайтиш”, “Сафар” каби қатор ҳикояларидаги румиёна рамзий-фалсафий мажозий бадиий талқинлар ўзбек ҳикоячилигини мазмунан ва шаклан янгилаб берди. Шунингдек, “Йўл”, “Наъматак” номли фалсафий романлари ҳам шу яқин йилларда яратилди. Ёзувчининг бир қатор ҳикоялари рус, турк ва бошқа тилларга таржима қилинди. Муаллифнинг “Забытая мелодия ная” (Ташкент, 2013) тўпламига кирган рус тилига ўгирилган ҳикоялари русийзабон китобхонлар аудиториясини таъминлади. Хусусан, ёзувчи асарларини таржимонлар О.Григорьев, З.Қосимова, С.Комилова, Э.Вали, М.Гара, С.Бекмирзаевалар амалга оширди.

Яқиндагина Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонини олган сермахсул ва серқирра ижодкор Исажон Султоннинг ўттиз йил ичида “Муножот” (1990), “Ойдинбулоқ” (1995), “Боқий дарбадар” (Тошкент, 2011), “Озод” (Тошкент, 2013), “Боғи Эрам” (Тошкент, 2015), “Қорақуш юлдузининг сири” (Тошкент, 2019), “Танланган асарлар. 2 жилдлик” (Тошкент, 2017), “Алишер Навоий” (Тошкент, 2021) каби 10 га яқин насрий тўплamlари, танланган асарлар жилдлиги чоп этилди. Исажон Султон ўзбек насри тараққиётига ўзининг оригинал романлари, қиссалари, ҳикоялари билан улкан ҳисса қўшди. Адиб “Ўрмондаги кулба”, “Бир томоша тарихи”, “Бўри”, “Боғи Эрам”, “Ёғоч кавуш”, “Шамолли кеча”, “Айвон”, “ТОДД”, “Авлиё”, “Ўргимчак”, “Кичкина пуштиранг махлуқча” каби ўнлаб ҳикояларида рамз, метафора, лиро-романтик ажойиб услуб, ассоциатив бадиий тафаккур кенгликларини намоиш этди. Адибнинг ноанъанавий услубда ёзилган қатор қисса ва ҳикояларига хос модернизм, постмодернизм унсурлари ҳозирги ўзбек насрида янгилик сифатида баҳоланди. Ўзбек насри ва драматургиясида Ойбек, Уйғун, Иззат Султон, Миркарим Осим

каби катта авлод вакиллари томонидан буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймоси яратилган бўлишига қарамасдан, жасоратли ёзувчи Исажон Султон ҳеч қўрқмасдан “Алишер Навоий” тарихий романини яратди.

Ҳозирги ўзбек насрида ёзувчи ва публицист Баҳодир Қобулнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ёзувчининг “Эна шамол”, “Энайўл” (Тошкент, 2018), “Боғдагул” (Тошкент, 2019) тўпламларига киритилган қисса ва ҳикоялари сўнгги ўн йил ичида жуда катта адабий воқеа бўлди. Баҳодир Қобулнинг сўзга инжиқлик билан ёндашуви, насрдаги ўзига хос бадий изланишлари ўзбек насрида қувонарли ижобий ҳолат сифатида баҳоланди. Айниқса, ёзувчининг “Эна шамол” қиссасидаги ровий бола тилидан ёзилган қисса, туркқишлоқ одамлари, уларнинг ўзига хос яшаш тарзи, қисса марказида турувчи оқила, донишманд аёл Эна образининг бадий талқини адабий жамоатчиликка маъқул келди. Шубҳасиз, Баҳодир Қобулнинг насрдаги баркамол асарлари ўзбек насри таракқиётига залворли улуш бўлиб қўшилди.

Шунингдек, ҳозирги ўзбек насрида фаол қалам тебратаётган Қўчқор Норқобилнинг қатор қисса, ҳикоялари ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Адиб асарларидаги марказий мавзулардан бири бу – афғон уруши фожеалари ва уруш келтирган жабру-жафолар туфайли руҳи мажруҳ этилган 80-йиллар ёшларининг изтиробли фарёдини ҳаққоний акс эттиришдан иборат бўлди. Хусусан, Қўчқор Норқобилнинг “Қуёшни ким уйғотади?” (Тошкент, 2007), “Осмон остидаги сир” (Тошкент, 2015), “Самодил” (Тошкент, 2018), “Афғон: 2 рота” (Тошкент, ) тўпламларига кирган қисса ва ҳикояларидаги анъанавий реализм, ҳаётийлик, ҳаққонийлик, уруш ва қонли жанг майдонларидаги даҳшатлар ичидаги нурли муҳаббат мотиви китобхонларни ўзига жалб этди. Адибнинг бир нечта асарлари озарбайжон, турк, рус тилларига ўгирилди. Қўчқор Норқобилнинг “Қордаги лола”, “Осмон остидаги сир”, “Бу ерларда ҳаёт бошқача”, “Кўзларингизни кўргани келдим”,

“Нози... Нозигул”, “Ер ҳали ҳам думалок” ҳикояларидаги кизиқарли сюжетлар ва қаҳрамонлар эсда қолади. Ёзувчининг сўнги даврда яратилган ҳикояларида рус адиби Чехов, Бунин ижодий анъаналари кўзга ташланмоқда. Адибнинг кейинги даврда яратилган қатор ҳикояларида замонавий, маиший, маънавий-ахлоқий муаммолар талқини яққол кўзга ташланади. Кўчкор Норқобил илк ижодий босқичида ўтган аср бошларида биринчи жаҳон урушининг иштирокчилари бўлган “Йўқотилган авлод” вакиллари саналган Э.Хемингуэй, Ремарк, Ҳерман Хессе каби уруш ва урушни лаънатловчи асарлар ёзиб, дунёга танилган машҳур адибларни ўзига устоз деб билди.

Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романи ҳамда бир нечта қисса ва ҳикоялари ҳам ҳозирги ўзбек насрининг катта ютуқларидан саналади. Ёзувчининг “Жазирамадаги одамлар” (Тошкент, 2012), “Темир йўл” (Тошкент, 2009), “Тун қаъридаги шуъла” (Тошкент, 2012), “Аёл кўз ёшларга ишонмайди. Қидирувдаги қиз” (Тошкент, 2014), “Титраётган тоғ” (Тошкент, 2018) китоб ва тўпламларига кирган роман, қисса, ҳикояларидаги ўзига хос миллий тасвирлар китобхонни ҳаяжонга солади. Хусусан, ёзувчининг “Жазирамадаги одамлар” романида шўро давридаги чўлқуварлар, сохта қаҳрамонлар, чўлқуварларнинг фожиалари ва изтироблари ниҳоятда маҳорат билан акс эттирилган. Хусусан, романда Улаш агроном, Сафармурод чавандоз, Қалқанов муаллим, Чинор Мойлиев каби кўплаб образлар тиниқ яратилган. Романда Ўроқ ва Лола севгиси, ёш йигитнинг урушда ҳалок бўлиб, ёш бева қолиб кетиши каби воқеаларга ёзувчи янгича ёндашув қилади. Адиб ёш бева образига шўро даврининг қари бевасини қаршилантирар экан, бу ҳақиқатдан ҳам садоқатми, ёки аёл фожиасими? – деган саволни қўяди.

Нормурод Норқобилонинг “Овул оралаган бўри” (Тошкент, 2005), “Дашту далаларда” (Тошкент, 2009), “Тоғдаги ёлғиз одам” (Тошкент, 2011) тўпламларига кирган роман, қисса, ҳикояларда инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот олами, уларнинг

ўзаро муносабати масаласи бадий талқин этилгани билан аҳамиятга молик.

Шунингдек, Нурилла Чорининг “Ташвиши йўқ одамлар” (Тошкент, 2019), Холиёр Сафаровнинг “Номус ва ҳаёт” (Тошкент, 2019), Маъмура Зоҳидованинг “Бойчечак”, “Сарҳадсиз садоқат” қиссалари ва ўнлаб ҳикоялари ҳозирги ўзбек насрининг нисбатан ёш авлодига мансуб.

Хулоса шуки, Ўттиз йиллик Ҳозирги ўзбек насри муаллифлар ва жанрлар нуқтаи назаридан ниҳоятда ранг-баранг ва мазмундор. Муҳими Ҳозирги ўзбек насри ўсиш ва ривожланишда давом этмоқда. Ҳар йили проза кенгаши маърузаларидан маълум бўлмоқдаки, йилига 100 лаб ҳикоялар, 4-5 та роман, 10 га яқин қиссалар яратилади. Демак, ўттиз йил ичида 3000 та ҳикоя, 200 дан зиёд роман, 200 та қиссалар яратилган. Албатта, бу тахминий рақамлар. Аммо бу асарлар ғалвирдан ўтказилганда, жуда кам сонли асарларгина ҳақиқий бадиият синовларига дош беради.

Ўттиз йиллик Ҳозирги ўзбек насри анъанавий реализм, ноанъанавий модернистик услуб ҳамда киноя ва неомифологизм, эссе жанрининг унсурлари билан бойиб, жадал ривожланишда давом этмоқда.

## ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАГАН ШОИР (Муқимий ижоди мисолида)

Пардаев Қўлдош\*

***Аннотация:** Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарларининг наирлари матнини шоир дастхат баёзлари билан қиёслаганда, аксарият шеърий асарлар матни аслиятга мувофиқ эмаслиги маълум бўлди. Чунки шўро даври мафқураси талабидан келиб чиқиб, шоир асарлари таҳрирга учради, қисқартирилди. Ҳажвий асарлар матнидаги кучли ижтимоий танқидий байт ва бандлар ҳам тушириб қолдирилди. Натижада, таҳрир қилинган асарлар мазмун-моҳиятга зид талқин қилинди.*

***Таянч сўзлар:** Сатира, наир, шоир, мисра, байт, адабий муҳит, талқин, таҳрир, қўлёзма, газал, шеър.*

Миллий адабиётимиз тарихида Қўкон адабий муҳитидан етишиб чиққан ижодкорлар адабий мероси алоҳида ўрин тутди. Бу адабий муҳитнинг забардаст намояндаси Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари ҳар доим мутахассислар диққат марказида бўлган. Маълумки, шоир ижод намуналари юзасидан кўплаб тадқиқотлар яратилган. Таассуфки, уларда Муқимий асарлари шўро даври мафқураси талабига кўра бир томонлама талқин қилинган. Натижада шоир назмий мероси ўзининг асосий моҳиятидан узоклаштирилди. Яъни асарлари таҳрирга учради, қисқартирилди, манбаларда қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, шоир адабий меросини янгича мезонлар асосида ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Шўро даври мафқурасига кўра муқимийшунос олимлар тадқиқотларида шоир ижодининг қуйидаги жиҳатлари атайлаб бузиб кўрсатилди. Биринчидан, шоирнинг диний-гасаввуфий

---

\* Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети. Филология фанлари доктори. E-mail: [kuldashparda@mail.ru](mailto:kuldashparda@mail.ru)

руҳдаги аксарият шеърӣ асарлари нашр этилмаётди. Иккинчидан, Муқимийни бой, савдогар, қозиларга қарши қилиб кўрсатиш тадқиқотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учунчидан, Муқимийнинг “Сарой адабиёти” ва анъаналарига бўлган муносабати нотўғри талқин қилиниб, улардан синфий кураш аломатлари изланди.

Шоирнинг турли жанрлардаги лирик шеърлари сингари “Дариғо мулкимиз”, “Ҳажви Бектурбой”, “Дар мазаммати замона”, “Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айтқон шеъридуру”, “Вексил”, “Дар мазаммати қурбақа”, “Саёхатнома” каби кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ҳажвий асарларининг таҳрир қилиниб, қисқаришлар билан нашр этилиши бунинг исботидир. Жумладан, Завқийнинг “Вексиль” сарлавҳали ғазалига Муқимий мухаммаси шоир асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида (377-саҳифа) 5 банд ҳолда учрайди. ЎзФА ШИда сақланаётган 7521- рақамли Муқимий дастхат баёзининг 59<sup>а</sup>-саҳифасида эса 6 банд. Нашрдан тушириб қолдирилган банд қуйидагича:

*То ўтди Русийёга Фаргонанинг хирожжи,  
Вожгун бўлуб йиқилди хонларни тахту тожи,  
Ҳар лаҳзаи дигар кун гайби фалак мизожи,  
Қолди ривож олмай Хўқанд зарб ройижи,  
Бўлди заиф ислом, кофир замони чиқди.*

Хўш, бу мухаммаснинг ёзилишига сабаб нима эди? Маълумки, чор Россияси ўзбек халқи бошига қанчадан-қанча оғир кунларни солди. Шундай экан, бу кулфатлар нафақат тарихчилар, балки давр шоирлари асарларида ҳам ҳаққоний тасвирланди. Муқимийнинг мазкур мухаммаси чор мустамлакачиларининг ўз манфаати йўлида юргизган пул ислоҳоти ҳақида эди. Нашрдан тушириб қолдирилган мисраларда чор мустамлакаси ўрнатган қонун-қоидаларга қарата айтилган шоир изтироблари акс этган эди. Умуман, мухаммасда халқ пулининг истеъмолдан чиқиши, натижада



улуснинг таланиши, нарх-навонинг ошиши, савдо–содик ишларидаги тартибнинг бузилиши ҳақида сўз юритилади.

Муқимийнинг “Туркистон вилоятининг газети” 1903 йил 15 январ, 2-сонида 31 байтли “Ҳўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур” сарлавҳали ҳажвий асари берилган. Негадир, барча Муқимий асарлар нашрида шеърнинг номланиши “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб номланган. Муқимий асарлар нашрида шеърнинг 2-, 7-, 15-байти қуйидагича берилган:

*Ашурбойдин эшитинг қиссае,*

*Аё эй бу Фарғонада номдор.*

*Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,*

*Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб беқарор.*

*Секинроқ гапир, мен Ашурбой – деди.*

*Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Мазкур байтларни “Туркистон вилоятининг газети”да эса бу тарзда ўқиймиз:

*Эшитинг ўшал бойдин қиссае,*

*Аё эй бу Фарғонада номдор.*

*Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,*

*Оёғида кишан қочурурга озор.*

*Секинроқ гапир, мен фалонбой – деди.*

*Қочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Кўриниб турибдики, бирон жойда Ашурбой образи йўқ. Шеър мисралари ноширлар томонидан таҳрир қилиниб ўзгартирилган. Шундан сўнг, ҳажвий шеърга “Воқеаи кўр Ашурбой хожи” деб сарлавҳа қўйилган. Шеърнинг 26-байти шўро даври мафқурасига кўра қуйидагича қайта ёзилган:

*Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,*

*Тоғиб бой сўзи бунда зўр эътибор.*

Байт ҳақида адабиётшунос А.Абдуғафуров бундай ёзган эди: “Ушбу сатирада алоҳида диққатга сазовор яна бир байт бор. Унда шоир “бой сўзи” “зўр эътибор” топишининг асл сабабларидан бирига – пул, олтиннинг у тузумда ҳал қилувчи

ролига аниқ ишора этади. Ашурбой ҳожи “ғубор”ни ювиш учун барча амалдорга “ниҳоний” олтин-кумушлар (“сийму зар”)ни “сув каби” ишлатади, пора беради” [Абдуғафуров,1976:14]. Бошқа муқимийшунослар фикри ҳам шунга мутаносиб. Аслида “Туркистон вилоятининг газети”да байт бундай эди:

*Эшонлар қолиб дукчини айбига,  
Бу одам уятига аҳли тужжзор.*

Бундай таҳрир қилиниб, мисралари қайта ёзилган шеърӣ асарлар Муқимий асарлар нашрида кўплаб учрашини таъкидлаш керак. Бундай ҳолни шоирнинг “Дар мазаммати замона” сарлавҳали ижтимоӣ-сиёсий мавзудаги шеърӣ мисолида ҳам кузатиш мумкин. Афсуски, шеър матни Муқимий асарлари табдил нусхаларида 10 байт ҳолда бўлиб, 7 байти ташлаб кетилган. Бу эса шоирнинг чор мустамлакасига бўлган танқидий қарашининг яширилишига олиб келган. Мисол учун, нашрлардан тушириб қолдирилган шеърнинг 2-, 3-бўлиб келувчи байтлари ЎзФА ШИДа сақланаётган Муқимийнинг 1325- рақамли дастхат баёзида (120<sup>a</sup> – саҳифа) қуйидагича келади:

*Тўлиб черкас, қизилбош, арманилар шаҳримиз ичра,  
Мукулмонлар таҳипо яхшилар кўздин ниҳон бўлди.  
Ҳамият айлаб Аҳмаджон туриб тужжзор аҳлидин,  
Шижоатдин танида ҳар сари муйи синон бўлди.*

Кўқон адабий муҳити иждокорларининг “Виктор” туркумидаги ҳажвий асарлари ҳам ўша давр манзаралари тасвирига қаратилган. Муқимий ҳам Завқий, Муҳӣи, Зорӣи, Муҳаййир ва Қорӣи сингари бу мавзуда “Ҳажви Бектурбой”, “Ҳажви Бектур”, “Воқеаи Бектур” ҳажвий шеърларини ёзгани мутахассисларга маълум.

Ғ.Каримов “Ҳажви Бектурбой” ҳажвиясининг ёзилиш тарихи, Бектурбой фирибгарликлари ҳақида сўз юритиб, Муҳӣининг мазкур туркумдаги шеърӣ ҳақида баҳсталаб фикрлар билдиради: “Муҳӣи сатиралари учун феодал-клерикал адабиётнинг ғоявий йўналиши, диний мазмун, панисломистик

рух хосдир... Темани ишлашда, талкин қилишда Муқимий Муҳйига принципиал зид туради.” [Каримов, 1970:200]. Изланишларимиз натижасида бундай бирёқлама талқинлар асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. “Муқимий асарлар тўплами”да “Ҳажви Бектурбой” ҳажвияси 4 банд бўлгани ҳолда 2 банди тушириб қолдирилган. Натижада асарнинг асосий ғояси сояда қолиб кетган. Аслида эса мазкур ҳажвия “Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества” тўпамининг 1894 йилдаги IX томида 6 банд ҳолда учрайди. Муқимий асарлари нашрларидан тушириб қолдирилган бандлар қуйидагича:

*Шиква қилсам жоиздир, замоналар на бўлди?  
Ботил мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди.  
Бектур тутган ишига юрак-бағрим қон бўлди,  
Кимки санга пул берди, кўп яхши деб қўл қўйди,  
Бир умр ани иши армон экан, Бектурбой.*

*Бўлмас дуо ижобат бетақвоу бетоат,  
Кўрмас жаннат юзини ҳар кимда йўқ диёнат,  
Мўмин қуллар қилмайду амонатга хиёнат,  
Арзон эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат,  
Ноинсофу бетавфиқ, олгон экан, Бектурбой.*

Шоир “*Шиква қилсам жоиздир, замоналар на бўлди?*”-дея ўша давр ижтимоий муҳити, ундаги тартиб-қоидалар тўғрисида, жамиятдаги чор ҳукумати ўрнатган адолатсизликлар ҳақида бонг уради. Мусулмонларнинг кофирлар зулмидан хор бўлиши-ю, Бектурнинг фирибгарликлари шоирнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади.

Адабиётшунос Р.Тожибоев ҳам “Ҳажви Бектурбой” мухаммасининг тушириб қолдирилган икки бандини келтириб, бундай ёзади: “Мазкур бандлар Муқимий асарларини нашрга тайёрловчилар томонидан шоирнинг чоп этилган тўплamlарига нега киритилмагани бизга қаронғу. Тахминимизча, улардаги чор Россияси истилосига муносабат (“замоналар на бўлди?”, Ботил

мазҳаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди”) фикрлар ғоявий-сиёсий жиҳатдан “эҳтиёткор” бўлган ноширларни чўчитган бўлиши мумкин” [Тожибоев, 2007:79]. Муқимий ижодига бирёклама ёндашувни шоирнинг туркум ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърий асарлари талқинида кўрамыз. Бу эса, Муқимийни бой, савдогар, қози ва дин пешволарига қарши қилиб кўрсатишда кузатилади. Мисол учун, шоирнинг “Саёҳатнома” асари талқини бунинг исботидир. “Саёҳатнома”нинг “Кўқондан Шохимардонга” қисмининг 8-банди барча Муқимий асарлари жорий нашрларида қуйидагича берилган:

*Унда бўлус Ғози деди,  
Ҳам муфти, ҳам қози деди,  
Юрт барча норози деди,  
Қилгон иши озор экан.*

Мазкур банд талқини ҳақида дастлаб адабиётшунос Ҳ.Ёқубов бундай ёзган эди: “Шоир бу ердан Дўрманча мавзуига ўтади. Бу ернинг бўлуси ҳам Исо саркордан сира қолишмайди. У, эртаю кеч кўкнори ичиб, бадмаст холда юради ва бир неча мансабни ўз қўлига киритиб олган.” [Ёқубов, 1953:99]. А.Абдуғафуров фикри ҳам худди шундай: “Қишлоқдаги барча мансабларни эгаллаб олган амалдорларнинг золимлиги, “озор” бериши, “юрт”нинг эса “норози”лиги каби катта ижтимоий мазмун қуйидаги бандда тўғридан-тўғри яхлит ва дангал ифодаланган.” [Абдуғафуров, 1976:65]. Профессор Ғ.Каримов эса мазкур банд талқинига батавсиллироқ тўхталади: “Дўрманча қишлоғининг ҳокими ҳам ярамас феъл-атвори билан Ҳожи Исодан қолишмайди. Шунинг учун у ҳам Муқимий танқидидан омон қолмайди. Дўрманчада волость ҳокими (“бўлис бошлиғи”) бўлиб турган Ғози исмли киши золимлик билан шуҳрат қозонган, эл-юрт нафратига учраган эди.” [Каримов, 1987: 121].

Кўринадики, деярли муқимийшунос олимлар фикрлари бир хил. Қандай қилиб бўлмасин қози, муфти, ҳожиларга салбий муносабат билдирилиш керак. Энди мазкур банднинг

аслиятдаги (ЎзФА ШИда сақланаётган 6352- рақамли баёз, 181<sup>б</sup>) бандини келтирамиз:

*Анда бўлус ҳожи деди,  
Ҳам муфти ҳам қози деди,  
Юрти ҳамма рози деди,  
Бечора беозор экан.*

Умуман, давр талаби нуқтаи назаридан банднинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфти, хожи ва қозилар ҳақидаги рост гаплари ёлғонга дўнган, матн аслиятдан мутлақ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда Ғози образининг ўзи йўқ.

Муқимийшунослар тилга олган бадкор Ҳожи Исо ким? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асарнинг 5-бандига эътибор қаратамиз. Муқимий асарлари жорий нашрларида банд куйдагича келади:

*Мингбошилик кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир “Қўштегирмонлик киши,  
Хўжа Исо бадкор экан.*

Аслиятда:

*Мингбошилик кимнинг иши,  
Десам, деди бир дониши,  
Бир “Қўштегирмонлик” киши,  
Хўжа Исо бекор экан.*

Таъкидлаш жоизки, Муқимий асарлар нашрининг (Ғафур Ғулом. Муқимий. (Танланган асарлар). –Т.: Ўздавнашр, 1942. – Б.149) баъзиларида 4-мисраси “Хўжа Исо саркор экан” шаклида учрайди. Кўринадики, банднинг 2-мисрасидаги “бир дониши” сўзининг “бедониши”га айлантирилиши муаллиф бадийий нияти бутунлай тескари талқин этилишига олиб келган. 4-мисрадаги “бекор” сўзи “бадкор”, “саркор” тарзида таҳрир қилиниши мисралар мазмунига мос эмас. Банд мисралари мазмунидан маълумки, Муқимий сўраяпти. Бу жойнинг мингбошиси ким? Шунда бир дониш одам бир

“Кўштегирмонлик” киши эканлигини айтиб, Хўжа Исо мингбошилиқ лавозимидан бўшагани таъкидланмоқда.

Хуллас, Муқимийнинг “Вексиль” мухаммаси ўз моҳиятидан узоқлаштирилиб талқин этилганлиги, “Дар мазаммати замона”, “Саёҳатнома”, “Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридура”, “Ҳажви Бектурбой” сарлавҳали асарлари матни таҳрир қилиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари янгича мулоҳаза юритиш, муҳим умумлашма хулосалар чиқариш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. Тошкент.: Фан, 1976. Б.14.
2. Каримов Ғ. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. Б.200.
3. Тожибоев Р. Бир адабий чалкашлиқ хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007.№6.-Б. 79.
4. Ёқубов Ҳ. Демократ шоир. // Шарқ юлузи, 1953.№9.- Б. 99.
5. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976.- Б.65.
6. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987. Б. 121.

## **ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ ЎРНИ**

(Машрабнинг татаббу ғазаллари мисолида)

**Файзуллоев Бахтиёр\***

***Аннотация:** Мақола шеърий санъатларнинг бадий матндаги вазифасини кўрсатишга бағишланган бўлиб, унда Бобораҳим Машрабнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган “оқибат” радифдаги татаббулари мисолида таҳлил этилди.*

***Таянч сўзлар:** бадий санъатлар, татаббу, анъана, издошлик, адабий таъсир, маҳорат, ғазал, вазн, матн, тазод, талмех, талқин.*

Адабиёт илмида асарларнинг бадий мукамаллигини таъминловчи бир қатор эстетик мезонлар мавжуд. Шулардан бири анъанавий бадий тасвирий воситалар ҳисобланади. Бадиият илмида анъанавий учликдан бири саналган “шеърий санъатлар” ёхуд “бадий санъатлар” истилоҳлари билан аталувчи тасвирий воситалар шеърий матнда муайян поэтик вазифани ўз зиммасига олган бўлади. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётда бунга алоҳида эътибор билан қаралган. Қайд этиш лозимки, тасвирий воситалар фақатгина шарқ адабиёти билан боғлиқ поэтик ҳодиса бўлиб қолмасдан, балки дунё халқлари адабиётида ҳам муҳим ўринга эга эканлигини Аристотель ўзининг “Поэтика” асарида махсус таъкидлаган эди [Аристотель. 1980. - 42-43- бетлар.] .

Шарқ мумтоз адабиётида бадий санъатларга доир алоҳида илмий асрлар ҳам яратилганлигини кузатиш мумкин. Бадиият илмига доир асарлар ҳар бир давр адабий муҳитида алоҳида қимматга эга эканлигини тарихий далиллар ҳам

---

\*Хўжанд давлат университети доценти (Тожикистон), филология фанлари номзоди [b.fayz.1961@mail.ru](mailto:b.fayz.1961@mail.ru)

тасдиқлайди. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида Алишер Навоий таклифи билан яратилган “Бадоеъ ус-саноеъ” (Атоуллоҳ Ҳусайний) асарида 150 дан ортиқ шеърӣ санъатлар ҳақида маълумотлар берилган. Атоуллоҳ Ҳусайний фикрича, шеърӣ санъатлар асар бадиияти ва шоир маҳоратини кўрсатувчи муҳим восита ҳисобланади. Дарвоқе, шеърӣ санъатлар туфайли бадиий матнлар ўзининг таъсир кучи, безакдорлиги, жарангдорлиги ва чуқур фалсафий маънодорлигига эга бўлади. Шу боис ҳам мумтоз шеърӣ вакиллари бунга доимо масъулият ҳамда тайёргарлик билан муносабатда бўлиб, улардан ўз ижодларида иқтидорлари даражасида фойдаланган. Бадиий ижоддаги бу анъанавий ҳодиса бадиий матннинг фақатгина ташқи беағи ёки шаклий жиҳатини кўрсатувчи воситагина бўлиб қолмасдан, балки асар бадиийлигини таъминловчи асосий омиллар қаторида турган. Яна “...шунини унитмаслик керакки, Алишер Навоий томонидан қўлланган барча тил воситалари асар ғоясини очишга қаратилган ёрдамчи воситалардир. Навоий, аввало маънони асос қилиб олади, сўнг шу мазмунга мос форма (шакл) танлайди. Бинобарин, у қўлаган шакллар мазмунга бўйсўнади ва унга гўзал тус беришга хизмат қилади” [Мамадов Ҳ. 1983, 1-сон, 53-бет.].

Бадиий санъатлардан фойдаланишда, *биринчидан*, ижодкорнинг шахсий услуги ҳамда ижодий тажрибаси муҳим аҳамият касб этса, *иккинчидан*, мавжуд асарнинг жанр хусусиятлари, *учинчидан*, асарнинг мавзуси, *тўртинчидан эса*, шоир бадиий маҳорати асосий мезонлар мақомига эга бўлган. Таъкидлаш лозимки, мумтоз шоирларнинг кўплари бадиий ижод билан бирга, бадиий илм билан ҳам мунтазам равишда шуғилланиб боришган. Умуман олганда, мумтоз адабиётда нимани ёзишдан кўра, уни қандай ёза олиш асосий талаб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ўтмишда бошқа илмлар қаторида бадиийлик илмининг раванқ топганлиги фикримизга далилидир. Ҳатто Амир Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”



тазкирасида шоирлар ижодига баҳо берганида, уларнинг бадиий санъатлардан ҳам қай даражада фойдаланиш маҳоратига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас эди.

Бадиият билан боғлиқ бу анъана Навойдан кейин яшаб ижод этган унинг издошлари асарларида ҳам бевосита ривожлантирилганлигини кузатиш мумкин. Навойга эргашиб бадиий жиҳатдан етук татаббу ғазаллар яратган Бобораҳим Машраб (1640-1711) ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Навойнинг “Оқибат” радифида ёзилган ғазаллари ўзининг бадиий қиммати, ғоявий томондан мукамаллиги билан ажралиб туради. Навойнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида иккита “Оқибат” радифдаги ғазаллари ўрин олган бўлиб, уларнинг биринчиси қуйидаги матлаъ билан бошланган:

*Оқим, ул ошно бегона бўлди оқибат,*

*Ҳажридин беҳудлигим афсона бўлди оқибат* [ Навой А. 1987.91-92-б.]

Улуғ шоирнинг иккинчи ғазали эса қуйидаги мисралар билан матнга ўзгача зеб берган:

*Ёшурун дардимни зоҳир қилди афгон оқибат*

*Асрагон розимни ёйди сели мужгон оқибат* [ Навой А. 1987.92-93-б.]

Ҳар икки ғазал ҳам тўққиз байтдан иборат бўлиб, улар аруз вазнининг рамал баҳридаги шўх вазнлардан бирида ёзилган. Уларда Навой услубига хос рамзийлик ҳамда фалсафийлик ўз ифодасини топган бўлиб, асар қаҳрамонлари ҳам илоҳий ишқ йўлидаги солиқ-ошиқ эканлиги маълум бўлади. Уларда висолга ташналик, ёрга эътиқод ҳисси яққол ифода этилган. Улар танлаган йўл жуда оғир ва машаққатлардан иборат. Биринчи ғазалда ҳажр азобларидан қалби ўртанган ошиқ охир оқибатда халқ маломатларига қолиб, халойиқ орасида афсона бўлиб, ҳатто девона номини олган.

Биринчи ғазалнинг учинчи байтида Навой қўллаган тазод (қаршилан-тириш) санъати ошиқ изтиробларини, унинг руҳий ҳолатини янада аниқроқ ифода этишга хизмат қилса, васл

илинжидаги соликнинг сочилган (шодлиғ ашки) ҳижрон кушларига охир оқибатда ем бўлганлиги тасвирга ўзига хос поэтик мазмун бахш этиб, ғазал мисраларидаги (васл) ва (ҳижрон) сўзлари ҳисобига тазод санъати кўрсаткичи вужудга келган. Ўрни келганда қайд этиш лозимки, Алишер Навоий шеъриятида фаол қўлланган бадий санъатлардан бири тазоддир. Бу ҳол шунчаки оддий такрорлардан иборат бўлмасдан, балки шоир яшаган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, ижодкор кайфияти ҳамда руҳияти билан бевосита боғлиқ ижодий жараён ҳисобланади. Ҳатто Навоийнинг шундай руҳдаги ғазаллари бўлиб улар бошдан- охиргача тазод санъати асосида қурилганлиги билан характерлидир. Бу ҳодиса навоий-шуносликда ўринли қайд этилган. “Тазод санъати таракқиётининг олий даражасини Алишер Навоий ижодида кўрамиз. Бу усул буюк шоир шеъриятида ниҳоятда кенг кўламда қўлланган бўлиб, хилма-хил мазмун ва ранг-баранг стилистик кўринишларга эга”дир [Исҳоқов Ё. 2014. -191-197-б]. Бундай ижодий анъанани Навоий ғазалларига боғланган татаббуларда ҳам бевосита давом эттирилганлигини кузатиш мумкин. Шоир ошиқ ҳолатини янада аниқроқ ифода этиш мақсадида ғазалнинг кейинги байтларида анъанавий образлардан май, Мажнун, булбул, парвона каби поэтик тимсолларини тасвир майдонига сафарбар қилади. Натижада, ғазал матнида фаол бадий санъатлардан *талмеҳ* ва *ташибеҳ* вужудга келган. Еттинчи байтдаги икки образ – булбул ва парвона мажозий маънода ошиқ тимсолини ифода этишга хизмат қилган. Характерли томони шундаки, юқоридаги тимсоллар Навоийнинг бошқа асарларида ҳам фаол қўлланган бўлиб, булбул ўз ишқини ёниб, фарёд чекиб мадҳ этса, парвонанинг вужудни ёндирувчи муҳаббати эса унинг тамоман аксидир. Парвона ишқи шу даражадаки, илоҳий ишқ рамзи ҳисобланган шам шуласига шиддат билан интилиб, унга ўзини уради. Охир оқибатда оловга қўшилиб, бутун вужудидан айрилиб ёниб кетмагунча нур сари талпинаверади. Улуғ шоирнинг ижодини ўрганишга алоҳида

этибор қаратган профессор Нажмиддин Комилов қуйидаги ўринли фикрни билдирган эди: “Матлубга етишиш йўли фақат оху нола эмас. Фигон чекмай, зоҳиран сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, ботинан кўнгилни маърифатга лиммо – лим этиб, фано мартабасини ҳам эгаллаш мумкин”[ Комилов Н. 1996. 250-б] . Навоий ғазалининг қуйидаги мисрасида “чекма ун, оҳим, эй Мажнун...” дея қилган хитобларида ҳам илоҳий ишққа интилиш ўзига хос босқичлардан иборат эканлигига нозик ишоралар қилганлиги маълум бўлади. Навоий иккинчи ғазалида ҳам биринчи ғазалдаги фикрларини бевосита ривожлантирган. Жумладан, ошиқнинг пинҳона ишқи ошкор бўлиши тазодни вужудга келтирган. Ғазал мақтаёсида эса лирик қаҳрамон қалбидаги ниятлар янада аниқроқ намоён бўлган:

*Эй Навоий, давлати боқий тиларсен васлидин,*

*Они касб этмоқ, фано бўлмай, не имкон оқибат?.*[Навоий А.1987. 93-б]

Ошиқнинг бирдан- бир орзуси висолга етиш. Бу машаққатли йўлда фано мақомини эгалламоқ шарт. Тасаввуф таълимотидан маълумки, фано йўлини босиб ўтмасдан боқийлик, яъни ҳақ манзилига етиб бўлмайди. Муҳими шундаки, тасвирнинг шу нуқтасида ошиқ Ҳақ йўлида собит турганлиги, унинг мақсад ва интилишлари қатъий эканлиги аён бўлади.

Навоийнинг юқоридаги радифдаги ғазалига татаббу боғлаган Бобораҳим Машраб устоз шоирнинг шеърый санъатлардан фойдаланиш анъанасини изчил давом эттирди. Ўзининг табри билан айтадиганда “*минг маънини бир нуқта билан мухтасар этган*” бадий жиҳатдан юксак ғазаллари бунга мисол бўла олади. Машраб ўзининг татаббу ғазалида лирик қаҳрамон кечинмаларини янада чуқурроқ ёритиш мақсадида *ташбиҳ, муболага, истиора* ва *сифатлаш* каби бадий санъатларни ғазалида қўллайди. Шоир лирик қаҳрамон ва унинг маъшуқасини турли хил тимсолларга қиёслаб, ошиқ ва маъшуқа яхлитлиғни ҳам гўзал ифодаларда беришга эриша олган:

*Ёр васлига етгайманму деб шому саҳар,  
Ўртаниб ҳажр ўтига парвона бўлдум оқибат.*[ Машраб  
Б. 1990. 208-б.]

Байтда лирик қаҳрамон интилишининг парвона тимсолига нисбат берилиши уни ҳақиқий ошиқ сифатида намоён этган. Парвонанинг шамга интилиши ҳақиқий ошиқлар учун намуна. Воқеан, маҳбубга шу даражада фидойилик билан интилмас экан, ҳеч бир ошиқ висолга ета олмайди. Машраб татаббусидаги ошиқнинг васл йўлидаги интилишлари ва изтироблари парвона ишқига монанд. Маълумки, парвона шўъла моҳиятини англашга, ундаги сиру асрорларни ўз шерикларига шарҳу баён қилишга ожиз эди. Охир оқибатда нурга талпинавериб, ўз қаноти ва кўйруғидан жудо бўлиб, нурга сингишиб кетади. Тасвирнинг худди шу нуқтасида шеърхон хотирасида Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги “Парвоналар мажмуъи шамъ ҳақиқати шарҳида” (“Фақру фано водийсининг адоси” боби)ги ҳикоят жонланади [Навоий А. 1987. 256-258-б.]. Машраб шеъридаги лирик қаҳрамон ҳам ҳақиқий ошиқ сифатида “халқи олам ичра кўп афсона бўлиб” охир оқибатда “... ҳажр ўтида парвона бўлдим” дея ўзининг девонавор ҳолидан огоҳ этмоқда. Бундан у асло ор қилмайди, аксинча ишқ йўлида парвонасифат эканлигидан фахрланади. Муҳими шундаки, ғазалнинг шу нуқтасида шеърий санъатлардан ташбиҳ ва талмех параллел равишда қўлланган бўлиб, ғазал бадииятининг янада гўзал ва мукамал бўлишини таъмин этган. Татаббу ғазалнинг сўнги еттинчи байтида эса ҳақиқий машрабона исёнга дуч келамизки, бунда лирик қаҳрамон ҳисобланган - солиқнинг Ҳақ шайдоси эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Машрабнинг кейинги татаббу ғазали ҳам “оқибат” радифида ёзилган бўлиб, шоирнинг бошқа ғазалларидан ўзининг байтлар микдорининг кўплиги билан ажралиб туради [Машраб Б. 1990.- 209-б.]. Мазкур ғазал матнида ҳам *ташбиҳ* ва *талмех* сингари шеърий санъатлар поэтик тасвир мундарижасига ўзгача зеб берган. Бу ҳол ғазал матнидаги фалсафий фикрни янада

тўлиқроқ англашга ёрдам беради. Характерли жиҳати шундаки, шоир талмеҳ бадий санъатидан маҳорат билан фойдаланиш мақсадида ғазалнинг еттинчи ва саккизинчи байтларига бошқа поэтик тимсолларни тасвир майдонига олиб кирган. Улар ҳисобига татаббу ғазал матни янада мукаммал кўриниш касб этган. Хусусан, ундаги Сулаймон, Яъқуб, Юсуфи Канъон сингари мумтоз шеърятимиздаги анъанавий тимсоллар бунга мисол бўла олади.

Машраб юқоридаги радифдаги учинчи татаббу ғазалида ҳам Навоий анъанасини давом эттириб, устоз йўлидан боради ва у ҳам тазод санъатидан унумли фойдаланган. Ғазалнинг бешинчи байтида лирик қаҳрамон тимсолидаги солиқ учун бирдан бир энг тўғри ва ҳақ йўл сўфийлик йўли эканлиги, аммо бу йўл оғир машаққатлардан иборат эканлиги шеърхонга маълум бўлади.

*Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,*

*Қўйди йўлдин халқни нолойиқ иршод оқибат* [Машраб Б. 1990.- 211-б].

Ғазалнинг олтинчи байтида эса тарихий ва афсонавий образлардан Жамшид, Искандар, Афросиёб кабиларнинг тасвир майдонига тортилиши ҳисобига яна талмеҳ санъатининг ўзига хос кўриниши юзага келган. Шоирнинг тарихий ва афсонавий тимсоллар тасвиридан келиб чиқадиган мантикий хулосаси шуки, бу дунё фоний, яъни ўткинчи эканлиги, “дасти ажалдан” ҳеч ким ҳеч қачон чап бера олмаслиги юқоридаги уч тимсол тарихи, янада аниқроғи, уларнинг тақдири мисолида янада ойдинлашган.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, таниқли адабиётшунос Нусратулла Жумахўжа қайд этганидек: “Талмеҳ Навоий ғазалиётида энг кўп қўлланган ва нисбатан содда бадий усуллардандир. Бу санъат таомилига кўра, шоир тарихий, бадий ёхуд афсонавий образларни тилга олади ва уларнинг сифатларини эшлаш орқали ғазал қаҳрамонлари фазилатларни ойдинлаш-тиради” [Жумахўжа Н. 1996. – 93-б.]. Мухими

шундаки, Навоий ғазалларига татаббу боғлаган Бобораҳим Машраб ҳам бу анъанага тўла амал қилиб, ўз асарлари билан ўзбек мумтоз ғазалчилик хазинасини бадий мукамал асарлари билан янада бойишига муносиб ҳисса қўша олганлиги шубҳасиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аристотель. Поэтика ( Поэзия санъати ҳақида ). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сехр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.( Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри ). – Тошкент: “ O‘ZBEKISTON ”, 2014.
4. Комилов Н. Тасаввуф ( Биринчи китоб ). – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
5. Машраб Б. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
6. Машраб Б. Девон. – Тошкент: «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2019.
7. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 1–том. – Тошкент: Фан, 1987.
8. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 12–том. – Тошкент: Фан, 1987.
9. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: « SHARQ », 2020.
10. Очилв Э. Нафис мажлислар. 2-КИТОБ. – Тошкент: « Info Capital Group», 2018.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ АНЪАНАЛАРИ

Суюнов Мавлонберди\*

*Аннотация:* Мақола Ҳофиз Шерозий адабий меросининг Навоий ижодига таъсири масаласини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда Навоийнинг Ҳофизнинг форсий тилдаги газалларига боғлаган татаббу газалларидан намуналар таҳлил қилинган.

*Таянч сўзлар:* татаббу, анъана, издошлик, адабий таъсир, маҳорат, газал, тасаввуф, талқин, матбуъ, масну, шакл ва мазмун, сарв

Навоий форс-тожик шоирлари асарларини ўқиб ва чуқур тушунибгина қолмай, ўз ижодида уларнинг анъаналарини давом эттиради. Бу нарса, хусусан, Навоийнинг дostonнависликда Аттор, Низомий, Хусрав Дехлавий, Хожу, Ашраф ва Жомий анъаналарини ривожлантган бўлса, газалчиликда эса Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Саъдий, Котибий, Мир Шоҳий, Камол Хўжандий ва бошқа форс-тожик шоирлари анъаналарини давом эттирди.

Навоий уларнинг барчасига ўзининг устозлари сифатида чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлди. Бироқ Навоий улар орасида Ҳофиз Шерозийга қайта-қайта ўзининг юксак эҳтироми ва эътиқодини изҳор этади. Чунончи “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Ҳофиз Шерозийни “ягонаи аср”, яъни аср ягонаси дея улуғлар экан. “Насойим ул-муҳаббат”да ўзбек ўқувчиларига уни таништириб, янада юксак таъриф беради: “Алар (Ҳофиз Шерозий – С.М) лисон ул-гайб ва таржумон ул-

---

\*Хўжанд давлат университети доценти, филология фанлари номзоди (Тожикистон)

*асрордурлар*”. [Навоий А. 2001, 479- бет.] Лисон ул-ғайб Ҳофиз Шерозийнинг адабий лақаби бўлиб, у ғайбдан келуви илҳом, илоҳий илҳом соҳиби маъноларини англатади. Таржумон ул-асрор ибораси эса илоҳий сирларни баён қилувчи демакдир.

Навоий лисон ул-ғайб ва таржумон ал-асрор ибораларини шарҳлаб, Ҳофиз Шерозий илоҳий ҳақиқат маънолари ва илоҳий ғайб сирларини мажозий тарзда бадий талқин қила олган буюк шоир, дейди. Навоий Ҳофиз даҳоси ҳақида фикр юритар экан, бир ҳайратини яширолмайди: “Агарчи маълум эмаски, алар иродат илики бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар. Аммо сўзлари адоқ бу тоифа машраби била мувофиқ воқеъ бўлубдурки, ҳеж кишига иттифоқ тушмайдур” [Навоий А. 2001, 479- бет.]. Бундан маълум бўладики, Ҳофиз бирор сўфиёна тариқатни қабул ҳам қилмаган, бирор тасаввуф пирига мурид ҳам бўлмаган. Аммо унинг шеърларида тасаввуф масалалари шу қадар кенг ва чуқур талқин этилганки, улар сўфийларнинг тасаввуфий фикрларига ғоятда мос келган. Навоий бундан ҳам ҳайратлананди, ҳам завқланади. Навоий бунда лисон ул-ғайблик ва таржумон ул-асрорлик ёрқин акс этган, деган фикрга келади.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” рисоласида Ҳофиз асарлари ҳар қандай таърифдан устунлигини таъкидлаб, уларни таърифлаш оби ҳаётни ҳаётбахш дегандек бўлади, дейди. Навоий Саййид Қосим Анворнинг Ҳофиз девонини “Қуръони форсий” деганини келтириб, бу фикрга тўла кўшилади. Улуғ шоир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Саййид Қосим Анвор фикрларига ҳамоҳанг мулоҳаза билдириб, Ҳофиз Шерозий томонидан яратилган асарлар муқаддас руҳ нафасининг ҳосиласидан нишона эканлигини ва ҳаётбахшлик қувватига эга бўлган Исо нафасидек таъсирчанлигини қайд этган эди: “Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Хожа



Ҳофиз Шерозий нуқот ва асроринки, анфоси руҳулқудсдин нишон айтув ва руҳуллоҳ анфосидин асар еткурур” [Навоий А. 2000, 28-б.] Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ишқни таҳлил қилар экан. Ҳофиз Шерозийга ҳам маҳсус тохталади. Аввало қайд этиш лозимки, Навоий талқинича, ишқ уч қисмга бўлинади. Биринчи қисмдаги ишқ авом ишқи, яъни оддий халқ ишқидир. У икки босқичдан иборат бўлиб, унинг қуйи босқичида ҳайвоний хусусиятини ифодаловчи нафс шаҳвати акс этади. У фақат жисмоний лаззат билан боғлиқдир. Шу сабабли Навоий у ҳақда гапириш ҳам ноўрин, дейди.

Авом ишқининг юқори босқичи шаърий никоҳдир. Ишқнинг бу босқичида одобсизлик юз бермаса-да, аммо у ҳам нафсоний ҳаракатлар билан вобастадир. Навоий ишқнинг иккинчи қисмини пок ишқ сифатида талқин этиб, уни “хавос ишқи” дейди ва ёзади: “Иккинчи қисм хавосс ишқидурким хавосс ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий (Аллоҳ – С.М.) жамолидин баҳра олмоқ” [Навоий А. 1998, 68-бет.]

Навоий хавосс деганда хос кишилар, яъни пок зотларни назарда тутаяди. Улар доирасига буюк шоирлар, мутасаввиф донишмандлар қиради. Булар қаторига сўфийлар кирмайди. Чунки сўфийларни Навоий ишқнинг учинчи қисми бўлган сиддиқлар ишқига киритаяди. Сиддиқлар ўзини Ҳаққа бағишлаган сўфийлар бўлиб, улар ўзлигидан тўла кечган кишилар ҳисобланади.

Хавосс ишқига мансуб мутасаввифлар эса покликда сўфийларга ўхшасалар-да, аммо ўзликларидан бутунлай воз кечмаган кишилардир. Улар мол-мулк, мансаб-мартаба соҳиби бўлишлари ҳам мумкин. Аммо уларнинг равиши фақат покликка йўналтирилганлиги сабабли улар хавосс аҳлига қирадилар. Навоий талқинича, хавосс ишқи фақат пок

кишилар ишқи бўлиб, унда нафсоний интилишлар бўлмайди. Хавосс ишқига мансуб кишилар, Навоий таъкидлагандек, пок кўзини пок назар билан покиза, яъни гўзал юзга ташлаб, ўша чиройли қиёфа орқали Аллоҳ жамолидан баҳра олгандай бўладилар. Чунки Аллоҳ жамоли ўша гўзал қиёфада тажаллий этади. Хавосс аҳлининг пок қалби ана шу илоҳий тажаллиётдан ҳузур қилади.

Навоий фикрича, буюк шоирлар хавосс аҳлига мансуб бўлиб, ўзларининг пок кўзларини пок назар билан гўзал юзга ташлашларидан пок қалбларида жунбиш пайдо бўлади ва бундан илҳом юзага келади. Бунинг натижасида, у етук асарлар яратади. Навоий хавосс ишқига мансуб шундай шоирлар сифатида Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий, Абдурахмон Жомийларни тилга олиб, улар қаторига Ҳофиз Шерозийни ҳам қўшади.

Навоий ғазал жанрида ҳам Ҳофиз комил ижодкор эканлигини қайд этган. Навоий ўзининг “Фавойид ул-кибар” девонидаги китъаларидан бирида Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийни ғазалнависликдаги энг забардаст шоирлар сифатида тилга олар экан, улар қаторида Ҳофизни ҳам санайди. Чунончи, Навоий Ҳофиз ҳақида қуйдагича ёзади:

*Ғазалда уч киши тавридуру ул навъ  
Ким, андин яхши йуқ назм эҳтимоли...*

*Бири Исо нафаслик ринди Шероз,*

*Фано дайрида масту лоуболи...*

*Навоий назмига боқсанг, эмастур,*

*Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи [Навоий*

*А. 1990, 516-б.]*

Навоийнинг Ҳофиз ҳақидаги фикрида уч жиҳат акс этган. Унинг биринчиси, Ҳофиз шеърятининг жонбахшлигидир. Бу Ҳофиз асарларининг бадий юксаклиги билан вобастадир. Иккинчиси, Ҳофизнинг риндлиги ва шеърятдаги чуқур риндона тасвирлар ҳисобланади. Учинчиси

эса, улуг тожик шоирининг ўкинчи оламда ўзлигидан воз кечиб, Ҳақ ишқи билан мастлиги ва хотиржамлигидир. Биринчи жиҳат Ҳофиз шеърларида акс этса, кейинги икки хусусият унинг лирик қаҳрамони сиймосида ўзининг чуқур мужассамини топган.

Ҳофиз ижодидаги бу хусусиятлар Навоий асарларига ҳам кўчган. Чунки Навоий Ҳофизга издошлик қилиб, унинг ижодидаги энг муҳим жиҳатларни ўз фаолиятида давом эттирар экан, бу хусусиятларни ҳам мукамал ўзлаштирган. Буни шоирнинг ўзи ҳам таъкидлаб, ҳар бир байти, яъни барча асарларида Ҳофиз таъсири борлигини юқоридаги қитъанинг охириги байтида махсус қайд этган эди.

Навоийнинг ғазалнависликда Ҳофизга эргашиши бежиз эмас. Чунки Ҳофиз ғазал жанрида форс – тожик шеърлятидагина эмас, балки умуман Шарқ шеърлятида ҳам юксак муваффақиятларни кўлга киритди. У аввало, ғазални жанр сифатида мукамал даражага кўтарди. Гарчи ғазал Рудакий ижодида анча шаклланган ва Саъдий ҳамда Хусрав Деҳлавий фаолиятида такомиллашган бўлсада, унинг жанр сифатидаги етуклиги Ҳофиз билан боғлиқдир. Академик А.Мирзоев ҳам буни махсус таъкидлайди: “Бу соҳада (*яъни ғазалнависликда* – С.М.), айниқса, Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийнинг тарихий хизмати ниҳоят даражада катта. Чунки ҳали X асрдаёқ устод Рудакий ва унинг замондошлари ташаббуси билан бошланган жараён – ғазалнинг мустақил шеър турига айланиш ҳолати XIV асрга келиб, хусусан, Ҳофиз ижодида ва унинг замондошлари фаолиятида ҳар тарафлама анжомига етди” [Мирзоев А. 1957, 62-с.] .

Ҳофизнинг ғазалнавислик маҳоратини чуқур ўзлаштирган Навоий ўз ижодий фаолиятида унинг бу борадаги анъаналарини изчил давом эттирди. Чунончи, Навоий Ҳофизнинг “*кун*” радифли мустақил байтлардан

тузилган ғазалига боғлаган татаббуъсида устози анъаналарини ривожлантирганини кўриш мумкин:

*Май боядат ба дайри муғон ою нўш кун,  
Иймон фидои муғбачаи майфуруш кун.  
Дорам сухан ба гўши ту пинҳон зи муддаи,  
Хон, эй чавон, насиҳати ин пир гўш кун.  
Дар хилвати висол нурупур бинўш май,  
То кас хабар бурун набарад тарки хуш кун.  
Дар гуфтугўи ишқ забони дигар бувад,  
Зоҳид, ту ин тарона надонӣ хамўш кун.  
Чун қавли пири дайр ба айшат далолат аст,  
Эй хоча, истимои нидои сурўш кун.  
Акси ту соқиё, ба рухат лоф зад зи хусн,  
Мункир шавад бигир маю рӯ ва рўш кун.  
Эй муғбача, кушо руҳу Фонисифат ба дайр,  
Урён зи сатри хуш дусад хирқанўш кун [Навоий А.  
2002, 382-б.]*

Навоий татаббуъларида ҳам Ҳофиз ғазалларига қофия, радиф, вазн ва лирик қаҳрамонга муштараклик бор. Навоий ҳам Ҳофиз каби ғазали байтларни мустақил маъноли қилиб тузган. Аммо Навоий бунда Ҳофизни такрорламайди. Балки унинг фикрларини ижодийлик билан ривожлантирган. Дарвоқе, биринчи байтда лирик қаҳрамон ёш дўстига, яъни соликка агар у илоҳий тажаллиётдан хузувланишни истаса, хонақоҳга боришини маслаҳат беради. Шоир буни мажозан майхона ва майфуруш муғбачаси билан боғлаб талқин этади. Иккинчи байтда лирик қаҳрамон кекса доно сифатида ёш дўстини насиҳат этишга даъват этса, учинчи байтда висол учун ўзликдан кечиш лозимлигини таъкидлайди. Тўртинчи байтда илоҳий ишқни тушинмаслиги айтилиб, зоҳидга танбеҳ берилади. Бешинчи байтда покланиш манзилени эгаллашга чорласа, олтинчи байтда илоҳий тажаллиётнинг мажозий кўриниши асосланади. Еттинчи байтда мажозан илоҳий жамол соҳибига мурожаат этилиб,

ундан умидворлигини орзусига етказиш сўралади ва шу билан ғазал якунланади.

Навоий татаббуъсидаги ижодийлик унинг Ҳофиз ғазали байтларидаги ботиний маънони кенг талқин этишида кўринади. Шу асосда Навоий ҳар бир байтда муайян тасаввуфий фикрни бериб, руҳий завққа, илоҳий висолга ва комилликка интилган инсоннинг кенг доирадаги фаолиятини чизади. Натижада, тасвирдаги илоҳий ишқ ёнига тасаввуфий-маърифий, ахлоқий-фалсафий масалалар ҳам қўшилиб, ғазал чуқур мазмунга эга бўлади.

Шу билан бирга, Навоий ўзбек тилидаги ғазалларида ҳам Ҳофиз анъаналарини ривожлантирган. Акс ҳолда Навоий юқоридаги қитъасида “Навоий назмига боқсанг эмастур. Бу учнинг холидин ҳар байти холи” демаган бўларди. Навоийнинг бу фикрида Ҳофиз, Хусрав Дехлавий ва Жомийнинг ғазалнавислик анъаналари унинг фақат тожик тилидаги ғазалларидагина эмас, шунингдек, ўзбек тилидаги ғазалларида ҳам акс этганлигига ишора қилинмоқда.

Навоий ҳатто ўзининг ўзбек тилидаги шеърлари жамланган ва ўзи томонидан тузилган биринчи девони “Бадоеъ ул-бидоя”нинг дебчасида девон тузишда форс-тожик шоирлари анъаналарини ривожлантирганини махсус таъкидлар экан, бу борада ҳам бошқа тожик шоирлари қатори Ҳофиз Шерозийни чуқур эҳтиром билан тилга олади: “Аммо ашъор тадвин қилғонлардин баъзиким, бақо мулкида фоний... Аввалғи зумрадин бовужуди... ..фано майхонасининг ринди хирқачоки ва бало паймонасининг масти бебоки, ишқу муҳаббат асрори аминларининг ҳамрози Хожа Ҳофиз Шерозий...” [Навоий А. 1987, 14-б.]. Навоий тожик тилида яратган шеърлар девонини ҳам асосан Ҳофиз Шерозийга эргашиб тузганлигини эътироф этган эди [Навоий А. 2000. 32-б.].

Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърлари жамланган тўрт девондан иборат “Хазойин ул-маоний”нинг илк ғазалида

хам Ҳофиз Шерозий анъанаси мавжуд. Ҳофиз Шерозий девонидаги биринчи ғазалнинг биринчи байти муламмаъ шаклида бошланган. Байтнинг биринчи мисраси арабча бўлиб, иккинчи мисраси тожикчадир:

*Ало ё айноҳассоқӣ, адир каъсан ва новилҳо,*

*Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушқилҳо* [Ҳофиз Шерозий. 2001. 5-с.]

Таржимаси:

*Аё соқий, сунуб жоминг қил эҳсон яшнасин диллар,*

*Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушиди мушқуллар.*

### **(Хуршид таржимаси)**

Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний”сидаги биринчи девон “Ғаройиб ус-сиғар”нинг биринчи ғазали ҳам Ҳофиз услубида ёзилган. Ғазалнинг биринчи байти ҳам муламмаъ шаклида ёзилган бўлиб, унинг биринчи мисраси арабча, иккинчи мисраси эса ўзбекчадир:

*Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-ҳудо,*

*“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдин чиқди садо* [Навоий А. 2011. 21-б.].

Биринчи мисранинг мазмуни: май косанинг куёш аксидан Ҳақ йўлининг нурлари порлади. Яъни, шуни билингики, Ҳақ йўлини мунаввар қилиб, ёритиб, унга тўғри олиб борадиган восита ишқдир. Иккинчи мисранинг мазмуни: ёр, яъни Ҳақ тажаллиётида унинг ҳусни намоён бўлиб, у нарсаларда акс этади. Аммо ишқ майи Ҳақни кўриш, яъни идрок этиш воситаси бўлиб, ишқ майнинг идиши бўлган жом, яъни кўнгил буни тасдиқлайди. Шундай экан, ошиқ ёрни ишқ орқали кўнглида идрок этиши мумкин. Жом кўнгилдан чиққан садода шу нарса акс этган.

Буларнинг ҳаммаси Навоийнинг Ҳофиз ва унинг ижодига муносабати тасодифий бўлмай, у чуқур адабий – илмий заминга эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳофиз шеъриятига бадииятнинг тенгсиз намуналари сифатида қараб, улуғ тожик шоири ижодига ўзининг юксак

эътиқодини ифода этди ва унинг адабий анъаналарини ўз ижодий фаолиятида изчил давом эттирди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари. (ХУ11-ХХ асрлар ва ХХ аср бошлари газалчилиги асосида) Тошкент: «ТАМАДДУН», 2002.
2. Навоий А. МАТ 20 томлик, 16-том. – Тошкент: “Фан”, 2000
3. Навоий А. МАТ 20 томлик, 19-том. – Тошкент: “Фан”, 2002
4. Навоий А . Асарлар 20 томлик, 5-том. 2-китоб – Тошкент: Бадиий адабий нашриёти, 1965.
5. Навоий А. МАТ 20 томлик, 18-том. – Тошкент: “Фан”, 2002
6. Навоий А. МАТ 20 томлик, 17-том. – Тошкент: “Фан”, 2001
7. Навоий А. МАТ 20 томлик, 18-том. – Тошкент: “Фан”, 2002
8. Навоий А. МАТ 20 томлик, 19-том. – Тошкент: “Фан”, 2002
9. Навоий А. МАТ 20 томлик, 19-том. – Тошкент: “Фан”, 2002
10. Навоий А. МАТ 20 томлик, 18-том. – Тошкент: “Фан”, 2002.

## **ЙИҒИ ДЕТАЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАВИЙ ПОЭТИК ТУРКУМЛАР ТАЛҚИНИ**

**Барзиев Ойбек\***

***Аннотация:** Мақолада XIX аср охири – XX аср бошлари Фарғона водийси шоирлари: Мавжзий, Ошиқ, Амоний Арабоний, Абдураҳмон Водилий, Ҳасан Махдум Восилий кабиларнинг шеъриятида йиғи деталнинг тутган ўрни ва у билан боғлиқ ўз тақдирини ифодалашдаги анъанавий поэтик туркумлар ва муштаракликлар таҳлилга тортилган.*

***Таянч сўзлар:** таворуд адабий ҳодисаси, руҳият деталь, предмет деталь, сўз қўллаш маҳорати, ҳасбу ҳол ғазаллар, давр муаммолари, ошиқ ҳолати, шоир “мен”и.*

XIX асрнинг охири – XX аср бошлари Фарғона водийси шеъриятига янги деталларнинг кириб келиши шоирларнинг сўз танлаш маҳорати ортиб борганлигини кўрсатади. Бу давр шеърый асарларида қўлланган деталлар ижодкор концепциясини кескин ва аниқ ифодалаш билан бирга лирик қаҳрамоннинг “мен”и ва бадий ниятини ёрқин бўёқларда ёритилишига хизмат қилган. Сабаби жамиятда юз бераётган ижтимоий воқеликлардан зада бўлган лирик қаҳрамон юртни озод ва обод кўришни орзу қилиб, мустабид тузумнинг қурбони бўлишни хоҳламай шеърят майдонида бўй кўрсатди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошлари Фарғона водийси шоирлари қаламига мансуб шеърларда қўлланган йиғи детали лирик қаҳрамон ҳолати, кўнгил кечинмалари, ҳис-туйғуларини дардчил эканлигини ифодалаб, уларни чуқурроқ очиб беришга хизмат қилган. Улар асосан ҳасбу ҳол руҳида ёзилган

---

\* Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



шеърларида жамиятда юз бераётган адолатсизликлар, хунрезликлар, ўзига нисбатан бўлган шахсий адоватлар туфайли “йиғладим”, “йиғларман”, “йиғланг” каби сўзларни радиф сифатида танладилар ҳамда уларга алоҳида урғу бердилар. Радифлардаги бу бадий маҳорат эса ўз олдига қўйган мақсадларини ёркинрок очиб берган.

Шоирларнинг шеърятда йиғи деталини қўллашлари натижасида мумтоз адабий атама бўлган таворуд ҳодисаси янги талқинда давом этди. Унинг янгилиги шундаки, мумтоз адабиёт даврида бу ҳодиса мисра ёки байтларда кузатилган бўлса, бу давр водий шеърятда асосан бир хил сўз, иборани қўллаш оқибатида амалга ошди. Таворуд сўзи арабча “тавр” сўздан олинган бўлиб, “сурати ҳол, тарз, равиш, йўсин, навъ”; “одат, қилиқ, адо, услуб, тартиб” [Шамсиев,1972:583] маъноларини англатади. У адабий ҳодиса сифатида кўпроқ шеърый асарларда учрайди. Филология фанлари доктори З.Қобилова: “Таворуд – икки ижодкорнинг бир-биридан хабарсиз ҳолда бир маънони айнан ифодалаш ҳолати демакдир. Бундай ҳолатни адабиётшунослар ижодий жараёнда жоиз деб ҳисоблашади” [Қобилова, 2021:20], деб тўғри таъкидлайди. Демак, давр шеърятда йиғи детали ва у билан боғлиқ ҳолда “қон йиғламоқ” иборасининг ёнма-ён келиши сўз қўллаш маҳоратидаги таворуд ҳодисасини ўзига хос давом этганини кўрсатади.

Маълумки, мумтоз адабиёт даври шеърятда ҳам йиғи детали фаол қўлланилиб келган. Унда кўпинча ошиқ ўз маъшуқасининг қилган ситамларидан, бевафолигидан, ундан жабр кўрганлигини, шунинг учун азият чекканлигини айтиб йиғлаган. Мумтоз адабиёт даври лирик асарларида муболаға санъатини юзага келтирган “қон йиғламоқ” тафсили кўплаб кузатилган. У атама сифатида, айниқса, ҳазрат Навоийнинг ғазалларида кўплаб учраши ва “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “йиғламоқ” сўзининг бир неча вариантлари ҳадди аълосида таҳлил қилинганлиги маълум. Шеърятда у

колиплашган бирикма сифатида Навойдан кейинги давр адабиётига ҳам самарали таъсир этди. Масалан, Бобораҳим Машрабнинг “Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йиғладим, Етти иқлим фарқ бўлди ёшима” байтидаги кўз ёши билан етти иқлимни суғорган лирик қаҳрамоннинг кўнгил ҳолатини эслаш кифоя.

Шу ўринда адабиётшунослик илмидаги мавжуд деталь тушунчасига изоҳ бериш лозим. У французча сўз бўлиб, “тафсилот, майда-чуйда” каби луғавий маъноларига эга.

Адабиётшуносликка оид луғатлардан бирида “Деталь асарда тасвирланган образнинг кичик бир қисми (яъни у ҳамиша предметлиликни кўзда тутди), деталларнинг бирикуви натижасида ўша образ кўз олдимизда бутун ҳолда намоён бўлади”, [Қуроноф, 2010: 89] дея изоҳ берилган.

Давр шеъриятида лирик қаҳрамоннинг йиғлаши руҳият детални ифодаласа, кўз ёши ва унинг оқиши предмет деталга мисол бўлади. Сабаби, инсонларнинг йиғлаши руҳий дунёси билан боғлиқ бўлса, кўз ёши аниқ нарсалилиги ва унинг кўздан оқиб тушиши яққол кўринганлиги учун предмет детални ифода этади.

Андижон шаҳрининг Бўтақора қишлоғидан бўлган Муҳаммадсиддиқ Эшон Мавжий (1879-1960) ўзининг жўшқин шеърияти билан танилган. Унинг ижод йўлидаги ҳаёт тарзини кўра олмаган шўро тузумининг машъум қатағон сиёсати ўз юртидан қувғинда яшашга, яъни Шарқий Туркистоннинг Шинжонг шаҳрига бош олиб кетишига мажбур қилади. Шоирнинг ўз ватанидан ажралиш қисмати, табиийки, унинг қаламига мансуб бўлган “Йиғларман” радифли ва “Шаҳри Фарғонамга кетсам деб” номланган ғазалига кўчиб ўтган. Унинг “Йиғларман” радифли ғазалида ўзи туғилган диёрга нисбатан ташналик, хуморлик мотивлари кўзга ташланади. Ғазалдаги лирик қаҳрамон “хунхор” – қон ютиб йиғлайди. Шоир дастлабки мисрага фалсафий усулда ёндашган ҳолда “йўқлик дунёсидан борлиқни топганлиги”ни, яъни бу ўткинчи дунёда ғам-ғусса ботганлигидан зор йиғлайди:

Фано дунёда топсам деб бақони, зор йиғларман,  
Юроким қон қилиб, икки кўзим хунхор, йиғларман.

Бу мотамхонага келдим ўшал улви маконимдан,  
Ўшандоқ жойи олийга бўлиб хуммор, йиғларман [Кўхна садолар, 2020: 233].

Мавжий ғазалида йиғи деталига алоҳида урғу бергани ҳолда унинг шахсий ҳаёти билан боғлайди. Ғазалда ўзи туғилиб вояга етган жойни “улви макон” – олий макон деб таърифлаб, кўчиб бориб қўним топган ерини “мотамхона” деб билади. Матлаъдаги “қон йиғламоқ” иборасини эса бошқа водий иждокорларининг лирик меросларида ҳам учраши сўз қўллаш маҳоратидаги анъанавий бир туркумлиликка мисол бўлади.

Ёки ҳасби ҳол мавзусида битилган кейинги ғазалининг бегона байтида Фарғона соғинчи билан бирга ўз жанонасини кўмсаш мотивлари мавжуд. Унда қалбига таскин берган ҳолда сабр қилишни ваъда берса, шоир юраги жанонасини соғинганлигини айтади. Сатрлардаги яширин мазмун ўз юртидан олисда яшаб, алам тортиб “фарёд этиб йиғлаган” дил ҳасрати, нолаларини англатади. Мумтоз адабиётдаги машҳур савол-жавоб санъатидан моҳирона фойдаланган шоир қуйидаги байтида ўзига сабр тилаб, таскин изласа, қалби фарёд билан йиғлаб, жанонасини, яъни мажозий маънодаги ўз юртига кетиш орзусини айтади:

Дилимга ваъда бирлан: “Сабр қил, вақтида бўлмай йўл”,

Дегач, фарёд этиб йиғларки: “Жононамга кетсам”, деб.

Сулаймон Мирзамаҳмуд ўғли Ошиқ (1860-1944) қаламига мансуб 1925 йилда Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти муносабати билан ёзилган “Йиғлан” радиофили ғазал ҳам автобиографик йўналишда битилган. Шоир асли Қирғизистон республикаси Ўш шаҳридан бўлиб, у ҳақда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, адабиётшунос Пўлотжон Қаюмовнинг “Тазкирайи Қаюмий” асарида: “... бу киши ўзбекдур. Муқимий билан замондош экани маълумдур. Ҳам

алоқаси бор экани кўринаётир. Демак, шоир Ошик ўтли 1903 нчи йилда ҳаёт бўлган” [Қаюмов, 1998:470], деб таъриф берилган. Асли қирғиз диёрида туғилган бўлса-да, лекин таҳсил олиш мақсадида Кўкон мадрасаларида бўлган ва узоқ вақтлар ўз даврининг етук шоирлари: Муқимий, Фуркат, Завкий кабилардан маънавий озуқа олган шоир тез орада Фарғона адабий мухитининг пешқадамига айланади.

Ғазал батрак-деҳқонларга аталган бўлиб, унда текинхўрлар, бойлар, кози-ю қаллоблар қаттиқ танқид қилинган. Манбаларда қайд этилишича, мазкур ислоҳотда бошқа батрақлар қатори шоир Ошикқа ҳам уч танобгина ер тегади:

Бериб пул кози бўлган, ҳукм сурган, кози қаллоблар,  
Бойга таъзим касбингиз, зулм фақирга иддао йиғланг.

Қачон бечоралар қилиб салом анга жавоби йўқ,

Агарда бой ўғли келса эрди қомат дуто йиғланг [Қобулов, Долимов, 1979: 27]. Ғазалда шоир, аввало, замонасини танқид қилади. Сабаби бу даврда фақирларга ноҳақ даъво қилиш ҳукм сурган бўлиб, унда лирик қаҳрамон агар бойларнинг ўғли келса, қадди дуто – эгик бўларди, дея йиғлайди.

Ғазалнинг мақтаъ қисмида Ҳожи кал номли киши талмех сифатида келтирилиб, унинг ўз кўксига муштлаб йиғлаган ҳолати аянчли ёритилган:

Ажаб қилди ҳукумат олди берди камбағалларга,  
Уриб ул Ҳожи калдек синага муштлаб садо йиғланг.

Ўз ички кечинмаларини ҳасби ҳол усулидаги ғазалларда теран ифодалаб, йиғи деталига мурожаат қилиш анъанаси Зокиржон Фуркатнинг шогирди Амоний Арабоний (1870-1943) ижодида ҳам кузатилади. Адабиётшунос Н.Қобулов ўз тадқиқот ишида шоирнинг ижод йўли ҳақида тўхталиб: “Омоний ғазалларида классик адабиётимизнинг прогрессив анъаналарига амал қилиб, чин инсоний муҳаббатни тараннум этади. Муҳаббат йўлидаги азобу уқубатлар, тенгсизлик ва адолатсизликларни ифодалаш заминидан ўтмиш замонага нисбатан норозилик

мотивлари ўртага ташланади” [Қобулов, 1979:101], деб тўғри таъкидлайди. Шунинг учун унинг айрим шеърларида замона носозлигидан йиғлаган кўнгил ҳолатлари кўпроқ учрайди. Асли Қирғизистон республикаси Ўш вилоятининг Аравон қишлоғида туғилган шоир қувғинлар туфайли кейинчалик Андижон вилояти Храбек номи маҳалласига кўчиб боради ва умрининг охиригача шу ерда яшаб ўтди. Унинг ҳасбу ҳол руҳида ёзилган “Аз Амоний бал тақдири Арабоний” ва “Аз фақир ул-ҳақир Амоний бал тақдири Арабоний” ғазалларида ишқий мавзу етакчилик қилади. Ушбу ғазалларда анаъанавий сўз қўллашдаги поэтик туркум - “қон йиғламоқ” ибораси ҳам учрайди:

Ўпай дебон лаъли лабинг, кўрай дебон холу хатинг,  
Бордим анга бўлдум яқин, қочдим рақиб бедор учун.

Ишқинг мани йиғлатти қон, кўнглим бериб, топмай Амон,  
Бўлди мани рангим сомон ошиқ иши душвор учун.

Ғазал ғоясига шоирнинг шахсий ҳаёт йўли уйғунлашган бўлиб, унда рақиблардан қочиб юрганлиги шу сабабли ранги сомон бўлиб қон йиғлаганлиги айtilган.

Ёки “Кетди” радифли ғазалининг кириш қисмида ҳам йиғи детал билан боғлиқ лирик қаҳрамон ҳолати учрайди ва у ўз яқинларига нисбатан бўлган соғинч туйғуларини ифодалайди. Шоир унда ҳам ўз юртдан айро юришига сабабчи деб рақибларини билади:

Манга эрдингиз ҳамадин яқин эски дардларим кўзулиб  
кетди,

Йиғлагим келур сизи ўйлабон рағи жигарим эзилиб кетди.  
Лаъли лабингиз майини дебон йиғласам бугун айб эмас,  
Хабар ололмай бир-биримизи муҳаббатимиз узилиб кетди.

Шоирнинг поэтик маҳоратидаги ўзига хослик яқинларига нисбатан бўлган муҳаббат ва соғинч туйғусининг дардчил кайфиятда куйланганлигида кўринади. Унинг “рағи жигари”, яъни жигар-бағри эзилиб йиғлаши ватан соғинчи ва унга ташналик мотивларидан дарак беради.

Таҳлил доирасига тортилган тараққийпарвар шоирлар асосан ғазалларнинг ошиқона усулига мурожаат қилган ҳолда ўзининг шахсий кечинмаларини ифодалашга эришган. Илмий адабиётларда ғазалнинг бу турида ошиқ ҳолатининг тутган ўрни ҳақида айтилган бўлиб: “Прогрессив шоирларнинг ошиқона ғазалларида куйланган муҳаббатнинг маъноси жуда кенг. Бу муҳаббат умуман инсонга, реал дунёга бўлган оташин муҳаббат сифатида улуғланади” [Носиров, Жамолов, Зиёвиддинов, 1979:90], дея маълумот берилади.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан бўлган Ҳасан маҳдум Восилий (1898-1979) ижодида ҳам ижтимоий ҳаётга муносабат асосан шоирнинг ўз “мен”и орқали ёритилган. Шоирнинг ёшлигидан юксак билим ва иқтидор эгаси бўлганлигини кўра олмаган акаси Муҳйиддин маҳдум (лақаби Бургут маҳдум) ўз укасига нисбатан тазйиқ қилгани манбаларда қайд этилган. Лекин шунга қарамай, у етук фикршунос, табобат илмининг билимдони, моҳир таржимон бўлиб етишди. Шоирнинг адабий мероси бўйича илк бор Г.Ўлдошева магистрлик ишини ҳимоя қилган бўлиб, унда автобиографик усулда ёзилган “Йиғладим” ғазалига қуйидагича изох берилади: “...шоир ёмонлар дастидан азият чекканлиги ва қайғу ғам ўтида йиғлаганлигини баён қилган, яъни у шеърда истибдод ҳаддан ошган ва ҳукмдорлар қутурган жамиятда кундузлари хотиржам кўринган аҳли дил, кечалари пинҳон йиғлаш билан таскин излашлигини айтади” [Ўлдошева, 2014:37].

Восилий мазкур ғазали матлаъсини ўзига қилинган ноҳақ иғволар туфайли йиғлаганлиги билан бошласа, учинчи байтда муболаға санъатидан фойдаланган ҳолда “абри найсон”, яъни энг кўп ёгин ёғадиган апрель булути номини келтиради. Бундан асл мақсади унинг ютуқлари, яхши, тинч кунларини кўра олмаган ўз даврининг фитначиларини ёритиш бўлган:

Бир ноҳақ иғво ўқидин кечаси қон йиғладим,  
Кўзларим ашқин тутолмай, кўп паришон йиғладим.  
Яйрашимдан ғамга тушган фитначи беорлар,

Мен киби чексун алам деб абри найсон йиғладим [Ҳасаний, Музаффарова, 2015:90].

Мазкур бандда ҳам анъана сифатида “қон йиғламоқ” бирикмаси сақланиб қолмоқда. Бунда шоирнинг қон йиғлашига сабаб қилиб ўз маҳалласининг игвочи кишилари ва уларнинг ноҳақ уюштирган фитна ва бўҳтонлари назарда тутилади. Тарихий манбаларда ёзилишича, ўзи туғилиб вояга етган жойини ташлаб чиқиб кетган шоир умрининг охиригача валийлиги ва уламолигини яшириб юришга мажбур бўлади. Байтларда ифодаланган мазмундаги ўхшаш жихатлар ўз даврида шоирларнинг бир-биридан хабарсиз ҳолда сўз қўллаган ҳолда бир поэтик туркум доирасида ижод қилганлигини кўрсатади.

Восилийнинг ўз арзи ҳолини ифодалашда ишқий мавзуда битилган “Айламас” радифли ғазали ҳам характерли. Ғазалда бирор байтда йиғи сўзи қўлланмайди. Лекин унга яширин ишора қилинганлигини ва унда лирик қаҳрамон даврнинг “қурбони” бўлганлиги англашилади:

Дилбарим кулбам аро ҳеч бир фароғат айламас,

Кўз ёшимда чўмилиб андак шафоат айламас.

Ғазалнинг бегона байтида ҳам кўз ёш деталига мурожаат қилингани ҳолда у дарё сувига қиёсланади. Ошиқнинг ҳасрати эса байтлар оша ортиб боради:

Кўз ёшимни айласам дарё санга борму асар,

Дейди, кўз ёшинг манга асло сироят айламас.

Фарғона вилоятининг Фарғона тумани Водил қишлоғидан бўлган, лекин Шўро тузумининг тазйиқи туфайли Тошкент вилояти Янгийўл тумани Шўралисой қишлоғига кўчиб кетган Абдурахмон Водилий (1893-1963) ҳаёт йўли ҳам таҳликали ўтди. Сабаби катта ер эгаси – сўфи бойнинг фарзанди бўлган шоир ўзи туғилиб ўсган жойдан кўчиб кетишга мажбур бўлади. Куръон ва ҳадисларни ёддан билган ва қорилик мақомига эга бўлган шоир бир умр оиласи билан ўзи туғилиб ўсган юртдан узокда яшаб ўтди.

Водилийнинг услуб ва йўналишига кўра Ҳамза Ҳакимзода ижодини эслатувчи “Қил” радифли ғазалида ҳам ишқий мавзу етакчилик қилади. Ундаги лирик қаҳрамон ўз нозанинидан раҳм қилишини сўраб, кўнглига ўрнашган қиш фасли кетиб, ёз келишини хоҳлайди ва шунинг учун доим йиғлаётганлигини айтади:

Муддао бизларга йўқ сендин бўлак, эй нозанин,  
Бир келиб айлаб тараҳхум қиш кўнгилни ёз қил.

Ишқинг ўтига куйиб ошиқларинг йиғлар мудом,  
Қоматинг айлаб санавбар ўзингга пардоз қил [Абдурахмон  
Водилий, 1999:9].

Унинг ишқий мавзуда ёзилган “Бўлибмен” радифли ғазалининг тугалланмасида ҳам лирик қаҳрамон ошиқ сифатида йиғлаганини ошқора этади. Қуйидаги мажозий маънода қўлланган васлга ташналик эса ўз она юртига нисбатан бўлиб, унинг дийдорига зор юрган лирик қаҳрамон кўнгил ҳолатидан огоҳ этади:

Диом сени деб оҳ урибон йиғлади Водил,  
Васлингга ажаб ташнаи дийдор бўлибмен.

Ёки мураббаъ усулида ёзилган “Денглар мани” радифли мураббаъси ҳам автобиографик характерга эга. Унда шоир ўз яқин қариндошларидан алам тортганлигини ва айниқса, ўз акасининг номехрибон эканлигидан изтироб чеккан ҳолда ёзади:

Дўстлар ким сўрса мани ким бир гадо денглар мани,  
Ақрабоға ёкмаган бахти қаро денглар мани,  
Оқибат ўз жойидан бўлган жудо денглар мани,  
Сигмаган қишлоғига бир бенаво денглар мани.

Дўстлар, ҳолинг на деб гар сўрсангиз қондир юрак,  
Ул ато йўллик акамни номехрибон қилди фалак,  
Энди мен итдек маконим топмайин ўлсам керак,  
Топмайин дардига юрган бедаво денглар мани.



Бу икки шоир ҳаёт йўлидаги ўхшаш жиҳат шундаки, улар реал ҳаётда ўз акасидан жабр кўрган, ундан азият чеккан. Натижада бундай мотивларини ифодалаган лирик асарлардаги сўз қўллаш маҳорати анъанавий поэтик туркумни юзага келишига сабаб бўлган.

Таҳлил доирасига тортилган мавзу бўйича муайян хулосалар:

биринчидан, Фарғона водийси шоирлари мумтоз адабиётдаги адабий ҳодиса – таворуд анъанасини ҳасби ҳол усулидаги лирик асарлари орқали ифодалаб, уни изчил давом этитиришга эришдилар;

иккинчидан, водий шоирлари йиғи деталидан ўз тақдирини ёритишда ва юрт соғинчини ифодалашда самарали фойдаландилар;

учинчидан, улар лирик асарларида “қон йиғламқ” иборасини қўллаш орқали анъанавий поэтик туркумни ифода қилган ҳолда ўз “мен”ини кўрсата олдилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шамсиев П.Навой асарлари луғати. Алишер Навой асарларининг ўн беш томлигига илова. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Б.583.

2. Қобилова З. Бадий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърини мисолида). Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2021. – Б.20.

3. Қуроноқ Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akadernashr, 2010. – Б.89.

4. Кўҳна садолар (Манзур, Ожиз, Мунтазир, Бимий, Муҳиб, Пиримқори, Ҳофиз, Мушток, Мавжий) // Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Мадғозиев И, проф.Қуроноқ Д нинг умумий таҳрири остида. – Т.: Akadernashr, 2020 - Б.233.

5. Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 3 жилд // Нашрга тайёрловчи: Қаюмов А. – Т.: ЎзРФА Қўлэзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1999. – Б.470.
6. Қобулов Н., Долимов У. Эрк ва маърифат куйчилари (филолог-студентлар учун қўлланма). – Т., 1979. – Б.27.
7. Қобулов Н. Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. – Т.: Фан, 1979. – Б.101.
8. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърятти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.90.
9. Йўлдошева Г. Махдум Восилий ва унинг адабий фаолияти. – Т.: Наврўз, 2014. – Б.37.
10. Ал-Махдум ал-Восилий Ал-Марҳаматий. Файзосор Марҳаматдур. (Девон) // Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М., Музаффарова А. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.90.
11. Абдурахмон Водилий // Тузувчилар: Абдурауф Абдурахмон ўғли., Рауф Парфи (Ўзтурк). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б.9.

## АДИБАЛАР НАСРИ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ АДАБИЁТИ МИСОЛИДА

Мухаммедова Хулкар\*

***Аннотация:** Мақолада адибалар насри инглиз ва ўзбек адабиёти мисолида етакчи хусусиятлари очиб берилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Инглиз ва ўзбек адабиётида адибалар насри бир хил ривожланмаганлиги ва улар ўзига хос равишда шаклланиб борганлиги кузатилади.*

***Таянч сўзлар:** адибалар насри, хусусият, мактуб, элемент, адабиёт, шакл*

Адибалар насри XIX аср охирида адабий ходиса сифатида эътироф этилган ва бугунги кунда жаҳон адабиётида йўналиш сифатида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Адибалар ижодининг таҳлил қилиниши натижасида унинг турли жиҳатларини кўриб чиқадиган махсус тадқиқотлар яратишга замин яратади. Танқидчилар адабиётни эркак ва аёлга "бўлиниш" контекстида эмас, балки адибалар насрининг ўзига хослиги ва уларнинг ижодий индивидуаллигини тасдиқлаш орқали адабий мероснинг кенгайишини назарда тутиш керак деб ҳисоблашади.

Адибалар насрининг ўзига хос хусусиятлари аёлларнинг таърифига кўра улар кичик нарсаларга кўпроқ мойил бўлиб, ҳаётни икир-чикирларигача тасвирлашда яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари, аёлларнинг ифода услубининг лингвостилистик хусусиятларини адибалар ижодига таяниб таҳлил қилиш мумкин.

Адиба ўзи учун танлаган ифода қилиш стратегиясига таяниб, махсус "аёллар мактубини" яратади. Адабиётшунос олимлар бу атама ёзма ва оғзаки мулоқотда китобхонларнинг

---

\* Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, фаосафа доктори (PhD). [Hulkar\\_m@yahoo.com](mailto:Hulkar_m@yahoo.com)

кенг қўллашига қарамасдан, "адибалар насри" концептининг мавжудлигини таъкидлашади. Шу билан бирга, унинг таърифларини тушуниш учун адабий луғатлардан излаш мақсадга мувофиқдир. Инглиззабон мамлакатларда, хусусан Англия ва Америка адабиётларида "адибалар насри – female prose", "аёллар адабиёти- women writings" ва "аёллар романи – women novels", каби атамалар тез-тез учрайди. Адибалар насри илмий адабиётларда турлича ифода этилади. Хусусан, “The Encyclopedia of the Novel – Роман Энциклопедияси”да “women writings developed the concept of a feminine writing that could expressed as well as female authors – адибалар насри аёллар томонидан ёзилганлигини ифода этишини” [The Encyclopedia of the novel, 2001: 350] кўрсатади. Тадқиқотчилар Ж.Томкинс ва Л.Берлантлар эса “Women’s genres such as melodrama and sentimental fictions in producing national identity - адибалар насрида мелодрама ва муҳаббат романлари ўзига хос тарзда ифодаланишини” [Berlant 2008: 48, Thompkins 1985: 56] таъкидлаб ўтишади. Пенгуин адабиётшунослик назарияси ва терминлар луғатида эса адибалар насрининг муҳим жиҳатларидан бири бу “Women writing that is essentially, characteristically feminine or female in language and style – адибалар насри асосан аёлга хос тил ва услубда талкин этилиши” [The Penguin Dictionary 1998:336] изоҳланади. “Роман энциклопедияси” да “Female authored novel demonstrates a set of womanist attributes often operating in the interests of communal creation – муаллифи аёл бўлган асарларда аёлнинг кизиқишларига кучли эътибор берилиши” [The Encyclopedia of the novel, 2001: 856] қайд этилади. Адабиётшунослик атамалари луғатида эса “Feminine writings- feminine subject matters in literature written by women; specify the traits of a woman language, feminine style of speech – аёллар насри – аёллар томонидан яратилган адабиёт; қолаверса аёлга хос тил, аёллар нутқини аниқлашда” [Glossary of Literary terms: 1999: 91] кузатилиши изоҳланган.

Инглиз адабиёти тарихига назар ташласак, юқорида кўрсатиб ўтилган атамаларнинг хусусияти яъни адибалар насри ва уларга тегишли бўлган хусусиятлар энциклопедия ва адабиётшунослик атамалари луғатларида бир-бирини тез-тез такрорлайди.

XIX аср инглиз адабиёти вакиллари бўлган опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот, Элизабет Гаскелл каби адибалар ижодида бир-бирига боғлиқлик ва уларнинг қисман бир-бирига ўхшаш томонлари мавжуд бўлиб, бу ўхшашликлар асарлар динамикасида кузатилади.

Адибалар насрининг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи элементлар ҳиссиёт, романтика ва ғайриодийлиги билан ҳам ажралиб туради. Бундан ташқари, адабиётнинг барча жанрларида аёллар томонидан яратилган романлар катта аудиторияли китобхонларни ташкил этган.

Адибалар насри масаласи ўзбек адабиётида инглиз адабиётига қараганда поэзия шеърляти билан фаркланади. Асосан тазкира жанрида ижод қилган ўзбек шоирлари хонликлар давридан бошлаб яққол кўзга ташланади. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти контекстида, аёллар адабиётини ажратиб олиш бир нечта омиллар билан боғлиқ: биринчидан муаллиф “аёл, иккинчидан асосий қаҳрамон “аёл, учинчидан “асарда кўтарилган муаммо аёл тақдири билан узвий боғлиқ. Атроф-муҳитдаги воқеликка аёл руҳиятидан келиб чиққан ҳолда аёл нуктаи назари билан қараш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Замонавий ўзбек ижодкор аёллари ўз асарларида шижоат билан янгича услублар, янгича мазмун ва янги шакллар қўллай бошладилар. Бу адиба ва шоираларнинг ижоди ўзига хос бўлиб, ижодининг асосини аёл образини яратиш ташкил қилади. Лекин аёл образига ёндашишда ўзгаришларни кўриш мумкин. Энди уларнинг аёл қаҳрамони бутунлай эзилган, мазлума, ҳақ-ҳуқуқсиз ёки қўшхотинликнинг қурбони бўлган муштипар ўзбек аёли эмас, саводли, иродали, курашувчан, мақсад сари

интилувчан замонавий аёлдир. Албатта унинг муаммолари кўп, бу муаммолар шахсий ҳаёти, оиласи, эри билан боғлиқ. Аммоаёлнинг уларга муносабати, характери олдингига нисбатан бошқача тус олди. Шоиралар ижодида аёл олами, аёл тақдири, аёл образи турли рангларда жилваланди. Улар ҳаётнинг, турмушнинг бир қарашда арзимасдек кўринган икирчикирлари ҳақида ёздилар. Улар қаҳрамонларнинг батафсил портретини яратишдан қочиб, ҳаётнинг тасодифларга бойлигини, бир лаҳзали ёки узукюлуқ таассуротлар билан тўла эканлигини кўрсатиб бердилар ва мана шу лаҳзаларни тўхтатиб уларга ходиса характерини бахш эта олдилар. Аёл ижодкорларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг асарларида кўтарилаётган мавзулар кўлами, уларнинг бадиий маҳорати ҳақидаги энг мухтасар мулоҳазаларимизни билдиришдан иборат. Адабиётни даврлаштириш муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга эканлиги ҳаммаизга маълум. Адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг таъбири билан ифодалаганда, ҳар қандай даврлаштириш ўша адабиётнинг тарихий тараққиёт босқичларини белгиламоқдир.

Тараққиёт босқичларини белгиламоқ эса, хос жиҳатларини аниқламоқдир. Булар эса, ўз навбатида, уни ўрганиш ва ўргатишнинг асосий омилларини ташкил қилади [Қосимов 2006]. Албатта, аёллар адабиётини миллий адабиёт тараққиётидан айро ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича илмий баҳслар то ҳанузгача давом этмоқда [Раҳмонов 2016: 6]. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Гап шундаки, барча даврларда ҳам аёллар ижоди бир текисда ривожланмаган. Масалан, хонлиқлар давридан бошлаб аёллар ижоди яққол сезилади, лекин унга қадар бу адабиёт ривожланган давр ҳақида маълумотлар жуда оз. Бунинг асосий сабабларидан деб эса исломда аёлнинг ҳуқуқларини нотўғри талқин қилиш, ва бунинг оқибатида аёлларнинг аксарияти хат-савод чиқариш имконига эга бўлмагани, саводли аёл ижодкорларни ҳам тилга олиш ноўрин деб қаралганида дейиш мумкин. [Изоҳ: 1876 йилда

Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи хисобланган эркаклар ва аёллар тўлиқсиз гимназияси очилган]. Жадидушнос олим З.Абдирашидов ўз мақолаларидан бирида “Туркистон вилояти газети”дан бир мисол келтиради. Унда айтилишича XX аср бошларида (1912 йил, №72) мазкур газетадаги бир мақолада аёл ва эркакнинг тенгсизлигини шариат нуқтаи назаридан исботлашга уриниш ҳолати кузатилади. Ва, умуман, анча пайтгача аёлларнинг савод чиқариши шарт эмас, улар ибодат учун лозим бўлган дуо ва оятларни билса кифоя деб хисобланган.

Шуларни эътиборга олган ҳолда С. Сотиболдиева ўзининг “Аёл руҳияти мусаввирлари” номли мақоласида аёллар адабиётини қуйидагича таснифлаб ўрганишни таклиф қилади:

Хонликлар даври аёллар адабиёти.

Истиклолга қадар аёллар адабиёти.

Истиклолдан кейин аёллар адабиёти.

Биз эса С.Сотиболдиеванинг фикрларига қўшилган ҳолда баъзи мулоҳазаларимизни ҳавола этмоқчимиз. Биринчидан, ўзбек адабиёти контекстида, аёллар адабиёти терминини киргизиш ўринли деб ўйлаймиз. Бироқ, аёллар адабиёти фақат аёлларнинг ўзигагина тегишли бўлган адабиётни кўзда тутадигандек таъсирот қолдирмаслиги зарур. Европа адабиётида бу термин аллақачон муомалага киритилган бўлиб, бугунги кунда жуда кўп ижодкор аёлларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Жумладан, машҳур рус шоираси Анна Ахматова ҳам уни шоира дейишларини истамай мен шоирман деганида айни шу масалаларга урғу берган эди. Ёки ҳозирги замон немис адабиётининг ёрқин намоёниси Элфида Элинек “Менинг асарларим ҳам адабиёт дунёсининг бир бўлагидир ва улар “аёллар бурчагига тегишли эмас” деган эди”. Ёзувчининг асарлари немис тилида сўзлашувчи давлатларда жуда катта тиражларда нашр қилиниши, пьесалари театр сахналаридан тушмаслигига қарамай, унга “Аёллар адабиётининг ёрқин вакиласи” дея таъриф берилиши, асарларини эса “Аёллар

адабиёти” деган ёрлик ёпиштирилган пештахталарга кўйилиши адибни қаттиқ ранжитгани аниқ. Ҳақиқатан ҳам Зулфия, Саида Зуннунова, Фарида Афрўз, Зебо Мирзо, Саломат Вафо ижодини эркак аёллигидан қатъий назар барча қизиқиб мутоола қилади. Шу каби масалаларни инобатга олган ҳолда аёллар адабиёти истилоҳи адабиётни жинсга ажратиш маъносида эмас, аёл ижодкорлигини тан олиш ва чуқурроқ ўрганиш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилади.

С.Сотиболдиева ўз мақоласида аёллар адабиётини фақат хонликлар давридан бошлаш керак, унга қадар аёл ижодкорлар бўлмаган деб ҳисоблайди. Биз эса бу қараш баҳсли деб ўйлаймиз. Негаки хонликлар даврига қадар ҳам бир қанча аёл ижодкорлар бўлган. Улар ҳақидаги маълумотларни асосан тазкираларда кўришимиз мумкин. Маълумотлар шуни кўрсатадики, XIV асрда яшаган хоразмлик Пошшо хотун ўзбек аёл ижодкорларининг дастлабки вакиллариандир. Хонликлар даврига қадар аёллар ижоди деярли ўрганилмаган. Бу давр аёллар ижодини асосан тазкиралар орқали биламиз. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида учта шоира ҳақида тўхталиб ўтилганини кўрамиз. Буларнинг бири Меҳрий Ҳиротий, иккинчиси Бедилӣ ва Биче (Бибича) Мунажималардир [Ғаниева 1968: 6]. Алишер Навоийнинг даврида замоннинг ижтимоий-сиёсий шароити аёллар ҳақида маълумот йиғиб зикр этмасликка ундаган. Шу сабабли Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида 459 шоир ҳақида маълумот берган ҳолда атиги уч шоирани сўзаро айтиб ўтган. Адабиётшунос Т. Жалолов ҳам ўзбек шоирларини Зебуннисодан бошлаб ўрганган. Бизнинг фикримизча юқорида келтирилган тазкираларни изчил ўрганиш, бу давр аёл ижодкорлари ва ижоди ҳақидаги тасаввуримизни янада тўлдиради.

Мақоламизда таҳлил этилган викториан инглиз адабиёти адибалар насрига доир таҳлилларимиз доирасидан чиқиб, бевосита ўзбек адабиётига оид адибалар насрига хос бўлган



айрим мулоҳазаларни келтириб ўтдик холос. Иккала халқ адабиётига тегишли бўлган адибалар насри бир текисда кузатилмаган, аммо уларнинг ўзига хос хусусиятлари бир хиллиги аниқланади. Мана шу ҳамжихат хусусиятларни кўрсатиш мақсадида миллий адабиётимизга оид айрим фикрларни даллилаш мақсадида келтириб ўтдик.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Berlant L. The Female Complaint. Cambridge University Press 2008. –P. 168, Thompkins J. Sensational Design. Yale university press 1985. –p. 150.
2. Glossary of Literary terms. Ed. Abrams M.H. Cornell University: Heinle & Heinle. 1999. –p. 950.
3. Қосимов Б. Туркий адабиётларни даврлаштириш масаласига доир. Халқаро туркология конгрессидаги нутқидан. <http://www.ʻadabiyot.fz/adabiyotshunoslik/> адабийсухбатлар/681-мақола.хтмл (06.10.19 санада мурожаат қилинди)
4. Раҳмонов Н. Адабиёт-даврнинг акс-садоси. Шарқ юлдузи, 2016 йил, 6-сон.
5. Ғаниева С. Уларни Навоий тилга олган. Саодат журнали, 1968- №9 сон.
6. The Encyclopedia of the Novel. Ed.Melville P.L. London; Blackwell Publishing. 2011.–P. 900.
7. The Penguin Dictionary of Literary Termsand Literary theory. Ed. Gudden J.A.London: Penguin Reference. 1998. –P. 500.

## УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА КЎЧИМ ДАРАЖАСИДАГИ МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР

Султонкулова Феруза\*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятида пейзаж лирикаси, унинг бадий хусусиятлари ва табиат тасвири билан боғлиқ метафорик образларнинг ранг-баранглиги, шоирнинг образ яратиш маҳорати илмий жиҳатдан таҳлил этилади. Мақолада шоирнинг шеърларидаги кўп учрайдиган табиат унсурлари ва ҳодисалари билан боғлиқ метафорик образлар ёритиб берилади.*

**Таянч сўзлар:** *пейзаж, метафора, метафориклик, рамз, образ, сифатлаш*

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятида метафорага асосланган бадий тасвир ва ифода воситалари муҳим ўрин тутди. Шоирнинг нафосатга йўғрилган, ранг-баранг шаклларга эга, асосийси, бетакрор ва ҳеч ким томонидан қўлланилмаган метафоралари бугунги ўзбек шеъриятида етакчилик қилади. Шоир энг кўп қўллаган метафорик образлар нарса предметлар, жонзотлар, ранглар, табиат ҳодисалари ва унсурлари билан боғлиқ. Жумладан, йил фасллари Куз – хазон, барг, кузак, боғ, дарахт, мезон, ёмғир, турналар, Баҳор – майса, булут, қизғалдоқ, бойчечак, Ёз – ариқ, сув, август, саратон; Қиш – қор, туман, декабр; шамол, тоғ, дашт, осмон жисмлари: юлдуз, қуёш каби.

“Метафора шеъриятда образли тафаккур натижаси бўлиб яралади. Метафора тил ҳодисаси бўлса ҳам, ўзининг бу хусусиятини поэтик нутқдагина тўла намоён этади”. [Каримов

---

\* Термиз давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

О.1] Демак, метафоранинг бугунги кунда функциялари кенгайган, унга фақат кўчим тури сифатида қараш ноўрин. Метафорада “чинакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратилган бўлиб, у воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг барчамизга кўриниб турган ташқи ўхшашлиги эмас, бизнинг нигоҳимиздан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди”. [Курунов Д.2018:2]

Усмон Азим шеърларидаги мушоҳадалилик ва сирлиликни таъминлашда метафора ўз аҳамиятига эга. Зеро, ҳақиқий ижодкор воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг ташқи ўхшашлиги эмас, балки ички ўхшашликка асосланган ҳолда образлар яратадики, бевосита бу ўқувчини шеър аталмиш сирли ва мўжаз дунёга ошно туттиради, уни мушоҳадага, фалсафий қарашларга ундайди. Қонида туғма бахшиёналик, шоирлик бор ижодкорнинг тасаввур олами кенглиги ҳар қандай Сўзни юксак образга айлантираолишлик маҳорати – уни ўзбек адабиётида бошқа шоирлардан кескин ажратиб туради.

Шоир шеърларида кўп учрайдиган метафорик образлардан бири чироқдир.

Қоронғу.Кўринмас боғнинг этаги.

Дарахтлар ортидан тун боқар бу чок.

Айвон.Стол.Қоғоз.Рухнинг эртаги –

Чироқ шеър ёзмақда айвонда...Чироқ.

Жонсиз предметга инсон ҳолати ва фаолияти кўчирилиши метафора натижаси бўлиб, ўқувчи учун “дарахтлар ортидан” туннинг боқиши, “айвон”да “чироқ”нинг шеър ёзиши ғоятда ажиб таассурот уйғотади. *Қоронғулик*, *тун* – табиат ҳодисалари; *боғ ва айвон* – ўрин жойи, *стол*, *қоғоз* – предметлари ўзаро ассоциативлик касб этиб, ўқувчи кўз ўнгида тунда шеър ёзаётган – Ижодкор, унинг илҳом онлари ва шеърнинг яратилиш жараёнини сураатлантиради.

Чироқ – юрагимнинг чароғон ойи –

Мадҳия тўқийди бу кеча ёзга.

Яна бир шеърда чироқ лирик қаҳрамон кечинмаларига мос тарзда қўлланилади:

Сен, эй, мухаббатсиз дунёсин қурган,  
Шамолга тақдирин кўрмаган раво.  
Мен энди чироққа айланмоқчиман,  
Уйингда шифт борми – осилгани, ох?..  
Ёки шоирнинг  
Кўнглимда бир ёруғ чироқ ёқдим мен,  
Ҳамма чироқлардан йироқ ёқдим мен.  
Чироқни ёқиб қўй,  
Кўрқмасин кеча,  
Бир чироқ дунёга  
Баъзан қоровул –

мисралари ижодкор руҳиятининг турли кирралирини ўқувчига танитади. Ахир, кўнглида бир ёруғ чироқ ёққан – шоир бўлса, шеър аталмиш мўъжиза бедор тунларда ижод қилувчи шоир ижодининг маҳсули эмасми? Бир чироқнинг баъзан дунёга қоровул бўлиши, бу оламда шоирнинг ҳам эзгулик зиёсини улашишдан асло тўхтамаслигини англатади. Шоир ўта маҳорат билан жонсиз чироқ фаолияти ва ижодкор фаолиятининг нозик ўхшашлигини илғайди ва мазкур метафора орқали ижодкор шахсиятини ёритиб беради.

Усмон Азим эса кўплаб шеърларида ўлим мавзусини турли поэтик образлар орқали қаламга олади. Шоир бир шеърда “Ёнғин бир чолғуман, Мусиқам ёниш...Сен пайдо шу ёнғин беланчагида”, дейди ижодкор шахсияти ва шеър яралиши ҳақида. Зеро, истеъдодли ижодкор шахсиятида “ёлқинли юрак”нинг ёниши Ҳақиқат ва адолат каби эзгу ғояларга умидбахш этади.

Шоир ҳазон билан боғлиқ метаболаларида ҳам юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсоннинг умр сўнги ҳақидаги мулоҳазаларини ниҳоятда таъсирчан ифодалайди.

Барвақт гуллаганнинг  
Шўриши совуқ.  
Эрта ҳазон бўлган  
Нима бўлади,

Худди билмагандай сўрайвераман –

Эрта хазон бўлган

Нима бўлади?

“эрта хазон бўлган” – у дунёни бевақт тарк этган инсонлар, улар қисмати ҳақида шоир ўқувчи учун жавоби аниқ савол қолдиради. Таниқли мунаққид Қозоқбой Йўлдошев айтганидек: “Усмон Азим айтилмоқчи бўлган фикр оппа-очик кўриниб турган шеърларни кам ёзади. Одатда, унинг битганлар ўқувчини ўйга толдирадиган, сатрлар замиридаги маънони излаб топишга ундайдиган бўлади” [Қ. Йўлдошев 3.].

Шу қум зарраси ҳам – дунёнинг акси,

Унда ҳам жо эрур фано ва бақо.

Қумнинг шамолдаги ноилож рақси,

Нимани эслатди. Ўзимними ё?

қум зарраси метафораси шоир наздида – дунёнинг акси, унда фано ва бақо жо. Демак, қум зарраси инсон, ундаги фано ва бақо инсон тақдиридаги ўлим ва боқийликдир. Лирик қаҳрамон “Қумнинг шамолдаги ноилож рақси”и “Нимани эслатди. Ўзимними ё?” деган муқояси – дунёга келган ҳар бир инсон қисмат қўлидалигини таъкидлайди. Шоирнинг қум зарраси метафораси Чўлпоннинг муҳит эркига таслим бўлган сомон парча образини эслатади.

“Баҳорда юмшайди кўнгил ва тупроқ” дейди шоир барҳаётлик, хокисорлик, самимийлик ва меҳр рамзи *тупроқ* ва инсон руҳиятидаги янгилашни қиёслаб. Яна бир шеърда эса тупроқ – сабр ва инсонни мангу совуқ бағринга босадиган “маскан”.

Бунча оғир бўлмасанг, тупроқ

Бир сўз демайсан.

Қанча бесабрни кўргансан.

Бир сўз демайсан.

Биласан тинчгина ухлаймиз

Совуқ бағринга босганингдан сўнг.

“Бухорода сайр” шеърида *тупроқ* анафорик тарзда қўлланилиб, ўзига

хос кўчим ҳосил бўлган:

Тупроқ бобом

тупроқ бобом

тупроқ бобом

тупроқ бобом

тупроқ, тупроқ,

тупроқ, тупроқ,

тупроқ...

тупроқ бобом...

Адабиётшунос олим И.Ҳаққуловга бағишланган мазкур шеър халқимиз кечмишининг шонли йилларидан тортиб, қонли курашган саҳифаларигача кўз олдингизда намоён қилади. *Тупроқ* эса жафокаш юрт тимсоли бўлиб гавдаланади. Зеро, тупроқ аждодлардан авлодларга ўтиб борувчи энг муқаддас мерос. “Бу юртни Замонлар солгандир ўтга, Фақат хоки қолган ерга кўмилиб. Руҳини изласанг – Тикилган кўкка, Юракдан бўзлагин –Тушар тўкилиб. Аммо *тупроқ*... *Тупроқ* барибир азиз – Беқанот азоблар шу ерга тушган...”

Усмон Азим шеърларида шамол образи ҳам метафорик табиатга эга. Ўзбек шеърлятида ижодида метафора устувор бўлган шоир Рауф Парфи “Нарсаларга нарсадай Қарай олмасам, Ёлғиз сен сабаб Шамолларнинг онаси, ҳей асрим!” деб XX аср суронли йилларини куйлайди. Рауф Парфидан фарқли Усмон Азим шеърларида мазкур образ Инсон эркининг рамзи бўлиб ифодаланади.

Чопар шамол – товонлари ҳўл,

Чопар шамол – минг оёк, минг қўл –

Силкинади ҳар ўт, ҳар дарахт.

Бу тулпорга барибир ўнг сўл.

Йўлсизлик ҳам унга йўлдир йўл

Йўқолмаса басдир ҳаракат.

Шоир “Ўсди шамолларда юрагим ҳалол”, “Шамоллардай озод кез – Қояларга суянма” ва “О, шамол! –Беармон эркнинг фарзанди!” каби истиоравий тасвирлар ана шу рамзни акс эттиради.

Маълумки, Усмон Азим шеърларида Эрк ва Истиқлол мавзуси юқори пафосда куйланади. Бундай ғоялар ифодасини беришда метафорик образ ва тасвирлар яратиш ижодкор услубида етакчи ўринда туради.

Қўлларимни қийди занжир. Эзғилади бошимни –  
Тоғдай қуллик ерга эгди – бўйнимдан торта-торта.  
Мен ҳақ билдим бу дунёнинг катта-кичик тошини,  
Мен тошларга юзим тутдим ёшимни арта-арта.  
Бўғизларим ачишди. Ҳа, ўпкаларим ачишди.  
Ўпкам тўлди одамларнинг "оҳ"лари тўла тунга.  
"Ҳаво", дедим — томоғимга қаро қурум ёпишди,  
Неча йилки, мен ҳавосиз яшаяпман — бутунлай.[4]

“бутунлай” “ҳавосиз” яшаётган лирик қаҳрамон тутқин, у озодлик истайди, “ҳаво” дейди, “томоғи”га “қаро қурум ёпиш”ган. Шоир тўрт унсурнинг бири бўлган “ҳаво” унсурини метафора тарзда қўллаб, мустабид тузум зулмидаги халқнинг эрк ва хурлик ғояларини куйлайди.

Усмон Азим шеърларида мазкур бадиий ғоя жониворлар ва кушлар, ўсимликлар номини метафорик ифодалаш орқали ёритилади. Масалан, шоир “Чўлпон” шеърда ёзади.

Худди шундай: эшик темирдан,  
Зулфакда – қулф, қўрқувда – калит.  
Деразада занглар емирган  
Панжаралар, ташқарида – *ит*.

*Ит* аккилаб айланар – хушёр,  
Босар хафвни унутган касни...[5]

Маълумки, кўплаб халқларда ит садоқат рамзи сифатида ижобий қаралади. Бироқ шоир Чўлпон яшаган давр фожеасини

бериш учун мазкур жониворнинг салбий тасвирлайди. “Деразада занглар емирган Панжаралар”, “ташқари”сида “аккилаб” “хушёр” айланиб ётган – *um* минглаб Чўлпонлар фожеасига сабаб бўлган разил ва мунофиқлар тимсолини ифодалаган метафорик образдир.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азим шеъриятида кўчим даражасида қўлланилган метафорик образлар жонли ва жонсиз нарсаларнинг инсон ва унинг фаолиятига кўчирилиши, шахсларнинг ички дунёси руҳияти, характери, унинг маънавий оламини ёритишда асосий бадий восита саналади. Шоирнинг айрим шеърларида кўриб ўтдикки, ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар метафорик образлар натижасида янада таъсирчан ва жозибали тасвирланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси // Жаҳон адабиёти, 2014 йил, №-8.
2. Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент, “Навоий университети”, 2018. –Б.94
3. Қ.Йўлдошев Туйғулар ҳайқириғи / Гулистон 2010/№-4.
4. Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМК, 1995.– 419-б.
5. Усмон Азим Фонус – Тошкент: Шарқ НМК, 2010. – 71 б.



## ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ВА ТИЛШУНОСЛИГИДА ВИЗУАЛ ШЕЪРИЯТНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ ХУСУСИДА

Юнусова Ҳилола\*

***Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек визуал шеъриятининг турли адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилганлиги, бироқ изланиш натижалари жуда тор доирада олиб борилганлиги, тадқиқотларнинг кичик бир қисминигина ташиқил қилганлиги, лингвистик объект сифатида эса деярли ўрганилмаганлиги каби масалалар ўртага ташиланади.*

***Таянч сўзлар:** ўзбек визуал поэзияси (шеърияти), ўзбек адабиётшунослиги, ўзбек тилишунослиги, шаклий изланишлар, эксперимент шеърлар, поэтик топилма, шакл шеърлар, расм-шеърлар, рақамли шеърлар, визуал поэтик матнлар, вербал семиотика, новербал семиотика.*

Визуал поэзия – бу фақатгина бирор-бир шаклни акс этган ёки ўзига маълум бир суратларни қамраб олган шеър эмас, визуал поэзия кўриниши жиҳатдан ўқувчининг эътиборини торта оладиган ҳар қандай шеърдир. Пунктуацион белгиларни ўзгача қўллаш, турли хил шрифтларни ишлатиш, сўзни бўғинларга ажратиш, айрим ёки ҳар бир сўз учун алоҳида қатор ажратиш, рақам, аниқ фанларга оид формулаларни қўллаш ҳам муаллиф томонидан етказилмоқчи бўлган ғоя, фикрни кучайтиришга хизмат қилиб, шеърни идрок қилишда адресатга маънавий ҳамда эстетик таъсир кўрсатади.

Ўзбек визуал поэзияси хусусида фикр юритар эканмиз, бу йўналишда ижод қилишга бир қатор шоирлар томонидан

---

\* Фарғона давлат университети Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси  
[yogaist@mail.ru](mailto:yogaist@mail.ru)

мувафакциятли уринишлар бўлган. Унинг тадқиқ этилганлик даражасига келганда эса, шунини айтиб ўтиш керак-ки, илмий изланишларнинг аксарият қисми адабиётшунослар томонидан амалга оширилган бўлиб, санокли диссертациялар [Ражабов, 1995; Жўраева, 2010; Қуронов, 2019; Ражабова, 2020; Маматалимов, 2021], айрим мақолалар [Қуронов, 2010; Матжонов, 2020] ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларда [Бобоев, 2000; Матчонов ва б., 2009; Жумабобоев, 2017] ушбу масала қисмангина ёритилган. Шу кунгача ўзбек тилшунослигида визуал поэзия, хусусан, визуал поэтик матнлар, айрим изланишларни ҳисобга олмаганда [Носирова, 2020], тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Ёш олим С.Қуроновнинг тадқиқотларига кўра, ўзбек шеърлятида график шеърлар ХХ асрга келиб кенг оммалаша бошлади. Бунда шеър матнининг визуаллашуви айна бир сурат шаклида эмас, балки мисраларнинг зинапоя шаклида берилиши, сўзларни алоҳида мисрага чиқариш, бош ҳарфлар билан ёзиш орқали амалга оширилган. С.Қуронов ўзбек шеърлятидаги график шеърларнинг илк наъмуналаридан бири Чўлпоннинг “2 бош, 1 тана” номли шеъри деб ҳисоблайди [Қуронов, 2019: 18-19].

Рус тилшуноси Дарья Суховой фигурали (визуал) шеърлар, айниқса, ёш китобхонлар учун ниҳоятда аҳамиятли эканлигини таъкидлайди, чунки визуализация болалар адабиётида педагогик аҳамиятга эга [Суховой, 2008: 13]. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам визуал поэзия аксарият ҳолларда болалар учун ёзилган шеърлар мисолида тадқиқ қилинган.

Адабиётшунос Г.Жўраеванинг номзодлик диссертациясидаги учинчи боб иккинчи фасли «*Ҳажвийликнинг шаклий изланишлардаги бадиий-эстетик аҳамияти*» номи остида бўлиб, тадқиқотчи унда болалар учун ёзилган шеърларда визуал унсурларнинг қўлланилиши нафақат бадиий-эстетик завқ, балки шу билан бирга ҳажвийлик, бадиий фантазия омилларини келтириб чиқаришини баён қилиб, бундай

шеърларни “ҳажвий характердаги эксперимент шеърлар”, “поэтик топилма”, “шакл шеърлар” деб атайди. Олима ўзида визуалликни акс топтирган шеърлар муаллифлари қаторига Т. Адашбоев, Ҳ. Имонбердиев, А. Обиджон, Қ. Ўтаев, Д. Ражаб, А. Акбарларни киритиб, уларнинг назмий матнлари лисоний белгилардангина ташкил топмаганлиги ва ўз навбатида, бунинг ёш болажонлар ақл-идрокига кўрсатаётган таъсири ҳақида тўхталиб ўтади: “Шоирлар нафақат ҳарф ва тиниш белгилари, балки математик амаллар, ҳуснихат, дарсликда мавжуд бўлган ва дарс жараёнида фаол қўлланадиган сўз ва расмлардан, рақам ва ҳар хил шакллардан ҳам самарали фойдаланиб шеърлар ёздилар. Бу шеърлар ўқувчиларни топқирликка, билимдонликка ундайди, зеҳнини ошириб, тасаввур оламини кенгайтиради...” [Жўраева, 2010].

Шеърларнинг нафақат мазмунига, балки шаклига ҳам алоҳида эътибор берган адиблардан бири А. Обиджон бўлиб, унинг ижодида визуал поэзия намуналари мавжудлигига тўртта учбурчакдан ташкил топган назмий матни ишора қилади. “Шаклий томондан одатдаги шеърлардан фарқ қилувчи “Турнасаф шеър”да санокли сўзларнинг ўрин алмашиши натижасида инсон – она-юрт – яшаш мазмуни концепциясини ўзида мужассамлаштирган катга ҳаётий мазмун юзага қалқиб чиқади” [Маматалимов, 2021: 20]. Матнда ҳеч қандай тиниш белгилари қўлланилмаган бўлиб, “Ой” сўзидан ташқари қолган барчалари кичик ҳарфлардан ташкил топган. Буни З. Маматалимов шундай изоҳлайди: “Чунки мусулмон оламида ой – иймон, эзгулик, ёруғлик, рўшнолик, меҳр-оқибат тушунчаларини ифодалаб, ислом динининг асосий рамзларидан биридир. Ой сўзининг банд бошида келиши икки жиҳатдан, айниқса, эътиборли бўлиб, дастлабкисида ойнинг осмонда – баландда бўлишига ишора қилинса, иккинчиси, эзгулик, ёруғлик, озодлик, эркинликнинг энг олий кадриятлар сифатида ҳамма нарсадан устун эканлиги таъкиди сифатида эътирофга сазовор” [Маматалимов, 2021: 20-21].

А.Обиджон шеърларидаги визуаллик ҳақида ўқув қўлланмаларнинг бирида ҳам келтириб ўтилган: “Шоирнинг туркум шеърлари қўшиқ, мактуб, чўпчак шаклида яратилган. Улардаги шаклий ўхшашлик китобхонга диққатини жамлашга, асарларининг маъно-мазмунини англашга ёрдам беради. Жумладан, «Сиз эшитмаган қўшиқлар» туркумидаги «Чигирткалар қўшиғи», «Сигир қўшиғи», «Ажойибхона» туркумига доир «Тулкилар радиосида», «Қуёнлар трамвайида», «Ғалати мактублар» туркумидаги «Пўстиннинг Айиқчага ёзган хати» шеърлари шунчаки шаклий уйғунликни англамайди, балки, аксинча, уларнинг ҳар бирида кичкинтойларда ҳайрат туйғусини кўзгашига қодир қувноқ юмор билан йўғрилган теран ҳаётий маъно бор» [Матчонов ва б., 2009: 66]. Одатда, лексик бирликлардан ташкил топган визуал поэтик матнларда ҳарф, сўз, сўз бирикмалари ёки гаплар саҳифада шундай моҳирона тарзда жойлаштирилади-ки, матн маълум бир тасвирни ўзида акс этади. Анвар Обиджон эса ўзининг “Ҳарфлар нимага ўхшайди?” [Обиджон, 2011: 2] сарлавҳали шеърда визуалликни юзага келтириш мақсадида бироз ўзгача йўлни танлайди. У ҳеч қандай тасвирни ҳосил қилмай, лотин алифбосидаги ҳарфларнинг ўзида турли хил суратларни кўришга муваффақ бўлиб, буни ёш китобхонларга етказишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда педагогика фанлари доктори С.Матчонов шундай ёзади: “Ҳарфларнинг хусусиятлари ҳақида қалам тебратиш ўзбек болалар адабиёти шеърлятида янги ҳодиса эмас. Бироқ Анвар Обиджон шу соҳадан ҳам янгилик излайди ва кашф қилади... Шоирнинг маҳорати шундаки, лотин алифбосидаги ўзбек ёзувининг шаклий хоссаларидан фойдаланиб, китобхон кўз ўнгида барча ҳарфларни шу тариқа жонлантиради. Бошлиқ «А» нинг «Оёғин кериб туриши», сесканган сувилоннинг «S» шаклига кириб қочиши ёш китобхон қалбида завқ уйғотиши табиий” [Матчонов, 2020: 242-243].

Тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган визуал шеърлар муаллифларидан яна бири Дилшод Ражаб ҳисобланади. Унинг

турли хил объектларнинг тасвирини лингвистик бирликлар орқали шакллантирганлиги катта маҳорат белгисидир. Муаллифнинг мазкур шеърлари “расм-шеърлар” деган ном олган.

“Д.Ражабнинг расм-шеърлари шаклий-структурал изланишлар самараси ўлароқ майдонга келган. Шоир нарса-предметларнинг поэтик образини яратар экан, сўзлар воситасида уларнинг шакли – суратини чизади. У «Танбех», «Спорт майдонида», «Миннатдорлик», «Топишмоқ шеър», «Чивинга таланган бола», «Футбол» каби шеърларида шу усулдан фойдаланиб, юмористик характердаги ўзига хос оригинал образлар яратган”, деб эътироф этади адабиётшунос Г.Жўраева [Жўраева, 2010]. Юқорида санаб ўтилган визуал поэтик матнларнинг сурат ҳосил қилган жойларини мутолаа қилишда фақатгина анъанавий чизиқли усулдан эмас, балки сўз ва жумлаларни вертикал ва диагонал йўналишлар бўйича ўқиш талаб қилинади.

Бундан ташқари, Д.Ражабнинг шеърини усулда ёзилган топишмоқларидаги ўзгача шаклий изланишлар ҳам унинг ўзбек шеърлятидаги визуалистларнинг ёрқин намоёндаси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу ҳақда Р.Ражабова қуйидаларни келтириб ўтади: “Дилшод Ражабнинг адабий топишмоқ яратишдаги шаклий-услубий изланишлари ҳам ўзига хосдир. Унинг ижодида кўпинча топишмоқ жавобларини ифодалаган сўзлар сочиб ёзилганлиги билан ажралиб туради” [Ражабова, 2020: 21].

Шу нарса қизиқки, Д.Ражаб ҳам ўтган асрнинг 90 йилларида олиб борган илмий тадқиқотининг биринчи бобидаги “Сўз қўллаш маҳорати” деб аталган биринчи фаслида айнан болалар шеърлятида учрайдиган шаклий ўзига хослик ҳақида тўхталиб ўтади (Абдурахмон Акбарнинг ижод намуналари асосида). “...сўнгги давр болалар шеърлятида кўзга ташланаётган яна бир ҳодиса – шеърлятнинг поэтик шаклини суратлантиришда рақамлардан фойдаланиш санъати хусусида ҳам сўз юритилади. А. Акбарнинг “Рақамли шеърлар” туркуми

тахлили орқали сўзларнинг ёзувдаги шакли (сурати)ни ўзгартириши ва шу орқали ҳам шаклий поэтик ўзига хосликни таъминлаш” мумкинлигини қайд этади [Ражабов, 1995: 13-14].

А.Акбарнинг ўзбек шеъриятида амалга оширган новаторлиги ҳақида М. Жумабоевнинг гаплари ҳам ўринли: “Унинг рақамли шеърлари ... ўзбек болалар адабиёти учун янгилик... Ҳарфлар рақамлар билан уйқалашиб кетган бундай шеърӣй усул ёш китобхон учун ҳам хайратли, ҳам қизиқарли топилма” [Жумабоев, 2017: 316].

Ўзининг шеърларини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг график хусусиятлари ҳақида Абдурахмон Акбарнинг ўзи ҳам фикр билдиради: “Шаклни-ку топиш мумкин. Бироқ ўша шаклга мос мазмунни шеърга солиш анча мураккаб...Баъзида топган шаклингга мос шеърни йиллар давомида ҳам ёзолмайсан”. Ижодкор “Кўшалок шеър” ёзишга 3 йил ҳаракат қилганлигини тан олади. Дилшод Ражаб, Яҳё Тоға, Фаҳриёр, Исроил Субҳонлар ижодида ҳам бундай тажрибаларни жуда кўп учратганлигини таъкидлайди [Акбар, 2012: 85].

Ўзбек шеъриятида визуал поэзия намоёндалари тилга олинганда, албатта, Фаҳриёр ижодини алоҳида тўхталиб ўтмаслик визуал поэзия ҳақида ҳеч нарса демаслик билан баробардир. С.Қуронов шоир қаламига мансуб “Геометрик баҳор” шеъри устида изланиш олиб борар экан, уни ўзбек адабиёти учун янги ҳодиса эканлиги ҳамда тасвирлаш тамойили жиҳатидан кубизм йўналишига жуда ўхшаб кетиши ҳақида кўп маротаба таъкидлайди. “Шеърни ўқиркансиз, тасвирни нафақат онгингизда шакллантирасиз, балки бевосита кўзингиз билан хаёлингиздаги манзарага таъсир этасиз. Яъни сўз билан чизилаётган тасвир маълум белги билан параллел келтириларкан, тасаввур этилган манзара ва кўрилаётган белги онгингизда беихтиёр қоришиб кетади”, деб ёзади адабиётшунос олим [Қуронов, 2010: 170]. Ҳақиқатан ҳам, Фаҳриёрнинг фалсафий қарашларга бой назмий матнлари

визуаллаштирилиши ҳисобига улардаги метафориклик даражаси икки баробар кучаяди.

Ўзбек визуал поэзиясини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ҳақида, афсуски, бирор нима дейиш қийин. Ўзбек тилшунослари учун бу деярли ўрганилмаган соҳа ҳисобланади. Бу борада поэтик матнларнинг прагматик хусусиятларини ўзининг тадқиқот объекти сифатида ўрганиб чиқаётган тилшунос олима У. Носирова шундай деб ёзади: “Ўзбек тилшунослигида .... шеъринг матннинг график ифодаси, шеъринг матнда шакл ва мазмун уйғунлиги ва унинг ўзига хос прагматик хусусиятлари ҳали ечимини топган эмас” [Носирова, 2020: 114]. Олима биринчилардан бўлиб ўзбек визуал шеърининг, хусусан визуал поэтик матнни прагмасемантик жиҳатдан таҳлил қилишга муваффақ бўлиб, бунда унинг композицияси учун танланган график воситалар ва лексик бирликларнинг ифода усулларини ҳам инobatга олиш лозимлигини таъкидлайди. Хусусан, матн параграфемикаси, яъни шеъринг матнларнинг умумий график кўриниши, уларда тиниш белгиларининг мақсадли ифодаси, бош ҳарфлар билан ифодалашнинг ман мазмунини очишдаги ўрни ва уларнинг когнитив-прагматик хусусиятларини Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Фахриёрларнинг шеъринг матнлари таҳлилида кўрсатиб беради [Носирова, 2020: 117-135].

Хулоса қилиб айтганда, визуал поэзия бу шунчаки ёзув ва тасвирнинг уйғунлиги эмас, бу ҳали тўлалигича тадқиқ қилинмаган алоҳида қоришиқ санъат туридир. Бу соҳадаги изланишлар адабиётшунос ва тилшуносларнинг биргаликдаги сай-ҳаракатлари орқалигина яхши натижалар бериши мумкин. Ўзбек визуал поэзиясидаги намуналар ўта ранг-баранглиги билан ажралиб турмаса-да, улар орасида семиотика, прагматика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, лингвокултурология каби қатор соҳаларнинг объекти сифатида ўрганиб чиқишга арзирли мисоллар кўп.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Akbar, A. G‘aroyib avtobus (she‘rlar, topishmoqlar, tarjimalar, yosh qalamkashlarga adabiy saboqlar). – T.: “O‘qituvchi”, 2012. – 104 б.

2. Бобоев, Т. Адабиётшунослик асослари.-Т., Ўзбекистон, 2000. – 560 б.

3. Jumaboyev, M. Bolalar adabiyoti va ifodali o‘qish / Kasb-hunar kollejarining “Maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyachisi” yo‘nalishi o‘quvchilari uchun darslik 2-nashri /—T.: “Voris-Nashriyot”, 2017. – 376 б.

4. Жўраева Г. Ўзбек болалар шеъриятида ҳажвий образ яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дисс.автореф. – Тошкент, 2010. - 31 б.

5. Маматалимов З. Анвар Обиджон шеърятининг бадий-маърифий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. док. (PhD)... дис. автореф. - Тошкент, 2021. - 59 б.

6. Matjonov, S. Beg‘ubor tuyg‘ular talqini //O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA ORTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI GLOBAL TA’LIM VA MILLIY METODIKA TARAQQIYOTI mavzusidagi IV an’anaviy respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. Toshkent -2020. – B. 241-245.

7. Матчонов, С., Қурбониёзов, М. Болалар адабиёти: ижодий услубий изланишлар. Ўқув қўлланма. –Т.: 2009. – 89 б.

8. Носирова, У. И. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари/Монография/”Classic”, 2020. - 156 б.

9. Obidjon, A. Mushukbibi miyovladi uoki jonivorlar bilan so‘zlashuv: mittivoylar uchun yo‘riq. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 16 б.

10. Ражабов, Д. Э. 80- йиллар узбек болалар шеъриятида поэтик маҳоратнинг айрим масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф.- Тошкент, 1995. - 29 б.



11. Ражабова, Р. Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси (насрий эртақ ва топишмоқ мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. док. (PhD)... дис. автореф. - Бухоро, 2020. - 56 б.

12. Суховой, Д. А. Графика современной русской поэзии: автореф. дис. ... канд. филол. наук / Д. А. Суховой. – Санкт-Петербург, 2008. - 28 с.

13. Куронов, С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси: Филол. фан. бўйича фалс. док. (PhD)... дис. автореф. - Тошкент, 2019. - 50 б.

14. Куронов, С. Шеърятда геометрик изланишлар // Шарк юлдузи, 2010. – №3. – Б.167-173

## ТОНИ МОРРИСОН АСАРЛАРИДА БОЛАЛАР ХАРАКТЕРИНИНГ ТАСВИРИ

Эшонқулова Гулрух\*

*Аннотация:* Ушбу мақолада Америка адабиётининг ёрқин ижодкори Нобель мукофоти совриндори, Тони Моррисоннинг 2 та романи танлаб олиниб, улардаги қаҳрамонларнинг болаларча орзу-умидлари, бир сўз билан айтганда қаҳрамонлардаги болалар характерининг тасвирланиши ҳақида қисқача сўз боради.

*Таянч сўзлар:* мовий кўзлар, қиз, бола, ота-она, характер, меҳр-муҳаббат, севги, зўравонлик, қора танли, ирқчилик.

Биз ҳам бу мақоламизда Америка адабиётидаги ёрқин ёзувчи Тони Моррисоннинг асарларини қисқача таржима амалиётини кўриб чиқамиз.

Тони Моррисон бизга Нобель мукофоти бўйича дунёдаги биринчи аёл совриндори сифатида маълум. Унинг асарлари Нобель мукофотидан ташқари бир қанча мукофотларни олган, жумладан Пулитсер, Миллий Китоб, Анисфолд-Вольфа кабилар.

Моррисон асарларида жуда кўплаб мавзуларни ёритиб беради. Биз бу мақоламизда ана шу мавзулар ичида болалик мавзуси, яъни болалар образига ёзувчи қай тариха ёндашганлигига асосий эътиборимизни қаратамиз.

1970 йилда ёзувчи ўзининг биринчи романи “Мовий Кўзлар”ни ёзади. Унда воқеалар ривожини Огайо штатининг Лорайн шаҳрида бўлиб ўтади. Романда Пикола исмли қизча ўзининг ташқи кўринишидан уялиб, гуёки ўзининг мовий кўзлари орқали чиройли бўлиши учун интилгани акс эттирилади. Бу ёшгина қизча мовий кўзлар мўжизаси учун

---

\* ЎзДЖТУ, ўқитувчи, [gulroeshonqulova@gmail.com](mailto:gulroeshonqulova@gmail.com)

ибодат қилар экан, унинг шахсий ҳаётига юракни жунбушга келтирадиган бурилишлар келади. Пикола камбағалликда ўсган, ота-онасининг жанжалларини кўрган, маҳалла ва мактаб жамоатчилиги томонидан хунук қизга чиқарилган, ғамгин пассив қизча сифатида гавдаланилади. Романда Пикола ҳаётига зид бўлган яна бир оила тасвирланади. Ичкиликка ва шахвоний омилларга муккасига кетган отаси томонидан икки мартаба зўрланган Пикола ҳомиладорлиги туфайли уйдан қочиб кетишга мажбур бўлади. Пиколанинг тутинган сингиллари Клаудия ва Фрида унинг боласини асраб қолиши учун велосипед сотиб олиш учун йиққан пулларига гул олиб экишади. Агар гуллар очилса, Пиколанинг боласи яшаб кетади деб умид қилишади. Лекин бу гуллар ҳечқачон гулламаслигини улар билишмасди. Афсуски, муддатидан олдин туғилган чақалоқ вафот этади. Тушкунликка тушиб қолган Пиколанинг ички кечинмалари уни тинч қўймайди. Бир томонда уни зўрланганлиги, иккинчи томондан эса ҳаётини ўзгартириши учун мовий кўзларга бўлган ҳиссиётлар унга тинчлик бермасди.

Пикола асар охирида оилавий шароити сабабли чиройли ва бахтли бўла олмаганлиги учун бу дунё ташвишларидан қочган-ақлдан озган қиз. У фақатгина мовий кўзлари бўлсагина бахтли бўлишига ишонади.

Клаудия Мактер Пиколанинг боқиб олган ота-онасининг фарзанди, Фриданинг синглиси қора танли 9 ёшли қизча. У Пиколанинг энг яқин дўсти, романни ҳикоя қилувчи, мустақил, етук, эҳтиросли қиз сифатида гавдаланади. Тони Моррисон бу қахрамонни Пиколанинг акси сифатида тасвирлайди. Клаудия оқ танлиларни ёмон кўрадиган, улардан нафратланганлигидан ҳаттоки оқ кўғирчоқларини йўқ қилганлиги ҳақида ёзилган романда. У барқарор муҳитда ўсган, ўзига ишонган бола образида ёритилган.

Фрида Мактер Клаудиянинг 10 ёшли опаси, Пикола ва синглисига қараганда дунёқараши кенгрок, жасур ва қатъиятли, кези келганда ўжар қиз.

Сэм Бредлов Пиколанинг акаси. Сэмнинг иштироки романда минимал даражада берилган. У ҳам Пикола сингари уйдаги номутаносибликдан азият чеккан ва бу муҳитдан қочиб кетган бола сифатида гавдаланади.

Маурин Пикола билан тенгдош ёрқин, яшил кўзли, орзулари осмон узун сочли қиз сифатида тасвирланади. Маурин ўзига бино қўйган, қора танлиларни менсимайдиган қиз.

Луис Гералднинг ўғли бўлиб, Пиколани безориликда айблаб, онасининг севимли мушугини тасодифан ўлдирганликда айблайди.[Gordon, 1997: 120].

Моррисон бу асардаги Пикола характери орқали ирқчилик инсоннинг ўзига бўлган ишончи ва кадр-қимматига салбий таъсирини кўрсатиб бермоқчи бўлади. [Morrison, 2008:34]. Бу асар болалардаги саводхонликни ривожлантиришга омил бўлди. “Мовий кўзлар” болалар адабиётини жинсий зўравонлик озод қилиш ҳақидаги мавжуд муносабатларга қарши чиқди.

Тони Моррисон берган бир интервьюсида бу асари ҳақида: “Улар кўрган хўрликларнинг чек-чегараси йўқ. “Мовий кўзлар” романи қаҳрамонини бир эсланг. Ўша қаҳрамон бу дунёда рўшнолик кўрмаслик қисматига лойиқ эдими? Туну кун терисининг ва кўзларининг рангини ўзгартиришни Яратгандан сўрайди. Бироқ мўъжиза рўй бермайди. Уни ҳаёт хўрлайди, яқинлари таҳқирлайди, жамият эса адойи тамом қилади. Қўлимга қалам олганимда, асосий мақсадим аёл кўнглидаги яширин ҳисларни қоғозга тўкиб солиш эди. Мен шундай асар яратаманки, аёл ёзувчиларга ола кўз билан қарайдиганлар уялиб қолсин, деб ният қилган эдим. Шукур, ниятимга етдим” дея таъкидлайди. [ ibodat.html].

Моррисоннинг болалар образига асосий урғу берилган кейинги асари бу “Раббим, болани қўлла”дир. Роман Тони Моррисоннинг ўн биринчи романи ҳисобланади. Романда енгилтак ота-онаси томонидан рад этилган ёш кўк-қора танли қизча ҳақида ривоят қилинади.

Асарда Анна Брайдли бўйлари баланд, қомаги ўзига ярашган, фақат оқ рангда кийинадиган сарқомак чиройли аёл сифатида тасвирланади. Аммо у ўзининг гўзаллигини ва кийиниш услубини билмас эди. Болалигида онаси унинг ўзгача эканлигидан жазолар ва бу ҳолат бора-бора ота-онасининг никоҳига яқун ясайди. Отаси Луи Брайдни ўзига ўхшамаслиги учун меҳр бера олмайди ва қизининг шундай туғилишига аёлини айблайди, унга бегона сифатида қарай бошлайди. Брайднинг хиёнатда айбланган онаси ҳаётидаги ўзгаришлар сабабли ўз қизига бўлган нафратини яшира олмайди, она деб қақиришининг ўрнига Свитнес деб номланишини талаб қилади [Morrison, 2015:6].

Брайд меҳр-муҳаббатсиз, севгисиз, кечиримсиз катта бўлади. Унинг онаси ўз наздида гўёки, шавқатсиз бу дунёдан уни жазоламаслик учун ҳимоя қилаётганлигини аниқ кўрсатиб тарбиялайди. Қизининг терисининг қора бўлганлиги сабабли жамият олдида мулзам бўлиб қолмаслиги учун ғамхўрликсиз, ҳаётдаги қийинчиликларга тайёр туришдай қилиб тарбиялайди.

Ўз ота-онаси томонидан, кейинчалик отаси ташлаб кетгандан сўнг онасидан меҳр-муҳаббат кўрмаган Брайд онасини ташлаб, янги ҳаётга қадам ташлайди, фақат оқ рангдаги кийимлар ва шляпалар кийиб, косметика компаниясини бошқарсада, лекин унинг болалик хотиралари ич-ичида яшарди. Брайд янги ҳаётга қадами йўлида Букер исмли йигитни севиб қолади, лекин уни ўтмишидан хабар топган Букер томонидан рад этилгандан сўнг, Кэлин яна олдинги ўша қорамағиз қизга қайтади. Брайд ўтмишидан қочиб қутула олмаслигини тушуниб етади. Унинг гўзаллиги ёрқин тасвирланган романда. Онаси унинг терисидан шикоят қилганда у шунчаки бу ранг, ирсий хусусият бу нуқсон эмас, неъмат ёки гуноҳ ҳам эмас дея жавоб беради [Charles, 2015:3].

Роман ҳақида қарашлар, турли хил фикрлар ижодкорлар томонидан билдирилади. Жумладан, “Яъни бу замонавий мавзуларни ёритишда Моррисон болаларга бўлган ҳар қандай

муносабат ҳеч қачон унитилмас эканлигини уқтирмоқчи бўлади. Бу романда суистеъмоллик меъроси акс эттирилган, вояга етган одам учрайди. Ва бу ерда хайратга тушадиган кўп нарсалар бор: истиқболли, ёрқин тил ва катта мавзунинг қийинчиликларига қарши курашдаги жасорат. Ажабланарлиси шундаки, Моррисоннинг баъзи қаҳрамонлари, уларнинг ҳикоялари хаёлимда қолган бўлсада, саҳифаси жуда дидактик”- дейди Razia Iqbal [Iqbal, 2015:3].

Колоризм мавзусида ёзилган бу романнинг бош қаҳрамони Брайд қорамағиз, ўзига ишонган аёл, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари онасининг севгисидан воз кечишга, аксинча уни шавқатсиз суистеъмол қилишга мажбур қилади. Нега? , “ Раббим, болани кўлла”. Романнинг бундай деб номланиши балки, яқинлари томонидан рад этилган қизчанинг хаёти давомида яратганнинг кўллаганлигидан ютуқларга эришганлигидадир, ёки шавқатсиз бу дунёда қизининг қоқилмаслиги учун туриб бера оладиган қилиб тарбиялаб, онанинг яратгандан қизи учун паноҳ сўраб, илтижолари ва кўллашини сўраганлигидадир, балки Букерни излашга йўлга тушганида қоронғу ўрмонда ночор аҳволда қолганлигида Худо унга ёрдам бериб кичкина онаси томонидан фоҳишалikka сотилган Рейн исмли қизчани юборганидадир. Романда Брайд шуни англаб етадики, ундан воз кечган Букерни излаш воқеасида унинг акаси болалар ўғрилари томонидан олиб қочишиб ваҳшийларча ўлдирилганлигини ва у акасининг хотираси билан яшаётганлигини эшитиб, Брайд яна ўша болалик йиллари ўтмиш чандиқлари билан яшайдиган одамлар борлигига амин бўлади.

Роман Брайднинг қариялар уйида яшаётган онаси билан тугайди. У Брайд ва Букернинг фарзанди бўлганлигидан хурсанд бўлсада, лекин у ҳечқачон набирасини кўра олмаслигини айтади.

Бу иккала романда биз Моррисоннинг иккита ёш қизчалар орқали болалар образини тасвирини қисқача кўриб чиқдик.

Аслида бу романлар оила ва болаларга қандай муносабатда бўлишлик ҳақида. 1995 йилда Харвард университетидаги мурожаатида Тони Моррисон: “Бизнинг болаларимиз бизлар учун улардан муҳимроқ нарса йўқлигини билишлари жуда муҳим. Агар болаларимиз ўзларини шундай ўйламасалар, агар улар ўзларини муҳим деб ўйламасалар, улар ўзларини дунё учун муҳим деб ҳисобламасалар, бу биз уларга айтмаганимиз учун, биз уларга бизнинг ўлмаслигимизни айтмаганмиздандир”. [Hoby, 2017:56].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Gordon, Lewis (1997). Existence in Black: An Anthology of Black Existential Philosophy. Routledge. p. 120.
2. Morrison, Toni (2008). "Toni Morrison Talks About Her Motivation For Writing". Youtube. National Visionary Leadership Project p.34
3. <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/toni-morrison-yozish-yozuvchi-uchun-ibodat.html>
4. Morrison, Toni (February 9, 2015). "Sweetness".p.6 The New Yorker. Retrieved April 15, 2015.
5. Charles, Ron (April 14, 2015). "Toni Morrison's familiar, flawed 'God Help the Child'".p.3 Retrieved April 15, 2015.
6. Iqbal, Razia (April 9, 2015). "God Help The Child by Toni Morrison, book review: Pain and trauma live just under the skin".p.3The Independent. Retrieved April 15, 2015
7. Hoby, Hermione (April 25, 2015). "Toni Morrison: 'I'm writing for black people ... I don't have to apologise'". The Guardian. Retrieved April 29, 2017.p.56

## ТОНИ МОРРИСОН ИЖОДИДА БОЛАЛИК МАВЗУСИ

Эшонқулова Гулрух\*

*Аннотация:* Ушбу мақолада Европа ва Америка адабиётдаги болалик мавзусида яратилган асарлар ва ёзувчиларнинг назарий қарашлари кўриб чиқилади.

*Таянч сўзлар:* адабиёт, болалар, назарий қарашлар, эртакчилик, асарлар.

Асарлар мобайнида адабий жараённинг ривожланиши оқибатида адабиётшуносликдаги оғзаки ижод санъатининг турли соҳаларида, хусусан болалар ва ёшлар учун адабиётда ижобий жадаллашиш юзага кела бошлади. Ёзувчиларнинг асарларида болалар ва ўспиринлар мавзусига, образига алоҳида урғу берилди бошланди, айниқса Европа ва Америка адабиёти ёзувчиларида.

Болалик ва болалар образларининг бадиий тушунчалари, Инглиз ва Америка адабиёти тарихида индивидуал муаллифлар ижодидаги илмий тадқиқотлар ўша юрт маданияти ва менталитети тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Адабиётшунослик, психология, сотциология, фалсафа, маданиятшунослик, эстетика каби турли илмий фанларнинг манбаларига таянган ҳолда, Инглиз ва Америка адабиётида бола образининг келиб чиқиш муаммосини ўрганишда комплекс ёндашувдан фойдаланилади. Яъни, “болалик” концепциясига шахснинг ижтимоий ривожланиш даражасини статистик меъёр билан, ақлий ёш билан, ички рамкага эга бўлган субъектив равишда тажрибали ёш билан ўзаро боғлиқлик билан ўлчанадиган биологик ёш, ижтимоий ёш ҳам киритилади [Фатаев, 1999:414]. Тарихий жиҳатдан болалик тушунчаси етукликнинг биологик ҳолати билан эмас, шахснинг маълум бир

---

\* ЎзДЖТУ, ўқитувчи, [gulroeshonqulova@gmail.com](mailto:gulroeshonqulova@gmail.com)



ижтимоий мавқеи, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доираси ва у учун мавжуд бўлган фаолият шакллари тўплами билан боғлиқ.

Л.И.Божович, Л.С.Виготский, В.С.Мухина, Л.Ф.Обухова каби маҳаллий ва хорижий психологлар болалик моҳиятини ва унинг асосий давлари хусусиятларининг назарий масалаларини ўз асарларида ишлаб чиқишган. Адабиётшуносликдаги ёзувчилар асарларидаги бола образи маълум бир ғоя асосида қурилади ва ёзилади. Манбалардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, рус адабиётшунослиги деярли Инглиз ва Америка адабиёти тарихида боланинг имиджини ривожлантиришга қаратилган аниқ ва пухта тадқиқотларни билмайди.

Англиядан фарқли ўлароқ, Америкалик ёзувчилар бола образида демократия ҳукмрон бўлган ва ўсиш учун чексиз имкониятлармавжуд бўлган бокира ҳудуднинг рамзини кўрдилар [Noble, 1968:5]. Бошқа томондан, “Америкада боланинг беғуборлигига ҳар доим иккиланиб келинган. Бу нафақат болаларча нодонлик ҳолати, балки ҳар бир авлод билан янгиланиб турадиган етуклик идеалидир” [Carpenter, 1959:602]. Шундай қилиб, бола рамзий шахсга айланади ва кўпгина америкалик ёзувчилар Америка адабиёти олдида турган бу янги муаммони ечишга киришадилар.

Америка адабиёти асарларида яратилган бола образи назарий жиҳатдан бу унинг дунёқарашидир. Айнан шу билан бола санъатга алоҳида қизиқиш билдиради. Ж.Ж.Руссо, у санъатга ҳеч қандай танкидий хулосаларсиз қарай олади, деб таъкидлайди [Иткина, 2002:64-65]. Н.Иткина бу ғояни фақат америкалик ёзувчилар тўлиқ акс эттирган: Эмерсон ва Торо қаҳрамонларининг беғубор нигоҳи, уларнинг қизиқишлари олдида таъзим қилиш”, дейди. Марк Твендан Сэлинджергача боланинг нуқтаи назари яратувчининг нуқтаи назарига тўғри келадиган ҳақиқат деб тасдиқланади. У расмий равишда ҳукмронлик қилмаган жойда ҳам, унинг ахлоқий ва эстетик таъсири доимо сезиларлидир. Агар Гётенинг “чиройли

дақиқаси” етукликнинг энг юқори чўққиси бўлса, унда америкалик ёзувчининг”чиройли они” болаликка тегишлидир.

Деярли болалар ҳақида ёзмаган Хемингуэй ҳар бир америкаликда бир болани кўрган ва у ўз ватандошларини “америкалик ўғил болалар” деб атаган. Болалигида америкалик ёзувчининг орзуси бир лаҳзани тўхтатиш ва уни абадийликка етказиш бўлган [Иткина, 2002:65]. Америкалик тадқиқотчи А.Э.Стоун америкаликлар томонидан боланинг романтик қиёфасини ёритишда энг катта ҳисса кўшган Ральф Уалдо Эмерсонни таъкидлайди. Ральф Уалдо Эмерсон шундай деб ёзади: “Қуёш катталарнинг кўзларида порласа, у боланинг юрагида жойлашган. Кўплаб кўзлар бу бўшлиқ устида силжийди, лекин ундаги гулларнинг атиги бир нечасинигина пайкай олади....бу бегуноҳ бола яратганнинг инъомидир” [Chapel Hill, 1969:275]. Боланинг беғуборлиги Г.Лонгфеллонинг “Болалар” шеъриятида ҳам етарлича талқин этилган. У болаларни ҳаётнинг буюк шаҳри янги туғилган денгизчига ўхшатади.

Тони Таннерс Америка адабиётида биринчи бўлиб болалар эртакчилиги пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Б.Олдричнинг “Ёмон бола ҳақида ҳикоя” романи Европа ва Америка адабиёти учун “ёмон ўғил болалар” деб номланган янги болалар образини олиб киради [Munche, 1987:24]. Бу роман инсон шахсиятининг етуклигига бағишланган ўспиринлик ҳақида сўзлайди. Лекин бу борада Марк Твеннинг ҳам ҳиссаси бепоёндр. Адиб Америкадаги XX асрга хос бўлган янги образ, яъни болаларнинг турли хил образларини акс эттиради. Марк Твен жамиятдаги кескин танқидлар учун бола образидан фойдаланиш бўйича Америка анъанасини очиб беради ва унинг асарлари 80-йилларнинг кўплаб асарларидан олдин ноёб намуна манбаи бўлиб хизмат қилади. Ю.В.Покальчукнинг сўзларига кўра: “Твен биринчи марта айнан ўспириннинг образини ғайриинсоний жамиятга қарши тура оладиган шахс сифатида олган” [Покальчук, 1969:30].

Реалист ёзувчи Чарльз Диккенс асарларида ўз қахрамонларини турли хил синовлардан ўтказди. Уларни қашшоқлик ва очлик, сабр-бардош, азоб ва қулфатлар билан синайди. Керакли жойда юморлар орқали болалар образини талқин қилади ва инсониятнинг кўплаб заиф томонларини очиб беради. Америкалик ёзувчи Стоун эса “Том амаки кабинаси” романида болалар образи орқали бағрикенглик, тенглик, қуллик ва эркинлик муаммоларини кўрсатиб беради. Инглиз ёзувчилари Т.Хьюз, Л.Т.Мид, А.Брэзил, Ш.М.Янглар ўз асарларида болалар образларини ривожлантиришга қилинган журъатсиз уринишларни баён қиладилар. Ж.К.Роулинг ўзининг қахрамони сеҳргар бола Гарри Поттер орқали дўстлик, нафрат, яхшилик ва ёмонликларни очиб беради.

Януш Корчак фикрича, болалик-бу ҳаётнинг асосидир. Тинч, тўқис болаликсиз кейинги ҳаётда нуқсонлар бўлади ва болалик энг қийин муаммоларни ҳал этиш учун ўз иродаси ва онгини кучайтиради.”асрлар давомида адабий жараёндаги оғзаки ижодкорлик санъатининг махсус тармоғи-болалар адабиёти ривожланди. Бундан ташқари, болалик ва ўспиринлик мавзулари болалар ёзувчиларидан ташқари кўплаб таниқли Европа ва Америка ёзувчиларининг диққат марказида бўлган.

“Болалар адабиёти” ва “Болалар ҳақидаги адабиёт” тушунчаларини фарқлаш керак. “Болалар адабиёти” атамаси болалар ўқиши учун мўлжалланган ва унга мос бўлган асарларни ҳам англатади, гарчи улар дастлаб катталар учун мўлжалланган бўлсада, яъни бу болалар ўқиган асарлар. “Болалар ҳақида адабиёт” асарларни ўз ичига олади, уларнинг қахрамонлари қизлар ва ўғил болалардир. Мақолада биз болалар учун қизиқарли бўлган, уларнинг қахрамонлари ва тенгдошлари бўлган асарларни кўриб чиқдик. Айнан болалар ва ёшлар учун адабий асарларни ўрганиш мактаб ўқувчилари ўртасида уларнинг дунёқарашига асос бўлган устивор тизимини шакллантиради. Унда кадриятларнинг қуйидаги тоифаларини ажратиш мумкин: ҳаётий кадриятлар (табиат, тинчлик, ҳаёт,

инсон, жамият, эркинлик, муҳаббат, дўстлик, зўравонлик қилмаслик, меҳнат, соғлиқ, оила);билим кадриятлари (билим, ҳақиқат, ижодкорлик); ахлоқий (эзгулик, адолат, инсонпарварлик, виждон, ахлоқ, бағрикенглик); эстетик (гўзаллик, уйғунлик); Ватаннинг қадри (ватан, ватанпарварлик, фуқаролик). Болалик мавзуси турли хил эстетек ва адабий йўналишлар вакиллари томонидан ҳар хил талқин қилинган. Хусусан, романтизм йўналишига мансуб ёзувчилар болалик мавзусини тақдим этишда ҳақиқий ихтирочиларга айланишди. Романтик дунёқарашдаги санъат мукамал, супратемпорал дунё. Болада санъатнинг ролини ўйин ўйнайди. Сюжет, қоида тариқасида, яхши бошланиш ғалабаси, ишончли қозониш билан яқунланади. Ўйин болани ўзига синдириб, уни ҳақиқат дунёсига кўшиб кўяди. Бола кўғирчоқлар дунёсининг шахзодаси бўлиб, унда севги, бахтга бўлган ҳуқуқни ютади. Романтик ёзувчилар болалик ва ўспиринлик мавзусини амалга ошириш учун эртақлар, масаллар жанридан кенг фойдаланганлар. Эртақларда дунё унга муҳаббат, дўстлик, инсонпарварлик ғоялари асосида боланинг ўзи томонидан моделлаштирилган.

Асарлари энг кўп сотилган, инглиз тилида бошқа асарларга ўхшамайдиган ёрқин асарлар ёзган, Америкадаги қора танли аёлларнинг аянчли ҳаётларини ўз асарларида сўзлаган, Нобель мукофоти совриндори -Тони Моррисонни ҳам болалик мавзусига бўлган қизиқиш четлаб ўтмади.

Моррисон ўғли Слэйд Моррисон билан биргаликда болалар китобларини ёзади. Жумладан, “Қатта қути” деб номланган эртақда ота-онаси, ўқитувчиси ва бошқа ёши катталарнинг қоидаларига амал қиладиган уч ёш болакай тасвирланган. Лекин уларнинг ички дунёлари ўйинчоқлар, ўйинлар, совғалар билан тўла эди ва улар бир сўз билан айтганда эркинликни ишташади.

“Ёмон одамлар китоби” номли ҳикоясида болалар кундалик воқеаларини қай тарзда ҳазиломуз изоҳлашлари кўрсатилган. Ажойиб мултфильм куёни сифатида тасвирланган

Паскал исмли ақлли болакай эртақ охирида ёмонликни устидан қандай қилиб ғалаба қозонишни кўрсатиб беради.

Моррисон Ҳарвард университетида ишлаб юрган кезлари ўзининг биринчи романи “Мовий кўзлар” ни ёзади. Бу романда қора танли қизча мовий кўзлари бўлишини орзу қилганлиги акс эттирилган эди. “Мовий кўзлар” Нью-Йорк Таймсда Жон Леонардо томонидан ижобий кўриб чиқилади, у Моррисоннинг ёзиш услубини “жуда аниқ, сўзга содиқ ва роман шеърятга айланишидан ҳайратга солинадиган наср” деб мақтаган...аммо роман тарих, сотсиология, фолклор, даҳшатли туш ва мусикадир” дейилади [Leonard, 1970].

Машхур телевизион бошловчи Опра Уинфри ўзининг янги очилган Китоб клуби учун 2000 йилда Моррисоннинг “Мовий кўзлар” романини танлайди ва у романнинг 800минг нусхада сотишга муваффақ бўлади [Lister, 2009:113].

Моррисоннинг ўн биринчи романи “Раббим, болани қўлла” 2015 йилда ёзиб тугатилган. Романда мода ва гўзаллик санъатининг етакчиси, енгилтак ота-онаси уни болалигида қорамағиздан келганлиги сабабли қийнаб, ҳақоратлаганлигини, Лула Аннанинг бутун ҳаёти билан боғлиқ болалик кечинмалари тасвирлаб берилган [Pile, 2019].

Болалик мавзусининг ривожланиши ва унинг адибларнинг асарларидаги талқини ҳақида ҳозирги давргача ўрганилиб келинмоқда, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилмоқда. Бундай манбаларни ўқиган китобхонда билим даражасининг кенгайиш ҳисси уйғонади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Фатеев ЕЛО. Послесловие // Арьес Ф. Ребенок и семейная жизнь при старом порядке. — Екатеринбург, 1999.-С. 414. возрождением» («appearance of the modern literary child was closely related to the revolution in sensibility which we call the «romantic revival»).

2. Noble D. The eternal Adam and the new World Garden. The Central Myth in the American Novel since 1830. NY, 1968. С. 5. Перевод цитат осуществлен автором статьи.

3. Carpenter F.J. “The American Myth”. Paradise to be regained. PMLA, 1959. С. 602.

4. Иткина Н.Л. Указ. соч. С. 64-65.2002

5. Там же. С. 65. Интересно отметить, что современные психологи отмечают такую особенность детского доречевого сознания, как неспособность по-настоящему разделять прошлое, настоящее и будущее. Для детей все воспринимаемое является как бы: «вечно дрящимся настоящим».

6. Shine H.G. Fictional Children of Henry James. Chapel Hill, 1969с.275

7. Hagen R. Kinder, wie sie im Buche stehen. Munchen, 1987. С. 24.

8. Покальчук Е.В. Проблема молодежи в американском романе 50-60-х годов. Киев, 1969. С. 30.

9. Leonard, John (November 13, 1970). "Books of The Times". The New York Times. Archived from the original on November 13, 1970. Retrieved August 12, 2019.

10. Jump up to:<sup>a b c</sup> Lister, Rachel (2009). "Toni Morrison and the Media". Reading Toni Morrison. ABC-CLIO. p. 113.

11. Pile, Tatiana (August 12, 2019). "Toni Morrison, iconic author and activist, will leave behind an impressive net worth". AOL.com.

## **“САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ” РОМАНИДА ОБРАЗ ВА КОМПОЗИЦИЯ**

**Курбанова Мухаббат\***

***Аннотация:** Мақолада Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романидаги Ҳошимжон образи ва у билан боғлиқ воқеаларнинг яхлит композиция сифатида уюштирилишига боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Бунда муаллиф асосан, илмий назарий қарашлари асосида романни таҳлил этган. Текишириш жараёнида романнинг ташқи композицияси қисм ва боблардан, ички композиция эса образ, сюжет, баён усулидан иборат эканлиги кўрсатилган*

***Таянч сўзлар:** роман, образ, характер, қаҳрамон, сюжет, композиция, баён усули, болалар насри.*

**И.Кириш.** Аслида композиция образ, сюжет ва бадий тилни муаллиф бадий-эстетик қарашлари асосида бирлаштирувчи, уюштирувчи, ташкилловчи вазифани бажаради. “Композиция – бадий асар қисмларини яхлит бадий ният (муайян концепцияни шакллантириш ва ифодалаш, кўзланган ғоявий-эстетик таъсир) ижроси учун энг оптимал ҳолда жойлаштириш, бадий система (асар)даги унсурларни ўзаро алоқа ва муносабатлари равшан англашиладиган тарзда бутунликка бириктириш” [3.141]дир. Демак, композиция асар таркибий қисмларини ёзувчи нияти асосида бирлаштирувчи амал бўлса, романдаги образ, характерлар ўз нутқи, қиёфаси, макон ва замондаги мавжудлиги билан бирлашиб, ўзаро муносабатга киришади.

“Бадий образ борликнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва б.) санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта

---

\*Тошкент давлат транспорт университети, Хорижий тиллар кафедра ўқитувчиси [kmukhabbat2507@gmail.com](mailto:kmukhabbat2507@gmail.com)

ишланиб, ҳиссий идрок этиш мумкин бўлган шаклда ифодаланган оксидир” [4.90]. Демак, биз таҳлил қилмоқчи бўлган роман ҳам борликнинг ёзувчи томонидан қайта яратилган образи сифатида, унда муаллифнинг бадиий-эстетик концепцияси ифодаланган бўлади. Бу эса романнинг қизиқарли бўлишини, таъсирчанлигини таъминлайди. Энг муҳими, реал ҳаётдан ёзувчи ижодий ниятига тўйинганлиги билан ажралиб туради.

**II. Асосий қисм.** Худойберди Тўхтабоев романлари болалар ва ўсмирларга мўлжалланганлиги, аксарият асарларида болаларнинг фантазияси ёрдамида бадиий олам яратганлиги унинг асарларини тезда ўқувчилар орасида машҳур қилди. Айнан бола фантазияси асосида яратилаётган воқеани Ҳошимжон образи орқали баён этилиши сюжет ва баён усулининг композицион жиҳатдан яхлитлигини таъминлаган. Буни роман экспозициясидаги қуйидаги парчада кўриш мумкин:

“Танишиб қўяйлик: отим Ҳошим, эркалатиб чақирмоқчи бўлсангиз Ҳошимжон деб атайсиз. Фамилям – Рўзиев. Рўзивой тракторчининг ўғлиман. Рухсат берсангиз оиламиз ҳақида ҳам уч-тўрт оғиз сўзлаб ўтсам: дадам икки-уч йилдан бери чўлда бульдозер ҳайдаб ер текислайди, ойимнинг айтишларига қараганда ўша томонларга ҳам пахта экишармиш. Бир ойда, баъзан икки ойда бир келиб кетади. Келганида ҳар биримизга алоҳида-алоҳида совға-саломлар олиб келади. Совғанинг энг яхшиси, албатта менга тегади. Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади. Бир ўзи 24 говмишга қарайди. Ўтган йили сутни кўп соққани учун медаль олган. Ўша медални ойимдан яшириб мен ҳам икки марта тақдим. Бир марта тақиб бозорга бориб сабзи-пиёз олиб келдим, иккинчи марта тақиб мактабга борувдим, директоримиз чақириб олиб роса уришди” [2.15-16] .

Мазкур парчада ровийнинг ўзини таништириши, ота-онаси иш жойи, уларнинг меҳнат қилиши ва ўзининг шумлиги ҳақида гапирилади. Ровийнинг услубидан унинг бола эканлиги,



Ўзини яхши кўриши (энг яхши совғалар, албатта менга), акли ҳамма нарсага етмаслиги (онасининг медалини тақиб бозорга, мактабга бориши) ҳақида сўз юритилади. Экспозициядан ровий ва бош қаҳрамон Ҳошимжон эканлиги ҳақида ҳам гапириб берилади. Демак, Ҳошимжон образ сифатида сюжетнинг биринчи қисмидаёқ, ўз характериға хос жиҳатларни кўрсатади. Бу эса романнинг болаларға хос бўлишини таъминлаган. Лекин ёзувчи бу ерда яхлит ҳолатда ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаги оддий меҳнаткаш халқ ҳаётини ҳам акс эттирган. Ўшанда кўриқ ва чўлларни ўзлаштириш компаниялари кучайиб, одамлар чўлга, худди Рўзивой тракторчи каби кетган, хотини эса уч боласи ва бутун оиласиға қараган ҳамда фермада ишлаган. Шу орқали унинг матонатли аёл эканлиги ҳам тасвирланган. Шу ўринда айтиш керакки, Ҳошимжон олтинчи синфда ўқийди, ўн уч ёш, катта синглиси Ойша тўртинчи синфда ўқийди, демак ўн бир ёш, Доноҳон синглиси эса биринчи синфға боради, унинг ёши еттида бўлиб, шу пайтда бола тарбиясида отанинг ўрни муҳим бўлиб турган уни чўлга кетиб, бир, баъзан икки ойда бир келишида ҳам бола тарбиясида ижобий саналмайди. Демак, ёзувчи реал ҳаётда ота ўз уйи, болаларидан узоқлашса, ўсмир бола тарбиясида оғиш юз беришини ҳам аниқ кўрсатган. Айниқса, медаль тақишда бу кўринади.

Аслида Ҳошимжон ва унинг сеҳрли қалпоғи ҳақидаги асар “Сариқ девни миниб” ва “Сариқ девнинг ўлими” номли романлардан иборат. Шу жиҳати билан у Марк Твеннинг романлари ўртасида ўхшашлик бор. Ҳошимжон ҳам Том Сойерға ўхшаб қизиққон, турли янгиликларға ўч бўлиб, жамиятдаги баъзи тартиб қоидаларға қарши боради, ўйинқароқлиги, дангасалигини яшириш учун ҳар хил найранглар ўйлаб топади. Масалан, экспозициянинг давомида яна бир эпизод борки, бу фикримиз исботи бўла олади: “Ростини айтсам, ўзим ҳам унчалик ёмон бола эмасман. Ақлушим жойида, одобим чакки эмас, олтинчи синфнинг

интизомли ўқувчилариданман. Бир хил, ҳалиги шўх болаларга ўхшаб, кун бўйи кўча чангитиб юрмайман. Яшириб нима қиламан, кўча чангитиб юргандан кўра командага бўлиниб олиб тўп тепган ёки ҳолироқ жойга, масалан, ойинг ҳарчанд чақирсам ҳам овози етмайдиган жойга бориб чиллак ўйнаган минг марта яхши” [2.16]

Кўринадики, Ҳошимжон воқеани баён қилар экан, ўзининг шумлигини ҳам очиқ айтади (*ойинг ҳарчанд чақирса ҳам овози етмайдиган жойга бориб чиллак ўйнаган минг марта яхши*), бунинг устига у ақлли ҳам саналади. Яъни, икки командага бўлиниб тўп тепиш жамоавий ўйин бўлиб, бунда бола жамоа ичида ўзини тутишни ҳам ўрганади, жисмонан ва ақлан камол топа бошлайди.

Композицияда, аниқроғи, унинг баён усулида бош қаҳрамоннинг ўзини кўрсатишга интилиши, одамлар муаммосига ўзича ечим топишга уриниши остида хавф-хатарга тўла саргузашт борлигини англатади. Саргузашт романлар ҳақида сўз борганда, олимлар сюжет воқеаларининг қизиқарли бўлиши, фавқулудда қизиқ тус олиши, ўткир интригаларга бойлиги, воқеалар ривожда кутилмаган кескин ўзгаришлар, персонажлар қисматида терс бурилишлар юз бериши, асар қаҳрамонларининг турли синовларга дуч келишию ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиб, турли-туман бало-қазолардан омон чиқиши каби хусусиятларни келтиришади. Ҳошимжонда ҳам шунга ўхшаш томонлар борлиги қуйидаги диалогда ҳам кўринади. Лекин у ўз шумлигини жамиятдаги катталарнинг мантиксиз ҳаракатларига боғлаб асослашга ҳаракат қилади. Масалан:

– Ҳошим! – деб чақиради баъзан ойим.

– Лаббай, ойижон?

– Томдан ўтин ташлаб бергин.

– Хўп бўлади, ойижон, – дейману секин у ёқ-бу ёққа қарайман-да:

– Ойша! – дея қичқираман.

– Лаббай, акажон!

– Томдан ўтин ташлаб бергин.

– Хўп бўлади, акажон. – дейди Ойша. Шундай демаса ишлар чаток, оч биқинга мушт келиб тушади. Ишқилиб, ойимнинг гапини ҳеч ерда қолдирмайман. Аслини олганда ўзинг бажаришинг шарт эмас. Фермамиз мудир Сирожиддин ака ҳам нуқул шунақа қилади. Раисдан бирор топшириқ олиб келса аъзоларига топширади. [2.16]

Бу ерда Худойберди Тўхтабоев бола тилидан жамиятдаги камчиликни, маъмурий буйруқбозликни танқид қилади. Бундай бошқарув нафақат катталарга, ҳаттоки, бола тарбиясига ҳам салбий таъсир этишини ишонarli тарзда очиб беради. Шунингдек, жамият ривожланишидаги ижтимоий муносабатларнинг табиий бўлишини бола тушунчаси билан англатади. Агар шундай қилинмаса, тузумни танқид қилинсан, деган айб кўйилиши мумкин. Бола тилидан баён этилганда эса унча эътиборга олинмайди. Бундан ташқари, бу ерда Ҳошимжоннинг ҳар бир топшириқни бошқалар ҳисобига бажаришга уриниб, ўзи раҳмат олиши, агар топшириқни сингиллари бажармаса, уриши - оч биқинига мушт тушишини ҳам тан олади. У ҳатто яқин дўсти, ҳар қандай тенглама-ю масалаларни ечадиган синфдоши Орифни ҳам калтаклайди. Бу билан Ҳошимжоннинг шўх, уришқоқ, тиришқоқ эканлигини кузатамиз.

Юқоридаги парчаларда ёзувчи образ характерини очиш, романдаги баён усулини қандай шакллантириш ва сюжетнинг мантиқий асослаш орқали яхлит композицияни яратганини кўриш мумкин. Бу билан болаларбоп романларда образ композиция яратишда етакчи вазифани бажаришини ҳам исботлаган. Агар воқеа Ҳошимжон тилидан эмас, балки муаллиф тилидан баён этилганда, образнинг композициядаги ўрни бу қадар теран ва таъсирли очилмас, Ҳошимжоннинг психологияси ҳам ишончли чиқмаслиги мумкин эди. Шу маънода образ композицияси ва умумий композиция

муносабатлари роман бадиятини асосий ўринда тутади. Чунки Ҳошимжон образи ички олами, тушунчасидан келиб чиқиб кутилмаган қарорлар қабул қилиши, воқеалар ривожига фавқулудда бурилиш киритиш ва буни ўз вазиятидан келиб чиқиб асослаши мумкин, холос. Ҳошимжон мактабдаги ўқишлари пастлигини онасидан яширади, уй вазифасини бажариш учун Орифнинг онасини ҳам алдайди, охири мактаб директори номига алгебра, геометрия, она тили каби фанларни олиб ташлаш, ўрнига футбол деган фанни қўйишни сўраб ариза ёзади. [2.19-20]

Ёзувчи бунда боланинг ариза ёзишгача бўлган ҳолатини, руҳиятини, вазияти оғирлигини Ҳошимжоннинг тилидан баён қилиб, воқеа ривожига ўзгаришини асослайди. Ариза ёзиш эса бола учун охирги чора, имконият эканлигини кўрсатади. Аризадаги асосий фанларни ёқирмаслик, бир нарсаю, уни вақтинча ўқимасликни сўраш иккинчи нарса бўлиб, бу билан боланинг хатарли вазиятга тушиб қолишига ўзи сабабчи эканлигини англатади. Аммо буни Ҳошимжон ҳали англамайди. Лекин Ҳошимжон образ сифатида ёмон эмас, у футболни севади, шунинг учун бироз ғалати туюлса-да, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари Пахтакор командасида тўп сурган машҳур футболчидан сабоқ олишни истайди. Бу ерда боланинг ижтимоий ҳаётдаги муаммога, яъни футболда катта ютуқларга эришиш учун мохир футболчилар болаларга сабоқ бериши керакли ҳақидаги фикри ҳам келтирилади.

Шу ерда образ ва композициядаги муносабат, биринчидан, тасвир предмети билан эмас, фақат баён қилинаётган ҳодиса билан боғлиқ эканлигини аниқланади, иккинчидан баён қилиш ҳодисаси маълум матн доирасида юзага чиқмоқда. Матн ҳам ўз ўрнида бадий ривоя ва расмий хат шакли билан муносабатга киришмоқда. Натижада сюжет линиясидаги воқеалар ривожига ўзига хос каттароқ тугун пайдо бўлди. Шу тариқа ёзувчи композициянинг ташқи шаклларини белгилайди. Айнан сюжетдаги бир нечта майда тугунлар шу

ерда катта муаммога айланиб, биринчи планга чиқмоқда ҳамда композициянинг кейинги кўринишида албатта директор ва ота-она қатнашиши, воқеалар мантиқий ривожидан келиб чиқиб, шарт эканлигини талаб этипти.

Аслида образни сюжет таркибий қисмларининг хронологик кетма-кетлигидаги воқеалар жойлашуви асосидаги тахлили оддий бўлиб, бунда, асосан, образ ва сюжетнинг ягона композиция ҳосил қилиши, аниқроғи, ўзаро мутаносиблигига кўпроқ диққат қилинади. Аммо образ ва сюжет аниқ макон-замонда юзага чиқиши ундаги маълум давр руҳини ифодалашини, образларни ўз замонаси қолипларидан четга чиқишини ҳам тақазо этади. Натижада Ҳошимжоннинг фантазияси ёрдамида ёзувчи ўз қахрамонини афсонавий қахрамонга айлантиради: “Кўзга кўринмайдиган бўлиб олгач, ханжар билан милтиқни олиб нарироқ кетдим. Кутяпман, кутяпман, вақт ярим кечадан ўтиб, уйқуларим келиб кетди ҳамки, аммо сарик Девдан ҳамон дарак йўқ... Ана, келяпти! Ўзингни дадил тут, Ҳошим. Синглинг Донохоннинг ўчини оладиган пайт келди! Ўнг қўлимда яланғоч ханжар, чап қўлимда ўқланган милтиқ, майдонда паҳлавондек тик турибман. Дев менга қараб бостириб кела бошлади, ана у яқин қолди: елкасида бир қоп юк. Назаримда, чакалакзорда ўтириб 20-30 одамнинг гўштини еб, бошини қопга солиб кўтариб келаётганга ўхшайди. Оббо маккор-эй, афти ангорини бошлаб ўзгартириб, одамзод қиёфасига кириб олибди-я, хоҳ кўринг, хоҳ кўрманг, данак қори поччамнинг ўзгинаси, дейсиз!

–Тўхта! – дедим бир одим олдинга ташлаб. Дев тўхтаб, у ёқ бу ёққа бир назар ташлади-да, одамга ўхшаб: - Астафурилло! –деб қўйди. [2.117]

Мазкур парчада Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчани топиб олгандан сўнг ярим тунда ўғирлик қилган одамни дев деб ўйлаб, унга хужум қилгани бола нуқтаи назаридан тасвирланган. Унда боланинг ўз-ўзига мурожаати, тасаввуридаги девнинг одам бошини қопга солиб олган деган фикр туғилгани, ўзи курашмоқчи бўлган дев одам қиёфасига кирганлиги, катта

майдонда қаҳрамон жангчидек туриши кабилар ортида боланинг рухияти, макон-замон муносабати (тундаги овлоқ жой) натижасида киши, айниқса, болалар хаёлида баъзан ғайришуурий тарзда туғиладиган тасаввур бериледи. Айнан шу жиҳат, асар композиция ва ундаги бола образига ўзгачалик бағишлайди. Бу ерда Ҳошимжон қалпоқ ёрдамида кўринмас бўлгани ва кўлига пичоқ олиб, ўғрининг устига чиқиб олиб, уни калака қилгани, аслида дев ўрнига ҳақиқий одамни минган бўлади. Аммо болаларча беғуборлик ва ишонувчанлик оқибатида унинг бувисидан эшитгани сариқ дев, яъни мифик тафаккур унсури ҳақидаги тушунча воқеага мификлик тусини беради.

“Демак, яратилаётган бадий асар, .... нутқий қурилиш, бадий воқелик ва уларнинг турли қисмларини ўзаро уйғун ҳамда мувофиқ муносабатларда жойлаштирилса, асар композицион жиҳатдан етук саналади. Аммо композиция яратишни фақат шуни ўзидангина иборат деб билсак, композиция шаклий унсури деган янглиш фикр ҳам чиқиб келади. Композиция биринчи галда қисм (нутқий қурилиш, бадий воқелик)ларининг ўзаро муносабати, яъни асар мавзуси, ғояси, улар моҳиятида намоён бўладиган ижтимоий муаммоларнинг ўзаро мувофиқ келишини таъминлайди. Демак, композицияда бадийликнинг муҳим шарти бўлган бадий шакл ва мазмун бирлиги намоён бўлади” [1.56-57]. Устозимизнинг мазкур мулоҳазасига кўра, сюжетни ташкил этувчи воқеа, ҳодисалар реал борликдаги далиллар билан турлича муносабатда бўлиши мумкин. Бу эса романдаги образ ва композиция муносабатларига таъсир қилади. Бунда ўзаро уйғунлик сақлаш бадийликнинг бош талаби саналади. Воқеани бош образ нигоҳи билан ёритиш, муаллифнинг бадий ниятига биноан очиб бериш, воқеалар тасвирида турли мифологик қарашлар, реалистик тасвир, хаёлий-фантастик элементлардан фойдаланиб тасвирлаш мумкин. Шунинг учун бадий асар

поэтикасини тадқиқ этишда асар, хусусан, роман сюжетиға алоҳида эътибор қаратилади.

**III. Хулоса.** 1. Ёзувчи ўзининг бадий эстетик концепциясидан келиб чиққан ҳолда образлар тизими ва воқеаларни шундай жойлаштирадики, улар асар шакл ва мазмун бирлигини таъминлаган.

2. “Сариқ девни миниб” романининг ташқи композицияси уч қисмга, қисмлар ҳам ўз навбатида Ҳошимжоннинг ҳар бир саргузаштларига биноан бобларга ажратилган. Ҳар бир боб нисбий мустақил композицияға эға бўлиб, асосий мазмунидан келиб чиқиб “Кўчаға қувилдим”, “Бахтим кулиб боққан эди”, “Ҳашоратни калтаклашға буюрдим”, “Қофия бозори қаерда”, “Хайр. амакилар”, “Инженерман, инженер”, “Овда” каби жами 24 та бобдан иборат. Уларда асосан, Ҳошимжон образи ва у билан кечган воқеалар баён қилинади. Натижада образлар композицияси, сюжет композицияси, баён усули биргаликда яхлит роман композицияни ташкил этган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Икромхонова Ф.И. Композиционная структура исторической повести Миркарима Осима «Тумарис». Вестник Челябинского государственного университета. 2021. № 1 (447). Филологические науки. Вып. 123. – С. 55—60.

2. Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. Саргузашт роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 464 б.

3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева З. Адабиётшунослик луғати. Қайта нашр. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 408 б.

4. Quronov D. Adabiyotshunoslik nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. 480 b.

## **«БОБУРНОМА»ДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

**Муҳаммадиева Дилафрўз\***

***Аннотация:** Ушбу мақолада «Бобурнома»да қўлланган паремаларнинг туркча таржимада ифодаланишидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинган.*

***Таянч сўзлар:** «Бобурнома», таржима, парема, мақол, матал, лексик бирлик.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари асрлар мобайнида олимлар томонидан қизгин ўрганилиб, таржима қилиниб келинаётгани бежиз эмас. Негаки, асар йигирмадан зиёд фан йўналишлари учун қимматли манба саналиб, тилшунослик соҳаси учун ҳам бебаҳо хазинадир. Асарни туркий тилларнинг ифода имкониятлари акс этган қомус сифатида баҳолаб, унда ўзбек тили тарихига оид муҳим хусусиятлар акс этганини таъкидлаш жоиз. Асардаги паремалар таҳлили сўз этимологияси, семантик таркиби, тарихий кўринишларини аниқлашда ўзига хос қиймат касб этади. Аммо шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, паремалар лексик бирликларга нисбатан мураккаб компонентли лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли уларни таржимада ифодалаш ҳам таржимондан алоҳида масъулият талаб қилади. Таржима назариясидан шу нарса маълумки, паремалар асардаги бадиий-тасвирий воситалар сифатида фикрнинг оддий баёнидан кўра кўпроқ асарнинг образли ҳамда ҳиссий-тасвирий қийматини ошириш каби услубий ўзига хосликларни ифода этишда

---

\* Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети катта ўқитувчиси. [d.muhammadiyeva@mail.ru](mailto:d.muhammadiyeva@mail.ru)



иштирок этади. Шунинг учун пареманинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни мақсадга мувофиқ таржима қилишга интилиш бадиий асарни қайта яратишга тенгдир. Бир сўз билан айтганда, аслият ва таржима тиллари мақол ва маталларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида уларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этиш йўллари ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима яратиш учун замин ҳозирлайди. Таъкидлаганимиз каби «Бобурнома»да ҳам муаллиф воқеа ва ҳодисани тасвирлаш учун мақол, матал ва фраземалардан маҳорат билан фойдаланадики, бу ҳодиса асар тилининг янада равон ва жозибадорлигига хизмат қилади. “Бобурнома”нинг дунё тилларидаги таржималарини кўздан кечирав экансиз бундай масъулиятли вазифани ҳар бир таржимон ўзига хос тарзда бажарганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, бу бебаҳо асарнинг Р.Р.Арат томонидан 1943-1946 йилларда амалга оширилган туркчадаги илмий таржима нашрини ўрганар экансиз паремаларни таржима қилишда қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланганига амин бўласиз:

1. Парема сўзма-сўз таржима қилинган;
2. Парема бирор грамматик воситани ўзгартириш орқали таржима қилинган;

3. Пареманинг таркиби ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган. Мақоллар таржимасида таржимон кўпроқ сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фойдаланади. Масалан, Марг бо ёрон сур аст-дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир мақоли Dostlarla beraber ölüm düğündür (Дўстлар билан биргаликда ўлим тўйдир) тарзида таржима қилинади. ...ne gibi ıztırap ve meşakkat olursa: ben de görevimve halk nasıl tahammül edip duruyorsa ben de durayım-diye düşündüm. Farsça bir mesel vardır; Dostlarla beraber ölüm düğündür [5;214]. Кўринадики, бу ерда мақол сўзма-сўз таржима қилинган.

Қопудағини қопмаса, қаригунча қайғурур мақоли Бобурнинг вақтида ҳаракат қилмай, душманини қочириб

қўйганлиги ҳақида. Ушмундоғ қопуда келган ғаним мутазааррир бўлмай ажрашди. Масал борким, «Қопудағини қопмаса, қаригунча қайгурур» [1;74].

Бу мақол туркча матнда *Karıdakını kapmazsa, ihtiyarlayıncaya kadar nedamet eder* [5;76] капи (эшик)дагини қопмаса, қаригунга қадар надомат қилади тарзида сўзма-сўз таржима қилинади.

Мақоллар ва маталларни ўгириш жараёни таржима амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бунда таржимондан зийраклик ва катта маҳорат талаб қилинади. Чунки айнан мақол ва маталларнинг таржимасини чиройли ёритиб бера олмаслик бадиий асар мазмунига путур етказиши мумкин. Аммо юқоридаги мақолнинг сўзма-сўз таржимаси асарнинг бадииятига путур етказмайди, аксинча, унинг китобхонга тушунарлилик даражаси ортади. Эҳтимол, уни турк тилидаги бошқа бир мақол билан берганда бундан ҳам чиройлироқ, образлироқ чиққан бўлар эди.

Бобур Кобул тасвирида оби ангур узуми ва ундан тайёрланадиган чоғир ҳақида шундай дейди: Бир навъ узум бўлур, оби ангур дерлар, хейли яхши узумдур. Маст чоғирлари бўлур. Хожа Хованд Сайид Домани кўҳийнинг чоғири тундлуқ била машхурдир. Агарчи ҳоло таклид бирла андин таъриф қилурларки: «лаззати май маст донад, хушёрон чи ҳаз» [1;108]. Ўзбек тилига майнинг лаззатини маст билади, хушёрларга ундан нима баҳра бор деган маънони ифодаловчи бу форсий мақол турк тилига *Şarabın lezzetini sarhoş bilir; akli başında olan ondan ne zevk alır* [5;140] – Шаробнинг лаззатини сархуш билади, акли бошида бўлган(хушёр) нима завқ олади (таржима бизники – Д.М.) тарзида таржима қилинади. Кўриниб турибдики, деярли барча сўз тўғридан-тўғри таржима қилинган, фақат хушёр сўзи *akli başında olan* бирикмаси билан ифодаланган, ҳозирги турк тилида хушёр сўзи *uyanık, dikkatli* деб ўгирилади. Бу ерда таржимон, эҳтимол, маънони янада аниқроқ беришни мақсад қилгандир, зеро мақол маъноси жуда аниқ ва тушунарли тарзда

таржима қилинган. Яъни мақол таркибни ўзгартирган ҳолда таржима қилинган.

Паремалар кўп маъноли ва кўп вазифали бирликлардир, мазмун жиҳатидан мос икки тил бирликлари таржимада ҳар доим ҳам бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Муайян матндаги паремалар мазмуни фразеологик эквивалентлар, мақоллар ёки муқобил вариантларда ўз ифодасини тўлиқ топмаслиги мумкин. Юқоридаги мисолда айни шу ҳолат кўзга ташланади.

Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши мақоли турк тилига *Kötü adla yaşamaktansa iyi adla ölmek daha iyidir*[5;357]- ёмон от билан яшамокдан яхши от билан ўлган янада яхшидир (таржима бизники – Д.М.) тарзида таржима қилинади. Эътибор берсак, бу таржимада анча ўзгариш мавжуд: тирилгандин сўзи «яшамокдан»га, ўлган яхши бирикмаси «ўлмак янада яхшидир»га ўзгарган.

тирилгандин – *yaşamaktansa*,  
ўлган яхши – *ölmek daha iyidir*.

Бу фарқ маънонинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлган ва мақол таркиби ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган.

Шу мақолнинг мантиқий давоми бўлган Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд (Шухрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар) матали Темурий шахзодалар Шайбонийхонга қарши бирикаётганда Кепак Мирзонинг аҳдига вафо қилмай келмаганлиги воқеасини ёритиши жараёнида келтирилган. Ғаразким бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдан баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андан сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига хушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилгондин сўнг муҳтаҳсин дегайлар: Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд [1;142.] .

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд (Шухрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар) мақоли *ismin zikredilmesine hekimler ikinci bir ömür adını vermişlerdir*

[5;204.] тарзида ўгирилган. Бу таржимада сўзлар ва грамматик шакллар алмашган. Яъни туркча таржимани сўзма-сўз ўзбекчага ўгирсак: Исмини зикр этишларига ҳақимлар иккинчи умр отини берганлар. Шуҳрат билан ёдланиш - исмини зикр этиш; ёдланишни-зикр этишларига; демишлар-отини берганлар бирликлари билан ифодаланган. Бу мақол грамматик воситалари ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган.

Ким ўлар ҳолатга етса ул билур жон кадрина мақоли ўлар ҳолатга етган инсоннинг кўнгил кечинмаларини ўзида акс эттирган. Жон мундоғ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: «Ким ўлар ҳолатга етса ул билур жон кадрина». Ҳар қачон бу воқияи ҳоила хотиримга келса, беҳост ҳолим мутағайир бўлур [1;218.].

Бу мақол турк тилига *canın kadrini ölmek üzere olan kimse bilir* тарзида таржима қилинади. Аммо бу ерда ўзбекча матндаги қўшма гап содда гап тарзида берилган, шеърий оҳанг ҳам бузилган. *Can böyle aziz bir şey imiş böyle oldugunu bilmezdim. Bir mısra vardır: canın kadrini ölmek üzere olan kimse bilir* [5;347].

Мақоллар, маталлар, идиомалар таржималари шу амалиётнинг энг ҳузурбахш ижодий соҳаларидан. Улар таржимаси ифодаларида таржимоннинг лаёқати, истеъдоди, сўзни, образлилиқни юксак даражада англаш ва ҳис қила билиш қобилияти намоён бўлади [4;4].

Маталларда ҳам баъзан тўлиқ мос тушадиган сўзлар орқали, баъзан таркиби ўзгарган ҳолда қилинган таржималар учрайди. Он гузарро об бурд матали «у даврлар ўтиб кетди, ҳозир замон бошқа» деган маънони билдиради. Албатта, асар мазмунидан маталнинг ўз маъносини ҳам тушуниш мумкин. Дедиким, агар гузар топилса, худ келгусидир, вале гузарлар сув улғайгач тағайюр топар. Ул масал борким, «Он гузарро об бурд» [1;104]. Мазмуни: агар кечиб ўтадиган жой тополса, келади, аммо кечувлар сув кўпайгач, ўзгариб кетган, деди. Шундай масал борки, «ул кечувларни сув олиб кетди». Бу ўринда Бобур сўз ўйини қилади: матал ўз маъносида «кечув йўқ, шунинг учун

келолмайди», дегани бўлса, кўчма маънода, «аввалги шавкати йўқ, шунинг учун келолмайди», маъносини билдиради.

Туркча матнда бу матал қуйидагича ифодаланган: Eđer geçit bulunursa, çabuk gelir; fakat su yükselinece, geçitler deęişir. Bir darb-ı mesel vardır: ..... «o geçidi su götürdü» – dedi [5;133]. - Агар кечув бўлса тезда келади, фақат сув кўтарилса, кечувлар ўзгаради. Бир масал бордир: у кечувни сув ўзгартирди – деди (таржима бизники –Д.М.). Кўринадики, бу ерда ҳам маталдаги сўзлар маъносига мувофиқ таржима қилинган. Биз маталлар доирасида таҳлил қилган икки мисол ҳам сўзма-сўз таржимага оид.

«Таваккал қилиб иш бошлаш» маъносини берувчи гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нўҳ – гоҳ ўн бир яхши, гоҳ тўққиз матали Бобур жанг услубининг бир киррасини намоён қилади. У баъзан кўп сонли душманга қарши кам аскар билан қарши чиқиб, аксар ҳолларда ғалаба қозонган. Бундай таваккалчилик унга Самарқандни олишда, Иброҳим Лўдий билан тўқнашувда фойда келтирган. Давлатхон ул қарилиғи била белиға икки қилич боғлабтур. Булар жазм урушурлар. Хотирға кечтиким, ул масал борким, «Гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нух». Чун бу кетмас, Лахурдағиларни ўзумизга кўшуб-ўқ урушалинг [1;186]. Демак, Давлатхоннинг 30-40 минг кўшинига қарши ўзининг ўн икки минг лашкари билан урушмоқчи. Бу матн туркча таржимада бироз бошқачароқ ифодаланган: Devlet Han bu ihtiyarlığı ile, beline iki kılıç kuşatmıştır. Bunlar şiddetli vuruşacaklardır. – Bir darb-ı mesel vardır .....on dost dokuzdan evladır. Eldeki vasitalardan hiç birini kaçırmamak için, Lahur’dakileri kendimize takıp sonra vuruşalım –diye düşündük [5;289]. Бу ерда гаҳ ёздаҳ беҳ гаҳ нух матали on dost dokuzdan evladır, яъни «ўн дўст тўққиздан яхшироқдир» деб таржима қилинган. Матал таркибидаги гоҳ-гоҳ боғловчиси тушиб қолган, ўн бир (ёздаҳ) сўзи ҳам ўн (on) тарзида таржима қилинган. Эътиборлиси, бундай матал ёки мақол ҳозирги турк тили мақоллари луғатида ҳам топилмади.

Кўринадики, бу матал таркибни ўзгартириб қилинган таржимага қиради.

Шайбонийхон сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендин эмас эди, Қанбарбийва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ. Масал борким: «Узраш батар аз гуноҳ» [1;78]. Шайбонийхоннинг қилмишларига баҳо бериш учун қўлланган узраш батар аз гуноҳ – узри гуноҳидан ёмонроқ матали ҳам турк тилига биров ўзгариш билан таржима қилинган.

Şıbanı Han, Hoca'nın öldürülmesi işinin kerdisinden olmadığını ve katillerin Kanber Bi ile Köpak Bi olduğunu söylemiş. Bu ise daha kötüdür. Bir atalar sözü vardır ..... Özü kabahatinden büyük. Бу матн таржимасида бир неча фарқ мавжуд. Биринчидан, Хожанинг иши – Hoca'nın öldürülmesi işi (Хожанинг ўлдирилганлиги иши) тарзида ўзгартирилган, иккинчидан, ўзбекча матнда бўлмаган katillerin – қотилларнинг сўзи қўшилган. Албатта, бу қўшимча киритишлар матнни аниқроқ тушунтириш учун, аммо учинчи, матал билан боғлиқ фарқ ҳақида бундай деб бўлмайди. Матал таркибидаги, яъни асл матндаги батар (ёмонроқ) сўзи büyük(катта) сўзига ўзгарган. Туркча матн таржимаси қуйидагича: Шайбонийхон Хожанинг ўлдирилиши ишини ўзидан эмаслигини ва қотилларнинг Қанбарбий ва Кўпакбийлар эканлигини айтармиш. Бу эса яна ёмонроқ. Бир мақол бордир: узри қабоҳатидан катта (таржима бизники – Д.М.). Бу таржима орқали Шайбонийхоннинг узри олдида қабоҳати арзимас иш деган маъно келиб чиқади.

«Бошқа халқнинг мақол ва маталини сўзма сўз таржима қилишда ғоят моҳирлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Акс ҳолда, бошқа халқнинг миллий тафаккур тахлитини айнан акс эттираман деб, мақолни қуруқ гапга, матални эса суюқ бирикмага айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас» [3;245]. Айрим мақол ва маталлар, фразеологик бирикмалар сўзма-сўз таржима 8 қилинганда ўз қимматини йўқотади, улар замиридаги ҳикмат, миллий колоритга хос бўлган турфа жиҳатлар, асосий ва кўчма маънолар таржима тилида тўла ўз аксини топа олмайди. Аммо

биз тадқиқ этаётган манбалар тили бир тил оиласига, муштарак анъаналарга эгаллиги учун миллий колоритга мос келмаган ўринлар учрамайди.

Афоризмлар «Бобурнома» матнидаги энг кўп қўлланган паремалар сирасига киради. Уларнинг таржима қилиниш жараёнида ҳам бир талай ўзгартиришлар киритилган.

Корхоро бавақт бояд жуст Кори бевақт сушт бошад сушт (Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш сушт бўлади, сушт) афоризмини Бобур иккиланиб ўтириши натижасида омадини қўлидан чиқарганидан афсусда ёзган. Туркча таржимада афоризмнинг берилиши куйидагича:

İşlerin zamanında yapılması lazımdır, vakitsiz yapılan iş gevşek olur, gevşek [5;76]. Таржима, форсий байт билан қиёсланганда, тўғри амалга оширилган, аммо vakitsiz сўзи «бевақт» деган маънони ифодалаши мумкинлигини эътиборга олсак, бироз нуқсон пайдо бўлади, яъни вақтидан олдин бажарилган иш сушт бўлади деб ҳам тушунилиши мумкин. Бу ўринда ўзбекча матндаги табдил аниқроқ маъно ифодалайди: вақтида бажарилмаган иш сушт бўлади. Ба тунди сабук даст бурдан ба тиг, Ба дандон ғазад пушти дасти дариг [1;82] афоризми Бобурнинг шошилиб жангга кириб, афсусланиб қолганлиги ҳақида. Бобур мунажжимларнинг «саккиз юлдуз ораликда, бугун урушсангиз ғалаба сиз томонда», деган гапларига ишониб, шошилиб жангга киради, аммо яхши тайёр бўлмаган қўшин билан Шайбонийхондан мағлубиятга учрайди. Ўзининг аччиқ сабоғини ана шу афоризм орқали баён этади. Юқоридаги байт бир неча манбада турли хил изоҳланган. «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнида «Енгилтак аччиқланганда тиг билан қўлини кесар, сўнгра қўли орқасини тиши билан чайнар» [1;82] тарзида изоҳланади, «Бобурнома» табдилида эса Ғазабдан ханжарга қўл чўзган киши, Афсус бармоғини тишлашдир иши [2;81] деб шеърый шаклга солинади. Туркча матнда бу байт Hiddetli hemen elini kılıca uzatan, peşiman olarek, elinin arkasını ısırır [5;93] – ғазабли тезда қўлини қиличга

узатса, пушаймонлик билан кўлининг орқасини тишлайди деб таржима қилинган.

Кўринадики, афоризм танкидий матнда сўзма сўз таржима қилинган, фақатгина дариг – афсус сўзи акс этмай қолган, табдилда шеърий усулни сақлаб, мажозий маъносинигина ёритиш билан чекланилган, аммо тунди сабук – киши деб, тиг сўзи ханжар деб, пушти дасти (кўлининг орти) – бармоқ деб ўзгартирилган, ба дандон (тиши билан) сўзи тушиб қолган. Туркча матнда ҳам қатор ўзгаришлар мавжуд. Биринчидан, даст бурдан (кўлини кесади) бирикмаси *elini uzatan* (кўлини узатган) тарзида ўзгартирилади, иккинчидан, тиг сўзи *kılıc* (қилич)га айланади, учинчидан, ба дандон (тиши билан) бирлиги таржимада акс этмаган. Шунча ўзгариш бўлишига қарамасдан, таржимон Бобур айтмоқчи бўлган мажозий маънони ифодалай олган. Аксарият ҳолларда таржимон ҳар бир мақол, матал ёки идиомага, асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирикмалар топиб қўяди, ёки уларни сўзма-сўз таржима қилади. Шунга кўра, айна бир хил мақол ёки идиомани ҳам бир қанча ўринларда, маънога қараб, ҳар хил ўгириш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келадиган тайёр рецепт топиш амри маҳол [3;118].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома // Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 335 б.
2. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома // Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллаҳўжаевалар табдил қилишган. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 288 б.
3. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966.
4. Ғафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Тошкент, 2008. – 118 б.
5. GaziZahirüddin Muhammed Babür, Vekayi (Babür'unHatıratı),I-II-cılt. – Ankara, 1987. – 678 b.



## **ЖОН АПДАЙК ИЖОДИДА МИСТИК РЕАЛИЗМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

**Мухаммедова Нилуфар\***

***Аннотация:** Мазкур мақола XX аср Америка адабиётида кузатилаётган мистик реализм элементларини ўрганишга бағишланган. Мистик реализм хусусиятлари америкалик ёзувчи Жон Апдайкнинг “Бразилия” романи таҳлили асосида очиб берилган.*

***Таянч сўзлар:** мистика, реализм, миф, афсона, сеҳр-жоду, анъана*

Жаҳон адабиётида мистик реализм анъаналари бугунги кунда кенг ёйилиб бораётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мистик реализм асосан, Лотин Америка адабиётига хос анъана бўлиб, мазкур халқнинг урф-одатлари, қадриятлари ва маросимларида ўз аксини топади. Бундай анъаналар америка ёзувчилари ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади ва адиллар ижодида яққол намоён бўла бошлади. Хусусан, америкалик ёзувчи Жон Апдайк асарларида мистик реализм элементларини кўришимиз мумкин. XX аср Америка адабиётининг серкирра ижодкори Жон Апдайк (John Hoуer Urdike, 1932 - 2009) ҳаёти давомида турли жанрларда асарлар яратди. Хусусан, унинг қуён ҳақидаги романлари (Rabbit novels), Бек ҳақидаги трилогияси (Beck Books), Иствик туркумига (Eastwick Books) кирувчи романлари бир неча марта Пулитцер мукофотида сазовор бўлган.

Жон Апдайк романлари мистик реализм элементларини ўзида турлича намоён этган. Адибнинг “Бразилия” (Brazil, 1994) номли асари мистик реализм йўналишига хос бўлган роман сифатида машхур бўлди. Адабиётшунос Ж.Проссер роман

---

\* ЎзДЖТУ ўқитувчиси

“миллий ва ирк мифларига асосланган муҳаббат ҳақидаги эртак” [Prosser, 2006: 84] эканлигини таъкидлайди. Асар қора танли камбағал йигит Тристиано (Tristiano) ва нуфузли сиёсатчининг сариқ сочли гўзал қиз Изабелнинг муҳаббати тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Романнинг ҳикоя қилиш услуби мифологик ва реалистик тарзда ифода этилган. Тристан ва Изольда ҳақидаги афсонага асосланган асарда ёзувчи кельт мифи воқеаларини ҳозирги кун Бразилиянинг экзотик табиатига кўчиради ва замонавийлаштиради. Ўрта аср афсонасининг замонавий тарзда ҳикоя қилиниши муаллифнинг ўзига хос услубининг мавжудлигини кўрсатди. Асар куйидаги фикр билан бошланади: “BLACK is a shade of brown. So is white, if you look” [Urdike, 1996: 1]. Шартли равишдаги икки ранг яъни оқ ва қора зиддиятни – романнинг ижтимоий-маданий фонини ифодалайди.

Икки ирк, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ, Бразилиянинг ёввойи табиати ва саноатлашган манзараси кабилар муаллиф эътиборидаги зиддиятни англатади. Шу тариқа, Жон Апдайк ижтимоий ва ирқий мансубликдан келиб чиққан ҳолда инсонлар ўртасидаги тенгсизликни тасвирлайди. Романнинг чуқур мифологик қатлами Тристиано ва Изабел образлари, уларнинг бошдан кечирган воқеалари ва ҳаётий синовлари билан боғлиқ. Изабелнинг оиласи каби жамият ҳам қора танли йигит ва оқ танли қиз ўртасидаги никоҳни тан олмаганлиги боис қаҳрамонлар доимий кураш фониди тасвирланади. Уларнинг муҳаббати фожеалидир, бироқ соф ва абадийдир. “Тақдир ва руҳларга” ишонган Тристиано илк учрашувдаёқ Изабелга DAR ёзувли узук совға қилади. Тристианонинг бундай тухфаси ёри билан умрбод бирга бахтли ҳаёт кечириш маъносини ифодалайди. Романда бир қатор мифологик образлар кузатилади. Изабелнинг қонидан пайдо бўлган, “ёнма ён турган кўза ва гулдон – like a chalice, with a bowl” [Urdike, 1996: 22] шаклидаги доғ икки хусусиятга эгадир. Биринчиси мазкур доғ муқаддас Грааль [Муқаддас Грааль -

Қирол Артур даври адабиётида муҳим мотив саналган хазина. Турли хил маросимларда мазкур хазина бахтни, ёшликни ёки тўқис ҳаётни ато этувчи коса, овқат ёки тош сифатида тасвирланган.] образининг пайдо бўлишига хизмат қилса, иккинчиси эса қурбонлик талаб қилувчи муҳаббат мотивига боғлиқлигидан далолат беради. Изабелда эркакга хос бўлган рух кучини кўра олган шаманнинг пайдо бўлиши романда мазкур аллюзияни кучайтирган. Шаман қиздаги рух кучини Майра деб атайди, яъни шаман мифологиясига кўра “у португалияликлар учун Исо ҳисобланади. – Maira .... is their name for a prophet like the Jesus of the Portuguese” [Urdike, 1996: 179]. Изабел Тристианони кулликдан озод қилиш мақсадида тўқис ҳаётдан, отасидан воз кечишга ва ўзгаришга қарор қилади. Асарда эртакга хос бўлган хазина излаш мотиви ҳам муҳим ҳисобланади.

Конда ишлаётган Тристианонинг ҳаёлини оиласини ва онасини ўрнини босган олтин излаш фикри эгаллаган. Серра-до-Буракодаги ҳаёт севишганлар учун синовларга бой бўлди. Тристиано оғир жисмоний меҳнатдан чарчайди, Изабел эса оиласини боқиш учун ишлашга мажбур бўлади. Топилган бир бўлак олтин иккаласига яхши ҳаётга бўлган умидни уйғотади, бироқ фольклор мотивларига биноан олтин уларга бахтсизлик олиб келади. Тристиано Изабелнинг отасидан яшириниш учун севгилиси билан қочишга мажбур бўлади. Йўлида учраган тўсиқлардан ўтган қахрамонларни бунданда оғир синовлар кутади. Улар йўқотишни, оғир жисмоний меҳнат азобларига бардош берсаларда, ўлим арафасида турганда ҳам бир бирларига бўлган муҳаббат кучини ҳис қиладилар.

Романдаги мифологик элемент Бразилиянинг ўзига хос табиати ва халқ эътиқодларини уйғун ҳолда тасвирлашга асосланади. Шаҳар саноат пейзажи ёввойи табиатнинг шавқатсиз манзарасига ўзгаради. Тараққиётдан, ижтимоий ва ирқий низолардан узоклашган қахрамонлар ибтидоий ҳаёт тарзига қайтадилар, аммо шавқатсиз табиат ва ёввойи хиндулар

каршисида ожиз қоладилар. Тупи қабиласидан бўлган Купехаки кампир қахрамонларга устозлик қилади ва уларга нотаниш жамиятда омон қолиш йўлларини ўргатади. Кампир образи Бразилия ўрмонларидаги мўъжизани ифодалайди. Ёзувчи А.Карпентьер фикрича, маҳаллий фольклор афсоналарига кўра ёввойи ҳайвонлар инсонга ака-ука, опа-сингил ёки кексалар кўринишида пайдо бўлади ва атрофдагиларни хавф-хатардан асрайди [Urdike, 1996: 76]. Шаман Тейжукупапо образи асарга ғайритабиий элементни олиб киради. Ундаги сеҳр-жоду қилиш билими Тристианони қулликдан озод қилиш қобилятига эга. Маҳаллий жиноят гуруҳи томонидан қулликда сақланаётган Тристианони, жиноятчилар Изабелнинг муҳаббат рамзини ифодалаган узуги эвазига озод қилиш мумкинлигини айтадилар. Романдаги яна бир мифологик элемент икки хил тафаккур орасидаги чегарани олиб ташлаш учун ўтказиладиган трубка чекиш маросими ҳисобланади. Шаман билан ёлғиз қолган Изабел нотаниш тилда сўзлаш ва тушуниш қобилятига эга. Таъкидлаш лозим-ки, шаманнинг кучи мутлақ эмас, уни сеҳр-жодуси табиатга мослашиш воситасини англатади: “Сеҳр-жоду нарсаларни ўзгартириши ёки аралаштириши мумкин, аммо барчаси ўйин қоидалари доирасида содир бўлади” – “Magic can merely transpose and substitute, as with the counters of a game” [Urdike, 1996: 183]. Тристианони қулликдан қутқариш унинг кўлидан келади, у севишганларнинг тана рангини ўзгартириши керак холос. Олти кун давомида Изабелнинг танасига женипапо мевасидан тайёрланган қора рангда сеҳрли нақшлар чизилади. Илмий нуқтаи назардан қараганда, тананинг оқ рангдан қора рангга ўзгариши бўяш натижаси деб ҳисоблаш мумкин, шу вақтнинг ўзида параллел равишда Тристианонинг оқ танлига ўзгариши шаманнинг сеҳр-жоду қила олишининг натижасига йўйиш мумкин. Мазкур элементлар мистик реализм хусусиятларини ифодалаш билан бирга, муаллифнинг адабий анъаналарга мурожаат қилганлигидан ҳам далолат беради. Жон Апдайк персонажларининг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар

бир тарафдан Ф.Кафка, А.Карпентьер, А.Астуриас метаморфозларининг сюжетларини акс эттирса, иккинчи тарафдан икки хил Изольда мотивининг ўзига хос замонавий хусусиятларини ифодалайди.

Романнинг сюжет композицияси тузилиши халқа шаклига ўхшайди, шунга биноан асар шартли равишда икки қисмга бўлинган. Биринчи қисм Тристиано ва Изабелнинг тана рангининг ўзгаришдан олдинги ҳаётини тасвирлайди, иккинчи қисм эса тана ранги ўзгаргандан кейинги ҳаётини хикоя қилади. Инициация [Инициация (лот. *initiatio* — сеҳр-жодунинг амалга ошиши, бағишлов) — шахс ривожланишининг янги босқичга ўтишини белгилловчи маросим.] маросимларидан ўтган қаҳрамонлар янги ҳаётга қадам қўйишар экан, яна бир бор ўтган воқеаларни бошдан ўтказадилар ва ўз йўлларини тескари йўналишда такрорлайдилар. Бу эса асар бобларини номлаш тамойилидан далолат беради. Жумладан, биринчи қисм боблари “Квартира”, “Сан-Паулу”, “Бразилия”, “Мату-Гроссу”, “Ёлғиз ва бирга”, “Лагерь” деб номланса, иккинчи қисм боблари “Яна лагерь”, “Яна ёлғиз ва бирга”, “Яна Мату-Гроссу”, “Яна Бразилия”, “Яна Сан-Паулу”, “Яна квартира” деб номланган. Шу тариқа, уларнинг биргаликдаги ҳаёт доираси, танишишган кунда яқунланади.

Тристиано вафот этган пайтда Изабел қачонлардир ўқиган севги қиссасини эслайди. Қисса “аёлнинг севгилисига бўлган муҳаббати ҳақида эди. Аёл севгилиси вафот этганда унинг ёнида қолади ва ўзи ҳам ўлим истаб вафот этади” – “One of them told of a woman, long ago, who, her lover dead, lay down beside him and willed herself to die, and died. She did die, to show her love”. [Updike, 1996: 253]. Мазкур парчада муаллифнинг Тристан ва Изольда афсонасига мурожаат этганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин, бироқ адиб қаҳрамонларини прототипларига таққосламайди. Изабел Тристианонинг совуқ танасини бўсаларига кўмиб ташлайди. Унинг эрининг қўлларига ўлиш истагини амакиси “бразилия романтизмнинг қўпол намойиши”

– “...vulgar display of Brazilian romanticism” сифатида қабул қилади [Updike, 1996: 254]. Қаҳрамон рухий азоб-укубатларининг энг юқори нуқтасида ёзувчи Изабелнинг танасида содир бўлаётган жараёнлар алмашинувини тасвирлашга ўтади ва қизнинг тирик қолишига ишора қилади. Афсонадан фарқли ўларок, ўлим Изабелни четлаб ўтади: “Йўқ, бугун ҳеч қандай мўъжиза рўй бермайди. .... Рух кучли, аммо ҳақиқат унданда кучли” – “There would be no miracle today. .... The spirit is strong, but blind matter is stronger” [Updike, 1996: 254]. Табиат ва ақл-заковатнинг сеҳр-жодудан устунлигини намойиш этган Жон Апдайк мистик элементни сақлаган ҳолда ҳикояни реализм йўналишида давом эттиради. Қора танли Изабел ҳақиқатни тан олади ва унинг мовий кўзлари ўз рангини ўзгартиради. Шу тариқа, шаманнинг “руҳинг қора бўлганда, кўзлар ҳам қораяди” – “Eyes are the window of the spirit. When your soul becomes black, then will your eyes also” деган башорати рўёбга чиқади [Updike, 1996: 188].

Асар таҳлили Жон Апдайкнинг “Бразилия” романи мистик реализм анъаналарига тўлиқ мос келишини кўрсатади. Романда мифологик ва реалистик образлар синтези мавжудлиги, Тристан ва Изольда ҳақидаги мифнинг қайта ишланганлиги, Бразилия колоритининг ўзига хослигининг ифодаси, қаҳрамонларнинг ҳаёт тарзига мос келадиган мўъжиза элементининг кузатилиши асарнинг мистик реализм анъаналарини акс эттирганлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Prosser, J. Updike, Race, and the Postcolonial Project / J. Prosser // Cambridge Companion to John Updike. - Cambridge: Cambridge University Press, 2006. - 214 p.
2. Updike, J. Brazil. - Alfred A.Knorf, 1996. - 272 p.

## АЛИШЕР НАВОЙ ШАХСИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

**Ишонханова Ирода\***

***Аннотация:** Ушбу мақолада ўрта ва олий таълим тизимида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши, Навоий сиймосининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида маълумот берилган. Улуғ мутафаккир ижодининг ўқитилиши борасида фикрлар билдирилган.*

***Таянч сўзлар:** “Навоийхонлик”, мушоира, баҳру байт, адабиёт, дарслик, дастур, филология*

Тарихда шундай шахслар яшаб ўтганки, уларнинг ўрни бекиёс. Шундай инсонлардан бири Алишер Навоийдир. Ҳазал мулки султонининг номи жамиятимиз ҳаётида, асрлар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмай келади. Ҳар йили 9 февраль санаси катта тантана билан нишонланади, кўплаб жойларда турли тадбирлар, хотира кечалари, мушоиралар ўтказилади. Ўзини ўқимишли, маданиятли деб ҳисоблаган жамият аъзоси Алишер Навоийдан ҳазал ёки рубоий ёддан билади, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мулоҳаза юрита олади. Салкам 6 асрга яқин вақт ўтса ҳам, ўз қимматини йўқотмаган шоиримизнинг ҳикматли сўзларини таҳлил қилиб бера олади. Юртимизнинг турли жойларида ҳали-ҳамон “Навоийхонлик”, мушоира, баҳру байтлар ўтказиладики, уларнинг иштирокчилари эса адабиёт ва шеърятга алоқадор бўлмаган касб эгалари. Бадий адабиётга озгина бўлса ҳам алоқадор бўлган ҳофизлар мумтоз кўшиқларнинг мазмунига эътибор бериб куйлашлари сабабли ғазаллар таҳлили ва талқинида уларнинг фаолликларини

---

\*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси, [ishonxanova74@bk.ru](mailto:ishonxanova74@bk.ru)

кўришимиз мумкин. Ҳаётимиз давомида адабиётга алоқадор бўлмаган соҳа вакиллари, масалан, аниқ фанлар, тиббиёт ёки ҳуқуқшунослик бўйича мутахассисларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ўз мустақил фикрларини билдира олишларига гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг баъзилари, ҳаттоки, Навоий асарларига назиралар ҳам ёзиб кўрганлар. Ўқувчилик пайтларида Алишер Навоий ижодига бағишланган кечаларда фаол иштирок этишган. Саҳна кўринишларида ижро этган шеърларини кейинчалик ҳам ёддан ўқиб бера оладилар.

Хўш, бу хусусият халқимизнинг, миллатимизнинг неча фоизида бор деб ўйлайсиз? Алишер Навоий ҳақидаги ўрта мактабда олинган билимлар қай даражада самарали? Қандай усулларни қўлласак, ўзлаштирган маълумотларимизни ёдимизда сақлаб қоламиз? Нега аксарият кишилар Алишер Навоийдан тўлиқ битта ғазални ҳам ёд билишмайди? Ёки ҳамма ҳам “Ҳамса” таркибидаги дostonларнинг жойлашиш тартибини тўғри айтиб беролмайди? Мактаб дастурига киритилган “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятини “Сабъаи сайёр” олинган парча эмас, балки дostonнинг асосий сюжет чизиги деб ҳисоблайди? Шу саволларга жавоб топиш учун биз халқ вакиллари орасида сўровнома ўтказиб, ўзимизга керакли хулосалар чиқаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Халқимизнинг шундай маданиятли, ўқимишли, маънавиятли вакиллари борки, ҳазрат Алишер Навоийга бўлган чексиз муҳаббати туфайли шоир ижодига доимо мурожаат қилиб туришади. Ҳаттоки, уларнинг фаолият юритадиган соҳалари адабиётдан, шеърятдан йироқ бўлса ҳам. Физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамовни шу жумлага киритиш мумкин. Олимимиз аниқ фанлар соҳасида мутахассис бўлишларига қарамай, адабиётга, хусусан Алишер Навоий ижодига бўлган муҳаббатлари таҳсинга лойик. Абдулла Аъзамовнинг “Китоб? Китоб... Китоб!” мақоласида шундай фикр бор: “Навоийни ўқиш қийин.” Нега? Телескопсиз ҳам юлдузли осмондан завқ ола билиш мумкин-ку.” Агар осмон



адабиётга, юлдузлар Навоий асарларига, телескоп луғат ва изоҳларга менгзалаётган бўлса, муаллиф Алишер Навоий асарларини қалбан ҳис этиб тушунишни назарда тутмоқда. Мақоланинг давомида шунга яқин хулоса ҳам келтирилган: “Тарихда буюк зотлар кўп ўтган. Ҳеч улар билан замондош бўлмаганингиздан, улар билан учрашиш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш имконияти йўқлигидан афсус қилганмисиз? Афсусланишга ҳожат йўқ; уларнинг китобларини, улар ҳақидаги китобларни ўқинг. Улар худди тирилиб келиб, сизга суҳбатдош бўлишмаса, мен кафил.”

Абдулла Аъзамов нафақат публицистик, балки илмий жиҳатдан ҳам адабиётга ва Алишер Навоий ҳазратларига меҳр-муҳаббатини кўрсата олган. Олимимизнинг “Аруз (Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сабоқлар)” ҳамда “Алишер Навоий ғазалларида ҳазил-мутойиба” номли рисоалари бор. Уларда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодлари ҳамда аруз вазни яхши тадқиқ қилинган. Вазн талаби билан феъл шаклларининг ўзгариши, инверсия(гап бўлаклари ўрнининг алмашиши)нинг қўлланиши, хижо (бўғин) турларининг алмашиши қанчалик муҳимлиги акс этган. Юқоридагилардан ташқари, Абдулла Аъзамов Алишер Навоий ҳақида драматик асарлар ҳам ёзган. Биринчи драматик асар “Дугоҳи Ҳусайний” деб аталади. Унда Алишер Навоий ва бошқа тарихий шахслардан ташқари, Гули образи бор. Гули Алишернинг тоғаси Мирсаид Кобулийнинг қизи сифатида тасвирланган, уларнинг тўйлари бўлмаган, лекин никоҳлари ўқилган. Абулқосим Бобурдан кейин тахтга ўтирган Абу Саид Мирзонинг зулми туфайли Мирсаид Кобулий ҳам, Гули ҳам ҳалок бўлишади. Навоийнинг тоғалари Абу Саид Мирзо томонидан ўлдирилганлиги тарихий факт ҳисобланади. Гули тимсоли эса Уйғун ва Иззат Султон драмаси таъсири, назаримизда.

Иккинчи драма “Ўзини-ўзи излаган ва топган одам” деб аталади. Драмада Алишер Навоийнинг саройдаги фаолияти акс

этган. Ижодкор Хусайн Бойқаро атрофидаги аъёнларнинг Навоийга бўлган хусуматларини ва феъл-атворларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Саҳна асарида Навоий ҳақидаги ривоятда келтирилган

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ

байтининг тарихи ҳам келтирилади. Ривоятда Алишер Навоий уни бир фақир кишидан сотиб олгани хикоя қилинган. Мавлоно Лутфийнинг таҳсинига сазовор бўлган

Оразин ёпқач, кўзимдин тўкилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш  
байти ҳам келтириб ўтилган.

Муҳтарам олимимиз Абдулла Аъзамов Алишер Навоий ижоди мухлиси сифатида унинг ғазалига мухаммас ҳам боғлаганлар:

Мисли хонақоҳингизни айламак зиёратим –  
Ҳар кунни девонингизни қўлга олмоқ одатим.  
Бу ғазални ўқиганда ҳаддан ошмиш хайратим:  
“Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим  
Ким, ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим”.

Ёки Алишер Навоийнинг машҳур рубойисига мусаннони келтиришимиз мумкин:

“Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши.”  
Уммонда қошинг мисли даракчи қушдек,  
Кўзинг – йўл ёритгувчи маёғинг яхши.  
Ўхшатса қоматинг гар дарахту гулга,  
Ғунчаю гулинг не дей? Бутоғинг яхши.  
Фироғинг ширин, аммо висолга етмас:  
“Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.”  
Бу мисрани ким айтган – билибми, билмай  
Чимрилган қошинг, уйган қовоғинг яхши.  
Таърифинг Навоийдин ўтказиб бўлмас:  
“Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.”

Яна бир олимимиз – физика-математика фанлари доктори, профессор Мансурхон Тоиров ҳам адабиётга бўлган алоҳида эътибори билан ажралиб туради. Устознинг “Мажнун мактаблари” мақоласи ҳақида сўз юритмоқчимиз. Мақола 2013 йил “Ватанпарвар” газетасида чоп этилган. Унда ўзбек мумтоз адабиётидаги Лайли ва Мажнун ҳақидаги дostonларнинг яратилиши тарихи ҳақида сўз боради. Маълумки, “Лайли ва Мажнун” дostonининг илк ижодкори Низомий деб ҳисобланади. Лекин муаллиф бундай дostonни биринчи бўлиб Рўдакий ёзганини, эҳтимол, бизгача етиб келмаганини айтиб ўтади. Яна Фузулийнинг “Форсийда Лайли ва Мажнунлар сероб, Лекин туркийда бу ривоят йўқ” сўзларини келтириб, унинг Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonидан беҳабарлигининг сабабини топишга уринади. Олимимиз “Лайли ва Мажнун” қиссасига бағишланган асарлардан иккитаси ҳақида сўз юритади. Биринчиси – ҳазрат Иноятхон баёни бўлиб, иккинчиси 1976 йили Киевда чоп этилган Б.Шидфар таҳрири ва сўзбошиси асосидаги “Бану Амир қабиласилик Мажнун ҳақида ривоят”(Сказание о Маджнуне из племени Бену Амир) ҳисобланади. Ҳазрат Иноятхон берган ривоятида Мажнуннинг телбалигига даво тополмаган ота-оналари Лайлининг ота-онасига мактуб ёзиб, уларнинг никоҳига розилик беришларини сўрайдилар. Яна шу ривоятда Мажнун Лайлига саломини бир туякаш хат ташувчидан етказмоқчи бўлади. Лекин севгилисига изҳори шу қадар кўплигидан сўзини тугатолмай, хат ташувчи билан Лайли яшайдиган жойгача бирга боради. Мақола муаллифи Лайли ва Мажнуннинг шоирлар томонидан ўйлаб топилган сиймолар эмаслиги, замондошлари томонидан “Лайлининг Мажнуни” тахаллусини олган шоир Қайс ибн ал-Мулаваҳ шимолий арабларнинг Бану Амир қабиласи фарзанди бўлганлигини маълумот сифатида келтиради. Тарихий манбаларни асосан рус тилида кўриб чиққан олимимиз шундай мулоҳаза билдиради: “Мен Навоийнинг чиғатой тилида (эски ўзбек тилида) ёзилган “Лайли ва Мажнун” дostonини

тушунишимда кўпроқ Липкиннинг рус забонига айлантирилган таржимасига суяндим, десам кўпам кулгига қолмасман ва навоийшунос бўлмаганим учун узрим қабул қилинар. Мабодо тилимизнинг шаклланиши устида бетиним салкам юз йилдан буён ишлаётган тилшунос олимларимиз бизнинг тилимизни секин-аста Навоий асарларини тўлиқ тушуна оладиган йўналишда ривожлантира боришганда, балки тилимиз ҳозиргидан-да гўзалроқ бўлармиди ва бизлар Навоий асарларини ҳеч бир дудуқланмасдан ўқиб роҳатланиб юрармидик.” Муҳтарам олимимиз Алишер Навоий ўзининг “Лайли ва Мажнун” достонини устози Абдурахмон Жомийдан аввал ёзиб тугатганида ҳам алоҳида эътибор қилади .

Ўзбек адабиётига бефарқ бўлмаган яна бир юртдошимиз – ҳуқуқшунослик фанлари доктори, кўплаб бадиий асарлар муаллифи Комилжон Синдаров. У киши мумтоз адабиётга ҳам мурожаат қилганлар. Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари фикримизга далил бўла олади.

Бизни бир парвонаю, ўзни анга шам қилдингиз,  
Не балолиғ бўлсаким, қошимизда жам қилдингиз.  
Қадримизни ер билиб, кўзимизни нам қилдингиз,  
Бизни, эй ишқу жунун, расвои олам қилдингиз,  
Ҳар не расволиғдин афзунроқ бўлур ҳам қилдингиз.

Ёки:

Қомати кўзни олар сарви равоним бор эмиш,  
Сочи сунбул, юзи ол, қоши камоним бор эмиш,  
Тенги йўқ соҳибжамол, моҳи тобоним бор эмиш,  
Сени кўргач, дер эдим, бир меҳрибоним бор эмиш,  
Аллоҳ-Аллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиш.

Юқоридаги иккала мухаммас ҳам бир хил – мумтоз адабиётимизда энг кўп учрайдиган вазн – рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Фақатгина “Қадримизни ер билиб, кўзимизни нам қилдингиз” мисрасида, Алишер Навоий таърифи билан айтганда, вазнида “айбғинаси бор.” Агар мухаммасларнинг бошқа бандларига эътибор берсак, мумтоз

адабиётдаги каби ташбех, талмех, тазод, муболаға каби шеърӣ санъатларни учратишимиз мумкин. Бу эса муаллифнинг нафақат адабиёт ихлосманди, балки унинг қоидаларини яхши ўзлаштирган мутахассис эканлигини англаймиз.

Халқимиз орасида юқоридаги каби маънавийтли инсонлар кўплаб топилди. Келажакда ҳам шу каби адабиёт ихлосмандлари, Алишер Навоийнинг бир умрлик мухлислари халқимизга илҳом бериши учун нима қилишимиз керак?

Бизнингча, ёш авлодга улуғ бобокалонимиз ҳақида маълумот беришни мактаб давридан ҳам аввалроқ бошлашимиз керак. Бу эса, боланинг тили тўлиқ чиқиб, сўзларнинг маъносига қизиқа бошлаган пайтига тўғри келиши керак. Агар бола нутқ захирасининг ривожланиши ҳақида сўз кетса, психологлар шундай фикр билдиришган: 2 ёшли боланинг нутқ бойлиги 250-400 сўздан иборат бўлса, 3 ёшли боланинг сўз бойлиги 1000-1200 сўзгача бўлар экан. 7 ёшли боланинг нутқ захираси эса 4000 сўзга қадар борар экан. Бу статистикадан хулоса қилиш мумкинки, боғча ёшига, яъни 3 ёшга етган бола олам билан яқиндан танишиш учун очилади. 3-7 ёшли болаларда хотира жуда яхши ривожланган бўлади. Шу сабабли кўплаб олимларимиз болаларга боғча ёшидан Алишер Навоий асарларидан намуналар ёдлатиш кераклиги ҳақида фикр билдирган эдилар. Биз бу мулоҳазаларга қўшилган ҳолда, шоиримизнинг сўзлари соддароқ тарздаги рубойлари ва ҳикматли сўзларини болаларга ёд олдириш энг самарали фикрлардан эканлигини таъкидламоқчимиз. Чунки бу хотирада сақланган шеърлар кейинчалик маъносини чуқур тушуниб олиш учун манба сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, боғча ёшидаги даврда болаларда характер хислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади. Ана шундай масъулиятли пайтда ёд олинган шеър ва ҳикматли сўзнинг маъносини катталардан сўраб, тушуниб олган бола энди бутун умр уларга амал қилишга ҳаракат қилади. Ахир, “ёшликда

олинган билим тошга ўйилган нақшдир” гаплари бежиз айтилмаган.

Ўрта умумтаълим мактабларининг барча синфларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади, асарларидан намуналар келтирилади. Ҳар бир синф дарслигига ўша синф ўқувчиларининг ёшларига мослаб, Алишер Навоий асарлари ва у ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар киритилган. Алишер Навоий лирикасидан ташқари “Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр”(5-синф), “Фарход ва Ширин”(9-синф), “Сабъаи сайёр”(7-синф), “Садди Искандарий”(11-синф), “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан парчалар келтирилган. “Лайли ва Мажнун” достонидан парча касб-хунар коллежлари режасига киритилган эди. Ўзимиз муҳим деб ҳисоблаган айрим мулоҳазаларни айтиб ўтсак:

1. “Маҳбуб ул-қулуб” асарини ўзлаштириш 6-синф ўқувчилари учун бироз оғирлик қилади, назаримизда. Тўғри, дарсликда қийин сўзларнинг луғати берилган, насрий баён илова қилинган. Лекин бу асар донишманд инсоннинг ҳаёти шомида ўз умридан орттирган хулосалари эканлиги сезилиб туради.

2. “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятининг айрим боблари насрий баён қилинмаган. Бу ҳолат ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам қийинчилик туғдириши табиийдир.

3. Мактаб дастури бўйича ғазаллар 10-синф адабиёт дарслигида берилган. “Ғазал мулкининг султони” атамасини ўқувчига бошланғич синфдан ўқирамиз-ку, лекин ғазални 10-синфда ёдлатамиз. Бу, бизнингча, қониқарсиз ҳол.

4. Алишер Навоий шахси ҳақида ўқувчиларда аниқроқ тасаввур уйғотиш учун манбалардан унумли фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз. Масалан, 11-синф адабиёт дарслигига Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асаридан олинган парчалар киритилган. Улар, албатта, Алишер Навоий шахсияти ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради. Ҳаммамизга маълум ва машҳур бўлган “Эл деса Навоийни” тўпламидан ҳам барча

ёшдагилар учун ибрат бўла оладиган ҳикоятларни кўплаб топишимиз мумкин ва улардан ўз ўрнида фаол фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўларди.

5. Ўрта мактабларда “Адабиёт” ва “Ўқиш” фанларидан ташқари, “Тарбия”, “Маънавият асослари” каби фанлар, қолаверса, ҳар ҳафта ўтказиладиган тарбиявий соатлар бор. Ушбу дарсликларга ҳам Алишер Навоий ҳаёти ҳақидаги ибратли ривоятлар киритилса, келажак авлод маънавиятини ўстиришга ҳисса қўшган бўлардик.

Бир эътиборга лойиқ ҳолатни келтириб ўтамыз: ўрта мактаб таълимини олган ҳар бир ватандошимиз Алишер Навоийнинг “Шер ва Дуррож” ҳикоятини, “Фурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш” рубоийсини ва “Келмади” радифли ғазалидан жуда бўлмаса бир байтни ёдда сақлаб қолган. Булардан ташқари Уйғун ва Иззат Султоннинг “Навоий” драмаси ҳам халқимиз вакиллариغا яхши таниш. Ушбу асар мактаб дарсликлариغا киритилмаган бўлса ҳам. Чунки кўплаб тадбирларда бу драмадан парчалар сахналаштирилган ва унда монолог ҳамда диалогларни ижро этганлар бир умр ёддан чиқаришмайди. “Навоий” драмаси сабабли халқимизнинг жуда кўплаб вакиллари Алишер Навоийнинг ҳаётида Гули бўлганига ишонишади. Ва бу ҳолатга, албатта, “Алишер Навоий” кинофильми ҳам сабаб бўлган, чунки фильмда Гули образи бор, “Навоий” драмасидаги парчалардан унумли фойдаланилган. Шу ўринда хулоса сифатида бир фикр айтиш мумкин: мультфильм ёки кинофильмга кўчирилган асарлар оддий халқ онига яхшироқ ўрнашар экан! Машхур кинофильм қаҳрамони айтганидек: “Китоб ҳам, театр ҳам йўқ бўлади, фақат телевидение қолади!” Театрлардаги спектакллар ўз йўлига, телевидениенинг ўрни бошқача экан, назаримизда. Агар Алишер Навоий асарлари асосида бадиий жиҳатдан савияли сценарийлар тузилиб, суратга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда кўплаб томошабинлар Фарҳод комил инсон бўлиши учун қандай тўсиқларни енгиб ўтгани, Баҳромшоҳ

нималарни бошидан кечиргани-ю, қандай ҳикоятларни эшитгани ҳақида маълумотга эга бўлишарди. Дарслик режаларига киритилмаган бўлса ҳам, “Лисон ут-тайр” дostonидаги Шайх Санъон ҳикоятини ҳам экранлаштирилса, шу билан бирга, албатта, Алишер Навоий ҳақидаги фильмнинг ҳам янгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ғазал мулкининг султони ҳаёт ва ижод йўлининг ўрганилиши олий ўқув юртларида ҳам давом этади. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган “Ўзбек тили”(рус гуруҳлари учун), “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” каби фан дастурларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига маълум соатлар ажратилган. “Ўзбек тили” фанида “Ўзбек тили – давлат тили” мавзусида Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларидан намуналар берилган, мустақил топшириқлар рўйхатига “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” мавзуси киритилган. Бу вазифалар русийзабон гуруҳ талабаларининг буюк мутафаккиримизнинг ҳаёти ва ижоди билан яқинроқ танишиш имконини беради.

Нофилологик йўналишларнинг 7-8-семестрлари учун мўлжалланган “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” фани ўқув дастурида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига маълум соатлар ажратилган. Ушбу соатларда Алишер Навоийнинг ҳаёти, бунёдкорлик фаолиятига кенг ўрин берилган. Навоийнинг тилшуносликка оид қарашлари ҳақида маълумот берилган ва “Муҳокамат-ул-луғатайн” асарининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Ушбу фан дастурида Алишер Навоий лирикасига ҳам аҳамият қаратилади, “Ҳазойин ул-маоний” девони таркиби ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, хамсачилик анъаналари ва “Ҳамса” дostonларига ҳам тўхтаб ўтилган.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг олий таълим муассасаларида ўқитилиши бўйича асосий фан “Навоийшунослик” ҳисобланади. Филология йўналишларига мўлжалланган бу фан дастури 4 модуль асосида ўқитилади:



- 1- модуль. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди
- 2- модуль. Навоий поэтикаси
- 3- модуль. Навоий лирикасини шарҳлаб ўқитиш
- 4- модуль. Навоий дostonлари ва насрий асарларини шарҳлаб ўқитиш

Олий таълим тизимида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди нечоғлик чуқур тадқиқ қилинса, таълим соҳаси бўйича етишиб чиққан мутахассислар шунчалик билимдон ва тажрибали бўлишади. Уларнинг ёш авлодга берган билимлари ёрдамида Алишер Навоий шахсиятининг жамиятдаги ўрни ҳам юксалаверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Аҳмедов ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2015
2. С.Аҳмедов ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Маънавият”, 2017
3. Қ.Ўлдошев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2017
4. С.Олим ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари учун. – Т.: Фафур Фулом нашриёти, 2019
5. Қ.Ўлдошев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019
6. Б.Тўхлиев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017

7. Б.Тўхлиев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018
8. Ш.Сирожиддинов ва бошқалар // Навоийшунослик. Дарслик. – Т.: “Тамаддун”, 2019
9. Абдулла Аъзам // Тажрибалар. – Т.: “Шарк”, 2007

## **“DAHONING TUG‘ILISHI YOXUD ABU RAYHON BERUNIY QISMATI” QISSASIDA TARIXIY MILLIY KOLORIT**

**Allambergenov Anvar\***

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada Pirmat Shermuhamedovning “Dahoning tug‘ilishi yoxud Abu Rayhon Beruniy qismati” qissasida tarixiy milliy kolorid tasvirining o‘ziga xos jihatlari xususida so‘z yuritiladi.*

***Tayanch so‘zlar:** ijodkor uslubi, Beruniy obrazi, tarixiy-milliy kolorit, talqin, tasvir, mahorat, joziba, tahlil, mahorat.*

Pirmat Shermuhamedovning “Dahoning tug‘ilishi yoxud Abu Rayhon Beruniy” qismati qissasida Beruniy obrazi tasviri berilgan. Qissada tarixiy milliy kolorit unsurlari muqaddimadan mundarija qadar davom etadi. Ayniqsa tarixiy kolorit, manzara koloriti bilan shu qadar bir biriga uyg‘unki buning bir necha sabablari bor deya bemalol ayta olamiz. Bulardan birinchisi Pirmat Shermuhamedov bir paytning o‘zida ham ijodkor ham olim sifatida tarixni yaxshi o‘rgangan. Ikkinchi va asosiy sabab esa yozuvchi Abu Rayhon Beruniy tavallud topgan tuproqda tug‘ilib voyaga yetgan. Daho zot o‘ynab o‘sgan Amu qirg‘oqlarida o‘sib ulg‘aygan. Tarixiy qal‘alarning qoldiqlarini, xarobalarini, hali hanuz mavjlanib oqayotgan Jayhun to‘lqinlarini, viqor bilan savlat to‘kib turgan Sulton Uvays tog‘larini, Qizil qum uzra yastanib yotgan qum uyumlari-yu, saxro bag‘rida ko‘karib yotgan yantoqlarni ko‘rib ulg‘aygan. Quyidagi berilgan tasvir so‘zlarimizning yaqqol misoli bo‘la oladi. Manzara quyidagi tartibda beriladi. “Tuni bilan asturlob ushlab, yulduzlarni kuzatib chiqqan Muhammad bir pas yotib dam olish o‘rniga yon atrofni aylanib chiqmoqchi bo‘ldi. U sekin yurib,

---

\* O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti tayanch doktoranti

Bushkanzning sharq tarafida yostangan tepalikka ko‘tarildi. Kechasi qirov tushgan shekilli, tirnoqgul qalampir, yalpiz, shuvoq arslonquyruq, qushqo‘nmas kabi o‘t o‘lanlarning yaproqlari oftob nurida yalt-yult etardi. Tepalikning ro‘parasida yoyilib yotgan Sulton Uvays tizma tog‘lari... Janub tomondan Qizil qal‘a, va Tuproq qal‘alarning qalin paxsa devorlari soya tashlab turibdi. Tuproq qal‘adan biroz narida joylashgan Qo‘yqirilgan qal‘aning mahobatli minoralari. Bir paytlar bu qal‘ada rasadxona ishlab turgan.” Qissa ilmiy-ma‘rifiy yo‘nalishda yozilgan. So‘z yuritilayotgan davrdagi ilm fan hayotiga qaysidir ma‘noda shunday tasvirlar orasida ham to‘xtalib o‘tishlar bo‘ladi. Shu ma‘noda erilgan iqtobosning oxirida ilmiy tadqiqot ishlari bilan shug‘ullanishga mo‘ljallangan rasadxona bir paytlar ishlab turganligi ham ma‘lum qilib o‘tilmoqda.

Nazarimizda kolorit tushunchasini o‘ziga xoslik tushunchasi bilan barobar qo‘yish mumkin. Masalan biz tarixiy kolorit deganimizda aynan tarixiy o‘ziga xoslikni, milliy kolorit deganimizda esa milliy o‘ziga xoslikni tushinamiz, demak kolorit tushunchasi o‘ziga xoslik tushunchasi bilan ustma ust tushar ekan Abu Rayhon Beruniyning o‘ziga xos bo‘lgan xislatlari deyish o‘rniga Beruniy shaxsi koloriti deysak ham yanglishmagan bo‘lamiz. Buni aynan faqatgina Beruniyga emas u bilan baravar turuvchi boshqa alloma ajdodlarimizga ham qo‘llashimiz mumkin.

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da kolorit so‘ziga quyidagicha izoh beriladi. “Kolorit [ital. colorito lot. color – rang, tus] 1. Rasm, gravyura va shu kabilarda ranglarning uyg‘un, o‘zaro mutanosib bo‘lishi, uyg‘unlik kasb etishi. 2. ko‘chma Biror narsaning (tashqi ko‘rinish, badiiy asar, davr, hudud, xalq va sh.k.) o‘ziga xos tomonlari, xususiyatlari majmui” Izohdan so‘ng quyidagi fikrlarni keltirib o‘tishimiz o‘rinli. Ko‘rinyaptiki kolorit yaxlit umumiy tushuncha, shu sababli ham millatni aytganda muayyan bir shaxs yoki aniq bir shaxsni aytganda butun boshli bir millat ko‘z oldimizda gavdalansagina biz o‘sha kishining shaxsi koloriti deb baho berishimiz mumkin. “Olimning asarlarida ilm va kashfiyotni ifodalagan yangiliklarni ifoda ettirgan tillarni o‘rganish o‘z aksini

topdi. Gap bu yerda o‘sha tillarda o‘qish, yozish, so‘zlashish emas, balki mavjud tillarning grammatikasini, xalq tili, ilmiy tillarni o‘rganish haqida boradi. Beruniy til bilgan dil biladi degan qoidaga amal qilib so‘zlarning qayerda, qanday ma‘no berishini bilishga kirishdi. Xalq tili “ming asrlik” durdonalarni jamlaydi. Shuning uchun xalq hayotini bilish, undagi donishmandlik xususiyatlarini haqiqiy ma‘nosini tushunish olimda donishmandlik shakllanishiga ko‘maklashdi. Davr taqozosi bilan olim atrofdagi muhitni hisobga olib pliuralizm qoidalaridan ustalik bilan foydalandi. Agar shunday qilmaganida uning ilmiy faoliyati kutulgan darajada bo‘lishi qiyin edi.” Yozuvchi Abu Rayhon Beruniyning til o‘rganish borasida ilk qadamlarini yunonlik asir olingan qul bozoriga solingan bir olimning ustози Ibn Iroq tomonidan sotib olinishiga bog‘laydi. Boshqa ilmlarga muhabbatli ekanligini va shunga olimning yashagan davrida muhit, sharoit yetarli ekanligini Pirmat Shermuhamedov tarixiy koloritni ko‘rsatib berish yo‘li bilan bildirib o‘tganligini ko‘rishimiz mumkin. “Muhammad har kuni ustози bilan birga o‘tirib, nonushta qiladi-da, madrasaga chopadi. Bu yerda Bog‘dod, Nishopur, Marv, Gurganjdan kelgan mudarrislar fiqh, hadis, handasa, tavsir, riyoziyot, nasx, tarix va islom asoslaridan ma‘ruza qilardi.” Olimning o‘spirin yoshda shu bilimlarni egallash uchun qilayotgan harakatlarining o‘zida shaxs koloritining shakllanish bosqichlari nomoyon bo‘ladi. Quyidagi o‘rinda esa tarixiy koloritning qizg‘in harakatdagi holati tasviri beriladi. “Muhammad bozor aylanib zerikdi-da, o‘zga yurtlar savdogarlari kelib to‘xtaydigan karvonsaroy tomon oshiqadi. Ana, ko‘cha o‘rtasida hind fillari salobat bilan qadam tashlab kelmoqda. Bir laycha it egasiga o‘zini ko‘rsatish uchun zo‘r berib vovillar, fillar esa unga parvo ham qilmay ohista yurib borardi. Orqada Iroqning bir o‘rkachli tuyalari, Suryaning kichginagina, lekin yuk ko‘tarishda tengi yo‘q hachirlari... tuyalarga yuklangan populdiriqli qizil gilamlar, no‘xtalarining zarli shokilalari ko‘rgan kishining havasini keltiradi. Eshak, ot, tuya ustida ketayotgan savdogarlarning kiyimlari, qiyofalari, tili Muhammadni hayratga soldi. Dunyo bunchalar keng bo‘lmasa... Turli kiyim, turli qiyofa, turli tillar...

turli yurt, el-elatlar...” Solishtiradigan bo‘lsak, P.Shermuhamedovning “Dahoning tug‘ilishi yoxud Abu Rayhon Beruniy qismati” qissasida Abu Rayhon Beruniy obrazi ishtirok etgan boshqa asarlarga qaraganda tarixiy kolorit muallif tilidan manzarani tasvirlab berish orqali ko‘rsatilgan. Yana tarixiy ma‘lumotlarni berish orqali tarixiy koloritni ko‘rsatib berish muallifda ancha kuchli. Bu quyidagi parcha misolida ham ko‘rinadi: “Shanba kuni Muhammad ustozi bilan shahar markazida joylashgan qullar bozorini aylandi. Bu yerda Rus, Bulg‘or, Eron, Misr, Bog‘dod, Damashq, Termiz, Kesh, Buxoro, Turkiston, Qoshg‘ar, Yassi, Sig‘noqdan olib kelingan qullarni uchratish mumkin edi” O‘z davrida Xorazmda kattagina qul bozori bo‘lgani manbalardan ham ma‘lum. SHu tarixiy ma‘lumotni asariga chiroyli badiiy shaklda kiritgan muallif bir paytning o‘zida tarixiylikni va badiiylikni bera olgan, unda tarixiy kolorit ham bo‘y ko‘rsatadi. Parchada tarixiy koloritning o‘ziga xos jihati namoyon bo‘lgan. Bu parchaning boshida o‘z aksini topgan. Muhammad va ustozining shanba kuni shahar markazidagi qul bozorini aylanishi qul savdosi shanba kuni faoliyat ko‘rsatishidan darak beradi. Aholi uchun birinchi navbatda zarur bo‘lgan mahsulot va tovarlar bozori haftaning istalgan kuni bo‘lishi tabiiy. Har kuni ham ehtiyoj sezavermaydigan, lekin ahamiyatli narsalarning maxsus kunlardagi savdosi asarda ko‘rsatilganidek, bugungi kunda ham ma‘lum kunlarda amalga oshiriladi. Asarda qullar savdosi shanba kunigina amalga oshirilishi haqida so‘z bormaydi, lekin shuni anglash uchun luqma sifatida shanba kuniga urg‘u beriladi. Yuqoridagi parcha va undan keyingi qisqa tahlil uning tarixiy, milliy, jo‘g‘rofiy koloritning bekik ko‘rinishi ekanligini dalolatlaydi. Milliy, jo‘g‘rofiy koloritning tutashgan nuqtalaridan biri sifatida quyidagi parcha diqqatga sazovor: “Yo‘l bo‘yida loysuvoq tomlar ortidan sershariat uzumzorlar, anjirzorlar ko‘zga tashlanadi. Bedapoyalarda peshonasi oppoq chosuv bilan tang‘ib bog‘langan dehqonlar boshlarini ko‘tarmay beda o‘rinishadi. Yo‘lning ikki chetida sotishga qo‘yilgan qovun uyimlari... Mag‘zi qizg‘ish ola tarlamalar, yo‘l-yo‘l

shirinpechaklar, ko‘kimtir, oqish jiyda yaproqlar, oq navvotlar, oq-sariq xommalar, bosvoldi, amiriylar... bahorgacha qo‘ralarga osib qo‘yiladigan, qancha uzoq tursa, shuncha shirin bo‘ladigan tillarang beshaklar. Katning qovunlari shirin-shakarligi bilan dunyoning hech bir mamlakatida uchramaydi. Har yili turli ellar, yurtlardan kelgan savdogarlar bu erning qovunlarini xarid qilib, o‘z vatanlariga olib ketishadi. Mayin shabada poliz pushtlarining u er bu erlarida tars-tars yorilayotgan qovunlarning xush bo‘yini dimoqqa uradi”. Beruniy obrazi ishtirok etgan tarixiy asarlarda tarixiy milliy kolorit tasvirini mualliflar o‘zlarining ijodiy salohiyati, bilim doirasi, tarixni o‘rganganlik darajasidan kelib chiqqan holda berganlar. Bunda nafaqat Beruniy obrazi, balki uning atrofidagi boshqa personajlar tasvirida ham yuqoridagi nuqtai nazar ustivor. Biz so‘z yuritayotgan barcha “Tarixiy asarlarda qahramonlar ichki dunyosining tahliliga katta e’tibor qaratilgan. Natijada milliy xarakterning nafaqat zohiriy (ijtimoiy), balki botiniy (psixologik) qirralari ham ochilgan. Sharq kishisiga xos iymon, e’tiqod, javonmardlik, adolatpeshalik, vatanparvarlik kabi xususiyatlar milliy xarakterning ajralmas bir qismi sifatida talqin etilgan”. So‘z yuritilayotgan asarda muallif tilidan yoki personajlar dialoglari orqali Beruniy obrazi tasviriga bog‘liq ravishda ifodalangan tabiat manzarasi, hududiy, jo‘g‘rofiy tasvir, tarixiy vaziyat va sharoit tasviri dalillarga asoslanib tasvirlangan.

## ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА СОҒУНИЙ БИЛАН ИЖОДИЙ МУЛОҚОТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳафизова Мухлиса\*

**Аннотация:** Мақолада Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида таъсир кўрсатган етук давлат арбоби Алихонтўра Соғуний билан ижодий мулоқотларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.

**Таянч сўзлар:** ижод, шаклланиш, шеърят, ижод мактаби, ижодий суҳбат

XX аср ўзбек шеърятининг мумтоз вакиларидан бири Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида нафақат Алишер Навоий, Фузулий, Умар Ҳайём, Ғафур Ғулум ва Сергей Есенин сингари жаҳон шеърятининг ёрқин юлдузлари, балки у билан мулоқотда бўлган, лекин бадиий адабиётга алоқаси сезиларли бўлмаган сиймолар ҳам таъсир кўрсатишлари мумкин.

Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида ўзига замондош бўлган, адабиёт, Шарқ ва Ғарб адабиётининг мумтоз вакиллари, поэтик маҳорат ҳақидаги суҳбатлари билан таъсир кўрсатган устозлар ҳақида бундай деган эди: “Шоир ижодига носирнинг кўрсатган таъсир тўғрисида бевосита десак, одамлар тушунмасликлари мумкин, албатта. Мен бундай таъсирни сезаман. Таъсир ҳақида гапирганда, биринчи навбатда шуни айтиш керакки, ёзувчи ўз хаётида ўқиган китоблари, суҳбатлашган одамларнинг таъсирини сезмаслиги ҳам мумкин. Ижод, бу – ёзувчининг бутун умри давомида кўрган-кечирганлари, ўқиганлари, ҳис этганлари бирикмасидан ташкил

---

\*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти [abbos.a.1990@mail.ru](mailto:abbos.a.1990@mail.ru)



топган ҳодиса экан, улар ижодда изини қолдирмаслиги мумкин эмас” [Воҳидов, 1984.].

Чиндан ҳам, ҳар бир шоир ижодий ҳаёти давомида фақат шоир ва ёзувчилар билангина эмас, балки ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, адабиёт ҳақидаги билимлари ижод аҳлидан кам бўлмаган кишилар – олимлар, шифокорлар, муборак ёшга кириб, катта ҳаётий тажриба орттирган кишилар билан ҳам мулоқотда бўлади. Шоирнинг шундай соатларда олган таассуротлари унинг ижоди шаклланишида каттами ё кичикми роль ўйнаши мумкин. Бизга шу нарса маълумки, Э.Воҳидов бой ҳаёти давомида давлат, фан ва маданият арбоблари билан мулоқотда бўлди. Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларга бориб, шу мамлакатлардаги машҳур кишилар билан учрашди. Шундай кишилардан бири Хитой Республикасининг мустақиллиги учун курашган етук давлат арбоби, уйғур халқининг раҳнамоси, сиёсатшунос олим Алихонтўра Соғунийдир.

Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Соғуний 1885 йилда Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Макка ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. У ислом динининг тарихи ва фалсафасини жуда чуқур биладиган, Туркистон тарихини мукамал ўрганган, адабиёт ва санъат соҳасида катта иқтидорга эга кишилардан эди. У ёшлигида Боласоғун шаҳрига бориб, Юсуф Хос Ҳожиб мақбарасини зиёрат қилади. Бу зиёрат устозда жуда кучли таасурот қолдиради ва у буюк ижодкор яшаб ўтган шаҳар номини ўзига тахаллус қилиб олади. Зехни ўткир Алихонтўра Соғуний ўз халқининг ноҳақ чекаётган азобларини кўравериб, қалбида норозилик туйғулари уйғонади. Унинг қалбидаги норозилик туйғулари аланга олиб, исёнга айланади. Табиийки, унинг исёнкорлиги ҳукмдор доираларга ёқмайди ва у узлуксиз таъқиблар, қувғинлар азобини кўриб яшашга мажбур бўлади. Алихонтўра Соғуний таъқиблардан қочиб, Шарқий Туркистонга кетади ва у ердаги миллий озодлик ҳаракатида фаол қатнашади. Бу ҳаракат муайян бир даврда катта самарага эришади – 1944 йилда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон

килинади ва Алихонтўра Соғуний Муваққат ҳукуматнинг биринчи раиси қилиб сайланади. Бироқ кўп ўтмай, ҳукумат тор-мор қилинади. Алихонтўра Соғуний қочиб Тошкентга келиб қолади ва шу ерда ўзининг илмий ва ижодий фаолиятини давом эттиради. Бу даврга келиб Алихонтўра Соғуний нафақат Шарқий Туркистон-нинг, балки бутун Ўрта Осиёнинг йирик жамоат арбоби сифатида танилади.

“Алихонтўра Соғунийни, - деб ёзади Абдулазиз Мансур “Тарихи Муҳаммадий” асарининг сўз бошисида, - асримизнинг кўплаб уламои фозиллари ўзларининг буюк устозлари деб биладилар. Зеро, ул зоти бобаракотнинг серфайз ва таъсирчан суҳбатларидан бир лаҳза баҳраманд бўлган ҳар бир толиби содиқ йиллар давомида ўзга устозлардан олган сабоқлари ёки юзлаб мутолаа қилган китоблардан олган маълумотларидан ҳам зиёдроқ истифода этар эди, десам муболаға бўлмас. Камина эса бир лаҳза эмас, Тангрига беҳад шукрлар айтаманким, ул устози куллнинг дарсгўйлик давраларида ва файзли суҳбатларида кўп бўлганман ва кўпдан-кўп илмий иштибоҳларимни сўраб ўта қониқарли жавоблар олганман”.

Алихонтўра Соғунийнинг Тошкентда ўтган сўнгги ўттиз йиллик умри ижодий жиҳатдан жуда сермахсул бўлган. Жумладан, у Херман Вамберининг “Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи” китобини, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое” асарини ҳамда Дарвиш Али Чангийнинг “Муסיқа” рисоласини форс тилидан таржима қилди. Айрим манбаларда Соғунийнинг энг улуғ зоти олийларгагина хос сифатларидан бири — мансабга интилиш ва шуҳрат-парастликдан йироқ бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилган бўлса, айрим манбаларда унинг кучли табиб бўлгани ҳам айтиб ўтилган.

Алихонтўра Соғунийнинг асарлари орасида қаламига мансуб “Шифо ул-илал”, яъни “Иллатлар шифоси” асари ҳам мавжуд. Унда икки юзга яқин касалликлар баёни, ташхиси ва даволаш усуллари берилган. Олимнинг йирик асарларидан яна бири “Туркистон қайғуси” асаридир. Бу асарда халқимизнинг

кандай қилиб босқинчиларга қул бўлиб қолгани ва қандай қилиб динни, Ватанни, миллатни асраш кераклиги чуқур сиёсий-ижтимоий мантиқ асосида мукаммал баён этилади. У ўзи яшаган замон тазийиқларига қарамай, Пайғамбаримиз тарихи ҳақида “Тарихи Муҳаммадий” асарини яратади. Унинг ёзилиш тарихи муаллифдан қанчалик куч-ғайрат, машаққат-ли меҳнат ва билим-заковат талаб этган бўлса, уни қабих коммунистик тузум таъқибидан асраш ундан ҳам қийинроқ бўлган. Қарийб йигирма йил мобайнида жуда оғир аҳволда, диндорлар қувғинда бўлган йиллари ёзган бу бебаҳо асарни авайлаб замони саодатга, келажак авлодга етказиб бериш учун кўп йиллаб уни ер остида, ҳатто ун қоплари ичида ҳам сақлашган. Етук олим шундай қийинчиликлар билан бўлса-да ўз халқининг маърифатли бўлиши учун умрининг охиригача зиё нурини таратиб яшади.

Эркин Воҳидов таълим олган устозларини доим фахр ва ифтихор, эътиқод ва ихлос билан тилга олар, улар билан бўлган ҳар бир суҳбат ўзгача таасурот қолдирганлигини доим таъкидлар эди. “Баъзи бир одамлар бўладики, улар ўзларидан нур сочиб турадилар, бу зиёдан одамлар баҳраманд бўладилар. Бамисоли шамга ўхшаган бўлади-ю, бу одам-шамнинг атрофига одамлар йиғилади. Ғайратий домла, Миртемир домла ана шунақа шамга ўхшаган одамлар эдилар. Ўша Соғуний домлалардан маърифат нури, эътиқод, мусаффолик, софлик, поклик нури таралиб турарди. Ва улар ўзининг атрофида жам бўлган одамларни суҳбатлари билан баҳраманд қила олардилар” [Тоир Юнус, 1993:161].

Ижодкор нафас оладиган ҳаво – адабий муҳитдир. Бу ҳаво тоза, мусаффо бўлмоғи керак. Эркин Воҳидов ана шундай мусаффо ҳавода улғайди, унинг ижодий камолоти ёшлигидан адабий муҳитда шаклланиб, ривожланиб борди.

“Тоғам касби ҳуқуқшунос ҳам адабиёт ва санъатга қизиққан, шеърятни нозик тушунадиган киши эди. Уйимизда шоир Чустий, хонандалар, ака-ука Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, кенг билим эгаси бўлган олим, таржимон Алихон

Соғуний тез-тез келиб туришар эди. Менинг шеърятга кизиқишимни сезган тоғам бу суҳбатлардан мени ҳам бахраманд қиларди. Оддий почта хизматчиси Мулла Шукуржон ака, савдо ходими Акмалхон акаларнинг зукко баҳсларига маҳлиё бўлиб ўтирар эдим. Улар Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий байтларини таҳлил қилиб, ҳар бирлари ўзларича талқин бериб ўтиришарди. Бу суҳбатлар ичкиликсиз, фақат шеър ва кўшиқ кайфи билан, аския завқи билан музайян бўларди” [Воҳидов, 2018:8], – дейди шоир.

Адабиётшунос Иброҳим Гафуровнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган “Биз Эркин Воҳидов ижодини нега севамиз” номли мақоласида шоирнинг ижодий фаолиятида Соғуний ва у билан даврдош устозларининг ёш шоир ижодида нечоғлик катта аҳамият касб этганлиги ҳақидаги бундай хотираларни ёдга олади, “У эллигинчи-олтмишинчи йилларда университетда таҳсил олган кезлари мумтоз адабиётимиз ва, айниқса, Навоий шахси ва ижодиётига қаттиқ қизикди. У доим ёнида Навоийнинг “Фан” нашриёти чиқарган оқ юмшоқ муқовали сайланма ғазаллари китобини қўймай олиб юрарди.

Талабалар пахта теримига чиққан пайтлари ҳам шу китобни зовурлар бўйидаги толлар, жийдазорларда ўқиб ўтирарди. Гоҳ биргалашиб ўқирдик. У Навоий ғазалларининг ҳар бир сўзи, ҳар сатридан бағоят ҳайратга тушар, булаъжаб таъсирланарди. Ташбеҳлардан эса масту мустағрақ даражада лол қолиб, уларни таҳлил қилар, маъноларининг тагидаги сирлар қаватларига етиб боргиси келарди. Тушунмаган сўзларга дуч келганда шоирона фаҳм-фаросат, фараз билан уларни англашга уринар, кейин бу сўзларни луғатлардан қидирар, Алибек Рустамов, Алихонтўра Соғуний, Порсо домлалардан суҳбатлар асносида сўраб, ниҳоят ўша маънолар кирраларини очарди. Ўша “Фан ” нашриёти чиқарган оқ муқовали китобга кирган барча ғазаллар ва мухаммаслар, рубойлар, қитъалар Эркин Воҳидовга то университетни 60-йилда битиргунга қадар

ёд бўлиб кетганди. Навоийни доим ёд ўқирди. Унинг хотираси ўткир ва ниҳоятда сезгир эди”. [Ғафуров, 2020:6].

Алихонтўра Соғуний Тошкентга кўчиб келгач, умрининг сўнггига қадар Эркин Воҳидов билан ён қўшни бўлиб яшаган ва унга ўз уйида таълим берган, ён қўшниси Эркин Воҳидов эса устоз билан ҳамфикр бўлиб, унинг ажойиб суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Соғунийнинг тасаввуфий шархлари унинг мумтоз адабиётга бўлган қизиқишини янада оширган:

Ҳазрат Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” мухташам асарини бошлаб берган:

Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвор ул-худо,

“Ёр аксин майда кўр” деб, жомдан чиқди садо

байтини Алихонтўра Соғуний ҳазратлари бир соатга яқин шарҳ қилган эдилар. Кейин англасам, бу шарҳ тасаввуф илмидан ажиб бир сабоқ бўлган экан” [Воҳидов, 2018:274].

Соғунийнинг устоз сифатида Эркин Воҳидов ижодига таъсир кўрсатганлигини адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги фикрларидан ҳам англаш қийин эмас.

“Мен, - деб ёзган эди олим, - Алихонтўра Соғуний тўғрисида биринчи марта 80 йилларнинг ўртасида Эркин Воҳидовдан эшитган эдим. Бир воқеа муносабати билан Алихонтўра Соғуний билан ҳаммаҳалла эканини, жуда билимдон ва зукко инсон эканини, салом-алик қилиб юриб, унинг назарига тушиб қолганини аллақандай ички ғурур билан гапириб берганди. Эркиннинг гапи билан мен бу кишига қизиқиб қолдим ва у тўғрисида бир қадар тасаввур ҳосил қилдим” [Шарафиддинов, 2009:269].

Ўзининг серқирра билими, истеъдоди, ҳақгўйлиги ва мардлиги билан ўзбек халқининг хурматини қозонган Алихонтўра Соғуний кўпгина ватандошларимизга устозлик, ҳатто пирлик ҳам қилган. “Тошкентда яшаётган вақтларида у кишининг кўплаб шогирдлари бўлган. Улар қандай илм ўрганиш мақсадида келган бўлишса, албатта, ўша илмдан

таълим бера оладиган даражада бўлган устоз... масалан, араб тили, форс тили, тафсир, Қуръон, ҳадис калом илми ва ҳатто тиббиёт фанидан ҳам...

Соғиний умрининг охириги 3 ойида ётиб қоладилар. Шогирдларининг айтишларига қараганда, у шу пайтга қадар шогирдларига 5-6 соатлаб сабоқ берган. Унинг шогирдлари орасида ўзбек ҳам, қирғиз ҳам, қозоқ ҳам, доғистонлик ҳам бўлган. Бугунги кунда у кишининг шогирдлари ва набира-шогирдлари Ўзбекистондан ташқари, қўшни мамлакатларда ҳам яшаб, устоздан олган билимларини ёш авлодларга бериб, унинг маърифатпарварлик ишини муваффақитбилан давом эттирмоқдалар. [Ахмедов, 2015:79].

XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошлари ўзбек адабиётида Эркин Воҳидов дилбар оҳанг ва самимий туйғулар, куйма фикр ва бетакрор ифодалар, теран маъно сингган шеърятни олиб кирди.

Шоир, аввало, ўз даврининг огоҳ ва ҳозиржавоб фуқароси, нозик дидли ижодкори сифатида фаолият кўрсатди, асарлар яратди. Шу боис унинг шеърларида нафақат юртимиздаги, балки дунёнинг қайсидир бурчагидаги воқеликлар ҳам талқин топганини кўрамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Воҳидов Эркин. Умрларга татигулик сабоқлар. – Ўзбекистон адабиёти ва санъати., - 1984
2. Тоир Юнус. Инсоннинг тириклиги. – “Шарқ юлдузи” журнали., 1993, № 1 – Б.161-163.
3. Воҳидов Эркин. Сайланма. Қалб садоқати. 5-жилд: Мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2018.
4. Ғафуров Иброҳим. Биз Эркин Воҳидов ижодини нега севамиз. – “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2020 йил, 25 январь

5. Воҳидов Эркин. Сайланма. Эрк соадати. 6-жилд: Мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2018.
6. Шарафиддинов Озод. Домлалар. – Тошкент “Маънавият”, -2009.
7. Аҳмедов Беғижон. Тафаккур бўстони. – Бишкек “Из-Басма” 2015.

## ЛУТФИЙ ҒАЗАЛИГА НАВОИЙ ЖАВОБИЯСИ

Тўхтаева Дилафруз\*

*Аннотация:* Мақолада Луфийнинг “устина” радифли газалига Алишер Навоий томонидан боғланган мусаддас ҳақида фикр юритилган. Ғазал ва мусаддаснинг жанр хусусиятлари, ҳар иккала ижодкорнинг бадиий маҳорати таҳлилга тортилган.

*Таянч сўзлар:* туркий шеърят, мусаммат, жанр, ғазал, мусаддас, таъби худ, тазмин, маҳорат.

Алишер Навоий туркий шеърятни ҳар жиҳатдан мукаммалашуви учун ўз истеъдод ва иқтидорини бағишлаган ижодкордир. Буни биргина туркий шеърят жанрларининг такомиллашуви борасидаги хизматларидан ҳам кўришимиз мумин.

Маълумки, Навоийга қадар форсий адабиётда мусамматлар яратиш анъанаси шаклланиб, бу борада маълум ютуқлар қўлга киритилган эди. Туркий шеърятда бу борадаги дастлабки қадам ҳам Алишер Навоийга насиб қилди. У биринчилардан бўлиб мусамматлар яратиш анъанасига асос солди ва мазкур соҳада улкан ютуқларни қўлга киритди.

Мусаммат арабча сўз бўлиб, “ипга ўтказилган марварид” деган маънони билдиради. Навоий ижодида мусамматларнинг мухаммас, мусаддас ва мусамман шакллари мавжуд. Мусамматларнинг бу турлари икки хил йўл билан яратилади.

1. Мустақил мусамматлар ёки **таъби худ** мусамматлар. “Таъби худ” мусамматлар номидан ҳам англашилиб турибдики, бундай мусамматлар ижодкорнинг ўзи томонидан яратилади.

---

\*мустақил тадқиқотчи



Бундай мусамматлар учун ўзга шоирларнинг шеъри асос қилиб олинмайди.

2. Тазмин мусамматда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида ўз ғазалини асос қилиб олиб, ўша ғазалнинг вазн, қофия, радиф ва мавзусини сақлаган ҳолда мусаммат яратади [Носиров О, 1979:114].

Алишер Навоий новатор шоир сифатида туркий тилда мухаммас (10 та), мусаддас (5 та), мусамман (1та) яратиб, мусамматларнинг туркий шеъриятда мустақил жанр сифатида шаклланишига асос солди. Улуғ шоир мусамматларнинг юқорида таъкидланган ҳар иккала турида ҳам ижод қилди. Бу борадаги хизматларини шоирнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоя” дебوحасида “....руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар” [Навоий, 1987: 22] тарзидаги фахрияларида алоҳида таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоий ўз даврининг буюк шоири, “малик ул-калом” унвони билан улуғланган Мавлоно Лутфийнинг ўз даврида шуҳрат қозонган, мухлислари томонидан яхши кутиб олинган ғазалларига мухаммас ва мусаддаслар боғлаган. Лутфийнинг ана шундай ғазалларидан бири “Устина” радифлидир. Алишер Навоий унга тахмис боғлаб, ўз мусаддасини яратади. Бу мусаддас “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган.

Лутфий ғазали етти байтли бўлиб, мавзусига кўра ошиқона. Шоир ғазалнинг дастлабки байтида маъшуқанинг қаддини жаннатдаги тўби дарахтига, ўзини ойга ўхшатган ва шу орқали жуда гўзал тасвир яратган. Мусаддас жанрининг ўзига хос хусусияти ва жанрий белгилари тасвирнинг “мукаммаллашуви” учун хизмат қилганини Навоий қўшган тўрт мисраданок англаш мумкин.

Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина,  
Ганж уза соҳир кўзунг афъиға афсун устина,  
Дарди ишқинг улки қўйди жони маҳзун устина,  
Деди, кўргач оразинг ул қадди мавзун устина,

**Эй, қадинг тўбию жаннат хадди гулгун устина,  
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина**  
[Навоий.1990:451].

Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналарида хазина аждар (илон) томонидан кўриқланади. Шоир тасвирни маъшуканинг сочидан бошлар экан, халқда шаклланган ана шу қарашни асос қилиб олади. Шу боис, маъшуканинг вужудини Қорун ганжига, сочини эса ганжни кўриқловчи аъфи (илон)га, кўзини эса илонга афсун ўргатувчи сеҳргарга ўхшатади.

Лутфий ғазалининг иккинчи байтида ошиқнинг “сўзи нозук, кўнгли хушу, таъби латиф”лиги ҳақида фикр юритилади. Навоий мисраларида ошиқнинг руҳий кечинмалари кенг ва мантикий далиллар билан асослаб берилади.

Топти жон ҳар дам ўлар ҳолатда бу жисми заиф,  
Лаълидин жонбахш сўз айтурда ул шўхи зариф,  
Қолди кўзум тийра, **жисмим** хаставу **жоним** наҳиф,  
Зулфу кўзу лаъли ҳажриға бўла олмай ҳариф.  
**Бўлди сўзум нозуку кўнглим хушу таъбим латиф,  
Ҳар қачон солдим назар ул шакли мавзун устина.**

Ошиқнинг жисми ўлар ҳолатда заиф. Бунга даво маъшуканинг жонбахш лаълидин чиққан биргина сўз. Ошиқнинг “кўзи тийра”, “жисми хаста”, “жони наҳиф”. Бунга сабаб эса маъшуканинг “зулфу кўзу лаъли”дир.

Келса Чин суратгари бир дам жамолинг қошиға,  
Жон фидо қилғай ҳамул дам суратинг наққошиға,  
Лоладур ширин лабинг, Фарҳодеким кон ёшиға  
Ғарқ ўлуб, тушмиш гузори ҳажр тоғу тошиға,  
**Сарв анингдек коматинг ҳайронидурким, бошиға  
Қилди қушлар ошён андоқки Мажнун устина.**

Мусаддаснинг юқоридагидаги бандида яна маъшуқа таърифига ўтилади. Лутфий байтларида маъшуканинг гўзал коматига савр ҳайрон бўлганлиги, бунинг натижасида у ҳам худди ишқда Мажнундек телба бўлганлигига ишора қилади.

Бунинг учун ҳаётий ҳодиса, кушларнинг дарахт устида ошиён (ин) қуришини асос қилиб олади.

Навоий мисраларида фикр тасдиғи учун Чин мусаввири, Фарҳод образларига мурожаат қилинади. Маъшуканинг “лоладек лаби” Фарҳоднинг қон ёшига ҳамда “ҳажр тоғи”да макон тутишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Натижада Лутфий айтмоқчи бўлган фикр доираси янада кенгайтирилади.

Кўз йўлин, эй ишқ, ҳар соат тўла ёш айлама,  
Эй кўнгул, ёшимға парголангни йўлдош айлама,  
Эй кўз, ашқимни сориг юзумга дурпош айлама,  
Ёшурун ишқим сўзин машҳури авбош айлама,  
**Ҳар дам, эй кўз ёши, юз кўрмай, мени фош айлама,**  
**Давлатимдин ағнадинг йиллар чу олтун устина**

Лутфий ғазалининг тўртинчи байтида мурожаат кўз ёшига қаратилади. Лирик қаҳрамон ундан ўз ҳолатини ошқор айламаслигини ўтиниб сўрайди ва шу ўринда ишқнинг илоҳий бир қудратига эътибор қаратади. Яъни ишқ инсон вужудини ноқисликлардан халос қилувчи хусусиятга эга эканлигини “кўз ёшнинг йиллар давомида олтин устида ағнаган”лиги орқали поэтик тарзда ифодалайди.

Навоий мисраларида лирик қаҳрамоннинг илтижолари **ишқ, кўнгул ва кўз ёшига** қаратилган. Ошиқ ишқдан кўзини ҳар соат ёшга тўлдирмаслигини, кўнгулдан кўз ёшларини парча-парча қилмасликни, кўздан эса сориг юзига ашқ тўқувчи қилмаслигини сўрайди. Бунинг сабабини эса ишқнинг авбош (бебош, дайди, саёқ, безори) эканлиги билан асослайди.

Лутфий ғазалининг бешинчи байтида маъшуқа қоши ва унинг таърифи билан боғлиқ тасвир давом эттирилади. Маъшуканинг эгилган (хам) анбар қошининг остида кўз мардуми холдек кўринганини “нун” харфига ўхшатиш мумтоз адабиётда анъана сифатида шакллланган. Шоир ана шу анъанани давом эттириб, иккинчи мисрада кўзни сулс ёзувидаги нунга, унинг мардумини “нун”нинг нуқтасига ташбех

этади. Байтда кўз ва қошнинг жойлашиш ўрни ва шакли ташбех орқали ифодаланган.

Жуббайи синжобинг ичра вусла-вусла қоқуми,  
Туғди хижрон шомида бир-бир саодат анжуми,  
Бор қамар, ақраб демай, ишқинг маломат қулзуми,  
Оразинг кофурида ул зулфи мушкин гаждуми,  
**Анбарин қошнинг хамида холдек кўз мардуми,**  
**Мушки тардин нуқтайи сулсийдурур нун устина.**

Мусаддаснинг бешинчи бандидаги қуйидаги сўзлар изоҳталаб: **жуббайи синжоб** - синжоб (қизил тулки) терисидан тикилган пўстин; **васла** (вусла) - парча, ямоқ; **қоқум** – пўстин. Навоийнинг маъшуқага таърифида ноъанавий тасвир кузатилади. Биламизки, ҳайвон терисидан қилинган кийим тикилганда бўлақларга бўлиб тикилади ва бу худди кийимга қўйилган ямоққа ўхшайди. Навоий таъкидича, маъшуканинг жуббайи синжобдаги парча (вусла-ямоқ) худди “хижрон шоми”даги анжум (юлдуз)га ўхшайди. Учинчи мисрада маъшуканинг ишқи “маломат қулзум (денгиз)и”га, юзидаги зулфи мушки - гаждум (каждум) чаёнга қиёсланган.

Лутфий ғазалининг олтинчи байтида шикоят оҳанги сезилади. Шоир ошиқнинг бир қатра хуни учун “хўблар илги”дан шунчалар жафо келишини таъкидлар экан, унинг мақсади маъшуканинг ситамкашлигига урғу беришдир.

То кўнгул сайдиға қўйди ул ғазоли Чин кўнгул,  
Бўлди шерафганлар аъзоси аро хунин кўнгул,  
Баски тортар ҳар санамдин бир жафо ғамгин кўнгул,  
Қилди жавридин аларнинг тарки ақлу дин кўнгул,  
**Неча чексун хўблар илгидин жафо мискин кўнгул,**  
**Мунчаму офат келур бир қатрайи хун устина?**

Мусаддаснинг олтинчи бандида Навоий кўнгулни образлантиради. Шоир унинг **хунин, ғамғинлигини, ақлу динни тарк** қилганлигини қайд этади. Шу орқали ишқнинг ақл ва дин орқали бошқарилмаслигини таъкидлайди.

Мумтоз шеърятда маъшуқанинг ошиқ учун энг қадрли инсон эканлиги кўпинча уни кўз мардумига ўхшатиш орқали ифодаланади. Ҳазалнинг мақбаси ва мусаддаснинг охириги бандида ҳам шундай тасвирни кузатишимиз мумкин. Ҳазал муаллифи мақтабда “Агар Лутфий кўзида ватан тутмасанг, Жайхун устида уй тикламоқ душвор” дир, - дейди. Байтда “ватан тутмоқ” бирикмаси “ошён”, “истиколат” маъноларини англатади, яъни “кўзларимнинг тубида ўзингга ватан, ин қилиб олгин” дейиш орқали ўз махбуби билан бир вужуд бўлиб бирлашишига ишора қилади. Бироқ маъшуқа ошиқ кўзида “ватан тутмаган” лиги учун у шу даражада кўп кўз ёш тўкканки, бундан Жайхун ҳосил бўлади.

Чун Навоий ашки баҳр ўлди чекиб ранжу тааб,  
Кемаликдин кўзлари ул баҳр аро топти лақаб,  
Кўзида, тонг йўк, агар туттунг мақом, эй нўшлаб,  
Чун кирар эл кемага қилмоқ учун айшу тараб,  
**Гар ватан Лутфий кўзида тутмадинг, йўқтур ажаб,  
Уй кўпормоғлиг эрур душвор Жайхун устина.**

Навоий мисраларида ҳам ошиқнинг кўз ёшларидан баҳр (денгиз) ҳосил бўлиши, кўзлари эса баҳрдаги кемага қиёсланиши орқали муболағанинг гўзал намунаси яратилган. Мусаддаснинг иккинчи байтида Алишер Навоий Ҳазал мақтасидаги “кўзда ватан тутмоқ” бирикмасига монанд “кўзда мақом тутмоқ” бирикмасини қўллайди. “Агар сен ошиқ кўзида мақом тутсанг, бу кемага эл айшу тараб (хурсандчилик учун) чиқади”, дейди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий ва Лутфий қаламига мансуб бадиий матнларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, мусаддас жанрининг ҳажмий имконияти Ҳазалга нисбатан кенг. Мазкур жанрда танланган мавзуни кенг ва чуқурроқ бадиий ифодалаш имкони мавжуд. Лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини Ҳазал мисраларига караганда муболағали тарзда ифодаланганлиги мазкур жанрнинг имконият доирасининг кенглигини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987. – 689 б.
2. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990 – 555 б.
3. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М . Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 182.

## **“TEGIRMON” ROMANIDA JADID ADIBI OBRAZINING BADIY TALQINI**

**Mansurova Malika\***

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada iste’dodli ijodkor Nabi Jaloliddin qalamiga mansub “Tegirmon” romani tahlilga tortilgan bo‘lib, undagi jadid ma’rifatparvar adibi Cho‘lponning badiiy obrazini yaratish masalasiga e’tibor qaratilgan. Yozuvchining bu borada erishgan yutuqlari baholanib, nazariy xulosalar bildirilgan.

**Tayanch so‘zlar:** biografik roman, ijodkor obrazi, badiiy talqin, badiiy detal, tarixiy manba, badiiy to‘qima.

Bugungi kunga qadar yaratilgan asarlar orasida tarixiy-biografik asarlar salmog‘i ortib bormoqda. Ularning katta qismi ijodkor obrazi va uning hayot yo‘li orqali u yashagan tarixiy davr kartinalarini ham tasvirlashni maqsad qilgan. Bunday ijod namunalariga Oybekning “Navoiy”, P.Qodirovning “Yulduzli tunlar”, M.Karimning “Mohlaroyim”, S.Siyoyevning “Ahmad Yassaviy” va “Avaz” kabi romanlarini kiritish mumkin.

Ijodkor obrazini yaratishda ularning prototiplari yozuvchi uchun boy manba bo‘lish bilan birga ularga katta mas’uliyat ham yuklaydi. Birinchidan, buning uchun tanlab olingan qahramon bilan bog‘liq barcha tarixiy materiallar qunt bilan o‘rganilishi lozim. Ikkinchidan, yozuvchi to‘plangan manbalarni saralashi va o‘z badiiy talqinini yaratishi lozim. Badiiy adabiyotda birgina ijodkor obrazi turli yozuvchilar tomonidan badiiy talqin etilishi mumkin. Masalan, Abdulhamid Ismoilning “Jinlar bazmi yoxud katta o‘yin” romani, X.Do‘stmuhammadning “Yolg‘iz” qissasi hamda I.Sultonning “Abdulla Qodiriyning o‘tgan kunlari” dramalarini birgina Abdulla Qodiriy siymosi birlashtirib turadi. Bir obrazni turli janrda va turlicha badiiy talqinini yaratish bu asarlarning o‘ziga xosligini

---

\*Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti.

[malika.mansurova.93@mail.ru](mailto:malika.mansurova.93@mail.ru)

ta’minlagan bosh omil hisoblanadi. “Albatta, biror tarixiy siymoga “keyin murojaat” qilgan yozuvchi bu siymo to’g’risida o’zidan oldin yozgan san’atkor yo’lidan bormasligi, bu ishda o’zgacha yo’l qidirishi kerak. Aks holda uning asari avval yaratilgan asarning baayni takrori bo’p qolishi mumkin, xolos” [O.Yoqubov va U.Normatov,1979: 215], - degan edi iste’dodli yozuvchi Odil Yoqubov Umarali Normatov bilan bo’lgan ijodiy suhbatida. Darhaqiqat, tarixiy shaxs siymosini qaytadan gavdalandirishda to’plangan boy tarixiy manbalar qatoriga o’zidan oldin shu ijodkor haqida yaratilgan badiiy asarlarni ham kiritish lozim.

O’zbek adabiyotida so’nggi yillarda jadid adabiyotining yetuk namoyandalari, buyuk so’z ustalari hisoblangan Abdulla Qodiriy, Abdulhamid Cho’lpon, Mahmudxo’ja Behbudiy kabi tarixiy shaxslarning badiiy obrazlari yaratilmoqda. Buyuk jadid adiblarimiz o’z ijod namunalari, faoliyati va g’oyalari bilan tariximizda o’chmas iz qoldirgan. O’zbek adabiyotshunosligida iste’dodli jadid adibi Abdulhamid Sulaymon o’g’li Cho’lponga bag’ishlangan Naim Karimovning “Cho’lpon” nomli ma’rifiy romani yaratilgan, biroq bu romanda Cho’lpon obrazi badiiy talqin etilmagan edi. So’nggi yillarda nashrdan chiqqan “Tegirmon” romanini Cho’lpon obrazi yuksak badiiy talqin etilgan yangi roman deyish mumkin. Ushbu asar ko’lami jihatidan ham boshqa asarlardan ajralib turadi. Asar muallifi iste’dodli ijodkor Nabi Jaloliddin “Tegirmon” romanini yaratgunga qadar ko’plab she’riy va nasriy asarlari bilan muxlislari e’tiborini qozongan edi. Yozuvchining uslubi, badiiy asar tilini, obraz nutqini yaratishdagi mahorati o’ziga xosdir. Asar nafaqat Cho’lponning hayot yo’liga, balki u orqali barcha jadid adiblarining mashaqqatli hayotini, o’sha davr ruhiyatini, milliy urf-odatlarini ham o’zida jamlagani bilan qadrlidir. Bizning tasavvurimizda Cho’lpon jonli shaxs sifatida gavdalanadi. Chunki uning shaxsiyati, ijodiyoti va faoliyati bir butun sifatida tasvirlangan.

Nabi Jaloliddin qalamiga mansub “Tegirmon” asari roman janrining tarixiy-biografik turiga kiradi, chunki asarning markazida Cho’lponning hayoti va faoliyati bilan bog’liq biografik ma’lumotlar



asar syujet chizig‘ini tashkil etib, kompozitsion qurilishiga katta ta’sir ko‘rsatgan. Asar ikki kitobdan iborat bo‘lib, birinchi kitob ikki qism va o‘n bir bobni, ikkinchi kitob o‘n ikki bobni o‘z ichiga olgan uch qismdan iborat. Roman sarlavhasi asarning butun mazmunini o‘zida mujassamlashtirgandir, ya’ni ijodkor jadid adiblari yashagan davrni, hayotni – “qizil tegirmon”ga o‘xshatgan. Asarning boshlanmasidayoq “qizil tegirmon”ga ta’rif berilgan bo‘lib, asarning oxiriga qadar bu tegirmonning insonlar boshiga solgan musibatlarini, qiynoqlari, azoblari va dahshatlari juda tabiiy tasvirlangan.

Romanda tasvirlangan barcha personajlar bosh qahramon taqdiri bilan kesishgan. “Tegirmon” romanida asarning butun-g‘oyaviy yo‘nalishi Abdulhamid Sulaymon o‘g‘li Cho‘lponning biografiyasi– hayoti, faoliyati, ijodiyoti bilan bog‘liq holda aks etgan.

Asar Cho‘lponning tug‘ilganidan boshlab (1898) to umrining so‘nggi kunlarigacha (1938-yil 4-oktabr) bo‘lgan davrni o‘z ichiga olgan. Bunda yozuvchi Cho‘lponning boy ijodiy merosiga, u haqidagi zamondoshlari xotiralariga, boshqa arxiv hujjatlariga va adabiyotshunos olimlarning Cho‘lponning hayoti va faoliyati haqidagi tadqiqotlariga asoslangan.

Romanda faqatgina bitta tarixiy shaxs biografiyasigina emas, balki u yashagan tarixiy davr kartinasi ham keng planda tasvirlangan. Albatta, har bir tarixiy shaxs ma’lum bir jamiyatning vakili, shu sababli asarda birgina obraz butun xalqni ko‘rsatib berolmaydi, shu sababli muallif bosh obrazni jamiyat bilan, uning ziddiyatlari bilan bog‘liq holda tasvirlagan. Tarixiy shaxs jamiyat taraqqiyotida ajralmas o‘ringa ega. “Gap ma’lum davr, ma’lum bir ijtimoiy sharoitda hayot kechirgan tarixiy shaxs haqidagi romanlar ustida borganligi uchun mazkur romanlarni tarixiy roman kategoriyasiga kiritish lozim. Bunday romanlarning yana qo‘shimcha xususiyati ham bo‘ladi, ya’ni ijodkor shaxs haqidagi asarlar ham tarixiy roman turiga kiradilar. Qahramon obrazida, uning hayoti va kurashi orqali davrning ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatlarini aks ettirish har qanday tarixiy roman uchun ham umumiy vazifa ekanligi bu yerda ham o‘z

kuchida qoladi ” [M.Avezov, 1960: 170-171 ]. Iste’dodli yozuvchi Nabi Jaloliddin bu qonuniyatni yaxshi bilgan va asar bosh qahramonini el-yurt dardiga qayg‘uradigan, butun ijodi va faoliyatini Vatan taqdiri bilan bog‘lagan fidoiy va jonkuyar shaxs sifatida tasvirlagan. Davr ziddiyatlari, muammolarini hal qilishda bosh qahramon bilan yonma-yon harakatda bo‘luvchi obrazlarni ham yaratgan.

Tarixiy-biografik roman markazida turuvchi bosh qahramon hayoti bilan bog‘liq har bir voqea muallif uchun muhim sanaladi. Biroq asarni yozish jarayonida bu ma’lumotlarning hammasini kiritishning imkoni yo‘q. Muallif ular orasidan eng muhimlarini, ya’ni tarixiy shaxs xarakterini yaratishda yetakchi hisoblanganlarini asarga singdirib yuborishi lozim. Ba’zi holatlarda tarixiy haqiqat ayrim o‘zgarishlarga uchrab badiiy haqiqatga aylanganini guvohi bo‘lamiz. Albatta, ijodkor bu kabi to‘qimalardan romanning g‘oyaviy-badiiy mazmunini shakllantirishda foydalanadi. Eng muhimi, tarixiy haqiqat bilan badiiy haqiqat bir-biriga qarama-qarshi bo‘lmasligi lozim.

“Tegirmon” romanida Cho‘lponning tug‘ilishi bilan bog‘liq bo‘lgan qiziq voqea keltirilgan, ya’ni Teshavoy ismini qo‘yilishi sabablari izohlangan. *“O‘sha kuni Oyshabibining oy kuni yetib, birdan to‘lg‘og‘i tutib qoladi. Sulaymon bazzozning onasi Toji bibi kelinining tepasida andarmon turganda, hovliga tilanchi lo‘li juvon allambalolarni sayrab kirib keldi. Bu ko‘hna dunyoning hikmatli kitobini ancha-muncha o‘qib qo‘ygan Toji bibi buni o‘zicha karomatga yo‘yadi. Ikki nabirasi sut emdisida “ketgan” emasmi, yuragi zirillab, bunisining joni qattiq bo‘lsin, deya lo‘lining qo‘liga tesha tutqazadi. Lo‘li chaqaloqni ostonaga yotqizib, kindigini tesha bilan chopadi(kesadi). Hamma “ana Teshavoy bo‘ldi”, deya qichqiradi”* [N.Jaloliddin, 2018:12 ]. Cho‘lponshunos olim Naim Karimov o‘zining Cho‘lponga bag‘ishlangan “Cho‘lpon” nomli ma’rifiy romanida uning tug‘ilishi bilan bog‘liq voqeani aynan shunday keltirgan. Ko‘rinib turibdiki, Nabi Jaloliddin bu voqeani o‘z holda asarga kiritgan. Bu orqali muallif

Abdulhamidning tug‘ilishi tarixini ko‘rsatgan hamda bu voqea milliy urf-odatlarimiz ham o‘z aksini topgan. Farzandidan judo bo‘lgan ota-onalar bu kabi irim-sirimlarga qattiq ishonishgan. Masalan, Abdulla Qodiriyning bir qulog‘idagi teshikcha ham mana shunday irim-sirimlarning mahsuli hisoblangan.

Romanda Cho‘lpon tarjimai holi bilan bog‘liq faktlardan va ayniqsa, adabiyotshunos olim Naim Karimovning “Cho‘lpon” ma‘rifiy romanidan unumli foydalanilgan. “N.Karimovning “Cho‘lpon” ma‘rifiy-biografik romanida shoir hayot yo‘liga daxldor ijtimoiy-xronologik bayon uning siyomosiga xos chizgilar asosida beriladi. Cho‘lpon yashagan davr va shu muhit odamlari tarixiy-ijtimoiy aspektda – ma‘rifiy biografiya ijtimoiy-adabiy muhit kontekstida yoritiladi. Asarga shoir daxldor bo‘lgan barcha manbalar jalb etiladi. Roman mundariyasi ham: “Uyg‘onish”, “Buloqlar”, “Tong sirlari”, “Oydin kechalarda”, “Qor qo‘ynida lola” tarzida tuziladi. Bir qarashdayoq, ularga Cho‘lpon asarlari nomi asos bo‘lgani, demak, adib shoir hayot yo‘lini uning o‘z bitiklari negizida yoritgani anglashiladi” [I.Yoqubov, 2018:20].

Qahramonning psixologik holatini dalillar asosida ishonarli va jonli tahlil qilish yozuvchining yutug‘i hisoblanadi. Shu sababli yozuvchi ijodkor obrazining ruhiyatiga katta ta‘sir qiluvchi sevgi, dard, ayriliq, sog‘inch kabi insonning nozik tuyg‘ularini yuzaga keltirishga urinadi. Bularning barchasi muhabbat tuyg‘usida mujassamdir. Shu sababli muallif muhabbat vositasida Cho‘lpon obrazning nozik qirralarini ochib beradi. Nabi Jaloliddin bosh qahramonning Obida, Mohiro‘ya, Sohiba va Katyaga bo‘lgan muhabbatini tasvirlaydi. Cho‘lponning sevgisi bilan bog‘liq epizodlar ham tarixiy haqiqat asosida yoritilgan.

Cho‘lpon qalbiga muhabbat tuyg‘usi Obida bilan birga kirib kelgan. Cho‘lpon uning boshqa qizlardan ajralib turadigan fazilatlar uchun ko‘ngil beradi. “...eng avvalo qizdagi hurlik, erkin-ozod muomalasi yoqib qolgandi, yoqib qolgandagina emas, muftalo asir etgandi. O‘zbek qizi hech qachon ko‘zingizga (er kishinikiga ) qaramaydi. Obida esa yuzidagi harir tabassumni nigohi sari himarib,

tik, ammo muloyim boqib, tinglaydi ” [N.Jaloliddin,2018:52]. Obida tarixiy shaxs bo‘lib, u Cho‘lponning hayotida o‘chmas iz qoldirgan. Naim Karimov Foiqa ayaning xotiralariga tayanib, Obida haqida quyidagi ma‘lumotlarni keltirganlar: “ U asli chorjo‘ylik bo‘lib, uning Andijonga qachon, qanday kelib qolgani qorong‘u. Obida ko‘rkam qiz bo‘lani uchun Abdulhamid uni yaxshi ko‘rib qolgan. Boz ustiga, 10- yillardagi qizlardan farqli holda o‘ziga, yurish-turishiga e‘tiborli bo‘lgan. Uning nafis ovoz bilan tatar tilida so‘ylashi ham yosh shoirning dilini ovlagan” [N.Karimov, 2003:92]. Biroq Cho‘lponning ilk muhabbatini Obida rad etadi. Ushbu voqeani Nabi Jaloliddin maktub detali orqali ochib bergan va Cho‘lponning ruhan tushkun holatini tashqi ko‘rinishidagi o‘rgarishlarini ishonarli chizgilarda aks ettirgan.

Cho‘lpon oradan bir qancha vaqt o‘tgach, Obidaning millatdoshi Mohiro‘yaga ko‘ngil qo‘yadi va ular oila qurishadi. Albatta, bu ma‘lumot Cho‘lpon biografiyasi bilan bog‘liq, lekin tarixiy faktlar orasida to‘y tasvirini uchratmaymiz. Nabi Jaloliddin Cho‘lpon va Mohiro‘yaning to‘y tasvirini batafsil izohlaydi. Bu ijodkorning badiiy to‘qimasi mahsuli bo‘lib, milliy urf-odatlarini ham o‘zida aks ettirgan.

Muallif bosh qahramon obrazini to‘laqonli tasvirlashda badiiy detaldan ustalik bilan foydalangan. U birgina qora pashsha detaliga asarning turli o‘rinlarida har xil vazifa yuklagan.

Romanga *qora chivin* detali kiritilgan bo‘lib, u doimo Cho‘lpon obrazi bilan yonma-yon tasvirlangan. Ayniqsa, Cho‘lponning ruhan tushkun holatlari tasvirida yaqqol ko‘zga tashlanadi. Asarda Cho‘lponning sevgisi rad etilgan oshiq holati: *“Sizayotgan yoshni qaytarish uchun ko‘zlarini kaftlari bilan ishqalab, keskin nafas chiqardi. Nigohini kitoblarga burdi. Ko‘ngli Bedilni tusadi. Shu damda bir chivin ko‘zlari oldidan vizillab o‘tdida, xontaxta ustiga nuqtadek bo‘lib qo‘ndi. Chivinga boqib Miyon hazratni, mudom g‘aybdan deb bilgani sirli uchrashuvni esladi. Ko‘nglidagi miskinlik, tushkunlik, vujudidagi xorg‘inlik chekinarkan, borlig‘i quvvatlana boshladi”* [N.Jaloliddin, 2018:53]. Ko‘z yoshi –

dard, alam, armon, iztirob belgisidir. Orzulari sarobga aylangan oshiq holati ko‘z yoshlari bilan yanada ishonarli aks ettirilgan, biroq bunday vaziyatda ham u ko‘z yoshlarini qaytarishga, ya‘ni o‘zini qo‘lga olishga intiladi. Bu orqali Cho‘lponning irodali shaxs sifatidagi ko‘rinishi ham namoyon bo‘lgan. Cho‘lpon bunday holatdan chiqish uchun kitoblardan najot kutadi. Aynan mana shu paytda qora chivin detalining paydo bo‘lishi, undagi ruhiy holatni boshqa tomanga o‘zgartirib yuboradi. Birinchidan, bu detal Cho‘lpon e‘tiborini o‘ziga qaratib, Miyon hazrat bilan bog‘liq voqealarni eslashga undaydi. Ikkinchidan, bu eslash natijasida ko‘nglidagi tushkunlik ortga chekinadi.

Ko‘plab badiiy asarlarda ichki diologlardan foydalaniladi. Ushbu romanda ham uning go‘zal namunasini uchratish mumkin. Birinchidan, ijodkor mifologik asarlarda uchraydigan evrilish hodisasini ustalik bilan qo‘llagan, ya‘ni qora chivinning ikkinchi Cho‘lponga aylanishi. Ikkinchidan, ikki Cho‘lpon o‘rtasida suhbat asosida Cho‘lponning umr sarhisobi va armonlari ochib berilgan: “

– *Qancha orzularing bor edi?..*

– *Bor edi... Lekin halaqit berishdi. Yo‘q, bu mening taqdirim.*

*Balki uning boshqacha bo‘lmagani ma‘quldir. Muhimi, Vatan taqdiriga tutashligi... Bilaman men boshqacha yasholmayman... Imkon berishganda edi.. Berishganda edi... Ko‘p narsa yozardim!..*

– *Rozimisan?*

– *Kimdan?*

– *O‘zingdan.*

– *Yo‘q, ammo dunyodan, hayotdan, hamma-hammadan roziman! Rostini ayt, Vatan – ona Turkiston mendan rozimikan?!”* [N.Jaloliddin, 2018:]

Darhaqiqat, Cho‘lpon boshqacha yasholmasdi, qalbiga qarshi borolmasdi, hatto umrining so‘nggida ham Vatan taqdiridan qayg‘uradi. Bunday mardlik va jasorat Cho‘lpon tabiatiga xos edi.

Eng so‘nggi “Vatan – ona Turkiston mendan rozimikan?” degan savol javobsiz bo‘lib, kitobxonlar hukmiga qoldiriladi.

Qahramon obrazining ruhiy holatini, asosan, yuzidagi o‘zgarishlar orqali ochib beriladi. Badiiy detal esa bu tasvirni yanada to‘ldirishga xizmat qiladi. Nabi Jaloliddin badiiy detal imkoniyatlaridan mahorat bilan foydalana olgan. N.Karimovning “Cho‘lpon ma‘rifiy romanida pashsha bilan bog‘liq kichik lavha keltirilgan: “... yoz payti emasmi, atrofda mollaru boshqa jonivorlar bo‘lgani uchun xira pashshalar dasturxon ustidagi mevalarga kelib qo‘naverdi. Men ularni qo‘lim bilan haydar ekanman, aya (Foiqa aya nazarda tutilmoqda) bir zamonlar bolalik paytida shunday xira pashshalarni tutib o‘ldirganini aytdi. O‘sha voqeaning guvohi bo‘lgan Cho‘lpon singlisiga tanbeh berib, mayin ovozi bilan : “Singlim, shu pashshaning ham ota-onasi bor”, degan ekan ” [N. Karimov, 2003:26]. Menimcha, ushbu voqea Nabi Jaloliddinning pashsha detalidan foydalanishgan turki bo‘lgan bo‘lishi kerak.

Roman yuzasida ayrim e‘tirozli o‘rinlarga ham e‘tibor qaratish lozim deb hisoblayman. Muallif asar voqealarini bayon qilish chog‘ida qo‘shimcha ma‘lumot berish uchun tarixiy faktlarni keltirish orqali kitobxonlarga tarixiy haqiqatni dalillashga urinadi. “Muhtaram o‘quvchi, e‘tibor bering, bobolarimiz naqadar qaytmas, o‘z orzulari yo‘lida sobit, Vatan taqdiriga qayg‘uradigan, bir joyda bo‘yniga bolta ursalar, boshqa joyda yana bosh ko‘tarib, unguvchi zotlar bo‘lishgan. ... Biling, ey yangi avlod, tomiringizda kimlarning qoni oqmoqda ”. (324-bet) Mening fikrimcha, asarni o‘qigan kitobxon qo‘shimcha izohlarsiz ham ajdodlari bilan faxrlanish hissini tuyadi. Bu kabi izohlar asar badiiyatini biroz pasaytiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, asar har bir kitobxonga Cho‘lpon shaxsi, uning ijodiyoti, jamiyat hayotidagi faoliyati, oilaviy munosabatlari haqida keng tasavvur beradi va davrning umumiy qiyofasini ko‘z oldiga keltirishga, uni his qilishga imkon tug‘diradi. N. Jaloliddin ijodkor obrazini yaratishda bu borada erishilgan boy tajribadan mahorat bilan foydalanib, adabiyotimizni yana bir biografiy roman bilan boyitishga munosib hissa qo‘shdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O.Yoqubov va U.Normatovning ijodiy suhbatlari. Roman tabiati: talab va imkoniyatlar. Sharq yulduzi. 1979. № 6.
2. M. Avezov. Abay haqidagi romanlarim ustida olib borgan ishim. // Badiiy ijod haqida. –T., 1960.
3. Nabi Jaloliddin. Tegirmon. –T.: Cho‘lpon, 2018.
4. I. Yoqubov. Mustaqillik davri o‘zbek romanlari poetikasi. F.F.D. (DSc) diss. Avtoreferat. 2018.
5. N. Karimov. Cho‘lpon. –T.: Sharq, 2003.

## XISLAT BAYOZLARINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Rasulova Shahnoza\***

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada o‘zbek mumtoz adabiyoti vakillaridan biri Sayid Haybatullohxo‘ja Said Orifxo‘ja o‘g‘li Xislatning bayozlari matnshunoslik jihatdan o‘rganildi. Shoirning bayozchilikdagi mavjud an‘analarga munosabati hamda o‘ziga xos tamoyillari aniqlandi.*

**Tayanch so‘zlar:** *“Armug‘oni Xislat”, “Savg‘oti Xislat” bayoz, g‘azal, muxammas, tarjima, to‘plam, marsiya.*

O‘zbek mumtoz adabiyotini o‘rganishda salaf adib-u udabo, shoiru shuarolarning ijod mahsullarini adabiyot muhiblariga yetkazishda turli manbalarga murojaat etamiz. Tazkira, majmua, bayoz, manoqib, kachkul shular jumlasidandir. Bu manbalar orqali mashhur ijodkorlarning bizgacha tarqoq holda yetib kelgan asarlarini tiklashga, ijodlari kam o‘rganilgan shoirlarning meroslarini adabiyot ahliga yetkazish imkoniga ega bo‘lamiz. Shunday qimmatli manbalardan biri bayozdir. Bayoz shoirlarning turli lirik janrlarda bitilgan she‘rlar majmuasi hisoblanadi. Bayoz tuzish an‘anasi dastlab arab adabiyotida vujudga kelgan va mana shu adabiy ta‘sir natijasida XIV-XV asrlarda o‘zbek adabiyotida ham shakllangan.

Tadqiqotlar natijasida ko‘plab shoirlarning ijodiga oid yangi ma‘lumotlar tiklanmoqda, lekin adabiyotimizga arziqli ma‘lumot beruvchi yana bir mutarjim, noshir, bayoznavis-shoir Xislat va uning bayozlari yetarlicha o‘rganilgani yo‘q.

Salaf shoirlar va zamonasining tildan tilga ko‘chib yurgan she‘rlarini o‘z jamlanmasiga-bayoziga to‘plagan shoir Sayid Haybatullohxo‘ja Said Orifxo‘ja o‘g‘li Xislat 1880-1945 yillarda yashab ijod etgan. San‘atga, adabiyotga oshufta shoir Toshkent

---

\* Tadqiqotchi Toshkent, O‘zbekiston [shaxnoza2022@list.ru](mailto:shaxnoza2022@list.ru)



adabiy muhitida mukammallik maqomiga yetdi. Toshkent shoirlarining yetakchisi Karimbek Kamiyga shogird tushib, o‘zining dilbar g‘azal-u muxammaslarini yaratdi.

XIX asrning oxirida Turkistonda matbaa ishlarining taraqqiy etishi bilan bayozchilik sohasida ham yangi davr boshlandi. Qo‘lyozma bayozlar tuzish davom etgani holda, Toshkentda toshbosma bayoz chop etish ham keng yo‘lga qo‘yila boshlandi. Xarakterli tomoni shundaki, ko‘pchilik bayozlarning tuzilishi va chop etilishida mazkur davrda yashagan shoirlar asosiy tashabbuskor bo‘lgan (tuzuvchi, kotib, noshir). Shuning uchun ham chop etilgan bayozlarning bir qanchasi ana shu tashabbuskorlarning nomlari bilan atalgan. “Bayozi O‘tab”, “Bayozi Dilkash”, “Hadyai Xislat”, “Tuhfai Xislat”, “Armug‘oni Xislat” shular jumlasidandir.

Adabiy jarayonda faol ishtirok etgan Xislat o‘zbek bayoznavis shoirlari ichida birinchilar qatorida o‘z bayozlarini chop ettirdi va adabiyotda muhim bosqichni yuzaga keltirdi.

Xislat mumtoz hamda zamondosh shoirlarning eng yaxshi ijod namunalarini saralab, nashr ettirdi. “Mening adabiy xizmatlarim ichida, - deb yozadi shoir, - bayoz chiqarganim katta ishdir. Men “Armug‘oni Xislat”, “Savg‘oti Xislat”, “Tuhfai Xislat”, “Hadyai Xislat” nomli to‘rt bayoz chiqarganman. Bu to‘rt bayozning ichida 86 o‘zbek shoirining 230 ta eng go‘zal she‘rlari to‘plangan. Bu to‘rt bayozda Navoiy, Lutfiy, Amiriy, Furqat, Muqimiy, Miskin, Pirimqori, Shavkat, Kamiy, Vasliy, Yusuf Saryomiy kabi o‘zbek xalqi shoirlarining nodir she‘rlari, go‘zal muxammaslari, yozishgan xatlari ham ko‘p. Vasliy, Muhayyir, Shavkat kabi shoirlar mening she‘rlaringa muxammas qilganlar. Men ham Furqat, Muqimiy, Huvaydo, Mashrab kabi eng kabi katta shoirlarning she‘riga muxammas qilganman. Mening bayozimda she‘ri yozilgan shoirlarning ko‘pi – Furqat, Muqimiy kabilar menga zamondosh”[1;135].

Bu bayozlarni tuzish Xislat uchun oson kechmadi. Bu xususda Xislatning o‘zi:

“Tortibon ranj-u mashaqqatlarni man chandon ajab”, - deb yozgan bo‘lsa, uning zamondoshi va safdoshi Shavkat (Sidqiy Xondayliqiy):

“Xo‘ja Xislat oni chop etmoqg‘a tun-kun sa‘y etib,

Lahza orom olmayin jon birla ko‘b qildi shitob”, - deya ta‘kidlagan.[2;33]

Xislat bayozlarining har birining o‘zbek milliy adabiyotida o‘z o‘rni bor. Ammo ular orasida “Armug‘oni Xislat” bayozlari alohida ajralib turadi. Xislatning mashhur san‘at sohibi To‘ychi hofiz Toshmuhammedov bilan qadrdonligi milliy madaniyatimizda o‘ziga xos voqea bo‘lgan “Armug‘oni Xislat” (1912) bayozining yaratilishiga sabab bo‘ldi.

O‘zbek ashulachilik san‘atining yirik namoyandasi, O‘zbekiston xalq hofizi Mulla To‘ychi Toshmuhammedov 1868-1943-yillarda Toshkent shahrida yashab, ijod etgan. Hofiz, Navoiy, Mashrab, Bedil, Fuzuliy kabi mumtoz shoirlarning ijodi bilan yaqindan tanishib, ularning g‘azallari bilan ashulalar ijro etgan. To‘ychi hofiz aytgan o‘zbek mumtoz ashulalari: “Bayot”, “Fig‘on”, “Ushshoq”, “Girya”, “Taronai dugoh” va boshqalar o‘zbek musiqa madaniyatida muhim o‘rin tutadi. To‘ychi hofiz ashulalarining maromga yetkazib aytilishi, qochirimlarga boyligi, o‘zbek musiqa an‘anasidagi mumtoz ijro uslubi, ovozinining kuchliligi bilan o‘ziga xosdir. To‘ychi hofiz el orasida mashhur, obro‘-e‘tiborli shaxs bo‘lgan. Xislat bayozida hofizni shunday madh etadi:

Bu kun sizlarg‘a arbobi farosat,

Qilay man To‘ychixondan bir hikoyat.

Nihoyatda o‘zi dildor-u dilkash,

Muhayyo suhbatida necha mahvash.

Olib soz ilkiq‘a qilsa tarannum,

Bo‘lurlar somi’ ul dam barcha mardum.

Hama beixtiyor rahmat degaylar,

Jahonda chekmag‘il zahmat degaylar.

Qilibdur arjumand elg‘a xudovand,

Bo‘lolmas hech xushxon munga monand.. [2;105]

O‘z davrining yetakchisi, tashabbuskor shoirlaridan biri bo‘lgan Xislat To‘ychi Toshmuhammedov bilan qarddon do‘st bo‘lgan. Xislat hofizga uning ijrosidagi g‘azallardan bayoz tuzish istagi borligini aytadi:

Bir kuni Mullo To‘ychi Toshkandiy bilan musohabatim voqe‘ bo‘ldi. Chin musohabatda iltimos yuzasidin aytdimki, agar ushbu avon-u zamonlarda g‘azallarni ahli muhabbat bazmlarida yuz ming tarona va zamzamaralar (mayin tovush bilan aytilgan xonish) bilan o‘qug‘oysiz. Agar ushbu g‘azallar chop bo‘lub, jahon sahfasi o‘zingizdan yiroq va yovuq(yaqin)dagi ahboblar uchun bir yodgor bo‘lub, to ro‘zi shumor (sanoq, hisob) qolg‘ay erdi va yana onlarni xolisona duo va muhabbatlari haqqingizg‘a du chanon bo‘lg‘oy erdi va yana der erdilar:

Aylamishlar Mullo To‘ychi bir ajib shirin bayoz,  
Jumlai bo‘lgon bayoz ichra bo‘lubtur chin bayoz.

Bu faqir ajzu (ojizlik) inkisor (siniqlik, kamtarlik) birla bu so‘zni tugotqoch, zarifona (xushta‘b )va hakimona xitob birla (To‘ychi hofiz) dedilarki:

Qulog‘img‘a kelur yaxshi bu so‘zing,  
Issiqdur so‘zing, o‘ylakim yulduzing.

Bu ish bobida man aylayin justujo‘  
Ki man aylayin oni chop neko ‘.

Yoronlarg‘a mandin bo‘lur yodgor,  
Jahon to esa bu kabi barqaror.

Va yana xitobi oliy qilib aytdilarki, sen ham ga‘yrat samandig‘a mahmiz berib, chop xususida justujo‘lar ko‘rg‘uzg‘oysen va har qancha oltun va zarlarki sarf bo‘lg‘oy, mandin olg‘oysen va har g‘azalning to‘fasig‘a (tepasiga) savtu maqomining nomini yozib tartib rishtasiga‘ tizg‘oysen. Kamina bu javobi mushkin xitobdin xushnud bo‘lub, bu bayozni tartib va tiziminig‘a ko‘shish qilib, “Armug‘oni Xislat” oti birla atab va har g‘azalning savt-u maqom-u

ohangini to‘fasig‘a yozub, elning ko‘zig‘a muhallo (naqshlangan) qilib, jilvagar qildim.

Qilay boz samo‘ turfa bayonkim,  
O‘tub kunlarda bir kun To‘ychixonkim.

Qilib man birla suhbat o‘lturdi,  
O‘qub gah yig‘latib, gah kuldurdi.

Vale anda muhabbatdin turolmay,  
O‘zum bosib, qilib sabr o‘lturolmay.

Yig‘ib menga bering abyotlaringiz,  
Kitob aylay solibon otlaringiz.

Deb erdim ushbu soat xo‘b bo‘lur deb,  
Manga berdi ijozat xo‘b bo‘lur deb.

Sabab shul “Armug‘oni Xislat”, ammo

Qo‘yub ot munga so‘ngra qildim insho[3;5].

Ma‘lum bo‘lmoqdaki, “Armug‘oni Xislat” bayozi To‘ychi hofizning tashabbusi va homiyligida yaratilgan. Bayozning yaratilishidan esa shoirning yagona maqsadi:

Ko‘rub yor-u birodarlar bo‘lub shod,  
O‘shal dam ikkimizni aylabon yod.

Umidim, qilsalar shoyad duo, bas,

Ki mundin o‘zga yo‘qtur muddao, bas. [3;5].

Shoir “Armug‘oni Xislat” she‘riy to‘plamini tuzishda o‘zbek bayozchilik an‘analarini davom ettirish bilan birga bayozlar tuzilishiga o‘ziga xos yangiliklar kiritgani bilan ham adabiyotshunosligimiz tarixida muhim ahamiyatga egagir. Jumladan, “Armug‘oni Xislat”ga To‘ychi Hofizning repertuaridagi shashmaqom (o‘zbek va tojik xalqlari musiqiy merosida markaziy o‘rin tutgan maqomlar turkumi)kuyiga moslab yaratilgan she‘rlarni jam etgan va ularning tepasida qaysi kuyda ijro etilishi ham ko‘rsatilgan. Bayozdagi she‘rlar ham ana shu kuy nomlari asosida tartiblangan. Masalan:

### **Ushshoq**

Qaro ko‘zum, kelu mardumlug‘ emdi fan qilg‘il,

Ko‘zum qarosida mardum kebi vatan qilg‘il...(Alisher Navoiy g‘azali)

**Savt girya**

Ishqingda zor bo‘ldimu, g‘amgin dimog‘man,  
Bemoru furqatingmanu, zohirda sog‘man,  
Aqlu hushim saning bilan o‘zdin yirog‘man,  
Ko‘rsat yuzungni tolibi, nuri chirog‘man,  
Hajringda dard-u g‘am bila hasratda dog‘man (Noqis muxammasi)

**Nolish**

Saharlar tinmayin aylar edim yuz oh-u vo yalg‘uz,  
Der er dim uchrasun, yu Rab, o‘shal qoshi qaro yalg‘uz,  
Bayon etmak edim rozi dil ila muddao yalg‘uz,  
Yo‘luqti tun arosida manga ul dilrabo yalg‘uz,  
Kulub boqib, qoshin qoqib, qilib o‘tti imo yalg‘uz (Xislat muxammasi) [4;24]

Kuy nomlari asosida bayozdagi she‘rlarning joylashuvi o‘z davrida Xislatning o‘zbek bayozchiligi an‘analariga kiritgan yangiliklaridan biri edi. Ma‘lumotlarga qaraganda, “Armug‘oni Xislat” nashr etilib mashhur bo‘lgach, Hamza Hakimzoda Niyoziy o‘zining “Milliy ashulalar uchun milliy she‘rlar” to‘plamidagi she‘rlarini xuddi Xislat bayozidagi kabi xalq kuylariga mos qilib yaratgan ekan.

“Armug‘oni Xislat” bayoziga kiritilgan she‘rlarning ayrimlari o‘z davrida tildan tilga ko‘chib yurgan mashhur she‘rlar bo‘lsa (“Qaro ko‘zum, “Ishqingda zor bo‘ldim”, “Lab uyur takallumg‘a”), ko‘pchilik qismi “xalqg‘a eshitilmag‘on va ko‘rilmag‘on” (Xislat) g‘azal, ruboiy, muxammaslardan iborat. Musannif bayoziga ko‘proq zamondosh shoirlarning ijod namunalarini joylagan. Bular o‘z davrida mashhur bo‘lgan Karimbek Kamiy, Miskin, Shavkat Iskandariy, Pirimqori Andijoniy, Muhyi, Munis Toshkandiy, Vasliy Samarqandiy kabi shoirlardir.

“Armug‘oni Xislat” 53 ta shoirning 118 ta she‘ri o‘rin olgan bo‘lib, shundan 13 g‘azal, 8 muxammas, 1 muvashshah, 2 marsiya shoirning qalamiga mansubdir.

“Armug‘oni Xislat” chop etilgach, juda katta mavqega ega bo‘ladi, xalq ichida sevilib o‘qiladi. Ammo bu kitobning keng tarqalishiga to‘sqinlik qiluvchilar ham ko‘payadi. Bu haqda Mo‘minjon Muhammadjon o‘g‘li Toshqinda shunday ma‘lumotlar bor: “Armug‘oni Xislat” 1912-milodiy yilda bosilgan bo‘lib, Xislat buni tarqatish uchun xurjuniga solib, bir qancha shaharlarda, ko‘pincha, Farg‘ona shaharlarida aylanib yurdi. Jumladan, Qo‘qon shahriga borganida: “Bunga To‘ychi hofizning suratini solib chiqatibdur. Kitobga surat solish islom shariatiga xilof!..” deb, Qo‘qon mutaassib mullalari g‘avg‘o ko‘tardilar va Xislatni toshbo‘ron qilib o‘ldirishga fatvo berdilar. Unga Qo‘qondagi ba‘zi do‘stlari bu fojealik hodisadan xabar berib, kechalab Toshkentga qarab qochirtirdilar. Bo‘lmasa, ertasiga toshbo‘ron bilan o‘lib ketishi aniq edi”[1;38].

Xislat bayozlari faqat badiiy jihatdan emas, balki tarixiy jihatdan ham muhim ahamiyatga molikdir. Avvalambor, bu bayozlar XIX asr oxiri XX asr boshlarida Toshkent shahrida asriy an‘analarga suyangan yetuk adabiy jarayon mavjudligini isbotladi. Ikkinchidan, o‘sha yillarda Toshkent shahrida yashab ijod etgan o‘nlab qalam sohiblarining tabarruk ismlarini tarix sahifalariga joyladi.

Shoir bayozlariga duch kelgan asrlar jamlanmay, balki chuqur mulohaza bilan tartib berilib, turli dunyoqarashdagi, turli badiiy tayyorgarlikka ega bo‘lgan o‘quvchilarning did va talablari inobatga olingan.

Xislat bayozlari hali ko‘pchilikka notanish bo‘lgan shoirlarni keng jamoatchilikka tanishtiruvchi, ularning asarlari haqida ma‘lumot beruvchi muhim adabiy manba sifatida ham qadrlidir. Xislat bayozlarini o‘rganish, undagi she‘rlarni joriy alifboga o‘girish, ilmiy-tanqidiy matnini tayyorlash, shuningdek Xislatning shoirlik mahoratini alohida miqyosda tadqiq qilish galdagi vazifalardan biridir.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Mo‘minjon Muhammadjonov Toshqin. Toshkent shoirlari tazkirasi (Xislat haqidagi esdaliklar). 5-kitob. – 135 b.
2. Xislat. Tarannum. Tuzuvchi va so‘zboshi mualliflari M. Asadullayev, T.Zufarov. – Toshkent: MERIUS, 2009. – 198 b.
3. “Armug‘oni Xislat”.O‘zFASHI, inv.№11555. - 35 b.
4. “Armug‘oni Xislat”.O‘zFASHI, inv.№ 320. – 20 b.

## UYG‘UNLIK – BADIYLIK BELGISI

### Ro‘ziyeva O‘g‘ilnor\*

**Annotatsiya:** *Ushbu maqolada badiiy asardagi uyg‘unlikning o‘rni, shakl va mazmun, obraz xarakteri va tili, hayotiy haqiqat bilan ijodkorning badiiy to‘qimasi mahsuli mos kelishi muhimligi masalalari yoritilgan.*

**Tayanch so‘zlar:** *Uyg‘unlik, voqelik va badiiy tasvir, original shakl, ohorli mazmun, ijodiy laboratoriya, poetika atributi, poetik til, poetik effekt, xarakter...*

Har qanday yaratilgan badiiy asar sifatida e’tirof etilishi undagi unsurlar mosligi va hamohangligida ko‘rinadi. Jumladan, mazmun va shakl uyg‘unligi, asardagi voqelik va badiiy tasvir uyg‘unligi, hayotiy haqiqat va badiiy to‘qima uyg‘unligi yoki obrazlar ruhiyatiga mos peyzaj tasvirining uyg‘unligi asarning poetik qimmatini oshiradi. Badiiy asar har xil hujayralardan tashkil topgan tirik organizm bo‘lib, ularning yaxlitligini ta’minlaydigan jihat esa uyg‘unlikdir. Uyg‘unlik – poetikaning atributi (xarakterli belgisi) sifatida namoyon bo‘ladi. “Qur’oni Karimning “Nuh” surasi, 15-oyatida aytiladiki: “Ko‘rmadingizmi, Alloh yetti osmonni qanday qavat-qavat yaratdi”. Yagona Rahmon – Karim va Samad zotning bu yaratishida biror nuqsonni yoki yoriqni ko‘rmasligimiz uyg‘unlikdir, mukammallikdir. Tabiat va koinotdagi sistemalarning benuqson harakati, muvozanati tasodifiy bo‘lmagani kabi badiiy asar poetikasidagi uyg‘unlik ta’minotida ham ijodkorning mohirligi muhim hisoblanadi.

Badiiy asardagi uyg‘unlik haqida gap ketganda, avvalo, shakl va mazmun munosabati xususida fikr yuritish o‘rinli bo‘lib, bu jihat asar poetikasini belgilaydigan omillardan biridir. Adabiyotshunos

---

\*Halima Xudoyberdiyeva nomidagi ona tili va adabiyot fanini Chuqurlashtirib o‘qitishga ixtisoslashtirilgan maktab- internati o‘qituvchisi



Q.Yo‘ldoshev shu omil haqida so‘z yuritib, jumladan, shunday deydi: “Har qanday badiiy shakl muayyan qiyofaga kirib, ma‘lum ko‘rinish egallagan estetik mazmundan boshqa narsa emas... Badiiy hodisa ko‘pincha betakror shakli bilan qimmat kasb etadi. Shaklni anglamay turib, undan ma‘no chiqarib bo‘lmaydi, Shaklning qaytarilmasligi uning qadrini oshiradi” [Q.Yo‘ldoshev. M.Yo‘ldosheva. 2016.128-129- b.]. Ijodkor tomonida asar uchun tanlangan eskiz, andoza uning shaklini belgilasa, unga singdirilgan ma‘no, mazmun muallifning didini namoyon qiladi va o‘qirmanning estetik didi o‘shishiga motivatsiya beradi. Jumladan, Luqmon Bo‘rixonning “Quyosh hali botmagan” qissasining hisobsiz o‘zga asarlar orasida yarqirab turishiga, o‘qirmanni uzoq vaqt ta’sirlantirib, yodidan chiqmasligiga sabab muallifning shakl uchun o‘ziga xos andoza yaratgani va mazmunni ham shunga moslab ifodalay bilgani sababdir. Qissadagi eng o‘ziga xos jihat – to‘rtta jumlaning syujetlararo takror-takror qora harflarda qaytarilgani: “Biz hali Absal polvonni tanimas edik”, “Biz Absal polvonni tanidik, bildik”, “Biz Absal polvonni unutgan edik”, “Biz Absal polvonni yo‘qotib qo‘ygan edik”. Asardagi bu jumlar obrazlarning sezimlariga, aks ettirilayotgan holatlarning mohiyatiga nihoyatda mos bo‘lib, o‘qirmanning ham kayfiyatiga zalvorli ta’sir qila olgan. Yuqoridagi jumlar obrazlarning hatti- harakatiga, ruhiy holatidagi va taqdiridagi evrilishlarga mutanosib ravishda tanlanganini kuzatamiz. Asar xotimasining eng so‘nggi jumlasida esa “Biz Absal polvonni yana qayta topib olgan edik” tarzida bo‘lib, juda go‘zal holatda tugatilgan. Qissadagi “Quyosh hali botmagan” hayqirig‘ining takrori ham o‘qirmanga so‘z ta‘mini sezdiradi go‘yo. Ikki bosh obraz: Davron va Norsoatning bolaligidayoq shioriga aylangan bu jumla hayotlari davomida ular duch kelgan turli yaxshi-yomon vaziyatlarda o‘rni bilan “hali hech narsa tugamagan” ma‘nosida yoki obrazlarning cheksiz quvonchini ifodalash vositasi sifatida ishlatilgan.

Badiiy asarning estetik jihatlari ko‘proq shaklda namoyon bo‘ladi. Ijodkor shakl borasidagi topqirligi bilangina badiiy kashfiyot qilishi mumkin. Masalan, Nazar Eshonqulning “Sharq yulduzi”

jurnalining 2019-yil 5-sonida bosilgan “Farishta” hikoyasining ayrim jihatlarini ushbu aspektda ko‘rib chiqamiz:

Hajmi bir qissachalik keladigan “Farishta” hikoyasining boshlanmasini o‘qiboq, kitobxon ijodkorni tushunish uchun qattiq zo‘riqa boshlaydi. Negaki, hikoyaning birinchi gapi 200 dan ortiq so‘zni o‘z ichiga oladi, va bu shakldagi ifodaning noan‘anaviyligi bilanoq e‘tiborni tortadi: “Asragan ko‘zga cho‘p tushar deganlariday, qo‘yarga joy topmay, yer-u ko‘kka ishonmay yurgan kelinidan tug‘ilgan mushuk bolasidan nari-beri, belkurakday keladigan kaftida bir hovuch bo‘lib yotgan nabirasiga mulla Rahmon katta umidlar bilan qo‘ygan tuppa-tuzuk “Boyqul” ismi o‘rniga teng-to‘shi uyli-joyli bo‘lib ketsa ham to‘qayda churvaqalar bilan “zuvilloq” o‘ynab yurgan yigit deyishsa, ona suti og‘zidan ketmagan go‘dakka, “bola” deyishsa, bir ro‘zg‘orga qora bo‘ladigan yoshga yetgan, qoqsuyak yuzi, hozir yig‘lab yuboradiganday hamisha yoshga to‘lib turadigan ko‘zlari, chala tug‘ilganini haligacha ko‘z-ko‘z qilayotgan sun-u sumbatida ko‘ngilni xira qiladigan noqislik seziladigan, xudo aqldan ham, bo‘ydan ham bu paytda do‘rillay boshlashi kerak bo‘lgan ovozdan ham qisgan qishloqdoshlariga Panji muallim topib bergan “Sancho” ismi yosh-u qarining qulog‘iga xarsangday singib qoldi-ku, keyinchalik xotini ham, izma-iz tug‘ilib, o‘raning old yigitlariga aylangan o‘g‘illari ham, tojikcha shirin talaffuzi bilan butun qishloqni og‘ziga qaratib o‘tiradigan kaltalik kelini ham bu laqabni Tersotadan surib chiqarolmadi: kelinning ming istihola va ming andisha bilan, har qalay, ma‘nosi noma‘lum “Sancho”ga qaraganda o‘ziga va boshqalarga yaqin bo‘lgan “Bolabova” deb chaqirishi Boyqulga har jihatdan mos kelsa-da, tersotaliklarning orlari ustunlik qilib, turish-turmushi bilan o‘zlarini boshqa qishloqliklar oldida tez-tez izza bo‘lishga, boshini egishga sababchi bo‘lgan, mo‘yi murti chiqsa ham aqli kirmagan, devona bo‘lib devonaga, jinni bo‘lib jinniga o‘xshamaydigan, nafaqat bo‘yi, aqli ham navrastaligicha qolib ketgan qishloqdoshlariga juda topib qo‘yilgan “Sancho” laqabini qayoqdagi kelgindi kelinning “he yo‘q”, “be yo‘q” o‘zgartirib yuborishiga yo‘l qo‘yishmadi – oqibatda mulla

Rahmondan so‘ng kelinning qarindoshligi qo‘zib, qaynotasiga qo‘ygan yangi ismi ham qishloqda ommalashmadi - “Boyqul” degan ism bilan “Bolabova” ham isqotga qoldi”. Muallif bu holat bilan o‘ziga xos uslubiy-shakliy xususiyat qo‘llab shaklga ayri-aytgan e‘tibor bergan, shaklning nisbiy mustaqilligini mutlaqlashtirgan holda estetik konsepsiya yaratgan bo‘lsa-da, bu ifoda mazmunga salbiy ta‘sir qilmagan. Negaki, muallif aytmoqchi bo‘lgan tasvir obyektini o‘qirmanga mukammal yetkaza olgan. Hikoyaning eng ta‘sirli o‘rinlaridan biri bosh obraz Sancho – Bolabovaning doston kuylashga havaslanib mahalla bolalariga baxshilardek aytimlar kuylashidir: “- Ha, bovorim-a,-derdi u Abdulla baxshiga monand ko‘zlarini yumgan holda. Musht urganda qoya ko‘chgan Alpomishim, yig‘lay-yig‘lay ko‘zdan qolgan Boybo‘rim, bir ilikni ko‘p ko‘rishgan Yodgorim-a. Go‘rda tug‘ilib, mayit emgan Go‘ro‘g‘lim-a...” [N. Eshonqul. 2019. №5 51-bet]. Muallifning ushbu tasvirida har qanday o‘qirmanni ta‘sirlantira oladigan elementlar mavjud.

Hikoyada bolalarning qishloqcha oyinlari paytida shaharlik nevara tomonidan virtual o‘yinlar ta‘sirida Boyqul – Sancho – Bolabovaning panshaxa tiqib o‘ldirilishi tasviri shunchaki bir tasodifiy fojeani ko‘rsatish emas edi. Muallif hikoyaning biror o‘rnida texnika taraqqiyotining insoniyatga foydasi bilan bir qatorda ulkan zarari ham mavjudligi haqida gapirmaydi, ammo mohiyat, ramz va mantiq shuni ko‘rsatadiki, texnika taraqqiyoti nafaqat ona tabiatni zararlaydi, balki inson ruhiyatini ham yemiradi. Nazar Eshonqul ushbu hikoyada original shakl va ohorli mazmuni birlashtira olgan.

Uyg‘unlik haqida gap ketganda hayotiy haqiqat bilan ijodkorning badiiy to‘qimasi mahsuli mos kelishi lozim. Shundagina o‘qirmanning tasvirga ishonishi va ta‘sirilanishi ta‘minlanadi, tabiiylik bo‘rtadi. Bu jihat fantastik yo‘nalishda yozilgan asarlarda unchalik ahamiyatli bo‘lmasligi mumkin, chunki fantastik asarlarning o‘z tasvir yo‘nalishi mavjud. Ammo bu turga kirmaydigan badiiy yaratqida hayotiy haqiqat tasviri muhim o‘rin

tutadi. Masalan, Ulug‘bek Hamdamning “Sabo va Samandar” romani bir qator jihatlari bilan badiiy qimmatga ega bo‘lsa ham, ayrim o‘rinlarda uyg‘unlik yetishmasligini sezish mumkin. Jumladan, Sherdil va Samandarning bir-biriga munosabati tasvirida ko‘rinadiki, Samandar o‘zi jondan sevgan Saboning kimga turmushga chiqqanini asar bo‘yi bilmaydi, qiziqmaydi. Holbuki, suyukli qiz uning eng yaqin do‘sti Sherdilga turmushga chiqqan, bundan Samandarning bexabar bo‘lishi mantiqiylikni buzgan. Bu jihatni matn misolida isbotlasak, Samandar bir necha bor Saboning uyi atrofida dilgir kezinsa ham (vaholanki, bu uy Sherdilning uyi edi), Sherdil va Samandarning qishloqdagi uylari yonma-yon, devordarmiyon sifatida tasvirlansa ham, ularning onalari bir-biriga dardkash dugona bo‘lishsa ham Samandarning bexabarligi, sobiq do‘stining kimga, qachon uylanganligini bilmasligi detallar bilan dalillanmagan. Demak, badiiy asarda ayrim voqea va epizodlarning mantiqiy asosda kechmasligi va dalillanmasligi asar poetikasiga zarar etkazadi. Hayotiy mantiq va badiiy mantiqning mutanosibligi asarning badiiy qimmatini va tabiiyligini ta‘minlaydi.

Badiiy obrazning tili va obraz xarakterining mosligi, uyg‘unligi ham muhim masaladir. Luqmon Bo‘rixonning asarlarida ko‘chib yuruvchi – sayyor obrazlardan biri Ulash agranom o‘z xarakteriga mos gapiruvchi, gapirtiriluvchi yaratiq sifatida namoyon bo‘ladi. Shoirlik va ijodkorlikni da‘vo qiluvchi, bor ilhomni ichkilikdan kutuvchi bu obraz “Sirli muallim” qissasida ham, “Jaziramadagi odamlar” romanida ham o‘ziga xos nutqi bilan ajralib turadi. “Sirli muallim” qissasida diplomsiz o‘qituvchi Najot G‘aybulla ishi yuzasidan maktab xodimlari tushuntirish xati yozishadi. Muallif ana shu tushuntirish xatlari vositasida obrazlarning ichki dunyosini, dard-u hasratini, psixologiyasini tasvirlaydi. Ammo bu tasvir personajning o‘z nutqiga yuklatiladi. Agranom-shoirdan hech kim tushuntirish xati so‘ramasa-da, o‘zinikini hujjatlar orasiga qo‘shib qo‘yadi: “Uzr, “Portveyn” vinosidan qog‘azga ikki tomchigina tomib ketdi. Meni tanisangiz kerak-a? Shu sovxozning atoqli shoiriman. Yozganlarimning xatosi

bo‘lsa, kechiring, rezinka bilan o‘chiring. A, qalay?... Xo‘sh-sh, ustiga ustak maktabda darsliklar yetishmaydi. Umuman yo‘q desam ham xato qilmayman. Bu ko‘rgiliklarning boshida sovxozimiz direktori Chinor Toshtemirovich turishini sizga ro‘yi rost aytmoqchiman (uzr, tag‘in uch-to‘rt tomchi vino qog‘ozga tomib ketdi, ming bor uzr). Chinor Toshtemirovich – mutloq hokim, lekin qo‘rqoq, kazzob odam. Qo‘rqoq odam yovuz bo‘ladi! (Kaminaning qalamiga mansub ushbu hikmatni ko‘chirib olishingizga roziman)...” Ushbu personaj nutqida ham o‘qimishlilarga xos rasmiylikni, ham oddiy, sodda, jo‘n, dehqontabiat odamning dovdirashlarini kuzatamiz. Asardagi ana shu tasvir, nutq, kitobxonda kulgi uyg‘otadi. Ayniqsa, obraz nutqiga kiritilgan qavs ichidagi kinoya uyg‘otuvchi izohlar muallif topilmasi darajasidadir. Muallif bu obrazni agranom – shoir deb atashidayoq kinoya unsurlari seziladi, chunki bu obraz shoirlikka shunchaki ishqiboz, ko‘chirmachi, shu bilan birga katta bir sovxozning diplomga ega agronomi. Mana shunday qorishiq tasvir va xarakterga ega obraz uchun o‘ziga mos til shaklini tanlay bilish ijodkor mahoratidir.

Qissada muallif hech bir obrazning portretini chizmagan, hesh bir obrazning xarakterini alohida tavsiflamagan. Bu jihatlarining hammasi tushuntirish xati yozuvchi obrazning nimani yozayotganiga qarab o‘qirman tomonidan anglab olinaveradi. Masalan, qissadagi maktab direktorining o‘rinbosari Boymurod haqida muallif nutqida hech bir tafsilot yo‘q. Hammasi uning o‘z tilida, nutqida ko‘rinadi: Yoshi qirqdan oshganligi, besh bolaning otasi sifatidagi mas‘uliyati, xotining kasalligidan qayg‘urishi, hamkasbi Norxolga nisbatan achinish-u mehr aralash muhabbati, mutaxassisligi fizika bo‘lgan holda matematika-yu algebradan ham dars berishi, bo‘sh paytlarida yashirincha ustachilik qilishlari, umuman, his-tuyg‘ulari-yu, amallari o‘zining nutqiga joylangan. O‘quvchisi olimpiadada g‘olib bo‘lganda uning nutqiga yuklangan mana bu iqrar esa uning psixologiyasini aniq ko‘rsatib bergan: “Men...men avvaliga juda quvondim. Shunday tirishqoq, ilmsevar, mashaqqatlarga qaramay, o‘z ustida ishlaydigan o‘quvchilarimiz borligidan boshim osmonga yetdi. So‘ng

tuyqus ko‘nglim g‘ashlandi: “Ustozman deb kerilishga haqqim bormi? Shu o‘quvchining kamoliga qancha hissa qo‘shganman o‘zi? Sinfxonaga kirib-chiqib turish, mavzuni bir amallab tushuntirish yetarlimikan?... Najot G‘aybulla bizga begona edi. Biz-chi?! Bu yog‘ini o‘ylasam, to‘g‘risi, tubsiz jar labida turgandek his qilaman o‘zimni. Biroq aynan shu savol xayolimda tegirmon toshidek bot-bot aylanaveradi. “Biz-chi! Ishqilib, biz maktabga begona emasmi?..” O‘z qo‘lim bilan yozganlarim shu. Ko‘nglimdagilar tuyqus sharros quyilib kelganidan o‘zim ham hayron-u lolman...” [L. Bo‘rixon. 2018. 251-252-b.]. Yuqoridagi tasvirlar muallif nutqi orqali berilganida, ehtimol, bu qadar ta‘sirchan poetik effekt yarata olmas edi. Badiiy asarda har bir personajga o‘ziga mos, xarakteriga mutanosib til topa bilish muhim jarayondir.

Badiiy asarda tasvirlangan obraz muallifning ijodiy laboratoriyasi mahsuli bo‘lsa-da, tabiiy holatda insonni va uning atrofida kechayotgan voqealıklar yig‘indisini ifodalovchi badiiy asar juzvidir. Badiiy yaratıqda obraz xarakteri va uning tili uyg‘unligiga erishilmasa, hayotiy mantiqqa asoslanilmasa, ya‘ni badiiy uyg‘unlik masalasi ko‘zdan qochirilsa, tabiiylik boy beriladi. Yaratilayotgan obrazning saviyasiga mos til shaklini tanlash, milliy til unsurlaridan o‘rinli foydalana bilish ham ijodkordan mas‘uliyat va iste‘dod talab qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Bo‘rixon L. Quyosh hali botmagan. – T.: O‘zbekiston, 2015. – B. 365.
2. Bo‘rixon L. Titrayotgan tog‘. –T.: G. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. – B. 271.
3. Eshonqul N. Farishta // Sharq Yulduzi. 2019 №5
4. Hamdam. U. Sabo va Samandar. – T.: O‘zbekiston, 2011. – B. 350.

5. Abdurahmonov F. Adabiy asar tilini o‘rganish haqida //O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi masalalari. – Toshkent: Fan, 1966. – B. 259.
6. Abdurahmonov G‘. Adabiy asar tilini o‘rganish haqida . O‘zbek tilini o‘rganish metodikasi masalalari. – T ., fan, 1966.– B. 270.
7. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari – T.: O‘zbekiston nashriyoti, T.:2002. – B.557.
8. Eshonqul N. Mendan mengacha. – T.: Akademnashr, 2014. – B. 286.
9. Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. – М.: Лабиринт.1997.

## **XX ASRNING 20- YILLARI MATBUOTIDA MUMTOZ ADABIYOT MASALALARI**

**Fayziyeva Saodat\***

***Annotatsiya:** Ushbu maqolada XX asrning 20- yillarida matbuot sahifalarida chop etilgan mumtoz adabiyot masalalari o‘rganilib, ular qiyosan tadqiq etiladi. “Maorif va o‘qitg‘uchi”, “Yer yuzi”, “Alanga” kabi davriy nashrlarda bosilgan Fuzuliy, Zebunniso, Turdiga bag‘ishlab yozilgan maqolalar tabdilidan kelib chiqib tahlil qilinadi, yakunda tegishli xulosalar beriladi. Maqolaning ilmiy ahamiyati shundan iboratki, uning natijalarini “Jurnalistika tarixi”, “O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi” va “Adabiyot nazariyasi” darslarida qo‘llash mumkin.*

***Tayanch so‘zlar:** Jadid matbuoti, “Maorif va o‘qitg‘uchi”, “Yer yuzi”, Vadud Mahmud, Fitrat, “Alanga”, Fuzuliy, Bedil, Turdi.*

XX asrning 20- yillari adabiyotda tub burilishlar yasashga tayyorgarlik bosqichi bo‘lgan. Matbuotda bosilgan adabiy, ilmiy-adabiy maqolalarda jahon adabiyoti masalalari bilan bir qatorda mumtoz adabiyotimizdagi ayrim masalalar ham e‘tibor markaziga tushgan. Bu jarayonning faqat Navoiy dahosi bilan cheklanib qolmagani ham tahsinga loyiq.

Fitrat, Vadud Mahmud, Abdulmo‘min Sattoriy, Abdulhamid Majidiy, Abdurahmon Sa‘diy, Miyon Buzruk Solihov kabi o‘z davrida qizg‘in faoliyat olib borgan munaqqidlar ijodiga nazar tashlar ekanmiz, ular mumtoz adabiyotimizga munosib hissa qo‘shgan bir necha shoir-u adiblarimizning hayoti va ijodiy faoliyatini tadqiq etganligiga guvoh bo‘lamiz.

---

\* Buxoro viloyati Olot tumani 1- umumta‘lim maktabi o‘qituvchisi [saodat-fayz@mail.ru](mailto:saodat-fayz@mail.ru)



20-yillar matbuotida mumtoz adabiyot masalalari tadqiqi bo‘yicha bosilgan maqolalarni davriga qarab quyidagicha tasniflash mumkin:

1. Fitrat. Mirza Bedil. Tong. 1920- yil.
2. N. Hakim. Kultagin sharafiga tikilgan bitiktosh. Bilim o‘chog‘i. 1922- yil.
3. A. Sattoriy. Boqirg‘on. Uchqun. 1923- yil.
4. V. Mahmud. Fuzuliy Bog‘dodiy. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925- yil.
5. A. Majidiy. O‘zbek shoiri Turdi. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925- yil.
6. Fitrat. “Qutadg‘u bilig”. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925- yil.
7. Samoylovich. “Muhabbat va Taashshuqnoma”. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927- yil.
8. A. Majidiy. Sharq shoirasi Zebunniso. Er yuzi. 1927- yil.
9. Fitrat. Ahmad Yassaviy. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1927- yil.
10. Fitrat. O‘zbek shoiri Turdi. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928- yil.
11. Fitrat. Yassaviy maktabi shoirlari to‘g‘risida. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928- yil.
12. Fitrat. “Hibbat ul- haqoyiq”. Maorif va o‘qitg‘uchi. 1928- yil.
13. Fitrat. Muhammad Solih. Alanga. 1929- yil.
14. Fitrat. XVI asrdan so‘ngra o‘zbek adabiyotig‘a umumiy bir qarash. Alanga. 1929- yil.

Fitratning Bedil mavzusiga qo‘l urishi XX asrning 10-yillariga to‘g‘ri keladi, chunki jadidchilikning zamirida, ayniqsa, Buxoro jadidlarining falsafiy qarashlariga ma‘lum ma‘noda Bedil falsafasi asos bo‘lgandir. Shunga qaramay, Fitratning bu mavzudagi maxsus asari 1920-yil “Mirza Bedil” nomli maqola sifatida “Tong” jurnalida (2- son) e‘lon qilingan. Bu maqola keyinchalik kattaroq tadqiqotning yaratilishiga asos bo‘lgan: Fitrat Moskvada ekan, Bedil ijodi bilan bog‘liq yangi manbalarni ko‘rish natijasida badiha usulida yozilgan “Bedil (Bir majlisda)” asari tug‘ildi. U Nazir To‘raqulov so‘zboshisi

bilan (“Darvesh” imzosi ostida) Moskvada, Millat ishlari Komissarligi qoshidagi markaziy “SHarq” nashriyoti tomonidan arab yozuvida 1923- yilda chop etilgan.

Mumtoz adabiyotning falsafaga bog‘langan nuqtasi aynan Bedil ijodida ko‘zga tashlanishini Fitrat alohida ta’kidlaydi. Aynan mana shu maqola keyinchalik shu mavzuda yozilgan boshqa maqolalarga, xususan, Miyon Buzruk Solihovning “Bedil” tadqiqotiga asos bo‘lgan, deyishimiz mumkin.

Ne‘mat Hakim 20-yillar adabiyotida muhim figura bo‘lgani holda, adabiyotning bir necha sohalari bilan shug‘ullangan munaqqiddir. Bizga ma’lumki, bizda bitiktoshlarni o‘rganish bir muncha keyinroq boshlangan, lekin Ne‘mat Hakimning “Bilim o‘chog‘i” jurnalining 1922- yildagi 1-sonida bosilgan “Kultagin sharafiga tikilgan bitiktosh” nomli maqolasi bu sohadagi qarashlarimizni haminqadar o‘zgartiradi. Sababi biz shu paytgacha bilgan manbalarda bitiktoshlarni o‘qigan va tarjima qilgan o‘zbek olimlari sanoqli chiqadi: bitiktoshlarni o‘zbek olimlaridan A. Rustamov, G‘. Abdurahmonov va N. Rahmonovlar o‘rganishgan bo‘lsa, ularni qadimgi turkiy tildan hozirgi o‘zbek tiliga o‘g‘irgan olimlar sifatida A. Qayumov, G‘. Abdurahmonov, A. Rustamovlarning nomi sanaladi.

Ne‘mat Hakimning bu maqolasini o‘qib, uning o‘zi ham Radlov, Tomson, Melioranskiy kabi olimlarning asarlarini o‘rganib, Kultegin bitiktoshidan ayrim parchalarni tarjima qilganligini bilib olishimiz mumkin.

Quyida uning tarjimasidan ayrim namunalar keltiramiz:

<b>Kulteginning asl matni:</b>	<b>N.Hakimning tarjimalari:</b>
Akin ora edi o‘qsiz ko‘k turk oncha ulurur armish.	Ikki orada ( qodir qoon bilan temir qopqa orasida) qoonsiz (yashagan) ko‘kturklar shuncha (uzoq zamonlar shul yerda ) bo‘lturur o‘lg‘onlar.
Turk qaramig‘ budun	(bundan keyin) turkning

oncha tamish: “allig budun artin, alim moti (omoti) qani? Kamka alig qozg‘onurman?”, tar armish.	hamma qora xalqi shunday degan: “qabila uyushmasi bo‘lg‘on bir xalq edik, ( a hozir) qabila uyushmasining azamati qayda? Kamiga (qaysi qoonga) qabila uyushmasi qozondirg‘usiman?”, deyar ekan.
--	---

Ne‘mat Hakimning bu maqolasi orqali bitiktoshlar bo‘yicha biz bilgan ma‘lumotlar ancha kengayib, yanada boyiydi, nazarimizda. Shu jihatdan ham, bu manba juda qimmatlidir.

Vadud Mahmud o‘zining “Fuzuliy Bag‘dodiy” maqolasida o‘z baho mezonlarini islom va so‘fiylar falsafasiga tayanib berishga harakat qiladi. Bu maqola 20- yillarda o‘zbek o‘quvchilarini Fuzuliy hayoti va ijodi bilan tanishtiruvchi dastlabki manbalardan biri sifatida qimmatlidir. Unda ayrim bahsli masalalar, shoir shaxsiyati va dunyoqarashi, asarlari, ularning qaysi tilda bitilgani hamda Fuzuliyning Turkiston shoirlariga ta’siri kabi masalalar yoritilgan. Muallif shoirning tug‘ilgan maskani Bog‘dod tevaragi, oti Muhammad, otasining ismi Sulaymon bo‘lib, olim kishi ekanligidan, Bog‘dod “uch buyuk- arab, fors va turk til va adabiyotining uchrashg‘on maydoni” bo‘lganligidan xabar beradi [Karimov B. Jadid munaqqidi Vadud Mahmud. – T.: Universitet, 2000.- B. 75]. Shoir islom madaniyatidan ham bahramand bo‘lgani aniqdir. Xo‘sh, shunday bir sharoitda tarbiya topgan shoirning tafakkur tarzi, ijodiy samaralari, tili qanday bo‘lishi mumkin? Fuzuliy uchun arab tilida she‘r yozish unchalik mushkul bo‘lmasa ham, uning asl tabiatiga turkiy til ko‘proq yaqin edi.

V.Mahmud o‘z maqolasida takror- takror Fuzuliyning millati turkiy ekanligini ta’kidlab, o‘sha paytda bu borada kechgan bahslarga barham bermoqchi bo‘ladi.

Shoir o‘z asarlarida, xususan, yolg‘iz Ollohgagina e’tiqod va muhabbat, Rasulullohga hamd- sano, halolga nazar, haromdan hazar, ilmga amal kabi tuyg‘ularni kuylaydi. Talqinchi Fuzuliy ijodining

ana shu qirralariga diqqat- e’tiborni qaratadi. Uning ustozlari Habibiy taxallusli shoir g‘azaliga bog‘langan tubandagi muxammasini keltiradi:

To junun raxtin kiyub dutdim fano mulkin vatan,  
Ahli tajridim qabul etmam, qavobu pirahan.  
Har qavobu pirahan kiysam misoli g‘uncha,  
Gar saning- chun qilmasam chok, ey buti nozik badan,  
Go‘rim o‘lsun ul qabo, egnimda pirahan kafan.

So‘ngra yozadi: “Shu taxmisdan ham ko‘rilgani kabi Fuzuliy tasavvuf ruhi bilan anchagina sug‘orilgan bir shaxsdir. Bu tabiiydir. Chunki undan ilgari kelgan fikriy jarayonidan edi. Va uning javhari bo‘lg‘on islomiy tasavvuf uning ruhi edi” [ Mahmud V. Fuzuliy Bog‘dodiy// Maorif va o‘qitg‘uchi. 1925-yil. 4- son]. Shoirning dunyoga qarashi yuzasidan 20- yillar adabiy- ilmiy muhitida har xil fikrlar mavjud bo‘lgan. Birov uni mutasavvuf desa, boshqa olim faqat dunyoviyligini ta’kidlashga uringan. Buning natijasida bahslar yuzaga kelgan.

Bu ulug‘ shoir din va tasavvufdan boshqa hikmat va tib singari ilmlardan ham voqif bo‘lgan va ayrim asarlarini shu yo‘sinda yozgan. Vadud Mahmud shuning uchun ham, “turkda Fuzuliy kabi dardli va o‘tli bir shoir yo‘q’ligini ta’kidlaydi.

Munaqqid Muhammad Fuzuliy Alisher Navoiydan ta’sirlanganini ham alohida qayd etadi. Bu borada Fuzuliy asar uslubi, tili, ohangi masalasida to‘liq Navoiyga ergashmaydi, balki uning an’analarini yangilashga harakat qiladi.

Vadud Mahmud o‘z maqolasining “Fuzuliyning Turkistonga ta’siri” deb nomlangan bo‘limida ozar shoirining go‘zal she‘rlaridan bahramand bo‘lgan turkistonlik ijod ahlining nomlarini sanaydi, she‘rlaridan namunalar keltiradi. Fuzuliyning chig‘atoychilar orasida tarqalishi bilan uning lahjasida she‘r aytuvchilar maydonga chiqqani aniq, ulardan ba’zilari maxsus devonlar tuzishgan, Umarxon, Xotif singari shoirlar g‘azallariga muxammaslar bog‘lagan. Umarxonning o‘g‘li Muhammadalixon va Fano degan shoirlar naz javharining durru marjonini Fuzuliy ifodasining ipiga tizdilar.

Adabiyotshunos B.Karimov ushbu maqolaning kamchiligi deb she’riy parchalarning ko‘payib ketganligini ta’kidlasa ham, bu maqolaning Fuzuliy haqidagi dastlabki ishlardan deb tan oladi [Карим Б. Жадид мунаккиди Вадуд Махмуд.- Тошкент: Университет, 2000. Б. 81].

O‘zbek adabiyotida shunday mavzular borki, ular hali ham to‘laqonli tarzda tadqiq etilmagan. Shoir Turdi Farog‘iy haqida bilganlarimizdan bilmaganlarimiz ko‘p. Turdining adabiy merosi, uning hayoti va ijodi haqida ma’lumot juda oz. Shoir to‘g‘risida ilk ma’lumotlarni bergan va uning she’rlaridan namunalar keltirgan birinchi shaxs bu adabiyotshunos Abdulhamid Majidiydir. Abutanbal, A.B., Chaqmoq taxalluslari bilan ijod qilgan shoir va dramaturg adabiyotshunoslikka ham o‘z qimmatli maqolalari bilan hissa qo‘shdi, desak, adashmaymiz. 20-yillar matbuotida ikkita “O‘zbek shoiri Turdi” nomli maqola chiqqanini ko‘rishimiz mumkin. Ulardan biri Majidiyga tegishli bo‘lsa, ikkinchisining muallifi Abdurauf Fitratdir. Majidiy “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnalining 1925- yil 8-9- sonlarida e’lon qilgan maqolasini quyidagi bo‘limlarga bo‘ladi: “Turdining maydong‘a kelishi”, “Turdi xonlar siyosatiga qarshi”, Turdi- turmush rassomi”, “Turdi- birlik tarafdori”, “Turdining adabiy mavqeyi” (maqola avvalida “Turdi- avom shoiri” degan bo‘lim ham aytiladi, lekin unga alohida urg‘u berilmagan-S.F.) va xulosa. Adabiyotshunosning bu maqolani yozishiga uning 1923- yil yozida Turdi qalamiga mansub 23 sahifalik asarlarni qo‘lga kiritishi bo‘lgan. Muallif bu haqda shunday deydi: “ Men 23-yil yozida Turdining yo‘qola- yo‘qola saqlanib qolg‘on 23 sahifalik bir asarini qo‘lg‘a tushurishga muvaffaq bo‘ldim... Taassufki, 23 sahifalik tarixiy- adabiy tomondan qimmatli parchalarni o‘z betida saqlag‘on bu kitobda Turdining kimligi ochiq yozilmag‘on. Yolg‘uz she’rlari adog‘ida “Turdi” degan taxallus bor. Bilmaymiz, bu imzo shoirning haqiqiy imzosimi yoxud mustaor taxallusmi? Shul sabab bilan shoirning 4-5 o‘rinda zikr etilgan imzosig‘a tayanib, “Turdi” degan otni iste’mol qilib oldiq. Uning elga tanilishi hozircha shunday...”

Vohid Zohidov tahriri ostida tuzilgan “O‘zbek adabiyoti” darsligida (Muharrirlar R.Majidiy, P.Shamsiev.Toshkent.1959.) Turdining “Subhonqulixon to‘g‘risida hajviya” she‘ri berilgan. Majidiy tomonidan topilgan nusxada esa mazkur she‘r yuqorisiga “Bu muxammasda Boyloq qushbегining [Boyloq qushbегi-Subhonqulixonning vaziri (Majidiy izohi)] inoq bo‘lganini aytur” so‘zlari qayd qilingan. Darslikdagi she‘r bilan maqolada berilgan muxammas orasida ancha farqlar ko‘zga tashlanadi.

Majidiy Turdining adabiy mavqeyini belgilash maqsadida o‘zbek adabiyotidagi adib- shoirlarni ikki turkumga ajratadi. Ulardan bir turkumi “o‘zlaricha “adabiy turk tili” yoxud “iborat ora turkiy” oti bilan usmonli tili kabi yarim bo‘tqa bir holda” yozadiganlar bo‘lib, ularning asarlari tasavvufiy va ishqiy ruhda hamda saroy ahli tushunadigan, ammo avom anglamaydigan so‘zlar vositasida yaratilgan. Turdi ulardan farqli, oddiy xalq tushunadigan (qumaloq, to‘g‘anoq, o‘roq, mashoq, tomoq kabi) so‘zlardan ko‘p foydalanadi. Adib-shoirlarning ikkinchi turkumiga Yassaviy, Boqirg‘on, Mashrab, Shavqiylar kiradi va ularning yozganlari til nuqtayi nazaridan g‘oyat engil va avom xalq ham tushunadigan sodda bir shevadadir. Turdi ham ikkinchi guruh ijodkorlariga kiritiladi. Maqolaning Xulosa qismida Majidiy Turdiga “hayotnavis adib” deb baho beradi. Bu baho hali-hanuz o‘z qiymatini yo‘qotmagan. ”Keng tushunchali, botir yurakli, jiqqa avom shoiri” bo‘lgan Turdi ijodi adabiyotimiz uchun chindan ham qimmatli manba sanaladi. Uning asarlari asrlar osha yashayverarkan, ularni tadqiq etish ham to‘xtab qolmaydi.

Umumiy qilib aytsak, 20- yillar matbuotida bor e‘tibor faqat Navoiy shaxsiyatiga qaratilmagan, balki mumtoz adabiyotimizga munosib hissa qo‘shgan yana boshqa ijodkorlar- shoir-u adiblar hayoti ham tadqiq qilingan. Yassaviy, Zebunniso, Boqirg‘oniy, Turdi, Muhammad Solih kabi ijodkorlarni shu guruhga kiritish mumkin. Fitrat va Vadud Mahmud maqolalari boshqa zamondoshlarining tadqiqotlaridan ayrim nuqtalarda farq qilganiga guvoh bo‘lamiz. Buning sababi nima? Bizningcha, bu ikki munaqqid rus va qardosh xalqlar adabiyotshunosligidan yaxshi xabardor

bo‘lgani holda, ularning uslublarini omixtalashtirib, yangi uslub- o‘z uslublarini yarata olishgan. Bu bilan boshqa munaqqidlar o‘zga xalq adabiyotshunosligidan bexabar bo‘lgan, demoqchi emasmiz. Shunchaki, ularning o‘qigani mutolaa doirasida qolib ketavergan va uslub yaratishga harakat darajasiga ko‘tarila olmagan.

Bu davrda yaratilgan tadqiqotlar adabiyotshunosligimizning yaxlit shakllanishiga juda katta yordam bergan. Sababi aynan shu davrga kelib ijodkorlarning tarjimai hollari bir butunlikni kasb eta boshlagan edi.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи.- Тошкент: Университет, 2000.- 40б.
2. Фитрат А. Танланган асарлар: 5 томлик.- Тошкент: Маънавият, 2000.- Т.2.- 205 б.
3. Фитрат А. Танланган асарлар: 5 томлик. - Тошкент: Маънавият, 2000.- Т. 4.- 334 б.
4. Карим Б. Жадид мунаққиди Вадуд Махмуд.- Тошкент: Университет, 2000.- 103 б.
5. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- 534 б.
6. Махмуд В. Танланган асарлар.- Тошкент: Маънавият, 2007.- 157 б.
7. Нуриддинова Ф. Миллий матбуот фикристи. 1- китоб.- Тошкент: Миллий кутубхона, 2010.- 257 б.
8. Нуриддинова Ф. Миллий матбуот саҳифаларида.- Тошкент: Маънавият, 112 б.
9. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.- Тошкент: Маънавият, 2004.- 461 б.
10. Раҳмонов Н. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. III жилд.- Тошкент: Фан, 2007.- 319 б.
11. Сирождидинов С. Абдулҳамид Мажидий.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.- 120 б.

12. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ( Алишер Навоий даври). - Тошкент: Академнашр, 2013.- 271 б.

13. Ғаниев И., Афоқова Н. Жадид адабиёти ва адабиётшунослиги библиографияси. - Тошкент: Академнашр, 2012.- 324 б.

14. Чўлпон А.С., Зоҳирий А. Адабиёт парчалари. - Тошкент: Ўздавнашр, 1926.- 227 б.



## «BOBURNOMA»NING O‘RGANILISH TARIXI XUSUSIDA

**Nuritdinova Muhayyo\***

***Annotatsiya.** Zahiriddin Muhammad Boburning «Boburnoma» nomli ilmiy-adabiy merosi o‘rganilar ekan, Bobur bilim doirasining nihoyatda kengligi, o‘zigacha mavjud bo‘lgan va o‘z zamonasidagi boy ilmiy-adabiy merosni naqadar chuqur bilganligi kishini hayratda qoldiradi. «Boburnoma» asari o‘sha davr haqidagi eng xolis tarixiy asar sifatida jahon miqyosida katta ahamiyatga egadir. Shu sababli bu asar ko‘plab tillarga tarjima qilinib, Bobur adabiy merosi jahon miqyosida o‘rganilmoqda.*

***Tayanch so‘zlar.** «Boburnoma», Xalqaro Bobur jamg‘armasi, tarjimalari, «Bobur toshi».*

Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti, faoliyati va merosini o‘rganish XVI asrning avvalidan boshlangan edi. Boshqacha qilib aytganda, bu qutlug‘ ishni Z. M. Boburning o‘zi «Boburnoma»sida boshlab bergan edi. Olimlarimiz tomonidan me‘muar asar deb tan olingan «Boburnoma»da muallif boshidan kechirgan, hayotidagi eng ahamiyatli paytlarini qalamga olgan. Yana bironta bir asar «Boburnoma»chalik Bobur haqida to‘liq va aniq ma‘lumot bera olmaydi. Shu sababli Boburning «Boburnoma»siga bo‘lgan ehtirom tufayli ko‘plab tillarga tarjima qilinib bosildi. Xususan, «Boburnoma»ning noma‘lum bir qo‘lyozmadan olingan parchalari 1705-yilda Vitsen tomonidan golland tiliga tarjima qilinib, Amsterdamda bosiladi. Bu tarjimaga «Tatarlar mamlakatining sharqiy ham shimoliy qismining jug‘rofiy ta‘rifi» deb nom berilgan.

XIX asrda kelib «Boburnoma»ga bo‘lgan qiziqish yanada ortdi. Bu borada Ulyam Erskinning olib borgan izlanishlari

---

\*SamDU adabiyotshunoslik yo‘nalishi, 2-kurs magistri  
[muhayyonuritdinova87@gmail.com](mailto:muhayyonuritdinova87@gmail.com)

mutaxassislar tomonidan juda ko‘p e‘tirof etilmoqda. Shotlandiyalik katta yer egasining o‘g‘li bo‘lgan Ulyam Edinburg universitetida tahsil olgandan so‘ng, yigirma yil (1803-1819) Bombeyda istiqomat qilgan. «Boburnoma»ning 1809-yilda Jon Leyden boshlagan tarjimasini U. Erskin nihoyasiga yetkazgan. Ular «Boburnoma»ning o‘zbekcha va forscha nusxalarini solishtirib, uni ingliz tiliga tarjima qilishdi va 1826-yilda Londonda nashr ettirishdi. Bu tarjima 1921-yilda Uayt King tomonidan to‘ldirilib va tuzatilib qaytadan nashr etiladi. Shuningdek U. Erskinning «Temuriylar avlodidan bo‘lmish Bobur va Humoyun davridagi Hindiston tarixi» nomli 600 sahifaga yaqin yirik tadqiqoti 1854-yilda muallif vafotidan keyin nashr etilgan. Erskinning Boburga bo‘lgan hurmatini unga bergan ta‘rifidan ham bilsak bo‘ladi: «... saxovatliligi, mardligi, iste’dodliligi, fanga, san‘atga muhabbati va ular bilan muvofaqiyatli shug‘ullanishi jihatidan olib qaraganda, Osiyodagi podshohlar ichida Boburga teng keladigan biror podshoh uchramaydi» [Маллаев, 1976: 576].

Olimlarning e‘tiroficha U. Erskin fors tilini mukammal bilgan va temuriylar tarixini sinchiklab o‘rgangan. Ingliz olimining ushbu yirik tadqiqotini G‘ofurjon Satimov tarjima qilib (Ulyam Erskin. Bobur Hindistonda. -T. : Cho‘lpon, 1993.)

nashr etdi.

A. Kayzer «Boburnoma»ning inglizcha tarjimasida uni qisqartirgan holda nemis tiliga tarjima qiladi va bu tarjima 1828-yilda Leypsigda bosiladi. R. M. Kaldekot «Boburnoma»ning forscha tarjimasida uni qisqartirib ingliz tiliga tarjima qiladi va 1844-yilda Londonda bostiradi. Fransuz olimi Pave de Kurteyl «Boburnoma»ni fransuz tiliga to‘la tarjima qiladi. Bu tarjima 1871-yilda Parijda nashr etiladi [Маллаев, 1976: 594].

«Boburnoma»ning mavjud to‘liq matni 1857-yilda turkolog N. I. Ilminskiy tomonidan Qozonda tipografiya yo‘li bilan o‘zining to‘rt betlik nashr qoidalarini ko‘rsatgan ruscha so‘z boshisi bilan bosilgan. Asarni nashrga tayyorlash va dunyoga chiqarishda rus

olimi N. I. Ilminskiyning zo‘r faoliyat ko‘rsatganini alohida qayd etish kerak [Бобур, 1989: 3].

1826—1985 yillar davomida «Boburnoma» 4 marta ingliz (1826, 1905, 1921, 1922), 3 marta fransuz (187, 1980, 1985), 1 marta nemis (1878) tiliga o‘g‘irilgan.

Bunday hol XX asrda ham davom etdi. Jumladan, 1905-yilda ingliz olimasi Annet Syuran Beverij xonim «Boburnoma»ning Haydarobodda topilgan bir qo‘lyozmasining aynan o‘zini sinkografiya yo‘li bilan nashr ettirdi (Annette S. Beveridge, The Haydarabad Codex of the Babar-Nama or Waqi‘at-i-Babari of Zahiru-d-Din ). Bu nusxani qachon va kim tomonidan ko‘chirilgani noma‘lum. Bu nusxaning afzalligi shundaki, bunda A. Beverij nusxaning ayni o‘zini bergan shu bilan birga asar oxirida mukammal kishi ismlari, geografiya va qabila, urug‘ nomlari ko‘rsatkichlari berilgan va ingliz tilida o‘n betlik so‘z boshisi ham bor

[Бобур, 1989: 4]. Bu so‘z boshisida A. Beverij asarga: «Boburnoma» butun tarixda yaratilgan yozma yodgorliklarning eng bebahosidir», - deya ta‘rif bergan [Муҳаммад Ҳайдар, 2010: 706].

1958-yilda esa filologiya fanlari kandidati M. Sale «Boburnoma»ni ruschaga to‘liq tarjima qildi. (Бабурнаме, записки Бабур. Ташкент, 1958.) «Boburnoma»ning bevosita o‘zbekchadan fransuz (Bak‘e Grammon, 1980-y) va ingliz (V. M. Sekston 1996-y) tillaridagi tarjimalari ham vujudga keldi [Валихўжаев, 2002: 275].

«Boburnoma» XX asrning yaqin yillarigacha ko‘plab tillarga tarjima qilindi. Shulardan 1985-1987-yillar oralig‘ida birinchi va ikkinchi jildi deya ikki qismga bo‘lingan holda Arat Rashit Rahmate (Z. M. Babur. Vekayi, Babur, in hatirati, Gilt I-II Ankara. 1987.) tomonidan turkchaga tarjima qilindi [Хайитов, 2012: 43].

Amerikalik tarjimon professor Viller Tekston «Boburnoma»ni tarjima qilish jarayonida quyidagilarni qayd etgan edi: «Boburnoma»dagi alohida so‘zlar va iboralar ustida bahs va munozaralarning adog‘i hech qachon tugamaydi. Besh yuz yillik davr oralig‘i va so‘z ma‘murligida yagona bo‘lgan «haqiqiy nasr»

Bobur xotirasidagi barcha qiyinchiliklarni bartaraf qila olmasligimiz ehtimoldan xoli emas» [Собиров, 2002: 49].

XX asrdan boshlab mamlakatimiz - O‘zbekistonda Bobur hayoti, faoliyati va merosini o‘rganish sohasida ma‘lum ishlar amalga oshirildi. Bu sohada Yahyo G‘ulomov, Vohid Zohidov, Homil Yoqubov, Porso SHamsiyev, Sabohat Azimjonova, Aziz Qayumov, Hamid Sulaymon, Saidbek Hasanov, B.Valixo‘jayev va boshqalarning katta hissasi bor.

Bobur haqida dastlabki yirikroq filologik tadqiqot H.Yoqubovning «Bobur» nomli risolasi (1941) bo‘lib, muallif birinchi manbalar asosida Boburning hayoti va faoliyatini yoritib, uning lirik merosi va «Boburnoma»ni batafsil tahlil qilgan edi. Keyinroq Bobur haqida V. Zohidov ( Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси хақида. Китобда: Бобур ва «Бобурнома» . -Т. 1960.), S. Aliyev, A. Qayumov, S. Jamolov va boshqa adabiyotshunoslarning tadqiqot ishlari va ilmiy ommabop maqolalari vujudga keldi. Bobur lirikasi haqida S. Aliyev (1948), «Boburnoma»ning badiiy xususiyatlari haqida S. Jamolovning (1961) dissertatsiyalari yozildi.

«Boburnoma» faqat adabiyotshunoslik sohasidagina emas, ko‘plab fanlar tarmog‘ida o‘rganiladi. Tilshunoslar turkiy tilning XVI asrdagi holatini o‘rganish va tadqiq qilishda bevosita «Boburnoma»ga suyanadilar. Shuning uchun ham Boburning tili masalalari haqida bir necha tadqiqotlar, ilmiy-ommabop asarlar paydo bo‘ldi. H. Nazarovaning (Назарова Х."Бобурнома" тилининг синтактик қурилиши. Докт. дисс.- Т. 1980.) bir qator ilmiy maqolalari, «Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari uchun lug‘at» (1972) kitobi, «Bobur va o‘zbek adabiyoti tili» risolasi (1972), B. Vafoyevning «Bobur she‘riyati leksikasi» va boshqalar shular jumlasidan.

Boburshunoslik sohasidagi ishlar yanada rivojlanib bormoqda. Respublikamiz mustaqillikka erishgach, Bobur va uning boy merosiga milliy istiqlol g‘oyasi asosida munosabat bildirilmoqda. Bu

jihattan 1992-yili Xalqaro Bobur jamg‘armasining tuzilgani va uning faoliyati alohida e‘tiborga molikdir.

Jamg‘armaning ilmiy ekspeditsiyasi 10 dan ortiq Sharq mamlakatlari bo‘ylab avtomobilda ilmiy safarlar uyushtirib, 200 ming km dan ortiq masofani bosib o‘tdi. Bobur va boburiylar qadamjolari, ularning ilmiy merosiga oid yangi ma‘lumotlar to‘plab, ularni ilmiy iste‘molga kiritdi. Mazkur ma‘lumotlar asosida 10 dan ziyod ilmiy, hujjatli, badiiy asarlar (Z. Mashrabov, S. Shokarimov: «Asrlarni bo‘ylagan Bobur»; S. Jalilov: «Boburning Farg‘ona davlati», «Bobur va Andijon»; Qamchibek Kenja: «Hind sorig‘a»; X. Sultonov: «Boburning tushlari», «Boburiynoma»; R. Shamsuddinov: «Boburiylar izidan», «Boburiylar sulolasi»; T. Nizom: «Uch so‘z»), 10 ga yaqin hujjatli, videofilmlar (F. Rasulov: «Bobur izidan», «Muqaddas qadamjolar»; T. Ro‘ziyev: «Bobur salomi», «Bobur nomidagi Xalqaro ilmiy ekspeditsiya»; T. Hamidov: «Iftixor» va h.k.) yaratildi. Jamg‘armaning Lohur (Pokiston), Haydarobod (Hindiston), Abu Dabi (Birlashgan Arab Amirliklari), Moskva (RF), O‘sh (Qirg‘iziston), Toshkent, Namangan (O‘zbekiston) shaharlarida bo‘limlari mavjud. 1998-yili jamg‘armaning boburshunoslik sohasidagi Xalqaro mukofotlari ilk marta Primqul Qodirov, Sabohat Azimjonova, G‘aybulloh as-Salom, Ne‘matilla Otajonov, Xayriddin Sultonov, Eyje Mano (Yaponiya), Muhammadali Abduqunduzov, Maqsud Yunusov, Shafiqqa Yorqin (Afg‘oniston), Ma‘murjon To‘xtasinov, Ravshan Mirtojiev, Majid Tursunov, Rahmonjon Azimov, Muhammadjon Mirzayevga berildi.

Bobur fondi qoshida muntazam faoliyat olib borayotgan Xalqaro ilmiy ekspeditsiya 2009-yil oktabr-noyabr oylaridagi safaridan maqsadlaridan biri Z. M Boburning «Boburnoma» asaridagi voqea-hodisalar sodir bo‘lgan manzil-makonlar bo‘ylab ilmiy izlanishlar olib borish, hamda Mirzo Bobur qadamjolarida bo‘lib, uning hayoti va ijodiga doir yangi ma‘lumotlarni to‘plash bo‘ldi. Ekspeditsiya a‘zolari «Bobur toshi» degan nomda shuhrat qozongan toshni Dushanbedagi muzeyda saqlanayotganligidan xabar topib, uni borib ko‘rib, foto nusxalarini olib kelishdi.

Ekspeditsiya a‘zolari Bobur qadamjolari bo‘ylab besh marta safar uyushtirdilar. Ekspeditsiya materiallari asosida «Bobur va uning jahon sivilizatsiyasida tutgan o‘rni» memorial muzeyi tashkil qilindi. Muzeyning jamg‘armasida Bobur nomi bilan bog‘liq 500dan ortiq kitob va manbalar bor.

Shu bilan birgalikda yozuvchi ijodkorlarimiz tomonidan mustaqilligimizning ilk yillaridan boshlab yangidan yangi asarlar yaratildi. Xurshid Davronning «Bobur xayoli» (1991), «Bobur sog‘inchi» asarlari va bu asari asosida 2005-yili Muqumiy nomidagi davlat teatrida «Bobur sog‘inchi» spektakli qo‘yildi.

2007-yili G‘ofurjon Satimovning «Markaziy Osiyo va Hindiston tarixida boburiylar davri» nomli monografiyasi ham yaratildi.

2010-yili Yosh ijodkorlarimizdan Sirojiddin Sayyid «Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur» (Саййид С. Юз ох, Захириддин Мухаммад Бобур. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010.) dostonini yaratdi. Саййид С. Юз ох, Захириддин Мухаммад Бобур. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. Asarda «... mardlik va matonat, firoq mehnat-u alamlarga to‘la umrining yuz lahza, yuz holatini qo‘limdan kelgancha ifodalab berishga harakat qildim»,- deb yozadi muallif doston muqaddimasida.

Ma‘lumki, 2013-yilning 10-11-iyun kunlarida Toshkentda Boburning 530 yilligi yubileyi munosabati bilan «Zahiriddin Muhammad Boburning jahon madaniyati tarixida tutgan o‘rni» mavzuida konferensiya bo‘lib o‘tdi. Konferensiyada 20 ga yaqin xorijiy mamlakatlardan 30 dan ziyod sharqshunos va boburshunos olimlar qatnashdilar. Misr Arab Respublikasidan ishtirok etgan boburshunos olim Magda Maxluf ilk bor arab tilida to‘liq chop etilgan «Boburnoma» (Boburshoh Zahiriddin Muhammad. «Boburnoma» nomi bilan mashhur Boburshoh tarixi. Vaqoyi’ (Farg‘ona –Qobul- Hindiston). Birinchi nashr.- Al-Qohira: «Dorul – ofoqil – arabiya» nashriyoti, 2013.-747 b.) asarini o‘zi bilan olib kelib, konferensiya qatnashchilariga taqdim etdi [ Рустамхўжаев, 2013: 120].

Tarjima, kirish so‘zi va izohlar muallifi Magda Maxlufning o‘zi. Tarjima ikki qismdan iborat bo‘lib, olimlar birinchi qismini «Tadqiqot» deb nomlagan va unga Bobur va «Boburnoma»ning ilmiy ahamiyatiga doir tadqiqotlarini joylashtirgan. Kitobning «Muqaddima»sida «Boburnoma» Bobur tomonidan turkiy tilning chig‘atoy lahjasida bitilgani va Sharq-u G‘arb tarixchi olimlari mazkur kitobni «mazmun va uslub jihatidan yagona asar» deb tan olganliklarini ta’kidlaydi [ Рустамхўжаев, 2013: 120].

Bobur qoldirgan ilmiy-adabiy meros o‘rganilar ekan, Bobur bilim doirasining nihoyatda kengligi, o‘zigacha mavjud bo‘lgan va o‘z zamonasidagi boy ilmiy-adabiy merosni naqadar chuqur bilganligi kishini hayratda qoldiradi.

Hozirgi kunda ham Bobur ijodiga, aynan , «Boburnoma»ga bo‘lgan qiziqish kamaygan emas. Bobur xolis tarixnavis sifatida butun dunyo miqyosida keng o‘rganiladi. Bobur podshoh bo‘lganligi, o‘z dinniy e’tiqodiga mustabitligi sababli o‘z davrini tasvirlashda bor kamchiliklarini ochiq-oydin ko‘rsatgan. Hatto, o‘zi tomonidan bilib, bilmay qilingan barcha noto‘g‘ri ishlar ham ayovsiz qalamga olingan. Shu sababli «Boburnoma» XVI asrning xolis ruhini bera oladigan asar sifatida butun dunyoda e’tirof etilib, o‘rganilib kelinmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976.- 630 б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Т.: Юлдузча, 1989.
3. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.-Т.: Шарқ, 2010.
4. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. ( I жилд) .- Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Х.М.Н, 2002.- 304 б.

5. Хайитов Ш. «Бобурнома»нинг матний-қиёсий таҳлили// Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2012.-№ 2.- Б. 43-46.
6. Собиров М. Мажозий ибораларни таржимада қайта яратиш// Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 2002- №1. Б-49-52.
7. Рустамхўжаев Ш. «Бобурнома»нинг арабча нашри// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2013.- №6.- Б. 120.



## **ЧЎЛПОН БАДИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ НОЁБ НАМУНАСИ**

**Мадгазиев Искандар\***  
**Исломова Сохибахон\***

***Аннотация:** ушбу мақола Чўлпон қаламига мансуб “Чимкент” саёҳатномасининг матний тадқиқига бағишланган. Мазкур мақолада “Чимкент” саёҳатномасининг “Фарғона” газетаси ва “Адабиёт парчалари” мажмуасидаги нусхалари ўзаро муқояса қилинган, асосий матн ҳамда ёндош матн унсурларидаги тафовутлар аниқланган.*

***Таянч сўзлар:** бадий публицистика, матн, саёҳатнома, композиция, манба, асос манба, ёрдамчи манба, нусха, матн рамкаси.*

XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошларида Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш, Фуркат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори каби шоир ва адиблар бадий публицистик характердаги саёҳатномаларнинг дастлабки намуналарини яратган бўлсалар, 20-йилларга келиб Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодида бу йўналиш имкониятлари бироз кенгайган ҳолда ўзига хос ўрин эгаллаб, мазмун ва композицион жиҳатдан такомил касб этди.

Жумладан, Чўлпон ижодига назар соладиган бўлсак, унинг шеърят ва наср билан баравар ҳолда бадий публицистика йўналишида ҳам жиддий қалам тебратганига гувоҳ бўламиз. Бунга мисол тариқасида унинг “Ўш” (“Шўро” журнали, 1915 йил №9), “Қайтиш йўқ” (“Бир кунлик

---

\* Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими,  
e-mail: [madgaziev93@mail.ru](mailto:madgaziev93@mail.ru)

\* Андижон давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси,  
e-mail: [islomova78@mail.ru](mailto:islomova78@mail.ru)

камбағаллар газетаси”, 1919 йил 7 ноябрь), “Йўл эсдалиги” (“Билим ўчоғи” журнали, 1922 йил №1), “Қишлоқларда: Арслонбоб йўлидан” (“Дархон” газетаси, 1923 йил 13 июль), “Қутурган мустамлакачилар” (“Фарғона” газетаси, 1924 йил 12 март), “Вайроналар орасидан: Андижон-Ўш-Жалолобод” (“Фарғона” газетаси, 1924 йил 28 март – 5 июнь), “Чимкант хатлари” (“Фарғона” газетаси, 1924 йил 30 июнь), “Шаҳардан – қишлоққа!” (“Адабиёт парчалари”, 98-110 бетлар), “Осмонда, ерда” (“Адабиёт парчалари”, 143-148 бетлар) каби йўл эсдалиги ва саёхатнома типигаги асарларини келтиришимиз мумкин.

Чўлпон бу йилларда “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Бухоро ахбори”, “Туркистон”, “Дархон”, “Фарғона” газеталари, “Инқилоб”, “Муштум” журналлари таҳририятларида фаолият олиб боради. Тинимсиз ижодий меҳнат, вазифаларнинг тез алмашинуви билан боғлиқ мусофирлик машаққатлари, шунингдек турли саёхат ва сафарлар ёш ижодкорни ҳар томонлама чиниқтиради. Доимо халқ ичида юриб, унинг дардини юракдан ҳис қилиш, таъсирчан қалб, ўткир нигоҳ билан турли воқелик ва борлиқ манзараларини кузатиш, муттасил ижодий фаолият билан шуғулланиш асносида кўплаб бетакрор асарлар юзага келади. Айтиш лозимки, Чўлпон меросининг ҳали етарли даражада ўрганилмаган жиҳатлари бисёр бўлиб, бу ўз навбатида мазкур борада қилиниши лозим бўлган илмий тадқиқотлар кўлами нечоғлик кенг ва долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Атоқли адабиётшунос олим, профессор Б.Каримовнинг қайд этишича, “Чўлпон битта сафардан олган таассуротларини нисбатан фарқли равишда икки манбада эълон қилган ҳолатлар ҳам бор” [Б.Каримов, 2017: 3]. Дарҳақиқат, Чўлпоннинг юқорида саналган “Чимкант хатлари” сафарномаси мисолида айни ҳолни кузатишимиз мумкин. Истеъдодли адиб ижодининг юксалиш йиллари маҳсули бўлган ушбу сафарнома даставвал 1924 йилнинг 17 июнида Чимкентда ёзилиб, илк бор “Фарғона” газетасининг шу йилги 30 июнь сонидан “Чўлпон” имзоси билан

элон қилинган ва кейинчалик қатор ўзгартиришлар билан “Адабиёт парчалари” мажмуасидан ўрин олган.

Бинобарин, “Чўлпон шеъррий меросининг хронологиясига, хусусан, Чимкентга саёҳати палласига қаралса, шоир ўз саёҳати давомидаги ҳис-туйғуларини, дарду аламлари ва армонларини бир қанча шеърларида ҳам ифода этади. “Булоқлар кучоғида”, “Ай булут”, “Қирдан айрилиш”, “Ёзнинг тугалиши” каби шеърлари сарлавҳасидан кейин қавс ичида “Чимкант учун”, “Саёҳат эсдаликларидан” ҳамда шеър охирида “Чимкант” каби эскартма-изоҳлари ёзилган” [Б.Каримов, 2017: 3].

Сўнги изланишлар натижасида Чўлпоннинг шу йиллардаги фаолияти нақадар серқирра ва маҳсулдор бўлганлиги маълум бўлмоқда. У ҳам бўлса, адибнинг дарслик-мажмуа яратиш билан боғлиқ фаолиятидир. Бу ҳақида ўша давр матбуотида ҳам айрим маълумотлар учрайди. Масалан, “Туркистон” газетасининг 1924 йил 26 октябрь сонидан элон қилинган “Адабий кироат китоби” номли хабарда “Ўзбек билим хайъати Чўлпонга унинг масъулияти остида 3 жилддан иборат кироат китоби(хрестоматия)ни тузиш ишини топширган”лиги айтилади [Фарғона, 1924: 6]. Бунинг амалий натижаси ўлароқ 1926 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) ва Ашурали Зоҳирийлар ҳаммуаллифлигида “Талабалар, ўқитғувчилар ва умуман адабиёт севғувчилар учун” мўлжалланган “Адабиёт парчалари” дарслик-мажмуаси нашр этилади. Мажмуада, асосан, шоирнинг шеъррий ва насрий асарлари, таржималари кенг ўрин олган. Булар: “Қиш кечалари” (русчадан таржима), “Баҳорда”, “Катта йўл бўйида учраган япроқ учун”, “Шамол нимадан пайдо бўладур?”, “Қурбон”, “Чироғлар” (Р.Тагордан), “Куз”, “Халқ”, “Ўтли сув”, “Виждон эрки”, “Кураш”, “Бир тилла кўнғуз”, “Шарқ кизи”, “Улуғ йўлда”, “Оппоқ ой”, “Яна қор”, “Бинафша”, “Қирдан айрилиш”, “Булоқлар кучоғида”, “Ер асиралари”, “Қор” (Али Улвийдан) шеърлари, шунингдек “Нонушта”, “Тўй чиқиб қолди”, “Йўлда бир кеча”, “Йўлда бир кундуз”, “Кўгарт

водийси”, “Чимкант”, “Қишлоқдан хабар”, “Шаҳардан қишлоққа”, “Қурбон”, “Осмонда – ерда” каби ҳикоя ва публицистик асарларидир.

Дарслик-мажмуага Ашурали Зоҳирӣ томонидан тайёрланган Алишер Навоӣ, Бобур, Муқимий ва бошқа мумтоз адабиёт вакиллари ҳақидаги маълумот ва лавҳалар, асарларидан намуналар, шунингдек Л.Олимий, А.Қодирий, Элбек, Боту, Олтой ва бошқа ижодкорларнинг асарлари ҳам киритилган. “Чимкант” сафарномаси эса мажмуанинг 124-128 саҳифаларидан ўрин олган бўлиб, сарлавҳа остида “Саёҳат эсдаликларидан” жумласи қавс ичида берилган [Адабиёт парчалари, 1926: 124].

Тадқиқотимиз асар матни ва унинг композицион хусусиятларига қаратилганлигини эътиборга олган ҳолда, унинг ғоявий-бадиий ва бошқа жиҳатларига ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз, асосий эътиборни матн ва у билан боғлиқ масалаларга қаратамиз.

Тадқиқотга жалб этилган асар манбаларини таснифлайдиган бўлсак, унинг “Адабиёт парчалари” дарслик-мажмуасида берилган варианти ишимиз учун асос манба бўлиб хизмат қилади. Зеро бунга бир қатор сабабларни кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, мазкур китобда чоп этилган саёҳатноманинг бевосита муаллиф томонидан сўнгги бор қатъий таҳрир қилинган ҳолда берилганлиги;

иккинчидан, “Фарғона” газетаси вариантидаги мавжуд жузъий камчиликлар мазкур нусхада тўлдирилганлиги;

учинчидан, унинг адиб ҳаётлик пайтида чоп этилган сўнгги нашри эканлиги ва ҳоказо.

Айни чоқда асарнинг композицион қурилиши ва матн компонентларининг ташкилланиши, адиб ижодий лабораториясида шаклланган асарнинг ривожланиш хусусиятлари ва бошқа жиҳатларни ўрганиш нуқтаи назаридан

“Фарғона” газетаси вариантини биз ёрдамчи манба сифатида белгилаймиз.

Хуллас, мазкур саёҳатнома Б.Каримов таъкидлаганидек, “Ўлпоннинг Чимкент сафари баёни ҳисобланиб, ўзаро яқин, айни дамда композицион услубига кўра фарқланади”. Демак асос ва ёрдамчи манба матнларини ўзаро қиёслаб кўрамиз. Мазкур ижод намунасининг ҳар икки нусхаси ўзаро қиёсланганида кўплаб тафовутларга дуч келинди. Жумладан, ёндош матн(рамка унсурлари) сирасига кирувчи сарлавҳа ҳамда сарлавҳа ости изоҳидаёқ тафовутлар кўзга ташланади. “Фарғона” газетасидаги нусхада “Чимкант хатлари”, “Адабиёт парчалари”да эса “Чимкант” дея сарлавҳа қўйилганини кузатишимиз мумкин. “Фарғона” газетасидаги нусхада берилган “сочкин фикрлар” сарлавҳа ости изоҳи кейинги нусхада ўзгартирилган, яъни “Адабиёт парчалари”даги нусхада “Саёҳат эсдаликларидан” деб берилган. Бундан ташқари, “Адабиёт парчалари”даги ички сарлавҳа сифатида берилган “Дармана” сўзи “Фарғона” газетасидаги нусхада берилмаган. Бундан келиб чиқадики, муаллиф аниқ бир ғоявий мақсадни кўзлаган ҳолда кейинги нусханинг асосий ва ёндош матн унсурларини қўллаган. Асосий матнда ҳам бундай тафовутларга дуч келамиз. Масалан, “Фарғона” газетаси нусхасидаги дастлабки 2 та гап “Адабиёт парчалари”даги нусхада тушириб қолдирилган, шу сабабли бўлса керак ушбу ҳолатни англитиш учун асосий матн кўп нукта билан бошланган. “Ғарам-ғарам қилиб дармана кўкатици тўплаб қўйган” жумласи “Адабиёт парчалари”даги нусхада “дармана кўкатици ғарам қилиб тўплаб қўйган” [Адабиёт парчалари, 1926: 224] тарзида қўлланилган. “Фарғона” газетасидаги нусхада “бир сарт” бирикмаси сатр ости изоҳи билан берилган, аммо ушбу ҳолат “Адабиёт парчалари”да учрамайди. “Адабиёт парчалари” нусхасида мазкур ўринда “дўкандор бир ўзбак” изоҳловчиси қўлланилган, лекин ушбу изоҳловчи “Фарғона” газетасидаги нусхасида қўлланилмаган. “Фарғона” газетасидаги нусхасида берилган публикацион

характерга эга бўлган 4 та гап кейинги нусхада туширилган. Мазкур тушириб қолдирилган ўринлар “Адабиёт парчалари”да “дармана” кўкатиинг ўта ноёблиги даражаси шеърин санъат бўлмиш ружуъ асосида 3 та иштирокчи воситасида диалог шаклида кўкларга кўтарилган бўлса, бундай ноёб гиёҳнинг дунё бўйича конига эга бўлган диёрнинг нақадар ночорлиги антифразис кинояси билан ифодалаб берилган. Чимкентнинг айни шу тасвири “Фарғона” газетаси нусхасида кейинги қисмдан юлдузчалар билан ажратилган “Адабиёт парчалари”да эса бу ҳолат кузатилмайди. Ҳар икки нусхада кейинги ўринларда график шакллантирилишида бир мунча фарқлар кузатилади. Хусусан, “Фарғона” газетаси нусхасида бутун бир матн 6 қисмга бўлинган бўлиб, улар ўзаро юлдузча билан ажратилган. “Адабиёт парчалари”да эса яхлит бир матн 3 қисмга ажратилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида номланган. Ҳар икки нусхани ўзаро қиёслаганимизда, “Фарғона” газетаси нусхасидаги публицистик руҳдаги жумлаларнинг айримларини “Адабиёт парчалари”да туширилганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Фарғона” газетаси нусхасидан айнан транслитерация қилинган қуйидаги матн қисми “Адабиёт парчалари”да учрамайди: “Чимкентнинг масъул ишчиларидан бири билан уяз ижрокўми (ўзича айтганда “отқару (“оқартув” бўлса керак – И.М.) кўмитати”)га кирдим. “Тубжой халқ тилида газеталар борми, берсангизчи!” деди рафиқам. Ижрокўмнинг шундоқ ишлари билан шуғулланатурған бир мусулмон хотуни: “бизда “Оқ жўл”гина бор, козоқ бўлуслари учун ёздириладур, ўзбакча газеталарни тубда олмаймиз!” деди. Чикдиқ. Зотан, мунда ўзбаклар камчилик ташкил қиладурлар экан, бу тўғрида жуда ғалати ҳангамалар эшитишка тўғри келадур. Ойниқса, мана бу миллий жумхуриятлар масъаласи чиққандан бери бир ота – бир онанинг болалари кўб “эхтирос”га берилганга ўхшайдурлар.

- “Бирлашингиз, бутун дунё йўқсуллари!” қандоқ маъноли жумла!..” [Фарғона, 1924: 6]

Бизнингча, бу қискартиришлар Чўлпоннинг боши узра сўнгги йилларда қуюқлашаётган “қора булутлар” сабабли юз берган деб тахмин қиламиз, аммо ижодкор бу ўринларни киноя ва пичинг билан ғоятда санъаткорона тарзда бериб ўтганлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар икки нусхани синчковлик билан таққослаб, бугунги кун ўқувчиларига тақдим қилиш учун сўнгги нусха бўлмиш “Адабиёт парчалари”га асосланиш керак. Зеро бу нусха ижодкор қаламидан тўкилган сўнгги жавҳардир. Лекин “Фарғона” газетасидаги нусхадан ҳам кейинги нусхада тушириб қолдирилган муҳим ўринларини олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон адабиётнинг барча соҳаларида самарали ижод қилди. Ижодкор ҳақида атоқли чўлпоншунос олим Д.Қуронов шундай деган эди: “Тажриба қилишдан, бу йўлда муваффақиятсизликка учрашдан чўчимгани учун ҳам Чўлпон адабиётимизнинг “чучмал вазият”дан чиқиб, ривожланишнинг янги йўлига киришида бекиёс хизмат қила олди. Шу жиҳатдан ёндошилса, Чўлпон ижоди нафақат ғоявий, балки биринчи навбатда бадий хусусиятлари билан катта аҳамиятга молик экани англашилади”[Қуронов Д.Чўлпон насри поэтикаси.4]. Қувонарлиси шундаки, сўнгги йилларда Чўлпон ижодининг турли йўналишлари қирраларини очиб беришга қаратилган қатор илмий ишлар яратилди. Жумладан, Чўлпон публицистикаси ва муҳаррирлик фаолияти бўйича С.Йўлдошбекова тадқиқотлари эътиборга молик. Хулоса ўрнида унинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ кўрилди: “Унинг бутун ижтимоий фаолиятини ёритиб турган машғал ҳам, тимсолли қилиб айтганда, ўз даврининг муҳим ва долзарб муаммоларини кўтариб чиққан публицистик мақолалари бўлди. Журналистик фаолият, публицистик чиқишлар Чўлпонни ижтимоий жиҳатдан тарбиялади, унинг фикрларини, айниқса, миллий-озодлик, мустақиллик, эрк

йўлидаги интилишларини, курашларини элга ёйди. Шунинг учун биз ҳақли равишда Чўлпонни XX асрнинг энг кучли публицист ва муҳаррирларидан бири деб биламиз.” [Йўлдошбекова, 2002: 2].

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Адабий қироат китоби” // “Туркистон” газетаси, 1924 йил 26 октябрь.
2. Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2002. – 135 б.
3. Карим Б. Абадият йўлига чиққан шоир // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2017 йил 6 январь, №2.
4. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2004. – 288 б.
5. Сулаймон А., Зоҳирий А. Адабиёт парчалари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926. – 224 б.
6. Чўлпон. “Чимкант хатлари” // “Фарғона” газетаси, 1924 йил 30 июнь.



## ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ ВА МАЛОМАТИЙЛИК МАСЛАГИ

Саидова Райхон \*

**Аннотация:** Аҳмад Яссавий туркий сўфиёна шеърятнинг асосчисидир. Унинг “Девони ҳикмат” номли тўпламида маломатийлик етакчи зоялардан бири ҳисобланади. Зеро, тариқатда муҳим саналган ишқ ва ирфон каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очишда ҳам маломат ҳолининг ўрни муҳим. Ёлгон сўзламаслик, ваъдага вафо қилиш сингари юксак фазилатлар ҳам маломат маслагининг асоси эканлиги ҳақида хулосалар билдирилди. Ҳикматларда тариқат таълимида кўп бор тилга олинадиган “Фақрлик менинг фахримдир”, “Ўлмасдан бурун ўлинг” каби қудсий ҳадислар изоҳи ҳам маломатийлик маслагининг мақсадлари асосида тушунтирилди.

**Таянч сўзлар:** маломат, сўфиёна, бадият, фақр, ориф, ошиқ, ирфон, ҳикмат, тариқат, тасаввуф, нафс, руҳ, қалб, тасфия, ваҳдат, фано.

Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий туркий сўфиёна шеърятнинг асосчиси эканлиги илмда маълумдир. “Девони ҳикмат” яссавия тариқати асосчисининг руҳий ҳол ва мақомларининг бадий талқини, халқда Холиқ муҳаббатини пайдо қилувчи ишқ ифодасидир. Барча тариқатларда бўлгани каби яссавияда ҳам маломатийлик маслагининг алоҳида ўрни бор. Шу боис ҳам “Девони ҳикмат”да маломатчи нафс талқинларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу хусусида яссавийшунос устоз И.Ҳаққулов: “Турк олими Аҳмад Яшар Ўчоқ Яссавийнинг илк устози Арслон бобнинг маломатий

---

\*ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти мустақил тадқиқотчиси

бўлганлигини ёзади. Агар бу фикр ҳақиқат бўлса, Яссавий ёшлигидаёқ маломатийлик сирларидан хабар топгани ва маломатийликка қизиқиш пайдо қилганлигига шубҳа қолмайди”[2,25], – дея таъкидлаган.

Тариқат йўлини босиб ўтмасдан нафсни тасфия этиш имконсизлиги тасаввуф ҳақидаги ирфоний-назарий асарларда асосланган. Мана шу ҳақиқатни гўзал ва таъсирли тарзда ифодалаш Шарқ мумтоз адабиётнинг бош мақсадига айланди. Натижада қийнаш, айбланиш, маломат қилиш билан нафсни билиш ҳамда Роббини таниш бош мавқега қўтарилди, десак муболаға эмас. Ҳатто яссавия тариқати вакиллари маънавий йўлчиликнинг боши – Маломат, дейишган эди:

*Ул бозор керак эрса бир иродат,  
Пирингдин тегар сенгахушкаронат,  
Ҳарошиқтортса керак минг маломат,  
Маломатсизушбуйўлга кирса бўлмас [1,73].*

Ҳаққа ошиқларга минг турли маломат ёғдирилган. Уларнинг замини эса икки хил: аввало, нафснинг ўзини-ўзи маломат этиши, айбу нуқсонларига иқроор бўлиб, ўзини озорлашидир. Иккинчиси, ботин соҳибларининг суврат аҳли томонидан маломат қилиниши. Маломат гўё тақдири азалда битилган синов ва жазо кабидир. Аллоҳ нафсни ё имтиҳон этиб маломат қилади. Ёхуд бирор хатою гуноҳи учун маломат орқали тарбиялайди. Маломат тан олинган, қайта-қайта мурожаат қилиниб изоҳланган энг баланд мақомлардан бири Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “*Ал фақри фаҳри*”, яъни “*Фақирлик менинг фаҳримдир*” ҳадиси шарифининг шарҳида ҳам келтирилади. Яссавий ҳам ишқ карвонида ўткинчи ҳою ҳавасларга қуллиқдан фориг бўлиб қолиш “*Ал фақри фаҳри*” маломати билан қўлга киритилишини уқтиради:

*Муҳаббатнинг бозорида савдо қилсам,  
“Фақруфаҳри” маломатинандатортсам,  
Иккиоламсавдосиниқўздинсолсам,  
Дийдоручунўлмас бурун ўлмайинму?*

Албатта, “Девони ҳикмат”даги маломатийлик маслагини фақат шахсий бир ҳис, тушунча маъносида изоҳлаш мумкин эмас. Унинг маломати бани башарни сергаклантирувчи, огоҳлантирувчи бир чорловдир. Зеро, ҳикматлардаги асосий мақсад-муддао ҳам инсониятнинг маънавий ислоҳига қаратилгандир. У одамларни ғафлат уйқусидан уйғотади. Нафсни маломат қилиш ҳаракати бошланади. Натижада ҳар бир қалбда зарра қадар бўлсин бедорлик бўлади. Маломатнинг ўткир тиғи ҳамиша нафсга қаратилганини унутмаслик лозим. Маломат ўз-ўзинга ҳисоб бериш, ҳар бир амалингни иймон, виждон тарозисида ўлчаш. Маломатчилар мусохаба, мувоқабат, мушоҳада каби улуғ мақомларга эришиб, Яратгандай айри тушмай, бу дунёга нима учун келганлари тўғрисида изчил фикр юритадилар. Маломат аҳли инсонни халойиққа термултириб, Холикдан йироқлаштирувчи нафс эканини чуқур билишган. Бироқ хотирда тутиш лозимки, маломат Ишқ ва ирфондан туғилмаса, у ё душманлик ё қаҳр-ғазабнинг маҳсули бўлиб, маломатга алоқаси бўлмайди. Маломатнинг ўқларига бардош бериш ва йўлда собит давом этиш учун ҳам ишқ завқи, маърифати зарур. Қуръони каримдаги бир неча оятлар (Иброҳим: 14/22, Исро:17/29, 39, Вас-Саффот: 37/42, Ваз-Зориёт: 57/40, Қалам: 68/30, Маориж: 70/30)да маломат зикр этилади. Бироқ мутасаввифлар асосан Моида ва Қиёмат оятларида марҳамат қилинган маломатчи нафс мазмун-моҳиятини ҳаётларига тадбиқ этишган. Тасаввуфий тафсирларда маломат ва муҳаббат орасида бир боғлиқлик борлиги айtilган. Албатта, султон ул орифин ҳам ҳикматларида маломатийлик ғояларини мана шу қарашдан келиб чиқиб, илгари суради. Бироқ барча ҳикматларни боғлаб турувчи бир ошиқлик занжири ҳам мавжуд. Шунинг учун кўнгилларда ишқнинг туғилиши Аллоҳнинг инояти, лутфу марҳамати сифатида қаралган:

*Ишқ бобини Мавлим очқоч, манго тегди,  
Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйнуш эгди,  
Борон сифат маломатнинг ўқи тегди,*

*Пайкон олиб, юрак-бағрим тешитим мано[1,25].*

Маломат ўқларининг ёмғир каби ёғилиб, юрак-бағирни тешиши қалбда муҳаббат уруғининг унаётганидан бир нишонадир. Аҳмад Яссавий ошиқликда маломатнинг ўрин ва мавқеини кўрсатиб берган эди. Каломуллоҳдаги “маломатчи нафс” ибораси тазкия ва тасфия этилаётган нафс маъносида келган. Мутасаввифлар наздида, нафс тарбияси “Ўлмасдан бурун ўлинг” кудсий ҳадиси орқали тушунилган ва амалга оширилган. Зеро, ўзининг айбларидан кўз юммай, халқ ва Холик қаршисида ҳар лаҳза ўлиб-тирилгувчи, шубҳасиз, маломатчи нафсдир. Ҳикматларда бунга такрор-такрор эътибор қаратилиб, маломатийлик орзуси мазкур ҳадис орқали изоҳлаб берилган:

*Ошиқ иши осонидур жон бермаклик,*

*Маломатни бошга олиб бош бермаклик,*

*“Муту қобла ан тамуту” хок бўлмоқлик,*

*Ошиқ қуллар ўлмас бурун ўлар эмиш[1,136].*

Маълумки, Ҳақ йўлчисининг Маҳбубига тухфаси қалби, закоти эса жонидир. Ишқ аҳли бундан ортиқ муносиб ҳадяни ўйлашмаган. Жон бермоқлик сирри “Муту қобла ан тамуту” ҳадисининг моҳиятини мушоҳада эта олиш билан англашилади.

Ҳикматларда “камситиши, таҳқирлаши, хўрлаши” каби маъноларни англагувчи *иҳонат* сўзи кўпинча маломат билан ёнма-ён қўлланади. Бу эса китобхон шуурида, маломат ҳолининг таъсирини кучайтиради.

Аҳли зоҳир ва аҳли ботин, суврат ва маъни соҳиблари, қол ва ҳол вакиллари орасидаги зиддият ва англашилмовчилик ханузгача барҳам топмаган. Демак, Яссавийнинг танқидлари огоҳлантирувчи мазмунга ҳам эгадир. Айрим ҳикматларда Яссавий маломат майлини ниҳоятда кучайтириб, ўзи ҳақида энг кескин фикрларни илгари суради:

*Ҳавоии нафсу жаҳлимдин Азозил доимо хуррам,*

*Йўлум эгри, ўзум гофил, юрушум ҳамма шайтонлиқ.*

*Қўлумда донаи тасбеҳ, кўнгилда дом ила тазвир,*

*Намозу рўзани ташлаб, тилимда тўда ёлгонлиқ.*

Демак, банданинг кофир нафс ва шайтони лаиндан кучлироқ душмани йўқ. Бири хою хавасга берилиб, хорлик, тубанликка юз туттирса, иблиси лаин эса хийлаю найрангбозликларни ўргатади. Натижада маънавий насиба унутилиб, вужуд талаблари асосий ўринга чиқади, ўзидан қоникмаслик ўрнини мамнунлик, рухий ҳаракатсизлик, рухий ҳаракатсизлик эгаллайди. Ваҳоланки, маломатмашраб киши учун руҳ ва кўнгилдаги ўзгариш, янгиланиш, ҳолдан ҳолга илдамлаш, ниҳоятда муҳимдир.

Маломатийлик тушунчаларининг ҳикматлардаги бадий талқинларида ҳар турли тимсол, рамз, истилоҳ билан бирга ифодаси ўзига хослиги алоҳида мавзу. Чунки ҳикматларда *маломат тоши, маломат ёмғири, маломат ўқи, маломат пайкони, маломат тиги* каби ўхшатишларга ҳам дуч келинади. Нафсда қутилмаган ҳаракат ва орзунинг дунёга келиши билан қалбда маломат ҳисси туғилади. Ва одамни янги бир фикр йўлига йўналтиради. Буни ички норозилик, айб ва нуқсонларга иқрорлик, фақирлик, хоксорлик кабилар қўллаб-қувватлайди. Маломат яхшилиқни ёмонликдан, юксакликни тубанликдан, меҳру муҳаббатни қаҳру ғазабдан, одамийликни ҳайвонийликдан, илмни жаҳолат ва нодонликдан ажратиш тажрибасидир. Навоий сўзлари билан айтганда “ўзни яхши кўрсатиш” ғаразидан жуда кўп салбий иддао, ўзаро англашилмовчилик, тортишув ва олишувлар пайдо бўлади. Маломатгўй нафс ҳакамлик қилганда инсон ботинидаёқ буларнинг бари тугайди. Маломатчининг биринчи душмани, айбловчиси, ҳақиқатгўйи, муросасиз ҳаками ўзи бўлганлиги учун уни ғавғокашлик, товламачилик, риё, ҳасад ва ғирромликда қоралаб бўлмайди. Ҳамма гап маломатдан ростлик, табиийлик, очиқлик, ҳаққоният кўзгуси сифатида фойдалана билишдадир. Инсон бир-бирови билан олишиб, уришиб, зафар қозонишини кўзлаганида ҳеч вақт тинчлик ва иттифоққа эришолмайди. У ўзининг нафсига қарши жанг эълон

килиб, хайвонийлик ва шайтонийликка нисбат берилган душманларини мағлуб этиш йўлини танласа, шундагина кўнгли меҳр, шафқат, ҳиммат, маърифат қўрғонига айланади. Маломатдан мақсад ҳам ранжни роҳатга, ноқисликни комилликка етказишдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул ва Нодирхон Ҳасан. Тошкент: “Наврўз”, 2018.
2. Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 2001.
3. Ҳаққул И. “Маломатийлик ва Навоий”. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2016, № 1.
4. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Истанбул: Сеҳа, 1995.

## УСМОН ҚЎЧҚОР ШЕЪРИЯТИДА ТАРИХ ВА ЗАМОН МУШТАРАКЛИГИ

**Норова Насиба\***

***Аннотация:** Инсоният ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатлар, аввало, тарих ва адабиёт орқали етиб келади. Адабиёт ҳамшиша тарихнинг бор ҳақиқатларини тасаввур қилишга, эҳтиросу кечинмаларини тўлақонли ҳис этишга кўмак берган. Шу маънода миллат тарихининг рангин тасвирида Усмон Қўчқор шеъриятининг ҳам ўзига хос ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. У тарих қайгуларини замон ҳасратлари билан, тарих шодликларини замон қувончлари билан уйғунлаштира олган истеъдодли ижодкорлардан. Мақолада шеъриятда тарих тасвири масаласи ва Усмон Қўчқор ижодида тарих мавзусининг ўрнидан баҳс юритилди.*

***Таянч сўзлар:** шеърият, услуб, бадийят, тарих, мозий, ифода, менталитет.*

Усмон Қўчқор шеърияти XX аср адабиётида алоҳида ўрин тутади. У Шарқ ва Ғарб анъаналарини муваффақият билан синтез қила оладиган, ижтимоий фикр-қарашларини ҳам шеърга сола олган, ўзига хос ифода тарзи ҳамда индивидуал услубига эга шоирдир. Усмон Қўчқор шеърларида ўзбек халқи ҳаётининг маълум бир даврини қайта яратишга интилди. Шоир миллатнинг шўро давридаги тарихий тақдири ва қисматини; миллий менталитетдаги ўзига хос жиҳатлар, жумладан, бағрикенглик, меҳнаткашлик, соддалик, самимийлик билан бир қаторда итоаткорлик, ўз ҳақини танимаслик, фикрий ялқовлик кабиларни; Истиқлолнинг дастлабки йилларида миллий онг ва тафаккурда рўй берган ўзгаришларни; тарих ва унинг

---

\* БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси таянч докторанти

сабоқларини лирик йўсинда, рубобой бир оҳанг ҳамда тилда ифода этди.

“Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир” – деган эди машхур ёзувчи Абдулла Қодирий. Дарҳақиқат, ҳар қандай миллий адабиётда тарихнинг бадий талқини масаласи катта аҳамият касб этади. Усмон Қўчқор лирикасида ҳам ўзбек халқининг қадимги Массaget, Эфталий, Кушон, temuрийлар, бобурийлар, хонликлар, Чор Россияси давридаги тарихи ҳаққоний чизгиларда маҳорат билан бадий талқин этилган. Ижтимоий аҳамият касб этадиган бу шеърлар ўтмиш, бугун ва келажакни боғловчи маънавий бир кўприқдир. Тарбиявий аҳамиятга бўлган буюк аждодлар тарихи ҳамиша сабоқ ва ибрат мақомига эга. Тарих киши онгида илм-фан, маърифат, зулм ва қабоҳат каби тушунчалар билан бирга Тўмарис, Широқ, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Файзулло Хўжаев, Садриддин Айний каби улуғларнинг муборак руҳини гавдалантиради. Усмон Қўчқор шеърларида ҳам ана шу буюклар сиймоси қалбга ғурур ва сурур, баъзан афсус ва ўкинч, ифтихор ва хўрлик каби туйғу-кечинмаларни бахш этади. Масалан,

*Тарих – оғир қарвон,*

*Тинмай йўл босар,*

*...Шаҳар ухлаб ётар тонга қадар то,*

*Ороми бузилмас ҳеч битта жоннинг.*

*Қўнғироқ саси ҳам тинмайди аммо,*

*Қутишга вақти йўқ қарвоннинг [Қўчқоров, 1:9].*

Қўнғилнинг олис қаъридан қалб ва вужудни жунбушга келтирувчи шундай шеърни ёзишнинг ўзи бир жасорат. Яъниким, ўтаётган ҳар бир кунимиз тарих. Ҳаёт давом этаверади, қарвон тўхтамайди.

Усмон Қўчқор шеърий тўпламларидан ўрин олган асосий мавзулардан бири ҳам бу – тарих. Ҳар бир шеърий тўпламида бевосита шонли тарихимиз шоирнинг диққатидан четда



қолмаган. Буни “Ақссиз садолар” тўпламида берилган, “Усмон ўз шеърларида тарихдан мисоллар ахтаради” тавсифидан ҳам билишимиз мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида мазкур тўпламдан ўрин олган Садриддин Айний хотирасига бағишланган “Бухоро триптихи” шеърини таҳлил қилиб кўрайлик. Бу шеър уч қисмдан иборат бўлиб, Бухоронинг тарихий топонимлари, тарихий антрапонимлари, тарихий воқеалар тасвирланган. Бу шеърда халқ мақоллари ва маталларидан унумли фойдаланилган. Халқнинг аччиқ қисмати, яъни табиат фожиалари ва инсон ҳолатини аниқ ҳамда жонли гавдалантиришда юракка таниш халқона оҳангни танлайди:

*Вардонзени босди қум,*

*Истамезни босди қум.*

*Ўт балоси эмас бу,*

*Сув балоси эмас бу.*

*Бир балодир-қасди қум*

*Қочҳо-қоч, қочҳо-қоч [Кўчқоров, 2:4].*

Адабиётшунос И.Ҳаққулов: “Бухоро тарихини сиртдан эмас, ичкаридан билмоқчи бўлсангиз, тошлар, деворлар, меъморий обидалардан аввал ҳақгўй Дониш, донишманд Айнийга ўхшаб қум ва тупроқдан-да тарих тинглаш лозим” [Ҳаққул, 5: 138], – деб ёзади. Чиндан ҳам, Бухоро – ҳар бир тошида минг йиллик сир-асрор яширинган, қадим юрт. Ушбу шеърда Вардонхудодлар салтанатининг пойтахти бўлган Вардонзе (Шопурком) ақл бовар этмас фожиаларни бошидан ўтказганлиги қаламга олинади. Вардонзе, Истамзен каби қум остида қолган, ҳозирги кунда тепалик сифатида ўтмишдан сўзлаб турадиган Шофиркон худудидаги топонимларни келтириш билан бир қаторда Шофирконга асос солган ҳуқумдор ўғли Шопурнинг ҳам номини тилга олади ва талмеҳ санъатини кўллайди. Инверсия шеърнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Халқимизда шундай нақл бор: “Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан асра”. Бевосита биринчи қисмда халқ бошига тушган мусибатлар қум кўчкиси оқибатида

юзага келганлиги шеърый мисолларда акс эттирган. Шоир маҳорат билан бадий топилмалар топа олганки, қочҳо-қоч, қочҳо-қоч такрори ҳам таъсирни яна кучайтирган. “Йўғон борки – чўзилади, ингичка узилади”, “Тишни тишга босар ким”, “Кўкка кўлин чўзар ким” каби мақол ва ибораларни шеърый мисраларда жойлаштиргани шеърнинг бадий қимматини оширган. Биринчи қисмнинг хулосаси ҳам уй-жойсиз сарсон-саргардон бўлган халқнинг матонатини очиб бериб, ўзлигини намоён эта олганлигини акс эттирган.

*Муножотнинг фарёди*

*Тангрисига етмади,*

*Бироқ ташлаб бу юртни*

*Ҳамма қочиб кетмади... [Қўчқоров, 2:5].*

Халқнинг нақадар сабр-бардошли эканлигини охирги, синовларда тобланганлиги “Ҳамма қочиб кетмади...” жумласида ёрқин очиб беради. Иккинчи қисм бевосита энди қумлар босиб, қақраган заминга халқнинг сув олиб келиш чораларини излагани, ҳаётий мисолларда талқин қилинади. Энди “Қочҳо-қоч, қочҳо-қоч” мисралари ўрнига “Келҳо-кел, келҳо-кел” мисрасидан фойдаланиб, халқнинг юрагига кириб боришда ижодкор янгича халқона тилни топа олган.

*Бағри қумларга тўлган*

*Кўҳна рўдни етаклаб –*

*Халқ кўзгалди тагин сув*

*Келтирмоқа етаклаб.*

*Қолиб кетма ковакда,*

*Келҳо-кел, келҳо-кел! ... [Қўчқоров, 2:5].*

Юрт одамларининг матонати, жаҳд билан кетмон, белкурак ушлаб йўлга чиққан, беписанд қумни мағлуб этиб, орзусини амалга оширган халқнинг тилида фольклор анъаналарига ҳамоҳанг “Бўлҳо-бўл”, “Ҳорма”, “Бор бўл” тарзида янграйди. “Зарафшонга чиқди эл. Катта байрам зўр сайл Икки рўдга сув чиқди... Очҳо-оч, очҳо-оч!” Учинчи қисмда

Чор Россиясининг Бухоро амирлигини мустамлака қилишга қаратилган сиёсати қаламга олинади.

*Тортиб кетсанг от қўшиб,*

*Файтон эмас-ку Ватан. ...[Кўчқоров, 2:7].*

1920-йил Қизил армиянинг Бухорога бостириб кириши, Амир Олимхоннинг амирликни ташлаб қочиб кетиши, халқни “Мен мусулмонман” деган қотиллар, нифоқ уруғини сочувчи мунофиқлар қўл остида қолиши, шундай низолар урчиган бир пайтда халқнинг асл фарзандлари бу менинг Ватаним деб кўкрагига кириб чиқиши тасвири акс эттирилади. Шоир Ватан бу – шон, Ватан бу – номус, Ватан бу – эрк, Ватан бу – Кураш деган ғояни шеърини сатрларга сингдиради.

*Инқилоб урҳоси-ю*

*Файзулланинг наърасин*

*Эшитгач, битар бўлди*

*Халқнинг қадим ярасин...[Кўчқоров, 2:7].*

Ижодкор сўзнинг бадий қувватини оширувчи метафоралардан ҳам унумли фойдалана олганки, буни “инқилобнинг урҳосига малҳам Файзулланинг наъраси бўлди” сатрлари яққол кўрсатиб турибди. Усмон Кўчқор ижодининг ўзига хослиги шунда кўринадики, у ҳар бир шеърда такрорланмас хулосалар топа олган.

*Кум келарди бир маҳал*

*Йўқ кулбанга бостириб,*

*Бугун борар чеваранг*

*Қизилқумга от суриб. ...[Кўчқоров, 2:7].*

Биринчи қисмда кум кўчкиси остида қолган халқнинг матонати ифодаланган бўлса, 3-қисмда бугуннинг истиқлолнинг фарзандлари, Мустақилликнинг болалари, кумларнинг устига кўркмай от суриши тасвирланади.

Шеърларнинг барчасида тўғридан-тўғри, кўчимлар воситасида тарих масаласига мурожаат этилади: “Бобомнинг ўғити”, “Бухоро триптихи”, “Самарқанд афсонаси”, “Муин бисус”, “Инқилобчилар қўшиғи”, “Бухоронинг аксиз садолари”,

“Тарих”, “Тарих – оғир карвон”, “Абдулла Қодирий”, “Улуғбекнинг туши”, “Шоҳ ва фуқаро”, “Ички душман” каби. Усмон Қўчқор лирикасида тарих – коммуникатив, маълумот характерига эга эмас. Шоир учун тарих – шунчаки тимсол, рамз. Уни бугун ва келажак қизиқтиради. Зеро, тарих – аллақачон ўтиб бўлинган йўл, уни ўзгартириб бўлмайди. Аммо у ҳамаша ўзига хос дарс, сабоқ ва ибратдир. Усмон Қўчқор тарих бугунга ва келажакка хизмат қилмоғи лозим, деб ҳисоблайди.

*Бизни асрамоққа ботинмас ҳеч ким,*

*Биз ҳам асролмадик ўзларимизни.*

*Бизни маҳв этолмас ҳеч қандай кўчкин,*

*Қорлар кўмолмагай изларимизни... [Қўчқоров, 2:16]..*

Тарихдан маълумки, Туркистон ва туркий халқлар бутун тарихи давомида эркинлик, зулм, истибод, разолат, адолатсизлик қурбони бўлиб келади. Усмон Қўчқор ижтимоий лирикасининг энг сара намуналаридан бири ҳам "Абдулла Қодирий" шеърдир. Бу шеърда асрлар давомида туркий халқлар тараққиётига кишан бўлиб келган иллатлар: тарқоқлик, бирлаша олмаслик ва бошбошдоқлик миллатнинг фожиаси ўлароқ идрок этилган. Шеър лахта-лахта қонга айланган шоир юрагининг аччиқ фарёди тарзида намоён бўлади.

*Мен мозийни мақтасам агар,*

*Ноаёнлар бўлади аён*

*Ҳой, Абдулла руҳингга қасам,*

*Чиқаверар меҳробдан чаён.*

Шоир тарихимизнинг энг қора, энг чиркин кунларини маҳорат билан қаламга олган Қодирий шахсиятига, у яшаган ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт воқеаларига муносабат билдиради. Шоир Муҳаммад Юсуф ҳам “Юргим адо бўлмас армонларинг бор” шеърда “*Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор*” мисраларини ёзган эди. Иккала ижодкорда ҳам айтмоқчи бўлган фикр, гоё биринчидан, Абдулла Қодирий қаламига мансуб асарнинг номини ифодалаган бўлса, иккинчидан, асосий

планда тарихдан бизга аён бўлган ва бўлмаган ҳақиқатларни ошкор этиш кўзда тутилади. Азиятга, азобга тўла эътиқодини йўқотган дунёдан бир лаҳзалик ҳақиқат излаган адиб образи ёркин тасвирланади. Меҳробдан чаёнларнинг чиқиши эса рамзий маънода орамиздаги сотқин, манфур, рижкорлар кимсаларнинг қабихликларига ишора. Кейинги мисраларда “*Ҳар мустабид ҳар бир қотилга, Дарвозалар ланг-ланг очилар, Қирқ кун эмас роса юз йилга, Чилла тутган Юсуф ҳожилар*”. Чор Россияси қарийб 70 йил Ўрта Осиёни мустабид тузум ҳукмига бўйсундирди. Гўё келажакка умид кўзи билан боқишга чора йўқдек. Шоир талмеҳ санъатини қўллаб, Юсуф ҳожилар ҳам балки, ёруғ кунлар орзусида 100 йиллар чилла тутишга тайёрлигини таъкидлаб, шеърнинг бадийлигини кучайтирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ҳаётини илмий ёки бадий жихатдан қаламга олиш Шарқнинг салкам уч минг йиллик тарихидан хабардор бўлишни тақозо этади. Усмон Қўчқор шонли тарихимизни қаламга олган шеърларида нафақат шоир, балки тарихнинг зукко билимдони ва таҳлилчиси сифатида ҳам кўринади. Ҳиндларнинг буюк шоири Тҳокур: “Ёлғон истеъдоднинг кушандаси. Ёлғон ёзган шоирнинг руҳи ўлади”, – деб фикр билдиради. Ваҳоланки, тарихни ёлғондакам ёзиб бўлмайди. Тарих алдашларини, алданишни истамайди. “Маобитдаги Муса мактуби” шеъри фикримизни исботлайди. Ушбу шеър истеъдодли татар шоири Муса Мустафо ўғли Жалилов хотирасига бағишланган. Мактуб тарзида ёзилган бўлсада, гўёки шеър Муса Жалилнинг тилидан айтилаётгандек. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт газеталарида ҳарбий муҳбир бўлади, 1942-йилнинг ёзида Волхов дарёси бўйида бўлган жангда оғир яраланади ва асир тушиб қолади. Қуйидаги сатрларда, “*Тириклик маъноси – тирикчиликмас:Инсонга юзма юз келаркан ажсал*” тақдир битикларига, қисмат ўйинларига шоирона назар ташлайди. “У фашистларнинг турли камоқхоналарида, даҳшатли қийноқларга солинган, маҳбуслар

орасида душманга нафрат тўла шеърлари билан танилган шоир Берлиндаги Маобит турмасининг бир кишилик зах ва қоронғу хонасига ташланади” ...[Энциклопедия, 4:142].

*Мен ўша имконман самандар қўшиқ,*

*Ўлим мазмунидан топдим янгилик.*

*Кесилган умримга завол эмас шиқ,*

*Кесилган умримда муҳри янгилик* [Қўчқоров, 2:16].

Ҳар қандай мустамлакачи давлат ҳарбий босқинчилик йўли билан босиб олган ҳудудини ўз манфаатларини устувор қўяди. Шоир яқин тарихимизнинг энг оғриқли нуқталарига тўхталар экан, бир ўринда ўткир киноя остида 1980-йиллардаёқ советлар давлатининг вайронкор ва пуч ғояларини байроқ қилган ҳукумат эканлигини сезган ва дадил айта билган.

Умуман, тарих, унинг қонли ўtimiши Усмон Қўчқор шеърятининг ўзак мавзуларидан биридир. Шоир бу мавзунини гоҳ очик, гоҳ мажозан бадиий талқин қилар экан, унинг лирик қаҳрамони чинакам ватанпарвар шахс сифатида намоён бўлади. Тарих мавзуси Усмон Қўчқорнинг нафақат шеърларида, балки, дostonлари, эртақ дostonлари, таржималарида ҳам етакчилик қилади. Унинг “Қувғин” (дастлабки номланиши “Қувғинди”), “Широқ”, “Турон Ботир”, “Чамангул” дostonларидан ўқиб тарих билан сўзлашасиз, жасур-мард боболаримизнинг амалларидан ибрат ҳиссини туясиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қўчқоров У. Оғир қарвон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
2. Қўчқоров У. Акссиз садолар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. Қўчқоров У. Ҳаяжонга кўмилган дунё. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1982.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.6-жилд. –Т.:2003.

5. Ҳаққулов И. Бедор юрак иқболи. Филологиянинг долзарб масалалари. Тошкент: - “Турон-иқбол” нашриёти 2021.

6. Кўчқоров У. Аксиз садолар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. –Т.:2003.

## ТАРЖИМАДА ИЗОҲЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Намозова Гулжаҳон\*

***Аннотация.** Мақолада муаллиф ва таржимон изоҳлари, хусусан, Ойбекнинг “Навоий” романининг мутаржимлар Ванг Женг Жонг ва Хао Гуанг Жонг томонидан чоп этилган хитой тилидаги таржималарида изоҳларнинг берилиши ҳақида сўз юритилади.*

***Таянч сўзлар:** таржима, изоҳ, маданият, матношти изоҳлар, тарихий колорит, миллий колорит.*

Ҳар бир таржима матнида ўзга тил ва маданият вакилига тушунарли бўлмаган сўз ва тушунчалар мавжуд. Таржимон эскартишлари таржима жараёнининг ажралмас қисмидир ва камдан кам ҳолларда батафсил ва холис таҳлилга тортилади. Одатда матн остида турли эскартишларнинг берилиши таржимоннинг “ўз кучсизлигини тан олиш”и деб қаралади. Ҳақиқатан шундайми? Бу саволга жавоб топиш учун таржима шарҳлари муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқиш зарур. Таржима жараёнида нима учун изоҳларга эҳтиёж туғилади? Бойси, бу вақтда турли тиллардаги матнларгина эмас, балки маданиятлар, урф-одатлар ўзаро мулоқотга киришади. Таржима эса ана шу тўқнашувлар кесимида пайдо бўлади. “Interpréter pour traduire” (“Интерпретировать, чтобы переводить») китобининг муаллифлари М. Lederer va D. Seleskovichнинг таъкидлашича, асарда билдирилаётган фикр ва ғояларнинг моддий шакли тавсифга қараганда кўпроқ кўрсатма ва ишоралар сифатида хизмат қилади. Таржимон ёзувчи етказмоқчи, аммо ўзи таржима қилаётган тил вакиллари учун

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти



номаълум бўлган маълумотларни ўзи билган маълумотлар ила тўлдиради. [ M. Lederer, D. Seleskovich., 2003:1]

Эслатмалар таржимани тўлдиришда ёрдам беради, ўқувчига тушунарсиз жиҳатларга ойдinлик киритади. Таржимон изоҳларида таржимашуносликнинг бир қатор назарий масалалари – таржимоннинг асл матнга содиқлиги, аслият руҳининг сақланиши муаммолари ҳам кўринади. Лингвомаданиятнинг бир-бирига номутаносиблиги таржимани йўқотишларсиз амалга ошириш имкониятини йўққа чиқаради. Ва бу ўринда изоҳлар таржимонга ёрдамга келади.

Муаллиф изоҳларини таржимон икки усулда ўқувчига етказди:

1. Матности изоҳлар – сўзма-сўз ва аниқ бажарилган асосий матн изоҳи;

2. Матндан ташқари изоҳлар. Кенгроқ маълумот бериш учун қўлланилади.

Сўзма-сўз ва аниқ бажарилган асосий матн изоҳларида таржимон аслият руҳини сақлашга ҳаракат қилади. Матндан ташқари изоҳларда эса таржимон аслият ва ўзга тил вакили ўртасида воситачигина бўлиб қолмай, ўз имкониятларидан кенгроқ фойдаланади, ўрганганлари доирасида ўқувчига кўпроқ маълумот беради. Бундан ташқари изоҳлар уларнинг жойлашуви (саҳифа ёки жилднинг охирида) ва муаллифлик (таржимон, муҳаррир ва танқидчи)ни ҳисобга олганда ташқи матннинг муаллиф матнига нисбатан муносабатини ифодалайди. Таржимашунослар С.Влахов ва С.Флориннинг “Непереводимое в переводе” китобида таржимон изоҳлари ҳақида шундай дейилган: “Наличие затекстового комментария отрывает читателя от повествования, заставляя отвлекаться, искать значение незнакомого слова и выходить из прямого с ним взаимодействия”. [ Влахов С. и Флорин С, 1980:2]

К. Ландерс эса ўзининг бадий таржимага бағишланган амалий қўлланмасида “Изоҳлар ёзувчининг ўқувчида асардан таъсирланиш, қаҳрамонлар ҳаёти билан яшаш ҳиссини

уйғотишга уринишларини, яъни «миметик» эффектни йўққа чиқаради», деб ёзади. Л. К. Латышев ва А. Л. Семенов изоҳлар ҳақида “таржиманинг мақсади бир тилли тасвирда икки тилли мулоқотни максимал даражада таъминлашдир”, деган фикрни илгари сурадилар. Фикрининг мантикий давоми сифатида олимлар шуни таъкидлайдики, таржимоннинг ҳар қандай аниқ аралашуви таржиманинг ижтимоий мақсадига зид келиши мумкин [Латышев Л. К., Семенов А. Л., 2003:3]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда таржимон матнда “кўринмаслиги” ва ўзини ошкор қилмаслиги керак. Бошқа тиллардан ўзбек тилига ўгирилган кўпгина асарларда ушбу таъсир сезилади – Шекспир, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Шиллер, Толстой асарларини гўё таржимада эмас, аслиятда ўқигандай ҳис уйғонади. Ҳеч бир деталь таржимонларнинг ўткир нигоҳидан қочиб кутулолмаган десак, муболаға бўлмас. Бу ҳақда Ойбек “Евгений Онегин” шеърий романи таржимасига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида шундай дейди: “Романда турли воқеалар тасвирланади, турли-туман қаҳрамонлар учрайди, шароит тасвирлари, манзаралар берилади. “Евгений Онегин”нинг ҳаммасини ўқиб чиқиб, янгидан шеърий романи яратиш тўғри бўлмайди. Чунки асардаги ҳар бир деталь маълум бир маънога эгадир. Ҳар бир деталь, ҳар бир чизик даврнинг кенг ва ҳар томонлама образини яратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам биронта чизикни, биронта детални тушириб қолдириш ёки уларни бошқача бериш таржимада ўша давр образини ҳаққоний ифодалашга путур етказилади”. [Ойбек, 1981:4] Масалан, романдаги фагот, флейта деган сўзларни карнай деб таржима қилиб бўлмайди, дейди Ойбек. Бошқа бир эпизодда Ленский клавибордда ўйнаса, бошқа бир қаҳрамонлар мазурка, вальс каби рақсларга тушади. Таржимон ушбу куйларни ҳам миллий куйларимиз сегоҳ, чоргоҳга, ёки бўлмаса, бошқа бир тушунчаларга алмаштиришнинг имконсизлиги ҳақида ёзади. Шу боис таржимон асарнинг оригинал руҳини сақлаб қолиш ниятида эркин таржима эмас, адекват таржима усулидан фойдаланади.

Ҳар бир сўзга изоҳ беради. Ушбу таржима методи мутаржимга “Пушкин романининг руҳи ва маъносини бузмаслик” имконини беради. Ойбек ушбу шеъринг романга 218 та изоҳ беради. Таржимон асарни ўз тилига ўғирар экан, бу ишга юзаки карамайди, уни шунчаки ўгириб қўймайди. Ёзувчи таржима қилиш асносида аслиятдаги ҳар бир сўз, атама, қадимий жой номларини тўлиқ ўрганиб чиққан.

Адиб ўзининг “Навоий” романида ҳам қўшимча равишда 278 сўзга изоҳ бериб кетган. Асарнинг хитой тилидаги иккала таржимасида изоҳлар берилган. Таржимон Ванг Женг Жонг 138 та, Хао Гуанг Жонг эса асарда 32 та изоҳ қолдирган.

“Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршод мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар...” [Ойбек, 1995:5] деб бошланади “Навоий” романи. Романнинг хитой тилидаги Ванг Женг Жонг таржимасида “春天的太阳在深邃的蓝宝石苍穹中，在赫拉特城“古海尔夏德”经学院...” [阿依别克·纳沃依. 2005年:6] (Chūntiān de tàiyáng zài shēn suì de lán bǎoshí cāngqióng zhōng, zài hè lā tè chéng “gǔ hǎi'ěr xià de” jīng xuéyuàn...)”, деб таржима қилинган. “古海尔夏德” (“gǔ hǎi'ěr xià de”) сўзига саҳифа остида изоҳ берилган. ①“古海尔夏德”意思是“至宝快乐”。下文中有时也称“古海尔夏德别根”经学院。一译者 (“Gǔ hǎi'ěr xià dé” yìsì shì “zhìbǎo kuàilè”. Xià wénzhōng yǒushí yě chēng “gǔ hǎi'ěr xià dé bié gēn” jīng xuéyuàn. Yī yì zhě) – “Гавҳаршод”нинг маъноси “бахт, хуррамлик хазинаси”. Кейинги сатрларда “Гавҳаршодбегим” деб юритилади. – Таржимон. Изоҳдан кўринадики, таржимон Гавҳаршод сўзининг маъносини келтирган. Гавҳар сўзини “хазина” деб таржима қилган. Аслида бу форсча сўз бўлиб گوهر شاد — Gowhar šād – “Бахтли марварид” ёки “Ёрқин марварид” [https://ru.wikipedia.org:7] маъносида қўлланади.

Ушбу изоҳ романнинг асл вариантыда ҳам, М.Салье таржима қилган рус тилидаги вариантыда ҳам йўқ. Бу изоҳни таржимон изоҳи сифатида Ванг Женг Жонг матндан ташқари

киритган. Бизнингча, таржимон Гавҳаршодбегим мадрасаси Темурий маликалардан бири Гавҳаршодбегим (1379—1457) (Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохруҳ Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбекнинг онаси) шарафига қурилгани ва Гавҳаршодбегимнинг кимлиги ҳақида маълумот бериб кетса, таржимада тарихий давр руҳини сақлашга эришилган бўлар эди. Иккинчи таржимон Хао Гуанг Жонг қилган таржимада ҳам бу изоҳ берилмаган.

Асарнинг ўзбек тилидаги вариантыда “Улар япалоқ гишт ётқизилган йўлкаларга бўйралар солиб дарс тайёрлашади. Уларнинг қай бири “Кофия”да, қай бири “Ҳошия”да, қай бири “Шамсия”да. Мана бунда бири китобни тиззасига қўйиб катта саллалли бошини узлуксиз чайқаб, кўзларини чирт юмган ҳолда ғўнғиллаб “Арабиёт”ни ёдлайди” [Ойбек, 1995:5] жумлалари бор. Ёзувчи Ойбек саҳифа охирида ҳар бир номаълум сўзларга таъриф бериб, “Кофия”, “Ҳошия”, “Шамсия” каби сўзларга – мадрасаларда ўқитиладиган дарслик китоблар, “Арабиёт” сўзига эса – араб тили қоидалари, деган изоҳни ёзади. Ванг Женг Жонг таржимасида:

有的学生在做《卡非亚》课，有的在做《哈什亚》课，还有的在做《显西亚》课。其中有个学生，把书摆在双膝上面，不停地摇晃顶着大缠中的脑袋，双目紧闭，嘴嘴明吸地背诵《阿拉比亚特》。(Yǒu de xuéshēng shēng zài zuò “kǎ fēi yà” kè, yǒu de zài zuò “hà shì yà” kè, hái yǒu de zài zuò “xiǎn xīyǎ” kè. Qízhōng yǒu gè xuéshēng, bǎ shū bǎi zài shuāng xī shàngmiàn, bù tíng de yáohuàng dǐngzhe dà chán zhōng de nǎodai, shuāng mù jǐn bì, zuǐ zuǐ míng xī de bèisòng “ālá bǐ yǎ tè”). Таржимон сўзларга қуйидагича изоҳ қолдирган :

1. 《卡非亚》是讲述阿拉伯文字古体书法的书;《哈什亚》是经学院学生使用的阿拉伯词汇语法手册; 2.

《显西亚》讲述阿拉伯字母中的太阳字母的拼写规则等。一译者。《阿拉比亚特》，阿拉伯语言及行为规范，阿拉伯学一译

者 (“Kǎ fēi yà” shì jiǎngshù ālābó wénzì gǔtǐ shūfǎ de shū; “hà shì yà” shì jīng xuéyuàn xuéshēng shǐyòng de ālābó cíhuì yǔfǎ shǒucè; “xiǎn xīyǎ” jiǎngshù ālābó zìmǔ zhōng de tàiyáng zìmǔ de pīnxiě guīzé dèng. Yī yì zhě. “ālā bǐ yǎ tè”, ālābó yǔyán jí xíngwéi guīfàn, ālābó xué. Yī yì zhě)

Изоҳ ўзбек тилига ўтирилганда:

**"Kafiya"** – қадимги араб хаттотлиги ҳақидаги китоб;

**"Hashiya"** – ўқувчилар томонидан қўлланиладиган арабча луғат ва грамматикага оид қўлланма;

**"Sianxi"** – араб алифбосидаги куёш ҳарфлари имло қоидаларини баён қилади. Таржимон.

**"Arabiya"** – араб тили ва одоб-ахлоқ қоидалари, арабшунослик. Таржимон.

Бу изоҳларда таржимон “Қофия”, “Ҳошия”, “Шамсия”, “Арабиёт” каби сўзларга кенгроқ изоҳ ёзган. Аммо таржимон изоҳларни тўла ўрганмаган. Ва изоҳларга нотўғри маълумотларни киритган. Аслида:

**«Қофия»**. Сўзма-сўз таржимаси «кифоя қилувчилар». Бу китоб қисқа наҳв (синтаксис)дан иборат бўлиб, муаллифи Абу Амир Усмон ибн Умардир (вафоти милодий 1249 йил). У Иснода туғилган, Дамашқда таълим олган. Асосан, Мисрда яшаган луғатнавис олимдир. [Фитрат А. 2000 й:8]

**«Ҳошия»**. Бирон бир китобга ёзиладиган қўшимча, шарҳ ва изоҳлар. Яъни Қуръондаги айрим тушунилиши қийин бўлган жумла ёхуд сўзни шарҳлаб, китоб ҳошиясига ёзиш ва шу юзасидан мунозара олиб боришдан иборат бўлган. Абдурауф Фитрат “Ҳошия – шарҳнинг шарҳи”, [Фитрат А. 2000 й:9] деб таъриф берган.

**«Шамсия»** — мадрасаларда асосий ўқув қўлланмаси ҳисобланган араб тилидаги мантиқ китоби. [Фитрат А. 2000 й:10]

Ушбу изоҳлардан кўринадики, таржимон Ванг Женг Жонг сўзларга нотўғри изоҳ берган. Таржимон Хао Гуанг Жонг эса бу сўзларга умуман изоҳ бермай қўяқолган. Романнинг уйғур

тилидаги таржимасида ҳам юқоридаги сўзларга изоҳ ҳам, муаллиф берган изоҳлар ҳам берилмаган. Фикримизча, Хао Гуанг Жонг романнинг уйғур тилидаги ўгирмасидан таржима қилгани боис, сўзлар изоҳига тўхталмаган. Лекин уйғур қардошларимиз учун бу сўзларнинг маъноси таниш, шу боис улар таржимада бу сўзларга изоҳ қолдирмаган бўлиши керак.

“Навой” романининг ҳар иккала хитойча таржималарида ҳам асосан маданий изоҳларга кўпроқ ўрин берилган. Таржимонлар маълум ўринларда муаллиф берган изоҳларни кенгроқ, тўлиқроқ шаклда беришга ҳаракат қилишган. Агар ўқувчи учун баъзи ноқулайликларини (асарни ўқиётган пайтда бегона сўз изоҳини ўқиш пайтида чалғиш) ҳисобга олмаганда, изоҳлар инкор этиб бўлмас қийматга эгадир. Биринчидан, эслатмалар ўзга маданият элементларини матнда сақлаб қолиш имконини беради. Иккинчидан, ўқувчи учун қўшимча маълумотлар ва билим берадиган изоҳлар (ўқувчи ҳар доим изоҳни ўқиш ёки ўқимаслик танловига эга) ўқувчи ва асар ўртасидаги “яқинлик эффекти”ни бузмайди. Аксинча таржимон ўқувчини асар оламига олиб киради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. M. Lederer, D. Seleskovich. *Interpréter pour traduire*. Paris, 2003. – P. 23, 38.
2. С.Влахов и С.Флорин *Непереводимое в переводе*. М.: *Международные отношения*, 1980. с-85
3. Л. К. Латышев, А. Л. Семенов. *Перевод: теория, практика и методика преподавания*. М.: *Academia*, 2003. с-8, 133.
4. Ойбек. *Мукамал асарлар тўплами*. 19 жилдлик. 18-жилд. Тошкент.: “Фан” нашриёти, 1981 й. 14-б.
5. Ойбек. *Навой*. –Тошкент.: “Шарк” нашриёти, 1995 й. 5-б.
6. 阿依别克. 纳沃依. 新疆人民出版社, 2005 年, 1页 (Ā yī biékè. Nà wò yī. Xīnjiāng rénmin chūbǎn shè, 2005 nián)

7. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Гауҳаршад\\_бегим](https://ru.wikipedia.org/wiki/Гауҳаршад_бегим)
8. Фитрат А. Танланган асарлар. 1 жилд. Тошкент.: “Маънавият”, 2000 й. 238-б.
9. Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси// Танланган асарлар. 1 жилд. Тошкент.: “Маънавият”, 2000 й. 57-б.
10. Фитрат А. Қиёмат: изохлар Ҳ.Болтабоевники//Танланган асарлар. 1 жилд. Тошкент.: “Маънавият”, 2000 й. 169-б.251-б.

## **JALOLIDDIN MANGUBERDI OBRAZINING ISTIQLOL DAVRI ADABIYOTIDAGI TALQINLARI**

**Kenjayev Farhod\***

***Annotatsiya:** Maqola Jaloliddin Manguberdi obrazining mustamlakachilar tomonidan qoralashga urinishlari, shuningdek, Manguberdi obrazining istiqlol davrida qayta jonlanishi, tarixiy romanlarga asosiy manba bo‘lib borayotganligi va Jaloliddinning o‘z zamondoshlari tomonidan qahramon sifatida ta’riflanishi. Bundan tashqari chet el yozuvchilari, olimlari tomonidan Manguberdi obrazining adabiyotda tasvirlanishi haqida boradi.*

***Tayanch so‘zlar:** Jaloliddin Manguberdi, istiqlol, obraz, davr, tasvir, talqin, tahlil, siymo, jasorat.*

Insoniyat tarixida kelajak zamonlariga ta’sir o‘tkaza oladigan shunday shaxslar borki, ularning qahramonliklari din, vatan, el-yurt, kelajak avlod oldidagi xizmatlari abadiyatga ta’luqli. Yagona Alloh va uning muqaddas kitobi Qur’oni Karimga ergashgan Islom dini ta’sirida Markaziy Osiyo xalqlarini birlashtira olgan imperyalar tarixda sanoqli. Tarix bu davrlardagi qahramonlarni haqiqat sifatida ochib berishga harakat qilsa, adabiyot shu davr va xalq qahramonlarini kelajak va abadiyatga o‘zining o‘tkir qalamlari ila muhrlaydi. Mana shunday qahramonlarimizdan biri Sulton Jaloliddin Manguberdi bo‘lib, u tiriklik davridayoq musulmon va ajnabiy xalqlar ichida o‘zi haqida dostonlar va rivoyatlar to‘qilishiga sababchi bo‘lgan. Tarix tarixiy voqealarni, mana shunday qahramonlarni ilmiy tahlil qilganidek adabiyot har qanday tahlildan qat’iy nazar xalq qahramonlarini jonlantira oladi, har qanday fandan ta’sirliroq va ustun bo‘lgan holda ularni tanita oladi. Shuning uchun adabiyot ko‘ngil ishiga aylanib ulgurgan, zeroki ko‘ngil Ilohiydir.

---

\* Nukus davlat pedagogika instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlarni masofadan o‘qitish kafedrası o‘qituvchisi E-mail: [777farhodkenja777@gmail.com](mailto:777farhodkenja777@gmail.com)



Yangi davr o‘zbek adabiyotida ilk bor Jaloliddin Manguberdi obrazi Maqsud Shayxzoda dramasi orqali adabiyot va xalq orasida jonlangan. Bunga asosiy sabab 1944-yilda urush holatidagi xalqning va askarlarning kayfiyati, ruhiyatini ko‘tarish uchun edi. Lekin shu o‘rinda bir narsani hisobga olishimiz kerakki, Jaloliddin Manguberdi ungacha o‘rganilmagan yoki tarix va adabiyotdan o‘chib borgan deyish juda noto‘g‘ri xulosadir. SSSR davrida ota-boblarimizni, ularning ilmiy salohiyati va jahon svilizatsiyasida tutgan yirik o‘rnini yo‘qotishga siyosiy harakat qilinganligini istiqloq farzandlari juda yaxshi anglaydi. Chorizm mustamlakachilik siyosatining o‘tkir qilichlaridan biri hisoblangan sharqda o‘zining qonli tig‘i bilan mashhur bo‘lgan general Mixail Skobelov edi. U 1873-yildan 1881-yilgacha Turkustondagi bosqinchilik harakatlarida birinchi o‘rindagi jallodlaridan “Millatni yo‘q qilish uchun uni qirish shart emas, uning madaniyatini, tilini, san‘atini yo‘q qilsang bas, tez orada o‘zi tanazzulga uchraydi”, - uning millatni yo‘q qilish uchun aytgan bosqinchilarga xos fikri achchiq haqiqat edi.

Axaltaka harbiy yurishlari paytida Axaltaka ekspeditsiyasiga rahbarlik qilgan. Ko‘ktepa (Geoktepa) qal‘asi va Dengiltepa rus askarlari tomonidan egallangach (1881 y. 12 - yanvar), Skobelovning buyrug‘i bilan tirik qolgan barcha qal‘a aholisi: 45000 kishi (ayollar, qariyalar, bolalar) yoppasiga qirib tashlangan, ularning mol-mulki talangan va Ko‘ktepa yer bilan yakson qilingan. Skobelov ashaddiy shovinizist va mustamlakachi sifatida Turkustondagi tub xalqlarga past nazar bilan qaragan. Skobelov haqida mahalliy aholida nafratli xotiralar saqlanib qolgan. Skobelov 1882 - yilda Sankt-Peterburgda fojiali o‘ldirilgan. [O‘zbekistonning yangi tarixi, 1kitob. 2000.]

Umuman olganda mustamlakachilik davrida bunday bosqinlar bo‘lishi o‘tmish tarixidan olingan ayni bir haqiqat. Tarixan qaraydigan bo‘lsak, bunday xulosani xalq Xorazm davlatidan o‘zining hayotida tub aholi ko‘rib ulgurgan edi, ya‘ni Chingizxon bosqini davrida. Lekin, o‘tmishdan xulosa chiqarmaslik ya‘ni xalqning yakdil birlashmasligi tarixning qonli davrlarini takrorlashga olib keladi. Bundan ham katta bir haqiqat borki shu tarixiy

xulosalarni tarix va boshqa fanlardan farqli o‘laroq adabiyot xalqqa eng yaqin bir ilm sifatida yetkaza olish xususiyatiga ega. Shuning uchun ham bo‘lsa keraki, har qanday mustamlakachilik davrining ikkinchi bosqichi bosqinchilar tomonidan yerlik xalqning xuddi Skobelov aytganday uning madaniyatini, tilini, san‘atini yo‘q qila olishdir. Madaniyat va san‘atni, adabiyotni esa shu elning shoir-u yozuvchilari hisoblanadi, shuning uchun birinchi navbatda, mustamlakachilar yozuvchi va shoirlarni o‘z tomoniga og‘diradi, agar, og‘masa ularni dushman sifatida ayblab yo‘q qiladi. Lekin, anglamaydilarki, adabiyot va adiblar yozgan misralar hech qachon o‘lmaydi. Bu ajib dunyoni qarangki, 1943-yil fashistlarning Rossiyaga qilgan yirik hujumi oqibatida butun imperya titrab qoldi, unga endi xalqni va o‘z askarlarini qahramon qila oladigan, ularning ruhiyatiga ta’sir qila oladigan, tarixiy yengilmas o‘z xalqi uchun hech nimadan tap tortmaydigan, Jaloliddin Manguberdidek qahramon kerak edi, Imperya bir zamonlar qanxo‘r deya atagan Manguberdi va Temur kabi bahodirlarni o‘z qo‘li bilan yo‘q qilgan bo‘lsa, endi o‘z boshi bilan javobgar holda ( Nemislar Moskva ostonalariga yaqinlab qolgan edi) tiklashga majbur bo‘ldi. Mana shu jarayonda adabiyot xalqning qurub borayotgan jon tomirlariga qaytadan ruh bera olardi va o‘zbek adabiyotining ulkan vakili Abdulla Qahhor ta’biri bilan aytgandek Adabiyot atomdan kuchli bo‘lib xizmat qildi. 1944-yil Maqsud Shayxzodaning “Jaloliddin Manguberdi” dramasi dunyoga keldi. Drama 1945-yil Hamza nomidagi O‘zbek davlat drama teatri tomonida muvaffaqiyatli tarzda sahnalashtirildi.

Lekin, ko‘p o‘tmay sahnadan olib tashlandi, chunki, allaqachon Imperiya fashistlar ustidan g‘alaba qilishi aniq holga kelgan, bunday dramalar esa Markaziy Osiyo xalq qahramonlarini tiriltirar edi. Bunday adabiyot nafaqat fashistlarni balki, butun dunyoni zabt etishi hech gap emasligini bilgan holda muallifga “aybnoma” va nohaq qamalishgacha ta’qib qilindi. Hatto, drama to‘lig‘icha e’lon ham qilinmay qoldi, uning to‘liq nashrdan chiqarilishi Maqsud Shayxzoda olamdan o‘tgach, ya’ni, 21 yil keyin,

1988-yilda o‘zbek tilida nashrdan chiqdi. Buni qarangi, istiqloq sharofati bilan oradan 10 yil o‘tib, ya’ni 1998-yil Jaloliddin Manguberdi tavalludining 800 yillik yubeleyini nishonlash to‘g‘risidagi farmonga imzo chekildi. 1999-yil 800 yillik yubeleyi, 2000-yil esa “Jaloliddin Manguberdi” ordeni ta’sis qilindi. Ha, Istiqlol unga xizmat qilganlarni unutmaydi.

Dramada Sulton Jaloliddin Manguberdi – qahramon shaxs. U jasur, sheryurak sarkarda, elni, yurtni dushmanga qarshi birlashtira olgan o‘z davrining eng botir va vatanparvar insoni. Bundan tashqari mehribon ota va singillariga mehr-oqibatli, oddiy inson sifatida ham gavdalanadi. Masalan, Jaloliddin bilan singlisi Sultonbegim o‘rtasidagi oddiy insonlarga xos bo‘lgan, aka - singillik mehr-oqibatlari shu qadar samimiy va go‘zal tasvirlanganki, kishining havasi keladi.

Vatan va xalq taqdirining eng qaltis pallalarida ularni bosqinchilardan himoya qilish uchun otlangan Jaloliddinning bu yo‘ldagi shijoatini, jur‘atini, jasoratini ko‘rsatar ekan, dramaturg o‘z qahramonining valiahd va hukmdor sifatidagi xususiyatlaridan ko‘ra oddiy inson sifatidagi iztiroblarini, har qanday insonga begona bo‘lmagan ayrim mas’uliyatli holatlardagi ikkilanishlarni badiiy tasvirlashga alohida e’tibor beradi. Bu esa qahramon xarakterining ishonarli, jonli va hayotiy chiqishini ta’minlaydi.

Dushman qo‘liga tushib azoblangandan ko‘ra, o‘limni afzal bilib, hatto dunyodagi eng aziz zot – onasi va farzandlari daryoga cho‘ktirilishini ma’qul ko‘rgan Jaloliddin Manguberdi va mard Temur Malikning tarixiy haqiqat ruhi bilan yo‘g‘rilgan siymolari dramaturg Maqsud Shayxzoda qalami ostida ko‘z o‘ngimizda tirik insondek gavdalanadilar. Dramaturg Chingizxon obrazini mahorat bilan yaratadi. Shunisi muhimki, u bu obrazni qora bo‘yoqlarga chaplab tashlamaydi. Tarixiy haqiqatga rioya qilgan holda, bu shaxsning Jaloliddin va Temur Malik qahramonligi jasoratiga tan berganligini ifodalashni unutmagani holda, uning tabiatidagi bosqinchilik, yovuzlikni, pokiza insoniy tuyg‘ularni oyoq osti qilish singari xususiyatlarni to‘laqonli badiiy gavdalandiradi:

Adolat yo insof? Nima degan u?

Tupurdim bularga, ming katta tfu! [ <https://talaba.su/maqsudshayxzodaning-jaloliddin-manguberdi-dramasi/>]

Bilamizki, turkiy xalqlar ilmiy va ma’rifatli xalq shuning uchun bu xalqning o‘tmishi tarixi azaldan olim-u mutafakkirlari tomonidan dunyoga tarannum qilgan. Markaziy Osiyo adabiyoti esa hamisha o‘zining o‘tkir qalamiga ega olim-u ulamolariga ega xalq. Ze’ro, shuning uchun bu xalqni tarixdan o‘chira olmadilar. Kelajak avlodni tarbiyalashda ularning yozgan asarlari hamisha bizga dasturulamal bo‘lib kelgan va keladi ham. Qahramonlar tasviri va tarixini kelajak avlodga yetkazishni hamisha ular o‘z vazifasi deb bildilar. Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti uning xalqimiz, tariximiz, adabiyotimizda tutgan o‘rnini ko‘rastib berish adabiyot ixlosmandlari uchun hamisha asosiy manbaa bo‘lib xizmat qilib kelgan, hatto, Jaloliddin buyukligiga ulug‘ hukumdorlar ham tan bergan va o‘z so‘zlari bilan tasdiqlab qo‘ygan.

Olam ahli Jaloliddindan oldin ham va undan keyin ham bunday buyuk jangchini ko‘rmagan, u shu qadar buyukki, hatto, buyuklikning o‘zi uning poyida bukilib qoladi”. (Movarounnarh hukmdori Mirzo Ulug‘bek)

“Otaning o‘g‘li shunday bo‘lmog‘i lozim, suv va olovning ikki girdobidan qutilib najot sohiliga yetdimi, undan beaded ishlar va behisob tahlikalalar tug‘ilajak”. (Chingizxon)

“Siz meni Sulton Jaloliddin o‘limi bilan muborakbod etmoqdamisiz, ammo siz ham uning o‘limi oqibatlari azoblarini tortajaksiz. Zero, Alloh nomi bilan qasam ichib aytamanki, uning halokati mo‘gullarning Islom zaminiga bostirib kirishi bilan barobardir. Endi, Xorazmshoh kabi, biz bilan mo‘gullar orasida zabardast devor bo‘ladigan kuch yo‘qoldi”. (Ayubiyilar davlati hukmdori Melik Eshraf)

Jaloliddin Manguberdi adabiyot ayniqsa she’riyatga ham qiziqqan uning fors tilida o‘z vujudidagi vatanparvarlik jo‘shqinlarini tasvirlab bergan misralari inson ruhiyatini to‘lqinlantirib yuboradi. Jaloliddinning o‘zi bitgan mana

shu bir to‘rtlik uning o‘z-

o‘ziga bergan xolisona bahosi kabi jaranglaydi:

Dar razm chun ohanimu dar bazm chu mum,

Bar do‘st muborakimu bar dushman shum.

Az hazrati mo barand shnsob ba Shom,

Va-z haybati mo barand zunnor ba Rum.

Mazmuni:

Jangda xuddi temirdek, bazmda misli mummiz,

Do‘stga marhamatli, g‘animga esa shumimiz.

Ulug‘vorligimizdan Shomga insof eltarlar,

Haybatimiz dastidan Rumga

zunnor

eltarlar. [<https://fayllar.org/jaloliddin-manguberdi-yozma-manbalarda-jaloliddin-manguberdi-t.html>]

### **Jaloliddin ibn Alovuddin Muhammad**

Istiqlol davrida Jaloliddin Manguberdiga bo‘lgan qiziqish ayniqsa kuchaydi. Manguberdi hayoti va Xorazm tarixi haqida romanlar o‘quvchilar ko‘nglidan joy olmoqda Baxtiyor Abdug‘ofurning “Sulton Jaloliddin Manguberdi” , Shahodat Isaxanovanning “Sulton Jaloliddin Manguberdi yoxud Chingizxon tuzog‘iga tushgan malika” nomli romonlari Manguberdi obrazini ko‘rsatib berishda katta xizmat qilib kelmoqda.

Jaloliddin nafaqat o‘zbeklar faxri balki, butun dunyo turkiy xalqlarining g‘ururiga ham aylanib ulgurgan, shuning uchun butun turkiy adabiyotning ulkan vakillari ham u haqda qalam tebratib kelgan va kelmoqda. Ozarbayjon xalqining atoqli yozuvchisi Ziyo Bunyodov qattol jangda ko‘rsatgan jasorati uchun qahramon unvoniga erishdi. Ammo,uning haqiqiy jasorati ilmda namoyon bo‘ldi. U jasoratli vatandoshimiz Jaloliddin Manguberdi nomini qalamga oldi, tariximizning ulkan sahifasi — Xorazmshohlar saltanati haqida yorqin kitob yaratdi. Bu kitob “Anushtegin Xorazmshohlar davlati” deb nomlanib Xorazm tarixining 1097-1231-yilgacha ya‘ni Sulton Jaloliddin vafotiga qadar bo‘lgan davrni yoritib berdi. Bu asar o‘zbek tiliga Ashraf Ahmad va Mahkam Mahmud tomonidan tarjima qilindi va 1998-yili Jaloliddin Mnaguberdi

tavalludining 800 yillik yubeleyiga bag‘ishlanib “G‘ofur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti” da chop etildi. Hozirgi davrda esa turk yozuvchisi “Sulton Salohiddin” romonlari bilan ma’lum va mashhur ( bu asarni 2020-yil Boboxon Muhammad Sharif o‘zbek tiliga tarjima qilgan) Yavuz Bahodiro‘g‘li qalamiga mansub ikki qismdan iborat “Xorazm” romani butun turkiy mamlakatlar orasida olqishlandi. Bu romanning birinchi qismi “Xorazm o‘t ichida” ikkinchi qismi esa “Alvido Xorazm” deb nomlanadi. Bu asarni 2010-yilda turkchadan mohir tarjimon Boboxon Muhammad Sharif o‘zbek tiliga tarjima qilib, Manguberdi ixlosmandlariga yetkazdi.

Umuman olganda Manguberdi obrazi mangulikka daxldor bo‘lib, u xalq og‘zaki ijodiga singib ulgurgan. Eng qiziqarlisi Jaloliddin siymosi kundan-kunga ulug‘lashib, yuksalib bormoqda va bu borada ilmiy va badiiy haqiqatlar ortsa ortayabdiki aslo kamaymadi, kamaymaydi ham.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

- 1 Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma” 1960-yil.
- 2 O‘zbekistonning yangi tarixi, 1kitob [Turkiston Chor Rossiyasi mustamlakachiligi davrida], T., 2000.
- 3 Yavuz Bahodir o‘g‘li “Xorazm” romani Toshkent-“O‘zbekiston” -2010
- 4 Ziyo Bunyodov “Anushtegin Xorazmshohlar davlati”. Toshkent-G‘ofur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyot 1998-yil

### **Internet manbalari:**

- 1 [www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)
- 2 [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz)
- 3 <https://talaba.su/maqsud-shayxzodaning-jaloliddin-manguberdi-dramasi/>
- 4 <https://fayllar.org/jaloliddin-manguberdi-yozma-manbalarda-jaloliddin-manguberdi-t.html>

## **ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА**

**Туракулова Оқила\***

***Аннотация.** Мазкур мақолада республикамызда китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириши, аҳоли, хусусан, ёшларда китоб ўқиш ҳамда китобхонликка бўлган ижобий муносабатни қарор топтириши, китоб мутолаасини кундалик фаолиятга айлантиришига эришишига доир олиб борилаётган ишлар, мутолаа, китобхонликни ривожлантириши борасида фикрлар келтирилган. Мутолаа маданиятини ривожлантиришида бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, интеллектуал салоҳиятини оширишига қаратилган адабиётларни ўқиши, ўрганиши миллий ҳамда жаҳон адабиёти намоёндаларининг асарларини мутолаа қилиши, мутолаа маданиятини ривожлантиришининг тизимли тавсифи ёритиб берилган.*

***Таянч сўзлар.** Мутолаа, китобхон қизиқиши, ўқиш маданияти, китобхонлик компетентлиги, дастурий-лойиҳавий.*

Глобаллашув шароитида интеллектуал мулк жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Инсоният томонидан яратилган умумбашарий кашфиёт ва инновацияларнинг асосини интеллект (инсон томонидан яратилган ғоя) ташкил этади. Ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий тараққиётни белгилаб берувчи креатив ва инновацион

---

\* Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек тили” кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD)

ғояларни асослашда шахснинг креатив, инновацион фикрлаш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай жамиятда шахснинг фикрлаш малакаси бадий, илмий ва илмий-оммабоп асарларни ўқишга боғлиқ. Зеро, бадий, илмий ва илмий-оммабоп асарларни ўқиш шахсда фикрлаш, тасаввур, таҳлил ҳамда тафаккур қобилиятини ривожлантиради. Натижада жамиятнинг ҳар томонлама тараққий этишини таъминловчи ғоялар шаклланади. Сўнги уч йил давомида Ўзбекистонда ёшларда фикрлаш қобилиятини, китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада кенг қўламга эга тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти давомида инсоният бир неча мўъжизавий неъмат – моддий ва маънавий ашёга эга бўлган. Улар: нутқ, ёзув ва китоб. Тараққиётнинг турли босқичларида эволюцион асосида инсоният қўлга киритган бу ашёлар цивилизациянинг навбатдаги босқичи учун асос бўлиб хизмат қилган. Агар инсоният нутқ ва ёзув ёрдамида ўзаро ижтимоий муносабатларни ташкил этиш, хоҳиш-истакларни, интилишларни бир-бирига баён қилиш имкониятига эга бўлган бўлса, китоб воситасида ўз онгини бойитиш, нутқи, фикрлаш ва мантиқий тафаккур юритиш қобилиятини ривожлантиришга муваффақ бўлган.

Кутубхоналар ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида жуда қадимдан пайдо бўлган. Жумладан, Ўрта Осиё худудида милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Улар хукмдорлар саройларида ва ибодатхоналарда ташкил этила бошлаган. Бу даврда ёшларга таълим-тарбия беришда шахсий кутубхоналарнинг аҳамияти ҳам катта бўлган. Уларни, асосан, бой табақага мансуб бўлган кишилар ташкил этганлар .[ Умаров, 2003:14-22]

Марказий Осиёда кутубхоналар ўтмишдаёқ ривожланган бўлиб, улар асосан хон саройлари ва мадрасалар тасарруфида



бўлган. Мамлакат ҳукмдорлари кутубхоналарнинг равнақи, уларни бойитиш, хаттотлар билан таъминлаш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келганлар.

Китобни улуғлаш, болалар ўртасида илм-маърифат асосларини тарғиб қилиш мақсадида кутубхона ташкил этишда жадидчилик ҳаракатининг вакиллари ҳам ибрат кўрсатган. Масалан, наманганлик маърифатпарварлардан бири Исҳоқхон Ибрат ўз уйида “Кутубхонаи Исҳоқия” деб номланган кутубхона ташкил қилган. Ушбу кутубхона фондидан ўзбек, рус, турк, татар, форс тилларида яратилган адабиётлар ўрин олган. Исҳоқхон Ибратнинг кутубхонаси нафақат у ўқитган ўқувчиларга, шунингдек, қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат қилган. Кутубхонадаги китоблар уларнинг характери, йўналишига кўра бир неча бўлимларга ажратилган. Хусусан, мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлимдан С.Саидазизовнинг “Устоди аввал”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Р.Юсуфбек хожи ўғлининг “Раҳбари ҳисоб” каби дарслик ва ўқув қўлланмалари ўрин олган. Ибрат кутубхонаси доимий равишда бойиб борган. Маърифатпарвар томонидан кутубхона фаолиятининг йўлга қўйилиши, китобхонлар томонидан китобларнинг олиниши ва топширилиши қайд этилган дафтарларнинг юритилиши, шунингдек, ўқувчиларнинг китоб мутолаа қилишлари, ўқишлари шахсан назорат қилиб борилган. [Ибрат, 1999:38]

Ҳозирги кунда мамлакатимизда оммавий китоб ўқишга жалб этиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилаёпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бўка туманида ташкил этилган “Маданият ва маърифат экопарки”даги кутубхонада Ўзбекистонда китобхонлик ҳақида “Худудларга китоб етказиб бериш яхши. Лекин уларни ўқиш, ўқитиш етарли даражада эмас. Болаларимизни боғча ёшидан, бошланғич синфлардан кичик-кичик китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар қилиб улғайтириш зарур. Шундагина жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам

китоб ўқишга қайтади”,-деб, кўрсатиб ўтди.  
[<https://sputniknews-uz.com. Shavkat-Mirzиеv.html>]

Китоб ўқиш – инсоният ўйлаб топган энг ажойиб ходисаларнинг бири. Бунинг натижасида одамнинг маънавий дунёси бойиб, инсонийлик фа-зилатлари ортиб боради. Шу сабабли китоб ўқиш хар ким учун жуда муҳим бўлиб, китоб тезкор ўйлашга, сезиш қобилиятларимизни ривожлантиришга ўргатади.

Китоб билан ишлашни билмаслик баъзи бировларнинг китобга қизиқишини йўқотса, баъзиларнинг ўйланмасдан қўлига нима тушса, шунини ўқишига олиб келади. Бу китоб ўқиш маданияти пастлигини кўрсатади.

Давлат таълим стандарти, замонавий жамиятнинг талабларига жавоб берадиган шахс ва ахборот оқимларида эркин харакат қилиш; конструктив мулоқот ўрната олиш, ҳамкорлик қилиш, ҳаёт фаолияти давомида ўқув- билув вазифаларини самарали ҳал этишни тарбиялаш ва ривожлантиришни назарда тутати. Бу фазилатларга, ўқувчиларда ўқишга қизиқиш, ўқиш ва китобхонлик маданияти шакллансагина, эга бўлиши мумкин.

“Мутолаа маданияти” тушунчаси кенг маънода қўлланилади. Хусусан, бу ходиса асарни англаш ва уни тушуниш учун китобхондан маълум тайёргарлик ва савияни талаб қилади. Бу ходисанинг моҳияти китобни шунчаки варақлаш ва ундан умумий фойдалана билишдан то ижодий ўқиш, китоб муаллифига ошно бўлиб, унинг асарини чуқур таҳлил қилиб мутолаа қилишгача боради. [Умаров А.О, 2005:21]

Мутолаа маданияти ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У кишида китоб ўқиш маданияти шакллангандан кейин юзага келади. Китоб ўқиш маданияти ҳақида фикр-мулоҳазалар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан 2007 йили нашр этилган “Бебаҳо хазина” номли методик-библиографик қўлланмада келтирилади:

1. Китоб танлаб олиш.
2. Китобни қандай ўқишни билиш.
3. Китоб ўқиганда нималарга эътибор бериш ва нималарни эсда сақлаб қолиш.
4. Керакли маълумотларни қардан, қандай, қайси воситалардан фойдаланиб топиш.
5. Олинган билимни ёки хабарни қандай етказиб бериш.
6. Қайта ўқиш – китобхонлик кўникмасини шакллантириш.
7. Кутубхона картотекалари билан ишлай билиш.
8. Китобни тез ва секин ўқишни фарқлай олиш.
9. Китобни ўқиб, унинг фусункор оламига кира билиш.
10. Китобни мустақил ўқий билиш . [Н.Алаутдинова, 2007: 40]

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўқиш маданияти – бу онгли равишда мавзуларни танлаш, мунтазам ва изчил ўқишни ўз ичига олган китоб билан ишлаш кўникмалар мажмуи, шунингдек, библиографик воситалар ёрдамида керакли адабиётларни топиш ҳамда луғат ҳамда библиографик аппаратдан фойдалана олиш, ўқилганларни ўзлаштириш ва қабул қилишнинг (тезис ёзиш, конспект қилиш, аннотация ёзиш, тақриз ёзиш) самарали услубларини қўллаш, китобни авайлаб-асраш малакаларидир.

Таҳлиллар натижасида ўрганилаётган муаммога доир тушунчаларни қуйидаги тарзда тизимлаштиришга ҳаракат қилдик:

1. Китобхон қизиқиши – бу китобхоннинг ҳиссий жиҳатдан ўзига жалб этадиган ёки унга қайси бир аспекти муҳим бўлган босма асарларга ижобий муносабатидир.

Қизиқиши асосида китобхон бадий матнларни ўзлаштириш ишини ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

2. Ўқиш маданияти матнни идрок қилиш, уни тушуниш ва асарни талқин қилишни ўз ичига олади ва идрок даражаси ўқувчининг ўқиш тажрибаси ва адабий савияси билан

белгиланади. Ўқишнинг юкори даражаси ижодий ҳис-туйғулар, янги образлар ва янги ҳақиқатни яратиш, муаллиф билан мулоқот қилиш қобилияти билан ажралиб туради.

Ўқувчиларда ўқиш маданиятини бошланғич синфдан бошлаб шакллантириб бориш керак. Т.И.Полякова ўспирин ёшидаги болаларда ўқиш маданиятини ривожлантириш учун қуйидаги мезонларни белгилайди:

- болаларда китобга қадриятли муносабатни яратиш жараёни;

- кизиққан китобини излаб топиш ва танлаш қобилияти;

- ўқиганларига ҳиссий муносабатда бўлиш қобилияти;

- бадий матнни эстетик жиҳатдан ҳис қилиш имкониятлари;

- ўқиган асарларидан қимматли ва маъноли маълумотларни топиш;

- ўқувчиларда ўқиш эҳтиёжларини шакллантириш

. [Плотников С.Н, 1999:46-58]

Ўқиш маданиятини ўзлаштириш натижасида “китобхонлик маданияти” шаклланади. Китобхонлик маданияти ўқиш маданиятига қараганда кенг маънодаги, кўптомонлама, катта ҳажмдаги тушунчадир.

3. Китобхонлик маданияти бу адабий асарларни тушуниш ва эстетик жиҳатдан баҳолашни биладиган китобхон-ўқувчини шакллантириш жараёнидир.

Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга йуналтиради. Дорис Лессинг сўзи билан айтганда, “Мутолаа инсонни тўлдирди!” – дейишади, дарҳақиқат, у инсондаги бўшлиқларни зарур илмлар билан тўлдирди . [Лессинг Д, 2009: 734]

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Умаров А. Мутолаа маданияти – тараққиёт омили // Бетгер ўқишлари – 2003: “Кутубхона устиворлиги” давра суҳбати материаллари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2003. – Б.14-22.
2. Ибрат. Ажзий. Сўфизода. – Т.: Шарқ, 1999. – 38 б.
3. <https://sputniknews-uz.com/society/20190602/11667426/Kitob-ish-darazhasi-etarli-emas--Shavkat-Mirzиеv.html>
4. Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли: Социология фан д-ри. дис... автореф. /УзМУ. - Т., 2005 - 21 б.
5. Бебаҳо хазина: Методик-библиографик қўлланма /Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Тузувчи Н.Алаутдинова-Т.: Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 40 б. – Б.10.
6. Плотников С.Н. Читательская культура в России//Нотолегенс: памяти С.Н. Плотникова: сб.науч.тр.Москва., 1999. - С. 46-58.
7. Лессинг Д. Золотая тетрадь. – СПб.: Амфора, 2009.

## **ВОССОЗДАНИЕ ФАНТАСТИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ И НЕБЫЛИЦ В ПЕРЕВОДЕ ДЕТСКОЙ ПРОЗЫ**

**Игамуратова Дилрабо \***

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются переводы детских приключенческо-фантастических произведений Н.Н. Носова и А.С. Некрасова на узбекский язык.*

***Ключевые слова:** Фантастические элементы, небылицы, перевод, авторская идея, стиль, писатель, переводчик.*

Роман-сказки Н.Н. Носова «Приключения Незнайки и его друзей» и «Незнайка в Солнечном городе» вышли в свет 1954 и 1958 годах. Их перевел на узбекский язык известный детский поэт Пулат Мумин. Первое произведение была переведена на узбекский язык в 1958 году, вторая – в 1961 году и переиздавались несколько раз. Повторный перевод осуществлён в 1987 году.

В произведениях о “Незнайке” Н.Носов часто использует элементы научной фантастики. Многие из этих фантастических элементов были невообразимыми новшествами для своего времени. Это произведение относится к жанру фантастики, и требует особого подхода к его воссозданию в переводе. При переводе таких произведений уделяется внимание авторской идее, стилю, смысловым и лексическим особенностям оригинала, воссозданию с учетом вымышленных, воображаемых элементов не встречающихся в реальной жизни. Описанные в романе-сказках фантазии автора, переведены на узбекский язык Пулатом Мумином.

В оригинале: *“Самое главное, что они здесь увидели, было изготовление больших плоских настенных широкоэкранных*

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кичик илмий ходими.

телевизоров. Нужно сказать, что во всех кинотеатрах Солнечного города были установлены такие настенные телевизоры с широкими экранами, поэтому картины передавались во все кинотеатры прямо из телевизионной студии. На этой фабрике, помимо настенных, изготавливались и настольные телевизоры, а также радиоприёмники самых различных систем, начиная от больших комнатных радиол и радиотумбочек и кончая микроскопическими, карманными громкопищателями и пуговичными громкошептателями.” [Н.Носов. 1.] В переводе: “Бу ерда деворга ўрнатиладиган кенг экранли телевизорни кўришди. Шуни ҳам айтиши лозимки, Қуёш шаҳридаги бутун кинотеатрларда шунақанги деворга ўрнатилган кенг экранли телевизорлар қўйилган бўлиб, картиналар ҳамма кинотеатрларга тўппа-тўғри телевизион студиядан бериларди. Бу фабрикада девор телевизорлардан бўлак, столга қўядиган телевизорлар, шунингдек, ҳар хил системадаги хонага қўйиладиган радиолар, радиотумбочкалардан тортиб, то микроскопик, чўнтакка солиб юрадиган тугмачадек приёмниклар ҳам ишланарди”. [Н.Н. Носов. 2]

Словосочетания, данные в оригинале “карманными громкопищателями и пуговичными громкошептателями” в переводе дается как “чўнтакка солиб юрадиган тугмачадек приёмниклар”. На русском языке это будет звучать следующим образом “приёмники с пуговицу которых можно носить в кармане”. В переводе с русского «громкопищатель» (громко пищать) означает – “баланд хирилламоқ”, «громкошептатель» («громко шептать») – “баланд пичирламоқ”. В этом примере с «громкопищателями» и «громкошептателями» можно наблюдать окказионализмы – слова придуманные и употребляемые писателем только в своем творчестве. Перевод далек от оригинала, так как автор использует противоречия «громко пищать» – “баланд хирилламоқ” и “громко шептать” – “баланд пичирламоқ”. Использование автором этих

противоречивых слов указывает на то, что он глубоко владеет своим родным языком. То есть, если некоторые слова перевести с помощью калькирования, появится новое. Например, в русской истории вместо слова «фортепьяно» было предложено слово “тихогром”. [[https://ru.wikipedia.org/wiki/ 3](https://ru.wikipedia.org/wiki/3)]. Слово “*pianoforte*” на итальянском языке переводится как: *piano* – “тихо и нежно” – “секин ва мулойим” и *forte* – “громко и мужественно” – “баланд ва жасур”.

На наш взгляд, поскольку Н.Носов также использовал этот прием, и в произведении возникли устройства, так называемые «громкопищатель» и «громкошептатель». В то же время, чтобы разбудить детское воображение, «как это может быть устройство, которое одновременно работает и на высоком, и на низком диапазоне?» побуждает немного пофантазировать по поводу ответа на вопрос. В переводе это не отражено. Было бы целесообразно, если бы Пулат Мумин дал оригинал методом кальки.

Следующий пример: *“Попав на мебельную фабрику, путешественники были очень удивлены тем, что стулья, столы, шкафы, диваны, кровати изготавливались здесь не из дерева, а из различных пластических масс.*

*Пластическая масса изготавливалась самых различных цветов и оттенков. Была так называемая древопластмасса. Сделанную из неё мебель невозможно было отличить от деревянной. Была также металлопластмасса, которая полностью заменяла металл.*

*Но больше всего нашим путешественникам понравилась дутая, или так называемая пневматическая мебель. Шкафы, столы, кресла, диваны делались из резины и надувались воздухом. Эта мебель была очень удобна для перевозки, так как стоило выпустить из неё воздух – и целый комнатный гарнитур помещался в небольшом чемоданчике.” (669-670)*

В переводе: *“Мебель фабрикасига бориб қолишган саёҳатчилар у ерда стол, стул, шкаф, диван ва каравотларнинг*



тахтадан эмас, турли пластмассалардан тайёрланишини кўриб, роса ҳайрон қолишиди.

Пластмасса эса ранг-баранг гуллардан тайёрланарди. Ёғоч пластмаса дегани ҳам бўларди. Бундан ясалган мебелни ёғоч мебеллардан ажратиб бўлмасди. Шунингдек, металл пластмасса ҳам бўларди. У металл ўрнини боса оларди.

Аммо ҳаммасидан ҳам бизнинг саёҳатчиларга дам берилган пневматик мебель ёқиб тушиди. Шкаф, стол, курси ва диванлар резинадан ясаиб, унинг ичига ҳаво тўлдириларди. Бу мебеллар у ёқ-буёққа олиб юришга жуда қулай бўлиб, унинг ичидан ҳавосини чиқариб юборилса, тўла бир хона мебель гарнитурини кичкина чамодончага жойланади”. (240)

В данном переводе переводчик допустил двусмысленность, проигнорировав игру слов в русском языке: словосочетания «пластик был сделан из разных цветов и оттенков» переведен как “пластмасса эса ранг-баранг гуллардан тайёрланарди”. Когда в слове “*цветов*” – “*цветов*” использованный во множественном числе переставить ударения, появляются два разных слова. И в узбекском языке оно также будет означать «ранглар» и «гуллар». В оригинале это слово используется для обозначения «цвет»а – «ранг», но П.Мумин перевел его как «цветы» – “гуллар”. Если бы словосочетание «*различных цветов и оттенков*» был бы переведен – “*ҳар хил рангда ва тусда тайёрланарди*”, то смысл этого предложения был передан правильно.

Хотя есть некоторые недостатки, такие как опущение, не придать значение игре слов, неправильный перевод слова, но все таки авторская идея, его стиль и текст перевода были донесены до детей просто и понятно. Переводчик добился появления у читателя ощущения, что читается оригинал.

А.С. Некрасов в своем произведении «Приключения капитана Врунгеля» описал удивительные приключения старого моряка, основанные на небылицах. Повесть посвящена

рассказам морских небылиц Врунгеля о самом себе, в основе фамилии которого лежит слово «врун».

Известно, что вымысел существует в фольклоре почти всех народов, а в русском фольклоре вымысел называются небылицами. “Небылицы – 1. Вымысел, лживое сообщение. 2. В народном творчестве: шуточный рассказ, о том чего не может быть. [Ожегов С.И. Шведова Н.Ю. 4.] Жанр одинаково распространен как во взрослом, так и в детском репертуаре. Отличие заключается в форме. В произведениях, исполняемых для детей или детьми, «небылица принимает форму песенки, рифмованной приговорки (считалки), молчанки, дразнилки, пестушки и т.д.». [Капица Ф.С. Колядич Т.М. 5.]

В узбекском фольклоре небылицы чаще всего встречается в сказках. Ибо «небылицы – важный критерий в сказках, она составляет основу сюжетных событий, обеспечивает разрешение конфликта динамического движения в сюжетной линии. Различные образцы небылицы выполняют образовательно-эстетическую функцию, выступая в качестве своеобразного художественного образа как составной части жанра. Небылицы описывает события и явления, которые могут не существовать или как события существующие в реальной жизни». [<https://qomus.info/encyclopedia/cat-e/ertak-uz/> 6.]

Обычно по своей природе дети создают невероятные истории которые полны приключений. К числу таких произведений относится и повесть А.Некрасова «Приключения капитана Врунгеля», основанный на небылицах и вымыслах. К.Пулатов своеобразно подошел к переводу небылиц и вымыслов в этом произведении и их воссозданию на узбекский язык. Ниже рассмотрим такие примеры переводов.

В оригинале: *“Я, недолго думая хватаю конец антенны – и прямо в зуб, в дупло. Боль адская, искры из глаз посыпались, но зато приём опять наладился. И, поверите ли, так всю передачу до конца на зуб и принял”*. [Некрасов А.С. 7].

В переводе: “*Кўп ўйлаб турмай, антеннанинг бир учини олиб, тишимнинг кавагига тиқиб қўйдим. Оғриқнинг зўридан кўзларимдан олов чиқиб кетди, ҳайтовур овозни қабул қилиш тикланди. Ишонасизми, шу тариқа ҳамма эшиттиришни, тишимга қабул қилиб олдим*”. [Некрасов А.С. 8].

При ухудшении приема связи Врунгель восстанавливает контакт, помещая антенну в дупло зуба. В сущности, читатель хорошо понимает, что зуб не может действовать как передатчик связи и что такого никогда не произойдет, но успех произведения определяют именно небылицы и вымыслы, которые вызывают такой комический эффект.

В этом переводе забавная и нелепая история, созданная автором, находит свое полное отражение. В переводе предложения “*боль адская, искры из глаз посыпались*” – “*оғриқнинг зўридан кўзларимдан олов чиқиб кетди*” была достигнута эквивалентность. Переводчик сохранил эмоциональную окраску русского предложения не только за счет передачи его смысла, но и за счет использования художественных выразительных средств родного языка.

На наш взгляд, «Приключения капитана Врунгеля» можно считать своеобразным произведением по мотивам сказок типа «Сорок лживых историй», которые занимают особое место в устной традиции всех народов и основаны на небылицах. «Потому что для ребенка сказка – это реальность. Он не просто читатель или слушатель, а непосредственный участник всех событий, происходящих в рассказе. У него «чешутся руки» и ноги не могут стоять на месте, он готов сражаться, бороться за справедливость, спасти приговоренных к смерти, разоблачить угнетателей, восстановить нарушенную правду. Воображаемый мир маленьких детей неуравновешен, парит в небе. Они путешествуют по земле, недоступной для воображения, они отправляются в сверхъестественные приключения, делают то, что не возможно выполнить, и так далее». [Маршак С.Я. 9.]

Создается впечатление, что автор произведения как и дети погружается в фантастический мир. Потому что каждый ребенок имеет склонность к сладким грёзам. В частности, автор описывает, как селёдку не помещая в бочки доставить по морям и океанам, словно гоня стадо:

*“Незачем тратить огромные средства, незачем набивать селёдок в бочки, грузить на корабли и выгружать и выгружать снова, где это понадобится. Не проще ли согнать селёдок в табун или в стадо – как хотите назовите – и гнать живьём до места назначения.*

*Их уже поймали, собирались солить, но я приостановил это дело. Селёдок выпустили, согнали в табун, мы с Ломом подняли паруса и пошли. Лом встал в руль, а я уселся на самый нос, на бушприт, взял длинный хлыст, и, как только замечу какую постороннюю рыбину, я её по губам, по губам”. (40-41)*

В переводе: *“Бунинг маъноси шуки, селд тутииш учун катта маблаг сарфлаш, уларни бочкага босиш, кемаларга ортиш ва зурур жойда яна тушириш каби оворагарчиликнинг сира ҳожати йўқ экан. Энг осон йўли селдларни тўда-тўда қилибми ёки пода-пода қилибми – қандай атасангиз шундай атанг – белгиланган жойда тириклай ҳайдаб бориш яхши эмасми?*

*Селдларни тутиб, тузламоқчи бўлиб туришган экан, аммо мен бу ишни тўхтатдим. Балиқларни сувга қўйиб юбордик, ҳаммасини бир жойга тўпладик, Лом иккимиз елканларни кўтариб, кемани жилдира бошладик. Лом рулга турди, мен эса кеманинг нақ тумишугига ўтирдим, қўлимга узун гарвон олиб селдларни ҳайдаб кетдим. Бирон бегона балиқ кўрингудек бўлса, бошига савалаб ҳайдаб қолардим”. (40)*

На первый взгляд, эта идея капитана Врунгеля представляет собой особое рационализаторское предложение, направленное на сокращение затрат, связанных с рыболовством, а также на экономию времени. Однако, стадо рыб – это не стадо овец, как указывает сам Врунгель, если его можно погонять в

любую сторону хлыстом! Даже маленький ребенок знает, что это невозможно, особенно в море. Но в нем отражена и авторская цель. То есть, чем невообразимее идеи капитана Врунгеля, чем интереснее эти небывлицы, тем больше привлекают юного читателя.

Ещё один пример: *“Я встал в руль и ввёл судно в туман. Иду, смотрю – сосульки с бортов начинают падать, да и так заметно значительное потепление. Сунул руку за борт – вода только что не кипит. А перед носом в тумане вырисовывается нечто огромное, вроде сундука, и вдруг этот сундук – апчи!*

*Ну, тогда я всё понял: кашалот, понимаете, зашёл из Тихого океана, простудился во льдах Южного полюса, подхватил грипп, лежит тут и чихает. А раз так, неудивительно и нагревание воды: заболевания простудного характера обычно сопровождаются повышенной температурой.”* (91).

Перевод: *“Ўзим рулга туриб, кемани туман томон ҳайдадим. Яқинлашган сарим кеманинг ускуналарида осилиб ётган сумалаklar эриб тушар, ҳавонинг иссиқлиги тобора ортиб борарди. Қўлимни сувга тикқан эдим, қуюшимга сал қолди, кеманинг тумишуги олдида туман ичида баҳайбат бир нарсанинг шарпаси кўринарди, бирдан ўша шарпа акса уриб юборса бўладими!*

*Шунда воқеани тушундим: бу кашалот экан, у Тинч океанидан келиб, Жанубий қутб музликларида шамоллаб, тумовга чалинибди-да, шу ерда ётиб қолибди, йўталганда гумбурлаб эшитиладиган овоз шуники экан! Маълумки, шамоллаш касаллигига чалинганнинг иситмаси одатда кўтарилади. Шундай экан, сувнинг исиб кетганига ҳам ажабланмаса ҳам бўлади.”* (88-89).

В этом примере для конкретизации эпизода переводчик эффективно использует присущий трансформации тип смыслового развития предполагает замену лексического значения слова значением в контексте. [Я.И.Рецкер. 10] “В

*тумане вырисовывается нечто огромное, вроде сундука, и вдруг этот сундук – апчхи” – “туман ичиди баҳайбат бир нарсанинг шарпаси кўринарди, бирдан ўша шарпа акса уриб юборса бўладими”*, переводчик придал большое значение передаче содержания, сохранив тем самым естественность предложения на узбекском языке.

При переводе художественной литературы перед переводчиками с одной стороны стоит задача правильно передать содержание, идею и своеобразие произведения, а с другой стороны, требуется избегать дословного, в то же время “вольного перевода”. В переводе сохранено и максимально полно воссоздано содержание оригинала.

### **Использованная литература:**

1. Носов Н.Н. Незнайка в Солнечном городе. – Москва: РОСМЭН, 2018. – 200 с.
2. Носов Н.Н. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. Билмасвой Куёш шахрида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 304б.
3. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Калька \(лингвистика\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Калька_(лингвистика)).
4. Ожегов С.И. Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений. – 4-е изд., дополненное. – Москва: «ООО ТЕМП», 2013. – С. 372.
5. Капица Ф.С. Колядич Т.М. Русский детский фольклор: учебное пособие. – Москва: Наука, 2011. – С. 143.
6. <https://gomus.info/encyclopedia/cat-e/ertak-uz/> ёки Қаранг: Ўзбек Фольклори очерклари. Уч томлик. 2-том. – Тошкент, 1989. – Б. 64-65.
7. Некрасов А.С. Приключение капитана Врунгеля. – Москва: Дет.лит., 1983. – 177 с.
8. Некрасов А.С. Капитан Врунгелнинг саргузаштлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 176 б.

9. Маршак С.Я. Право на взаимность. - М.: Сов.Россия, 1973. – С. 93.

10. Я.И.Рецкер. Теория перевода и переводческая практика. Очерки лингвистической теории перевода. – 5-е изд., испр. и доп. – Москва: Аудитория, 2016. – с. 54. (таржима И.Д.)

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК

### ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИДА “АЛПОМИШ” ДОСТОННИНГ ЎРНИ ВА “КУЙЧИНИНГ ХАЁЛИ”ШЕЪРИ ХУСУСИДА

Турдимов Шомирза \*

*Аннотация:* Ушбу мақолада Ҳамид Олимжон ижодига фольклорнинг, хусусан “Алпомиш” достонининг таъсири ва илҳомчи бўлганлиги, шоирнинг “Алпомиш” достонига ёзилган “Сўз боши ўрнида” сарлавҳаси билан берилган мақоласи ва шеър, достонлари ҳақида сўз боради.

*Калит сўзлар:* Алпомиш, афсона, достон, шажара, эпос, композиция, шеър, тумор, фольклоришунос, тадқиқот.

Зар кадрини заргар билади. СЎЗ қийматини СЎЗ худудининг фуқароси баҳолайди. У СЎЗнинг чинакам эгаси бўлиб, сув тубидан маржон терган ғаввос каби асл сўзни топади, оммага танитади. Омма бу баҳони азиз билиб бир-бирига улашади. Ҳамид Олимжоннинг нафақат СЎЗ устаси, бадий СЎЗни таниб, уни маҳорат билан халққа етказа олиш маҳоратига эга эканлигини, ўта закий шахс бўлганлигини “Алпомиш” достонининг илк нашри, унга ёзган сўзбоши ҳам исботлайди. Ҳамид Олимжон ижодига фольклорнинг, хусусан “Алпомиш” достонининг таъсири ва илҳомчи бўлганлигини шоирнинг “Алпомиш” достонига ёзилган “Сўз боши ўрнида”

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.



[Ҳамид Олимжон, 1999: 89-98] сарлавҳаси билан берилган мақоласи ва шеър, дostonлари исботлаб турибди. “Сўз боши ўрнида” дostonнинг илк наشري учун ёзилган бўлиб, бу кириш мақола ўзига хос кўрсаткич, йўлловчи вазифасини бажаришга мўлжалланган. Лекин у сўзбоши қамровидан чиқиб, чинакам илмий мақола мақомига ўтиб улгурди.

Сўзбоши – мақола композицион ўта мукамал тузилган. Муаллиф дostonнинг жонли ижро жараёнидан узилиб, янги ҳолат – китоб шаклига ўтиб, ўқувчига илк бор тақдим этилаётганлигини назарда тутиб фикрлайди. Аввало, эпоснинг тарихи, туб илдизлари қадимдан келаётганлигини айтади. Дostonнинг халқ ҳаётида тутган ўрни, унда тарихий ҳақиқат умумлаштирилиб, бадий тафаккур маҳсулига айланганлиги ва бу жараён маълум даврлараро тадрижий давом этганлиги афсона жанрига қиёсан қайд этилади.

“Алпомиш”даги эпик замон ўлчамини кўрсатар экан, Ҳамид Олимжон асарнинг икки ўрнида келувчи шажарадан иккинчиси, яъни Алпомиш зиндондан чиқиб, ўз юртига яқин етиб, қарвонларга йўлиқиб, юрт эгасини сўраганидаги шаклини мисол қилиб олади. Сиртдан қаралса, бу факт у қадар аҳамиятсиздек туюлади, лекин зукко ўқувчи муаллифнинг чуқур ўйлаб, айнан ушбу шажарага тўхталганлигини англаб, билади. Чунки дoston аввалидаги шажарадан фарқли бу ерда Қўнғиротда ўтган замон бийлари қаторида Алпомиш ҳам саналган эди ва шоир таъкидлаганидек, “... Қўнғирот элининг энг катта бийлари саналар экан, бизнинг кўз ўнгимизда жуда узоқ бир замон чўзила тушади” [Ҳамид Олимжон, 1999:84]. Мақолада келтирилган ҳар бир факт шоирнинг дoston матни, дostonчилиқ санъати, халқ тарихини мукамал ўрганиб, мушоҳада қилиб, сўнгра сўзбошини ёзишга киришганлигини, айтилган фикр-мулоҳазаларга ўта масъулият билан ёндашганлигини кўрсатиб турибди.

Мақола композициясига кўра, замон тасаввуридан сўнг макон аниқламаси келган ва Ҳамид Олимжон уни дostonнинг ушбу:

*Бошида бор эди зардан чигаси,*

*Ёз бўлса яйлови Аму ёқаси...*

мисраларига таяниб далиллайди, дoston Амурарё бўйларига яратилганлигига ишорат қилади. Фольклоршунос Ҳоди Зарифов ҳам ўз тадқиқотларида дoston пайдо бўлган худуд ва кўнғирот уруғининг келиб чиқиши ҳақида тўхталар экан, бу этноним кўн-ғир-от сўзларидан ташкил топиб: “кўн” – кўй, “ғир” – кўк, чопағон, учинчи сўз от маъносига эга, деб кўрсатиб шундай ёзади: “Кўн” қачонлардир уруғ номи бўлганлигини айрим тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, “Жоме ул ҳикоят ва ломе ул ривоят” асарига “кўн” сўзи келтирилиб, “Хоразмшоҳлар шу уруғдан бўлган”, деб ёзилган. Бу нарса Амурарё бўйлари, Орол денгизи атрофлари ва Дашти кипчоқнинг муайян қисмларида, яъни “Алпомиш”нинг ватани деб тахмин қилган жойларимизда мўғуллар Ўрта Осиёга келгунга қадар “кўн” деган қабила яшаган деб тахмин қилишимизга имкон беради. “Алпомиш” эпосида айтилишига қараганда, Алпомишнинг ўзи қанжигали кўнғиротлардан бўлган. Дарҳақиқат, ўзбек кўнғирот уруғи ичида қанжигали уруғи ҳам бордир. Бу уруққа “оқ кўйли”, “қора кўйли” ва бошқа аймоқлар ҳам қиради” [Ҳоди Зариф, 1999: 85]. Шоирнинг кўнгил шивирти билан айтган фаразини олим илмий асосда далиллайди.

Ҳ. Олимжон дoston воқелигини яхлит олиб, илмий-назарий мушоҳада этиб, имкон қадар асар ҳақида тўлиқ тасаввур туғдиришга интилган. Шоирнинг ички сезгиси ва мушоҳада қуввати масалаларни маълум изчилликда, узвий тартибда чуқур илмий асосда баён этишига имкон берган.

Ҳамид Олимжон аввало шоир эди. Шоирнинг илмий фикрлаш тарзида образлилик устун туради. Бу табиий. Ҳамид Олимжон ўз илмий қарашларини фавқулodда қуйма ташбех,

киёсларда ифодалаб берган. Ўзининг оммабоб илмий услубини намоён қилган. У ўқувчиларга бахшини, бахши репертуарида бу дostonнинг ўрнини шундай таништиради; “Алпомиш” унинг шоирлик бешиги бўлган” [Ҳамид Олимжон, 1999]. Қисқа, лўнда куйма таъриф. Ҳамид Олимжон дostonнинг мавзу кўлами ғоясини аниқ кўрсатар экан, уларни бир-бир санаб тавсифлайди. “Бутун асрлар ва халқларнинг мангу мавзуи бўлган севги-мухаббат темаси “Алпомиш” дostonининг асосига солингандир... Халқ онгида гўзаллик идеали – мардлик, адолат, ҳақиқатнинг ҳокимлиги идеали билан ажралмас боғланган. Одамгарчиликнинг бирор кун қатъий енгажаги халқ онгида шубҳасиз. Бунинг учун мард бўлмоқ ва душманлар билан олишмоқ лозим.

Адолат ўрнатмоқ учун ботир бўлиш зарур. Мақсадга етмоқ учун курашмоқ лозим. “Алпомиш”да мардликнинг тарғиб қилиниши ана шундан келиб чиққан.

“Алпомиш” мардлик дostonидир. Алпомиш ўлим ўлдирмайдиган одам тўғрисидаги дostonдир” [Ўша мақола, 85-86]. Ушбу тавсифда нафақат шоир дostonдан илғаб англаган моҳият, балки унинг ифтихори, ибрат тимсоллари ва орзу-армонлари ҳамда ички даъвати ҳам ифода қилинган. Шоир таъкидлайди: “... халқ ботир Алпомишни ўз хаёлида “ўтга солса куймас, қилич солса ўтмас, милтиқ отган билан ўқи ботмас” килиб яратган” [Ўша мақола, 86].

Шоир дostonдаги метафора, истиора ўхшатиш каби шеърий санъатларга тўхталар экан: “Бу метафора-истиоралар ҳам мураккаб, ҳам гўзал, ҳам бир куйма холга келгандир” [Ўша мақола, 94], деб ёзади.

Шоирнинг дostonдаги шоҳ байтларини териб, Алпомиш, Барчиной образлари мисолида халқ қаҳрамонларига берган баҳолари моҳиятан барча эпос қаҳрамонларига бирдек тегишли ва фольклоршунослик барқарор экан ўз қимматини йўқотмайди. Барча даврлар ва авлодлар учун христоматив мезон сифатида ўринини сақлаб тураверади.

Ҳамид Олимжон фольклорнинг, жумладан, “Алпомиш” достонининг замонавий адабиёт учун нақадар зарурий манба эканлигини алоҳида таъкидлайди. “Ниҳоят, “Алпомиш” бизнинг ёзувчиларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир” [Ўша мақола, 95], деб ёзар экан, муаллиф бу аҳамиятни аввало қуйидаги моҳиятда англайди: “Бизнинг ёзувчиларимизга фольклорни билиш қанчалик зарур эканлигини “Алпомиш” кўрсатур. Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш ва ниҳоят, умуман айтганда ўзбек адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк бўлур” [Ўша мақола, 95-96]. Шоирнинг ушбу сўзлари бугун ҳам аҳамиятга эга ва барча учун ибратли ўғитдир.

Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаки ижодига, дoston ижрочиларига, хусусан “Алпомиш” дostonи ва Фозил шоирга меҳри алоҳида эди. Бу меҳрни шоирнинг шеър, дostonлари, мақолаларидан аниқ илғаймиз. Умуман шоир ижодидаги фольклор билан вобасталикни биргина фольклоризм атамаси камровида ўлчаб бўлмайди. “Ҳалво деган билан оғиз чучимас” деганларидек, атама воқелик қийматини тўлиқ қамраб ололмайди. Ҳамид Олимжон ва фольклор шоир ижоди ҳамда илмий меросида эт билан тирноқдай уйғунлашиб кетганлигини, бирлигини “Куйчининг ҳаёли” [Ҳамид Олимжон, 2019:37-40] деб номланувчи шеър мисолида ҳам аниқ кўришимиз, кузатишимиз мумкин. Ўзбек тилида ола деган сўз бор. Бу сўз мифологиямизда, маросимларимиз, урф-одат, иримларимизда, фольклоримизда алоҳида ўрин тутади. Оддий мисол: момоларимиз бало-қазодан асрайди, деб гўдақларига оқ, қора ипни эшиб ола ипли тумор осади. Кўзmunчоқнинг ранги ола. Гўрўғлини ҳам олабия “она” бўлиб эмизиб улғайтган. Санокни янада давом эттириш мумкин. Бир сўз билан айтилса бугун дунёга танилган япон, корейс, хитойларга тегишли деб баҳоланувчи ин-ян белгиси, атама ва тушунчасини муқобилида биз туркларнинг оддийгина ОЛА рангли тушинча, белги,

англамимиз туради. Ола – оқ-қора, иссиқ-совуқ, тун-кун, киш-ёз, эркагу аёл каби ёнма-ён келувчи тушунча, англамгина эмас, умуман бир-бирига уйғунлашаган, эшилган яхлит ходиса эканлигини ифодаловчи, англам, тасаввурлар оламидир ранг. Бу ердаги зидлаштиришда бирлик ҳам бор. Ҳамид Олимжон ижоди ва фольклор ана шу рангдадир.

“Куйчининг ҳаёли” шеъри атоқли бахши-шоир Фозил Йўлдошга бағишланган. Рақамланиб олти қисмга ажратилган. Ҳар бир қисм маълум бир ички маъно-мазмунга эга ва бу маънолар ўзаро эшилиб, ҳаёлдек бирлашиб яхлит бир умумий гоя ва фикрга хизмат қилади.

Шеърнинг 1,2,4,6-қисмлари 3 тўртликдан, 3-қисм 4 тўртликдан, 5-қисм 5 тўртликдан жами 21 тўртликдан ташкил топган. Эҳтимол тасодифдир аммо бу сон “Алпомиш” дostonидаги: алпнинг болалик-7 йил, балоғат-7 йил, камолот-7 йиллик, жами рамзий 21 йиллик санокқа тўғри келади.

Шеърнинг 1,3,5,6-қисмлари: а,б,а,б кўринишда; 2,4-қисми а,а,б,а шаклда қофияланган бўлиб, 11 бўғинли эпик ва маросим кўшиқларида кенг қўлланилувчи оҳанг йўлида ёзилган. Туркий шеърятдаги бу оҳанг йўли скрал матнлар оҳанг йўли саналади.

Шеърнинг биринчи тўртлиги мазмундан этнос ҳаёти, тақдирининг эпосда бадий акс этишини куйма шеърый шаклда айтилган таъриф эканлигини кўрамиз:

Бу ҳаёл сўнгсиздир, осмон каби кенг,  
Бу ҳаёл тугамас ҳеч ҳали-бери.  
Унинг бойликлари умрларга тенг,  
Ҳамон белгисиздир бошланган ери.

У сира тўхтамас, тошар доимо,  
Қилиб бўлармикин уни ҳеч баён?  
Чўлларда дарбадар, тоғларда танҳо,  
Ҳар кеча янги сир бўлади аён...

Сўзсиз ҳикоялар, энг буюк сирлар,  
Бирдан тилга келар дарёдай тошиб,  
Юзлаб қабилалар, ўнлаб асрлар  
Унинг осмонидан ўтар адашиб...

Шеър навқирон шоирнинг кекса куйчига мурожаатидек англанади. Навқирон шоир ўз хаёлини кекса куйчи хаёлига бўйлайди. Уни идрок этишга, интилади. Куйчи хаёлининг гардишсиз осмон каби кенглиги, сўнгсизлиги, бойлиги, бошланган ерининг белгисизлиги, қайнаб тошишини баён этиб бўлмаслигидан ҳайрат туяди. Бу улкан СИР олдида лол қолади. Эътибор этилса хаёл сўзи шоир қўллавида нақадар кенг маъно камровига эга бўлаётганини англаймиз.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи кўшиқлар бевосита “Алпомиш” воқелиги боғлиқ ўй-фиклар, мушоҳадаларни ҳикоя қилади.

«Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча»,  
Куюш уйкусига тўйиб тургунча,  
Кўзи ёшлиқларнинг бордир йўлдоши,  
«Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча...»

Шоир дoston кўшиқларидан мисралар олиб уларни ўз кечинмалари, дoston ғоясини очувчи фикрлари ўзанида янгратади.

Қирғоқларга урар дарё ўзини,  
Осмон куршамишдир тупроқ юзини.  
Баҳорий даштларга, гул водийларга  
Ой Барчин тикмишдир қора кўзини...  
«От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Урушда билинар марднинг сараси»,  
Олтойчалик йўлда қолган шўр элнинг  
Кўринарми юлдузининг қораси?

Бешинчи кўшиқда навқирон шоир ўз орзу-армонларини кекса куйчи хаёлари ва кўшиқлари мағзидаги кўчинма, туйғуларга мос келишини эпоснинг этнос хаётидаги эврилишлар, юксалиш ва қуйи энишларни тимсолий

ифодалаётганини ва ўз даврининг бу дostonнинг қайси бўғини мос келишини фикр қилади, хулосаларини айтади:

Куй кўпдир, кўшиқлар шу осмонни  
Беркита олади булутлар қадар;  
Куй кўпдир, кўшиқлар миллионча жонни  
Кўзғота олади, мухтарам падар!

Куй кўпдир, ҳар юрак сақлайди армон,  
Куй айтиб доимо қушлар чийиллар;  
Куй берар юракка ҳордиқ ва дармон,  
Куй айтиб учади беватан еллар.

Куй кўпдир, исёнкор дод кечасида —  
Беномус этилди куйчининг қизи;  
Куй кўпдир, куйчининг пешонасида  
Жазо отрядининг товонин изи.

Дорларга осилди жувоннинг эри,  
Кўшиқлар этилди мажруҳ ва бетоб,  
Саҳрони қоплаган элнинг шоири  
Қолиб кетди чўлда бекитоб.

“Куйчининг хаёли”даги сўнги кўшиқ некбин оҳангда яқун топган. Бу некбинлик замонасозлик эмас. Фольклорий яқунга уйғунликдир:

Куй айтар булутлар ичидан инсон,  
Куй керак мардона, жувон ҳаётга.  
Куй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,  
Ота, кўшиқ айтган етар муродга!

Қисқача хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ҳамид Олимжоннинг “Куйчининг хаёли” шеъри бир неча қат, сатҳда талқин олувчи ва тадқиқотчилар қайта-қайта мурожат қилувчи адабиётимиздаги кам сонли шеърлардан бири ҳисобланади. Шундай қатлардан бири шоир ижодининг фольклор оҳанглар,

образ тимсолари, ғоя ва мазмунига ҳамоҳанг “ола” рангли эканлигидадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳамид Олимжон. Сўзбоши ўрнида / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент, Фан. 1999. 89-98 бетлар.
2. Ҳамид Олимжон. Сўзбоши ўрнида / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент, Фан. 1999. 84-б.
3. Ҳоди Зариф. “Алпомиш” эпосининг асосий мотивлари / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент, Фан. 1999. 85 -бет.
4. Ҳамид Олимжон. Сўзбоши ўрнида / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент, Фан. 1999.
5. Ўша мақола. 85-86 – бетлар.
6. Ўша мақола. 86 - бет.
7. Ўша мақола. 94 - бет.
8. Ўша мақола. 95-бет.
9. Ўша мақола. 95-96-бетлар.
10. Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар.Тошкент. 2019, 37-40 -бетлар.
- 11.“Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. Тошкент, Фан. 1999. 179 саҳифа.
12. Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар.Тошкент. 2019. 321 саҳифа.



## **ҚЎРҚУТ ОТА ҲАҚИДА ҚОРАҚАЛПОҚ АФСОНАЛАРИ**

**Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич\***

*Аннотация.* В данной статье автор высказывает свое мнение о творчестве народного сказителя, общего для всех тюркских народов, великого старца деде Коркуте. Автор анализируется этимологическое значение слова «Коркут» и легенды, связанные с дедом Коркутом и которые широко распространены среди каракалпаков. Автор статьи с научной точки зрения подходит к вопросу выявления места и роли деда Коркута как мудреца, святого, старца, старейшины, народного сказителя. Содержание, уникальность, значимость каракалпакских легенд о деде Коркуте подтверждены примерами.

**Ключевые слова:** огузы, кипчаки, легенда, сказитель, этимология, кобыз, мелодия.

Биз тарихга назар ташласак, ҳозирги кунгача қанчадан-қанча улуғ донишмандлар, ақл-заковат эгалари ва авлиёлар яшаб, ҳаёт кечирганлигини, эл-юрти, унинг озодлиги ва бахтли келажаги учун жонини фидо қилган мард, жасур ўғлонларнинг ўтганлигини кўрамиз. Улар ҳақида адабий, тарихий маълумотлар ёзма манбаларда ва халқ оғзаки ижоди афсоналари билан шажараларда айтилиб, бугунги кунимизгача етиб келган. Уларнинг орасида Қўрқут отанинг исми барча туркий халқларда, шунингдек, қорақалпоқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Қўрқут ота ҳақида туркий халқларда ҳар хил

---

\* Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази доценти, филология фанлари доктори. E-mail: pks1965@mail.ru

афсоналар тўқилган. Қўрқут отага тегишли мерослар қорақалпоқлар орасида фақат, оғзаки шаклда эмас, балки ёзма тарзда ҳам кенг миқёсда тарқалганлиги маълум. Масалан, 1906 йили академик А.Н.Самайлович қорақалпоқлар орасида бўлиб, Хўжайли шаҳрида яшовчи Мулла Зариф исмли одамдан кўпгина эски қўлёзмаларни олган. Уларнинг ичида «Қўрқут Баҳадур» номли қўлёзма ҳам бўлган. Қўлёзманинг атамаси: «Қўрқут (қурт) баҳадур ва унинг ҳаёли Халима Қиник подшонинг қизи» (Бу манбани тарихчи олим О.Юсупов собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг Ленинграддаги бўлимидан топган), деб аталган. Шунингдек, Қорақалпоғистонда XX асрнинг 1920 йилларигача фаолият юритган Қорақум ийчан мадрасасида кўпгина табарик китоблар билан бирга «Қисса Қўрқут ота ёки Аксан шайх» номли қўлёзма ҳам бўлган [Юсупов. 1993: 7]. Бундан бошқа барча туркий халқларга маълум бўлган Қўрқут ота исми билан боғлиқ «Китаби дадам Қўрқут» ёзма ёдгорлиги мавжуд. Бу ёзма ёдгорлик Ўрта асрларда Сирдарё соҳилларини макон қилган ўғуз-қипчоқ қавмлари бирлашмасида пайдо бўлиб, ҳозирги вақтда Дрезден (Германия 12 та жир) ва Ватикан (Италия 6 та жир) кутубхоналарида сақланади. «Китаби дадам Қўрқут» эпосининг сюжетлари Ўрта асрларда Орол бўйларида яшаган ўғуз-қипчоқ, печенег-салор қавмлари бирлашмасида шаклланиб, номаълум муаллиф томонидан XV асрда Кавказда хатга туширилган [Қоңыратбаев. 1987: 185]. Лекин, эсдалиқнинг сюжети VIII-XI асрларда Сирдарё бўйларида яшаган ўғуз қавмларининг ташқи ёвларга қарши олиб борган қаҳрамонлик курашларини тараннум қиладиган фольклор услубида ёзилган.

Умуман «Китаби дадам Қўрқут» каби тарихий, адабий-фольклор услубида ёзма равишда битилган эпоснинг шаклланиши ва ушбу эпосда улғу жиров, билимдон, донишманд қария образида қатнашадиган қаҳрамон - Қўрқут ота ким, деган ҳақли савол туғилади. Олимларнинг илмий тадқиқотларига, тарихий манбаларга ва шажараларга қараганда Қўрқут ота

хақиқий реал ҳаётда бўлган, тарихда яшаган шахс. Унинг онаси Қипчоқ қавмидан бўлиб, отаси эса Қора-хожа (Рашид-ад-дин ва Абул-Ғози шажараларида Қўрқутнинг отаси Қорахожа деб кўрсатилади - П.К.) огузларнинг Қайы (қайыспас) қавмидан чиққан[Қазақ совет энциклопедияси. 1975: 422].

Шундай экан, Қўрқут ота ўз замонида ўғузларга ҳам кипчоқларга ҳам бирдек ҳисобланган улуғ мутафаккир, донишманд авлиё, отақли жиров ва шоир, эл оқсоқоли бўлган одам. У тахминларга кўра VII-XI асрларда яшаб, Сирдарё сохилларида, ўғуз қавмларининг қароргоҳи Янгикент шаҳрида, шунингдек, Сиғноқ, Саврон шаҳарларида, Баёт элида дунёга келган. Лекин, унинг аниқ қайси асрда, қайси йили туғилгани ҳозирча аниқ маълум эмас. Бу ҳудудлар ўрта асрлардаги ўғуз, печенег, кипчоқ қавмларининг истиқомат қилган жойлари ҳисобланади. Профессор М.Жўраев: «Ўғузларнинг тимсоли бўлган Қўрқут ота образи ва у билан боғлиқ илк афсоналар ҳам айнан шу ҳудудда юзага келган»[Жўраев. 2020: 171], - деб ёзади. Агар тарихий манбаларга назар ташласак, бу жойлар қорақалпоқларнинг шаклланишида катта роль ўйнаган ва қорақалпоқларнинг ота-боболари ҳисобланади. Шундай экан, Қўрқут отани бошқа туркий халқлар каби қорақалпоқларнинг ҳам ўз донишманди деб ҳисоблашга тўлиқ асослар бор.

Илмий тадқиқотларда бугунги кунгача «Қўрқут» сўзининг этимологияси аниқланган эмас, у ҳақда олимларнинг ҳар хил тушунчалари бор. Масалан, қозоқ олими Ө.Жақыпов «Қўрқут» икки асосий сўздан бириккан сўз: Қор-қут, яъни қут хазиnasi, сўзлар гавҳари, бахтлилик манбайи, ўрдаси ва ҳаказо. «Қут қонған, бақ дарыған» деган сўзлар синоним бўлади. Қозоқ тилидаги сўзларнинг иккинчи бўғинларида ҳам эшитиладиган: о, ө, у, ү тавушлари, е, ы товушларининг бири билан ўрин алмашади. Ушбу қонун бўйича «Қор-қўт» сўзи туташ айтилиб, «Қорқыт» бўлиб фонетик ўзгаришга учраб, бириккан тубирли от сўзга айланган[Жақыпов. 1991: 26-28], - деб ёзишса, Сэбитғазы Ақатаев: «Қорқыт, Қорқут (Қор-жер асты, қут-жан) исми билан

одамлар машайқлик жараёнига учраган шаманистлик мифология излаштиради[Ақатаев.1990], - деб ёзади.

Бу айтилганлар балким, тўғри бўлиши мумкин, лекин, «Кўрқут шу одамнинг ҳақиқий исми эмас, унга қўйилган «лақаб», «лавозим даражаси» бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Кўрқут сўзи ҳақида фикр билдирган профессор А.К.Боровков қуръоннинг XII-XIII асрлардаги Ўрта Осиёлик сўзма-сўз таржимаси ва комментарийсининг лексикасини кўриб чиқиб ушбу матнда феълнинг «Кўрик», «Кўрқитиш» сўздан келиб чиққан иккинчи бир исм – «Кўрикқанлар», яъни динчил, динга ишонувчилар (худодан кўрикқанлар) деган маънонинг бор эканлигини аниқлади ва «Кўрқитган», «Кўрқитувчи» сўзлари, одатда араб тилига таржима қилинганда «раис – эл оғаси, элчи, устоз, насихат айтувчи, раҳбар» каби маъноларни беради[Боровков. 1968:163-165]. Академик В.М.Жирмунский «Тюркский героический эпос» (1974) тадқиқотида А.К.Боровковнинг ушбу фикрларини маъқуллайди ва Кўрқут сўзи шундай маънони бериши ҳам мумкин ва ўзининг келиб чиқиши бўйича ҳам лақаб исми бўлиши керак, - деб кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам бу олимларнинг фикри тўғри бўлиши ҳам мумкин. Сабаби, илгари даврларда яшаб ўтган улуг шахсларнинг кўпчилиги тарихда ўз исмларидан ташқари иккинчи бир исм билан ҳам аталиб, танилган. Масалан, Темучин – Чингис, Муҳаммад Тарағай – Улуғбек, Салаҳатдин Муса – Қазызада Румий ва ҳоказо. Шунингдек, Кўрқут ота ўз халқи орасида юқори обрuga эга, кўпни кўрган, кўп яшаган донишманд одам бўлган. Масалан, кўпчилик ёзма манбаларда у 95, яна бирида 195 йил умр кечирган деб кўрсатилса, тарихчи Абулғазӣ Баҳадурхан «Шажараи тароқима» асарида Кўрқут ота 295 ёш яшаб, уч хоннинг хонлик қилган даврида вазирлик қилган[Кононов.1958: 57], - деб ёзади. Ҳақиқатдан ҳам Кўрқут ота кўп яшаган бўлиши керак. Буни унинг Кўрқут исмига ота сўзи қўшилиб айтилиши, шунингдек, халқ орасига кенг тарқалган «Қайда борсанг ҳам Кўрқутнинг гўри» каби

афсоналар тасдиқлайди. Масалан, қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган ушбу афсонадан мисол келтирайлик:

«Қўрқут жуда қариганлигидан ҳам уни халқ яхши кўриб хурмат қилган ва у қачондир бўлса ўладику, - деб гўрини қазиб кўйган. Бир пайшамба куни Қўрқут қабристонга борса қазувли турган гўрни кўрибди. Одамлардан бу кимнинг гўри? – деб сўрашибди. Одамлар Қўрқут отанинг гўри, дебди. Қўрқут кўрқиб кетибди. Боришса у овулда ҳам гўр қазаётган одамларнинг устидан чиқибди. Бу нима деб сўрашса, бу Қўрқут отанинг гўри деб жавоб берибди. У ажалдан қочиб кўп юртларга боради. Охирида ўлсам ўз элимда ўлайин, - деб қорақалпоқларнинг орасига қайтиб келади [Пахратдинов. 1989: 54].

Қўрқут отанинг ўлимдан кўрқиб қочганлиги ҳақидаги афсоналарнинг қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида бир нечта вариантлари мавжуд. Уларнинг ҳаммасида ҳам Қўрқут отанинг ўлимдан кўриққанлиги, кўрқиб қочганлиги сўз қилинади. Шунинг учун ҳам, Қўрқут сўзининг этимологиясини «кўриқ», «кўрқув», «кўриққан» деган маънони билдиради дейишганида ҳам асос бор. Балким, бу афсонанинг халқ орасида пайдо бўлиши ушбу одамнинг исмининг Қўрқут бўлиши туфайлидур. Ҳақиқатдан ҳам у донишманд одам бўлганликдан ўлимга қарши курашиб, одамларга тирикчилик, бахт қидирган бўлиши мумкин, ёки бўлмаса у ўлимдан кўрқиб қочганлиги сабабли халқ орасида асосий исми қолиб «Қурқут ота» тахаллуси билан тарқалган бўлиши керак. Аслини олиб қораганда, афсоналар халқнинг оғзаки бадиий мероси. Лекин, ривоят, афсоналар ўзининг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёнида ҳақиқий тарихда яшаган шахслар ҳақида, тарихий ҳодисалар ҳақида бўлиши ва унинг сюжет тизимида тарихий ҳақиқатнинг излари сақланиб қолиши ҳам табиий. Лекин, вақт ва йилларнинг ўтиши билан авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келганлиги боис, мазмунида ва тузилишида тарихий ҳақиқатнинг излари йўқолиб боради.

Юқоридаги афсонанинг сюжет тизими ва композициясида тарихий қаҳрамон Қўрқутнинг образи сўз этилгани билан, у халқнинг тафаккури, орзу-истакалари билан боғланади. Қўрқут тимсоли орқали баён қилинган ўлимга қарши кураш кўп, узок яшашни орзу қилиш, келажакка ишонч билан қараш, гўзал, мазмунли ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиш, буларнинг ҳаммаси халқнинг умр бўйи истаги бўлиб келган. Афсонада қандай қилиб бўлмасин одам умрини узайтириш, ер юзида тирикчилик дунёсини узок сақлаш, қўбиз ва куйни улуғлаш ғояси тараннум қилинади.

Бундан ташқари Қўрқутнинг ўлимдан қочганлиги ҳақидаги баъзи афсоналарнинг сюжетида диний тасвирлашлар, ислом динига боғлашлар ўрин олади. Масалан, юқоридаги афсонанинг ўзидаёқ Қўрқут аввало ислом қоидаларига қарши чиқиб, ўлимдан қочганлиги билан, охир-оқибат ундан қочиб қутилиш мумкин эмаслигини билиб, тақдирга тан беради. Яна бир афсонада Қўрқут худога «мен ўладиган бўлсам қирқ йил илгари хабар бер, деб худо билан тиллашади. Аллоҳ таоло унга розилик бериб, бир куни хабар беради. Буни эшитиб Қўрқут ўлимдан қўркиб қочиб юради. Иккинчи бир афсонада мифологик-фантастик ифодалар аралашиб юради. Масалан, Қўрқут ота ўлимдан жуда қўрқади. Қандай қилиб, ўлимдан омон қолиш йўлларини қидиради ва бунинг жавобини тоғлардан, денгизлардан сўрайди, улар билан гаплашади. Афсоналар оғзаки халқ ижодиёти бўлганлиги боис, уларнинг сюжетида реалистлик тасвирлар билан бирга, халқнинг ўй-фикрлари, чексиз орзу-умидлари тасвирланиб ўтилади. Масалан, бир афсонада у ўлимдан қочиб қутилиш мумкин эмаслигини билиб, охир-оқибат сув юзига гиламни ёйиб юбориб, унинг устига ўтириб олиб, қўбизини чалиб бораётганлиги, шунингдек, Қўрқутни сув илонининг чақиб ўлдириши тасвирланган бўлса, иккинчи афсонада Широқ шаҳарининг қирқ қизининг қарғиши сабабли, унинг тошга айналиб кетиши каби тасвирлашлар ўрин олади. Бу

тасвирлашлар халқ афсоналарида эртақ сюжетларининг аралаш ҳолда қўлланганини кўрсатади.

Ўтган асрнинг ўрталарида Қ.Муратов, Н.Нареновлар Қўрқут ота ҳақида халқ афсоналарини нотўғри талкин қилиб, ҳеч қандай исботларга суянмасдан газетада танқидий мақола эълон қилади [Наренов. Муратов. 1952]. Биз дунё адабиётларига, қадим даврлардаги халқ мифларига ва афсоналарга эътибор берсак, Қўрқут ота каби ўлимга қарши курашган образларни кўплаб учратишимиз мумкин. Улардан грек мифидаги Прометей, осетин афсонасидаги амран, индия афсонасидаги Сидхарт ва ҳаказолар шундай образлар ҳисобланади. Умуман Қўрқут отанинг Аллоҳ таоло буйруғига қарши чиқиб, ўлимдан кўркиб қочиши, ажалга қарши курашиши – бу афсонанинг мусулмон динидан кўп илгари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам академик В.В.Бартольд: «Қўрқут ҳақида легенда да у мусулманларнинг авлиё адамидек мусулман динигача ишончнинг излари сақланган» [Жирмунский. 1974: 551], - деб ёзади.

Туркий халқлар орасида, шунинг ичида қорақалпоқлар орасида Қўрқут отанинг исми ҳозирги кунгача ҳурмат билан тилга олинади. Уни қароматли авлиё сифатида таниб, биринчи бўлиб қўбизни ва куйни ўйлаб топувчи, қўбизнинг пири деб юритади. Қадимда одамлар ҳар нарсанинг пири бўлади деб тушинган. Масалан, Жилқининг пири Жилқоши ота, молнинг пири Занги боба, туянинг пири Уайсил қора, чиғирнинг пири Найлаж боба ва ҳ. Шу каби қўбизнинг пири деб Қўрқут отани тушинган. Бу ҳақда халқ орасида кўпгина афсоналар тарқалган. Шулардан бирини мисол тариқасида келтирайлик: «Қўрқут ота ёғочдан қўбиз ишлаб, куй чалишни армон қилибди. Кўп ёғошларни ёнишса ҳам ишлаётган қўбизидан хулоса чиқара олмапти. Қўрқут отанинг қўбиз ишлаётганини шайтонлар кўриб, Қўрқут отадан қўбизингни кўрсат деб сўрашса, Қўрқут ота уни шайтонлардан яширипти. Ундан сўнг Қўрқут ота ўрмондан чиқиб кетадиган одамга ўхшаб яшириниб бориб, иккинчи йўл

орқали секин, шайтонларнинг сўзини тинглабти. Шайтонлар Қўрқут ота ҳақида қуйидагича гап қилаётган экан: «Қўрқут ота жуда ажойиб ишни бошлаб охирига етказа олмади. Агарда ўрмондаги тўнғиз суйканган қуриган жигилдик жийданинг ёғочидан қўбизни ёнишса, ундан тўстаган чиқарса, унинг тўстаганини бакировуқ туянинг бош териси билан қопласа ва унга қиснағич отнинг думидан олиб қил тақса, кумлоқда, тоғда ўсадиган сассиқ қуврайнинг ширасидан суртса, қилнинг остидан кўтариб турадиган кўҳна қабоқдан ёниб тийак солса, жуда овози жаранглайдиган ажойиб асбоб бўлган бўлар эди». Қўрқут ота шайтонларнинг бу сўзларини эшитиб изига қайтиб уларнинг айтганидек қилиб қўбизни ишлаган экан, ҳар хил куйга чалинадиган соз асбоби, жуда яхши қўбиз бўлибди. Қўрқут ота қўбизни ҳар хил куйга чалиб юрибди. Мана шу-шу экан, шу кундан бошлаб Қўрқут ота қўбизнинг пири деган ном олибди»[Айымбетов. 1968: 75].

Афсонада кўрсатилганидек Қўрқут ота ҳақиқатдан ҳам жировларнинг энг эски асбоби қўбизни ўйлаб топганми? У томони бизга аниқ маълум эмас. Лекин, қўбиз мусиқа асбобларининг энг эскиси. Буни тарихий манбалар ҳам тасдиқлайди. Қўбизда куйловчиларни қорақалпоқларда жировлар деб атайдди. Унинг энг дастлабки отаси сифатида биз Қўрқут отани биламиз. Бироқ бундан Қўрқут отадан олдин жировлар бўлмаган деган тушунча келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, тарихда бир нечта жировлар ўтган бўлиши мумкин, лекин улар ҳақида маълумотлар бизга келиб етмаган. Қўрқут ота қўбизни ўйлаб топгани учун халқ уни «Қўбизнинг пири Қўрқут ота» деб атаб келганлигининг сабаби ҳам, у ҳақида ушбу афсонанинг пайдо бўлиши ҳам Қўрқут отанинг даслабки жировларнинг отаси бўлганлигидан бўлса керак.

Хулоса қилиб айтганда, Қўрқут ота туркий халқларнинг бобоси, афсонавий куйчи, ўзон, шомон, доно ва доншманд жиров сифатида улуғланади.



### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Айымбетов Қ. Халық даналығы. Қарақалпақстан, – Н.: 1968. – Б.75.
2. Ақатаев С. Түсімде Қорқыт атам аян берди //«Қазақ әдебиети» газетасы, 1990. 10-ақпан.
3. Боровков А.К. Очерки истории узбекского языка. Лексика среднеазиатского тафсира. XII-XIII вв. Уч. Зап. ИВАН, Т. XVI, . – М-Л.: 1968. – С.163-165.
4. Жакыпов Ә. Қорқыт атам не дейди? // Зерде.1991. №10. – Б. 26-28.5. 5. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Наука. –Л.: 1974.– С.551.
6. Жұраев М. «Китаби дадам Құрқут» ва мифологик образлар эволюцияси // Туркий ёзма ёдгорликлар ва фольклор (қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар асосида). Tafakkur avlodi, – Т.: 2020. – Б.171.
7. Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-газы хана Хивинского. АНСССР, М-Л.: – 1958. –Б.57.
8. Қазақ совет энциклопедиясы. 6-том. – Алматы, 1975.– Б.422.
9. Қоңыратбаев Ә. Қазақ эпосы және түркология. Ғылым, – Алматы, 1987. –Б.185.
10. Наренов Н. «Қорқыт» легендасының реакциялық характери хақында //«Қызыл Қарақалпақстан» газетасы. 1952, 11-июнь. Муратов К. Балаларды надурис тәрбиялайтуғын идеясыз китап // «Қызыл Қарақалпақстан» газетасы. 1952. 24-май.
11. Пахратдинов Ә. Мәнили гәплер хәм халық әпсаналары. Қарақалпақстан, –Н.: 1989. – Б.54.
12. Юсупов О., Қәлиметов А. «Қарақалпақстан» баспасына 60 жыл. Қарақалпақстан, – Н.: 1993. – Б. 64.

## **ТУШ МОТИВИ ВА УНИНГ ЭПИК АСАРЛАРДАГИ БАДИИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

**Нарзикулова Манзура\***

***Аннотация:** Маколада ўзбек фольклори асарлари ва ёзма адабиётда халқнинг эътиқодий қарашлари, рамзлар орқали қаҳрамонлар руҳий холати, юксак бадиий-эстетик завқи, ўй-хаёллари, орзу-истаклари, эътиқодий инончлар ва мифопоэтик қарашлари, қадимий асосларга эга бўлган сюжет элементларидан бири ўзбек халқ дostonларида қўлланилган фольклорга хос анъанавий туш кўриш мотиви ҳақида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:** туш, сюжет, фольклор, дoston, эртақ, баҳши, адабиёт.*

Маълумки, ўзбек халқ дostonларининг сюжет курилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар ғоят ранг-баранг бўлиб, уларнинг шаклланиши жараёни бадиий тафаккурнинг изчил тараққиёт билан бевосита боғлиқдир. Кўпгина анъанавий мотивларнинг юзага келиши ва шаклланишига асос бўлган бирламчи манба ҳаётий воқелиқдир. Одамларнинг кундалик турмуш тарзи, ўй-хаёллари, орзу-истаклари, турли урф-одат ва маросимлар, эътиқодий инончлар ва мифопоэтик қарашлар эпик мотивлар тизимининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ана шундай қадимий асосларга эга бўлган сюжет элементларидан бири ўзбек халқ дostonларида қўлланилган фольклорга хос анъанавий туш кўриш мотиви тасвиридир.

Туркий халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиётида туш мотиви мавжуд бўлмаган бирор-бир эпик асарни топиш

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ходими, филология фанлари номзоди

мушкуллиги ҳам бу анъанавий мотив бадий матн контекстида муҳим ўрин тутишини кўрсатади. “Туш манзараси бўлмаган эртақ ёхуд дostonларимиз камдан-кам учрайдики, уни ўрганмасдан туриб, халқ ижоди намуналари замиридаги маъно-моҳиятни тўлиқ англаб етолмаймиз” [1.Эшонкул Ж. 1999: 103–104.]. Жаббор Эшонкуловнинг фикрича, “туш мотиви оғзаки ва ёзма адабиётнинг барча: эпик, лирик, драматик турлари, жанрлари учун хосдир. Бироқ, у фольклорда ўз бадий-эстетик табиатини дostonлар сюжети, композицияси таркибидагина тўла намоён қилади. Ҳаётда туш кўриш инсон ихтиёридан ташқари кечади. Дostonларда эса у маълум бир мақсадда асар таркибига киритилади. Дostonлардаги туш маъноси, одатда, таъбирчи (бирор қахрамон) томонидан таъбир қилиниб, бутун асар давомида ўз тасдиғини топиб боради” [2.Эшонкул Ж. 2011: 47].

Туш мотивнинг ўзига хос жиҳатлари, тарихий-генетик асослари ва бадий матн структурасидаги семантик функциялари масаласи ўзбек фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида анча жиддий ўрганилган. Бу масалага бағишланган энг йирик ва тизимли тадқиқот профессор Ж.Эшонкуллов қаламига мансубдир. У ўзбек халқ оғзаки бадий ижодиётининг миф, дoston, кўшиқ, топишмоқ, эртақ ва маросим фольклори каби намуналаридаги туш мотивининг ўзига хос бадий ифодасини тарихий-қиёсий, рухий-таҳлил ва структурал-семантик методлар асосида таҳлил қилиб, туш мотиви эпик асар сюжетининг етакчи элементларидан бири эканлигини исботлаган[3.Эшонкул Ж.,1997:119-124; 4.1998:40–43; 5.2003:6–13; 6.2003:27–30; 7.2010:123–132; 8.2010:174–188.].

“Қисаси Рабғўзий”даги туш мотивларининг талқнларини ўрганган З.Шукурова ушбу манбадаги қуйидаги типларга бўлиб таснифлаган: 1) Таъбир ва тавсифга муҳтож бўлмайдиган аниқ ва равшан тушлар; 2) Маълум рамз ва маъноларга эга бўлган башорат тушлар тадқиқотда иккига бўлиб ўрганилган: а) хушхабардан дарак берувчи башорат тушлар; б) жиддий

синовлардан бохабар этувчи огоҳлантирувчи тушлар; 3) Баҳсталаб ҳолатларга ойдинлик киритувчи тушлар [9.Шукурова З., 2011:80–85].

Туш инсон руҳиятининг ўзига хос ҳиссий-эмоционал ҳолати бўлганлиги сабабли ёзма адабиётда ҳам бу деталга жуда кўп мурожаат қилинган. Шу боис, ўзбек адабиётшунослигида туш мотивининг бадиий асарлар сюжет-композицион тузилишидаги поэтик вазифаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбек фольклори асарлари ва ёзма адабиётда, жумладан, дostonлардаги туш мотиви халқнинг эътиқодий қарашлари, рамзлар орқали қаҳрамонлар руҳий ҳолати, тақдирини теран талқин қилиши, юксак бадиий-эстетик завқи, одатда, шеърини йўлда баён этилиши билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, туш кўриш ва унинг йўрими билан боғлиқ лавҳаларни тасвирлаш халқ оғзаки бадиий ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам ўзига хос анъана бўлиб келган. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида ҳам фольклорга хос анъанавий мотивлардан бири – эпик қаҳрамоннинг туш кўриши тасвири маҳорат билан баён этилган. Достоннинг йигирманчи бобида биринчи иқлимдан келган йўловчи-сайёҳ тилидан баён қилинган ҳикоятда қаҳрамоннинг туш кўриши лавҳаси тасвирланган. Унда ҳикоя қилинишича, ҳинд мамлақати шохининг ўғли Фаррух бир кечаси ётиб туш кўради. Шоир Фаррухнинг туш кўриши лавҳасини маҳорат билан тасвирлаган:

*Субҳ чун саждаи ниёз этти,  
Кўзига уйқутурк тоз этти.*

*Жилва қилгоч хаёли руҳоний,  
Минг сувар зоҳир ўлди пинҳоний:*

*Ўзини кўрди бир биёбонда  
Ким, улус беҳисоб эди анда.*

*Борча кўч аҳлю сафар хайли,*

*Бир тараф лек борчанинг майли.*

*Бор эди ул арода бир маҳмил,  
Бухтийи чарх ўлуб анга ҳомил.*

*Маҳмил устида махмали мушкин,  
Мушк сочиб нечукки нофои Чин.*

*Мутаҳаррик бўлуб насими сабо,  
Чунки маҳмилдин ўлди парда рабо.*

*Ул аморида худ пари эрди,  
Не пари, меҳри ховари эрди.*

*Ул қўёи ламъаси кул айлади пок,  
Нотавон жисмин ўйлаким хошок.*

*Боқти Фаррух чу ул тараф бетоб,  
Тўлун ойни ёшурди тийра саҳоб.*

*Улча етти қулоққа халқ дери,  
Бу эдиким: «Эрур бу Қудс ери».*

*Фаррух уйғонди сеқриб уйқудин,  
Кўзидин уйқу ўчти қайғудин* [10. Навоий Алишер, 1992:143–144].

Кўринадики, шоир бу ўринда маъшукани тушда кўриб ошиқ бўлиш ҳодисасини анъанавий туш мотиви воситасида тасвирламокда. Бу мотив ўзбек эпосида, хусусан, дoston ва эртақларда жуда кўп учрайди.

Атоқли бахши Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Алпомиш” дostonи сюжети курилишининг ҳар бир эпизоди бир-бири билан узвий боғланиб, бири иккинчисини тақоза этишига, ҳатто кичик бир ифода ҳам муайян поэтик вазифа бажаришига алоҳида

этибор билан қарайдиган дostonчидир. Дostonдаги бир пайтда уч жойда кўрилган Алпомиш, Барчин ва Қоражон тушларининг дoston сюжетидаги тасвирини дostonчи шундай бошлайди: “Алпомиш чўпонларнинг кўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди. Саҳар вақти чўпонларнинг кўшхонасига ётиб, бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри, бул ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ тукқан вақтда бир туш кўрди. Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрди. Учовининг туши олдин-кейин, дўғилиш кўрди” [11.Алпомиш, 2015:131]. Бахши тасвири бўйича, бу тушлар уч хил характерга эга бўлиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида бадий вазифаларни адо этади.

Нуротанинг Қоракиса қишлоғида яшаган таниқли киссахон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли эпик репертуарида қайд этилган “Юнус билан Мисқол” дostonида тасвирланишича, Гўрўғлибек йигирма ёши тўлиб, йигирма бир ёшга қадам кўйганида бир кеча ётиб туш кўрибди. “Шу кеча тушида бири ой бўлса, бири кун, бири гул бўлса, бири ғунча, бири асал бўлса, бири шакар, осмон билан ернинг оралиғида Юнус билан Мисқол парини кўрди.

Уйкудан уйғонганидан кейин эса, кўрган тушини баён қилиб, қирк йигитга шундай деб турган экан:

*Эй ёронлар, қадрдонлар тушимда,  
Нурга ўролмишман ичү ташимда,  
Икки пари, иккови ҳам қошимда,  
Бири ҳуру, бири пайкар кўринди.  
Бири эрмиш бу жаҳоннинг қуёши,  
Боз бири қамардай анинг тенгдоши,  
Бир-бирига ўхшар жилмайиб кулиши,  
Бири ёқут, бири гавҳар кўринди.  
Бири Юнус эмиш, бириси Мисқол,  
Бўлибман уларни кўрганда беҳол,  
Тушим чинму экан, ё бир масал,*

*Бир жоду, бири айёр кўринди*” [12.Гўрўғлининг туғилиши, 1996:127–128].

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Кунтуғмиш” достони достоларимизнинг энг сараси [13.Ҳоди Зариф, 1971:43–50]. Ўзининг сюжет тузилиши ва композицион қурилиши жиҳатидан ўзбек халқ дostonчилигида алоҳида ўрин тутган “Кунтуғмиш” достони қаҳрамони Холбекани тушида кўриб, унга ошиқ бўлиши билан бошланади. Холбека ҳам туш кўриб, унга кўнгил боғлайди. Ўз суратини чиздириб, бир сандиққа солади ва дарёга оқизиб юборади. Дарё бўйида йигитлари билан шикор қилиб юрган Кунтуғмиш оқиб келаётган сандиқни кўриб қолади ва дарёдан олиб чиқади. Унинг ичидаги сурат Кунтуғмишни бутунлай ишқ дардига мубтало қилади [14.Мирзаев Т., 1979:123]. Бошқа романик дostonларда эса, бир мотивни турли томондан бундай кенг изоҳлаш кўзга ташланмайди. Уларда бирини – ё тушида кўриши, ё суратни кўриши, ё бировнинг хабар бериши орқали қаҳрамон ёр излаб сафарга отланиши тасвирлана беради.

Қаҳрамоннинг бўлажак ёрини тушида кўриб ошиқ бўлиб қолиши мотиви ўзбек халқ эртақларида ҳам мавжуд. Бунда туш мотивининг эпик функцияси ўзга юртда яшовчи малика ёки гўзал қиз ҳақида хабар бериш ва шу асосда қаҳрамоннинг сафари йўналишини белгилашдан иборатдир. “Қирон ботир” эртагида тасвирланишича, подшонинг ўғли бир куни туш кўриб, тушида бир қизни кўриб ошиқ бўлиб қолибди [15.Олтин бешик, 1985:27]. “Ойпариди” эртагида эса, Ҳусанбой деган бир йигит бир куни хужрасида ётиб, бир туш кўрибди. Тушида бошида ой тукқан эмиш; оёғига кун тукқан эмиш; киндигига чўлпон уялаган эмиш. Чўчиб уйғонса, туши эмиш [15.Олтин бешик, 1985:165].

Қушларнинг қаҳрамон тақдири хусусида маълумот бериши мотиви “Аҳмаддон билан Лукмондон” эртагида ҳам учрайди. Ўғай онасининг тухмати туфайли ўлимга ҳукм қилинган ака-ука

Аҳмаджон билан Лукмонжонни ўлдиришга жаллодларнинг кўзи қиймай, чўлга қўйиб юборишади. Ака-ука бир тут дарахтининг тагида дам олмоқчи бўладилар. Аҳмаджоннинг уйқуси сергак экан, дарахтга икки куш келиб қўнганида уйғониб кетибди. Аҳмаджон куш тилини билар экан, шунинг учун кулоқ солиб ётибди: “Эй ўрток, – дебди биринчи куш, – пастда ётган одам мени отиб гўштимни еса, подшо бўлади”. Иккинчиси эса: “Мени отиб еса, вазир бўлади,” – дебди. Шунда Аҳмаджон икки кушни отиб туширибди ва бирини пишириб ебди [15.Олтин бешик, 1985:21–22].

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди ва ёзма адабиётида анъанавий туш мотивининг эпик талқинидан самарали фойдаланилган. Бу мотив сюжетни ташкил этувчи асосий воқеалар тизимининг қолипловчи ҳикоя атрофига уюшиши, персонажлар бадиий қиёфасини ҳиссий-эмоционал деталлар билан бойитиш ҳамда воқелик тасвиридаги узвийликни таъминлашга хизмат қилган. Туш мотивининг асосий вазифаси асарда тасвирланган ҳаётини воқеликнинг тўлақонли поэтик талқинини яратиш ҳамда асар персонажларининг характери, қиёфаси ва ички кечинмаларини тасвирлашга хизмат қилишдан иборатдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Эшонқул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 103–104.
2. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида таъбирчи образи талқини / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 47.
3. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш мотиви // Турк дунёси тил ва адабиёти. – Анқара, 1997. – № 4. – Б. 119–124.
4. Эшонқулов Ж. Туш ва таъбир // ЎТА. – Тошкент, 1998. – №2. – Б. 40–43.



5. Эшонкулов Ж. Ўзбек эртақларида туш талини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №4. – Б. 6–13.
6. Эшонкулов Ж. Ўзбек дostonлари тизимида туш талқинининг ўрни // ЎТА. – Тошкент, 2003. – №6. – Б. 27–30.
7. Эшонкулов Ж. Туш ва топишмоқ / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 2-китоб. – Тошкент, 2010.– Б. 123–132.
8. Эшонкулов Ж. Туш, маросим ва эпос / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 174–188.
9. Шукурова З. “Қисаси Рабғузий”да туш талқини // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2011. – 7-сон. – Б. 80–85.
10. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.10. – Тошкент, 1992.
11. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 1-жилд. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 512 б.
12. Гўрўғлининг туғилиши. Тўрт жилдлик. 1-жилд. Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, З.Хусаинова. – Тошкент, 1996.
13. Ҳоди Зариф. “Кунтуғмиш” дostonи ҳақида. “Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни”. Тадқиқотлар. 2-китоб. – Тошкент, 1971. – Б. 43–50.
14. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 152 б.
15. Олтин бешик (эртақлар). Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.

## **ЯНГА ОБРАЗИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАРОСИМЛАРИДАГИ ЎРНИ**

**Худойкулова Латифа \***

***Аннотация:** Мазкур мақолада туркий халқлар маросим фольклорининг ўзбекларда локал жиҳатдан янга, чеча, келинойи деб юритиладиган оила вакиласи – янга образи ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** Фольклор, этнография, халқ оғзаки ижоди, шомон, никоҳ тўйи, маросим, янга, чеча, келинойи.*

Ўзбекларда локал жиҳатдан янга, чеча, келинойи деб юритиладиган оила вакиласи – янга образи ўзбек маросим фольклорида кўп учрайди. Этнофольклористик кузатишларимиз янганинг тарихи маълум даражада шомонлик билан боғлиқлигини кўрсатади. Янганинг шомонлик билан боғлиқлиги ҳақида шуни айтиш керакки, ўзбек халқининг бешик тўйи ва никоҳ тўйларида кўпгина маросим, анъанавий одатларни бажариш, келин-куёвни тасаввур қилинган ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, асосан, янгалар зиммасига тушади. Никоҳ тўйидаги одатлар тизимида оташпарастлик (оловдан айланиш), соч магияси(соч сийпатар), сув культи(никоҳ сувини ичириш) шомонликка инончлар деб қаралган. Ўзбек тўйлари шаклан ранг-баранг бўлиб, улар бир-бирларидан ўтказилиш тарзи, иштирокчилар состави, вазифалари ҳамда ижро этилувчи айтим ва кўшиқлари жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ўзбек никоҳ тўй маросимида янга образи алоҳида ўрин эгаллайди. Янгалар халқимиз маиший турмуши, айниқса никоҳ маросимларида етакчи роль ўйнаб келади. Никоҳ тўйининг бошидан то охирига қадар уларнинг ритуал вазифалари кўп. Масалан, янга тўй куни

---

\* ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими. филология фанлари номзоди. latifa7070@mail.ru

“қиз кийит” маросимида келинни кийинтиради, “тўққиз товоқ” удумида куёв жўралар билан муомала қилади, келинни олов атрофида айлантиради, “соч сийпатар”, “ойна кўрсатар”, “елка илув” маросимида, “қаллиқ ўйин”, “ширин сув ичирар”, “келин-куёвга чимилдиқ ичкарасида тўшак солиб бериш”, “вакил сўраш”, тўй ўтган кечаси чимилдиқ ташқарисида ўтириб чиқиш каби одатларда бевосита иштирок этади.

Тарихчи-этнограф К.Шониёзов ўтмишда янга келин-куёвга ширинликлар едириб, никоҳ сувидан бир қултум ичиргани, қолганини оловга сепиб, уларга тўшак солиб берганлиги ва маълум муддат улар ёнида ётиш одати бўлганлигини айтади [Мусақулов А., 2010:93]. Сув билан боғлиқ маросимлар, одатлар, иримлар ўзбек халқ маиший турмушида ҳам кўп сақланиб қолган. Юртимизда мавжуд кўплаб зиёратгоҳлар қошидаги булоқларга хозиргача кишиларнинг шифо ва фарзанд тилаб келишлари сув культининг маълум даражада ҳозир ҳам сақланиб қолганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёлни сув парилари ва сувда бўладиган бошқа зиёнлардан сақлаш мақсадида ўтказиладиган ритуал маросимларда Сулаймон культига мурожаат қилинган. Бу ўзбек фольклорининг анъанавий хусусиятларидан бири бўлиб, сўз магиясига алоқадор афсун-авраш жанрида ҳам Сулаймон образи иштирок этади. Чунки “Сулаймон ҳазрати Довуд пайғамбарнинг ўғли бўлиб, отаси каби пайғамбар ва подшоҳ бўлган, инс-жинслар, дев ва парилар, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар, илон ва ҳашаротлар, шамол ва сув ҳам унинг амрига тобе бўлган” [Мирзаева С., 2006:52].

Тўйларда келин-куёвни оловдан айлантириш ва, умуман, келин келганда ўт ёқиш одати рамзий покланиш, инс-жинслардан халос бўлиш ва ёвуз кучлар хуружидан сақланиш маъноларини англатган. Халқ кўшиқларида ҳам сув билан ойнанинг боғлиқлиги ҳақида тасаввурлар ўз ифодасини топган. Демак, ойна билан алоқадор удум ва маросимлар халқимизнинг магик-анимистик тасаввурларини ўзида

мужассамлаштирганлиги туфайли ўзига хос табиатга эга. Ўзбек никоҳ тўйи маросими таркибидаги “ойна кўрсатар” удуми ҳам шу қадимий халқ қарашлари асосида шаклланган. Маълумки, ойна инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. У аёлларнинг оддий пардоз буюмигина бўлмасдан, турли-туман маросимларда ҳам кенг қўлланилади. Хусусан, “бешик тўйи” маросимида чақалоқ ёстиғининг тагига пичоқ, тош билан бирга ойна ҳам қўйилиши болани зиён-заҳматдан ҳимоя қилишга қаратилган магик чора бўлса, никоҳ тўйида келин-куёвга ойна кўрсатилиши эса уларга бахтли ҳаёт, қўша-қаришликни тилаш, умр йўли кўзгудай мусаффо бўлишига эзгу истак билдириш ифодасидир.

Ўзбекларнинг никоҳ тўйи маросими тизимидаги анъанавий узвлардан бири сифатида ўтказиладиган “ойна кўрсатар” удуми ўзига хослиги билан ажралиб туради. Исо Эрназар ўғли томонидан 1926-1927 йилларда Самарқанд вилояти бўйича тўпланган этнографик материалларга кўра, “эру хотин икковининг ораси ойнадай ёруғ бўлсин” деб ойна кўрсатилган [ЎЗР ФА, ЎТАФИ, Фольклор архиви, Инв.№ 9806 ].

Келин-куёв чимилдикқа киришгач, янга қизнинг бўҳчасидан сарполарга қўшиб жўнатилган ойнани олади ва келин-куёвни ана шу ойнага қаратади. “Ойна кўрсатиш” удумини бажаришда ижро этиладиган айтимларда келин билан куёвга эзгу тилак билдирилади.

*Ойнага қаранг, ойнага,  
Сузилиб қаранг ойнага.  
Иккови мунча ярашган,  
Чўзилиб қаранг ойнага.*

*Зулфи гажак зулукдай,  
Қошу кўзи тиликдай,  
Келин ойим чиройли-я,  
Чўзилиб қаранг ойнага.*

Маълумки, бўй етган қизлар сочини тараши, ўзига оро бериши уларнинг балоғатга етганлигини англатади. Қуйидаги кўшиқда ҳам сочни тараш балоғатни билдирса, ойнага қараш тўйнинг поэтик ифодасидир.

*Сочимни тарамайман,  
Ойнага қарамайман,  
Хотирингни жам қилгин,  
Мен сени хоҳламайман [М.Алавия, 1972:123].*

Тўйда бажарилаётган маросимларда кўпроқ ўзбек халқ лирик кўшиқлари [Мусақулов А, 2010:52]. ижро этилади. Тўй маросимларида ўзбек халқ лирик кўшиқлари баъзан айтишув шаклида, баъзан савол-жавоб тарзида айтилган ва ҳар бир банди савол билан яқунланган. Бундай айтишув-кўшиқлари ошиқларнинг бир-бирига вафодорлигини, ақл-заковатда тенгсизлигини, ишқ йўлида ҳар қандай тўсиқларни енга олишини рамзий маънода баён этиши билан диққатга созавор бўлган. Лирик кўшиқларни гўзал рамзларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки нозик кечинма ва ҳолатларни ҳаммага тушунарли анъанавий образлар – рамзлар орқали аниқ баён этиш кўшиқнинг оҳангдорлигини, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбек никоҳ тўйларида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган маросимлардан бири “қиз кийит” маросимидир. Маросим бажарилиш чоғида янга ёки қайвони аёл қуйидаги кўшиқни айтиб туриб, қизга никоҳ тўйига аталган кийимларини кийдирган ҳамда янгалар келинни кийинтираётган пайтда қизнинг чечан дугоналаридан бири:

*Тогнинг шамоли,  
Лаблари болли,  
Қоши ҳилолли,  
Ёноғи олли,  
Барчин келиннинг,*

*Ғижим рўмоли.  
Қани, қани, қани?  
Мана, мана, мана!*

*Балхи ковуида,  
Қадами йўртма,  
Жезнани қутиб,  
Кўзлари тўртма,  
Барчин келинга,  
Зардўзи курта,  
Қани, қани, қани?  
Мана, мана, мана!*

*Одамнинг боши  
Санггоҳнинг тоши.  
Сандиқ устида,  
Қурам болиши,  
Барчин келиннинг  
Балхи ковуши.  
Қани, қани, қани?*

*Мана, мана, мана!*–деб қўшиқ айтиб турган.

Ўзбекларда фарзандларни болалигида аташтирганда қиз бошига рўмол ўраб келишган. Бизга маълумки, рўмол – бош кийими. Бош руҳлари, соч магияси билан боғлиқ қадимий тассавурлар рўмолга ҳам тегишлидир.

Бўй етган қизлар севгисини белбоғ орқали билдирганлар. Тугунларнинг магик таъсирига инонч ўзбек халқ лирикаси намуналарида ҳам ўз бадий ифодасини топган:

*Отам тўни–чатам тўни,  
Чатти–путти қилай уни,  
Акам тўни–какам тўни,  
Кака берса тикай уни.  
Ёрим тўни–жоним тўни,  
Жоним билан тикай уни.*

*Берқарс тикай ёримга деб,*

*Бели қувватли бўлсин деб,*

*Сув келтирай ёримга,*

*Сувдай тиниқ бўлсин деб* [ЎЗР ФА, ЎТАФИ, Фольклор архиви, Инв.№ 1833:20].

Бу удум воситасида, биринчидан, келин бўлаётган кизнинг чеварлиги синаб кўрилса, иккинчидан, йигитлик, эрлик ва жинсий қувват маъносини англлатувчи белбоғни айнан кизнинг ўзи тикиши серфарзандлик ғояси билан боғланади.

Ўзбек фольклорида туш кўриш қадимдан анъанавий мотив ҳисобланган. Бу мотивнинг бадий-эстетик вазифаларини бир қатор жанр намуналари мисолида туш ҳодисасининг инсон ҳаёти, тақдири, руҳиятидаги ўрнини, аҳамиятини ўргатади [Эшонкулов Ж, 2011:5]. Никоҳ тўйининг якуний ҳисобланган учинчи босқичида уйнинг остонасида “кампир ўлди” удуми бажарилган [ЎЗР ФА, ЎТАФИ, Фольклор архиви, Инв.№ 1833:17]. Остонага атайин келин томондан тикиб келинган кўрпача ва ёстиқ тўшалган ва кампир шунинг устига ётган. Келин кампирнинг бошини секингина қўтарган ва остонани уч марта тавоф қилиб, ичкарига кирган. Шунда унинг атрофидаги аёллар “*Кампир ўлиб қолдими?*” – дейишган. Кампир эса жойидан тураётиб: “*Бир туш кўрдим, ажаб хосиятли туш кўрдим. Тушимда бир эшик кўрдим, эшик ичида бир тилла бешик кўрдим. Тилло бешикнинг ичида қўш кокилли ул кўрдим. Йилим ҳалол, тушим ўнгидан келади. Тушимда кўрган бешикка келиннинг боласини белайин, омин!*” – дейди. Айрим қишлоқларда эса остонада ётган кампир гўёки уйқусидан туради ва атрофда йиғилганларга кўрган тушини баён қилиб: “*Бир туш кўрдим, ёнимда тилло беланчак кўрдим, қўчқордай ўғил кўрдим*”, – дейди. Бу удум замирида келин ҳам кампирнинг ёшига етиб юрсин, деган маъно ётади.

Қиз бола балоғат ёшига етиб, турмушга чиқишга тайёр бўлган даврида туш кўради. Тушида кўрган воқеаларни янғасига айтиб беради. Маълумки, азалдан турмушга чиқмаган қиз бола

янгаси билан сирдош бўлган. Янгаси унга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар берган. Шундай маслаҳатлардан бирини қиз билан янга ўртасидаги савол-жавоб кўринишидаги насрий усулдаги айтишувда кузатамиз:

**Қиз:**

*Тақали от келаётми,  
Бу нимадир, чечажсон?*

**Чечаси:**

*Тақали от кўринса,  
Совчи келар, энақиз.*

**Қиз:**

*Икки отли кўринди,  
Бу нимадир, чечажсон?*

**Чечаси:**

*Икки отли кўринса,  
Куёв келар, энақиз.*

**Қиз:**

*Дуруллаган чанг чиқди,  
Бу нимадир, чечажсон?*

**Чечаси:**

*Дуруллаган чанг чиқса,  
Туйингиз келар, энақиз.*

**Қиз:**

*Ўнг қўлида оқ гули,  
Бу нимадир, чечажсон?*

**Чечаси:**

*Ўнг қўлида оқ гули,  
Улингиздир, энақиз.*

**Қиз:**

*Чап қўлида қизил гули,  
Бу нимадир, чечажсон?*

**Чечаси:**

*Чап қўлида қизил гули,*



*Қизингиздир, энақиз..* [ЎзР ФА, ЎТАФИ, Фольклор архиви, Инв.№ 1833:22].

Бу кўринишдаги савол-жавоб айтишувини дунё халқлари фольклоридаги энг қадимий кичик жанрларидан бири ҳисобланган топишмоқларда ҳам кузатамиз. Топишмоқларда бирор-бир жисм иккинчи бир жисмга мажозий қиёсланиб, “бу нима?” деган савол қўйилади ва якунида унинг жавоби берилади.

***Қизнинг чечасига айтиб тургани:***

*Оч газадан чанг чиқди,  
У нимадир, чечажон?  
Жўра отли бир чиқди,  
У нимадир, чечажон?  
Ёлғиз отли бир чиқди,  
У нимадир, чечажон?...*

***Чечасининг қизга жавоби:***

*Оч газадан чанг чиқса,  
Совчи келар, она қиз.  
Жўра отли бир чиқса,  
Қуда келар, она қиз.  
Ёлғиз отли бир чиқса,  
Куёв келар, она қиз..* [Эшонкулов Ж, 2011:20].

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек маросим фольклорида янга образи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва таҳлил этилган маросимларимиз ушбу мавзунинг долзарблиги ва аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси: – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 93
2. Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент: Истиқлол, 2006. – Б.52.

3. ЎзР ФА ЎТАФИ Фольклор архиви. Инв.№ 9806.
4. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ ижоди. Нашрга тайёрловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.123.
5. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси: – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 52
6. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Фольклор архиви. Инв.№1833. – Б.20.
7. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 5.
8. ЎзР ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Фольклор архиви. Инв.№1833. – Б.15.
9. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1833. – Б.22.
10. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 120

## **“БИР” РАҚАМИНИНГ ОЙ ҲАҚИДАГИ ТОПИШМОҚЛАРДАГИ ПОЭТИК ВАЗИФАСИ**

**Жўраева Мунис Юнусовна\***

***Аннотация:** Ўзбек халқ топишмоқларида қўлланиладиган анъанавий ва магик рақамларнинг матн поэтик структурасидаги моделлаштирувчилик функциясини бажариши дунё халқлари бадий тафаккурининг муштарак жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам рақамларнинг бадий контекстдаги поэтик талқинларини ўрганиш филологик тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Биз ушбу илмий мақолада Ой ҳақидаги топишмоқларда “бир” рақамининг ўзига хос поэтик ифодасига доир айрим мулоҳазаларимизни баён этамиз.*

***Таянч сўзлар:** Топишмоқ, Ой, Қуёш, бадий тафаккур, рақамлар, метафора.*

Бадий сўз санъатининг ўзига хос ҳосиласи тарзида тараққий этиб, такомиллашиб яхлит поэтик тизимга айланган ўзбек халқ топишмоқлари халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, халқнинг бадий тафаккур дурдонаси сифатида узоқ йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб, ўзининг таълимий-тарбиявий аҳамиятини сақлаб келмоқда. Топишмоқда инсонга ёт бўлган мавҳум нарса ва ҳодисалар эмас, балки киши ўз ҳаёти мобайнида кўрган, ишлатган, умуман унга таниш бўлган нарса ва ҳодисалар яширин ҳолда тасвирланади. Уларда рақамлар жумбоқланаётган

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими. филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD).  
munis.jurayeva80@mail.ru

нарсани топишга ишора қилувчи муҳим воситалардан биридир. Рақамга предметни қиёслаб жумбоқ яратиш анъанаси, қадимги маросимлар ва санок усулларининг тарихий тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. «Рақам – предмет» модели қадимги ёдномалар, маросим ва мифлар билан боғлиқлигини Э.В.Тайлорнинг қизиқарли бир маълумоти ҳам тасдиқлайди. Қадимги ҳинд манбаларида ёзилишича, рақамни эсда сақлаш мақсадида ҳар бир сонга синоним сўз белгиланган экан: 1) *бир* – ой ва қуёш (чунки уларнинг сони битта); 2) *икки* – кўз, қанот, қўл, жағ (жуфт предметлар); 3) *уч* – Рама, олов (уч Рама, уч олов, уч хислат); 4) *тўрт* – «веда», океанлар (улар тўрттадан деб тасаввур қилинган); 5) *олти* – йил фасллари (йил фасллари олтига деб белгиланган); 6) *етти* – етти донишманд; 7) *ўн икки* – қуёш, йилнинг ўн икки ойи; 8) *йигирма* – тирноқча (бармоқларни санаш усулига ишора)...[Тайлор, 1986 :223]

Бир сони топишмоқларда энг кўп қўлланадиган рақамлардан бири бўлиб, дунёдаги битта, яъни яккаю ягона, ёлғиз, танҳо нарсаларни илғашга туртки беради. Масалан, ой, қуёш, ота, она ҳақида айтилган топишмоқларда, албатта, бир сони учраши табиий, чунки улар дунёда биттадир.

Бир парча патир,

Оламга татир.[Хусаинова, 1981:8]

Жавоби “ой” бўлган ушбу топишмоқда сўзларнинг вертикал ва горизонтал жойлашувига аҳамият берайлик:

Бир / парча/ патир,

Оламга / / татир.

Топишмоқ матнида “бир” сонининг сатр бошида келтирилгани шунчаки тасодиф эмас. У топишмоқдаги барча сўзлар билан вертикал ва горизонтал жойлашувига кўра синтактик ва мантикий жиҳатдан тўлиқ алоқага кириша олади. Жумладан, бир парча, бир патир, бир олам, бир (ўзи) татир кўринишида. Бунда бир рақами оламнинг битталигига, яккаю ягоналигига, унда бор нарсалар бир-бири билан боғлиқлигига, ой ҳам унинг бир парчаси бўлиб, танҳо эканига, лекин ой бир

парчагина бўлса-да, бутун оламни ёритиб туришига, нури барчага татишига ишора қилмоқда.

Мазкур топишмоқдаги жумбоқ “бир парча патир” метафорасидир. Шу учала сўз ойга шартли ишорани ўзида ифодалаб келаётир. Ундаги “бир” сўзи, аввало, борлиқдаги битта нарса-ходисаларни эсга олишга ундайди. Масалан, Ой – битта. У осмон ёритгичи. Қуёш ҳам битта. У ҳам само ёритгичларидан бири.

Бу ўринда “парча” сўзи ойнанинг осмон ёритгичларидан бири эканини, лекин у қуёшга нисбатан кичикроқлигини англатади. Яна бу ўринда “парча патир” бирикмаси орқали патир ноннинг икки қисмдан – хамир ва ёғдан етилиши каби ой ҳам икки парчадан – аввал ярим ой (хилол)дан, кейин тўлик думалоқ кўринишдаги тўлин ой (бадр)га айланиши англашилади. Хусусан, тўлин (бадр) ой кўриниши жиҳатидан патирга ўхшаши рост.

Ойнанинг ярим кўриниши ҳақида яратилган топишмоқлар ҳам бор:

Яримта патир,

Оламга татир.

Ёки:

Юқорига яримта нон қўйдим,

Азонда қарасам йўк. [Хусаинова, 1981:8]

Бу топишмоқларда яримта патир ёхуд яримта нон ой образига ишора бўлиб, қўшимча равишда яна ойнанинг макони юқори, яъни осмон экани, тонг отиб, қуёш нурлари тарала бошлаши билан у кўзга кўринмай қолиши ҳақида ҳам билдириб ўтилмоқда.

“Патир”, “нон” сўзлари ойнанинг образли ифодасига айланган. Уларнинг ой образига кўчирилиши муайян тарихий-мифологик асослар билан боғланади. Унинг асоси миф-маросим-фольклор йўналишида очилиб боради.

Ойнанинг пайдо бўлиши ҳақида бир қатор миф (асотир)лар яратилгани маълум. Уларда Ой ва қуёш эр-хотин, юлдузлар эса

уларнинг болалари деб қаралган ва талқин қилинган. Шу мифологик тасаввур-тушунчалар асосида яратилган топишмоқлар ҳам бор. Уларда шундай дейилади:

Бир отаси, бир онаси,  
Неча юз минг боласи. (Қуёш, ой, юлдузлар).

[Хусаинова, 1981:10]

Ёки:

Онаси битта,

Боласи мингта. (Ой ва юлдузлар). [Хусаинова, 1981:9]

Халқимиз орасида “Ойдан бола сўраш” удуми ҳам шаклланган. Бу удум ой янги чиққанда амалга оширилади. Фарзанд кутаётган келинчаклар ёш болалар воситасида ойдан бола сўрайдилар. Аниқроғи, фарзандталаб келинчак ёки унинг қайнонаси бирор болага совға-саломлар, егулик ёки ширинликлар бериб, ойга боққанча, “Оймоможон, оймомо. Манга қулча ташла, янгамга бача ташла” дея олқиш айттирадилар.

Умуман, ойга қараб олқиш айтиш удуми халқимиз орасида кенг тарқалган. Кексалар янги ой чиққанда, унинг тикка ёки ботиклигига қараб башорат қиладилар, яъни “Тикка ойим тинч ой, ётиқ ойим ботиқ ой” дейдилар. Ёки: “Ойни кўрдим – омонлик, ҳеч кўрсатма ёмонлик” деб айтадилар.

Кўринадики, инсонлар ҳамиша ойга эътиқод билан муносабатда бўлишган. Ойни ўзларига яқин олиб, унга қарата олқишлар айтиб, ҳомийлик қилишини кутишган. Ой шу эъзозланиши сабабли ҳатто нондек эъзозли нарсага тенглаштирилмоқда. У патир нонга ўхшатирилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, “бир” рақами ой учун доимий ва қатъий сифатловчи сон эмас. Ойга нисбатан икки рақами сифатловчи белги бўлиб келган топишмоқлар ҳам мавжуд.

Усти ноғора,

Ости ноғора.

Юз минг гул

Икки даста гул.

Жавоби ер, осмон, юлдузлар ва ой бўлган бу топишмоқда устдаги ва остдаги ноғоралар ер ва осмонга ишора қилиб, жумбокланаётган нарса – ойнинг самодан туриб бутун заминга нур таратишини, ҳаммаёқни еру осмонни ёритишини, юз минг гул эса атрофга ифор таратиб турган янглиг теваракка ёруғлик таратаётган юлдузларни, икки даста гул, яъни ярим ва тўлин ойлар бирлашиб, яхлит (даста) ой бўлишини англатмоқда.

Ой ҳақидаги бошқа топишмоқларда унинг “оламга етадиган бир коса сут” экани ёки “оламга тотик бир оёқ катик” [Хусаинова, 1981:8] экани таърифланади.

Қуйидаги топишмоқда ой образи бир туп лолага ўхшатишмоқда:

Ости ноғора,

Усти тоғора,

Қирқ минг бойчечак,

Бир туп лола. [Хусаинова, 1981:8]

Жавоби ер, осмон, ой ва юлдузлар бўлган ушбу топишмоқда ноғора ерни, тоғора осмонни, қирқ минг бойчечак кўп сонли юлдузларни, бир туп лола ойни ўзида метафоризациялаштириб келмоқда. Бунда лола ва ойнинг бир-бирига ўхшатилишига уларнинг ҳар иккаласи бағрида доғи борлиги асос қилиб олингани шубҳасиз.

Ости гумбаз,

Усти гумбаз.

Бир шапалок,

Қирқ кумалок. [Хусаинова, 1981:12]

Ушбу топишмоқда ойнинг юқоридан кўринишига қараб, ҳажми бир шапалокдай экани билдирилмоқда. Унинг атрофидаги юлдузлар эса митти кўринишдаги кумалокларга ўхшатишмоқда.

Ой ҳақидаги бошқа яна бир топишмоқда у анорга ташбехлантирилгани кузатилади:

Том устида бир анор,

Ҳаддинг бўлса ушлаб ол. [Хусаинова, 1981:9]

Ой тўлишганда оч қизғиш тусга киради. Шунинг назарда тутган ҳолда, у анорга ўхшатишмоқда. Ой ердан анча олисда бўлганлиги учун йироқдан қараганда турли тусларда намоён бўладики, топишмоқда мана шу ҳақиқатга ишора бор. Яна бир топишмоқда айтилганидай, унга узатган билан қўл етмайди. У ҳаммага бирдай.

Айрим топишмоқларда ойнинг кумушга ёхуд кесган билан адо бўлмас керагадаги қорсон қуйруққа, яна болаларини изига эргаштириб томошага чиққан чинни қизга ўхшатишгани кўзга ташланади.

Янги топишмоқларда ойнинг патирга, ширмой, баркаш, кулча каби нон турларига ўхшатилиши сақланиб келмоқда. Бундан ташқари, унинг ҳилол, яъни ярим кўриниши қиличга, ойболтага; тўлин ҳолати эса юмалоқ олтин тарвузга, қаттақон ёғсиз чирокқа, ҳатто қўйлари (юлдузлар)ни боқиб юрган подачига ўхшатишгани ҳам кузатилади.

Хуллас, халқимизнинг ой ҳақида яратган топишмоқлари само ёритгичлари тўғрисидаги топишмоқлар орасида алоҳида туркумни ташкил қилади. Уларда “бир” рақами ойнинг сифатловчиларидан бири сифатида унинг оламда битта эканлигини билдиришга хизмат қилади. У патир, нон сўзлари билан бирикканда ой билан боғлиқ халқ ишонч ва удумлари мавжудлигига, лола сўзи ёрдамида ой юзида доғи борлигига, анор сўзи орқали ой тўлишганда қизғиш тусга киришига, шапалоқ сўзи орқали ойнинг осмондан кўриниши ҳажмига ишора қилиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тайлор Э.В. Первобытная культура. Т.1. – М.: Политиздат, 1986. - С.223.

2. Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчи: Хусаинова З. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.8-12.



## ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ XIX АСР МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИНИ ЎРГАНИШДАГИ РОЛИ

**Имомназарова Шаҳодатбону \***

***Аннотация:** Мазкур мақолада туркий халқлар маросим фольклорининг тарихий асослари, жанрлар таркибининг шаклланиш жараёни, локал-ҳудудий ўзига хосликлари, воқеликни поэтик ифода этиш усулларининг тадрижий ривож жараёнини ўрганишда қўлёзма манбаларнинг роли муҳимлиги ҳақида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** Фольклор, этнография, халқ оғзаки ижоди, ўлан, ёр-ёр, маросим, қўлёзма.*

Маълумки, туркий халқлар маросим фольклорининг тарихий асослари, жанрлар таркибининг шаклланиш жараёни, локал-ҳудудий ўзига хосликлари, воқеликни поэтик ифода этиш усулларининг тадрижий ривож жараёнини ўрганишда қўлёзма манбалар муҳим роль ўйнайди. Қўлёзма манбаларда халқ номоддий маданий меросининг таркибий қисми ҳисобланган маросим фольклори асарларидан олинган муайян парчалар, фольклор жанрларининг маънавий-маданий тараққиётдаги ўрнини кўрсатишга асос бўладиган кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк”, Абу Райҳон Берунийнинг “Ал-осор ал-боқия аз ал-қурун ал-ҳолия”, Алишер Навоийнинг “Мезон-ул авзон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарлари Марказий Осиёда истиқомат қилган туркий халқлар маросим фольклорига оид бой материалларни ўзида акс эттирувчи нодир ёзма

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).  
miss\_folkstyler8@mail.ru

ёдгорликлар ҳисобланади. Чунки ижодкорлар ҳар бир даврда ўзлари яшаган ҳудуднинг қадимий фольклор аънаналари ва этнографик қадриятлари ҳақида маълумотларни йиғиш ва асарларига киритиш орқали халқ ижодиёти аъналарининг сақланиб қолишига муносиб ҳисса қўшганлар.

XIX асрнинг I ярмида Қўқон адабий муҳитида етишган шоир Узлат томонидан яратилган катта бадий мерос ичида Навоий “Мезон ул-авзон” асарида эслатиб ўтилган қадимий фольклор жанри – “чанги” вазни асосида ёзилган йирик шеър асар – ўлан мавжуд. Мазкур “чанги” жанрининг шеър тузилиши ва вазн тизими асосида асар яратиш аънаси “хуруфи хижжо усули” деб юритилган. Бунда ижодкор шеър асарнинг шакл ва мазмунига путур етказмагани ҳолда ҳар бир мисра бошида алифбодаги муайян бир ҳарфни бир хижо (бўғин) тарзида қўллади. Шоир Узлат ўзининг “ё-ё” радифи қўшиб айтиладиган ўлан қўшиғи усулида ёзилган асарида ўша даврдаги араб алифбосига асосланган ўзбек алифбосидаги 29 ҳарфни қўллаб ҳар бир банднинг бошида “хуруфи хижжо усули”дан фойдаланган ҳолда 174 мисралик ўлан яратган.

Ўлан ва ё-ё жанри қадимий қўшиқ эканлиги ва тарихан маросим жанри билан алоқадорлиги сабаб Узлат ўзи яшаган даврнинг ўланларини ўрганган. Энди ўлан ва ё-ё жанрларининг ўзаро алоқадорлиги масаласига келсак, бу жанрларнинг ҳар иккаласи ҳам никоҳ тўйи билан боғлиқлиги ва айрим жойларда ўланнинг ҳар бир мисрасига “ё-ё” поэтик такрорининг қўшиб ижро этилиши уларнинг тарихан бир-бирига боғлиқ бўлганлигидан далолат беради. “Ўлан” Марказий Осиёда истикомат қилувчи туркий халқлар оғзаки ижодининг муштарак жанрларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи бу ҳудудда яшаган қадимги аجدодларимизнинг архаик фольклорига бориб тақалишини кўрсатади.

Ўланнинг ўзига хос ижро усули, ижро ўрни ва жанр хусусиятлари Ҳ.Раззоқов, М.Алавия, Б.Саримсоқов, А.Мадаминов, Н.Шомаматов каби олимлар томонидан

ўрганилган [ Раззоқов Х, 1967:24]. Бинобарин, ҳар бир фольклор жанрининг спецификаси, поэтик хусусиятлари ва маънавий-маданий тараққиётда тутган ўрнини белгилашда унинг келиб чиқиш тарихи, яъни генетик илдизларини аниқлаш муҳим илмий аҳамиятга эга. Номоддий маданий мерос объектларини бевосита жонли оғзаки ижро орқали авлоддан авлодга етказувчи нодир истеъдод соҳиблари – бахши, эртақчи, кўшиқчи, ровий, аскиябоз, кизиқчи, латифагўй, қиссахон, гўянда каби фольклор ижрочилари томонидан асрлар оша сақлаб келинган халқ ижодиётининг ҳар бир жанри тарихий-фольклорий жараён ривожидавомида яратилади ва тараққий этади. Шунинг учун ҳам фольклоршунослиқда у ёки бу жанрга оид асарларнинг юзага келиш тарихи, манбалари ва бадий эволюциясини ёритишга қаратилган йирик илмий тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, жаҳон фольклоршунослигининг “тарихий мактаб”, “мифологик мактаб”, “ритуал-мифологик мактаб” сингари етакчи илмий йўналишлари вакиллари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда асосан халқ оғзаки ижодиётининг генезиси ва поэтик эволюциясини аниқлашга эътибор қаратилади.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам ана шу йўналишда салмоқли тадқиқотлар яратилган бўлиб, айниқса, атоқли олим Х.Зарифовнинг халқ дostonларининг тарихий асосларига доир изланишлари, М.Жўраевнинг самовий афсоналар генезисига бағишланган ишлари, Ш.Турдимовнинг “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи сюжетининг қадимий асослари ва манбаларини ўрганишга доир докторлик диссертацияси шу йўналишда бажарилган фундаментал тадқиқотлар сирасига киради. Зеро, ўзбек маросим фольклори ва халқ кўшиқларининг тарихий илдизлари чуқур ўрганилмаган бўлса-да, таниқли олим А.Мусақуловнинг “Ўзбек халқ лирикаси” номли монографик тадқиқотида анимизм, тотемизм, шомонизм, магик қарашлар ва қадимги культлар (хусусан, сув, олов, ҳосилдорлик, ўсимлик культлари)нинг халқ кўшиқлари генезисидда тутган ўрнини

белгилашга оид қизиқарли илмий қарашлар илгари сурилган. Биз қуйида ўзбек фольклоршунослигининг жанрлар генезиси хусусидаги илмий-назарий концепцияларга асосланган ҳолда ўлан жанрининг тарихий асосларига доир айрим мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Ўлан жанрининг келиб чиқиш тарихи ва ўзига хос ижро ўрнининг шаклланиши хусусида ўзбек фольклоршунослигида бир неча хил қарашлар илгари сурилган. Жумладан, маросим қўшиқларини тўплаш ва нашр этишга катта ҳисса қўшган Музайяна Алавиянинг фикрича, ўлан жанрининг юзага келиши никоҳ тўйи маросими қўшиқларининг пайдо бўлиши жараёни билан боғлиқдир. Унинг фикрича, “ўлан, лапар, ёр-ёр қадимда бир бўлган. Кейинги вақтларда турли тўй маросимлари, ҳар жойдаги кишиларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ равишда улар орасидаги тафовутлар кучайган. Уларнинг ҳар бири тўй маросимининг маълум босқичи билан боғланиб келган ва мустақил қўшиқ турига айланган” [Алавия М, 1974:184]. Ўзбек фольклорининг жанрлар таркибини тасниф қилган Б.Саримсоқов халқ лирикасидаги жанрларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида шаклланган деб ҳисоблайди ва лапар билан ўлан жанрларининг генетик жиҳатдан ўзаро алоқадорлигини эътироф қилгани ҳолда, “ёр-ёр ва ўлан жанрларини тарихан бир ходиса сифатида олиб қараш ишонарли эмас”, [Саримсоқов Б, 1988:195] – деб ёзади. Ўзбек халқ лапарларининг ўзига хос жанр хусусиятлари ва бадииятини ўрганган Н.Қосимовнинг фикрича эса лапар, ўлан ва ёр-ёр жанрлари тарихий келиб чиқишига кўра бир-бири билан мутлақо алоқадор эмасдир. Унинг ёзишича, “ёр-ёр, ўлан ва лапарлар тарихан мустақил жанр сифатида юзага келган, шунинг учун ўлан, лапар ва ёр-ёрлар ўзбек никоҳ маросимининг мустақил жанрлари ҳисобланади” [Қосимов Н, 1998:15-16].

Бизнингча, бу масалада таниқли олима М.Алавиянинг илмий мулоҳазалари бир қадар асосли бўлиб, ўлан жанрининг юзага келиши никоҳ тўйи маросими фольклори жанрларининг

шаклланиши жараёни билан бевосита алоқадордир. Лапар ва ўлан жанрларига оид поэтик матнлар йигит-қизлар томонидан тарафма-тариф бўлиб ижро этилиши анъанасининг бугунги кунга қадар сақланиб қолганлиги, ҳар икки жанрнинг ижро ўрни XX асрнинг 50-60-йилларига қадар никоҳ тўйи маросими тизимидаги “қиз оши”, “лапар тўйи”, “қизлар мажлиси”, “қиз оқшоми”, “қиз узатар”, “чинка”, “келин тушди”, “қиз кўчириш” каби удумлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги бу икки жанрнинг қадимий асослари муайян бир ўзакка бориб туташини кўрсатади. Яъни лапар билан ўлан тарихан бир жанр навунаси сифатида юзага келган ва тарихий-фольклорий жараён ривожидан давомида кейинчалик икки мустақил жанр сифатида тараққий этган.

Ўланлар тарихий келиб чиқишига кўра, никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ ҳолда юзага келган ва асосан тўй маросими таркибидаги удумларда аёл ва эркак жинсига мансуб ижрочилар томонидан айтишув асносида ижро этилган. Ўлан жанрининг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёти тўй маросими билан боғлиқ бўлганлигини ўзбек эпоси – халқ достонларидаги этнофольклористик материаллар ҳам тасдиқлайди. Хусусан Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган “Далли” достонидан шундай жанрга оид кўшиқларининг ижро ўрни хусусидаги ноёб маълумотлар мавжуд. Бахши ўлан кўшиқлари йигитлар томонидан сафарда кетаётган пайти ижро этилишини “йўл қисқартиш” деб аталганлигини шундай тасвирлайди:

Гоҳ вақтда беклар созин созлайди,

Ўлан, кўшиқ айтиб гоҳ вақт бўзлайди,

Кеча кундуз жўл тортади ботирлар,

“Жўл қисқарт” деб суҳанварди сўйлатиб. [ЎЗР ФА, Фольклор архиви, Инв.№1: 114].

Ушбу достонда ўланнинг тўй маросимида ижро этилиши ҳақида ҳам бир маълумот берилган бўлиб, бу жанрнинг тарихан маросим фольклори таркибида бўлганлигини кўрсатади:

Кундузлар катта ўйин, оқшомлар базм,

Шундай тала-тўп қиб тўйин тарқатди,  
Дорбозлар баланд қиб қурди дорини,  
Томошоға жийди элдинг борини,  
Ҳаммасини қойил қилди ўзига,  
Қирк кунгача кўрсатди хунарини,  
Оқшом қизлар ўлан айтиб, айтишар,  
Кундуз човиб, жигитлар кўпкарини

Ўлан айтиш никоҳ тўйи маросимининг вербал компонентларидан бири эканлигини “Далли” достонидаги “яхши соатди тўйди бошлаб, Улоғди ташлаб ўйинчи, созчи элдин хушлаб, элди жийдириб, халққа пойга қўйдириб қўя берди. Ана ичкарида қиз болалар ўлан айтиб, ҳангома катта бўлди” [ЎзР ФА, Фольклор архиви, Инв.№1: 174].

Назаримизда, юқоридаги парчада “ўлан” сўзи икки маънода яъни қиз-жувонлар томонидан никоҳ тўйида айтиладиган ёр-ёр ҳамда анъанавий айтишув асосидаги қўшиқ тури – ўлан сифатида қўлланилган. Мамлакатимизнинг кўпгина худудларида ёр-ёр ижроси “ҳай-ҳай ўланг, жон ўлан” мисраси билан бошланиши ҳамда бу маросим қўшиғи Навоий, Бухоро вилоятларида “ўланг айтиш” деб юритилиши, шунингдек, бу жанрга оид матнларда “ўланчи қиз” ибораси кўп қўлланилиши ҳам ўлан атамаси икки хил маънода қўлланилганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, “ўлан” жанрининг тарихий асослари қадимги жамиятнинг дуал тузилишга асосланган оилавий-маиший муносабатлари ҳамда қабилалар аро никоҳ расм-русмларига бориб тақалади. Чунки, фратриялар ўртасидаги никоҳ шаклига асосланган қадимги тўй маросимларида қудалашаётган тарафларнинг ўзаро сўз ўйинлари ҳамда турли магик характердаги хатти-ҳаракатлари рамзий моҳият касб этган. Лапар, ўлан, айтыс сингари фольклор жанрларининг тарихий илдизлари тўй маросимининг архаик қатламига мансуб қадимги қўшиқларга бориб тақалади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Раззоков Х. Ўзбек халқ кўшиқлари // Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи: Х.Раззоков. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – Б.244; Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.161-184; Саримсоқов Б. Ўлан // Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.194-197; Мадаминов А. Узлат ўлани ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — 1967. – 1-сон. - Б.59–62; Шомаматов Н. Ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. — 2004. – 3-сон. - Б.47–50; Яна ўша. Ўлан жанри ҳақида баъзи мулоҳазалар // Фольклоршунослик. 1-китоб. – Навоий, 2003. – Б.75-82.
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент, 1974. – Б.184.
3. Саримсоқов Б. Туй маросими фольклори // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Тошкент, 1988. – Б.195.
4. Қосимов Н. Ўзбек халқ лапарлари (генезиси ва поэтик табиати): Филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б.15-16.
5. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1. – Б.114.
6. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1. – Б.174.

## ХАЛҚ БАХШИЛАРИНИНГ АНИҚЛАНИШИ

Мирзаева Барно \*

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов томонидан улкан санъаткорларнинг аниқланиши ҳамда уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиши, баҳши шахси ҳамда унинг ижрочилик ва ижодкорлик маҳорати ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** дoston, терма, баҳши, шоир, фольклоршунос, экспедиция, устоз ва шогирд.

Ҳоди Тиллаевич Зарифовнинг ўзбек халқи маданияти хазинасига қўшган энг улкан ҳиссаси Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868–1937), Фозил Йўлдош ўғли (1872–1955), Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан (1874–1941) ҳамда Ислом Назар ўғли (1874–1953) каби зўр санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини ёзиб олганлигидир. Атоқли олим бу маҳоратли бахшилар куйлаб келган бой фольклор асарларини ёзиб олиш, унга илмий баҳо бериш, нашр этиш ишига бутун ҳаётини бағишлади. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди асарларини жонли ижро шароитларида ёзиб олишга, нашр этишга ва илмий ўрганиш ишларига бош бўлди. Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди асарларини жонли ижро шароитида ёзиб олиш ХХ асрнинг 20-йилларидан бошланди. Ўзбек халқ дostonларини жонли ижро шароитида бевосита айтувчиларнинг оғзидан тўла равишда ёзиб олиш эса 1925 йилнинг охирларидан бошланди [1.Ҳоди Зариф, 1970: 233].

---

\* ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти кичик илмий ходими.



Халқ бахшиларининг аниқланиши ҳамда уларнинг оғзидан, айнан, ўзгартирмай, айтувчи шеvasида ёзиб олиш ишлари бошлаб берган Ҳоди Зарифов Эргаш шоир, Пўлкан шоир, Фозил шоир ҳамда Ислом шоирлардан жами 12 дoston, 19 термаларни ўзи ёзиб олган. 1927 йили Эргаш Жуманбулбул ўғлидан “Ғазали Санобар” даstonидан парчани, “Холдорхон” даstonини, 1928 йили “Равшан” даstonини ҳамда “Кунларим” термасини, “Тажнисли” тўртликларини, 1936–1937 йилларда “Ойсулув” даstonи мазмунини, “Армонинг қолмасин”, “Тўрўғли”, “Тўрўғлибек – зўр ботир”, “Келдим” каби термаларини ёзиб олди. 1926–1927 йиллари Пўлкан шоирдан “Шайбонихон”, “Мардикор”, “Ҳасан батрак” даstonларини, “Ошиқман”, “Соз” термаларини, Фозил шоирдан 1927–1928 йилларда “Айлади”, “Бўлмаса”, “Тўрўғлининг таржимаи ҳоли” (“Кунларим”), “Керакдир”, “Ярашмас”, “Яхшироқ” каби термаларини, “Очилдов” даstonининг 1-вариантини, “Юсуф билан Аҳмад” (биринчи қисми Пўлкан шоирдан), 1934–1937 йилларда “Мулла Ғойиб”, “Ёдгор”, “Жаҳонгир”, “Рустамхон” каби даstonларини, Ислом шоирдан 1944 йилда “Борми жаҳонда” термасини ёзиб олди. Олим “Шайбонийхон” даstonини 1927 йилда ёзиб олиб, ҳеч қандай қисқартиришсиз, ўзгартишсиз 1928 йилда Самарқандда нашр этдирди. Бу ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта халқ даstonи матнининг нашр этилиши эди. Матн билан бирга изоҳларини ҳамда луғатини таёрлади [3.Шайбонийхон, 1928]. Ҳоди Зарифов маълумотига кўра, бу улкан санъаткорлар ниҳоятда кўп даstonларни ёд билган. Пўлкан шоир етмишга яқин, Фозил шоир қирқдан ортиқ, Эргаш шоир йигирмадан ортиқ, Ислом шоир қирққа яқин даstonларни юксак маҳорат билан ёддан қуйлаб келганлар.

Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан сингари буюк даstonчиларни аниқлаганида Ҳоди Зариф бор-йўғи 21–22 ёшда бўлган. Бу вақтда мазкур улкан халқ шоирлари олтмиш ёшни қоралаган эди. “Бу доно мўйсафидлар билан, –

деб эслаганди кейинчалик Ҳоди Зариф, – жуда яқин, қадрдон бўлиб кетдим. Ҳатто ота-ўғил мақомида эдим. Мен уларга Эргаш ота, Фозил ота, дея мурожаат қилардим. Улар мени ўғлим дея алқардилар. Бугун ўйласам, менинг фольклоршунос бўлиб шаклланишимда муайян маънода уларнинг ҳам хизматлари бор экан. Улар мени, тоғам Ғози Олим Юнусов таъбири билан айтганда, “эл таниш иши”га етаклаган халқ донишмандларидир. Айниқса, Эргаш Жуманбулбул ўғли ўта билимдон, Навоий, Машраб, Махтумқули ижодини ҳар томонлама билган, турмушдаги ҳар бир ҳолатга файласуфона баҳо бера оладиган доно шахс сифатида бошқа бахшилардан ажралиб турарди. У менга Мулла Ҳоди, дея мурожаат этар, ҳатто менга бағишлаб бир неча терма ҳам яратган шоирдир. Бугун Эргаш ота ҳам менинг устозларимдан бири бўлганди, дея ҳеч иккиланмай айта оламан. Чунки дostonчилик санъати, бахшилар амалиёти ҳақида нимаики ёзган бўлсам, асосан шу доно мўсафид маълумотларига суяндим. Одатда, биз бахшиларга нисбатан “саводсиз” сўзини қўллаймиз. Бу тўғри эмас. Улар ёзув-чизувнигина билмаганлар. Бу саводсиз деганимас. Аслида, улар жуда катта ҳаётий, адабий билимга эга бўлган ўта маърифатли кишилардир” [2.Мирзаев Т., 2013: 47].

Олим 1929 йилда Ғ.О.Юнусов раҳбарлигида фольклор экспедициясининг аъзоси сифатида Қашқадарё–Сурхондарё воҳаларида бўлиб, Абдулла Нурали ўғли, Холёр Абдукарим ўғли каби бахшилар ижодиётини ўрганеди ва Холёр Абдукарим ўғлидан “Амир қочди” дostonини ёзиб олади. Ҳоди Зарифов Тўра Мирзаев билан бўлган суҳбатда, 1929 йил 26–30 июндаги экспедицияда Абдулла шоир “Алпомиш” дostonини жуда юксак бадий савияда куйлаб берганини, афсуски, у вақтда дostonни ёзиб олишга имкон бўлмагани ҳақида айтади. Абдулла шоир ижроси фольклоршунослар томонидан кўп кузатилган бўлса-да, унинг репертуаридаги ўндан ортиқ дoston деярли ёзиб олинмаган. Ҳоди Зарифов тадқиқотларида ўзбек халқ дostonлари ижрочиларига алоҳида тўхталади. Абдулла шоир

кахрамонлик дostonларини шўх айтар эди. “Бир кун бир неча кекса дostonчилар бир ерга тўпланган эдилар. Улардан бирининг Абдулла шоирга: “Дostonни жуда шўх айтасиз?” – деган сўроғига шоир шундай характерли жавоб берди: “Шўх айтмасам, айтолмайман, давримиз шўх, халқимиз қувноқ, кўнглим шод, бутун завқим, шавқим билан айтаман” [4.О‘zbek folklori, 1939: 368].

1930 йилги Хоразм фольклор-этнографик экспедицияси чоғида Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши), Қурбон созчи, Биби шоира, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёр бахши Воис ўғли каби халқ шоирлари аниқланди ҳамда улардан “Хирмондали”, “Қирик минг”, “Асилхон” дostonларини ёзиб олди. Қурбонназар Абдуллаев ўн ёшигача болалар орасида ўз дostonларини ижро этиб келгани учун “Бола бахши” номини олди [5.Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., 1947: 56]. 1935 йили эса Фарғона водийси дostonчилиқ мактабининг Бўри Содик ўғли, Усмон Маматкул ўғли, Умрзоқ бахши, Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳасанбой Расул ўғли каби ижрочиларни аниқланиши, улардан ёзиб олинган дoston ва термалар Фарғона водийсида дostonчилиқ анъаналари аллақачон йўқолиб кетган деган фикрларнинг асоссиз эканлигини исботлади. Олим экспедицияларга борган жойида халқ бахшиларини, шоирларини, кўшиқчиларини излади, уларнинг ижодини, репертуарини ёзиб олди.

Халқ бахшиларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзига хос илм соҳаси эканлигини асослаб берган атоқли олим, биронта ҳам бахшини назардан қолдирмади. “Бизга маълум бўлган бахшилар, – деб ёзади Ҳоди Зарифов ҳамда В.М.Жирмунский, – Ўзбекистоннинг ҳозиргача фольклор материаллари ёзиб олинган барча ҳудудларида қайд этилган. Улар орасида Самарқанд ва Бухоро вилоятлари, Фарғона водийси, Сурхондарё воҳаси ва Хоразмда истиқомат қилувчи бахшилар бор. Энг кам материал ёзиб олинган ҳудуд Тошкент вилояти бўлиб, бу ерда шаҳар маданияти таъсирида дostonчилиқ анъанасининг сўниш жараёни кузатилади. Пискент туманида яқинда вафот этган

Берди бахши яшар эди” [5.Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т., 1947: 43]. Тўра Мирзаевнинг маълумотига қараганда: “Ўтмишда Пискент, Оҳангарон атрофларида ҳам шаклланган дostonчилик мактаби бўлган” [6.Мирзаев Т., 1979: 54]. Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли) XIX асрнинг 2-ярми – XX асрнинг 30-йилларида Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Эвалак қишлоғида яшаган. Ундан 1926 йилда биргина “Алпомиш” дostonи ёзиб олинган, холос.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов ўзбек халқ бахшилари ва дostonчилик анъаналари, дoston куйлаш тартиби, куйчи ва унинг тингловчилари, устоз ва шогирд муносабатлари, дostonчилик мактаблари ҳақида жуда кўп материаллар тўплади. Ҳар бир бахшининг ўзига хос поэтик йўли борлигини ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб аниқлаган Ҳоди Зарифов, уни шартли равишда бахшилар мактаби деб атади. Бу мактаблар етакчи бахшилар етишиб чиққан Булунғур, Қўрғон, Нурота, Шаҳрисабз, Нарпай, Шеробод, Қамай, Пискент каби жой номлари билан аталади. Тўра Мирзаев билан бўлган суҳбатда атоқли олим: “Мен дostonчилик мактабларини аниқлаганимда бадий-услубий ўзига хосликларни бош мезон қилиб олганман. Устоз-шогирд муносабатлари, репертуар бирлиги, локал хусусиятлар ва бошқалар бош мезонни аниқлашга ёрдам берадиган кўшимча унсурлардир. Ана шундай қатъий мезонлар асосида ёндашилса, дostonчилик мактаблари унча кўп эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Менинг назаримда улар Ўзбекистонда ўн-ўн иккитадан ошмайди. Ўтмишда бундан ҳам кам бўлган” [2.Мирзаев Т., 2013: 31], – дея таъкидлайди.

Ҳоди Зарифов ўзбек бахшиларининг ижодига, уларнинг бахши бўлиш йўллари, улар репертуридаги дostonларнинг вариантларини тадқиқ қилди. Атоқли олим ўзбек бахшилари ҳақида маълумотлар тўплаб, уларни аниқлаш жараёнида бахши терминига эътибор қаратди. Ҳоди Зарифовнинг ёзишича, “бахши мўғулча ва бурятча “бахша”, “бағша” сўзларидан

олинган бўлиб, устод, маърифатчи деган маъноларни англатади” [7. Ўзбек совет энциклопедияси, 1972: 98–99.]. Бахши дostonларни куйловчи, ёдда сакловчи ва наслдан-наслга ўтказувчи санъаткор. Бахши сўзи Ўзбекистоннинг кўп ерларида асосан халқ дostonчисига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, халқ дostonчиси “шоир” деб ҳам айтилади. “Бахши сўзи умуман дostonчиларга, эпик асарларнинг барча куйчиларига нисбатан ишлатилса, шоир айрим ўта қобилиятли ижодкорларга нисбатан қўлланилади. Халқ ижодида ниҳоятда бадиҳагўй ижодкорларни, эпик традиция доирасида ўзларининг янги-янги вариантларини, ҳатто янги дostonларини ҳам ярата оладиган дostonчиларни шоир деб аташади. Масалан, Эргаш шоир, Фозил шоир, Ислom шоир, Пўлкан шоир ва бошқалар” [6. Мирзаев Т., 1979: 9–11].

Дoston матнини ёддан ижро этиб келган санъаткорлар ўз устозларидан махсус дostonчилик сирларини ўрганганлар. XIX асрдан XX асргача ўзбек дostonчилигида юзлаб бахшилар ижод қилганлар, юзлаб дostonларни айтганлар.

Ҳоди Тиллаевич Зарифов ўзбек халқ бахшилари ва дostonчилик анъаналари ҳақида жуда бой материаллар тўплади. “Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Берди бахши, Ислom шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли каби етакчи дostonчиларнинг аниқланиши, XIX ва XX асрда яшаган ва яшаб келаётган икки юздан ортиқ бахшиларнинг рўйхатга олиниши ва уларнинг барҳаётларидан қарийб юзта сюжетга бўлинган уч юздан ортиқ дostonларнинг ёзиб олиниши ўша даврининг чинакам илмий кашфиёти бўлди” [6. Мирзаев Т., 1979: 4].

Хулоса қилиб айтганда, улкан санъаткорларнинг аниқланиши бевосита Ҳоди Зарифов номи билан чамбарчас боғлиқ. Атоқли ўзбек олимнинг текширишлари шуни кўрсатадики, бахшилар ҳаёти ва ижоди, ижрочилик ва ижодкорлик маҳорати, бахшилар куйлаб келган бой фольклор

асарларини ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни ёзиб олиш алоҳида ўрин эгаллаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан // Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 233.
2. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: SHAMS-ASA, 2013. – 380 б.
3. Шайбонийхон. Нашрга таёрловчи Ҳ.Зарифов. Айтувчи Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан. – Тошкент–Самарқанд: Ўздавнашр, 1928.
4. O‘zbek folklori / Pedagogik institutlar uchun xrestomatiya. Tuzuvchi: Hodi Zarif. – Toshkent, 1939. – 384 b.
5. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. – 520 с.
6. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 151 б.
7. Ўзбек совет энциклопедияси. 2-том. – Тошкент, 1972. – Б.98–99.

## **ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИГИ: БАХШИЛАР РЕПЕРТУАРИ ВА ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИ**

**Сабирова Насиба Эргашевна\***

***Аннотация** Ушбу мақолада Хоразмда достон ижросида соз, мусиқага асосий эътибор қаратилиши, ҳар бир нагма-куй махсус номланган бўлганлигидан куйларни эсда сақлаш бахши зиммасига янада кўпроқ масъулият юклаши, бахшилар репертуари ва ижрочилик маҳорати ҳақида сўз боради. Бундан ташқари бахшида ўз касбига эътиқод, куч-заърат бўлиши шарт эканлиги, хоразмлик Суяв бахши Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз даргоҳида “Эрўгли” достонини 21 кеча мунтазам куйлагани, ҳатто пойариқлик Амин бахши “Алпомии” достонини уч ой мобайнида куйлагани ва бундай реал маълумотлар ҳозирда афсонадай бўлиб туюлиши, бахши маҳорати кўп нарсага боғлиқ эканлиги, энг аввало анъанадан бошланиши лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, достон куйлаш анъанаси асрлар бўйи авлоддан авлодга ўтиб келганлиги, иқтидорли бахшилар уни мунтазам такомиллаштириб келишгани, аммо ижрочининг шахсий маҳорати фақат анъана доирасидагина рўёбга чиқиши мақолада мисоллар асосида келтириб ўтилган. Достончиликнинг сир-асрорини пухта билмаган ижрочи ўз маҳоратини намоён қила олмаслиги, бу сир-асрор асосан, достон композициясида намоён бўлиши, фольклоршуносликда бу ҳодисани этик қолип деб юритилиши юзасидан қизиқарли маълумотлар берилган.*

***Калит сўзлар:** бахшичилик, бахшичилик репертуари, ижрочилик маҳорати, бахшичилик мактаби, достон ижроси, соз, мусиқа, достончилик, достон куйлаш анъаналари.*

---

\* Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. [sabnas1@yandex.ru](mailto:sabnas1@yandex.ru)

Достон халқимиз бисотидаги буюк обидадир. Унинг асрлар оша сақланиб, аждоддан-аждодга ўтиб келишида кўплаб бахшилар шажарасининг ҳиссаси бор. Шу боисдан ҳам “...кенг мундарижали, чуқур мазмунли, хилма-хил образларга, ранг – баранг бадий воситаларга, архаик ва барҳаёт луғатга, тадқиқотчилар ҳали пайқаб ололмаган грамматик хусусиятларга жуда бой халқ достонларининг асрлар оша сақланиб келишида зўр қобилият эгаси бўлган халқ шоирларининг хизмати ғоят катта ва таҳсинга сазовордир”[1], деб ёзганида талантли фольклоршунос Ҳоди Зариф мутлақо ҳақдир. Дарҳақиқат достон ўз ижрочиси билан тирикдир. Бахши ёки халфа, қолаверса қиссахон матндаги тафилотга жон бағишлайди. Бироқ, бу ижрочилар орасида бахшига тенглашадигани йўқ[2]. Чунки бахши куй, кўшиқ ва бадий нутқни жозибали қилиб бирлаштирган ҳолда аудиторияга етказди. “Бахши ижросида унинг бетакрор ижрочилик иқтидори, таланти ва мусикий маҳорати намоён бўлади[3]. Шу нуқтаи назардан қараганда профессионал бахши даражасига эришиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. “Ўзбек халқи ва барча бахшичилик мактабларининг эстетик принципига кўра чинакам халқ бахшиси биринчи навбатда табиий талантга эга, яъни халқона таъбир билан айтганда “Худоберган” бўлиши керак”[4]. Шу боисдан ҳам профессор М.Саидов: “Достон мураккаб санъат асари бўлиб, унинг достон бўлиши учун адабий текст, мусиқа бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур”[5], деб ёзади. Албатта достон ижрочиси юксак хотира эгаси бўлиши ҳам шарт ва зарурдир. Айниқса Хоразмда достон ижросида соз, мусиқага асосий эътибор қаратилиб, ҳар бир нағма-куй маҳсус номланган бўлганлигидан куйларни эса сақлаш бахши зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Бундан ташқари бахшида ўз касбига эътиқод, куч-ғайрат бўлиши шарт. Акс ҳолда хоразмлик Суяв бахши Муҳаммад Раҳимхон соний - Феруз даргоҳида “Эрўгли” достонини 21 кеча мунтазам куйламаган бўлар эди. Ҳатто



пойариқлик Амин бахши “Алпомиш” достонини уч ой мобайнида куйлаган[6]. Бундай реал маълумотлар ҳозирда афсонадай бўлиб туюлади. Бахши маҳорати кўп нарсага боғлиқ бўлиб, аввало анъанадан бошланади. Достон куйлаш анъанаси асрлар бўйи авлоддан авлодга ўтиб келган. Иқтидорли бахшилар уни мунтазам такомиллаштириб келишган. Аммо ижрочининг шахсий маҳорати фақат анъана доирасидагина рўёбга чиқади. Достончиликнинг сир-асрорини пухта билмаган ижрочи ўз маҳоратини намоён қила олмайди. Бу сир-асрор асосан достон композициясида намоён бўлади. Фольклоршуносликда бу ходисани эпик қолип деб юритишади. Профессор М.Саидовнинг таъкидлашича, эпик қолип ва анъанавий формулалар от таърифи, пойга тавсифи, сафарга отланган қахрамонга ота, она ёки бирор ёши улуг кишининг насихати, йўл бўлсин ва унга жавоб, жанг олдидаги фахрия ёки мактаниш-манманлик кабилар доимий ўринларда ишлатилиб, достончиликда муҳим ўрин тутуди[7]. Эпик қолип бахши учун тайёр андоза бўлиб хизмат этади. Агар иқтидорли ижрочи бўлса, ўзи томонидан янги лавҳаларни ҳам қўшиб, сюжетни янада бойитади. Эпик қолип достон композицияси билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Стилистик формулалар эса достондан достонга кўчиб юради. Шу жараёнда тобора сайқаллашиб боради. Хоразм достонлари романик характерда бўлганлиги сабабли уларда от таърифи, пойга тавсифи кам учрайди. Ушбу лавҳаларни фақат “Гўрўғли” туркуми достонларидагина учратиш мумкин. “Ошиқ” туркумида эса эпик от образи йўқлиги учун от таърифи ва пойга тавсифи умуман тушириб қолдирилган. “Гўрўғли” эпосида ғиротнинг таърифи жуда кўтаринки руҳда мадх этилган Гўрўғли мўъжизали ғиротга эга бўлиб, эранлардан фотиҳа олгандан сўнг жўшиб кетиб бедовининг таърифини бошлайди:

Бедов отнинг таърифини бошласам,  
Шунқорлиги уч ёшиннан баллидир.  
Ҳоримас оёқли, тошдан туёқли,  
Кўзи тоғ бошинда, бўйни ёллидир.

Уч ёшиннан қадам қўйса бешина,  
Қашлаганда қўллар етмас бошина,  
Олазарақ боқар дегра-дешина,  
Кишнаганда чикқан саси баллидир.

Нор туядай масдир етти ёшинда,  
Ғанимлари қалтирайди қошинда.  
Баланд-баланд тоғ гўринар тушинда,  
Бургут сифатлидур овда баллидур.

Бедов отнинг орзу-жони тандадур,  
Пирим Шоҳимардон, дастим сандадур,  
Гўрўғлибек бир Худоға бандадур,  
Таблада бош бедов ёвда баллидур[8].

Бола бахши ижросидаги ушбу достонда Гўрўғли томонидан от таърифи икки –уч ўринда берилган бўлиб, унда эпик қахрамоннинг эпик отга бўлган садоқати, муҳаббати мадҳ этилади. Ўз навбатида эпик қолип таркибидаги фахриялар, мақтанишлар ҳам кўзга ташланади. Бахши ўз ижросида фахрияларни гўё ўзи ҳақида айтаётгандек иштиёқ билан куйлайди. Фахрия –мақтаниш-манманликнинг ёрқин кўриниши “Гўрўғли” эпосининг “Бозиргон” шохобчасида келтирилган. Унда Гўрўғли ўзини жуда улуғлаган ҳолда таърифлаб, манманликкача бориб етади:

Ўн саккиз арчин от миндим,  
Миндим, армоним қолмади.  
Зардан тўшаклар устинда,  
Ётдим, армоним қолмади.

Саваш гуни қуйрук эшдим,  
Ғаним билан кўп ташлашдим.  
Душман билан қиличлашдим,  
Чопдим армоним қолмади.

Ман сурдим ажаб давронни,  
Танда қўймадим армонни.  
Урушганда ёв конини,  
Дўкдим армоним қолмади.

Умрим ўтар қолмас боқи,  
Ман газдим яқин йироқи,  
Гўрдим Ширвону Ироқи,  
Юрдим армоним қолмади.

Доғлардан жайрон қочирдим,  
Дарёдан отни оширдим,  
Эрамнан пари гатирдим,  
Сурдим армоним қолмади.

Гўрўғли дер: от чопдирдим,  
Едди филдан ўқ ўтирдим,  
Дўстлара шароб ичирдим,  
Ичдим армоним қолмади.

Ўн тўрт банддан иборат ушбу фахрияда Гўрўғли барча фаолиятини бир-бир мактаб ўтади. Бахши улардаги мактаниш ифодасини алоҳида урғу билан ифодалашга ҳаракат қилади. Чунки, дostonнинг ушбу жойи сюжет тугуни бўлиб, воқеалар ривожини бошлаб беради. Шу сабабли ижрочи фахриянинг, ўзича мактанишнинг оқибатинималарга олиб келишини кўрсатиш учун Гўрўғлининг фахриясига Оға Юнус парининг муносабатини сўз орқали ифодалашга ўтади:

Гўрўғли бу сўзни айтиб тамом қилгоннан кейин, Оға Юнус пари қараса, Гўрўғли сувчисинача мактади, лекин паризодни дила олмади, Гўрўғли бу сўзни айтиб дурғонда паризод долоннинг у ёқиннан бу ёқина ўтиб, ашулани эшитиб: томоша қилиб дурғон ади.

Паризод Гўрўғлини сўзларини эшитганнан кейин, кописини гумбурдатиб очиб юборди: эй, Гўрўғли султон сан на даб мақтаниб ўтирибсан, деди. Ўн икки минг уйли такали туркманним бор, йигирма тўрт минг уйли али илим бор, мани на армоним бор, даб айтасан дади. Қирқ йигитим ёнимда бўлса, олгон ерни олдим, чопгон ерни чопдим даб айтасан, зўрдан зўр кўп, дади. Магарам бир ера борсанг, қазонг етиб ўлсанг, изингда оғадан ининг, отадан зурёдинг йўк, бу санго бир армон амасми, дади.

Гўрўғли лол бўлиб ўтирвади, зурёд сўзини эшитиб, мазаси кочиб гетаварди. Саистон вилоятинда Салсолни ўғли Бозиргон даган дўраган акан дади, сани талаб қилиб, галиб, қалъангни бир ҳафта қамал қилиб гетди, бу санго бир армон амасми, деди. Агарда мани сўзима ишонмидўвин бўлсанг, дарвозоға бир хат диқиб гетди, чиқиб олиб гўр на даган акан дади. Гўрўғли шатта ўрниннан туриб, хатни гўриб, Бозиргонни галганлигини билиб, йигитларини чақириб ёнина олди. Йигитларина маслаҳат бариб, йигитларини уруша тайёрлаб отларни зардан забардан эгарлаб, ўқ-ёйларини бўйнина осиб, қалқона чўланиб Гўрўғли Бозиргонни изиннан шарпилдаб отланди [9]. Бола бахши насрий баёнда эшитувчиларнинг руҳиятига кириб, бош қаҳрамоннинг ички кечинмаларини тасвирлаш орқали уларга таъсир ўтказди.

Оға Юнус пари эрининг мақтанишига кулоқ солиб, ўзининг номига бир оғиз хушомад сўз айтилмаганидан жаҳли чиқиб, Гўрўғлига Бозиргон рақиби ҳақида хабар беради. Айниқса Оға Юнус парининг бефарзандлик ҳақидаги сўзи Гўрўғлига жиддий таъсир ўтказди.

Бахшининг ушбу баёни тингловчиларда жиддий эътибор уйғотади. Воқеанинг энди қайси томонга йўналишини бахшидан орзиқиб кутишади. Шу тариқа дoston воқеалари ўз ривожига чиқа бошлайди. Бахшининг бадий нутқдаги маҳорати аудиторияни тўла дoston воқеалари ичига олиб киради. Барча дoston ижрочилари ҳам асар воқеаларига аудиторияни тўла ром қила олмайди. Бунинг учун бахши соз ва сўз қудратини ўзида

жамлаган бўлиши, юксак талант ва маҳорат эгаси сифатида шаклланиши зарур.

Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев оғзаки бадий нутқда турли стилистик усулларга мурожаат қилади. Айниқса, “Гўрўғли” туркуми дostonлари ижросида бадий нутққа кўпроқ эътибор қаратади.

Диалог персонаж характери, ички туйғусини очиб беришда асосий омил бўлиб хизмат этади.

“Гўрўғлининг уйланиши” дostonида Оға Юнус пари билан Гўрўғлининг учрашуви эпизоди бўлиб, унда Оға Юнус пари Гўрўғли билан Чамлибелга йўл олмоқчи бўлади. Ўшанда унинг энага кампир билан ўзаро сўзлашув саҳнаси бахши тилидан диалог шаклида жуда таъсирчан ифодаланган. Парча келтирамиз:

“Дарров хизматкор кампирни чакирдилар. Хизматкор кампир дешона чиқиб, Гўрўғлига бир қарадидон ортина қайтаварди. Галиб паризода айтдики, эй Оға Юнус паризод, душингда гўрган одамзод шуми, дади.

-Топ ўзи, шу-дади паризод.

-Агар шу бўладовин бўлса, сан мани сўзима қулоқ сол-дади кампир. –Аммо лекин сўзимни қабул қилсанг ҳам ихтиёринг қилмасанг ҳам ихтиёринг ўзингда, дади кампир.

-Қани на гапинг бўлса айтавар, -дади паризод.

-Агар айтсам, -дади кампир, -бу галган одамзоддур, сан паризодсан. Одамзод тупроқдан, паризод нурдан яралган, сизлар бир-биринга ҳеч дўғри галмисан, -деди кампир.

-Йўқ, -деди паризод, ман рост душимда шунго ал бардимми, тупроқми, дошми шунго ўз танимни бахш этаман, дади паризод. Шунда кампир айтдики, одамзоднинг бошқа хунарлари ҳам бор. Сан одамзода борсанг, харос кўшасан, ер ағдарасан, нон ёпасан, майдоннан тазак йиғнисан, ўжоқа ўт ёқасан, бу ишлар санинг алигнан галавўлармакин, дади кампир.

-Розиман – дади паризод.

-Агар сан мунга рози бўлсанг, одамзоднинг яна бир хунари бор, мунго рози бўлмассан, -дади кампир.

-На хунар акан, дади паризод.

-Бу одамзод дагани бир –икки хотина қанот атмиди, устинга ўйланади, ёр сўвади, -дади кампир. Ҳамма гапа рози бўлиб дурган паризод шу ера галганда сал ўйланиб қолди.

Гўрўғли қопида дурип бу гапларни эшитиб дурвади. Охирги гапдан сўнг паризоднинг иккиланганини кўриб, сал мазаси қочди. Кампирни бу гапина ишониб ишни бузжоқ-ов, бу дап, паризода қараб, кўнглини гўтариб” [10].

Икки аёлнинг ички кечинмаси диалог шаклида жуда таъсирчан ифодага тортилган. Унда аёлларга хос бўлган андиша, хавотир, эҳтиёткорлик, ташвиш, рашк, севги, изтироб каби турли туйғулар аралашиб, оилавий-маиший ҳаётга оид картина юзага келган. Аммо охир оқибат севги-муҳаббат буларнинг барчасидан устун келади. Бу лавҳани бахши табиий, равон бадий нутқ орқали баён қилади. Энг асосийси аёл туйғусига жиддий таъсир этадиган нуқтани ижрочи аниқтопа олган. Оға Юнус пари энаганинг айтган барча эътирозларига бефарқ қарайди. Бирок, “Одамзоти бир-икки хотинга қаноат қилмайди, устинга хотин олади”, деган сўзини эшитгач, иккиланиб қолади. Ушбу эпизод аёлнинг руҳий ҳолатига алоқадор бўлиб, бахши уни қахрамон ички туйғусини ёритиш учун киритган ва реал картинани намоён қилиб, тингловчиларда ҳаётий туйғу уйғота олган. Чунки аудитория аҳли Оға Юнус парининг қайси томонга ризолик билдиришига қизиқиб, унинг Гўрўғли билан бош қўшишига ҳайрихоҳ сифатида қарашади. Бола бахшининг бадий нутқида киноя, қочирим, шама, кесатик каби лексик усуллар ҳам кўп учрайди. Унинг репертуарида “Гўрўғли” туркуми дostonлари асосий ўринни эгаллайди. Оғзаки нутқ негизида намоён бўладиган бадий тасвир ижрочи маҳорати орқали ўзининг рангин қирраларига эга бўлган. Унда Хоразм халқининг оғзаки сўзлашув нутқидаги миллий кесатик ва киноялар фақат ўғуз лаҳжаси вакиллари лексикаси билан

алоқадордир. “Авазхон” дostonидаги бадий нутқда тилнинг лексик маънодорлиги бахши маҳорати орқали оригинал тарзда намоён бўлган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори. // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. –Т.: Фан, 1971. –Б.8. (8-40).
2. Рўзимбоев С.Р. Эпос ҳақида қайдлар. // Сайланма. – Урганч, “Хоразм”, 2012. –Б.222. (222-295).
3. Бозоров А. Вопросы авторства и творческой индивидуальности бахши в узбекском народном дастанном сказительстве. АҚД. –Т.: 1991. –С.15. (18).
4. Қаҳҳорова Ш. Бахши эстетик идеали ҳақида. / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Ҳтом, -Т.: 2015. –Б.41. (40-44)
5. Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бадий маҳорат. –Т.: Фан, 1969. –Б.21. (264).
6. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –С.47-48.
7. Саидов М. Халқ дostonларида эпик қолип ва анъанавий формулалар. // Ўзбек филологияси масалалари. Научные труды ТашГУ. вып. 362. –Т.: 1970. –С.52.
8. “Гўрўғли”. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.41 (476).
9. “Гўрўғли”. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.358-359(476).
10. “Гўрўғли”. –Урганч, “Хоразм”, 2004. –Б.65 (476).

## **ЎЗБЕК ХАЛҚ ЎЛАНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ТАБИАТИ**

**Турғунов Шерали Долихонович\***

**Аннотация:** *Мақолада ўзбек халқ ўланларида қўлланилган ўхшатишлар, уларнинг табиати, хусусан, ижодкор ва ижрочининг географик мансублиги, турмуш тарзи, кундалик машғулоти кабиларни ифода этиб турувчи локал хусусиятлари ҳақида сўз боради.*

**Таянч сўзлар:** *ўхшатиш, ташбеҳ, эркин ўхшатиш, турғун ўхшатиш, локал белги.*

Халқ кўшиқлари бадииятини оширишда энг салмоқли қўлланиладиган санъат турларидан бири ўхшатиш ҳисобланади. Профессор Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, “ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллифлар ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади.”[Маҳмудов, 2011:20] Ҳақиқатан-да, ташбеҳ (ўхшатиш) ижод жараёнининг энг ибтидоий даврларда пайдо бўлган. Чунки хоҳ шеърий, хоҳ насрий кўринишда бўлсин, илк оғзакии ижод намуналари пайдо бўлгунга қадар ҳам халқ нутқида турли қиёслар ва менгзашларга асосланган нутқий барқарор бирликлар пайдо бўлганлигини илғаш қийин эмас.

---

\* Андижон давлат университети докторанти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Кузатишларимиздан маълум бўлишича, ўланларда турли кўринишдаги ўхшатишлар кенг қўлланилган. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муроджон Мўйдиновдан ёзиб олинган қуйидаги ўлан намунаси йигит тилидан ҳарифдош кизга қарата айтилган:

*Овундек*

***Токчаларга териб қўйган совундек.***

*Лабларингиз ширини тил ёради,*

***Асал ёки обиноввот қовундек.***

Мазкур ижод намунасида ўланчи кизлар анъанавий тарзда “токчага терилган совун”ларга ўхшатилади ва турғун ўхшатишни [Маҳмудов, 2011:20] юзага чиқаради. Анъанавий дейишимизнинг боиси халқ кўшиқларида турли пардоз ашёлари, атторлик буюмлари, қимматбаҳо миллий тақинчок турлари, хусусан, “совун”, “атирсовун” кабиларнинг образлантирилиши ва ўхшатиш сифатида қўлланилиши кўп кузатилади. Тил ёрадиган даражадаги ширинлик асал ва новвотга нисбатан кўп қўлланилишини инобатга оладиган бўсак, лабни асалга ташбеҳланиши ҳам анъанавийдир, яъни доимий ўхшатиш ҳисобланади. Лекин халқ тилёра ширинликни ўта халқона тарзда обиноввот навли қовун турига қиёс этадики, бу орқали оригинал кўринишдаги оҳорли бир ўхшатиш бунёдга келади. Обиноввот қовуннинг тилёра даражада ширинлиги барчага аён, шунинг учун ҳам бу ўхшатиш ширинликнинг орттирма даражасини ифода қилишда муваффақиятли чиққан ва эркин ўхшатиш намоён бўлган.

*Бойтах<sup>1</sup> бувам бағрида чинори бор,*

*Сулув қизди мўйнида тумори бор.*

---

<sup>1</sup> Xalq yashab turgan xududidagi tog‘ tizmasini Boytah ya’ni Boytog‘ deb yuritadi.

*Айтмайин деб бир хаёл қилиб эдим,  
Носвойдайин ўланни ҳам хумори бор.*

Тошкент вилояти, Ангрен тумани, Четсув қишлоғилик Абдуразоқ бахши эркаевдан ёзиб олинган ушбу ўлан намунасида ўлан носвойга қиёс этилади. Носқаш киши нос чекмай тура олмайди, носнинг хумори тутади. Худди шу каби ўланчилар ҳам ўлансиз яшай олмайдилар, тўй-тўноқларда ўлан айтиб, баҳслашиб, янги-янги ижод намуналарини импровизация қилиш ва олқишлар эвазига хуморларини ёзадилар.

*Пистанинг чиқ-чиқини дон дедилар,  
Ёр қўйинини роҳатижон дедилар.  
Ёр қўйнида олма кўрдим – бермади,  
Олмадай жонимни бердим олмади.*

Ушбу ўлан намунасида олма тафсили икки ўринда ўхшатишни рўёбга чиқарган. “Ёр қўйнида олма кўрдим – бермади” мисраси йигитлар томонидан айтиладиган ўланларда кўп учраб турадиган интим характерда бўлса-да, “олма” бу ўринда қисқарган кўринишдаги ўхшатишга асос бўлган. “Олмадай жонимни бердим олмади” мисрасида эса чин севги соҳиби – ошиқ йигит ишқ йўлида, керак бўлса, жонини ҳам осонгина олма тутгандай бермоқчи. Лекин рад этилди. Ошиқ шундан ёзғирмоқда. Бундан ташқари “олма” ишқ-муҳаббатни ифода қилувчи рамзий тимсол ҳам бўлиб, севги магияси [Мусақулов,1993:18-24] образлари тизимида алоҳида ўрин тутади.

Агар эътибор қилсангиз, “олма” сўзи ўлан таркибида уч ўринда қўлланган бўлиб, икки ўринда от туркумига, бир ўринда феъл туркумига мансуб сўзларнинг омонимлигидан сўз ўйини келиб чиқиб, ўхшатишдан ташқари, тажнисни ҳам юзага чиқарганини кўриш мумкин бўлади.

Яна бундан ташқари учинчи мисра охиридаги “бермади” сўзи билан тўртинчи мисра интиҳосидаги “олмади” сўзлари ўзаро зиддошликни ҳосил қилгани боис мазкур мисраларда тазод (қаршилантириш) санъати ҳам юзага чиққан.

Анъанавий тарзда ёр белининг ингичкалиқда қилга, юзини ойга қиёс этиш ўланларда ҳам жуда кўп учрайди:

*Ўлан айтсанг бўлмайдими, бундай қилиб,  
Тегирмондан чиқарган ундай қилиб.  
Сени ўстирган онангга баракалла,  
Бетинг ойдай, белингни қилдай қилиб.*

[Ғозибоев, 1993:38]

Тегирмондан чиққан ун оқлик, беғуборлик семаларининг ҳосиласи сифатида гўзаллик ва шу билан бирга мулоиймлик маъноларини ҳам ифода қилади. Бу ўринда ўлан айтиш жараёнини “тегирмондан чиқарган ун”га ўхшатилиши поэтик кашфиёт саналиб, “ўланни чиройли қилиб, мулоиймлик билан турли дағал сўзлардан холи тарзда айнамай айт” дейилмоқчи.

“Бетинг ойдай, белингни қилдай қилиб” мисрасида адабий нутқдаги “юз” сўзининг муқобили Наманган шевасида “бет” тарзида қўлланиши локал белги саналиб, ижодкорнинг худудий мансублигини ифода этиб туради. Наманган шевасида “бет” сўзи ўзи мансуб бўлган синонимик қаторда худди “юз” сўзи сингари ҳеч қандай бўёққа эга бўлмай, доминантлик касб этади. Шунинг учун ҳам Наманган ўланларида ёрнинг юзига нисбатан қўлланилган “бет” сўзини салбий бўёқдор сўз сифатида тушунмаслик керак.

Ёзма адабиёт, яъни мумтоз шеърятда ёрнинг қомати сарв, санувбар, шамшод сингари дарахтларга қиёс қилинса, оғзаки ижодда ёрнинг сочи ва қоматини тол дарахтига ўхшатиш кўп кузатилади:

*Олти қизнинг ичида отинг бозор,*

**Тол-толгина сочингни тароқ ёзар.**  
*Яхши билан ўйнасанг, кунда бозор,  
Ёмон билан ўйнасанг, кўнглинг озар.* [Ғозибоев, 1993:36]

Тол новдаларининг, айниқса, мажнунтолнинг юқоридан пастга ўсиши ва солланиб туриши ҳақиқатан-да ёрнинг сочини ёдга солади ва қайта-қайта қўлланилса-да, оҳори тўқилмас гўзал ташбеҳлигича қолаверади.

Куйидаги ўлан намунасида ёрнинг бўй-басти толга ўхшатишга эса-да, қоматнинг тиклигини эмас, балки унинг нозиклигини, хипчалигини ифода этишга хизмат қилган:

*Олти қизнинг ичида отинг Сурма,  
Сурмажоним, туя миниб тунда юрма.  
Гапта кирмай, туя миниб тунда юрсанг,  
Тол бўйингга кўз тегар, гулгун кийма.* [Ғозибоев, 1993:36]

Ёки:

*Ҳаво лойлар деганда, ҳаво лойлар,  
Ҳаводаги булутни шамол ҳайдар.  
Эр йигитнинг олгани бўлса яхши,  
Тол чивикдай буралиб отин бойлар.* [Ғозибоев, 1993:38]

Бадий ижодда ёрнинг чиройли овозини анъанавий тарзда чинни идиш, олтин, кумуш ва кўнғироқ кабиларнинг товушига ўхшатилади. Бундай турғун ўхшатишлар ўланларда ҳам кўп кузатилади:

*Овушингдан деганда, овушингдан,  
Путингдаги амиркон ковушингдан.  
Кўшга таққан кўнғироқдай жаранглайди,  
Акагинанг айлансин довушингдан.* [Ғозибоев, 1993:37]

Ёрнинг товуши айнан “Кўшга таққан кўнғироқдай жарангла”ши бежиз эмас. Буни ўлан ижодкорлари ва ижрочилари асосан кишлоқ худудида истиқомат қилувчи

деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи халқ вакиллари бўлгани билан изоҳлаш мумкин. [Алавия, 1974:161; Имомназарова, 2014:46]

Хулоса шуки, ўхшатишлар халқ кўшиқлари, хусусан, ўланларда жуда кенг қўлланилган бўлиб, ижод намуналарининг бадиий қимматини юксалтириш билан бирга уларнинг табиати ижрочининг худудий мансублиги, халқнинг урф-одати, турмуш тарзи, кундалик машғулоти, тил хусусиятлари каби жиҳатлари билан локал белгиларни ҳам намоён қилиб туради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули//Ўзбек тили ва адабиёти. 2011, №3.–Б.20.
2. Мусақулов А. Севги магияси ва халқ лирикаси//Ўзбек тили ва адабиёти. 1993, №5-6. –Б.18-24.
3. Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари (Тўпловчилар ва нашрга тайёрловчилар: Т.Ғозибоев, А.Собиров), –Наманган. 1993. –Б.38
4. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. –Б.161.
5. Имомназарова Ш. Ўзбек фольклорида ўлан жанри//Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, №5-сон, –Б.46.

## **КАРЛ РАЙХЛ – ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ**

**Қаландарова Дилафрўз Абдужамиловна\***

***Аннотация:** Мақолада Германиялик олим Карл Райхлнинг ўзбек фольклори тадқиқотчиси сифатидаги фаолияти, немис ва инглиз тилларида амалга оширган таржималари, яратган илмий тадқиқотларининг мазмун-моҳияти, мундарижаси, тузилиши ҳақида фикр юритилган.*

***Таянч сўзлар:** фольклор, ўзбек фольклори, тадқиқотчи, эпос, турк эпоси, достон, бахши.*

Олмониялик олим Карл Райхл туркий халқлар эпоси тадқиқотчиси сифатида танилган таниқли олимлардан биридир. Унинг туркий халқлар эпослари орасида алоҳида ўринга, шуҳратга, муҳаббатга эга бўлган, ўзбек, озарбайжон, турк, козоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман, арман, грузин, курд халқлари, шунингдек, Сибирь татарлари, Булғор турклари, Эрон озарбайжонлари, Ставрополь туркманлари, Афғонистон ўзбеклари эпик ижодиётида кенг тарқалган “Тўрўғли” туркуми достонлари бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари эътиборлидир. Чунки “Кўрўғли/ Гўрўғли” ҳикояси туркий ва туркий бўлмаган халқлар орасида мавжуд. Унинг туркий бўлмаган версиялари туркий версиялари сингари ғарбий ва шарқий гуруҳларга бўлинади. Худди шу жиҳат кўпдан жуда кўп олимларнинг диққатини тортиб келаётир. Карл Райхл ҳам шу масалага алоҳида эътибор бериб, ушбу йирик туркум достоннинг Шарқу Ғарбда тарқалиши, ўрганилиши, улардаги

---

\* ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.  
d.kalandarova2017@yandex.ru

синтезлашув ҳамда трансформациялашув жараёнларини очишга ҳаракат қилган.

Шу мақсадда у ўзининг “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китобидаги “Transformations in Space and Time” номли “макон ва вақт” (хронотоп) масаласи ўрганилган ўнинчи бобида бу дostonнинг турли даврларда ёзиб олинган турфа вариант ва хронологиялари, тарқалиши хусусида қимматли мулоҳазаларни илгари сурган. Гўрўғли ёки Кўрўғли антропонимининг пайдо бўлиши ва қўлланиши, дostonдаги анъанавий образ ва мотивларнинг генезиси ҳақида баъзан баҳсли, баъзан асосли фикрлар юритган.

Жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди намуналарининг туркий ва бошқа халқлар эпик анъаналари билан генетик алоқадорлиги, ўзаро таъсири, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасига алоқадор айрим умумий ва дифференциал белгиларни очишга қаратилган изланишлар мавжудлиги умумжаҳон цивилизациясида ўзбек фольклорининг алоҳида ўрни борлигини тасдиқлаши нуқтаи назаридан эътиборни тортади. [Лорд Альберт, 1994: 368]. Ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослиги манбаси сифатида танланиш асослари, ёндашув усулларини ўрганиш ўзбек қиёсий фольклоршунослигининг тарихи ва назарий асосларини аниқлаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади. [Путилов Б, 1976: 244]. Бугунги халқаро муносабатлар ўзбек-немис, ўзбек-инглиз маънавий-маданий муносабатларини янада яхшилашга хизмат қила олиши билан муҳим бўлган Карл Райхлнинг ўзбек фольклорини немис ва инглиз тилларида ўрганиш ҳамда ўргатишга қаратилган тадқиқотлари яратилиш омилларини, мақсад-мундарижасини алоҳида ўрганишга йўл очади.

Карл Райхл ўзбек фольклорининг хорижда немис ва инглиз тилларида тарқалиши ҳамда ўрганилишига шу тилларда амалга оширган таржималари қатори 1980-1989 йиллардаги изланишлари асосида яратган “Uzbek Epic Poetry: Traditions and

Poetic Diction” (1989, “Ўзбек эпик шеърляти: анъаналар ва бадий услуб”) [Reichl K, 1989.], 1992 йилда унинг янада кенгайтирилган ва бойитилган нашри “Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” [Reichl K, 1992: 365] китоблари билан катга ҳисса қўшган таникли фольклоршунос олимлардан биридир. Бу китоб “Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура” номи билан В.Трейстер томонидан Д.А.Функа умумий таҳрири остида инглиз тилидан рус тилига таржимада чоп этилган [Райхл К, 2008: 383].

К.Райхл тадқиқотлари жаҳон фольклоршунослигида ўзбек фольклорига қиёсий ёндашув асослари ҳамда усулларини аниқлашда муҳим манба вазифасини ўтай олиши, қиёсий фольклоршуносликнинг ўзбек фольклоршунослиги таркибидаги ўрни, мақсад ва вазифалари, методологик хусусиятлари, шаклланиш тарихи ва назарий тараққиёт босқичларини далиллаши, ўзбек фольклорининг жаҳон қиёсий фольклоршунослиги манбаси сифатида танланиш ва ўрганилиш омиллари асослашга имкон бериши билан аҳамият касб этади.

Олимнинг тадқиқотларида ўзбек фольклорига туркий фольклор контекстида қиёсий ёндашилган бўлиб, уларда ўзбек ва бошқа туркий халқлар эртаклари ҳамда дostonлари поэтик структурасидаги умумий ва дифференциал белгилар, эпосда бош қаҳрамон, сюжет моделларини танлаб тасвирлашда бахшилар маҳорати, фольклор ва ёзма адабиёт алоқаси, фольклоризмлар типологияси, тарихий ва замонавий биографик асарлар мундарижаси ва уларнинг тил хусусиятларини танкидчи услуби ҳамда маҳорати масалалари ёритилган.

Карл Райхлнинг ўзбек фольклори намуналаридан немис ва инглиз тилларига ўгирилган таржималари, асосан, ўзбек эртақ, дoston ҳамда бахшилари ҳақида яратилган адабий-танкидий асарлардан иборат.

Карл Райхлнинг ўзбек фольклори бўйича амалга оширган таржима ва тадқиқотлари жаҳон фольклоршунослигида ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди намуналарининг туркий халқлар эпик



анъаналари билан генетик алоқадорлигини, жанрий таркиби, сюжет, мотив ва образлар структурасида ўзига хос миллий белгилар, универсалия ва парадигмалар кўпроқ эик асарларда бош қахрамон, сюжет моделларини танлаб тасвирлашда кўринишларини, умумжаҳон цивилизациясида ўзбек халқ маънавий сарчашмаларининг алоҳида ўрни борлигини асослашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Олимнинг “Turkish Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure” китоби “Studies in Oral Traditions” рукни остида инглиз тилида Нью-Йоркда нашрдан чиққан бўлиб, ўн боб, библиография ва атамалар рўйхатидан ташкил топган. Унинг “Кириш” қисмида муаллиф шундай изоҳ келтирар экан, ўзбеклар номини алоҳида тилга олгани кузатилади: “The focus of the book will be on what I term the “central traditions”. By “central traditions” of Turkish oral epic poetry I mean the epic traditions of the **Uzbeks** (and Uighurs), Kazakhs, Karakalpaks, and Kirghiz...” [Reichl K, 1989: 4-5]. (Таржимаси: Китобнинг асосида “марказий анъаналар” атамасини қўйганман. “Марказий анъаналар” деганда туркий халқлар ҳисобланмиш ўзбекларнинг (ва уйғурларнинг), қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизларнинг оғзаки ижоди намуналари бўлмиш эпосларни назарда тутганман...).

Муаллиф бу ўринда халқ оғзаки ижоди асарлари тили ҳақида ҳам алоҳида фикр юритиб, турк (“Turkish”) ва туркий (“Turkic”) тушунчалари изоҳига ҳам алоҳида тўхталади: “In order to avoid confusion, the distinction between “Turkish” and “Turkic” has been carefully maintained throughout the book. “Turkish” refers to the language of the people of Turkey; older forms of Turkish (before Atatürk’s language reforms in 1920s) are generally referred to as Ottoman or Ottoman Turkish. “Turkic”, on the other hand, refers to the language group to which Turkish belongs”. [Reichl K, 1989: 6].

Кўриняптики, муаллиф “turkish”, яъни турк тили Туркия халқлари тили экани, унинг қадимий кўринишлари (1920

йиллардаги Отатурк тил ислохотидан олдин) умуман турк (отоман)ларга тегишли бўлгани, “turkic” – туркий тил эса турк тили ҳам кирадиган тил гуруҳи эканини таъкидлаган.

Китобнинг “The Turkic Peoples: Backgrounds and Contexts” номли илк бобида туркий халқ – турклар, ўзбеклар, озарбайжонлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, уйғурларнинг милоддан аввал бошланиб XX асрнинг бошларигача кечган тарихи, кўчманчилик ҳаёти, дини, тили, маданияти, “Turkic Epic Poetry: The Earliest Documents” номли иккинчи бобида “Ўғузнома”, “Девону луғотит-турк”, “Дада Қўрқут китоби”, “Култегин битиги” асарларининг яратилиши, муаллифлари, маъно-мундарижаси, улардан олинган парчалар таржимаси келтирилган.

Китобнинг “The Singer: Shaman, Minstrel, Poet” деб аталувчи учинчи бобида ижрочилар: шомон, куйчи, шоир мақомида ўрганилган. Айниқса, Ўрта Осиё халқларининг дoston куйловчилари – ўзбекларда бахшилар, қорақалпоқларда жирав ва бақсылар, қозоқларда оқинлар, қирғизларда манасчилар, маддох ва қиссахонлар хусусида фикр юритилган. Оғзаки эпик жанр ижодкор ва ижрочиларининг шомонлардан фарқи ва ўхшашлиги изоҳлаб кўрсатилган.

Навбатдаги “Ижро” деб номланган тўртинчи боб Марказий Осиё халқларида урф-одат, анъана, маросимлар, уларнинг мусиқий-маросимий тузилиши, ритуал йўналиши, ижрода декламация, ижрочи ва аудитория, “Жанр” деб аталувчи бешинчи бобда эпос, шеър ва насрбилан боғлиқ жанрлар, романик эпос, қаҳрамонлик қўшиқ ва эртаклари масалалари, “Сюжет моделлари” номли олтинчи бобда “Қамбар” ва қаҳрамон тушунчаси, “Тўрўғли” ва совчилик, “Алпомиш” ҳамда қаҳрамоннинг қайтиши мотив моделлари табиати, бадиияти муаммоларига муносабат билдириб ўтилган. “Алпомиш” достонининг қисқача мазмуни ҳамда Фозил Йўлдош ўғли куйлаган вариантыдан баъзи парчаларнинг аслияти ва инглиз тилидаги таржималаридан намуналар келтирилган.

Китобнинг “The Varieties of Formulaic Diction” номли еттинчи боби халқ оғзаки ижоди матнларининг стилистик формулалари, уларда вазн, параллелизм, формула ва формула тизими таҳлиliga, саккизинчи боби ижро жараёнидаги бадиҳагўйлик, яъни “импровизация”, хотира санъати, вариантлик, қатъийлик, тўққизинчи бобида формулавий риторика, услуб, бадий ижодда поэтик усулларни қўллаш, персонажлар тизими ва табиатига муносабат акс эттирилган.

Нихоят, китобнинг биз юқорида таъкидлаб ўтган “Transformations in Space and Time” номли ўнинчи боби “макон ва вақт” (хронотоп) масаласи “Гўрўғли” ва “Алпомиш” дostonларининг турли даврларда ёзиб олинган турфа вариант ва хронологияларини ёритишга бағишланган.

Умуман олганда, Карл Райхл тадқиқотлари туркий, жумладан, ўзбек халқи оғзаки эпик ижоди бўйича жуда қимматли материалларни ўз ичига олганлиги билан эътибор ва эътирофга лойиқдир.

Натижаларимизнинг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар жаҳон миқёсидаги таржимон ва тадқиқотчи Карл Райхлнинг илмий тадқиқотчиликдаги услубий маҳоратини, у фаолият юритган XX аср жаҳон қиёсий фольклоршунослигининг тарихий тараққиёт тамойиллари ва хусусиятларини, устувор методларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лорд Альберт. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994. –368 с.
2. Мирзаев Т. «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. –168 б.
3. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репуртуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 152 б.

4. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Ташкент: Фан, 2008. – 410 с.
5. Путилов Б. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Л.: Наука, 1976. – 244 с.
6. Юсупова Х.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – Б.26-40.
7. Vambery A. Travels in Central Asia. – London, 1996. – 443 p.
8. Lamont C. The Peoples of the Soviet Union. – New York, 1946. – 229 p.
9. Shah I. The Pleasantries of Incredible Mulla Nasrutdin. – London, 1974.
10. Bowra C. Heroic Poetry. London, 1961. – 808 p.
11. Paksoy H.B. “Alpamysh” Central Asian Identity under Russian Rule”, USA, AACAR, 1989. – 683 p.
12. Reichl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing,inc. – New York & London, 1992. – 395 p.
13. Uzbekische Maerchen. Herausgegeben und uebersetzt von Karl Reichl. – Bochum, 1978.
14. Reichl K. Uzbek Epic Poetry: Traditions and Poetic Diction. – Hainsworth, 1989.
15. Райхл К. Тюркский эпос: традиция, формы, поэтическая структура / Карл Райхл: пер. с англ. В.Трейстер под.ред. Д.А.Функа. – Москва: Восточная литература, 2008. – 383 с.

## ЎЗБЕК КИНОДРАМАТУРГИЯСИ ВА ЭТНОФОЛЬКЛОРИЗМЛАР

Турсунова Насиба\*

***Аннотация.** Ушбу мақолада ҳозирги ўзбек кинодраматургиясида фольклоризмларнинг қўлланилиши ҳақида илмий қарашлар таҳлил қилинган. Драматургиянинг тарихий асослари, қадимги эътиқодий қарашлари ҳамда ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этишига доир мулоҳазалар юритилган.*

***Калим сўзлар:** драматургия, қўшиқ, саҳна, мотив, янги кун, қадимий эътиқод.*

Маълумки, драматик санъатнинг турли шакл ва кўринишларида халқ оғзаки бадиий ижоди аъналаридан стилизацион ва трансформацион усулларда фойдаланиш фольклоризмларнинг янги типларини юзага келтирди. Бинобарин, кейинги йилларда мифологик архетиплар ва образлардан нафақат ёзма адабиётнинг турли жанрлари, балки кинодраматургия ва кино санъатида ҳам кенг кўламда фойдаланилиши кузатилмоқда. Фольклор ва кино санъати муносабати масаласи анчадан буён тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Кейинги йилларда ёзма адабиётда бўлгани сингари кино санъатида ҳам қадимги тасаввурлар ва

---

\* Навоий давлат педагогика институти, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ишонч-эътиқодларнинг янгича бадий талқин қилиш анъанаси таъсирида роман-миф, ҳикоя-миф, кино-миф каби синкретик жанрлар юзага келиши ҳам адабиётшунослик эътиборидан четда қолмади [Липков А 1994. – С.122-135].

Ўзбек кинодраматургиясига бағишланган ишлар орасида “Тоҳир ва Зухра” фильмининг суратга олинганлигига 70 йил тўлиши муносабати билан чоп этилган “Боқий севги афсонаси” мажмуаси [Османова Д. 2015. – 248 б.] муҳим аҳамиятга эга. Тўпلامдан ўрин олган Ҳ.Ақбаров, О.Мадаев, Д.Османова, М.Қўчқоров, Ф.Аҳмедова, С.Аллабергановаларнинг мақолаларида “Тоҳир ва Зухра” фильмидаги архетипик образларни сахнавий талқин қилишнинг назарий асослари, анъанавий эпик сюжетнинг киноталқини, фольклор ва кино санъати муносабатини ўрганишнинг методологияси каби масалалар ёритилган. [Ақбаров Ҳ. 2015. – Б.170-190; О.Мадаев, Б.190-196. Д.Османова, Б.197-207; М.Қўчқоров, Б.216-225. Ф.Аҳмедова, Б.237-240; С.Аллаберганова. Б.241-244] Жумладан, Ҳ.Ақбаровнинг “Фольклор ва фильм: методологик чизгилар” номли мақоласида [Ақбаров Ҳ. 2015. – Б.170-190.] асрлар давомида халқ бахшиларининг жонли ижроси орқали оғиздан-оғизга ўтиб ривожланиб келган анъанавий эпик сюжетларнинг ёзма адабиёт орқали киноталқинга кўчиши жараёнида архетипларнинг поэтик диффузияси хусусида қизиқарли мулоҳазалар билдирилган. Ўзбек адабиёти, кино ва телевидение санъатида фольклор анъаналари ва маънавий кадриятларга кўп эътибор берилаётганлигининг сабабини фақатгина миллий иммунитетнинг кучлилиги билан эмас, балки жаҳондаги глобаллашув жараёнлари кучайган бир пайтда миллий тамаддун асосларини тиклашга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ деб ҳисоблаган Ҳ.Ақбаров фольклордаги аксиологик кўринишларни методологиялар комплексини қўллаган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Санъатшунос олима О.Тожибоева ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонининг театр ва кино санъатидаги

бадий талқинларини чуқур ўрганиш асосида бу эпоснинг саҳнавий умрини икки босқичга бўлиб таснифлади: а) асар мавзуларини даврнинг долзарб масалаларига йўналтириш (яъни дostonнинг Н.Довқораев, С.Абдулла, В.Виткович, В.Волькенштейн ва Т.Фаттоҳ томонидан қилинган саҳнавий талқинлари);

б) даврга бўлган муаллиф муносабатини ифодалашда эпос материалларидан фойдаланиш (дoston сюжети асосида У.Азим, А.Жаббор, Н.Тўлахўжаев яратган асарлар). [Тожибоева О. 2009. – Б.179.] Бу эса драматургиядаги фольклоризмларнинг поэтик талқини ва семантикасини ўрганишда кино ва теледраматургия материалларини ҳам тадқиқот объекти қилиб олиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Халқ оғзаки бадий ижодининг асрлар мобайнидаги таракқиёти натижасида шаклланиб, халқнинг поэтик тафаккурида универсал поэтик кодлар тизими сифатида анъанавийлашган рамз ва образлар нафақат кино, балки аудиовизуал санъатнинг бошқа турлари поэтик контекстида ҳам ижодкор бадий ниятини ифода этишнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Хусусан, истиқлол даври ўзбек кино санъатида фольклор синтези сифатида юзага келган “Чимилдик”, “Йўл бўлсин” каби томошабинлар тарафидан севиб томоша қилинадиган кинофильмлар анъанавий моддий ва маънавий маданият элементларидан сюжет ривожини таъминловчи коннотатив бирликлар сифатида фойдаланишнинг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Моҳият-эйтиборига кўра фольклор анъаналари, айниқса, маросим фольклори, халқ кўшиқчилиги, қадимги ишонч-эйтиқодлар ва тасаввурлар билан боғлиқ мифопоэтик тимсоллар асосига қурилган фольклоршунос Шомирза Турдимов томонидан ёзилган. “Йўл бўлсин” киноасарида ўзбек суннат тўйи маросимининг ўзига хос локал талқинларидан бири – “Бола маст” удумининг ажойиб тарздаги тасвири берилган.

Этнографик адабиётлардан маълум бўлишича, илгарилари суннат тўйида тўйболани хатна қилиш амалиётига тайёрлаш мақсадида “бола маст” деб аталадиган удум бажарилган. Бунда йигитлар чилим чекиб, тутунини болага қараб пуфлаганлар, тўйболани бош узра даст кўтариб чирпирак қилиб айлантириш асносида гангитганлар, қўшиқ ва рақс даврасига олиб кириб авраганлар. Сценарий муаллифи ана шу қадимий удумнинг аудиовизуал бадиий талқинини яратар экан, унинг ҳаётий-табиий манзарасини чизишда этномаданий контекст, мусиқа, вербал компонент, пластика ва рухий-эмоционал ҳолатдан самарали фойдаланган:

“Мусиқа чалинаяпти. Очиқ дарвозадан оппоқ той чопиб киради. Ҳовлида тўй шукуҳи ҳукмрон. Тойни тутган бола ҳовлини айланиб чопади.

Йигирма чоғли отлик бир қаторга тизилиб турибди.

Отликлар тўпи қийқириб, навбат билан тўй болани юқори кўтариб, бир-бирига узатади. Бола қатор сўнгида турган безоқлик тойчоқ ёнига етганда, сўнги отлик уни суйиб Азизга узатади. Азиз болани елкасига опичиб олади. Эркаклар давра қуриб, уларни қуршайди. Азиз болани махсус хонага олиб ўтади. Кишилар жўр бўлиб айтим айтишмоқда:

Қич-қич, бола маст,

Қич-қич, бола маст,

Қич-қич, бола маст!

Хонада ўн чоғли эркак давра қуриб ўтиришибди. Четдаги киши ўртада тутунни буруксиб кўтарилаётган чилимни олиб, қуриллатиб тортади. Киши олдида тўйбола келади.

Киши оғзи тўла тутунни боланинг юзига пуфлаб, белбоғини ечиб олар экан, қўлига пул тутқзади. У чилимни ёнида ўтирган кишига узатади. У ҳам чилим тортиб, бола юзига пуфлаб, тўйболанинг тўнини ечиб олар экан, пул тутқзади.

Шу тартибда бола давра адоғида ўтирган отаси ёнига келганида, бошида дўппи ва биргина турсида қолади. (Ушбу тасвирлар фонид):



– Маст бўлади, тўйбола,  
Маст бўлади тўйбола, – кўшиғи айтилади.  
Ота ўғлини даврадан олиб чиқади.

Бир коса ун ушлаган аёл, тўйбола онасининг чимчилогини унга ботириб туради.

Катта ўрин солинган. Оппоқ чойшаб тўшалган. Бола яланғоч ётибди. Унинг “булбул”и устига дўппи тўнтариб кўйилган.

Шу тасвирнинг фонида хорнинг: “Чил-чил ҳасса ёй, чил-чил ҳасса ёй”, – деган қийқириғи эшитилади”. [ Турдимов. Ш. 2008. 3-сон. –Б. 1-3.]

Бу ўринда сценарий муаллифи томонидан киноасар матнига олиб кирилган “Қич-қич, бола маст” айтими бу қадимий удум вербал компонентининг ҳозирга қадар сақланиб қолган ягона намунаси, десак янглишмаган бўламиз. Чунки ҳозирга қадар суннат тўйида хатна қилинувчи болани маросимга тайёрлаш билан алоқадор “Бола қочди” (Қашқадарё вилоятида урф бўлган), [Давлатов С. 1996. – 2-сон. – Б.43-46]“Бола келди” (Сурхон воҳаси аҳоли орасида оммалашган) [Худойкулова Л. 2006. – Б.124-132.] удумларининг кўшиқлари ёзиб олинган бўлса-да, “Бола маст” удумида ижро этиладиган бирорта айтим фольклоршунослар томонидан қайд этилгани маълум эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ш.Турдимовнинг “Йўл бўлсин” номли киноасаридаги суннат тўйи маросими тасвирланган лавҳа ўзбек оилавий-маиший маросимлар фольклорини илмий тадқиқ этишда ҳам муҳим манба бўлади.

Киносценарий талкинчи, бола суннат қилинаётган пайтда кадрда “*бир коса ун ушлаган аёл тўйбола онасининг чимчилогини унга ботириб туриши*” ҳолати тасвирланади. Ана шу кадр ўзбек суннат тўйи маросими фольклорининг анъанавий узвларидан бири бўлиб, хатна қилинаётган боланинг оғриғини енгиллаштиришга қаратилган магик амал ҳисобланади. Мамлакатимизда бу ритуалнинг турли хил локал вариантлари – кўринишлари мавжудлиги аниқланган. Жумладан, Сурхондарё

вилоятининг Қумқўрғон туманида бола хатна қилинаётганда унинг онаси ўзининг бармоғини косадаги унга ботириб турса, Олтинсой тумани қишлоқларида суннат қилинаётган тўйболанинг онаси бармоғини сувга ботириб туради. [Ҳамроқулова Б 2001. – Б.113] Суннат қилинаётганда боланинг онаси тузли сувга бармоғини солиб туриши удуми Бухорода ҳам қайд этилган. [Жумаев А. 1991. – Б.137.]

Киносценарийда хатна қилинган боланинг оппоқ чойшаб тўшалган ўринда ётган ҳолати тасвирланган кадр фонида “Чил-чил ҳасса ёй, чил-чил ҳасса ёй”, деган қийқириқ эшитилиб туриши ҳам хатна тўйи маросими билан боғлиқ анъанавий айтимнинг стилизацион шакли ҳисобланади. Чунки “чули-чули ҳасса” бирикмаси хатна тўйида ижро этиладиган анъанавий айтим элементларидан бири бўлиб, Фарғона водийсида сақланганлигини фольклоршунос Л.Худойқулова қайд қилиб ўтган: “Кўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда бола хатна қилинаётганда даврада иштирок этаётган кишилар “Чули-чули ҳасса!” – деб қичқиришар экан. Уста эса: “Мана, чули-чули ҳассаси бўлди. Энди саргардонини беринглар!” – дейди” [Худайқулова Л. 2011. – Б.74.]

Шу жиҳатдан олганда, қачонлардир “Чули-чули ҳасса” мисраси иштирокидаги ритуал айтим ёки қўшиқ мавжуд бўлган, аммо фольклор анъаналарининг тарихий тараққиёти давомида унинг матни нутилиб кетган бўлиши мумкин. Халқимиз орасида қадимдан урф бўлиб келган ва аксарияти бугунги кунга келиб деярли нутилиш ҳолатига келиб қолган “кокил қирқиш”, “алас”, “қоқимчилик”, “бола маст”, “тухум солар”, “ойна кўрсатар” этнофольклоризмлар ретроспектив усулда ифодаланган поэтик реконструкцияси киносценарийнинг ҳаётийлиги ва халқчиллигини таъминлаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Акбаров Х. Фольклор ва кино: методологик чизгилар // Боқий севги афсонаси: архетипик талқин самараси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.170-190; Мадаев О. “Тоҳир ва Зухра” – халқимиз ижодининг гўзал намунаси // Кўрсатилган манба. – Б.190-196; Османова Д. Общность архетипа и менталитета // Кўрсатилган манба. – Б.197-207; Кучкаров М. Экранная жизнь шедевра мирового кино // Кўрсатилган манба. – Б.216-225; Аҳмедов Ф. Афсонада яширинган ҳақиқат // Кўрсатилган манба. – Б.237-240; Аллаберганова С. “Тоҳир ва Зухра” фильмининг инсонпарварлик ғояси // Кўрсатилган манба. – Б.241-244.
2. Акбаров Х. Фольклор ва фильм: методологик чизгилар // Боқий севги афсонаси. “Тоҳир ва Зухра”: архетипик талқин самараси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.170-190.
  - а. Давлатов С. “Бола қочди” маросими // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б.43-46.
3. Жумаев А.Ш. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида боланинг туғилиши ҳамда тарбияси билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар: Тарих фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1991. – Б.137.
4. Липков А. Экранизация и мифологизация // Экранные искусства и литература: звуковое кино. – М.: Наука, 1994. – С.122-135.
5. Османова Д. Общность архетипа и менталитета // Боқий севги афсонаси: архетипик талқин самараси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 248 б.
6. Тожибоева О. Эпос – санъат кўзгусида (театр ва кино талқинлари). – Тошкент, 2009. – Б.179.
7. Турдимов. Ш. “Йўл бўлсин” (киносценарий). Соғлом авлод учун. Тошкент. 2008. 3-сон. –Б. 1-3.

8. Худойқулова Л. Сурхон воҳаси аҳолисининг суннат тўйи маросими фольклори // Филологик тадқиқотлар. Илмий асарлар тўплами. 1. – Навоий, 2006. – Б.124-132.

9. Ҳамроқулова Б. Сурхондарё вилоятида болалар билан боғлиқ урф-одатлар: Тарих фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2001. – Б.113.

## **МИФОЛОГИК АФСОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАВЗУ ДОИРАСИГА КЎРА ИЧКИ ТУРЛАРИ**

**Ризоева Меҳринисо Абдуазизовна\***

***Аннотация:** Мақолада мифологик афсоналар ва уларнинг мавзу доирасига кўра ички типларига доир муаммолар ўрганилган, бу масалага доир талқинлар моҳияти хусусида мулоҳазалар баён қилинган.*

***Калим сўзлар:** мифологик афсоналар, миф, космогоник афсоналар, антропогоник афсоналар, этногоник афсоналар, халқ тақвими билан алоқадор афсоналар.*

Мифологик афсоналар ўзбек халқ афсоналарининг ўзига хос образлар силсиласи, сюжет тизими ва воқеликни ифода этиш усулига эга бўлган алоҳида ички типи сифатида таснифланган. Чунки «мифологик афсоналар тузилишига кўра синкретик характерга эга бўлиб, ўзларида миф ва эртак жанрига хос белгиларни ташийд. Мифик воқеа-ҳодисалар оташпарастлик дини ва ислом қобиғида талқин этилади. Бош қахрамон ўзида мифологик субъектга хос бўлган хусусиятларни акс эттиради. Бу хусусият образлар талқини, ҳаракат ва муносабатларда яна ҳам аниқ намоён бўлади. Сюжет фантастик уйдирма асосига қурилиб, фантастик конфликт ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди». [Имомов К.1989 - Б.б..] Мифологик афсоналарга хос синкретиклик бу хил насрий асарларда энг қадимги мифологик эътиқодлар, турли хил диний қарашлар ва

---

\* Навоий давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент.в.б

халқ инончлари турли мотивлар ҳамда фантастик характердаги образлар талқини орқали берилиши билан белгиланади.

Ўзбек фольклоридаги мифологик афсоналарнинг ўзига хос табиати уларнинг қадимги миф ва эътиқодий қарашлар тизими билан бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Чунки «моддий оламнинг ибтидоси ҳақида маълумот берувчи, табиат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ нарса-ҳодисаларнинг пайдо бўлишини тушунтирувчи космогоник, этиологик, антропоморфик характердаги бир сюжетли фантастик ҳикоялар мифологик афсоналар дейилади». [Жўраев М. 1996. -Б.47.] Жаҳон фольклоршунослигида мифологик афсоналарни ўрганиш борасида анчагина илмий-ижодий тажриба тўпланган бўлиб, айниқса, М.Р.Халидова, [Халидова М. Махачкала, 1979. - С. 180-207.] В.Ф.Давидок, [Давидюк В. Минск, 1986.] И.Халипаева, [Халипаева И. Махачкала, 1994] Л.А.Кариева, [Кариева Л. Казань, 1999] Ю.М.Муртузалиев [Муртузалиев Ю. Махачкала, 2008], Н.М.Курбонхонова [Курбонхонова Н.М Душанбе, 2006.] каби олимларнинг ишларида мифологик афсоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида жиддий илмий қарашлар илгари сурилган. Мифологик афсоналар ўзининг бир қатор белгиларига кўра муайян жой номининг келиб чиқиш сабабларини изохдовчи, тушунтирувчи топонимик афсоналар ҳамда реал ҳаётий асосларга эга бўлган воқеа-ҳодисалар ва халқимиз ўтмишида муҳим ўрин тутган буюк шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий афсоналардан фарқланиб туради. Бу фарқли белгилар, қуйидагилардан иборат.

1. **Мифологик афсоналарнинг тарихий-генетик асослари бевосита миф билан боғлиқдир.** Ўзбек мифологик афсоналарининг энг асосий хусусияти миф асосига қурилганлигидир. Бундай афсоналарда Одами Од, Хубби, Оланғасар, Хўжимадўлик, Авж ибн Унук, Ҳожи Мулк каби қаҳрамон- титанлар, бўри, кийик каби тотем жониворлар, Хизр, Ғойиб ота каби ҳомий персонажлар, анко, Семурғ, мурғ қори, хумо сингари афсонавий қушлар образи мифологик моҳият касб

этиши билан характерланади. Мифларнинг тарихий-тадрижий таракқиёт натижасида оғзаки наср жанрлари сюжет тизимига диффузияланиши натижасида пайдо бўлган мифологик афсоналарда эса бундай анимистик тасаввурлар сўз магияси (ёки бошқа сабабга кўра) одамнинг жониворга айланиши сабабларини ахлоқий-этик қарашлар воситасида изоҳлаш, тушунтириш функциясини бажарувчи эпик элементга айланган. Маълумки, халқимиз орасида олашақшакдан ҳам бойўғлидан ҳазар қилгандай ҳазар қилиш анъанаси мавжудлиги қайд қилинган. Олашақшакнинг дарахтларга кўниб шақиллаб сайраши, унинг овози ёқимсизлиги ва бирор жойда доимий кўним топмаслиги унинг тимсолий образини чақимчига қиёс қилиш билан боғлиқ эпик талқиннинг юзага келишига асос бўлган. Мифологик афсона моҳиятии жамиятдаги меъёрий ахлоқий қарашларга зид бўлган хусусиятлардан бири - чақимчиликни қоралаш ва бу ёмон одатни ўзига касб қилган кишиларга бўлган салбий муносабатни ифодалашга қаратилган. Ана шу ижтимоий-ахлоқий қарашлар аниматик миф асосига қурилган эврилиш мотиви асосига қурилган эпик сюжет орқали баён этилган.

**2. Мифологик афсоналар қадимги тасаввурлар ва эътиқодий инончларни ўзида мужассамлаштирган сюжет тизимига эга.** Мифологик афсоналар қадимги одамларнинг эътиқодий қарашлари ва диний тасаввурлари қолдиқларини ўзида сақлаб қолган бўлиб, бундай архаик инончлар ислом дини ғояларига бўйсундирилган ва жамиятнинг ахлоқий-этик мезонларини ифодалаш воситаси сифатида талқин қилинган. «Авесто»да қурғоқчилик тимсоли, туркий халқларнинг қадим аجدодлари мифологиясида эса «олам уммони ичида сузиб юрувчи самовий мавжудот» ўлароқ тасаввур қилинган тошбақа тўғрисидаги мифларнинг ҳикоявий шаклдаги баёни мифологик афсонага айланиб, асрлар ўтишига қарамай ўзининг асосий моҳиятини сақлаган ҳолда бизгача етиб келган.

**3. Мифологик афсоналар сюжети муайян нарса-**

**ҳодисаларнинг яратилиши жараёнини тушунтириши, изоҳлашга хизмат қилувчи этиологик мазмунни ифodalashi билан характерланади.** Қадимги мифлар аждодларимизнинг муайян табиий ҳодисалар, борлиқдаги нарса-ҳодисалар сабабини тушунишга бўлган интилишлари натижасида келиб чиққанлиги боис, ана шу мифологик арсеналнинг эпик диффузияси натижасида пайдо бўлган мифологик афсоналарда ҳам этиологик мазмун сақланиб қолган. К.Имомов тўғри қайд этганидек, «бу хил ҳикояларни ташкил этган мотивлар, илоҳий ҳодисалар яратиш табиати билан ажралиб туради. Бу хусусият тадқиқ этилган афсоналарнинг хусусий сифатлари, аниқловчи хоссаларидир». [Имомов К. 2008. - Б.26.]

Масалан, «Ойнинг доғи» афсонаси тунги ёриткичнинг ўзига хос кўриниши сабабларини хаёлий уйдирма воситасида изоҳлайди. Қадимги одамлар аналогия усули воситасида ой юзасининг ердан кузатилганда доғсимон бўлиб кўринадиган соя жойларини ерда мавжуд бўлган муайян нарса-ҳодисаларга ўхшатиш асносида мифологик афсонани яратганлар. Гайритабиий туюлган самовий ҳодисани оддий деталлар орқали фантастик талқин қилиш асосида ўзига хос сюжет яратилган.

**4. Мифологик афсоналарнинг сюжет қурилишида анъанавий эврилиш мотивининг фаол иштирок этиши.** Маълумки, ўбек халқ мифологик афсоналарининг аксарияти муайян табиат ҳодисалари, самовий жисмлар, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, одам, ер, олам ва бошқа нарсаларнинг яратилиши, вужудга келиши, пайдо бўлишини баён этувчи қисқа сюжет қурилишига эга бўлган, кўпинча, бир ёки бир неча мотив асосига қурилган эпик асарлар сифатида оммалашган. Шунинг учун ҳам бу тип афсоналарда персонажларнинг бир ҳолатдан бошқа кўринишга ўтиши, яъни эврилиш мотиви кўп учрайди. Эврилиш - мифологик афсона сюжетининг ўзак-мотиви ҳисобланади. Масалан, қуёш ботишидан аввал мағрибда чиқиб, тез орада ботадиган юлдузлардан бирининг номи Умризоря бўлиб, халқ орасида бу юлдуз тўғрисида шундай



афсона бор: «Қадимда бир қиз бир камбағал йигитни севиб қолган экан. Йигит ҳам қизни яхши кўрар экан. Кунларнинг бирида улар турмуш қуришмоқчи бўлибдилар-да, йигит “Шу қизни менга никоҳдаб беринг!” - деб қозига борибди. Қози никоҳ ўқитмоқчи бўлиб келган қизнинг хуснини кўриб ошиқ бўлиб қолибди ва унга ўзи уйланмоқчи бўлибди. Ана шунда бокира қиз худога илтижо қилибди. Унинг илтижоси худога етиб, юлдузга айланибди ва осмонга учиб кетибди. Шунинг учун бу юлдузни “Умризор” дейдилар». [ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1829,17-бет.]

Қизнинг юлдузга айланиши мотиви одам жонининг юлдуз билан боғлиқлиги ҳақидаги мифик-анимистик қарашлар билан боғлиқ бўлиб, афсонада осмон жисмининг пайдо бўлишига сабаб қилиб кўрсатилаётган эврилиш мотиви ёвузликни қоралаш ва бокиралик, ҳалоллик, покизалик, садоқатни улуғлашга хизмат қилади.

Мифологик афсоналардаги эврилиш мотивининг тарихий асослари жоннинг турли нарса-ҳодисалар кўринишида ва ҳар хил шаклларда намоён бўла олиши ҳақидаги анимистик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Фольклоршунос Ғ.Ақрамовнинг ёзишича, «Табиат мифологиясида аниматизм системасига асосланган айлантириш («оборотничество») ҳодисаси кўп учрайди. «Ақлли қиз» (подшо кўм-кўк камиш қиёфасига киради), «Кимёгар бойнинг ўғли» (олма еб, тўнғизга айланиши), «Илон оға» (ялмоғиз йўлига ташланган қатик музга, тароқ чангалзорга, ойна дарёга айланади), «Олтин бешик» (тош ёрилиб ичига тушиш, қайтиб чиқиш), «Сехрли олма» (кечаси гуллаб, кундузи меваси пишадиган олма) каби мифологик эртақларда табиат мифологиясининг ривожланган, юқори босқичи элементлари мавжуд. Уларда аниматик образ ва изоҳлаш мавжуд. Бу элементлар айрим аниматик тасаввурлар қолдиғи даражасида бўлиб, сюжет ёки мотив шаклини олмагандир». [Ақрамов Ғ. 1977. - 3-сон. - Б.52-53.]

## **5) Мифологик афсоналарнинг синкретик характерга эга бўлиши.**

Таниқли фольклоршунос олим К.Имомовнинг «миф заминида нақл қилинган афсоналар синкретик характери билан фарқланади. Уларнинг қадимги намуналари ғайритабиий ходисалар ҳақида баён шаклида пайдо бўган намуналари урф-одат, маросим, дин элементлари, худолар, пирлар ҳақида ҳикоя қилади» деб ёзганида воқеликка онгсиз хиссий муносабат билдирган аجدодларимиз томонидан яратилган мифлар ибтидоий маросимлар, эътиқодий инончлар, диний қарашлар ва борлиқ ҳақидаги бирламчи билимларни ўзида яхлит ҳолда акс эттирганлигини назарда тутган эди. Мифга хос синкретиклик табиати асотирлар асосида шаклланган афсоналарда ҳам ўз ифодасини топганлигини кўраемиз.

Мифларнинг асосий функцияси муайян диний эътиқодга бўлган ишончни мустақкамлашдан иборат бўлган. Гарчи бу тип афсоналарнинг асосий функцияси космогоник, этиологик ёки эсхатологик характердаги муайян бир маълумотни баён қилиш орқали тингловчига борликнинг мавжуд ҳолати хусусидаги маълумотларни етказишдан иборат бўлса-да, шу билан бир қаторда маълум диний қарашлар, культлар, илоҳлар, маъбудлар ва пирларга бўлган ишончни кучайтириш, одамларнинг у ёки бу ходисаларга бўлган эътиқодни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Масалан, Сомон йўли юлдузлари тўпи тўғрисидаги афсона сюжети эгизаклар култи (ака-ука Ангур билан Тангур), эзгулик ва ёвузлик кучларининг ўзаро кураши билан боғлиқ дуалистик миф (Ангур билан Тангурнинг ўлжа таллашиб олишуви), яратувчи-қахрамон томонидан осмон жисмларининг бино этилиши ҳақидаги космогоник миф (Сомон йўлининг пайдо бўлиши) ва демиург томонидан бирламчи космосдаги ер билан осмоннинг бир-биридан ажратилиши (Ангур билан Тангурнинг таёқлари осмонга тегиб сидириб

кетиши) тўғрисидаги мифларнинг кўшилишидан ҳосил бўлганлиги боис, синкретик хусусиятга эга.

**б) Мифологик афсоналар сюжетининг ихчамлиги ва мотивлар таркибининг мураккаб бўлмаслиги.** Мифологик афсоналарнинг яратилиш жараёни бошқа тип афсоналарга караганда нисбатан қадимийлиги сабабли, эпик тафаккурнинг илк босқичларида воқеликни ихчам шаклда баён этиш, бунда асосан, бир ёки икки эпизодли сюжет воситасида муайян маълумотни етказиш анъанаси устуворлик касб этган. Эпик тафаккур тадрижи давомида эса воқеликни кенг қўламда бадий акс этириш тамойили кучая боргани сайин афсона жанрининг сюжет қурилиши ҳам мураккаблаша боришини нисбатан кейинги даврларда яратилган тарихий афсоналар мисолида кузатиш мумкин.

Мифологик афсоналар замон ва макон ўлчамларининг тарихий-этнографик жиҳатдан конкрет бўлмаслиги, воқелик баённинг замоний қамрови ретроспективлик хусусиятига эгаллиги, яъни ўтмишда бўлиб ўтган деб тасаввур қилинган воқеа-ҳодисалар тасвирланиши, шунингдек, асосий персонажлар тизимининг мифологик моҳиятга эгаллиги билан ҳам ўзига хослик касб этади.

Мифологик афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, сюжет тизимининг генезиси ва бу тип оғзаки насрий ҳикояларнинг спецификасини ўрганишга бағишланган мазкур диссертация ишининг биринчи бобида баён этилган фикрларни умумлаштириб, қуйидагича умумий хулосаларга келинди:

1. Ўзбек халқ насри хилма-хил жанрлардан таркиб тошган бўлиб, унинг эпик тизимида афсона жанрига мансуб асарлар салмоқли ўрин тутди. Жаҳон фольклоршунослигида эътироф этилган илмий таснифга кўра, афсоналар тарихий, топонимик ва мифологик каби турларга бўлинади. Ҳар бир типга мансуб афсоналар эпик хусусиятлари, сюжет қурилиши ва образлар таркибининг ўзига хослиги билан характерланади. Хусусан, мифологик афсоналар ўзида қадимги тасаввурлар ва

эътиқодларни акс эттириши билан ажралиб туради.

2. Мифологик афсоналарнинг шаклланиш жараёни қадимги мифларнинг эпик диффузияси ва воқеликни идрок этишнинг архаик шакли сифатида «инкор» этилган мифологиянинг эпик тафаккурнинг юзага келиши натижасида қайта талқин қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Мифларнинг афсона жанри генезисида тугган ўрни унинг эпик мотивлар ўзаги сифатидаги функционал табиати билан ҳам белгиланади. Ўзбек халқ мифологик афсоналарининг сюжет силсиласи Ўрта Осиё халқлари фольклоридаги эпик сюжетлар контекстининг муҳим халқаларидан бири сифатида юзага келган.

3. Мифологик афсоналар сюжети шаклан ихчамлиги, мотивлар таркибининг мураккаб тузилишга эга бўлмаслиги, ўзида қадимги тасаввурлар, ишонч-эътиқодларни ифодалаш, культлар, маъбудлар, тангрилар, ҳомийларга бўлган инончни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, воқеликни акс эттириш усулига кўра синкретик табиат касб этиши ва мифларнинг тарихий-ворисий давоми сифатида шаклланганлиги билан бошқа тип афсоналардан фарқланади.

4. Мифологик афсоналар яратилиш даврига кўра бошқа тип афсоналарга қараганда қадимийроқ бўлиб, инсоният тарихининг ибтидоий ва қабилачилик босқичи эътиқодларининг ифодаси сифатида вужудга келган. Ўзида архаик диний қарашлар - тотемизм, анимизм, шомонизм, фетишизм, магия, аждодлар культига топиниш, табиат культларига ишониш ҳамда олам, одам, илоҳлар, маъбудлар, қаҳрамон-титанлар, демиурглр, ҳомий-пирлар тўғрисидаги тасаввурларни яхлит ҳолда умумлаштирганлиги учун ҳам мифологик афсоналар уруғ-қабилачилик даври эътиқодини ўзида акс эттирган.

Мифологик афсоналар олам ва одамнинг вужудга келиши, осмон ёриткичлари, табиат ҳодисалари, ўсимликлар ва жониворларнинг пайдо бўлиши, ғайритабиий хусусиятга эга бўлган хаёлий персонажлар - илоҳдар, маъбудлар, яратувчи-қаҳрамон(демиург)лар, пирлар, худолар, эзгулик ва ёвузлик

кучларининг фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, шунингдек, оламнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳақидаги тасаввурларни эътиқодий инонч шаклида баён этувчи қисқа сюжетли оғзаки насрий ҳикоялардир. Бу тип афсоналар тингловчида у ёки бу эътиқодни шакллантириш, муайян тасаввурларни мустаҳкамлаш, оламдаги моддий мавжудликнинг вужудга келиши ҳақидаги маълум ахборотни етказишдан иборат информатив функцияни адо этиши билан характерланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Акрамов Ғ. Аниматик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1977. - 3-сон. - Б.52-53.
2. Давидюк В.Ф. Украинская мифологическая легенда и ее эволюция: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Минск, 1986.
3. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари докт. дисс. - Тошкент, 1996. - Б.47.
4. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. - Тошкент: Фан, 2008. - Б.26.
5. Кариева Л.А. Татарская мифология (В историко-сравнительном и типологическом аспекте): Автореф. дис.. канд. филол. наук. - Казань, 1999.
6. Курбонхонова Н.М. Мифы о животных и птицах в фольклоре населения Горного Бадахшана: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Душанбе, 2006.
7. Муртузалиев Ю.М. Мифологическая проза табасаранцев: сюжеты и образы Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Махачкала, 2008.
8. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1829,17-бет.

9. Халидова М.Р. Отражение мифологических воззрений в легендах и преданиях народов Дагестана // Жанры фольклора народов Дагестана. - Махачкала, 1979. - С. 180-207.

10. Халипаева И.А. Мифологическая проза кумыков: Исследование и текстн. - Махачкала, 1994.

## **YONDOSH FOLKLOR MOTIVLAR: ALOQADORLIK, O‘XSHASHLIK VA O‘ZIGA XOSLIK**

**Mashrapova Gulsanam Axadovna\***

*Annotatsiya: Maqolada folklor asarlarining, jumladan, ertak va dostonlarning syujetini tashkil etuvchi yondosh motivlar, ularning o‘rtasidagi aloqadorlik misollar asosida dalillanadi.*

*Kalit so‘zlar: motiv, syujet, ertak, doston, shart, sinov, safar.*

Har qanday epik ijod, birinchi navbatda, ertak va dostonlar ham o‘z qurilmasiga ega. Motiv ana shu qurilmada asosiy o‘rin tutadi. Shunday ekan, folklor asarlar tahlili motivlar tahlili orqali amalga oshmog‘i kerak. Epik asarlardagi motivlarni aniqlash, har bir motivning boshqa motivlar bilan bog‘liq jihatlarini, ichki harakat va xususiyatlarini, badiiy estetik vazifalarini tahlil etish folklorshunoslikdagi muhim vazifalardan biridir [ Jabborov, 2010: 137].

Shunga ko‘ra motiv tushunchasiga folklorshunoslikda juda ko‘plab ta‘rif berilgan va shu sohaga oid tadqiqotlarning deyarli barchasida ushbu atamaga alohida e‘tibor qaratilgan. Rus olimlari V.Propp, B.Putilov va A.N.Veselovskiyning qarashlariga tayangan holda chiqarilgan xulosalar o‘zbek folklorshunosligida ham yetarli. Motivlar birlashib, syujet xalqalarini yuzaga keltirar ekan [ Veselovskiy, 1940: 494] , hech bir epik asar faqat birgina motivga tayanmasligi, bir-birini to‘ldiruvchi yoki biri ikkinchisini yuzaga keltiruvchi motivlar birlashib syujetni tashkil etishi ayon haqiqat. Ya‘ni birgina motivning o‘zini ajratib olib o‘rganish imkonsiz. Turli motivlar tadqiqiga bag‘ishlangan ilmiy izlanishlarda motivlar

---

\* Far.DU o‘qituvchisi. mashrapovag83@mail.ru

o‘rtasidagi aloqadorlik masalalari ochib berilgan. Zero, xalq dostonlari va ertaklari syujetida befarzandlik, g‘ayritabiiy tug‘ilish, tush, safar, sinov kabi motivlar bir-birini taqozo etadigan yondosh motivlar desak, adashmaymiz. Folklorshunos olim Jabbor Eshonqul “Ozodachehra”, “G‘ulom - bachcha”, “Susambil”, Bulbuligo‘yo”, “Qiron aka” ertaklarida qahramon ma‘lum tushni ko‘rgach safarga otlanishini qayd etsa [ Jabborov, 2010: 139], Shahnoza Nazarova shartlarning qo‘yilishi, bajarilishi, syujetdagi joylashuvi, sinov motivlarining safar motivlari bilan parallel kelishini “Sirli gilamcha”, “Kenja botir”, “Baxt izlagan yigit”, “Cho‘loq bo‘ri”, “Bulbuligo‘yo” ertaklari tahlili misolida yoritishga harakat qiladi [ Nazarova, 2017: 109].

Albatta, ertak janrida tadqiqotimizning asosiy obyekti bo‘lgan safar va unga yondosh bir qancha motivlarni almashgan holda qo‘llanishi tabiiy, qolaversa, yirik folklor janr hisoblangan xalq dostonlari voqealar rivojida ham bir-birini to‘ldiruvchi yondosh motivlar asar badiiyati va ta’sirchan syujetni yuzaga keltirishda qanchalik muhim rol o‘ynagani barchamizga ma‘lum. “Alpomish” dostonida befarzandlik – safar(Shohimardon pir ravzasi)- tug‘ilish – g‘ayritabiiylik, alplik belgisi( 7 yoshida 14 botmonlik yoyni tortib, o‘qi bilan asqar tog‘ining tepasini uchirib yuborishi) yoki safar – sinov( Barchinning 4 sharti) motivlar ketma-ketlikni tashkil etadi. Bundan tashqari Alpomishning qalmoq eliga ketayotib cho‘ponlar qo‘shxonasida ko‘rgan tushi parallel qo‘llangan safar-tush motivlaridir. Shu o‘rinda aytish kerakki, qahramonning tug‘ilishidan avvalgi jarayon – befarzandlik motivi juda ko‘plab ertak va dostonlar boshlanmasida kelib, bo‘lg‘usi qahramonning qanchalik intizorlik bilan kutilgani, pirlar va homiy kuchlar yordamida Yaratgandan tilab olinishi uning kelgusida boshqalarga o‘xshamagan, o‘zgalarda uchramaydigan xislat egasi bo‘lishidan darak beradi. Ba‘zan qahramonning otasi mana shunday xushxabar(tug‘ilish)ni dabdurustdan eshitsa “yuragi ko‘tarolmasligi”ni aytib, olis safarga chiqadi,ovga yoki jangga otlanadi. Jumladan, “Rustamxon” dostonida ota 14 yillik safarga otlanadi. Aynan shu jarayon –



Rustamxon dunyoga kelgan vaqtda otasining uzoqda bo‘lishi uning va onasining taqdirini o‘zgartirib yuboradi va demakki, voqealarning keying rivoji uchun befarzandlik va safar motivi muhim o‘rin tutadi. “Orzigul” dostonida esa bo‘lajak ota farzand tug‘ilishidan oldin ovga ketadi va xotini Barnogulga o‘g‘il tug‘ilsa, davlatni berishini, qiz tug‘ilsa dorga osishini aytadi. Shu va shunga o‘xshash syujet motivlari ko‘plab folklor asarlarida uchrashi, takrorlanishi nafaqat bir xalq doirasida, balki turli xalqlar va millatlar og‘zaki ijodini qiyosiy –tipologik aspektda o‘rganish jarayonida ham yuzaga chiqadi. Folklorshunos olim Mamatqul Jo‘rayev rus olimi A.N.Beselovskiyning bu boradagi fikrini keltirib o‘tadi: u yoki bu milliy folklordagi mushtarak motivlar o‘z-o‘zidan yuzaga keladi. Ammo motivlar tizimidan tashkil topgan epik syujetlardagi o‘xshashliklar adabiy o‘zaro ta‘sir natijasida ham bo‘lishi mumkin [Jo‘rayev,2009: 156]. Shu o‘rinda rus xalq ertagi asosida yozilgan A.S.Pushkinning “Shoh Saltan” ertagi boshlanmasini eslash kifoya. Aynan, uzoq kutilgan farzand tug‘ilishidan oldin otaning jangga ketishi keyingi voqealarni yuzaga kelishiga zamin hozirlaydi va qahramonning sarguzashtlariga yo‘l ochadi.

Ko‘pchilik romanik dostonlar syujeti tasodifiy uchrashuvlar, qahramonning oshiq bo‘lib qolishi bilan boshlanadi. Shundan keyin oshiqning o‘z sevgilisini izlab safarga chiqishi va sarguzashtlari bilan doston syujeti shakllanadi [Mirzayeva, 2004: 39]. Bu - umumiy jihat, lekin aytish kerakki, safar motivining har bir dostonida turli o‘rinlarda bir necha xil motivlar bilan mushtarak kelishi, ularning xususiy jihati – o‘ziga xosligini ta‘minlaydi. Jumladan, o‘zbek xalqlari dostonlari orasida munosib o‘rniga ega bo‘lgan “Kuntug‘mish” dostoni avvalida tush, oshiqlik va safar motivi bir-birini taqozo etadigan va asosiy voqealarni boshlab beradigan “ochqich” vazifasini bajaradi. Ya‘ni syujet voqealar ro‘y berishi uchun qahramon safarga (yor izlab) safarga chiqishi kerak, safarga chiqish uchun sabab kerak, bu sabab esa Kuntug‘mish va Xolbekaning bir xil ko‘rgan tushlari, ruhlarining chiltanlar yordamida uchrashuvi natijasida bir-biriga oshiqligi bilan bog‘liq.

“Kuntug‘mish” dostoni bo‘yicha o‘zbek folklorshunosligida juda ko‘p tahlillar amalga oshirilgan, bu - alohida masala. Lekin dostondagi safar motivi haqida fikr yuritganda, unga bog‘liq ayrim mulohazalarni ham bildirmoq joiz. Xalqimizda yo‘lga otlanayotgan kishini xayrli duolar bilan, ezgu tilaklar bilan kuzatish azaliy odat hisoblanadi. Dostonda Xolbekani izlab Zangar shahriga yo‘l olgan Kuntug‘mishga otasi “...noiloj, nochor javob bermoqchi bo‘lib, lashkarini yig‘ib, har dastasidan bittadan, qirq yigit ayirib berdi. Qirq xachirga zar ortib, aytdi:

- Ey farzand, burungilardan bir so‘z bor: “Musofirchilikda yo zar yarar, yo zo‘r yarar kuningga” degan ekan. Zarga kelsa, xachirdagi pulni ayama, zo‘rga kelsa, qirq yigitga buyursang, Xudodan kelgan ajal bo‘lmasa, bandadan kelgan ajaldan bir-ikki-uchga dovur ayirib olar. Bor, bolam, Alloh yoring bo‘lsin, sog‘ borgaysan, salomat kelgaysan, omin Allohu Akbar,- deb oq fotiha berdi” [“Kuntug‘mish”,2011:11]. Voqealarni kuzatar ekanmiz, na qirq sara yigit(askar)ni, na qirq tuyali zar(tilla)ni qahramonning (otasi aytganday) biror kuniga yaramaganiga guvoh bo‘lamiz. Garchi Qilichxon tomonidan ta‘kidlab aytilgan bo‘lsa-da, qirq yigitning hamrohligi Kuntug‘mishning Zangar eliga yetib, shahar darvozaboni bilan do‘stlashgach, yakuni yetadi. Undan keyingi voqealar Kuntug‘mishning o‘zi bilan kechadi, mushkul holatlarda qirq yigitdan unga hech qanday yordam bo‘lmaydi. Qirq hachirli zar (tilla) ham ozmuncha davlat emas, lekin uning ham bir qismi Kuntug‘mishning Xolbeka va kanizlariga o‘zini savdogar qilib ko‘rsatishi uchun sarflanadi, qolgan qismining taqdiri esa noma‘lum.

Boshqa dostonlarda kabi “Kuntug‘mish dostonida ham safar jarayonida jang qilish, oz sonli qahramonning ko‘p sonli qahramonga nisbatan kurashib yengish sahnasi mavjud. Egizak farzandlari bilan topishgach, Xolbeka ularni ota yurtlari hisoblangan No‘g‘ay yurtiga, bobolari Qoraxon podsho huzuriga yo‘llaydi. Yuqoridagi kabi ezgu tilaklar,nasihatlar bilan farzandlarini safarga kuzatadi:

O‘zingdan pastlarman har yo‘lga ketma,

Bolam,aytgan nasihatim unutma,

Oldingdan kim chiqsa, salomsiz o‘tma,

Bir g‘aribni ko‘rsang zinhor og‘ritma,

Nasihatim qabul qilgin, Mohijon,

**Zinhor manmanlikning yo‘lini tutma.**

Lekin bu safarning yakuni ham yaxshilik bilan tugamaydi. Mohiboy va Gurkiboy yurt chegarasidan chiqmay turib, xatoga yo‘l qo‘yadilar: avval darvoza qo‘rboshisini o‘ldiradilar, so‘ng podshohning podalarini haydab ketishgani uchun podachi-asgarlar bilan jang qilishadi, 6 ming askarni atigi ikkalasi tor-mor etadi, charchab uxlab qolganda esa podshohning qo‘shimcha askarilari tomonidan qo‘lga olinadilar. Bu o‘rinda safar va jang motivi ikki farzandning podshoh, ya‘ni otalari Kuntug‘mish bilan topishtirish uchun vosita rolini bajargan. Ha, jazo uchun dor ostiga oib kelingan bolalarni Kuntug‘mish Xolbeka yordamida taniydi va oila but bo‘ladi.

Shart-safar yondosh motivlari munosabati dostonning boshqa bir o‘rnida – Azbarxo‘janing bir kosa suv, bitta non evaziga Kuntug‘mishni ajdahoni o‘ldirishga buyurishida namoyon bo‘ladi. Ushbu o‘rinda ham sabab-oqibat: ochlik – shart (bir kosa suv va non berish) – safar aloqadorligi yuzaga chiqadi.

Xulosa qilib aytganda, aslida, nafaqat ertak, nafaqat doston, har qanday epik folklor janrining syujeti bir-birini taqozo etuvchi motivlar ketma-ketligidir. Shuning uchun uni har bir asar misolida alohida o‘rganish turli mustaqil tadqiqotlarga material bera oladi. Ushbu kichik izlanish orqali ularning ayrimlariga umumiy bir nazar tashlashni niyat qildik, xolos. Bu, albatta, keyingi tadqiqotlarimiz uchun debocha vazifasini bajaradi, desak yanglishmaymiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Eseyev M.M. Qoraqalpoq xalq dostonlarida mifologik motivlar (evolyutsiyasi va tipologiyasi): Filol.fan. bo‘syicha falasafa dokt...diss. – Toshkent, 2021.

2. Jabborov E.S. O‘zbek folklorida tush va uning badiiy talqini: Filol.fan. dok..diss. – Toshkent,2010.
- 3.Jo‘rayev M. Folklorshunoslik asoslari/o‘quv qo‘llanma.T.:”Fan”, 2009.156-b.(Veselovskiy A.N. Istoricheskaya poetika. – L.,1940.C.500-502)
4. “Kuntugmish” dostoni. T. : “Sharq”, 2011.
5. Mirzayeva S.R. O‘zbek xalq romanik dostonlari poetikasi. T.: “Fan”,2004.
6. Nazarova Sh.I. O‘zbek xalq ertaklarida sinov motivlarining genezisi va poetikasi: Filol.fan.bo‘yicha falsafa dokt...diss. – Toshkent, 2017
7. Rahmonov T.I. Qadimgi miqlar o‘zbek folklori epik motivlarining o‘zagi sifatida: Filol.fan.nomz...diss. - Toshkent, 1997-y
8. Veselovskiy A.N. Istoricheskaya poetika. – L.: Visshaya shkola, 1940.

## **AFG‘ONISTONDA O‘ZBEK, TOJIK VA TURKMANLARNING BA‘ZI MUSHTARAK TO‘Y- MAROSIMI ETNOGRAFIK ZAMONALARI**

**Muhammad Humayun Nadim\***

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari etnomadiy holati, hududda istiqomat qiladigan o‘zbek, tojik, turkman elatlarining to‘y-marosimlari etnografizmlari va ularning izohlari keltirib o‘tilgan. Tojik hamda turkman elatlari to‘y-marosimlarining o‘tkazilish jarayoni o‘ziga xosliklari hamda bu marosimlarning Afg‘oniston o‘zbeklari to‘y-marosimlari bilan bog‘liqliklari tahlilga tortilgan.

*Tayanch so‘zlar:* Shimoliy Afg‘oniston, fotihayi to‘yi, xiysh xuri, Poyvoziy.

Afg‘oniston etnik jihatdan ko‘pmillatli xalq. Bu holat barcha jarayonlarda, xususan, hudud etnografiyasi, etnografizmlarida ham integratsion holatni namoyon qiladi. Hududda istiqomat qiladigan etnik xalqlar: pashtun, turkman, tojik, o‘zbeklarning to‘y-marosim etnografizmlarida ham uyg‘un holatlarni kuzatishimiz mumkin. Jumladan, turkman, tojik xalqlari to‘y-marosim etnografizmlari shu hududlarda yashovchi o‘zbeklarning to‘yga oid etnografizmlari bilan uyg‘unlik hosil qilishi barobarida o‘ziga xoslikni ham ma‘lum darajada saqlab qolgan. Quyida Shimoliy Afg‘onistondagi tojik hamda turkman xalqlari to‘y marosim urf-odatlarini bayon qilgan holda fikrimizni davom ettiramiz.

Sovchilik jarayoni tojiklarda **“gap zani”** – *sulh tuzuvchilar, bitim tuzuvchilar*; yoki **asokoli**, ya‘ni *oqsoqollar* deb nomlanadi. Bunday deyilishiga sabab shuki, sovchilikka odatda qariyalar

---

\* Termiz davlat universiteti tayanch doktorant.  
hn786786@gmail.com

borishgan. Tojik elatlarida unashtirish to‘yi **“Fotihayi to‘yi”** deb nomlanadi. Unashtirish jarayonida kuyovning ota-onalari kelinga boshdan-oyoq sovg‘lar, kiyim-kechaklar taqdim qilishadi hamda bu *“sarupo”* deb nomlanadi. Aynan shu jarayon Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari etnografizmlarida *“sarpo”*, *“sarpoy”* nomlari bilan ataladi. Tojik elatlarida kelinning uyiga kuyov tomonidan yog‘, guruch, qo‘y go‘shiti yuboriladi. Bu an‘ana hudud o‘zbeklariga ham xosdir. Tojiklarda to‘y, asosan, *“to‘y”*, *“to‘y arusi”* deyiladi [Doniyorov, 2011:147].

Jamiyatning asosiy bo‘g‘ini hisoblanmish oila munosabatlari nikohdan boshlanadi. To‘y jarayonini **“yasavul”** boshqaradi. To‘y bazmida kuyov *“sha”* yoki *“shah” – podshoh* nomini oladi. To‘y marosimi nihoyasida kuyovning ***soch olish*** udumi bajariladi. Bunda kuyovga yangi boshdan-oyoq kiyimlar taqdim qilinadi. Nikoh to‘yidan oldin mulla chaqirilib nikoh o‘qitiladi. Mullaning yoniga bir kosa suv, uning ustiga non qo‘yiladi. Bu suv *“nikoh suvi”* yoki *“obi nikoh”* deb nomlanadi. Kelin nikoh o‘qish jarayonida qatnashmaydi. Bo‘lajak kelin yoniga bir *“padarvakil”* (*“vakilota”*) hamda ikki odam guvoh sifatida boradilar. *“Vakilota”*ga qiz o‘z roziligini va nafsigga vakil tutganini aytadi. Bu jarayonga guvoh bo‘lgan ikki inson *“shohidvakil”* yoki *“Shohidlar”* deb ataladi. Shu guvohlar va *“vakilota”* gaplariga asosan mulla nikoh o‘qiydi. Afg‘oniston o‘zbeklarida nikoh o‘qish jarayoni ana shu tartibda amalga oshiriladi.

Afg‘oniston tojiklari orasida ayrim marosim nomlari Afg‘oniston o‘zbeklari to‘y marosimlarida ham uchrayadigan etnografizimlar hozirgi kunda faol qo‘llaniladi va ularning ayrimlarining izohlarini keltirib o‘tsak.

**Izdivoj merosi (nikoh merosi نكاح میراثی)** – ushbu an‘anaga asosan baxtsiz hodisa tufayli erta vafot etgan aka yoki ukaning xotinini, marhumning akasi yoki ukasi o‘z nikohiga oladi. Bunda ular bu majburiyatdan bosh tortishi mumkin bo‘lmagan. Afg‘oniston o‘zbeklarida bu tamoyil pashtu xalqlaridan o‘tgan bo‘lib, hanuz meros sifatida saqlanib qolgan.

**Xush kelibsiz** (خوشامد گویی عروس و داماد) marosimi – kelin va kuyov mehmonlarni kutib olish uchun to‘y kechasida bajariladigan marosimdir. Bunda to‘yi bo‘layotgan kelin-kuyovlar mehmonlarni kutib olib, salom berishadi. Shuningdek, mehmonlar ularni tabriklab, ularga baxt va quvonch tilab qolishadi. Bu odat eroniy xalqlarga mansub bo‘lib, Afg‘oniston o‘zbeklari orasida o‘zgargan shaklda ya‘ni kuyovning yaqin insonlari onasi yo otasi mehmonlarning yonlariga borib “Xush keldingiz” deya aytadi. Bundan ma‘no shuki, o‘zini va oilasini hurmatlab, e‘zozlab kelganlarga tashakkur izhor etishdir.

**Pesh xuri** – (پیش خوری) Fors tilida lug‘aviy ma‘nosi “pesh” oldin va “xuriy” ovqatlanish degan ma‘noni anglatadi. An‘anaga asosan nikoh to‘y bo‘lishi arafasida qiz va kuyovning hovlisida ham o‘z yaqinlari bilan alohida tashkil etiladigan marosim. Ushbu marosimdan maqsad, to‘ydan oldin tayyorgarchilik olishdir. Qishloq joylarida va uzoqda joylashgan shaharlarda, ba‘zi odamlar, ayniqsa ayollar, kechki ovqatdan oldin bayramini nishonlaydilar. Bu kechada kelin-kuyovning bir necha qarindoshlari yig‘ilib, raqsga tushishadi va qo‘shiq aytishadi.

**Xiysh xuri** (خویش خوری) Fors tilida xiysh o‘zlari bilan o‘zi va xuriy ovqatlanish degani. Nikoh to‘y bo‘lishi arafasida qiz va kuyovni, uyida ovqatdan oldingi kungi bazm ushbu bazmda, oila a‘zolari va yaqin qarindoshlaridan tashqari, ba‘zi do‘stlar va qo‘shnilar yig‘ilib, o‘g‘il -qizlarning oilalarini tayyorlab, kiyim -kechak va taom tayyorladilar. Shuningdek, ular qo‘shiq, raqsga tushish va o‘ynash orqali baxtli daqiqalar va soatlarni yaratadilar. Albatta, bu yig‘in bo‘lajak kuyov va kelinning oilasida alohida -alohida o‘tkaziladi.

**Valvar** (ولور) «گل»، «شیربها»، «ولور»، «قلین»، «طویانه» و «پیشکش» (ولور) - bu pashtucha so‘z bo‘lib, singlisi yoki qizining uylanishi evaziga olinadigan pul yo mato va shunga teng buyumlar. Volur dastlab ikkita maqsadda ishlatilgan. Birinchidan, uylanish paytida ota -onasi qizi uchun uy -ro‘zg‘or buyumlari yoki jihozlarni sotib olish uchun; Kiyim -kechakdan tortib idish -tovoqqacha va shu kabi hayot uchun

zarur bo‘lgan barcha narsalarni o‘z ichiga oladi. Bugungi kunda muzlatgich, televizor va kir yuvish mashinasi kabi asbob -uskunalar bu xil ehtiyojlarning bir qismidir. Ikkinchidan **valvar** - mehmonlar va to‘y kuni marosimiga tashrif buyuruvchilar uchun ovqat tayyorlash ma‘nosini anglatadi.

**Xabari** (خبری) Indak berish. Shaharlarda to‘ylarga taklifnomalar orqali borishadi. Lekin qishloq joylarda to‘ylarga taklif qilish vazifasini ayollar, bolalar bajarishadi.

Ayollar, bolalar, uyma-uy yurishib qavm-u qarindoshlar, do‘stlar va qo‘shnilarni to‘yga taklif qilishadi. Buning o‘rniga, bu indakchilarga shirinliklar va pul berishadilar. Uzoqdagi qishloqlarga erkaklar xabar berishadi. Kuyov va kuyovning otasi erkaklarni to‘ydan bir yoki bir necha kun oldin shom oshiga taklif qilishadi.

**Poyvoziy** - Bu afg‘oncha so‘z bo‘lib, istiqboliga chiqmoq degan ma‘noni anglatadi. Bu so‘z qudalar to‘ydan keyin birlarining uylariga birinchi marta mehmonga borishni anglatadi.

**Xostgori (sovchilik)** qizni tanlash - Afg‘onistonda odamlarning 90% dan ko‘prog‘i qishloq xo‘jaligi bilan shug‘ullanadi va shu yo‘l bilan tirikchilik qiladi, shuning uchun xo‘jalik ishlarini har tomonlama bajarish ko‘nikmalariga ega kelinni tanlashga harakat qiladilar. Bu ko‘nikmalar qishloq va shaharlarda gilam to‘qish, tikuvchilik, chorvachilik va dehqonchilikni o‘z ichiga oladi. Munosib kelinni tanlash uchun sovchilikka borish aynan xoskorlik deyiladi.

**Shabi shash** – forschada oltinchi kecha ma‘nosini bildirib, bola tug‘ilgach oltinchi kechasi bo‘lib o‘tiladigan marosim. Bu marosim Afg‘oniston tojik xalqi orasida bola tug‘ilishi va chaqaloqqa sovg‘a berish munosabati bilan uning oilasi tomonidan o‘tkaziladigan bayram. Ushbu marosim Afg‘oniston o‘zbeklari orasida besh kecha to‘yi nomi bilan ataladi.

**Shir haqi** - Sut haqi. Afg‘onistonning aksariyat hududlarida va ko‘p qabilalar orasida kuyovning oilasidan sut haqi olish odat bir urfga kiradi va qizning oilasi pul so‘raganda, u kuyovning oilasidan ko‘p pul talab qiladi, oilalar ko‘pincha buni to‘lashga qodir emas.



Afg‘oniston o‘zbeklari orasida **sut haqi** deb nomlanadi va bu udum hali ham o‘zbeklar orasida rasm bo‘lib qolgan.

**Po oyoqi** – (پا اجاقى) Afg‘onistonning ba‘zi joylarida kuyovning otasi to‘y kuni kuyovning oilasiga ma‘lum miqdordagi pul yoki mashinani sovg‘a (پا اجاقى) sifatida berish odati. Bu odat kuyovning oilasiga katta xarajat yuklaydi. Oilalarning kam daromadli bo‘lishi nikohni kechiktirishga olib keladi. Aslida bu udum Hindistondan Afg‘onistondagi pashtu va tojik xalqiga keyinchalik Afg‘oniston o‘zbeklariga ham o‘tgan.

**Duxtar uzr** (دختر عذر) Ba‘zida shunday holatlar bo‘ladiki, qiz va o‘g‘il bir – biriga ko‘ngil qo‘yadi, lekin ayrim sabablar bilan nikohga qarshiliklar bo‘lganligi uchun ular o‘z uylaridan qochib ketadi. Ana shunday holatlarda mahalliy kengash oqsoqollari o‘zboshimcha qochib ketgan yigitning singlisini, qochib ketgan qizning akasiga majburan nikohlab beradi.

**Baddodan** – Ikki oila yoki qavm orasida qon to‘kilib qatl yuzaga kelgan paytda yoshi ulug‘ oqsoqol tomonidan masalani kelishuv, maslahat yo‘li bilan hal qilish maqsadida jabr va zarar ko‘rgan tomonga qotil oilasidan bir qizni ular oilasidagi bir kishiga nikohlab berish.

**Nikohi badali** - (نكاح بدلى) Qarshi quda

Badali nikoh - bu ikki oila bir -biriga sut puli o‘rniga qiz beradigan nikoh. Ba‘zida sut haqi pul to‘lashga moliyaviy imkoniyati bo‘lmagan oilalar boshqa oila bilan qizlarini almashtirishga rozi bo‘lishadi.

Shimoliy Afg‘oniston etnik elatlari orasida turkmanlar ham salmoqli o‘rinni egallashadi. Ularning soni taxminan 2 millionga yaqin. Shu bois bu hudud turkmanlarining ham o‘ziga xos tarzda to‘y marosimlari shakllangan. Turkmanlarda to‘y boshlash jarayoni qarindoshlik aloqalarini bog‘lovchi kishilar orasidagi kelishuvdan boshlanadi. Ya‘ni ikki kishi o‘zaro quda bo‘lmoqchi bo‘lsa, dastlab kelishib olishadi, undan so‘ng kelin yoki kuyov bu haqida bilishadi. Shuni alohida qayd etish o‘rinliki, turkmanlarda kelishuv jarayonini birinchi bo‘lib erkaklar amalga oshiradi.

Dastlab ayollarning sovcilikka borishlari bilan o‘zbek elatlari bu jihatdan farqlanadi. Ba‘zi holatlarda bo‘lajak kelin yoki kuyovning qanday ekanligini uning yaqinlari to‘y kuni bilishadi. Ammo turli etnik guruhlarining qiz tanlash me‘yorlari bir-biridan farq qiladi. Bunga ko‘ra kelin bo‘ladigan qizning bo‘y basti va andomiga, uning hunarmandchiligi, ish bilarmonligiga ko‘ra ham alahida baho beriladi. Misol sifatida Pushtun yigitlari ko‘pincha jismoniy jihatdan to‘liq, semiz, sochlari uzun, ko‘zlari katta bo‘lgan qizlarni yoqtiradi. O‘zbeklarda esa qizlarning ta‘lim va husni jamolidan tashqari ularning qolin – gilam to‘qish, tikuvchilik va pazandalik kabi mahoratlariga ahamiyat beriladi. To‘ygacha bo‘lgan urf-odatlar ham kelishuvdan so‘ng bajariladi. Hudud turkmanlari ham o‘zbek elatlari kabi to‘yga tayyorgarlik ko‘rish uchun maslahatga yig‘iladilar. Bu maslahat **“Kengash to‘y”** deb yuritiladi. “Kengash to‘y”da to‘yga kerakli narsalar haqida maslahatlashib olishadi. Hudud turkmanlarida to‘y marosimining asosiy qismi kuyov uyida o‘tkaziladi. Ba‘zi holatlarda kelinning uyida ham to‘y o‘tkaziladi. To‘y marosimida kelinni kuyov xonadoniga olib borish uchun **taxtiravon**, ya‘ni **kajaba** tayyorlaydilar. Turkmanlarda erkaklar kelinni dugonalari bilan birga gilam yo qoliga o‘rab kajovaga solib, kuyovning uyiga olib borishadi. Shuningdek, kelinni kuyov qishlog‘iga olib ketadigan paytda kelinning oila va yaqinlariga bog‘liq kishilar tamonidan **“Kesak otish”** jarayoni boshlanadi. Bu marosimda yosh bolalar ramziy ma‘noda kesaklarni otishadi. Afg‘oniston o‘zbeklarining ayrim hududlari (Javzjun viloyatining Shiburg‘on mahallalari va qishloqlari)da, Pashtun (Balx viloyatining Balx tumanida) aholisida to‘y marosimlarida **“kesak otti”** jarayoni hali ham kuzatiladi.

Afg‘oniston turkmanlarining ham to‘y marosimlari o‘ziga xoslikni tashkil etadi va shu bilan birga bir qancha farqlovchi xususiyatlarni namoyon qiladi. Jumladan, turkman elatlarida to‘yning ma‘lum qat‘iy shartlari mavjuddir. Ular:

– turkmanlar o‘zga millat vakillaridan kelin qilishi mumkin ammo, o‘zlari boshqa millat vakillariga qiz bermaydilar ya‘ni

turkman ayol yoki qiz turkman bo‘lmagan kishiga turmushga chiqishni o‘zlariga munosib ko‘rmaydi;

– beva qolgan xotinlar eri vafotidan keyin bir yil motam tutishlari kerak. Shundan so‘ng, ota-onasi yoki aka-ukalari uni boshqa turmushga chiqarishga haqli hisoblanadi. Bundan farqli ravishda Afg‘oniston o‘zbeklar orasida ayrim joylarda motam tutish 40 kungacha bo‘ladi;

– Turkmanlar to‘y kuni mahrni naqd pulda to‘laydilar. Bunga teng keladigan qoramol, qo‘y, tuya va ot ham qabul qilinadi. Bu miqdor qizning ota -onasiga yoki akasiga to‘lanadi. Turkmanlarning nikoh urf -odatlaridagi qiziq jihat shundaki, mahr odatiy emas va kelinning ota -onasining xohishiga qarab beriladi va odatda cheklangan bo‘lib, gilam, qolin, ko‘rpa tushak, sandiq va kiyimni o‘z ichiga oladi;

– Afg‘oniston turkmanlarida nikoh yoshi qiz va o‘g‘il bolalar uchun ham bir xil 15, 16 yoshdan belgilanadi;

– turkmanlarda odatda ota o‘g‘liga qiz tanlaydi.

Xulosa sifatida shuni aytish o‘rinliki, Shimoliy Afg‘oniston o‘zbeklari etnomadiy holati asrlar davomida xalq turmush tarzi bilan birgalikda shakllangan hamda rivojlangan. Xalq asrlar davomida o‘z ana`ana va qadriyatlariga sodiq qolgan holda, ota-bobolari urf-odatlarining davomchisi sifatida, bu odatlarni o‘z farzandlari ham yetkazib kelmoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Doniyorov A. Bo‘riyev O. Ashirov A. Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenizi va etnik tarixi. – Toshkent: “Yangi nashr” nashriyoti, 2011. – b.147.

2. Saydullayeva X., Ochilov A. O‘zbekistonda to‘y an‘analari tarixi va buguni (maqola). Academic Research in educational sciences volume 2 | ISSUE 3 | 2021. –b.1238.

3. Nazarov.N. Afg‘oniston o‘zbeklari. –Toshkent,2001.-b.14

4. Xassos Solih Muhammad. Naqid va posix ajdodi turkxo. – Kobul: Xurason, 2018. –b.170.
5. Б.Менглиев. Маърифий адабиёт лингвистик тадқиқ методологияси сифатида / Uzbekistan language & Culture. Alisher Navo’i Tashkent State University of the uzbek language and literature. ISSN 2181-922X; 2019 Vol.1;
6. Bakhtiyor Rajabovich Mengliev, Nigmatova Lolakhon Hamidovna. Problems of language, culture and spirituality in general explanatory dictionaries of Uzbek language / International Journal of Psychosocial Rehabilitation. ISSN: 1475-7192.

## ХАЛҚ ЭПОСЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК МУАММОЛАРИ

**Юсуфжонова Назокат Ниғмаджон қизи\***

***Аннотация.** Тарих тўфонлари, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини сақлаган эл-улуснинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари акс этган халқ достонлари миллатнинг ифтихоридир. Миллий эпосларимиз меҳварида милоддан аввалги юз йилликларда юртимизда кечган жараёнларнинг поэтик талқинлари, халқимизнинг ментал белгилари ифодаси мужассамлиги уларга асос бўлган сюжет ва етакчи мотивларнинг мифологик, тарихий-ҳаётий илдизларини излаш орқали оидинлашади. Мақолада таълим бочқичларида халқ достонларини ўқитишнинг назарий-методик муаммолари атрофлича таҳлил қилинган.*

***Таянч сўзлар:** бадиий асар шарҳи, қиёсий-типологик таҳлил, бадиий-эстетик тафаккур, поэтик талқин, эпос ўқитиш методикаси.*

Хаёл ва ҳақиқат чегарасидаги фан бугун ҳар бир илм кишисига янги-янги вазифаларни, ечимини топиш анчайин кийин бўлган муаммоларни қўймоқда. Адабиёт ўқитиш методикаси илмида бадиий асарлар таҳлили жуда кўп ўрганилган, фундаментал ишлар, тадқиқотлар яратилган бўлсада, таълимнинг турли босқичларида халқ эпосларини бугунги замон талаблари асосида ўқитиш, улардаги мотивлар ва уларнинг ўзаро муносабатини жаҳон адабиётининг дурдона

---

\* Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти. [yusufjonova2504@mail.ru](mailto:yusufjonova2504@mail.ru)

эпослари билан қиёсий-типологик йўсинда шарҳлаб ўқитиш махсус тадқиқ қилинган эмас.

Афсуски, аксарият ўрта таълим мактабларида «Алпомиш», «Равшанхон» каби халқ достонлари бир чўпчак сифатида талқин қилиниб, мазмунини ҳикоя қилиб бериш шаклида ўқитиб келинмоқда. Бир оила тарихи асосида бутун бир уруғ, миллатнинг тарихи акс этган халқ эпосларидан чўпчак эмас, фикр ва ҳикмат излаш, уларга инсон руҳиятини чиниқтирувчи, маънавиятини тиниқлаштирувчи восита деб қарамоқ лозим.

Маълумки, бадий асар таҳлили жиддий ва мураккаб жараён бўлиб, яратилиш тарихи минг йилликларга бориб тақалувчи халқ достонларини адабий шарҳлаш янги ва ўзига хос ёндашувни талаб этади. Бахши ижросида ўзининг локал тарихий-эстетик хусусиятларини намоён этган эпос матни билан танишаётган ҳозирги ўқувчи айрим сўз ва ифодалар изоҳига эҳтиёж сезиши табиий, албатта. Қолаверса, рамз ва тимсоллар тили бўлган халқ эпосларидаги аждоқларимизнинг қадимий турмуш тарзи ва урф-одатлари, руҳияти ва тахайюли билан бугунги ҳаёт тарзи ўртасидаги фарқ ҳам эпик асарларни бадий таҳлил асосида, ҳам лингвистик, ҳам тарихий-адабий йўналишда шарҳлаб ўқитиш зарурлигини кўрсатади.

Кўплаб эскирган ва тарихий сўзлар, рамз ва тимсолларга бурканган халқ оғзаки ижоди намуналарини шарҳлаб ўқитиш ва бу жараёнда, айниқса, ўқувчиларнинг матн устида мустақил изланишларини ташкил этиш муҳим дидактик вазифа ҳисобланади. Сюжет ва тасвирлар қатидаги мазмунни мустақил англаб етиш ўқувчига эстетик завқ бағишлаб, уни сўзнинг маъно қирраларини нозик тушуниш, ҳис қилиш ва ўринли фойдаланишга ўргатади. Бунинг учун матнни синфда ва синфдан ташқарида бир неча бор ўқиш, бугун истеъмолдан чиққан ва ўқувчиларга тушунарсиз бўлган сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш, шунингдек, мажозий маънода қўлланилган,

Ўзида миллатнинг асрий қадрият ва қарашларини ифода этган сўзларнинг асл маъносини шарҳлаш талаб этилади.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабнинг 9-синф “Адабиёт” дарслигидаги [Йўлдошев ва бошқалар, 2010] “Халқ оғзаки ижодидан” рукнида халқимизнинг буюк даҳоси ва бадиий эстетик тафаккури билан яратилган “Алпомиш” достони берилган бўлиб, уни ўрганиш учун 5 соат вақт ажратилган.

Халқимизнинг “қаҳрамонлик қўшиғи” бўлган ушбу бекиёс достонга ўқувчилар қалбида биринчи навбатда меҳр уйғотиш, унинг поэтик оламига олиб кириш, эпосда тасвирланган рамзий ифодаларни таҳлил қилиш дарс самарадорлигини таъминлайди. Зеро, бадиий асарни ўқийдиган, тушунадиган ва таҳлил қила оладиган, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этадиган ўқувчиларни тарбиялаш адабиёт ўқитишнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу маънода дарсни илмий-методик жихатдан тўғри ташкил этиш ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва шу орқали уларда гўзалликдан завқланиш, ҳақсизликдан нафратланиш, ўзгаларнинг қувончу дардига туйғудош бўлиш каби соф инсоний фазилатларни камол топтириш воситаси бўлади.

Бунда дарснинг **тарбиявий мақсади** – ўқувчиларда дoston қаҳрамонлари тимсолида ўз оиласи, она юрти тақдирига бефарқ бўлмаслик, ваъдага вафо, дўстга садоқат, мардлик, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни шакллантириш; **таълимий мақсади** – ўқувчиларга халқ эпослари, истеъдодли бахшилар ва уларнинг ўзига хос ижролари, Алпомиш достонидаги эзгу ғоялар ва халқ дostonларига хос хусусиятлар ҳақида маълумот бериш, шунингдек, дoston матни, тасвирий ифодалар, образлар ҳамда мотивларни қиёсий таҳлил қилишга ўргатиш; **ривожлантирувчи мақсади** – ўқувчиларда эзгу ниятли бўлиш, кўзлаган мақсади учун курашиш, ўзи ва оиласи шаъни, кадр-қиммати, ор-номусини ҳар қандай вазиятда ҳам химоя қилиш, ҳамиша комиллик сари интилиш каби юксак

инсоний фазилатларни камол топтириш кабиларни белгилаш мумкин.

“Халқ оғзаки ижодидан” рукнида кўплаб халқ дostonларини ёддан билган ва шеър қисмининг ўзи ўн тўрт минг мисрадан ортик “Алпомиш” дostonини тенгсиз маҳорат билан ижро этган Фозил Йўлдош ўғли ҳақида маълумот берилган. Шу ўринда ўқувчиларга юртимизда етишиб чиққан бошқа кўплаб етук бахшилар ҳақида ҳам қисқа маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларга халқ дostonчиси сўз заргари бўлиши лозимлиги, бу эса ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, мунтазам равишда кунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этишини айтиб ўтиш ўринли. Зеро, бахши халқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор соз чалишни билиши, ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли халқ тилининг турли шаклларида, сўз ўйинлари ва қочиримларидан, халқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим. Тингловчиларни ром этувчи оҳанг топа билиш, дostonни жозибали ва қизиқарли қилиб айтиш дoston айтишнинг асосий талабларидандир.

Ўқитувчи қўшимча равишда нафақат бахшилар, балки дostonларни тўплаб, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи фольклоршунослар ҳақида ҳам маълумот бериши ҳам мумкин. Зотан, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф ва академик Тўра Мирзаев каби тўпловчи-тадқиқотчиларнинг адабиётимизга қўшган ҳиссаси ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Эллик йил давомида ўзининг сермахсул ижоди билан халқимизнинг кўплаб оғзаки ижод намуналарини тўплаб, нашрга тайёрлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳоди Зариф ўзига хос фольклоршунослик мактабини яратди, истеъдодли бахшиларни элга танитди.

Ҳозирга қадар бахшилардан ёзиб олинган дostonларнинг умумий сони, вариантлари билан қўшиб ҳисоблаганда 500дан ошиб кетишини ҳисобга олсак, қанчалик улкан адабий меросга,



бекиёс хазинага эга эканлигимиз англашилади. Демакки, Ҳоди Зариф бошчилигида кўплаб фидоий фольклоршуносларимиз томонидан ана шундай улкан иш амалга оширилган.

Кўплаб ҳорижий тиллар, хусусан, рус, инглиз, немис, турк, уйғур тилларига таржима қилинган, Германия, Туркия, Хитой, Финландияда нашр этилган “Алпомиш” дostonи нафақат ижро, балки мазмун, ғаройиб воқеалар тасвири, қахрамонлар саргузаштлари, ҳаётий муаммоларнинг қўйилиши билан ҳам бетакрордир. Проф. Қ.Йўлдошев ўзининг “Алпомиш” дostonи талқинларига бағишланган китобида дostonнинг бадиияти ва миллатимиз маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида теран мулоҳазаларни баён этиб, **“Ҳар бир ўзбекнинг миллий китобига айланиши лозим бўлган “Алпомиш” дostonи замиридаги бадиий жавоҳирларни излаб топиш, унинг кўркам ва умрзоқ асарлигини таъминлаган жиҳатларини тайин этиш дostonнинг аҳли миллат томонидан тушуниб ва севиб ўқилишини таъминлаган бўларди”** [Йўлдошев, 2002: б], – дея эътироф этади.

9-синф дарслигида берилган парча тўрт қисмга бўлинган. Дoston қадимги ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий, Алпинбийлар ўтгани, улардан кейин авлодни давом эттираётган ака-ука Бойбўри ва Бойсариларнинг фарзандсиз экани таърифи билан бошланади.

Эпос тўқимасидаги дастлабки семантик халқа бўлган фарзандсизлик – Яратгандан тилаб олинган, узоқ қутилган қахрамоннинг юзага келиши учун бадиий вазият ҳамдир. Туркий халқларнинг кўпгина эртагу дostonларидаги эпик қахрамон туғилиши билан боғлиқ мотивлар талқинида бефарзандлик муаммосига мурожаат этилади. Ота-онанинг илтижолари натижасида ҳомила ғойибнинг марҳамати туфайли пайдо бўлади. Шунингдек, ҳомиладорлик содир бўлишида ота-боболар арвоҳи ёхуд кароматли авлиёлар воситачи сифатида ёрдамга келиши, аёлларнинг тақдим этилган балиқ, олма сингари нарсаларни ейиши, тасодифий нўхотни ютиб юбориши,

кизнинг ўғирланиши сингари турли эпик моделларнинг аксариятида ғайриоддийлик кузатилади.

“Алномини” эпосида ҳам моли эгасиз қолишдан ташвишга тушган бийлар Шоҳимардон пир равзасида *қирқ кун* худодан фарзанд тилайдилар. Нима учун қирқ кун, деган савол туғилади ўқувчида. Маълумки, илоҳиётга доир манбаларда қирқ кунлик, қирқ йиллик ўлчов мотивлари мавжуд бўлиб, фольклоршунос олима Ш.Назарова буни бизнинг ҳаракат дунёмиздаги ҳаракатсизлик, яъни соҳибини ўзга оламда тутиб турувчи вақт [Назарова, 2003], деб изоҳлайди. Қирқ кунлик вақт ўзга дунё билан мулоқот, янгидан яралиш, янгиланиш, ўзга оламдан қувват олиш, янги куч билан уйғониш, илоҳиёт билан боғлиқ. А.Шиммел ҳам қирқ сониде “покланиш – чилла ўтиришга ишора бор”лигини [Шиммел, 1999:146] таъкидлайди. Асосийси, бу муддат танланганлик нишонасидир. Туғилажак фарзанднинг катта ишларни амалга оширувчи қаҳрамон бўлишига ишора. Шундай қилиб бийларнинг чеккан оху зори Тангрига етиб Бойсари қизлик, Бойбўри эса ўғил ва қизлик бўлади.

Туркий халқ эпосларини қиёслаб ўргатиш ўқувчиларнинг бошқа халқлар оғзаки ижодига бўлган эътиборини янада ривожлантириш, ўзларида маънавий-ахлоқий тарбия асосларини ўзлаштириш ва юксак маънавий фазилатларни такомиллаштириш, кундалик фаолиятларига сингдиришларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу каби педагогик жараёни муваффақиятли амалга ошириш ўқувчиларнинг нафақат ўзбек, балки бошқа халқлар юксак бадиий дostonларини излаб топишга, мустақил ўқиб чиқишга, мулоҳаза билдиришга, энг муҳими, маънавий-хаётий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, юксак маънавиятли инсон тарбиясига маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзига “юктириб” олишга замин тайёрлайди.

Намунавий таҳлил дарсларида халқ оғзаки ижодига хос ўйноқи оҳанг, қисқа туроқ тартиби, вазн, қофия, дostonга хос

фалсафийликни ифодаловчи шакл, тасвирий воситалар, кўчимлар, метафора, талмех, саволу жавоб, тажнис, истиора каби шеърый санъатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки таҳлилдан мақсад ўқувчини фақат эпос мазмуни, сюжет кетма-кетлиги билан таништиришдангина иборат эмас. Бахшининг нафақат улкан шоир, балки ўзбек тили ва унинг ифода имкониятларини пухта ўзлаштирган билимдон, зукко сўз санъаткори эканлиги, туйғулар симфониясининг ўзига хос поэтик оҳангларда етказиш маҳорати, шунингдек, дoston бадииятидаги ифода топилмаларига ўқувчиларини эътиборини қаратиш лозим. Бу эса ўқувчиларнинг тасаввур дунёсини бойитиб, туйғуларининг бойишига, бадиий олам қонуниятларини ўрганишларига хизмат қилади. Бадиий матн мазмуни етарлича таҳлил қилинмас экан, ўқувчиларнинг ундаги нафосат ва гўзалликни ҳис этишлари ҳам оғир кечади. Натижада бадиий асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларидан тўла баҳраманд бўлолмай қолишади.

Ҳар бир парча сўнгида ўқувчиларни мулоҳаза юритишга, танқидий ва ижодий фикрлашга ундовчи жами йигирма олтита савол ва топшириқ берилган бўлиб, ўқувчилар уларга мустақил тарзда, шахсий тушунчалари асосида жавоб беришларига аҳамият қаратиш лозим. Тайёр берилган билим тезда унутилиши барчага маълум. Мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритиб, излаб, меҳнат қилиб ўзлаштирилган билим эса ўқувчи қалбидан, хотирасидан чиқмайди. Бунда образлар таҳлили асносида ўқувчиларнинг ёзма ишларини ташкил этиш яхши самара беради.

Ўқувчиларнинг фақат дарсликдаги парча билан танишиб чиқишлари дostonнинг бутун таровати, мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларига имкон бермайди, албатта. Шунинг учун ҳам дostonнинг бошқа кўпгина таъсирли қисмларини танлаб олиб, кичик жамоаларга бўлинган ўқувчиларга “кейслар таҳлили” кўринишида мустақил таҳлил учун топшириқ сифатида бериш, яна бир қисмини “Алпомиш”

достони асосида суратга олинган фильмдан лавҳа орқали ўрганиш, яна бир қисмини асл ижродан баҳраманд бўлишлари учун бахши томонидан қўйланган достондан парчани намойиш қилиш, яна бир қисмини муаммоли савол-топшириқ асосида мустақил ўқишлари учун уйга вазифа сифатида бериш мақсадга мувофиқ.

Бунда қуйидаги намунавий муаммоли саволларни бериш мумкин:

1. *Чупрон тўйига борган ака-укаларнинг отини ушламай, ўзини хушламай, тўёна сифатида саксон тилла беришларига қарамай, “Бу тўй ўғилнинг ўғлидан қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?” - деб фарзандсизликлари учун даином тоилари отилади. Нега саксон тилла ҳам бир лаган ошининг тўловига ярамади?*

2. *Эпос қаҳрамони тугилганида Шоҳимардон тир қаландар қиёфасида келиб Ҳакимбек деб исм қўяди. Етти ёшида эса унга Алпомиш деб от қўядилар. Эпик қаҳрамонга икки исм қўйилишининг моҳияти нимада?*

3. *Достонда фақат Ҳакимбек кўтариб, ўқ уза олган, Алтинбий бобосидан қолган камон қўлда занг босиб ётгани баён қилинади. Аллик камонининг қўлда занг босиб ётишининг сабаби нима деб ўйлайсиз?*

4. *Барчиннинг чопарлардан юборган хатини сандиқдан Қалдирғоч топиб олади ва акасини сафарга отлантиради. Энди Ҳакимбекнинг ўзи ҳам Барчиной олдига бутун вужуди билан ошиқмаётгандек кўринади бизга. Ҳар бир ҳодиса чуқур мазмун-моҳият касб этувчи достондаги ушбу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?*

5. *Нима учун Барчин қўйган шартларнинг барчасида Алпомишнинг ўзи эмас, унинг номидан Қоражон иштирок этади?*

Дарсликда достондан сўнг “Халқ достонлари ва уларнинг турлари” ҳақида назарий маълумот берилган. Албатта, ўқувчилар учун ушбу умумий маълумот достонни таҳлил

килишлари учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам ўқитувчи томонидан қаҳрамоннинг *илоҳий туғилиши-сафар-туш-шарт-синов-уйланиш* каби дoston сюжeтини ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган мотивлар ва уларнинг таҳлилида нималарга эътибор бeриш лoзимлиги ҳақида таянч тушунчалар бeрилиши мақсадга мувофиқ. Зeро, ичига кирилмаган, мағзи очилмаган ҳар қандай бадиий асар қизиқиш уйғотмайди, ўқувчининг кўнгил мулкига айланмайди.

Қисқа вақт ичида катта бир эпосни ўрганиш, унда бeрилган ҳар бир маълумот ҳамда образларни таҳлил қилиш зарурати ўқувчидан ҳам, ўқитувчидан ҳам кўшимча имкониятларни қидиришни талаб этади.

Бунда ўқувчининг дарс давомидаги лоқайдлигига барҳам бeриб, уни фаолиққа ундайдиган, ўйлашга, муҳокамали фикр юритишга, ўз фикрларини асослаб, изоҳлаб бeришга, изланишга ва меҳнат қилишга ўргатадиган илғор педагогик технологияларни кўллаш яхши самара бeради, албатта. Аммо интерфаол усуллардан фойдаланаман, деб ўқувчиларни қизиқтириш, уларнинг қайфиятини кўтариш учунгина турли кўнгилочар дидактик ўйинларга дарснинг асосий вақтини сарфлаш ҳам тўғри эмас. Чунки фақат қизиқарлиқ ва енгиллиқ бадиий етуклик ўлчови саналмайди. Ўқувчилар эркин, мустақил, ижодий фикр эгаси бўлиб етишмас экан, ҳар қандай замонавий педагогик технология самарасизлигича қолаверади. Зeро, бадиий адабиётнинг ўқувчи шахсига ахлоқий-маънавий, маърифий эстетик ва эмоционал таъсири ҳам ана шунда.

Бугун ҳаётимизни замонавий технологияларсиз тасаввур эта олмайдиган бир даврда дoston ҳамда термаларнинг аудио ва видео вариантларини яратиш, электрон дастурлар, мобил иловаларни ишлаб чиқиш, шу орқали замонавий ўқувчининг талабларини инобатга олиш соҳа мутахассисларининг асосий вазифаларидан. Бугун дунёда янги авлоднинг онги, шуури ва қалби учун кураш кетаётган бир пайтда тарихимиз ва олий

кадриятларимиз акс этган халқ достонлари “Йўлчи юлдуз” вазифасини бажаради.

Зеро, эзгуликка ишонч, ёруғ кунларга умид, ҳақиқат, адолат ва садоқат туйғуларига хурмат руҳини уйғотган халқ оғзаки ижоди дурдоналари инсониятнинг ўзлигини англашида “ҳаёт матаби” вазифасини бажариб, саодатли яшашга ундайверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алпомиш. Шарқ. – Т.: 1998.
2. Ҳайдаров Т. Туш таъбирининг қадимий асослари ҳақида. Адабий мерос. – Т.: 1986.
3. Назарова Ш. Хаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида. – Т.: 2013.
4. Йўлдошев Қ, Қодиров В, Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: 2010.
5. Йўлдошев Қ. “Алпомиш” талқинлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. Маънавият. – Т.: 2002. – Б. 6.
6. Шиммел А. Жонон менинг жонимда. – Т.: 1999. – Б. 146.
7. Жирмунский В., Зарифов Х. Узбекский героический эпос. Наука. – М.: 1947.

## **GULXANIYNING “ZARBULMASAL” ASARIDA QO‘LLANGAN MAQOLLAR XUSUSIDA**

**Rahmatov Yo‘ldosh G‘aybullaevich\***

**Annotatsiya:** *Mazkur maqolada XIX asrning yirik vakili Muhammadsharif Gulxaniyning “Zarbulmasal” asari va unda qo‘llangan xalq maqollarining badiiy asardagi o‘rni haqida so‘z boradi. Asarda ijodkorning xalq maqollaridan foydalanishdagi mahorati va maqsadi haqida bahs yuritiladi.*

**Kalit so‘zlar:** *maqol, zarbulmasal, ironiya, majoz, timsol, fiodal tuzum, xonlik davri, ijtimoiy hayot.*

O‘zbek mumtoz adabiyoti namunasi sanalgan Muhammadsharif Gulxaniyning “Zarbulmasal” asarini uch asrdirki, xalq qo‘lidan qo‘ymay o‘qib keladi. Bunga sabab asar mazmuniga singdirilgan oddiy xalqona falsafa va erkarparvar shoirning ijtimoiy hayotga munosabati va xalq istiqboli hamda hurligi yo‘lidagi kurashi aks etganligidir. Bir so‘z bilan aytganda, “Zarbulmasal” oddiy xalq maqollarida yashiringan falsafiy g‘oya orqali o‘zbek hayotini XIX asrdagi suvratini chizgisidir.

XVIII - XIX asrlar Markaziy Osiyoning ijtimoiy-siyosiy hayotida eng og‘ir va inqirozga yuz tutgan davr sanaladi. Yaxlit bir millat va mamlakatning uch xonlikka bo‘linishi nafaqat siyosiy, balki ijtimoiy tanazzul edi. Shu kichik hududdagi Qo‘qon xonligi, Xorazm xonligi va Buxoro amirligini boshqaruvchi hukmdorlar o‘z dindoshi, millatdoshi bo‘lgan qo‘shni xonlikdan narini ko‘rmay qoldi. Bu uch mamlakat o‘z-o‘zligi bilan raqobatchi bo‘lish barobarida o‘zaro dushman ham edi. Bu hol bir til, bir dunyoqarash, bir madaniyatga ega bo‘lib uchga bo‘lingan bir xalqning boshiga tushgan ulkan kulfati edi. Zero xalqning o‘zi “Bo‘linganni bo‘ri yer, ayrilganni ayiq

---

\* O‘ZRFA. O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti doktoranti. E-mail: yoldosh.r@mail.ru

yer” deb bekorga aytmagan, Muhammadsharif Gulxaniy xuddi shu davr vakili, xalqning dardi, xohishi, istagini dildan his qilgan erkparvar shoiri edi. Shu bois ijtimoiy-siyosiy hayotda ro‘y berayotgan nosozliklarni ifoda etuvchi mazkur asarni yaratdi. Bu haqda adabiyotshunos olim Subtoy Dolimov shunday yozadi: “Gulxaniy “Zarbulmasal” asarida o‘z davrining eng aktual masalalarini badiiy ifodalab berdi. Fiodal sinfnig chirib borishi, bu sinf xulq-atvorining tanazzuli, mamlakatning vayronligi “Zarbulmasal” asarida allegorik obrazlarda o‘z ifodasini topgan”[4.4]. Ko‘rinadiki, shoir yashayotgan davr fiodal tuzum ijtimoiy hayotida ziddiyatlar va xalq noroziligi nihoyatda taranglashgan payt bo‘lib, mana shu zidiyatli turmushni majoziy ifodalashga ehtiyoj tug‘ulgan va Gulxaniy shu ehtiyoj o‘laroq xalq tilida xalq so‘zi bilan ijtimoiy muhit va jamiyatga jabrdiyda xalq sifatida munosabat bildiradi. Shoir o‘sha davr fiodal tuzum haqida yozarkan o‘z iborasi bilan aytganda, “Na six kuysin, na kabob” qabilida ish tutadi. Ya’ni tanazzulga yuz tutib borayotgan xonliklar tuzumidagi ijtimoiy illatlarni xalq masallari va maqollari orqali fosh qiladi. Ijtimoiy hayotda bunday tajribalar nihoyatda qadimiy bo‘lib, bir paytlar “Kalila va Dimna” asari ham shu tariqa yuzaga kelgan. Gulxaniy ham o‘z davri voqealariga majoziy tus berib “Kalila va Dimna” asari usulidan foydalanadi. Bu haqda S.Dolimov shunday deydi: “Gulxaniy “Zarbulmasal”ni yaratishda xalq og‘zaki ijodi bilan birga buyuk hind masali “Kalila va Dimna”dan, Firdavsiy, Jomiy, Hofiz Sheroziy, Muslihiddin Sa’diy, Alisher Navoiy kabi ulug‘ va mo‘tabar shoirlarning asarlaridan ham foydalanadi”[4.3]. Adabiyotshunos R.Muqimov esa: “Gulxaniyning “Zarbulmasal” asari xalq masalchiligi ta’siri ostida yozilgan, lekin shu bilan birga, yozuvchining siyosiy qarashlarini o‘zida to‘liq aks ettirgan orginal hajviy, nasriy asar hamdir”[7.305], -deb ta’kidlaydi.

Asarning badiiy qiymati bugungi kun uchun qanchalik bebaho bo‘lsa, unda to‘plangan xalq maqollari va og‘zaki ijod namunalari o‘sha davr xalq hayoti, turmush tarzi, dunyoqarashini o‘zida to‘la aks ettirishi bilan yana bir karra qiymatini oshiradi. Asardagi og‘zaki



ijod namunalari orqali o‘sha davr tuzumi va ijtimoiy hayotga ommaning munosabati, xalqning kundalik turmush darajasi va xayotiy qarashlarining salmog‘ini aniqlashimiz mumkin.

“Zarbulmasal”da eng ko‘p qo‘llangan og‘zaki ijod namunasi maqol bo‘lib, u asar syujeti jarayonida, personajlar nutqida o‘zaro suhbat asnosida qo‘llanadi. Adib asar tarkibida maqol va masallarni qo‘llashdan ikki maqsadni ko‘zlaydi:

1. Maqollar va masallardagi majoziy ma‘no ifodasi orqali sinfiy tuzumga shaxsiy va omma munosabatini ifodalash, ya‘ni Umar Amirxon saltanati davrida xalq hayoti va xalqning turmush tarziga tanqidiy nazar tashlash va ijtimoiy hayot hamda fiodal tuzumni baholash.

2. Xalq og‘zaki ijodi namunalaridan unumli foydalanib, orginal badiiy asar yaratish barobarida o‘sha davr xalq ijodida mavjud maqol va masallarni jamlash, ularni keyingi avlodlarga beshkast yetkazish.

Gulhaniy ko‘zlagan har ikki maqsadini ham to‘laqonli bajara oldi. “Zarbulmasal”dagi majoziy obrazlar: Malikshohin, Yapaloqqush, Ko‘rqush, Boyo‘g‘li, Hudhud, Kordon, Kuykunak, Sho‘ranul, Turumtoy, Kulonkir va Gunashbonular orqali XVIII-XIX asrda yashagan ijtimoiy jamiyat vakillarini tashkil etgan kishilarning qiyofasini tasvirlashga harakat qildi.

Shoir Gulxaniy Farg‘ona vodiysi eng og‘ir damlarini boshidan kechirayotgan bir paytda, Qoqon xonligi davrda yashadi. Uning ijodga to‘lgan va faoliyati boshlangan davr “Zolimxon” laqabini olgan Olimxon ibn Norbo‘tabiy va uning ukasi amir Umarxon davriga to‘g‘ri keladi. Jumladan, tarixchi Is‘hoqxon To‘ra Ibrat “Tarixi Farg‘ona” asarida o‘sha davr haqida shunday yozadi: “Bu Olimxonning laqabi Zolimxon edi. Buning amakisi Hojibekni qatl qilib, ko‘p zulmlar chiqargan ediki, g‘azabindan, zulmindan Zolimxon mashhur va ma‘ruf, munkiri ahli tasavvuf edi. Ma‘a mo‘fiqhi o‘zini mutasharri’ bilib, ijroi shar’ iddaosi-la ko‘b zulmlar qilur ekan”[5.93]. Gulxaniy mana shunday xalqqa qilingan zulmni o‘z ko‘zi bilan ko‘rdi va o‘zi ham bevosita boshidan kechirdi. “Bizgacha

etib kelgan ma'lumotlarda Olimxon saltanati davrida navkar olish e'lon qilingan paytlarda Gulxaniyning o'z istagi bilan sipohiylikka kirgani aytiladi. Ammo Muhammadsharif urushlarda faol qatnashib, botirlik namunasini ko'rsatgan bo'lsa ham, u qashshoqlikda kun kechirdi, qorni nonga to'ymadi. Ko'rsatgan qahramonliklari xon tomonidan taqdirlanmadi"[1.246], -deb yozadi adabiyotshunos Vohid Abdullaev. Bu haqda Fazliy tazkirasida bunday deyiladi:

Ba davroni jannatmakoni amir,

Chunon bud dar benavoyi asir.

Ki nashkastadar umr none durust[1.426].

Bu fikrning tasdig'i uchun muallif shoirning navkarlikda yozgan "Bideh"(ber) radifli g'azalini keltiradi.

Hazratim, ochlikdin o'ldim, yegani non ber menga,

Kofir olg'ayman agar desamki, bahmon ber menga.

Mosh-u, bug'doy-yu guruch berkim, shular menga kerak,

Hech aytmasman aqiqu la'lu marjon ber menga[1.246].

Ko'rinadiki, shoir doimiy muhtojlik va faqirlikda kun kechirgan, adolatsizlik va nohaqlik qurboni bo'lib yashagan. Bu hol oddiy xalqning XIX asr Qo'qon xonligidagi umumiy hayot tarzi shu tariqa kechganini ko'rsatadi.

“Olimxon arkoni davlat bilan maslahatlashmay, xayoliga nima kelsa shuni qilardi. Natijada qattiqqo'lligi va shavqatsizligi tufayli Zolimxon deb nom chiqargan Olimxonning siyosatidan norozi amir-amaldorlar va ulamolar undan qutilish yo'lini izlaydilar, qish faslida Toshkentga qilingan harbiy yurish vaqtida Olimxonga qarshi fitna uyushtiradilar va Umarxonni “o'zbek xonlari rasmicha oq namatga solib Farg'ona taxtiga o'tqazadilar”[6.48]. Amir Umarxon davrida siyosat va ijtimoiy-iqtisodiy hayot birmuncha mo'tadillashadi. Ijodkorlarga e'tibor qaratiladi. Gulxaniy ham bir muddat saroy shoirlari davrasiga jalb etiladi. “Yangi xonlikning vazifalari agar uning asoschisi davridayoq belgilangan bo'lsa, madaniy ishlarning tamal toshi uning vorisi Umarxon davrida qo'yildi va uning o'g'li Ma'dalixon tomonidan davom ettirildi”[3.289]. Umarxon dastlab mamlakatda osoyishtalik va farovonlikni tashkil qilish maqsadida

islohotlar o‘tkazadi. Atrofiga ziyoli va ijodkor kishilarni jalb qiladi. “Umarxon farmoyishiga ko‘ra, diniy hayotda ham qator islohotlar qilindi. U Olimxon zulmidan qochib, qo‘shni mamlakatlarga ketib qolgan bir qancha ulamo va fuzalo hamda taniqli ziyolilarni Qo‘qonga qaytardi”[9.11]. Ko‘rinadiki, Gulxaniy kabi miskin shoirlar ijodiga ham shu davrda e‘tibor qaratiladi va uning “Zarbulmasal” asarining yuzaga kelishida imkon tug‘iladi. “Gulxaniy saroy aristokratiyasi bilan kelisha olmadi. Mehnat ahlining og‘ir, mashaqqatli hayoti uning ko‘zini ochdi. Lekin shoir hukmron doiralardan noroziligini ochiq ifodalay olmas edi. Shuning chun u allegorik asar yozishga jazm qildi”[1.246]. Asar, avvalo, majoziy-alegorik xarakterga ega bo‘lib, undagi timsollarning hammasi real hayotdagi kishilar sanaladi.

Malikshohin - jamiyatning bosh rahnamoyi, ya‘ni xon, joiz bo‘lsa Olimxon, yoki Umarxon, asarda deyarli uchramaydi. Faqat Kulonkirsulton to‘yiga xomiylik qiladigan, Sho‘ranul orqali xabar yetkazilgan, hukmron doira.

Yapaloqqush (Ukki) - kimsasiz tashlandiq joylar va changalzorlarda yashaydigan qush - o‘sha davr ma‘lum hudud hokimi, o‘zi bo‘larchilik va o‘z xohishicha ish ko‘ruvchi zodagon

Boyo‘g‘li ikkinchi bir viloyat hokimi, Yapaloqqushdan qolishmaydigan vayronani sevadigan, xalq axvolidan xabarsiz, yurtni xarobazorga aylantirgan zodagon.

Kordon, Ko‘rqush yuqori tabaqa vakillari “qo‘ltig‘iga suv purkovchi”, “o‘z ko‘mochiga kul tortadigan” vositachi rahbar korchalonlari.

Kulonkirsulton va Gunashbonu shu doira vakillaridan namuna olib o‘sib kelayotgan yosh avlod. Xullas, asar tarkibida ishtirok etadigan har bir qush jamiyatdagi ma‘lum bir toyifa kishilarining majoziy prototipi sanaladi.

Shoir ularning xarakterini yaratishda, obrazning dunyoqarashi va jamiyatdagi mavqeyiga qarab, personajlar nutqida maqol qo‘llaydi. Timsollar nutqida qo‘llanayotgan maqol bejiz emas, maqol mazmuni va mohiyatiga qaralsa, shoirning asl maqsadi ochila boradi.

Asardagi daslabki maqollar Gunashbonu va uning onasi orasidagi suhbatda qo‘llanadi: “To bahaddeki alomati bulug‘ zohir bo‘lub, tishi chiqib, ko‘zi suzilib, onasining to‘g‘ri so‘zlaganiga egri so‘zlay boshladi. Onasi qabzlanib aytikim:

- Ey bolam, ko‘nglingiz er tilar o‘xshar, oshuqmag. “Oshuqg‘on qiz erga borsa, yorchimas va teshuk munchoq yerda qolmas”, -der erdi”[4.4].

Ko‘rinadiki, zamon nosoz, mamlakatning ertasi bo‘lgan yoshlar axloqi izdan chiqqan, bu adibning xavotirga soladi. Yaxshi tarbiya ko‘rmagan, hokimiyat sari shoshilgan yoshlarning qo‘lida qolgan mamlakat ahvoli ne kechishi, albatta, shoirmi iztirobga solishi tabiiy hol. Gunashbonu nutqida qo‘llangan “Po‘lat pichoq qinsiz qolmas”, “Bosh omon bo‘lsa, do‘ppi topilar” maqollari yoshlarning o‘zi bo‘larchilikka yo‘l qo‘yishi va masuliyatsizligini ko‘rsatadi. Yoki mazkur maqollar orqali Gulxaniy zamonasidagi “haybarakallachi” shaxslarni fosh qilmoqchi bo‘ladi.

Navbatdagi maqol Yapaloqqush va Ko‘rqush suhbatidagi “Bor maqtansa topilur, yo‘q maqtansa chopilur” maqoli sanaladi. Bu maqol asarda Ko‘rqushning Yapaloqqush va Boyqushning o‘zaro mavqe jihatdan teng emasligini aytish uchun qo‘llanadi. Biroq, maqolning tagma‘nosida Olimxon hukimronlik qilayotgan Qo‘qon xonligining siyosiy-iqtisodiy ahvoli fosh qilinadi. Ya‘niki, “o‘zini xon atab, aholiga zulm qilgan va xalq nafratiga sazavor hukmdorning, xalq turmushini nochor ahvolga keltirib, yurtni xarobazorga aylantirgan podshoh nimasi bilan maqtanadi, demak, maqtanishiga arzigulik narsasi yo‘qmi, chopilishga mahkum. Maqol zamiridagi “chopilish” so‘zida Olimxonga qilingan suyuqasdgga ishora bor.

Yozuvchi A.Qahhor takidlaganidek: “Adabiyot atomdan kuchli, uning kuchini o‘tin yorishga sarflamaslik kerak”, hamma zamonlarda ham ijodkorlar badiiy so‘z vositasida davr, ijtimoiy tuzum imkoniyat bermagan haqiqatlarni aytishga, xalq dardini ifodalashga harakat qilishgan. Buning uchun ular so‘zning badiiy funksiyasidan mahorat bilan foydalanishlari va “kosa tagida

nimkosa” usulidan foydalanishlarini ham yaxshi bilamiz. Ijodkordagi bunday ijtimoiy norozilik kayfiyati turli xil ramz, majoz, simvollar orqali voqelanadi. Ko‘p hollarda badiiy asar tarkibida maqollar ayni shu maqsad uchun xizmat qiladi. Gulhaniyning “Zarbulmasali”da maqsadli tarzda qo‘llangan maqollar fikrimizga yaqqol dalil bo‘la oladi.

Shu o‘rinda Ko‘rqush keltirgan maqollarning keyingilariga e‘tibor qaratamiz: “Boyo‘g‘lining og‘zuning burchidini chiqor: “Ming chordevor qizimning qalini”, deb. Holo... podshohimiz... Umarxon... zamonlarida... bir bo‘sh chordevor topilmas, uyalurmiz. Nechukkim, aytmishlar: “Yolg‘on masal turmas”, “Uyat o‘limdin qattig‘”. Yana aytmishlar: “Ermon yog‘ochning egilgani - singani, er yigitning uyalgani - o‘lgani”...”[4.5]. Bu o‘rinda o‘zaro ma‘nosi bir biriga yaqin bo‘lgan uch maqol qator keltiriladi. Xo‘sh nega?! Shoir maqsadini bilish va maqol vazifasini aniqlashga harakat qilib ko‘ramiz.

Dastlabki “Yolg‘on masal turmas” maqoli to‘liq kinoya va ironiyaga asoslanadi. Bizningcha, Olimxon davrida nochor ahvolda bo‘lgan Qo‘qon qisqa bir muddatda Umarxon davrida kelib “jannatmakonga” aylanishi shubhali, qolaversa, Po‘latjon domla Qayumovning “Tazkirayi qayumiy” asariga e‘tibor qaratisa, Gulxaniy hayoti Amir Umarxon davrida ham o‘nglanmagani ma‘lum bo‘ladi. “Adabiy mashg‘ulot Muhammad Sharifda g‘olib ekani ko‘rinadir. G‘azal, muxammaslarigina emas, uning yozgan “Zarbul masal” nomli kitobi o‘lmas bir asar bo‘lib qoladi. Juda ustalik ila fiodalizim davrining adolatsizligi to‘g‘risida qissaning qushlar tilida maroqli latifalar ila bayon etadi. Saroydagi Afsus, Ma‘yus, Ado kabi aristokrat to‘ralar Ma‘dan, G‘oziyilarga o‘rin bermay, xon atrofini o‘raganlar, albatta, oddiy yuzboshilik mansabiga ham bora olmagan kishining o‘z atroflarida ko‘rarmidilar”[8.138]. Demak, adib bu maqol orqali Amir Umarxon davrida har qancha adolatli ishlar qilingani bilan, o‘zining, qolaversa, xalqning ahvoli o‘nglanib qolmaganiga ishora qiladi va maqtovlarning yolg‘on ekanligini fosh etadi. Holbuki, bu fikrimizning to‘g‘riligini keyingi “Uyat o‘limdan

qattig‘” maqoli tasdiqlaydi. Bu maqolda ham aks ma‘no qo‘llanadi, ya‘ni bir avlodan bo‘lgan xonlarning qisqa muddatda mamlakatni “gulistonga” aylantirilishi mubolag‘adan o‘zga narsa emas, bunday demoqqa avvalo uyalmoq zarur edi. Biroq amir atrofini o‘ragan maddoh arkoni davlat uni shu sohta shuhratga ishontirganlar. Zero adib “Ermon yog‘ochning egilgani - singani, er yigitning uyalgani - o‘lgani” maqolini ham bejiz qo‘llamaydi. Keyingi maqollar ham ijtimoiy-siyosiy hayotga xos kamchilik va sohtaliklarni fosh qila boradi. Jumladan, “Anda Yapaloqqush aytdi: “Men sizni bilimlik va ma‘ndin boxabar kishi fahmlab erdim, “Karnay misdin, balg‘am isdin” bo‘lurini bilmas ekansiz ” jumlasida qo‘llangan nihoyatda nozik muammoga ishora qilinadi. “Ashtarxoniylar hukumronligi yillarining so‘ngi bosqichida markaziy hokimiyat zaiflashib, viloyatlardagi boshboshdoqlik kuchayib ketdi. Qo‘qon xonligi deb bilgan siyosiy birlik aslida xuddi shu omil - markazning kuchsizlanishi, joylardagi vaziyatni o‘z izmida tuta olmaganligi natijasida yuzaga kelgan... Qo‘qon xonligining mavqeyi ayniqsa Olimxon (1798-1810)zamonida yuksaldi. Avvalo mazkur hukmdor xonlik maqomini qabul qilgani bilan mashhurdir”[2.290]. Ming urug‘idan bo‘lgan hukmdorlar Farg‘onani qo‘lga kiritgach, Olimxon davrida bu tuzumga soxta xonlik rutbasi beriladi. Holbuki, xonlik rutbasining o‘ziga xos qonuniyatlari mavjud bo‘lib, vaqtida ching‘izxonlarni mag‘lub qilgan Amir Temur ham ju‘at etolmagan maqomga, Olimxonning o‘zini “xon” atashi xalq g‘ashiga tegadi. Bu soxta “xon”ni xalq hech qachon tan olmaydi. Maqolda aynan mana shu sohtakashlikka ishora mavjuddek ko‘rinadi. Ya‘ni “Karnay misdin, balg‘am isdin”, karnay har qancha ko‘kka qarab o‘rlagani bilan, oddiy qiymatsiz mato, misdan ekanligiga kinoya qilinadi. Yana Yapaloqqush ham Ko‘rqushga dakki berib, “Ko‘r tutganin qo‘ymas, kar eshitganini qo‘ymas”, deyish orqali uning nomi Boyo‘g‘li bo‘lgani bilan asli tashlandiq xarobazor egasi ekanligi uqtiriladi. Bu ham yuqoridagi fikrimiz uchun asos bo‘ladi. Keyingi keltirilgan maqollarda ham Qo‘qon xonligidagi davlat tuzimining sun‘iy ravishda buzulishlari, hukmdor bo‘la turib o‘z vazifalarini

chuqur bilmasliklari ortida mamlakatning kun sayin tanazzulga yuz tutib borishi xalqona usulda ochib boriladi. “Dala-tuzni suv olsa, qo‘ngir g‘ozning to‘shidin, quloqsizga so‘z aytsang, qulog‘ining toshidain”, “Teng-tengi bilan tezak qopi bilan”, “Borlikdin maqtanma”, “Maqtangan qiz to‘yda uyalar”, “O‘zini maqtag‘on, o‘limning qorovuli”, “Oyni etak birla yashursa bo‘lurmu?”, “Chumchuq semursa, botmon bo‘lurmu?”, “Ola ko‘zanak ola bo‘lsa ham, arslon bo‘lmas, ola to‘g‘anoq olg‘ur bo‘lsa ham ahvoli ma‘lum”[4.6], maqollari ham “xonlik” maqomining Olimxon tomonidan buzilishiga kinoya qiladi. Olimxonning fitna qurboni bo‘lishiga ham mana shu maqomning buzganligi bo‘lishi ehtimoldan xoli emas, holbuki, uning o‘rnida taxtga chiqqan ukasi Umarxon o‘zini “xon” emas, balki “amir” deb atashi bejiz emas edi. Gulxaniy voqealar tizmasida keltiradigan “Echkining oti Abdukarim”, “Ebi bilan so‘zlaganning qurboni bo‘l”, “Qo‘chqor bo‘lur qo‘zining peshonasi do‘ng bo‘lur, og‘a bo‘lur yigitning peshonasi keng bo‘lur”, “Chuchvarani xom sanabsan”, “Otasi urmas qo‘ng‘izni, bolasi urar tong‘izni”, “Holva degan bilan og‘iz chuchimas”[4.6] maqollarida ham ayni shu buzilgan haqiqatga qarshi xalq isyoni yashirinadi.

Gulhaniy zullisonayn shoir sifatida asar tarkibida mazmunga mos tojik tilidagi bayt va maqollardan ham keltiradi. Jumladan: Yapaloqqush o‘g‘li Kulonkir sultonni Ko‘rqushga tanishtirib ismini aytganda, Ko‘rqush ta‘nasida qo‘llanadi: “Kulonkir sulton ot qo‘ymoq sening haddingmu? Bu ot - Humo, Uqob, Qarchig‘ay, Bahrin, Lochin, Itolg‘u qushlarning salotunidurlar, alarga munosib ot turur”

Tak‘ya barjoyi buzurgon natavon zad bagazof,

Magar asbobi buzurgi hama omoda kuni.

Tojiklardagi bu ibratomuz baytda ham mazmun nihoyatda chuqur[4.6]. Ya‘ni, bironing mansabi va amaliga suyanib maqtanmoq ahmoqlikdir, ulug‘lar joyiga o‘tirish bilan kishi ulug‘ bo‘lib qolmaydi, avvalo shu ulug‘larga mos ravishda fikrlash, ularning amallarini bajara biladigan darajada o‘tib-ulg‘ash lozim bo‘ladi. Buning uchun avval katta tajribaga ega bo‘lmoq kerak

bo‘ladi. Darhaqiqat, bu hikmatda ham, yuqorida aytilgan fikrlarimizga ishora mavjudligini sezishimiz mumkin. Shoir o‘z fikrining dalili sifatida Abdurahmon Jomiyning “Silsilatuz-zahab” dostonidagi masalni misol tariqasida keltiradi. “Sening bu so‘zing qarchig‘aylik dag‘dag‘asi kulang boshiga tushub, durroj shikorin ixtiyor qilib, o‘zi balchiqqa botib qolganiga o‘xshar. Ori, haddan har kishikim oshsa, jazosi shundog‘ bo‘lur”[4.7]. Kulangning Qarchig‘ayga taqlidi ham majoziy manoda Qo‘qon xonligidagi XIX asrdagi hukmron doiraning o‘zi munosib bo‘lmagan mansablarni egallagani va oqibat ijtimoiy tuzmni izdan chiqargani xususida so‘z yuritiladi. Yana xalqning qadimiy maqollaridan namuna keltirib fikrini dalillaydi: “Ayoz, haddingni bil, barchani qo‘y, o‘zingni bil”, “Namangon shahri vayron, oti ulug‘, sufrasi qurug‘”, “Uyda chaksa uni yoq, tom boshida qo‘sh tanur”, “Sichqon sig‘mas iniga, g‘albir bog‘lar dumiga”[4.7]. Agar e‘tibor qilinsa, bu maqollarda ham jamiyatdagi o‘ziga ortiqcha bino qo‘yib, atrofnı unitadigan, aslan xalq orasidan chiqib amaldorlikka erishgach, o‘zini unitgan kichik amaldorlarning fe‘li tanqid qilinmoqda.

Xalq hamisha o‘z taqdirini o‘z hukmdorida ko‘radi, uni Ollohning yerdagi soyasi deb biladi. Shuning barobarida boshiga keladigan kulfatlarning bosh sababchisini ham hukmdorlarning hatti-harakatidan deb qaraydi. Uning nomaqbul ishlarining jabri xalqqa tushadi deb hisoblaydi. Shuning uchun ham hukmron doira va xalq ommasi orasida doimiy murosasiz kurash boradi. Gulxaniy oddiy xalq ommasidan chiqqan shoir sifatida hukmron doira bilan murosaga kela olmaydi. Uning ham qarashlarida xalqning og‘ir turmush kechirishiga yuqori tabaqa vakillarining siyosati sababchi degan asos bor. Shu bois u o‘tkir zaharxanda bilan hukmdor doira vakllarining qilmishlarini keskin fosh qiladi.

Hatto masal tarkibida zodagon zamondoshlari Muhammad Amin Xo‘ja mufti, Niyozcha Bobojon mufti, Muhammad Qosim dallol, Otaboy Amin kabilarning qilmashlaridan ochiq kuladi. “Muhammad Aminxo‘ja mufti... mudom har ishda o‘zidan bemaza



va befahm va beidrokroq odamg`a maslahat qilur erdi. Xoh forsiy, xoh arabiy - har kitob bitsa, sahv va g`alatdin xoli emas erdi”[4.39].

Gulhaniyning fikricha, har ishda sabr yaxshi, biroq zulmga, jabr va sitimga sabr qilish xo`rlik hisobladi. Oddiy xalqqa hamisha diniy ulamolar ham, boy-zodagonlar ham har qanday ishga sabr qilish va sabr bilan kutishni uqtiradi. Hatto “Qur’oni karim”da ham ko`p bor sabrli bo`lishga undaliniladi. Jumladan, “Qur’oni karim”ning “Hud” surasi 11-oyatida shunday bitilgan: “Magar sabr qilganlar va yaxshi amallar qilganlar, ana o`shalarga mag`firat va katta ajr bor”, ko`rinadiki sabr inson uchun eng go`zal fazilatlardan, biroq nohaqlikka, adolatsizlik va razolatga sabr qilishni Olloh ham qo`llamaydi. Shu o`rinda Ko`rqush va Yapaloqqushning sabr haqidagi suhbatga e`tibor qaratamiz. “Anda Yapaloqqush aytdikim: “Ori, balog`a sabr, qazog`a rozi bo`lmoqdin o`zga choram yo`q. Lekin sabrning joyi bilan huzn va anduhdin bo`lak nimarsasi yo`q. Sabr qilib, yaxshi ish qo`ldin ketsa, o`xshamas...”[4.8] To`g`ri, Ollohning balosi va qazosiga bandasining sabrdan o`zga chorasi yo`q, biroq shoir kishining nohaqlik va adolatsizlik qilinayotgan joyda sabrli bo`lishi ham uning xo`rlanishiga olib keladi degan xulosaga keladi. Shuning uchun ham xalq orasidagi “Sabr qilib, yaxshi ish qo`ldin ketsa, o`xshamas” maqolini keltiradi.

Xullas, Muhammadsharif Gulxaniyning “Zarbulmasal” asari XIX asrning ijtimoiy-siyosiy hayoti va o`zbek xalqining maishiy hayotini o`rganish uchun nihoyatda muhim manbalardan biridir.

Asar allegorik xarakterga ega bo`lib, XIX asrda yashagan va bevosita Qo`qon xonligini idora etgan hukmron doira vakllarining prototipi sifatida yaratilgan ularning xalqqa qilgan zulm va adolatsizligi fosh etilgan.

Asarda XIX asrda qo`llangan xalq orasida faol ishlatilgan to`rt yuzga yaqin maqol va masallardan foydalanilgan bo`lib, shoirning ijtimoiy hayotga o`zi va xalq ommasining munosabatini bildirishga xizmat qilgan.

Shoir xalq maqollaridagi tagma'nodan foydalanib, Qo`qon xonligida sodir bo`layotgan adolatsizlik, erksizlik va xalqning nochor ahvolidan shikoyat qilgan.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. - Т.: “Ўқитувчи”, 1980.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Бартольд В.В. Сочинения. 2-том. - Москва.Наука, 1963.
4. Гулханий. Зарбулмасал. “Ўқитувчи”. Т. 1972.
5. Исҳоқ Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона/ Танланган асарлар. - Т.: “Маънавият”, 2005.
6. Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. - Самарқанд. “Зарафшон”, 1996.
7. Муқимов Р. Муҳаммадшариф Гулханий ва унинг “Зарбулмасал” асари. Ўзбек адабиёти масалалари. Тошкент. 1959.
8. Қаюмов П.Д. Тазкирайи қаюмий. Уч томлик. 1-китоб. - Т.: “ЎзРФА Қўлёмалар таҳририй нашриёт бўлими”, 1999.
9. Қобилова З. Муҳаббат мамлакатининг амири./ Амирий. Девон. - Т.: “Тамаддун”, 2017.

## МУНДАРИЖА

<b>ТИЛШУНОСЛИК</b> .....	3
Лутфуллаева Д. Йиллар сарҳисоби: ўзбек тилшунослигининг мустақиллик даври тараққиёти .....	3
Худойберганова Д. Номлаш технологиясига доир луғатнинг лексикографик тамойиллари хусусида.....	18
Бердиалиев А. Сўз бирикмалари тизимида шакл ва маъно номутаносиблиги ҳақида .....	28
Ҳакимов М., Йигиталиева З. Нутқий мулоқот ва контекстуал модус.....	35
Махмараймова Ш. Мифоним ва унинг talqiniga doir bir holat....	48
Жамолитдинова Д. Терминларни антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш хусусида баъзи мулоҳазалар .....	54
Musayeva F. Yangi “o‘zbek tilining izohli lug‘ati”ni tuzish borasidagi izlanishlar.....	61
Эрматов И. Тилшунослик терминологиясида эквоним ва эквонимик муносабатлар .....	69
Asadov T. Muallif nutqi neologizmlari hosil bo‘lishida fe‘l va ot yasovchi unumli affikslar .....	75
Мўминова О. “Кутадғу билиг” асарида мансаб эгалари нутқининг тавсифи.....	84
Maxmudov R. Ogahiy tarixiy asarlaridagi ayrim umumeroniy o‘zlashmalarning geniologik tahlili .....	92

Бердиев Х. Ўтовозлик лексикасида лингвомаданий хусусиятлар .....	106
Абдупаттоев М. Идиостил – муаллифнинг окказионал ўзига хослиги .....	114
Ҳигиталиев У. О‘zbek tilining morfologik sathida “shaxs” konseptining antropotsentrik (assotsiativ) voqelanishi.....	125
Каримова Ф. Диалогик савол-жавобларда пропозитив мазмун ва прагматик маъно масаласи .....	131
Uralov A. Til belgilarida shakl hamda mazmun nomutanosibligi .....	140
Мирзоаҳмедов М. Тилшуносликда ҳукукий атамаларнинг ўрганилиши .....	149
Мирзажонова Л. Диний терминларнинг изоҳли луғатларда берилишига доир .....	156
Nomozova O‘. Makon deyxsisini ifodalovchi til birliklari (Alisher Navoiy asarlari matni misolida) .....	161
Баратова С. “Ҳайратул аброр” дostonидаги ўғуз унсурлари .....	166
Ҳусупова А. О‘zbekcha realiya birliklar ishtirokidagi barqaror birikmalarning lingvomadaniy tadqiqi .....	172
Аҳмедова Н. Болалар нутки: метафора ва метонимия.....	178
Сабиrowa М. Медиалингвистиканинг тадқиқ объекти: медиаматн ва унинг хусусиятлари.....	186
Барлибоева С. Прагматикада коммуникатив стратегия ва тактиканинг ифодаланиши .....	196

Ёдгоров Ж. Ономатоп ментал тафаккур самараси сифатида	202
Кобилов Н. Миллий тасвирни берувчи лингвистик воситалар .....	211
Турдимуродов С. Изоҳли луғатларда метафорик кўчма ва эвфемик маънолар ифодаси .....	219
Ergasheva D. Inson ruhiy holati ifodalashining lingvistik tahlili (Odil Yoqubov asarlari misolida) .....	230
Ro‘ziyev E. Siyosiy nutq lingvistik diskursning alohida mustaqil turi sifatida .....	239
Абдирахманова Д. Куръони каримнинг олтинхон тўра тафсир қилган матндаги соматик фраземалар .....	245
Ражабов Н. Чама сонларнинг ифодавийлик хусусиятларида равиш деривациясининг кузатилиши .....	253
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК .....</b>	<b>262</b>
Ҳаққулов И. Тадқиқ, талқин ва тарғиб сарҳисоби .....	262
Ҳамдамов У. Истиқлол даври ўзбек шеърятининг ўзига хос хусусиятлари .....	268
Раджабова Б. “Тазкират уш-шуаро”да Навоий зикри .....	276
Тўлаганова С. Ёзувчи ижодининг жанрий кўлами .....	285
Кўчқорова М. Ўттиз йиллик ҳозирги ўзбек насрига қисқа экскурс_(муаллифлар ва жанрлар) .....	294
Пардаев Қ. Халқ дарди билан яшаган шоир_(Муқимий ижоди мисолида) .....	310
Файзуллоев Б. Шеъринг санъатларнинг бадиий матндаги ўрни_(Машрабнинг татаббу ғазаллари мисолида) .....	318

Суюнов М. Алишер Навоий ижодида Ҳофиз Шерозий анъаналари .....	326
Барзиев О. Йиғи детали билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар талқини .....	335
Мухаммедова Х. Адибалар насри ўзбек ва инглиз адабиёти мисолида.....	346
Султонқулова Ф. Усмон Азим шеърятида кўчим даражасидаги метафорик образлар.....	353
Юнусова Ҳ. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида визуал шеърятнинг тадқиқ этилганлик даражаси хусусида .....	360
Эшонкулова Г. Тони Моррисон асарларида болалар характерининг тасвири .....	369
Эшонкулова Г. Тони Моррисон ижодида болалик мавзуси	375
Курбанова М. “Сариқ девни миниб” романида образ ва композиция.....	382
Муҳаммадиева Д. «Бобурнома»даги мақол ва маталларни таржима қилиш тамойиллари.....	391
Мухаммедова Н. Жон Апдайк ижодида мистик реализм элементлари .....	400
Ишонханова И. Алишер Навоий шахсининг жамиятдаги ва таълим тизимидаги ўрни.....	406
Allambergenov A. “Dahoning tug‘ilishi yoxud Abu Rayhon Beruniy qismati” qissasida tarixiy milliy kolorit.....	418
Ҳафизова М. Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида Соғуний билан ижодий мулоқотнинг аҳамияти.....	423

Тўхтаева Д. Лутфий ғазалига Навоий жавобияси .....	431
Mansurova M. “Tegirmon” romanida jadid adibi obrazining badiiy talqini .....	438
Rasulova Sh. Xislat bayozlarining o‘ziga xos xususiyatlari.....	447
Ro‘ziyeva O‘. Uyg‘unlik – badiiylik belgisi .....	455
Fayziyeva S. XX asrning 20- yillari matbuotida mumtoz adabiyot masalalari.....	463
Nuritdinova M. «Boburnoma»ning o‘rganilish tarixi xususida..	472
Мадгазиев И. Исломов С. Чўлпон бадий публицистикасининг ноёб намунаси .....	480
Саидова Р. Яссавия тариқати ва маломатийлик маслаги....	488
Норова Н. Усмон Кўчқор шеърятда тарих ва замон муштараклиги .....	494
Намозова Г. Таржимада изоҳларнинг ўзига хослиги.....	503
Kenjayev F. Jaloliddin Manguberdi obrazining istiqlol davri adabiyotidagi talqinlari .....	511
Туракулова О. Ўқувчи-ёшларда мутолаа маданиятини ривожлантириш ижтимоий зарурият сифатида.....	518
Игамуратова Д. Воссоздание фантастических элементов и небывлиц в переводе детской прозы .....	525
<b>ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК .....</b>	<b>535</b>
Турдимов Ш. Ҳамид Олимжон ижодида “Алпомиш” достонининг ўрни ва “Куйчининг хаёли” шеъри хусусида...	535
Палымбетов К.С. Кўрқут ота ҳақида қорақалпоқ афсоналари .....	544
	670

Нарзиқулова М. Туш мотиви ва унинг эпик асарлардаги бадий талқинига доир айрим мулоҳазалар.....	553
Худойқулова Л. Янга образининг ўзбек халқ маросимларидаги ўрни.....	561
Жўраева М.Ю. “Бир” рақамининг ой ҳақидаги топишмоқлардаги поэтик вазифаси.....	570
Имомназарова Ш. Қўлэзма манбаларнинг XIX аср маросим фольклорини ўрганишдаги роли.....	576
Мирзаева Б. Халқ бахшиларининг аниқланиши.....	583
Сабирова Н.Э. Хоразм дostonчилиги: бахшилар репертуари ва ижрочилик маҳорати .....	590
Турғунов Ш.Д. Ўзбек халқ ўланларида қўлланилган ўхшатишларнинг табиати .....	599
Қаландарова Д.А. Карл Райхл – ўзбек фольклорининг тадқиқотчиси.....	605
Турсунова Н. Ўзбек кинодраматургияси ва этнофольклоризмлар .....	612
Ризоева М.А. Мифологик афсоналар ва уларнинг мавзу доирасига кўра ички турлари .....	620
Mashrapova G.A. Yondosh folklor motivlar: aloqadorlik, o‘xshashlik va o‘ziga xoslik .....	630
Muhammad Humayun Nadim. Afg‘onistonda o‘zbek, tojik va turkmanlarning ba’zi mushtarak to‘y-marosimi etnografizmlari	636
Юсуфжонова Н.Н. Халқ эпосларини ўқитишнинг назарий-методик муаммолари.....	644



Rahmatov Y. Gulxaniyning “Zarbulmasal” asarida qo‘llangan  
maqollar xususida.....654

**ISTIQLOL DAVRI O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI,  
ADABIYOTSHUNOSLIGI VA FOLKLORSHUNOSLIGINING  
DOLZARB MASALALARI**

*Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari*

**To‘plovchi va nashrga tayyorlovchilar:**

Ismoilov G‘ulom Mirzayevich,  
Ahmedova Aziza Rustamovna,  
Imomnazarova Shahodatxon Xabitolovna,  
Allambergenov Anvar Erkaboyevich.

Kompyuterda sahifalovchi: G‘.M.Ismoilov

Tasdiqnoma. 007, 27.09.2021.

Bosishga ruxsat etildi 30.09.2021. “Times New Roman” 11.

Bichimi 84x108 1/16 Shartli bosma.t. 30. Nashr bosma t. 30. Adadi 100  
nusxa. Toshkent shahri, Shahrisabz tor ko‘chasi 5-uy. “O‘zbek tili,  
adabiyoti va folklori instituti”.

**Istiqlol davri o‘zbek tilshunosligi, adabiyotshunosligi va  
folklorshunosligining dolzarb masalalari. Respublika ilmiy-nazariy  
anjumani ilmiy maqolalar to‘plami. – Toshkent. 2021. - 672 bet.**